

62.024/  
077

А. Солиев

# ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯСИ



65.04  
с 77

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

А.СОЛИЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯСИ

(ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ  
ГЕОГРАФИЯСИ)

ТОШКЕНТ  
«УНИВЕРСИТЕТ»  
2014

TerDU ARM  
№ 390856

УДК 3321 (584,4) (07.58)

65.04

С 77

Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. Тошкент. «Университет». 2014. 404 б.

КБК 65.04

*Китобда Ўзбекистон Республикаси табиий шароити, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, миллий иқтисодиётнинг тармоқлари географик нуқтаи назардан ёритилган. Унда мамлакатимизнинг ягоналигини таъминловчи Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлари, пойтахт – Тошкент шаҳри иқтисодий географик тавсифи асосий иқтисодий районлар доирасида баён этилган.*

*Дарслик республика олий ўқув юртлари “География” йўналиши талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, ундан магистрант, катта илмий ходим-изланувчи, мамлакатимиз миллий ва минтақавий иқтисодиёти билан қизиқувчи илмий ходимлар ҳамда амалиётчилар фойдаланиши мумкин.*

**Масъул мухаррир** география фанлари доктори,  
профессор А.А.Қаюмов

**Такризчилар:** география фанлари доктори  
Ю.И.Аҳмадалиев  
география фанлари номзоди,  
доцент М.И.Назаров  
география фанлари номзоди,  
доцент Н.Х.Маматқулов

Хариталар география фанлари номзоди, доцент А.Эгамбердиев таҳрири остида берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012-йил 26 декабрдаги 507-сонли буйруғи билан дарслик сифатида тавсия этилган.

ISBN-978-99-43-305-90-8

## СЎЗ БОШИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси, унинг 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахт – Тошкент шаҳри бошчилигида ҳар бири ва биргаликда Ўзига хос иқтисодий макон, жаҳон ҳамжамиятида эса ягона геосиёсий тизимни ташкил қилади.

Мамлакатимиз ҳудуди қадимдан ўзининг суғорма деҳқончилик маданияти, илму-фан ўчоқларидан бири сифатида маълум ва машҳур бўлган. Унинг юксак даражада ривож топиши, хусусан, кейинги, яъни мустақиллик йилларига тўғри келади. Бу даврда Ўзбекистоннинг янги иқтисодий географияси узил-кесил шаклланди, воҳа ва водийлари, уларни боғловчи йўллар янада ривожланди, бепоен чўл ҳамда тоғ ва тоғолди ҳудудлари табиий ресурс салоҳиятидан фойдаланишга кенг имкониятлар очилди, ўсин қутб ва марказлари вужудга келди. Республикамиз иқтисодиётининг бундай юксак даражада ривожланиб бориши жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Ушбу дарслик республика университетлари география йўналиши талабаларига мўлжалланган бўлиб, у икки асосий қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида мамлакатимизнинг умумий таърифи, географик ўрни, аҳолиси ва табиий ресурслари, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари батафсил таҳлил қилинади.

Иккинчи қисмида эса, методологик жиҳатдан “тармоқ–ҳудуд–тармоқ” тамойилига асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари 6 та асосий иқтисодий район доирасида кўриб чиқилади. Вилоятлар иқтисодий географик тавсифи муайян бир тартибда, мантиқан кетма-кетликда келтирилган. Унда вилоятларнинг (минтақаларнинг) маъмурий тузилмаси, табиий ресурслари ва демографик вазияти, хўжалиги, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби, ижтимоий соҳалар ривожланиши, ташқи иқтисодий алоқалари ҳамда ички тафовутлари баён этилади.

Дарслик энг сўнги статистик маълумотлар ва муаллифнинг кўп йиллик педагогик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёзилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунгача, ҳатто собиқ Иттифок даврида ҳам Ўзбекистон иқтисодий географияси бўйича университетларнинг география йўналиши талабаларига бағишланган махсус дарслик мавжуд бўлмаган. Фақат педагогика институтлари учун 1994-йилда “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган Г.Асанов, М.Набихонов, И.Сафаровларнинг “Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси” дарслиги бўлган, холос. Университетларда эса қисман А.Солиев, Э.Аҳмедов ва бошқалар томонидан тайёрланган “Минтақавий иқтисодиёт” (Т., 2003) ўқув кўлланмаси ҳамда А.Солиев, М.Назаров, Ш.Курбоновларнинг “Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши” (Т.,2010) монографиясидан фойдаланиб келинган.



## БИРИНЧИ ҚИСМ

### 1.1. Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни, майдони, чегаралари

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида 1 сентябрь 1991 йилда ташкил топган. Майдони 448,9 минг кв.км., аҳолиси 30,5 млн. киши (1.01.2014 й.). Маъмурий жиҳатдан *Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан иборат*. Республика пойтахти – Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон дунё ҳамжамияти ва сиёсий харитасида ўзига хос мавқега эга. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 190 дан ортиқ давлатларнинг бири. Ўзбекистон Республикаси БМТ га 2 март 1992 йилда қабул қилинган.

Мамлакатимиз Евросиё ва Марказий Осиёнинг деярли қоқ ўртасида жойлашган. Давлат чегараларининг умумий узунлиги 6221 км бўлиб, шундан 2203 км ёки 1/3 қисми Қозоғистон Республикасига, 1721 км Туркменистонга, 1161 км Тожикистонга, 1069 км Қирғизистонга ва 137 км Афғонистон Республикасига тўғри келади.

Республика худуди ғарбдан шарққа 1425 километрга чўзилган, шимолдан жанубга бўлган масофа эса – 930 км. Энг баланд нуқтаси Ҳазрати Султон чўққиси (Ҳисор тизмаси) – денгиз сатҳидан 4643 м баландликда, энг паст нуқтаси Мингбулоқ чўқмаси (Қизилқум чўли) – минус 12 м. Мамлакатимизнинг энг шимолий нуқтаси Устюрт платосининг Орол денгизига туташ қисмида, 45° 36' ш.к., жанубий нуқтаси Термиз шаҳри яқинида - 73° 10' ш.к., ғарбий нуқтаси Устюртда - 56° 00' ш.к.у. ва шарқий нуқтаси Андижон вилоятининг чеккасида 73° 10' ш.к. узокликда жойлашган.

Ўзбекистон табиий, иқтисодий ҳамда сиёсий географик ўрнининг энг муҳим хусусияти унинг Дунё океанидан узокда, Евросиё материгининг ичкарасида жойлашганлигидан иборатдир. Бундай географик ўрин нафақат мамлакат иқлимнинг шаклланишида, балки унинг ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса умумгеографик қонуниятлардан биридир.

Энг аввало, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон худудининг “марказий” географик ўрни ўтмишда, хусусан халқарао аҳамиятга эга бўлган Буюк Ипак йўлида, унинг асосий боғловчи бўғинларидан бири сифатида ривожланишида катта аҳамият касб этган. Юртимизнинг жаҳон маданияти, фани ва иқтисодиёти тараққиётига таъсири айни шу даврда юқори бўлган. Ҳозирги шароитда, яъни “Океан цивилизацияси” босқичида республиканинг қуруқлик ичкарасида жойлашганлиги бирмунча қийинчиликларни юзага келтиради. Бу ерда **иқтисодий географик ўрнининг тарихийлик** (ўзгарувчанлик) хусусияти ўз ифодасини топади.

Иқтисодий географик ўрин (ИГЎ) – бу маълум бир жойнинг (мамлакат, вилоят, шаҳар ва х.к.) ўзидан ташқарида ўрнашган географик элементларнинг (тоғ, дарё, денгиз, шаҳар, давлат, фойдали қазилма бойликлар ва б.) шу жойнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий ривожланишига таъсири демакдир. Бундай таъсир вақт ўтиши билан ўзгариб туради, қулай жой ноқулай ва, аксинча, ноқулай жой қулай ўрнига эга бўлиши мумкин. *Асосий иқтисодий географик қонуният бу ерда шундан иборатки, ҳар бир жой ўзининг ИГЎни қулайлаштиришга, рақобатбардошлигини оширишга интилади.*

ИГЎ – иқтисодий ва ижтимоий география фанининг ҳудудий меҳнат тақсимои, иқтисодий районлаштириш ва ҳудудий мажмуалар қаторида энг муҳим (фундаментал) тушунчаси ҳисобланади. У, айна вақтда, бу фаннинг асосий, пурмазмун тадқиқот усули ҳамдир; ИГЎ иқтисодий географик билимнинг ўзига хос “калити” саналади.

Ўзбекистон Республикаси гарчи Ҳинд океанига, Шимолий муз океанига қараганда нисбатан яқинроқ бўлса-да, геосиёсий жиҳатдан у айна кўпроқ шимол йўналишида “очикроқ”. Жанубда ва жануби-шарқда тоғли ҳудудлар билан чегараланганлиги (бу мамлакатимизнинг асосий табиий географик хусусиятларини белгилаб беради), сиёсий жиҳадан эса унча барқарор вазиятга эга бўлмаган (айниқса Афғонистон Республикаси) давлатлар билан қўшничилиги, ҳозирча, нисбатан яқин бўлган Ҳинд океани бандаргоҳларига чиқиш учун ноқулайликлар туғдиради.

Умуман олганда, давлатимизнинг Дунё океанига чиқиши ва халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришида қуйидаги мумкин бўлган асосий йўналишлар мавжуд:

- Қозоғистон орқали Россия Федерациясининг Шимолий муз океани ва Тинч океан портларига;
- Туркменистон ва Кавказ орқали Қора денгизга ва ундан Ўрта денгиз – Атлантика океанига;
- Афғонистон, Покистон ёки Эрон орқали Ҳинд океанига;
- Туркменистон, Эрон ва Туркия орқали Истанбулга, Ўрта Ер денгизи ва ундан Атлантика океанига;
- Қирғизистон ва Хитой Халқ Республикаси орқали Тинч океанига.

Юқоридаги йўналишлар ёки транспорт йўлаклари (коридорлари)дан фойдаланиш имкониятлари бир хил эмас. Ҳозирги кунда уларнинг амалдагиси асосан биринчиси, яъни Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерацияси йўналиши ҳисобланади. Қолганлари эса, турли сабабларга кўра, аҳамияти паст ёки йўқ даражада. Хусусан, шарқ йўналишида ёки ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга оширилиши, Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши ва жанубий йўналишининг ишга туширилиши мамлакатимиз ривожини учун ўта катта аҳамият касб этган бўлар эди (*Дунё сиёсий харитасига қаранг, турли йўналишларни таққослаб кўринг ва улардан фойдаланиш ҳолати, сабаби ва муаммоларини таҳлил қилинг*).

Ўзбекистон Республикасининг Дунё харитасида мавқеи унинг макроеографик ўрнини тасвирлайди, мамлакатимизнинг МДХ ва Марказий Осиёда давлатлари минтақасида жойлашганлиги эса мезоеографик ўрнини ақс эттиради. Марказий Осиё минтақаси (мазкур тушунчани табиий география фанидаги анъанавий “Марказий Осиё” билан чалкаштирманг) умумжаҳон нуктаи назаридан қараганда жуда муҳим геостратегик ўринга эга. Айниқса, бу ерда йирик ёқилғи-энергетика (кўмир, нефть, табиий газ, уран) захираларининг мавжудлиги жаҳоннинг ётақчи мамлакатлари – АКШ, Европа Иттифоқи, Япониянинг катта қизиқишига, интилишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, минтақанинг сўнгги йилларда жадал иқтисодий ривожланиши нихоятда муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг умумий майдони 4,0 млн. кв.км. дан ортиқроқ, аҳолиси, 2014-йил маълумотларига кўра, 62,7 млн. киши атрофида. Ўзбекистон Республикаси ушбу минтақада худуди бўйича иккинчи, аҳоли сонига кўра эса биринчи ўринда туради. Мамлакатимиз Марказий Осиё минтақаси майдонининг 11,2, аҳолисининг қарийб 48,5 фоизини ташкил қилади (*ушбу нисбий рақамларни солиштириб, Ўзбекистонда ўртача аҳоли зичлиги неча марта юқори ёки пастлигини аниқланг*).

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Марказий Осиё геосиёсий минтақасининг марказида жойлашган. Унинг айни марказда, ўртада жойлашганлиги иқтисодий ва сиёсий география нуктаи назаридан қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради:

1. Марказда, демак республиканинг қўшнилари кўп. Ўзбекистон шимол ва шимоли-ғарбда Қозоғистон Республикаси билан, шарқда Қирғизистон, жануби-шарқда Тожикистон, жанубда Афғонистон ва ғарбда Туркменистон билан чегарадош.

2. Республиканинг марказий географик ўрни унинг қўшни давлатлар билан иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантиришга, ижтимоий, маданий ва сиёсий алоқаларини олиб боришга қулайлик туғдиради.

3. Марказда жойлашганлик қўшни давлатлар учун бозор вазифасини бажаради.

4. Бу ердан мамлакатнинг транзит вазифаларини бошқариш имкониятлари мавжуд.

5. Марказий ўрин минтақада геосиёсий вазиятни шакллантириш ва уни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

6. Республикаимиз минтақа ичкарисида жойлашганлиги боис, унинг йўллари, тарихи, аҳолисининг урф-одатлари, минтақанинг ўзаро туташ худудларда турли-туманлиги, дини ва бошқа трансчегаравий хусусиятларини белгилаб беради.

7. Ўзбекистон дарёлари ҳам ўткинчи (трансчегаравий) шаклга эга; унинг асосий гидрографик шахобчалари – Амударё, Сирдарё ва Зарафшон қўшни давлатлар ҳудудида бошланади ва ҳ.к.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё давлатларига нисбатан эгаллаган ўрни унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ривожланиш имкониятлари ва йўналишларига ўз таъсирини кўрсатади. Бу ерда географик вазият минтақа давлатларининг ҳамжиҳатликда, ўзаро манфаатдор иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни тақозо этади. Ягона геосиёсий ва геоиқтисодий маконнинг шаклланиб бориши Марказий Осиё минтақасининг жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеини янада кучайтиради, унинг таъсир доирасини кенгайтиради.

*Давлатларнинг ёки минтақанинг материк ичкарасида, ўртада, оролда ёки яриморолларда, денгиз-океан бўйларида, чеккада, икки қитъа оралигида жойлашганлигини унинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ривожланишига таъсирини Дунё сиёсий харитасидан фойдаланиб, мисоллар ёрдамида изоҳлаб беринг.*

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида унинг ташқи қиёфаси, чегара чизиклари каби хусусиятлари ҳам муайян аҳамиятга эга. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг узоқ масофада шимоли-ғарбдан жануби-шарққа чўзилганлиги, “энининг” торлиги, қисқа масофада жанубга туташганлигини турлича талқин қилиш мумкин. Республиканинг бундай географик шакли (геоқиёфаси), бир томондан, унинг транзит хусусиятини белгилаб берса, иккинчи томондан, мамлакатни бошқариш, ягона ички транспорт тизими ва транспорт хавфсизлиги ёки мустақиллигини таъминлаш ҳамда иқтисодий интеграция ва аҳолига хизмат кўрсатишида бирмунча қийинчиликларга сабаб бўлади.

Республикамиз давлат чегара чизикларининг кўриниши ҳам ҳар хил: агар улар шимол ва шимоли-ғарбда (айниқса Навоий, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ташқи чегаралари) оддий, баъзан тўғри ёки қандайдир геометрик шаклларда бўлса, Хоразм ва Фарғона водийсида бу чегара чизиклари мураккаб, эгри-бугри кўринишга эга<sup>1</sup>. Одатда, чегаралар оддий бўлса:

- ўтмишда ҳудуднинг кимнидир қарамоғида бўлганлиги ёки мустамлакаси эканлигини;
- ҳудуд табиий хусусиятининг ноқулайлиги, табиий ресурсларининг яхши ўзлаштирилмаганлиги ва иқтисодий салоҳиятининг унча юқори эмаслигини;
- бу жойда аҳоли сийрак, йирик аҳоли манзилгоҳлари шаклланмаганлиги, миллий таркибнинг мураккаб эмаслигини;

<sup>1</sup> Чегаралар ва география; география қайси бир маънода чегаралар ҳақидаги фандир. Бевосита чегаралар билан эса сиёсий географиянинг бир йўналиши ҳисобланган лимология фани шугулланади.

- дарё ёки орографик элементларнинг йўқлиги кабиларни билдиради.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, аини шундай мамлакатнинг чиқиш ёки кириш қисмларида (дарвозаларида) иқтисодий ҳамкорлик имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Чегараларнинг икки муҳим хусусияти, яъни уларнинг барьер (тўсик, ажратувчи, узоклаштирувчи) ҳамда контакт (боғловчи) вазифалари мавжуд. Қолаверса, баъзи давлатларда аини чегара иқтисодиёти ва инфратузилмасига жиддий аҳамият берилмоқда.

*Дунё сиёсий харитасига назар ташланг, ундан оддий чегара чизиқларига эга бўлган давлатларни топинг ва уларнинг тарихий, иқтисодий ва геосиёсий ривожланиш хусусиятларини аниқланг. Аини вақтда бу маъмурий, кўп ҳолларда сунъий кўринишдаги чегара чизиқларининг географик яхлит (комплекс), Гумбольдтчасига фикрлаш, табиий географик жараёнларни тўлиқ тушуниб олишга салбий таъсирини ҳам унутманг.*

Ўзбекистон Республикасининг асосий қисмидан деярли “узилиб” қолган тор масофада у билан боғланиб турадиган анклав ёки батамом узилиб қолган, қўшни давлат ичкарисида жойлашиб қолган эксклав ҳудудлари ҳам мавжуд. Масалан, Фарғона водийси вилоятлари бирмунча анклав хусусиятга эга бўлган бўлса, Фарғона вилоятининг Сўх тумани ёки Шохимардон маскани эксклав ҳолатда жойлашган. Табиийки, бундай географик ўринга эга бўлган ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишида айрим муаммолар юзага келади.

Ўзбекистон ўзининг майдони ёки соф географик салоҳияти бўйича дунё мамлакатлари орасида ўртачадан юқорироқ поғонани эгаллайди. Ер юзасининг ҳар бир давлатига ўртача 5,5 млн. кв.км. майдон ва 26 млн. атрофида аҳоли сони тўғри келади. Ҳудуднинг кўлами бўйича мамлакатимиз Швеция, Ироқ ёки Марокашга тахминан тенг, демографик салоҳияти нуқтаи назаридан эса у Саудия Арабистони, Непал, Перу, Венесуэла, Малайзия каби давлатлар қаторида туради ва жаҳон ҳамжамиятида 41-ўринни эгаллайди.

Ҳар бир мамлакатнинг геосиёсий тузилмаси, бутлиги унинг ички маъмурий-ҳудудий қисмлари, минтақавий бошқарув субъектлари асосида шаклланади. Республика ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳудудий ташкил этиш ва бошқариш тизими орқали амалга оширилади. Бундай тизим иерархик (босқичли) кўринишда бўлиб, у вилоят, туман, вилоят ва республикага бўйсинувчи шаҳарлар, қишлоқ туманлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардан иборат.

Юқоридагилар орасида энг муҳим бўгин вилоятлар ҳисобланади ва бундай даражадаги минтақаларда халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга, вилоят даражасидаги ҳудудий бўғинларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар ҳал этилса, қуйи бўғинларга борган сари

ижтимоий, экологик масалалар маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида устувор ҳисобланади. Демак, энг юқорида сиёсат, энг пастда эса кишиларнинг кундалик ҳаёти, яъни соф ҳолдаги социал масалалар етакчилик қилади.

I-жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича, республикамик вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жами 157 қишлоқ туманлари, 119 шаҳар, 1085 шаҳарча, 1471 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари мавжуд. Энг катта – Қўнғирот (майdonи 76,0 минг кв.км) ва энг кичиги Булоқбоши (0,18 минг кв.км) қишлоқ туманлари ўртасидаги нисбат 422 мартага тенг. Бундай юқори кўрсаткич айни вақтда мамлакатимизнинг ички тафовутларга бойлиги, унинг “географиялиги”дан далолат беради. Агар Қўнғирот туманига Учқудуқ (46,6), Томди (42,5), Мўйнок (37,9) ва Тазқўпир (21,1 минг кв.км) туманларини қўшиб ҳисобласак, у ҳолда маъмур қишлоқ туманлари мамлакат ҳудудининг деярли ярмини ташкил қилади (222,6 минг кв.км).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши  
(1 январь 2014 й. ҳолатига)<sup>1</sup>**

	Ташкил топган йили	Майдони, минг кв.км	Аҳолиси, минг киши	Қишлоқ туманлари	Шаҳарлар	Шаҳарчалар	Қишлоқ фуқаролар йиғини	Қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари
Ўзбекистон Республикаси	01.09.1991	448,9	30488,6	157	119	1085	1471	11017
Қорақалпоғистон Республикаси	09.01.1192	166,6	1736,2	14	12	26	139	1128
<i>Вилоятлар:</i>								
Андижон	06.03.1941	4,3	2805,2	14	11	78	95	456
Бухоро	15.01.1938	40,3	1756,5	11	11	69	121	1469
Жиззах	29.12.1973	21,2	1226,8	12	6	42	100	579
Навоий	20.04.1982	111,0	900,7	8	6	47	55	577
Наманган	06.03.1941	7,4	2504,0	11	8	120	99	403
Самарқанд	15.01.1938	16,8	3444,8	14	11	88	125	1829
Сирдарё	16.02.1963	4,3	763,7	8	5	25	71	260
Сурхондарё	06.03.1941	20,1	2307,5	14	8	114	114	865
Тошкент	15.01.1938	15,3	2726,1	15	16	97	146	885
Фаргона	15.01.1938	6,8	3386,1	15	9	197	161	1021
Хоразм	15.01.1938	6,1	1683,7	10	3	58	98	559
Қашқадарё	20.01.1943	28,6	2895,5	13	12	123	147	1046
Тошкент ш.	VII асп	0,3	2351,8	–	1	1	–	–

*Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*

<sup>1</sup> Аҳоли сони дастлабки маълумотлар бўйича келтирилган.

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING МАЪМУРИЙ - ХУДУДИЙ БЎЛИНИШИ



## ШАРТИ БЕЛГИЛАР

МАРКАЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси

пойтахти

Қорақалпоғистон Республикаси

пойтахти ва вилоятлар маркази

Бошқа аҳоли пунктлари

ЧЕГАРАЛАР

давлатлар

Қорақалпоғистон Республикаси

вилоятлар

АЛОҚА ЙўЛЛАРИ

Темир йўллار

Автомобил йўллари

## ГИДРОГРАФИЯ

Кўللار ва сув

омборлари

Домн оқар дарёлар

Каналлар, коллектор-зоғурлар

Кичик кишлок туманлари ёки хар бири 0,25 минг кв.км-гача майдонга эга бўлганларга Сўх, Бўз, Околтин, Норин каби туманлар ҳам мавжуд. Бу ерда *иктисодий географик қонуният шундан иборатки, туман майдони қанча катта бўлса унинг иқтисодий ва демографик салоҳияти (“зичлиги”) шунча паст бўлади ва, аксинча, кичик ҳудудларнинг сигими юқори даражада бўлади*<sup>1</sup>. Кичик ҳудудларга қўшилиб кетиш “хавф” туғдирса, катта майдонни эгаллаган туманларда эса уларнинг табиий ресурсларини ўзлаштириш натижасида бўлиниб кетиш имкониятлари мавжуд бўлади.

Айни вақтда кичик туманлар (худудлар) табиатига антропоген ва техноген таъсир ёки босим юқори бўлиб, бу ерда худуднинг “зўриқиш” ҳолати кузатилиши мумкин (проф. Ю.Аҳмадалиев ибораси).

Юқори тоифадаги маъмурий бирликларнинг энг катталари Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти (улар биргаликда мамлакат майдонининг 61,8 фоизини эгаллайди), энг кичиклари эса Андижон ва Сирдарё вилоятлари ҳисобланади. Бу борадаги худудий фарқ ёки *географик коэффициент* 38,9 га тенг. Бундай минтақаларнинг сиёсий географик ўрни ҳам турлича. Аввало таъкидлаш лозимки, республиканинг барча вилоятлари давлат чегараларига “чиқишади”. Жумладан, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари 3 тадан давлатлар билан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сирдарё, Наманган ва Фарғона вилоятлари 2 тадан давлатлар билан чегарадош.

## 1.2. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий ресурслари

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, кўп жиҳатдан, унинг табиий шароити ва табиий ресурсларига боғлиқ. Улар биргаликда худуднинг табиий-ресурс салоҳиятини белгилайди, бу салоҳият эса фойдаланадиган табиий бойликлар билан бир қаторда, улардан фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар, захиралардан ташкил топади. Бинобарин, одатда, табиий ресурс салоҳият баҳоланаётганда нафақат реал борлик, балки имконият ҳам назарда тутилади ва бу имкониятлардан фойдаланиш мамлакат иқтисодий ривожланиш истиқболлари асосида ётади<sup>2</sup>.

Ушбу мавзунинг негизини ташкил қиладиган ўзак тушунчалар – табиий шароит ва табиий ресурсларни, умумий ва хусусий жиҳатларини тушуниб олиш зарур. Энг аввало, таъкидлаш лозимки, ҳар иккитасида ҳам “табиий” сўзи бор; демак, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятлари асосан табиий, яъни ғайринсоний жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Аммо жамият ва фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва аҳоли сонининг ўсиб бориши билан табиий шароит ва

<sup>1</sup> Бу ҳақда Ш.Курбончининг “Кичик худудлар ижтимоий-иктисодий географияси” (Т.: МУМТОЗ SO‘Z, 2013.) илмий монографиясидан тўлиқ маълумот олиш мумкин.

<sup>2</sup> Минтақа ёки бошқа худуд имкониятларини аниқлаш SWOT – таҳлил усулининг узвий бир қисми ҳисобланади.



табiiй ресурсларга антропоген ва техноген омишлар таъсири кучайиб, натижада, бизни ўраб турган атроф муҳитнинг “табiiйлиги” борган сари сунъийлашиб боради. Айнан ана шу *табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш география фанининг бош фалсафий масаласи ҳисобланади.*

Албатта, ҳар қандай иккилик келтириб чиқараётганидек, табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари инсон, аҳоли орқали шаклланади. Шу боис, иқтисодий ва ижтимоий география фанида кўпроқ учлик, яъни “табиат – аҳоли – ҳўжалик (ишлаб чиқариш)” тизими қўлланилади. Мазкур учлик ёки “геотрионларнинг” у ёки бу ҳудуддаги ҳолати, даражаси унинг табiiй, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик вазиятини белгилайди. Чунончи, агар уларни пирамидасимон тасвирлайдиган бўлсак, Фарғона водийсида бу пирамиданинг пастки қисми, яъни табiiяти нозикроқ, аҳолиси узун (қалин қатлам), ҳўжалик эса бирмунча қисқароқ кўринишни ҳосил қилади. Айни чоғда Қорақалпоғистон Республикасида эса бунинг аксини кўриш мумкин (табiiй шароит ва ресурслари кўп, аҳолиси кам, сийрақ, иқтисодиёти заифроқ)<sup>1</sup>.

Табiiй шароит ва табiiй ресурсларнинг умумий жиҳатлари билан бир қаторда уларнинг ўзаро фарқлари ҳам мавжуд. Умуман олганда, табiiй шароит кўпроқ муҳит маъносида тушунилади, у ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайди, ундан моддий нёъматлар яратилмайди; табiiй шароит аҳоли яшashi ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун сифат кўрсаткичлар касб этади, яъни у *қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин.* Масалан, жойнинг иқлими, ер усти тузилиши қабилар унинг табiiй шароитини ифодалайди. Табiiй ресурслар эса (ресурс-захира, бойлик) ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади ва улар миқдор кўрсаткичларига эга бўлади. Табiiй ресурслар тугайдиган ва тугамайдиغان қисмларга, тугайдиганлари эса, ўз навбатида, тикланадиган ва тикланмайдиганларга бўлинади. Чунончи, ўрмон, сув, тупроқ ва бошқалар нисбатан узоқ муддатда қайта тикланиши мумкин. Табiiй ресурсларнинг бундай хусусиятлари улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Бирок унутмаслик лозимки, табiiй географик компонентларнинг табiiй шароит ёки ресурс эканлиги улардан қайси мақсадда фойдаланишга боғлиқ. Шу сабабдан, маълум бир соҳада табiiй шароит ҳисобланган компонент бошқа соҳада ресурс бўлиши мумкин. Иқлим ёки рельеф саноат географияси нуктаи назаридан умумий тарзда табiiй шароит саналса, қишлоқ ҳўжалиги учун (ҳарорат, намлик, тупроқ) муҳим агроиклимий ресурслар ҳисобланади. Худди шундай, куёш нури, ўрмон, денгиз рекреацияда етакчи табiiй ресурслардир.

<sup>1</sup> Геотрионларга Ю.Аҳмадалиевнинг докторлик диссертациясида катта аҳамият берилган.

Кўриниб турибдики, табиий шароит ва табиий ресурслар ўртасида катта фарқ йўқ, улар бир-бирларига (аниқ ҳолатда, мақсадда) ўтиб туради. Шунинг учун бўлса керак, баъзи хорижий мамлакатларда бу тушунчалар фарқ қилинмайди ва улар умумий тарзда “табиий шароит”, деб қабул қилинган (демак, табиий шароит  $\geq$  табиий ресурс экан).

Иқтисодий ва ижтимоий географияда табиий шароит ва табиий ресурсларнинг фақат “табиийлиги” эмас, уларнинг инсон ҳаёти ва ҳўжалик фаолияти учун зарурлиги асосий саналади. Бошқача қилиб айтганда, ер, сув, ўрмон, қазилма бойликлар, энг аввало, Инсон учун керак. Шу боис, ушбу фанда табиат компонентларига иқтисодий географик баҳо беришда *антропоцентрик ёки демоцентрик* тамойилга асосланиш талаб этилади. Қолаверса, иқтисодий география фанининг дастлабки келиб чиқиши, илк даври, илдизи айни табиий географик шароит ва ресурсларга бориб тақалади. Ижтимоий ва ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ҳар хил ва турли жойлардаги табиий имкониятлардан фойдаланиб бориш жараёни негизда амалга ошган. Жумладан, бирламчи иқтисодий география фанининг тармоқлари – қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ҳўжалиги, балиқчилик, тоғ-кон саноати географияси табиий география таъсирида вужудга келган.

Табиий шароит ва табиий ресурсларга баҳо беришда, хусусан иқтисодий география фанида, нафақат уларнинг борлиги, миқдори, балки бу бойликларнинг тури, ҳудудий жойлашув ва мажмуалари катта амалий аҳамият касб этади. Бинобарин, **табиий ресурсларнинг ҳудудий таркиби ёки бирикмалари** минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасига, ҳўжалик тармоқларининг турланишига (диверсификациясига) катта таъсир кўрсатади. Масалан, қайси бир ҳудудда тоғ дарёлари ва рангдор метал конлари ёки дарё, ўрмон, сув ёки темир рудаси ва коксланувчи тошқўмирнинг бир-бирига яқин жойлашуви турли хил ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг вужудга келишига, иқтисодиётнинг ҳудудий мужассамлашуви ва агломерациясига асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, табиий шароит ва табиий ресурсларнинг аҳамияти, фойдаланиш йўналиши иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли манзилгоҳлари жойлашишига ҳар хил таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, иқтисодий-ижтимоий баҳо беришда уларнинг айни шу жиҳатларига эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, рельефни барча соҳалар, айниқса қишлоқ ҳўжалиги ва транспорт учун, фойдали қазилмаларни саноат нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва баҳолаш зарур.

Ўзбекистоннинг табиий географик ўрни, берк хавзада, материк ўртасида жойлашганлиги унинг иқлим хусусиятлари ва ташқи геоиқтисодий ҳамда геосиёсий алоқаларни олиб боришга ўз таъсирини кўрсатади. Ер майдонининг нисбатан катталиги мамлакатнинг

умумгеографик кудратини ифодалайди, у худудий меҳнат тақсимотининг кенг ривожланишида аҳамиятлидир.

2-жадвал

**Табиий шароит ва табиий ресурсларга иқтисодий географик баҳо бериш шкаласи**

Табиий географик компонентлар	Ижтимоий-иқтисодий соҳалар:				
	қишлоқ хўжалиги	саноат	транспорт	аҳоли жойлашуви	рекреация ва туризм
Рельеф	++	+	+	+	+
Фойдали қазилмалар	-	++	+	+	-
Иқлим	++	-	-	+	++
Сув	++	+	+	++	+
Тупроқ	++	-	-	-	-
Ўсимлик	+	+	-	-	+
Ҳайвонот дунёси	+	+	-	-	-

*Изоҳ: ++ таъсири кучли, + таъсири бор, - таъсири деярли йўқ даражада.*

*Жадвал муаллиф томонидан тузилган.*

**Рельефи**, яъни ер усти тузилиши бирмунча мураккаброк; республика майдонининг 80 фоизга яқинини (аниқроғи 78,7 %) текисликлар, қолган қисми эса тоғ ва тоғолди худудлар ташкил қилади. Тоғли худудлар мамлакатнинг жануби, жануби-шарқий ва шарқий қисмида жойлашган, текисликлар унинг марказий, шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларини эгаллайди. Ўзбекистоннинг чекка шимоли-ғарбида жойлашган Устюрт платосининг майдони 40,0 минг кв.км атрофида ёки у мамлакат умумий худудининг 9 фоизга яқинини ишғол қилади. Текислик қисми чўл ва чала чўллардан иборат бўлиб, унинг асосини Қизилқум чўли ташкил этади.

Тоғли худудлар, И.Ҳасанов ва П.Фуломовлар бўйича, 3 та асосий тоғ тизимларини ўз ичига олади. Булар: Чотқол-Қурама, Нурота-Туркистон ва Ҳисор-Зарафшон тоғ тизимларидир. Ўз навбатида, Чотқол-Қурама тоғ тизими Тяньшаннинг ғарбий давоми бўлиб, у деярли бир-бирига параллел чўзилган Қоржантағ, Угам, Писком, Чотқол ва Қурама тизмаларидан ташкил топган. Бу ерда энг баланд нукта Сайрам чўққиси Угамда, денгиз сатҳидан 4236 м баландликда жойлашган.

Нурота-Туркистон тоғ тизимига Нурота, Моргузар, Қоратоғ ва Октоғлар киради. Учинчи тоғ тизими, яъни Ҳисор-Зарафшон тоғ минтақаси Ҳисор, Ғузур, Бойсун, Боботоғ, Қўҳитантоғ, Сурхонтоғларни ўз таркибига олади. Ўзбекистоннинг энг баланд нуктаси – Ҳазрати Султон чўққиси ҳам (4643 м) айна шу худудда, Ҳисор тоғларида жойлашган. Шунингдек, унча баланд бўлмаган Чақилқалон, Қоратепа ҳамда Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғликлари ҳам ушбу тизимга тегишлидир.

Тоғликлар орасида муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган тоғ оралиги ботиклар, воҳа ва водийлар жойлашган. Уларнинг энг муҳимларидан бири Фарғона водийси турли томонлардан Мўғултоғ, Қурама, Чотқол, Фарғона тизмалари ҳамда Туркистон-Олой тоғ тизими билан ўраб олинган.

Республика худудида, бундан ташқари, Зарафшон, Китоб-Шахрисабз, Сурхон тоғ оралиги ботиклари ҳам мавжуд.

Мамлакатимизнинг текислик қисмида унча баланд бўлмаган, таркок жойлашган ясси тоғлар кўзга ташланади. Улар Султон Увайс, Бўкантов, Етимтов, Томдитов, Овминзатов, Кулжуктов ва бошқалардир. Энг баланд нуқта – Оқтош чўккиси (922 м) Томдитовда жойлашган. Бу “қолдик” кичик тоғлар катта минерал ресурсларга бой. Бўкантов – “бу кон тов”га ўхшайди.

Умуман олганда, чўл воҳа ва водийлар тоғ ва тоғолди худудлар (адирлар) Ўзбекистон табиий шароитининг ўзига хос географик хусусиятларини акс эттиради. Айни вақтда худди шундай табиий географик вазият республикада худудий меҳнат тақсимотининг кенг ривожланишига қулай имкон яратади. Айниқса, Фарғона водийси – Ўрта Осиё дурдонасининг маълуми машҳур бўлиши, энг аввало, унинг адиру-сойларига боғлиқ. Бу худудни маданийлаштирган, суғорма деҳқончилигини ривожлантирган Сўх, Исфара, Шохимардон, Чортоқсой, Косонсой ва бошқа сойлардир. Уларнинг куйилиш қисмида қадимдан суғорма деҳқончилик ривож топган; ҳар қайси сойнинг куйи қисмида шаҳарлар вужудга келган. Хусусан, бу борада Сўх ёйилмаси типик мисол бўлиши мумкин. Кейинчалик адир остидан бу ёйилмаларда (конус ётқизикларини) бирлаштирадиган каналлар барпо этилган. Энг сўнгги йилларда эса Фарғона водийсининг куйи қисми ўзлаштирилган. Бинобарин айтиш мумкинки, Фарғона водийси бу сойлар ва уларнинг куйи қисмида шаклланган воҳалар йиғиндиси ёки худудий мажмуасидир.

**Фойдали қазилмалар.** Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ер усти тузилишининг ҳар хиллиги, республика худудининг геологик тарихи геохимик жараёнлар таъсирида шаклланган қазилма бойликлар, минерал хом ашё ресурслари географиясини ҳам белгилаб беради. Мавжуд маълумотларга қарангда, Ўзбекистонда 2700 дан кўпроқ фойдали қазилма конлари аниқланган бўлиб, уларнинг фақат тасдиқланган захираси 970 миллиард АҚШ долларни, умумий миқдори эса 3,3 триллион АҚШ далларини ташкил қилади.

*Фойдали қазилма конлар захиралари, уларнинг геологик ўрганилганлигига қараб турли категорияларга бўлинади. Яхши ўрганилган захиралар саннат аҳамиятига эга бўлган захиралар, барча зохиралар эса тахминий ёки прогноз захиралар дейилади.*

*Қазилма бойликлар захиралари халқ хўжалик аҳамиятига кўра баланс ва нобаланс захираларга бўлинади. Баланс захиралар қулай географик ўрин ва яхши техник-иқтисодий кўрсаткичларга (коннинг умумий захираси, сифати, қатламларнинг тузилиши ва ҳ.к.) ҳамда уларнинг қазиб олишга эҳтиёж мавжуд бўлганларни ўз ичига олади. Бу талабларга жавоб бермаган конлар нобаланс захиралар таркибига киради.*

*Фойдали қазилмалар захиралари, уларнинг миқдори, категория ва аҳамияти вақт ўтиши билан ўзгариб боради; янги захиралар очилади, захираларнинг ўрланганлик даражаси ва баланс захираларни тўлдириб бориши рўй беради.*

Ўзбекистон айрим фойдали қазилма захиралари бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари каторидан жой олади. Бунга энг аввало олтин, мис, вольфрам, уран, табиий газ кабилар киради. Жумладан, республикамиз олтин захирасига кўра дунёда 4-чи, қазиб олиши бўйича эса еттинчи-саккизинчи ўринларни эгаллайди (маълумот учун: 2007-йилда Австралия, ЖАР ва Хитойда, уларнинг ҳар бирида 250 тоннадан зиёроқ, АҚШда шунга яқин миқдорда олтин қазиб олинган)<sup>1</sup>.

Ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиёти хавфсизлигини таъминлашда унинг ёқилғи-энергетика мустақиллиги катта аҳамиятга эга. Республикамиз бу борада йирик табиий газ конларига эга. Улар асосан Қашқадарё вилоятида (Шўртанг, Муборак, Учқир, Шўрхоқ, Зеварди ва б.) жойлашган. Бухоро вилоятида ҳам табиий газ конлари мавжуд (Қандим ва б.), бироқ уларнинг кўпчилигини захиралари тугаш арафасида. Айни вақтда Устюртда янги-янги газ конлари топилмоқда. Уларнинг энг йириги Сурғил кони ҳисобланади.

Гарчи мамлакатимиздаги дастлабки нефть конлари Фарғона водийсида очилган бўлсада (масалан, Шўрсувда 1886-йилда), ҳозирги кунда унинг асосий захиралари Қашқарёда вилоятига тўғри келади. Шунингдек, бу ерда Кўкдумалок энг катта кон саналанади ва унинг асосида Бухоро вилоятининг Қоровулбозор шаҳрида йирик нефтни қайта ишлаш заводи қурилган.

Нефть конлари Сурхондарёда (Ховдоғ, Кўкайди, Лалмикор), Фарғона водийсида (Жанубий Оламушук, Полвонтош, Мингбулоқ ва ҳ.к.), Қорақалпоғистон Республикасида (Оқшолоқ, Ўрга, Шохпахти ва б.) мавжуд. Устюрт платоси, Орол кўли акваторияси ва унга туташ худудларда янги нефть конларини аниқлаш бўйича ҳозирги вақтда Россия Федерацияси билан ҳамкорликда (“Лукойл” компанияси) геологик-кидирув ишлари олиб борилмоқда. Бундай ишлар Сурхондарё вилоятида Малайзия ва Эрон мамлакатлари мутахассислари билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Республикада кўмир конлари географияси нисбатан кенг тарқалмаган. Катта захирага эга бўлган Ангрен конида (2 млрд т.) кўнғир кўмир асосан очик усулда қазиб олинади ва у кўпроқ иссиқлик электр станцияларида ишлатилади. Сурхондарё вилоятида Шарғун ва Бойсун (Тўда) тошкўмир конлари мавжуд.

<sup>1</sup> Холина В.Н., Наумов А.С., Радионова И.А. Социально-экономическая география мира. Справочное пособие. – М., 2008, –С.47.

Ёқилғи ресурсларига баҳо берганда қуйидаги хулоса чиқариш мумкин: табиий газ билан мамлакатимиз яхши таъминланган ва у экспорт ҳам қилинади; нефть захираларини қўпайтириш керак; қўмир захиралари эса унча юқори сифатли эмас ва уларнинг саноат аҳамияти камроқ.

Ўзбекистонда темир руда захираларининг ҳам саноат аҳамияти чекланган. Бундай конлар Қорақалпоғистоннинг Султон Увайс тоғида (Тебинбулок) ҳамда Тошкент (Темиркон) ва Навоий вилоятларида (Суленота) топилган. Вольфрам захирасига эса республикаимиз бирмунча бой. Унинг асосий конлари Қўйтош, Ингичка, Яхтон, Саргардон, Лангар ва бошқалардир. Марганец Самарқанд вилоятида, молибден кони Ҳисор, Нурота ва Чотқол тизмасида топилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз олтин, мис, кумуш, қўрғошин захиралари бўйича ҳам ажралиб туради. Олтиннинг энг йирик конлари Мурунгов ва Қўкпатазда жойлашган. Шунингдек, Маржонбулок, Қизилолма, Чодок, Зарметан каби олтин конлари ҳам мавжуд. Жами олтин захирасининг 4/5 қисмидан қўпроғи Марказий Қизилқумда топилган. Ҳозирча республикада аниқланган олтин конларининг тахминан 1/4 қисми, ўрганилган конларнинг ярмига яқини ишлатилмоқда, холос.

Мис Олмалиқ атрофида (Қалмоққир, Дальное, Саричек), полиметал рудалар (Хонжиза, Учқулоч, Лашкарак) захиралари ҳам катта саноат аҳамиятига эга. Шу билан бирга, республикада қўрғошин, қалай, висмут конлари ҳам бор, алюминий хом ашёси – каолин эса Ангрэн қўнғир қўмир қатламлари орасида жуда катта захираларга эга. Ўзбекистон уран конларига бой; унинг асосий конлари Марказий Қизилқумда, Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида жойлашган.

Мамлакатимизда турли тоғ кимёси хом ашёларининг катта захиралари мавжуд. Улар энг аввало Тубекатан калий, Хўжайкон ош тузи, Бойбичекан тош тузи ҳамда Қораумбет, Борса Келмас, Қўнғирот яқинидаги турли туз конларидир. Фосфоритнинг йирик захираси Навоий вилоятида – Марказий Қизилқумда топилган ва ундан ҳозирги пайтда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда ҳар хил қурилиш материаллари – кум, гипс, гранит, мрамор конлари бор. Мрамор Самарқанд, Қашқадрё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистонда қазиб олинади (Ўзгон, Лангар, Омонқўтон, Китоб ва б.). Нометал фойдали қазилмалар – флюорит, дала шпати, графит, асбест, тальк, бентонит гилларининг ҳам захиралари мавжуд.

Шундай қилиб, республикаимизда фойдали қазилмалар асосан Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида жойлашган. Фарғона водийси ва, хусусан, Сирдарё ҳамда Хоразм вилоятлари бу борада деярли кўзга ташланмайди.

Рангли, нодир ва қимматбаҳо метал конларида “йўлдош” минераллар кўп учрайди. Бинобарин, бундай рудаларни иложи борича тўлиқ, комплекс қайта ишлаш талаб этилади. Умуман олганда, мамлакатимизнинг фойдали қазилмалари ёқилғи, рангли металлургия, кимё ҳамда қурилиш

TERDU ARM  
№ 390856

материаллари саноат тармоқларини ривожлантиришга қулай имкониятлар яратади. Бошқа саноат тармоқлари, айниқса қора металлургияни кенг миқёсда ривожлантириш учун эса саноат аҳамиятига эга бўлган тегишли ресурс салоҳияти ҳозирча мавжуд эмас.

**Иқлими ва сувлари.** Ўзбекистон иқлими кескин континентал: ёзи иссиқ, қиши анча совуқ. Мамлакат ичида эса чекка шимол ва шимоли-ғарбда мўътадил, қолган текислик ҳудудларда субтропик хусусиятга эга. Йиллик ўртача ҳарорат шимолдаги +8,9дан, жанубдаги +18 даражагача фаркланади. Январ ойининг ўртача ҳарорати фақат жанубда – Сурхондарёда нолдан юқори (масалан, Шерободда +3,6<sup>0</sup>), Устюртда минус 8-11 даража.<sup>1</sup> Июль ойида ўртача ҳарорат Термиз ёки Шерободда плюс 31-32<sup>0</sup>, Тошкентда +27<sup>0</sup>, Самарқандда +26<sup>0</sup>, тоғ ва тоғолди ҳудудларда бу кўрсаткич бирмунча пастроқ.

Маълумки, ўсимликлар ривожланиши учун суткалик ҳарорат +5<sup>0</sup> даражадан паст бўлмаслиги керак. Мусбат ҳароратлар йиғиндиси вегетация даврини белгилаб беради. Республикамининг энг жанубида бу миқдор 4000-4900 даражага етади, шимолда ва тоғли ҳудудларда эса у 2000-3000<sup>0</sup> атрофида.

Республикамизда куёшли кунлар кўп, шу боис, бу ерда куёш энергияси-радиациясидан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенг. Хусусан, бу борада Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ажралиб туради.

Ёгин-сочин ҳам республика ҳудудида турлича тақсимланган: чекка шимол ва шимоли-ғарбда йилига ўртача 100 мм га ҳам етмайди, айрим тоғ ва тоғолди минтақаларида эса бу рақам 8-9 марта ортиқ. Энг кўп ёгин Атлантика нам ҳаво массаси йўналишига тўғри турган тоғли ҳудудларда қайд этилади (Уғом, Писком, Қоржантов ва б., Ургут туманида жойлашган Омонқўтонда). Фарғона водийсининг ғарбий қисмида ёгин-сочин миқдори анча оз (масалан, Поп туманида 100 мм атрофида), унинг шарқий қисмида эса бундан 2-2,5 марта зиёд. Бу машхур иқлимшунос олим А.И.Воейковнинг намгарчилик билан аҳоли жойлашуви (зичлиги) ўртасидаги қонуний алоқадорлик тўғрисидаги фикрига яққол далил бўла олади. Тошкентда мазкур кўрсаткич 360-370, Самарқандда 325-330, Ургенч ёки Нукусда эса атиги 80-90 мм ни ташкил қилади.

Ёгинлар миқдорининг асосий қисми баҳор ва қиш ойларига тўғри келади, ёзда ва қузда улар жуда кам. Республикамининг аксарият ҳудудида мавжуд (реал) ёгин миқдorigа кўра мумкин бўлган буғланиш баъзи жойларда 8-10 марта ортиқ. Демак, қургўкчилик шароитида дехқончилик фақат сунъий суғориш асосида олиб борилади.

Ўзбекистон берк гидрологик ҳавзада жойлашган. Унинг аксарият дарёлари транзит хусусиятга эга, яъни улар асосан республика

<sup>1</sup> Ушбу маълумотлар И.Хасанов ва П.Ғуломовларнинг “Ўзбекистон табиий географияси” (Т., 2007) дарслигидан олинган.

ташқарисида, қўшни мамлакатлар ҳудудида (Тожикистон ва Қирғистонда) шаклланади. Масалан, Амударёнинг сув йиғиш майдони 80 кв.км га яқин, шундан 8 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади, холос. Сирдарё учун бу кўрсаткич, мос равишда, 38 ва 10 га тенг.<sup>1</sup>

Республикамизнинг асосий дарёлари – Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Шерободдарё ва бошқалар. Улардан асосан қишлоқ хўжалигида, суғорма деҳқончиликда фойдаланилади. Айнан шу мақсадда 40 дан ортиқ катта-кичик сув омборлари, қатор каналлар қурилган. Уларга Чорбоғ, Туябўғиз, Туямўйин, Каттакўрғон, Пачкамор, Андижон, Ҳисорак, Толлимаржон, Чимкўрғон, Жанубий Сурхон ва бошқа сув омборлари, Катта Фарғона, Андижон, Жанубий Фарғона, Катта Наманган, Аму-Бухоро, Қарши, Дарғом, Эски Анҳор, Шовот, Тошсақа ҳамда Сирдарё вилоятидаги каналлар мисол бўла олади.

Мамлакатимизда ер ости сувлари, айниқса, турли минерал таркибга эга бўлган шифобахш сувлар ҳам оз эмас. Улар Хўжайкон, Омонхона, Жайронхона, Чортоғ, Тошкент, Чинобод) ва бошқалардан иборат. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли шаҳарларида халқ орасида анъанавий ном олган “Тошкент суви” ишлаб чиқарилади (Қарши, Фарғона ва х.к.). Шунингдек, ер ости сувларининг чўл ҳудудларида чорвачиликни ривожлантиришда ҳам аҳамияти катта.

**Ер ва тупроқ ресурслари.** Ўзбекистоннинг умумий ер ресурслари 44,9 млн га атрофида, унинг 58-60 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ҳисобланади. Суғорма деҳқончилик майдонлари 4,3 млн гектарга яқин, унинг ярмидан кўпроғи текислик ҳудудларига, қолган қисми тоғ ва тоғолди ҳудудларга тўғри келади.

Лалмикор ёки табиий ҳолда намланиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий майдони 750 минг га, уларнинг 3/5 қисми табиий намгарчилик билан тўлиқ таъминланган. Табиий яйловлар 22 млн га ёки республика умумий майдонининг тенг ярмига яқинини ташкил қилади. Бирок, бу ерларнинг барчаси ҳам сув билан таъминланмаган.

Республиканинг кўпчилик қисмида қўнғир тусли сур тупроқлар (бўз тупроқлар) тарқалган. У.Тожиев, Х.Намозов ва уларнинг муаллифдошлари маълумотларига биноан чўл минтақасида сур тусли қўнғир, чўл кумли ва ўтлоки тупроқлар, суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ҳудудлар (Фарғона, Чирчиқ-Оҳангарон, Мирзачўл, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхон водийси)да сур ёки бўз тупроқлар кўп учрайди.<sup>2</sup> Тоғли ҳудудларда эса жигарранг, қўнғир тусли тоғ-ўрмон тупроқлари тарқалган. Қадимдан суғорилган воҳалар, дарёларнинг куйи қисмида (масалан, Хоразмда) аллювиал тупроқлар ҳам шаклланган.

**Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.** Республикамиз, саноат нуқтаи назаридан қараганда, ўрмон захирасига эга эмас. Бу ерда ўсимликлар,

<sup>1</sup> Рузиев А., Абирқулов У. Ўзбекистон иктисодий географияси. – Т., «Шарк» НМАК, 2001, б.25

<sup>2</sup> Тожиев У., Намозов Х., Нафетдинов Ш., Умаров К. Ўзбекистон тупроқлари. – Т., 2004



хусусан, намгарчилик етарли бўлган тоғ ёнбағирларда кўпроқ, чўл яйловлари эса баҳорда ям-яшил ўтлоқлар билан қопланади. Шу билан бирга Ўзбекистонда, айниқса Сурхондарё вилоятида турли хил доривор ўсимликлар, тоғларда пистазорлар бор. Ўсимликлар, ажойиб ландшафт турлари, чинор, балиқли кўлларнинг рекреация ва туристик аҳамиятини ҳам таъкидлаш жоиз. Ҳайвонот олаmidан эса хўжалик жиҳатдан паррандалар (каклик, бедана, ўрдак, ғоз ва б.) балиқ ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

**Табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси.** Табиат инсон, жамоа ва жамият вужудга келишидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Бутун тараққиёт давомида инсоннинг табиатга, унинг бойликларига таъсири кучайиб борган. Шу сабабли табиатни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳозирги куннинг энг далзарб оламшумул (глобал) муаммоси ҳисобланади.

Табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни мумкин қадар динамик ҳолатга сақлаш, табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида экологик хавфсизликни таъминлашга катта эътибор қаратилиши ҳам бежиз эмас. 1992 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган БМТнинг атроф-муҳитга бағишланган конференциясида қабул қилинган **Барқарор ривожланиш концепцияси** айна шу мақсадларни кўзлайди. Содда қилиб айтганда, бу ғоянинг туб моҳияти бирор-бир табиий ресурсдан фойдаланишда атроф муҳитга зарар етказмасдан, унинг келажак авлод учун ҳам қолишини, улардан биздан кейин ҳам баҳраманд бўлишини назарда тутди.

Сўнгги йилларда турли хил табиий бойликларни казиб олиш (нефть, газ, кўмир ҳар хил рудалар ва б.), янги ерларни ўзлаштириш, ўрмонларни қирқиш, айрим ҳайвонот турларининг йўқолиб бориши, чўлланиш, тупроқ эрозияси ва шўрланиш каби нохуш вазиятлар юзага келмоқда-ки, улар келажак авлод учун хавф туғдиради. Бинобарин, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер-сув мелиорациясини амалга ошириш, кишиларнинг экологик маданиятини шакллантириш катта амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда ҳам бундай муаммолар йўқ эмас. Айниқса, Орол денгизи сатҳининг кескин пасайиши ва куриб бориши бу минтақада хавфли экологик вазиятни юзага келтирди. Мирзачўл, Қарши чўли, Хоразм ва бошқа худудларда тупроқнинг шўрланиши, Чирчиқ-Охангарон, Фарғона водийси, Навоий атрофи экологик ҳолати ҳам табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил ҳал этишни талаб қилади.

### 1.3. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши, жойланиши ва меҳнат ресурслари

Америкалик машҳур олим У.Айзард фикрича, у ёки бу худуднинг хўжалиги мураккаб жумбоқ бўлиб, уни ечишни айна аҳоли бўғинидан бошламоқ керак. Дарҳақиқат, аҳоли мураккаб ижтимоий-иқтисодий

тушунчадир, у билан ишлаб чиқариш “бошдан оёқ”, чамбарчам боғлик. Чунки, меҳнат ресурсларисиз ишлаб чиқариш бўлмайди, ишлаб чиқариш эса аҳоли учун керак; моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси ҳам, уларни истеъмолчиси ҳам аynи ана шу аҳоли, яъни кишиларнинг маълум худуддаги бирлигидир.

Аҳолини иқтисодий ва ижтимоий география фанида ўрганишда унинг уч асосий хусусияти эътиборга олиниши зарур:

- ✓ аҳоли – ишлаб чиқарувчи куч (аҳолининг иқтисодий функцияси);
- ✓ аҳоли – асосий истеъмолчи (ижтимоий, социал функцияси);
- ✓ аҳолининг ўз-ўзини такрор барпо қилиши (демографик жиҳати).

Албатта, ушбу фан нуқтаи назаридан энг аввало аҳолининг биринчи ва иккинчи хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади, чунки улар аҳолини ижтимоий-иқтисодий категория эканлигини ўзида уйғунлаштиради. Қолаверса, анъанавий иқтисодий география фанининг эволюцион тарзда “иқтисодий ва ижтимоий география” мақомини расмий олиши ҳам аynи Инсон омили, аҳоли ва унинг ижтимоий ривожланишининг худудий жиҳатларини тадқиқ қилиш натижасидан келиб чиққан. Аҳолининг учинчи хусусияти, яъни унинг такрор барпо бўлиши эса бевосита демография фанининг тадқиқот объекти бўлиб, ушбу жараённинг худудий тафовутларини ўрганиш *демогеография ёки геодемография* йўналишига мос тушади.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли сони бўйича дунё миқёсида ўртача демографик салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Унинг аҳолиси, 2014-йил 1-январь маълумотларига биноан 30,5 млн. кишини ташкил этади. Бу борада, у МДХ мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейинги учинчи ва Марказий Осиё давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллайди.

Мамлакатимизнинг демографик тарихи унинг аҳолисини турли даврларда ҳар хил суръатларда ўсиб борганлиги билан тавсифланади.<sup>1</sup> Масалан, 1897 йилда ўтказилган Умумроссия аҳоли рўйхати маълумотлари бўйича ҳозирги Ўзбекистон худудида 3948 минг киши истикомат қилган. 1913 йилга келиб, яъни 15 йилдан сўнг бу рақам 4331 мингга етган. 1926 йил аҳоли рўйхати натижалари эса, бу ерда 4629 минг кишини қайд этган ва ўтган давр мобайнида аҳоли сони йилига ўртача 2,1 минг кишидан ортиб борган.

Кейинги даврларда республикада аҳоли сонининг ўсишига собиқ Иттифоқда юз берган сиёсий ва иқтисодий воқеалар жиддий таъсир кўрсатган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида (1939 й.). Ўзбекистон аҳолиси 6347 минг кишини ташкил этган ҳолда, у 20 йилдан сўнг, яъни 1959 йилда 8119 минг кишидан иборат бўлган. Бу давр оралиғида умумий кўпайиш

<sup>1</sup> Республикаимизнинг демографик тарихи таникли олимлар М.К.Корахонов, И.Р.Муллажонов, О.Б.Ота-Мирзасвлар томонидан батафсил урганган.

1772 минг киши, ўртача йиллик кўпайиш эса 88,6 минг кишига тенг бўлган. Ушбу киёсий ракамлар республика аҳоли сони ўсишининг бирмунча жадаллашганидан далолат беради (нисбий кўрсаткичларда йиллик ўртача кўпайиш 1,25 %). Табиийки, уруш жараёнида фронт ва фронт орқасида аҳоли ўлими кўп бўлмаганда республика аҳолиси бундан ҳам тезроқ ўсиб борган бўлар эди.

Навбатдаги икки аҳоли рўйхати оралиғида (1970-1979 йй.) Ўзбекистон аҳолиси 11774 минг кишидан 15389 минг кишига етган; мутлақ кўпайиш 3615 минг, ўртача бир йиллик кўпайиш 402 минг, нисбий ўсиш 130,7 %, ўртача йиллик кўпайиш эса 3,00 фоизга баробар бўлган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон аҳолисининг энг кўп (интенсив) ортиб бориши айти шу даврда қайд этилади.

Собик Иттифокда ўтказилган сўнгги аҳоли рўйхати (1989 й.) Ўзбекистон ҳудудида 19780 минг кишини кўрсатган. 1979-1989 йиллар мобайнида республика аҳолиси 4391 минг кишига ортган ва йиллик ўртача кўпайиш 2,55 фоизни ташкил қилган. Бу эса олдинги даврга қараганда 0,45 фоизга кам демакдир.

Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг ривожланиши ёки ўзгариб бориши кейинги йилларда икки асосий сиёсий-иқтисодий омиллар туфали юз берган. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилда сиёсий мустақилликка эришиши ва унинг миллий иқтисодиётини босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишидир.

1989-2000-йилларда мамлакат аҳолиси 123,8 фоизга ўсган, аммо бир йиллик кўпайиш кўрсаткичи пасайиб бориши жараёни давом этиб, 1,95 фоизга баробар бўлган. Шу даврда демографик ривожланиш бўйича республикамизнинг жанубий минтақалари – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари етакчилик қилган. Уларда умумий ўсиш, мос равишда, 139, 2 ва 136,0 фоиз бўлган. Ушбу ҳудудларда аҳоли сонининг тез кўпайиб бориши (бошқа вилоятларга қараганда) кейинги йилларда ҳам давом этиб, мамлакат аҳолиси ҳудудий таркибида унинг жанубий йўналишда бирмунча “сурилишига” олиб келган. Кўрилатган даврда Наманган, Хоразм, Жиззах, Андижон ҳамда Самарқанд вилоятларида ҳам аҳоли сонининг ўсиб бориши республика ўртача кўрсаткичларидан юқорирок даражада кечган. Айти вақтда Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич пастроқ бўлган. Пойтахт – Тошкент шаҳрида эса ўсиш жуда суст бўлиб, бу ерда бир йиллик кўпайиш атиги 0,10 фоизга тенг бўлган, ҳолос.

2001-2013-йиллар давомида республикада аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши янада интенсивлашган. Баъзи йилларда бир йиллик кўпайиш ҳатто 1,10-1,15 фоизга ҳам тушиб қолган, энг сўнгги йилларда эса бу кўрсаткич бирмунча кўтарилиб, 1,50-1,70 фоизга етган. Бироқ, шунга

қарамасдан умумий хулоса қилиш мумкинки, республикамиз аҳолисининг кўпайиш суръати ўтган асрнинг 70 йилларига қараганда 2,0-2,2 марта қисқарган.

3-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, 2001-2013-йилларда аҳоли сони мутлақ ўсишда давом этган бўлса-да, унинг суръатлари янада пасайиб борган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бундай жараён бутун жаҳон аҳолисида ҳам кузатилмоқда; қатор Европа мамлакатлари эса аҳоли сонининг қисқариши, яъни депопуляция жараёнини бошдан кечирмоқда. Бундай вазият МДХ мамлакатларида ҳам, хусусан Россия, Беларус ва Украинада кескин тус олган. Таҳлиллар кўрсатишича, ўзига хос “геодемографик тўлқинлар” ҳатто кўшни Қозоғистон Республикасининг деярли барча вилоятларида ҳам кузатилмоқда ва бу мамлакатда асосан унинг Ўзбекистонга туташ ҳудудлари, яъни Жанубий Қозоғистонда аҳоли сонини мутлақ кўпайиши ёки унинг турғунлашуви кузатилмоқда, ҳолос.

Республикамизда ҳам бундай геодемографик тўлқинлар кузатилади. Бу ерда аҳоли сони ўсиш суръатининг пасайиши аввало Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайд этилиб, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бу жараённинг аста-секин сўниб бориши ёки тезлигининг қисқариши қайд этилади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистондаги янги демографик ўзгаришлар (туғилиш ва табиий кўпайишнинг пасайиб бориши) марказда бошланиб, маълум вақт давомида у босқичма-босқич бошқа вилоятларга “тарқалади”. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида кузатилган вазият республиканинг жанубий вилоятлари – Сурхондарё ва Қашқадарёда бирмунча вақт ўтгандан сўнг кузатилади ёки такрорланади. Қайд этиш жоизки, бу икки “демографик кутб” ўртасида жараён ўзгаришининг тезлик муддати тобора қисқариб бормоқда.

Аҳоли салмоғига кўра Самарқанд вилояти биринчи, Фарғона – иккинчи, Қашқадарё вилояти учинчи ўринда туради. Демографик салоҳиятнинг энг паст миқдори Навоий ва Сирдарё вилоятларида (3-жадвалга қаранг) кузатилади. Умуман олганда, 5 та вилоятга (Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё ва Андижон) республика жами аҳолисининг деярли 40 фоизи тўғри келади.

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри аҳолисининг ўсиши мамлакат ўртача даражасидан паст бўлган ва уларнинг жами республика аҳолисида улуши қисқарган. Аҳолининг нисбатан жадал ўсиши Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд каби вилоятларда кузатилади. Натижада, бу ҳудудларнинг демографик салоҳияти янада кўтарилган.

Республика ҳудудининг табиий шароити, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларининг турли-туманлиги аҳоли жойлашувига ҳам таъсир қилади. Мамлакат бўйича аҳоли жойлашувининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> ва 67,9 кишидан иборат бўлган ҳолда, у Навоий вилоятидаги 8,1

кишидан Андижон вилоятида 652,4 кишига фарқ қилади. Бу борадаги ички тафовут ёки географик коэффициент 80,5 мартага тенг.

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар**

Худудлар	2001		2014		2001-2014-йиллар		Зичлик, 1 кв. км. га киши 2014 й.
	инг киши	фоизда	инг киши	фоизда	ўсиш %	ўртача ўпайиш, %	
Қорақалпоғистон Республикаси	1527,0	6,1	1736,2	5,7	113,7	1,00	10,4
<i>Вилоятлар:</i>							
Андижон	2216,5	8,9	2805,2	9,2	126,6	1,85	652,4
Бухоро	1437,7	5,8	1756,5	5,8	122,2	1,55	43,6
Жиззах	991,5	4,1	1226,8	4,0	123,7	1,65	57,8
Навоий	791,1	3,2	900,7	3,0	113,8	1,00	8,1
Наманган	1953,2	7,9	2504,0	8,2	128,2	1,95	336,6
Самарқанд	2710,0	10,9	3444,8	11,3	127,1	1,90	205,4
Сирдарё	649,9	2,6	763,7	2,5	117,5	1,25	178,4
Сурхондарё	1770,4	7,1	2307,5	7,5	130,3	2,05	114,8
Тошкент	2370,2	9,6	2726,1	9,0	115,0	1,10	178,6
Фарғона	2697,5	10,9	3386,1	11,1	125,5	1,75	500,9
Хоразм	1347,7	5,4	1683,7	5,5	124,9	1,70	278,3
Қашқадарё	2212,5	8,9	2895,5	9,4	130,9	2,10	101,3
Тошкент ш.	2137,9	8,6	2351,8	7,8	110,0	0,75	7126,7
Жами Ўзбекистон Республикаси	24813,1	100,0	30488,6	100,0	122,9	1,60	67,9

*Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тuzилган.*

Тарихан аҳоли мамлакатимизнинг суғориладиган воҳа ва водийларида зич жойлашган. Чунончи, бу кўрсаткич Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятларида анча юқори. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий вилояти Ўзбекистон ҳудудининг 61,9 фоизини ташкил қилса-да, бу ерда мамлакат аҳолисининг атиги 8,7 фоизи яшайди; шу боис, айни ана шу икки маъмурий бирлик республика аҳолиси жойлашувининг ўртача кўрсаткичига жиддий таъсир кўрсатади.

Бухоро ва Жиззах вилоятларида ҳам аҳоли зичлиги унча юқори эмас, Сурхондарё ва Қашқадарёда эса у ўртача кўрсаткичдан бирмунча юқори. Бироқ шунга қарамасдан, ҳатто бу ҳудудларнинг ҳам ички, қадимдан суғорилданган районларида (масалан, Вобкент, Шофиркон, Ғиждуvon, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши, Яккабоғ туманларида) аҳоли анча зич жойлашган. Умумий тарзда республика аҳоли жойлашуви кўп жиҳатдан гидрографик шахобчалар—суғориладиган дарё ва ирригация иншоотлари билан белгиланади. Шу билан бирга, йирик шаҳарлар, айниқса Тошкент агломерацияси доирасидаги қишлоқ туманларида ҳам аҳоли жойлашуви жуда зич (1 км<sup>2</sup> га 700-750 кишини ташкил этади).

2013-йил маълумотларига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 51,2 фоиз аҳолиси шаҳар жойларига тўғри келади. Мутлақ рақамда у 15370,1

минг киши. Шаҳар аҳолисининг олдинги йиллардаги миқдори куйидагича бўлган (минг киши ҳисобида): 1926 й. -1002; 1939 й. – 1470; 1959 й. – 2729; 1970 й.-4327; 1979 й. – 6348, 1989 й. – 8059 ва 2000 йилда 9166 минг киши. Шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати айниқса 70-80 йилларда юқори бўлган. Бунга сабаб – 1972-йилда аҳоли манзилгоҳларининг шаҳар мақомига ўтказиш учун талаб этиладиган энг кам аҳоли миқдорини 10 мингдан 7 мингтагача туширилиши ва бунинг оқибатида шаҳарлар сонининг ниҳоятда тез кўпайишидир (агар 1970-йилда республикада 42 шаҳар мавжуд бўлган бўлса, 1979 йилда уларнинг сони 90 тага етган).

1989-2009-йилларда шаҳарликлар сонининг ўсиши анча сусайган. Натижада, умумий урбанизация кўрсаткичи 40,7 фоиздан 35,8 фоизга тушиб қолган. Вилоятлар даражасида мазкур жараён айниқса Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразмда сезиларли бўлган ва у фақат Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ҳамда Наманган вилоятларида бирмунча кўтарилган.

2009-йилни республикаимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлига йили” деб эълон қилиниши муносабати билан урбанистик вазиятда кескин ўзгариш юз берди. Янги урбанистик сиёсат туфайли Ўзбекистонда бирданига 966 кишлоқ аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилди. Уларнинг ҳозирги реал ҳолатини ҳисобга олиб, *“агрошаҳарлар”* деб аташ мумкин.

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг кўп янги шаҳарчалар Фарғона вилоятида ташкил этилган – 196 та. Шунингдек, бундай манзилгоҳлар Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган вилоятларида ҳам анча кўп – ҳар бирида юзтадан ортиқ. Бирмунча камроқ янги шаҳарчалар Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилади. Умумий урбанизация даражасининг энг юқори кўрсаткичи Наманган вилоятида – 64,3 %. Бу кўрсаткич Фарғона ва Андижон вилоятларида ҳам ўртачадан юқори. Нисбатан урбанизациялашмаган минтақалар Хоразм, Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳисобланади.

Урбанизация жараёни ва унинг якуний кўрсаткичи, одатда, ҳудудлар иқтисодиётининг ихтисослашуви, шаҳар ҳосил қилувчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ. Шу нуктаи назардан Қорақалпоғистон ва қисман Навоий вилоятида мазкур кўрсаткичнинг бирмунча юқорилиги кўрилаётган ҳудудлар саноат салоҳиятидан эмас, балки бу жойларда интенсив қишлоқ хўжалигини ривожлантириш шароитларининг чекланганлидан дарак беради. Фақат пойтахт – Тошкент вилоятида у ҳақиқий реал воқеликни акс эттиради, чунки бу ерда, бошқа вилоятларга қараганда, саноат тармоқлари нисбатан яхшироқ ривожланган. Аммо бундай ҳулосани Наманган ва Фарғона вилоятлари учун қўллаш унча тўғри бўлмайди.

Миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини шаҳарлар тўри ва тизими ҳам яққол ифодалаб беради. Аксарият ҳолларда шаҳарлар сонининг кўплиги, йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг

мавжудлиги ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг юқорилигини кўрсатади. 2013-йил маълумотларига кўра, республикада 119 шаҳар ва 1065 шаҳарча мавжуд. Шаҳарлар сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси (12), Қашқадарё (12) ва Тошкент (16) вилоятлари ажралиб туради. Айни вақтда ҳудудий урбанистик таркиб Жиззах, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида яхши ривожланмаган.

4-жадвал

**Ўзбекистонда 2009-йилда ташкил этилган янги шаҳарчалар**

Худудлар	Янги шаҳарчалар сони	Урбанизация кўрсаткичи (2013 й., %)
Ўзбекистон Республикаси	966	51,2
<i>шу жумладан:</i>		
Қорақалпоғистон Республикаси	11	49,7
<i>Вилоятлар:</i>		
Андижон	78	52,8
Бухоро	60	38,5
Жиззах	34	47,6
Навобий	30	50,1
Наманган	109	63,8
Самарқанд	76	38,8
Сирдарё	16	43,3
Сурхондарё	107	36,2
Тошкент	79	49,3
Фарғона	196	57,3
Хоразм	51	33,2
Қашқадарё	119	43,2

*Жадвал муаллиф томонидан тузилган.*

Бу ерда, иқтисодиётнинг асосан қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатига ихтисослашганлиги сабабли, кичик шаҳарлар тармоғи жуда кенгдир. Жумладан, республикада 17 та катта шаҳарлар (100 минг аҳоли ва ундан ортиқ) 19 та ўрта шаҳарлар (50-100 минг киши) 69 та “ярим ўрта” шаҳарлар (20-50 минг) мавжуд. Қолган 1063 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг ҳар бирида 20 минг кишидан кам аҳоли истиқомат қилади (1-илова).

Ўзбекистондаги катта шаҳарлар ҳиссасига республика шаҳар аҳолисининг 39,9 фоизи тўғри келади. Аҳоли сонига кўра Тошкентдан кейинги ўринларда Наманган, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Нукус, Қарши шаҳарлари туради. Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Қўқон, Марғилон шаҳарларининг ҳам ҳар бирида 100 мингдан зиёд аҳоли бор. Айни вақтда Сирдарё вилоятининг маъмурий маркази – Гулистонда атиги 63,2 минг киши яшайди. Шу билан бирга, йирик марказлар негизида шаҳарлар ҳудудий тизимининг мураккаб шакллари ҳам вужудга келган. Чунончи, Тошкент Самарқанд, Фарғона-Марғилон агломерациялари шулар жумласидандир.

Бой тарихга эга бўлган, урбанизация жараёнининг “осиёча” ёки шарқона шакли кишлоқ хўжалигининг сугорма деҳқончилиги ва у билан боғлиқ шаҳарлар тўрига асосланади. Бинобарин, шарқ тарихи ва шарқ маданиятини сугорма деҳқончилик ҳамда кишлоқ ва шаҳарларнинг ажралмас бирлиги, урбанизациянинг ўзига хос йўналишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис республикамиз иқтисодий ва демографик салоҳияти асосан кишлоқ хўжалиги ва кишлоқ аҳолисидан ташкил топган.

Жорий маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 11831 та кишлоқ аҳоли манзилгоҳлари бор. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг ҳар бирида мингдан ортиқ кишлоқлар мавжуд, уларнинг энг кам миқдори эса Сирдарё вилоятида – 284 та. Республикмизда ўртача ҳар бир кишлоққа 1300 киши тўғри келади. Бу жиҳатдан Наманган ва Андижон вилоятлари олинда туради. Худуди кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун унча қулай бўлмаган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларида эса кишлоқлар анча кичик (ўртача 640-700 киши)<sup>1</sup>.

2009-йил – “Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” йили деб эълон қилиниши муносабати билан кишлоқ жойлар ижтимоий-иқтисодий муаммоларига катта эътибор берилди. Айниқса кишлоқ аҳолисини электр энергия, ичимлик суви ҳамда табиий газ билан мунтазам таъминлаш, аҳоли бандлиги масалаларини ҳал этиш “Кишлоқлар ривожланиши” Давлат дастурида устувор вазифалар қилиб белгиланди. Аҳолиси кўп, саноат ва қурилиш иншоотлари мавжуд бўлган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма шаҳобчалари яхши ривожланган йирик кишлоқларнинг баъзиларига шаҳар ёки шаҳарча мақоми берилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда йирик кишлоқлар, хусусан, Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида кўп. Табиий шароити хўжалик юритиш ва аҳоли жойлашуви учун нисбатан ноқулай бўлган худудларда эса уларнинг сони озроқ. Масалан, республикамизнинг “энг тоғли” ва “энг кишлоқли” вилояти – Сурхондарёда бундай аҳоли манзилгоҳлари анча кам.

Юқоридагиларга мос равишда кишлоқ жойларда меҳнат ресурслари ҳам кўп ва ҳатто улар керагидан ҳам ортиқча. Иш ўринларининг етишмаслиги, ишсизлик, меҳнат бозорининг фаол эмаслиги аҳолиси зич жойлашган воҳа ва водийларда ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айнан шунинг учун ҳам республикада кишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришга, кишлоқ саноати ва инфратузилмасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг миқёсда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу далзарб масала давлатнинг минтақавий сиёсатида ўз ечимини топмоғи лозим.

<sup>1</sup> Бу ҳақда А.Солиев ва М.Назаровнинг “Ўзбекистон кишлоқлари (Кишлоқ жойлар географияси)” (Т., 2009) илмий монографиясидан батафсил маълумот олиш мумкин.



Ўзбекистон аҳолиси асосан **табиий кўпайиш** натижасида ошиб боради. Бу омилнинг роли бизда ҳаммавақт юқори бўлган. Энг сўнгги йилларда эса у аҳоли сони ўсишининг бирдан-бир манбаи бўлиб келмоқда. Бироқ, таъкидлаш жоизки, 90-йилларда аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнида жиддий ўзгаришлар юз берди; энди республикамизни анъанавий ҳолатда туғилиш ёки табиий кўпайиш юқори мамлакат сифатида таърифлаш унча тўғри эмас.

Туғилиш коэффициентининг кескин қисқариши энг сўнгги йилларга тўғри келади. Масалан, туғилиш 1990 йилда 33,7 промиллега тенг бўлган ҳолда, 1999-йилда у бирданига 22,3 промиллега тушиб қолган, яъни бу қисқа даврда мазкур кўрсаткич 11,4 пунктга ёки 1,5 мартага камайган. 2013-йилда ҳар минг кишига нисбатан туғилиш 21,4, ўлим 4,9 ва табиий кўпайиш 16,5 кишини ташкил этади. Ўлим даражасида кескин ўзгаришлар бўлмаганлиги сабабли, аҳолининг табиий кўпайиши асосан унинг туғилиш кўрсаткичларига боғлиқ.

Ўзбекистон шароитида кичик шаҳарчаларнинг кўпчилигида реал демографик вазият оддий кишлоқлардаги ҳолатга ўхшаб кетади. Аммо, шу билан бирга таъкидлаш лозимки, баъзи бир юқори даражада саноатлашган шаҳарларда туғилиш даражаси анча паст. Чунончи, мавжуд маълумотларга кўра, туғилиш ҳар 1000 аҳолига Чирчиқ, Янгиобод, Когон каби шаҳарларда 12-13 киши атрофида. Ҳатто типик шарқона шаҳарларимизда ҳам (Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва б.) мазкур кўрсаткич 14-15 промиллега тенг. Натижада, аҳолининг табиий кўпайиши анча кам – Чирчиқ ёки Янгиободда у 5 промиллега ҳам етмайди. Албатта, бундай демографик вазият республикамиз учун унча анъанавий эмас. Бу, ўз навбатида, *демографик жараёнларда ҳам ўзига хос ўтиш даври кечаётганлигидан далолат беради*<sup>1</sup>. Табиийки, бу жараёнлар яқин келажакда меҳнат ресурслрининг шаклланишига, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Вилоятлар бўйича туғилиш ва табиий кўпайишнинг нисбатан катта кўрсаткичлари Қашқадарё ва Сурхондарёда, паст даражаси эса Тошкент ва Навоий вилоятларида кузатилади. Пойтахт вилоятида табиий кўпайиш 14,3 промиллени ташкил этади. Ўлим кўрсаткичларида унча катта тафовут йўқ: унинг энг кам миқдори туғилиш анча юқори бўлган Қашқадарё вилоятида бўлиб, бундай нисбат мазкур ҳудудда аҳоли сонининг тезроқ ортиб боришига олиб келади.

Республика аҳолисининг кўпайишида **ташқи миграция**нинг ҳам роли бор. Аммо бу омилнинг ижобий таъсири кўпроқ аввалги йилларга тўғри келган. 70 ва, хусусан, 80-йиллар охиридан бошлаб ушбу жараён Ўзбекистон учун манфий натижага эга бўлган. Бу, асосан, бир вақтлар

<sup>1</sup> Агар иқтисодиётда барқарор ривожланишга 1996-йилда эришилган бўлса, демографик жараёнларда, асосан туғилиш кўрсаткичларига бундан 10 йил кейин – 2006-йилда эришилган.

Ўзбекистонга кўчиб келганларнинг яна ўз ватанларига қайтиб кетишлари натижасида юз берган.

Шунингдек, келувчилар сони мунтазам равишда камайиб борган, кетувчилар миқдориди эса аниқ, бир йўналишдаги жараён унча сезилмайди. Масалан, республикамиздан ташқарига кетганларнинг энг кўп миқдори 1990 йилда кузатилган. Бироқ, шу йили келганлар сони ҳам нисбатан кўп бўлган. Бунинг натижасида миграция қолдиғи (сальдоси) минус 121 минг кишини ташкил қилган. 1994 йилда кетганлар сони аввалги йилларга қараганда унча кўп бўлмасида, аммо келганлар жуда озчиликни ташкил қилган (мос равишда 179 ва 38 минг киши), оқибатда, миграция қолдиғи кўрилатган даврда энг юқори бўлган (минус 141 минг киши). 2010-йилда келганлар 139,8 минг, кетганлар 183,9 минг, миграция қолдиғи минус 44,1 минг киши бўлган. 2012-йилда эса бу кўрсаткичлар 169,7; 210,6 ва минус 40,9 минг кишига тенг бўлган.

Л.П.Максакова ва О.Б.Ота-Мирзаев маълумотларига қараганда, 1991-1997 йилларда республика шаҳар жойлари бўйича нетто-миграция, яъни соф салбий миграция қолдиғи рус миллатига мансуб бўлганларда 302 минг, татарларда 95, яхудийларда 50, украинларда 28, немисларда 20 минг кишини ташкил этади. Кетувчиларнинг асосий қисми Россия Федерациясига тўғри келади. Ўзбекистон Украина ва Қозоғистон давлатлари билан ҳам бўлган аҳоли алоқаларида анча кўп манфий миграция қолдиғига эга, унинг мусбат натижаси эса кўпроқ Тожикистон хисобидан юзага келган.

Қайд этиш лозимки, ташқи миграцияда энг аввало шаҳар аҳолиси қатнашади. Бинобарин, миграциянинг салбий оқибати ҳам айни шаҳарларда ва жумладан, русийзабон халқлар кўпроқ жойлашган саноат марказларида кузатилади. Шунинг натижасида, масалан, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен каби шаҳарларда аҳоли сони 1991 йилга қараганда камайган ёки жуда оз даражада ортган. Қолаверса, Тошкент шаҳрида ҳам аҳоли сони унча кўп ўсмаган.

Ташқи миграциядаги вазият шаҳар жойлардаги меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифат жиҳатларига ўз таъсирини кўрсатади. Чунончи, миграцияда асосан катта ёшдагилар ва малакали ишчи кадрларнинг қатнашганлари сабабли меҳнат ресурсларидан фойдаланишда муваққат муаммолар вужудга келиши муқаррар.

Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатидаги ўзгаришлар унинг миллий, жинс ва ёш таркибига ҳам таъсир кўрсатади. Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат, бу ерда 100 дан ортқик тенг ҳуқуқли миллат ва элат вакиллари яшайдилар. 1989-йил аҳоли рўйхатига мувофиқ, ўзбеклар жами аҳолининг 71,4 фоизини ташкил этади. 90-йилларда бир вақтлар кўчиб келган бошқа миллат вакилларининг реэмиграция қилиши туфайли ўзбекларнинг улуши кўпаймоқда. Республика аҳолисининг ҳозирги миллий таркиби 5-жадвалда ўз аксини топган. Сўнгги маълумотларга

қараганда, 2013-йилда 24,9 млн га яқин ёки жами аҳолининг 82,9 фоизи республиканинг туб миллати – ўзбекларга тўғри келди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари кўп миллатли. Нисбатан sanoatлашган вилоят ва шаҳарларда маҳаллий халқлардан ташқари бошқа миллат вакиллари ҳам кўп (Тошкент, Навоий вилоятлари, Тошкент, Чирчиқ, Ангрен, Олмалик, Зарафшон, Фарғона ва бошқа шаҳарлар). Шу билан бирга, Хоразм вилояти аҳолиси асосан бир миллатли – 97,5 фоиз аҳоли ўзбеклардан иборат. Ўзбекларнинг ҳиссаси Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида камроқ (5-жадвалга қаранг).

Ўзбекистонда 662 минг қорақалпоқ миллатига мансуб кишилар яшайди (01.01.2013.). Уларнинг аксарияти (94,2 %) Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган. Мамлакатимизда қадимдан тожиклар ҳам жуда кўп (1,5 млн га яқин) яшаб келган. Уларнинг асосий қисми Сурхондарё, Самарқанд, Наманган ва Фарғона вилоятларида яшайди. Тожиклар, шунингдек, қисман Тошкент, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида ҳам яшайди. Қозоқлар кўпроқ Қорақалпоғистонда ҳамда Навоий ва Тошкент вилоятларида, қирғизлар Жиззах, Фарғона ва Андижон вилоятларида, туркманлар – Сурхондарё ва Қашқадарё, Қорақалпоғистонда истиқомат қилади. Булардан ташқари, республикамизда украин, татар, корейц, бошқирд, арман, озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги шаҳар жойларида истиқомат қилади.

Аҳолининг жинсий таркиби тенглашиб бормоқда; шаҳарликлар орасида аёллар кўпроқ (50,2 фоиз), кишлоқларда эса жинслар ўртасидаги фарқ деярли сезилмайди. Ўзбекистонда туғилиш нисбатан юқорилиги сабабли аҳоли таркибида ёшлар улуши катта. Республика аҳолисининг тахминан 16 фоизини 8 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Шунинг учун давлатнинг ижтимоий сиёсатида соғлом, баркамол авлод тарбиясига, ёшларга катта аҳамият берилмоқда.

Республикада меҳнат ресурсларининг сони кўп, бироқ уларнинг жами аҳоли таркибидаги улуши оз. Бунинг сабаби туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқорилигидадир. Натижада, “демографик юк” ёки меҳнатга лаёқатли аҳоли билан меҳнатга лаёқатсизлар нисбати ўзига хос. Масалан, агар Болтиқ бўйи давлатларида оилада 3 кишидан 2 нафари ишласа, бизда, аксинча, 6 кишидан 2 ёки 3 нафари ишлаши мумкин, холос.

## Ўзбекистон вилоятлари аҳолисининг миллий таркиби (2013 й., %)

	Жами аҳоли	Шу жумладан:										Боғица милялар
		Ўзбеклар	қорақал-поқлар	тожиклар	қозоқлар	руслар	қирғизлар	туркманлар	татарлар	корейлар	украинлар	
Ўзбекистон Республикаси	100,0	82,9	2,2	4,9	2,8	2,7	0,9	0,6	0,7	0,6	0,3	1,5
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	39,0	36,5	0,01	17,2	0,6	0,1	5,2	0,3	0,4	0,1	0,6
<b>Вилоятлар:</b>												
Андижон	100,0	92,4	0,01	1,3	0,03	0,7	3,6	0,01	0,3	0,1	0,1	1,4
Бухоро	100,0	91,3	0,1	3,3	1,1	1,6	0,0	0,6	0,7	0,1	0,2	1,0
Жиззах	100,0	88,5	0,01	2,4	2,4	1,3	3,1	0,04	0,6	0,2	0,1	1,3
Навоий	100,0	85,7	2,4	1,5	4,6	2,6	0,1	0,1	0,9	0,1	0,2	1,9
Наманган	100,0	88,8	0,0	8,8	0,03	0,5	0,9	0,02	0,1	0,1	0,03	0,7
Самарқанд	100,0	87,3	0,03	7,7	0,1	1,5	0,01	0,05	0,0	0,1	0,3	3,0
Сирдарё	100,0	77,4	0,02	9,3	1,8	3,3	2,1	0,1	0,9	1,1	0,1	3,9
Сурхондарё	100,0	84,2	0,01	12,4	0,1	1,0	0,01	1,3	0,3	0,03	0,2	0,4
Тошкент	100,0	67,3	0,1	5,4	12,6	5,6	0,6	0,1	1,6	2,8	0,4	3,5
Фарғона	100,0	89,0	0,03	5,8	0,03	1,4	2,0	0,01	0,1	0,2	0,2	1,2
Хоразм	100,0	97,5	0,1	0,02	0,7	0,4	0,0	0,5	0,3	0,3	0,1	0,2
Қашқадарё	100,0	92,3	0,01	4,3	0,1	0,8	0,01	1,1	0,3	0,04	0,1	0,9
Тошкент ш.	100,0	68,8	0,3	1,2	2,0	16,2	0,1	4,1	2,7	1,3	3,4	

Жадвал ҲЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган

Расмий маълумотларга қараганда, 1.01.2013-йилда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдагилар жами аҳолининг 64,0 фоизини ташкил этди. Иқтисодий фаол аҳоли 13,2 млн киши, иқтисодиётда банд бўлганлар 12,5 млн кишини ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда, ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар сони тезроқ кўпайиб бормоқда<sup>1</sup>. Нодавлат секторда банд бўлганлар 80 фоизга яқин. Барча туман ва шаҳарларда меҳнат биржалари фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан “Бандлик” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича қатор ишларни бажаришади. Жумладан, биргина 2013-йилда 960 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми корхона ва ташкилотларга, хусусан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликларига тўғри келади. Янги иш жойларининг 2/3 қисмидан ортиқроғи қишлоқ жойларда яратилмоқда. Бу “Қишлоқ жойлар ривожланиши” дастурини амалга ошириш туфайлидир.

#### **1.4. Республика хўжалигининг умумий тавсифи**

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бери ўтган тарихан қисқа давр ичида катта иқтисодий ютуқларга эришди. Ана шу давр мобайнида юз берган чуқур ўзгаришлар, қўлга киритилган натижалар ва энг асосийси – иқтисодий ислохотларни амалга оширишда тўғри ва оқилона ёндошиш ҳаҳон ҳамжамиятида ҳам ҳақли равишда тан олинди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти кўп тармоқли ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуасидан иборат бўлиб, унинг пойдеворини ихтисослашган тармоқлар ташкил этади. Ёқилғи, машинасозлик, рангли металлургия, кимё, энгил ва озиқ-овқат саноати, кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги ана шундай макроиқтисодий тармоқлар турларига киради.

Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт учун зарур бўлган катта имкониятлар мавжуд. Энг аввало, агроиқлимий шароитларнинг қулайлиги, заминимизда Д.И.Менделеев даврий жадвали деярли барча элементларининг топилганлиги, серунум ерларимиз борлиги ва айниқса, халқимизнинг меҳнатсерварлиги миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланишининг асосий омиллари ҳисобланади.

Республикамиз ҳудудида хўжалик тармоқлари, хусусан сугорма деҳқончилик, савдо, хунармандчилик қадимдан ривожланиб келган. Бунга ўрта асрларда унинг Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги ҳамда муҳим бўғини эканлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Ўз навбатида, сугорма деҳқончилик маданияти, фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ерларни суғориш асосида етиштиришигина эмас, балки у билан боғлиқ бошқа соҳалар – фан, савдо-сотиқ, шу жумладан, халқаро савдо, шаҳарсозлик кабилар ривожланиши билан кенг маънода тавсифланади. Бинобарин,

<sup>1</sup> Жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 13,2 фоизи саноатда, 26,9 фоизи қишлоқ хўжалигида, 9,2 % қурилиш, 5,2 % транспорт ва алоқага тўғри келади. Қолган қисми ижтимоий соҳаларга тегишли.

айтиш мумкинки, ватандошларимиз томонидан қилинган ажойиб кашфиётлар, хусусан, ал-Хоразмий, ал-Беруний, ат-Термизий, Абу Али Ибн Сино, ал-Фарғоний, Бобур ва бошқаларнинг оламшумул илмий ишлари ҳам суғорма деҳқончилик маданияти (цивилизацияси) билан ҳамоҳанг ва чамбарчас боғлиқ бўлган. Ҳозирги кунда эса мустақил республикамиз миллий иқтисодиёти, жаҳоннинг кўпгина етакчи мамлакатлари қаторида, бозор муносабатлари шароитида шаклланиб ва ривожланиб бормоқда. Энг муҳими, кўпчилик мамлакатлар иқтисодиёти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бир қатор қийинчиликларга учраган даврда, республикамиз иқтисодиёти барқарор ва юқори суръатларда юксалиб бормоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни барча мамлакатларда умумий қонуниятлар негизида рўй беради ва аста-секин ривожланиб боради. Шу билан бирга, бундай мамлакатларнинг ҳар бири бу жараёнда ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар хўжалик таркиби ва йўналиши, мамлакатнинг географик ўрни, табиий-иқлим шароитлари, мавжуд табиий бойликлар, миллий урф-одатлар, аҳоли менталитети билан белгиланади. Республикамизда ана шу омиллар эътиборга олиниб, бозор муносабатларига ўтишнинг миллий модели шакллантирилган.

Ушбу моделни ва республика раҳбарияти томонидан бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойилларини амалга ошириш асосида 1996 йилда миллий иқтисодиёт барқарор ривожланиш палласига ўтди. Бунинг асосий мазмуни – ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатининг барқарорлик даражасига етишиш ва унинг аҳоли ўсиш кўрсаткичларидан камида 4 мартадан зиёдрок суръатда кўпайиб бориши демакдир.

Умуман мамлакатимизда мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот ўсишида уч асосий даврни ажратиш мумкин. Биринчи давр 1991-1995 йилларни ўз ичига олиб, уни турли иқтисодий-сиёсий омиллар туфайли юзага келган *депрессив давр*, деб аташ мумкин. Бунда асосий иқтисодий кўрсаткичлар олдинги йилга ва 1990-йилга нисбатан паст бўлган. Хусусан, 1992-йилда ўсиш, аслини олганда – камайиш жуда сезиларли даражада қайд этилади (88,9 %).

Иккинчи давр 1997-2003-йилларни ўз ичига олади (*тикланиш даври*). Бу йилларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қиймати ошиб борган, аммо барқарор бўлмаган. Энг муҳими, умумий ўсиш коэффициенти аҳоли кўпайишидан юқорироқ бўлсада, бу нисбат 1:4 кўринишда бўлмаган. Учинчи давр 2004-йилдан бошланади ва бу даврни *барқарор ўсиш, юксалиш* йиллари сифатида баҳолаш мумкин. Сабаби, бу даврда ЯИМ нинг йиллик кўпайиш кўрсаткичи мунтазам равишда 7,0 фоздан ортиқдир. Агар аҳоли кўпайиш суръатини 1,5-1,6 фоз атрофида деб олсак, нисбат 4 ва ундан ортиқроғни ташкил қилади. Бундай макроиқтисодий ривожланиш мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳолатини йилдан-йилга яхшиланиб боришини таъминламоқда.

Сўнги 13 йил мобайнида (2000-2013-йилларда) ЯИМ ўсиши қарийб икки мартадан кўпроқни ташкил қилган, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса у 2,0 баробарга ортган. Саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам умумий тарзда кўтарилиб борган. Бу эса мамлакатимиз миллий иқтисодиётини саноатлашиб боришидан дарак беради. Айниқса энг охириги йилларда унинг ўсиш суръатининг янада юқори даражада эканлиги диққатга сазовордир. Таъкидлаш лозимки, бундай даражага саноатнинг, асосан, рангли металлургия, машинасозлик каби тармоқларининг жадал ривожланиб бориши негизда эришилган. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати, олдинги йилга нисбатан ҳисобланганда, хусусан 2004 ва 2006-2009-йилларда анча юқори бўлган. Яна шуниси эътиборлики, саноат ишлаб чиқаришнинг кўрсаткичлари деярли барча йилларда (фақат 1997-1998 ва 2010-йиллар бундан мустасно) ЯИМ даражасидан ортиқроқ бўлган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг анъанавий тармоғи – кишлок ҳўжалигида ҳам ўсиш кузатилади. Бирок, бу ўсиш, саноат ва ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларидан фарқли равишда, бир текис эмас. Сабаби, агроиқтисодиёт соҳасининг энг муҳим хусусияти, яъни унинг бевосита табиий-иқлим шароити билан боғлиқлиги унинг турли суръатларда ривожланишига олиб келади.

Шунингдек, республикамизда савдо, пуллик хизмат, инвестиция, ташқи иқтисодий алоқалар ҳам мунтазам ривожланиб обрмоқда. Бу миллий иқтисодиёт таркибидаги ижобий ўзгаришлар, тармоқлар тузилишининг диверсификацияси, яъни турланиши, глобаллашув ва халқаро интеграция, ижтимоий соҳаларга жиддий эътибор берилиши натижасида юзага келмоқда.

1-расм. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибий тузилиши



Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Миллий иқтисодиётда бозор муносабатлари ўзгаришидаги ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. 2013-йил якунлари бўйича, ялпи ички маҳсулотнинг 82,8 фоизи нодавлат секторида яратилган ва бу кўрсаткич аввалги йилларга қараганда мунтазам кўтарилиш хусусиятига эга.

Ялпи ички маҳсулотнинг деярли 1/4 қисмини саноат ишлаб чиқариши таъминлайди. Қишлоқ хўжалигининг бу борадаги ҳиссаси 16,9 фоиз, транспорт ва алоқа 11,5, савдо 9,1, қурилиш 6,4 фоизга баробар. Умумий жараён шундан иборатки, ялпи ички маҳсулотни яратишда, энг аввало, саноат ҳиссаси ошиб бормоқда. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади, чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида горизонтал (худудлараро) иқтисодий алоқаларнинг бузилиши сабабли саноат, хусусан оғир саноат тармоқлари яхши ривожланмади ва натижада, миллий иқтисодиётнинг саноатлашув даражаси анча пасайди. Сўнгги йилларда эса амалга оширилаётган саноатни маҳаллийлаштириш ҳамда модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда қўшма корхоналарни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш ва умуман, мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириб бориш давлат дастурини амалга тадбиқ этиш туфайли саноат ишлаб чиқаришининг улуши сезиларли даражада ортди. Мазкур жараён келажакда ҳам сақланади.

Айни вақтда агроиқтисодиёт тармоғининг нисбий кўрсаткичлари пасайиб бормоқда. Бу, бир томондан, бошқа тармоқларнинг устуворроқ ривожланиб бориши билан изоҳланса, иккинчидан, қишлоқ хўжалигининг баъзи тармоқларида, масалан, пахта етиштиришда якуний кўрсаткичларнинг бирмунча пасайиб бориши билан боғлиқдир.

Асосий тармоқларда саноат ишлаб чиқаришининг қишлоқ хўжалигига нисбатан тезроқ ривожланиши биринчи хусусият бўлса, хизмат (сервис) соҳаларнинг юқоридаги тармоқларга нисбатан устуворроқ суръатда ривож топиши макроиқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларидаги иккинчи энг муҳим жараён ҳисобланади. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ялпи ички маҳсулот ичидаги ҳиссаси 2005-йилда 39,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013-йилда бу кўрсаткич 53,0 фоизга етди.

Бозор ислохотларининг яна бир асосий кўрсаткичи – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб боришидир. Бу борадаги умумий жараён мазкур соҳанинг йилдан-йилга юксалишида ўз ифодасини топади. 2010-йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 55,8 фоизи айни ички тадбиркорлик зиммасига тушади. Унинг 1/5 қисмидан кўпроғи микрофирмалар, 20 фоизга яқини хусусий тадбиркорлар ва қолгани кичик корхоналарга тўғри келади.

Демак, ўзи “кичик” деб аталса-да, унинг миллий иқтисодиётдаги мавқеи каттадир. Таъкидлаш лозимки, кичик тадбиркорлик – бизнеснинг улуши келгусида янада кўтарилиб боради. Бунга Ўзбекистон Президенти



И.А.Каримов томонидан 2011-йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиши ва бу борада махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу соҳанинг бевосита ижтимоий аҳамиятини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур, чунки, жами иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 72-75 фоизи ҳам айни кичик тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Қолаверса, республикада ўта долзарб бўлган аҳоли бандлиги муаммосининг ечими кўп жиҳатдан шу соҳа ривожига боғлиқ.

Кичик тадбиркорликнинг ҳиссаси айниқса қишлоқ хўжалиги, қурилиш, пуллик хизмат ва савдода юқори. Масалан, жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизи, қурилишнинг 54-55, пуллик хизмат маҳсулотининг ярмидан кўпроғи, савдонинг ярмига яқини айни кичик тадбиркорликка тўғри келади.

Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига, глобаллашув жараёни тизимига кириб бориши, унинг экспорт салоҳиятининг мунтазам ортиб бориши юз бермоқда (бу ҳақда дарсликнинг кейинги мавзуларида батафсил маълумот берилади). Бу борада, албатта, инвестиция ҳажмининг кўпайиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса мамлакат иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш ва уни диверсификациялаш, энг аввало шу омилга асосланади.

Сўнгги йилларда республикамиз ҳудудларида қулай инвестиция муҳитини яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса хусусан хорижий инвестицияларни мамлакатимизга жалб этишда муҳим ҳисобланади. 2013-йилда миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга 13,0 млрд. АҚШ даллари миқдоридан инвестициялар киритилган. Олдинги йилга нисбатан ўсиш 111,3 фоизни ташкил қилган (инвестициянинг умумий ҳажмида ўсиш 109,8 % бўлган). Жами инвестиция миқдорининг ¼ қисмидан кўпроғи хорижий инвестицияларга тўғри келади, унинг 70-72 фоизини эса тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар ташкил қилади. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор ўсиб боришини таъминлаш инвестиция ҳажмини мунтазам равишда кўпайтириб боришга боғлиқ<sup>1</sup>.

Инвестиция қурилишга, қурилиш эса иқтисодий ўсишга замин ясайди, бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. 2013-йил яқунлари бўйича, инвестициялар умумий ҳажмининг 70,3 фоизи бевосита ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган. Сўнгги йилларда инвестицияларнинг худудий таркибида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятлари (чет эл инвестицияларини жалб этишда) етакчилик қилишмоқда.

<sup>1</sup> Сўнгги йилларда ЯИМнинг тахминан ¼ қисмига яқини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қурилишга сарфланмоқда.

Миллий иқтисодийётни ривожлантиришнинг пировард мақсади аҳоли турмуш шароити ва даражасини яхшилаш, ижтимоий муаммоларни изчил ҳал қилиб боришдан иборатдир. Бу, хусусдан, чакана савдо, пуллик хизмат, аҳоли даромадларининг ошиб бориши катта аҳамиятга эга. Ёиргина 2013-йилда чакана савдо айланмаси 2012-йилга нисбатан 114,8 фоизга ортган. Бу даврда пуллик хизматлар ҳажми 113,7 фоизга ўсган. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 3/5 қисмидан кўпроғини расмий сектор таъминлайди. Унинг қолган қисми эса якка тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматларга тўғри келади.

### **1.5. Республика саноати ва унинг тармоқлар таркиби**

Баъзи олимларнинг фикрича, жамият асосан уч босқичда ривожланиб борган: саноатгача, саноат ва саноатдан кейинги (“постиндустриал”) давр ёки жамият. Республикамиз иқтисодийёти, умуман олганда, иккинчи, яъни саноат босқичида турибди. Шу боис, миллий иқтисодийётни ривожлантириш кўп жиҳатдан айна ишлаб чиқариш жараёнининг саноатлашувига боғлиқ.

Саноат, қисқача айтганда, асосан табиатдан олинган хом ашёга қайта ишлов бериш натижасида ўзининг дастлабки ҳолатини ўзгартирган маҳсулот турларини ўз ичига олади. Дастлабки саноат тармоқлари бевосита табиат ва унинг ресурслари билан боғлиқ бўлган. Масалан, тоғ-кон саноати, ўрмон, қурилиш материаллари саноати шулар жумласидандир.

Ҳозирги даврда саноат корхоналари ва улар яратадиган маҳсулот ниҳоятда хилма-хил. Уларнинг турлари инновация жараёнида ва ўзгарувчан (эгилювчан) истеъмол эҳтиёжи таъсирида янада ортиб бормоқда. Бинобарин, бундай мураккаб таркибга эга бўлган саноат ишлаб чиқаришини бошқариш ва ўрганиш учун саноат корхоналари турли гуруҳларга ажратилади. Уларнинг энг асосийси саноат тармоқларидир. *Саноат тармоқлари маълум мезонларга асосланади. Тармоқлар хом ашё бирлиги, маҳсулотни қайси мақсадда яратилганлиги ҳамда технологик жараённинг умумийлигига кўра асосланади.*

Саноат тармоқлари, ўз навбатида, оғир ва енгил, ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи йирик гуруҳларга ажратилади. Бозор муносабатларига ўтган давлатларда эса, саноат корхоналари мулкчилик шаклига қараб давлат ва нодавлат тасарруфидаги корхоналарга бўлинади.

Саноат корхоналари ва тармоқлари қатор омиллар таъсирида жойлаштирилади ёки худудий ташкил этилади. Бу омилларнинг асосийлари хом ашё, электр энергия, транспорт, меҳнат ресурслари, иқтисодий географик ўрин ва бошқалар ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳозирги даврда илмий-техника, истеъмол, экология, бозор иқтисодийёти каби омилларнинг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Умумий жараён шундан иборатки, *саноат ишлаб чиқаришининг хом ашё, энергия ва*

*меҳнатталаблиги тобора камайиб бормоқда.* Бу эса мазкур соҳа иктисодий самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилдир. Айни вақтда sanoat тармоқларининг илмталаб, кам метал, хом ашё ва ишчи кучи талаб қилувчи хусусиятлари кучайиб бормоқда

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан баъзи sanoat турлари мавжуд бўлган (тоғ-кон sanoati, метал эритиш, тўқимачилик ва б.). Улар бу ер учун анъанавий саналган хунармандчилик асосида ривожланиб борган. Ҳозирги замон sanoatининг дастлабки корхоналари XIX аср охири ва XX аср бошларида вужудга келган. Масалан, Фарғона водийсида нефть конларининг топилиши ва ишга туширилиши, пахта тозалаш, кўнчилик заводлари шулар жумласидандир.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида энгил, озиқ-овқат sanoatига катта эътибор берилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикамиз ҳудудида оғир sanoat корхоналари ҳам барпо этилган. Улар фронт чизигидан кўчирилган ёки фронт эҳтиёжи учун қурилган корхоналар бўлган (машинасозлик, кимё заводлари, Бекобод металлургия заводи ва х.к.). Ангрен кўмири қони ҳам худди шу даврда топилиб, ундан ёқилғи олиш йўлга қўйилган.

20 асрнинг иккинчи ярми, энг аввало, рангдор металлургия, нефть-газ (хусусан газ), кимё, электр энергетика каби оғир sanoat тармоқларининг фаол ривожланиб бориши билан тавсифланади. Шунингдек, бу даврда қурилиш материаллари, энгил ва озиқ-овқат (тўқимачилик, ёғ-мой, консерва, вино ва ноалкогол ичимликлар ишлаб чиқариш ва б.) sanoati корхоналари ҳам кўплаб қурилган. 80-йилларда йирик корхоналарнинг, масалан, тўқимачилик комбинатларининг қатор филиаллари Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Фарғона вилоятларида барпо этилган ва улар маҳаллий хом ашё ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда катта аҳамиятга эга бўлган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ Иттифокнинг парчаланиши, “горизонтал” ишлаб чиқариш алоқаларининг бузилиши оқибатида sanoat ишлаб чиқаришида, айниқса оғир sanoatда муваққат муаммолар вужудга келди. Бу муаммолар иктисодий дaвлат режалаштириш тизимидан бозор муносабатларига ўтказиш билан ҳам боғлиқ бўлди. Бироқ шунга қарамай, бу даврда қисман хорижий инвестициялар асосида йирик замонавий корхоналар барпо этилди. Асака автомобиль заводи, Бухоро (Қоровулбозор) нефтьни қайта ишлаш заводи, Кўнғирот сода заводи, Толимаржон ИЭС, Шўртанг газ-кимё мажмуаси юқоридагиларга мисол бўла олади. Республикамининг қатор туман ва шаҳарларида янги тўқимачилик корхоналари (“текс”лар) вужудга келди, йирик корхоналар қайта таъмирланди.

Шу билан бирга, sanoat ишлаб чиқаришида унинг ижтимоий ташкил этиш шакллари, хусусан мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация ва комбинатлашув, бозор муносабатлари шароитидан келиб чиққан ҳолда,

ривожланиб бормоқда. Кичик, ихтисослашган ва бозор талабларига тез мослашадиган корхоналар сони кўпаймоқда.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон саноати яқин ўтмишдаги қийинчиликлар давридан барқарор ривожланиш босқичига ўтди. Энг сўнгги йилларда мамлакатимизнинг миллий иқтисодиётни саноатлаштириш сиёсати, ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни маҳаллийлаштириш (“локализация”), диверсификация ва модернизация жараёнларини амалга ошириш негизда саноат ишлаб чиқариши янада тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Масалан, 2012-2013-йилларда у 8,8 фоизданга кўпайди.

Саноатнинг республика ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши мунтазам ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда унинг 1/4 қисмига яқини саноат ишлаб чиқаришига тўғри келади. Макроиқтисодиётнинг мазкур тармоғи 16 мингдан зиёд корхоналарни бирлаштиради, уларда 630 мингга яқин ишчи-хизматчилар банд. Уларнинг кўпчилиги озиқ-овқат, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, енгил ҳамда қурилиш материаллари корхоналаридир. Демак, айтиш мумкинки, айни шу тармоқлар корхона даражасидаги мужассамлашувининг нисбатан паст кўрсаткичларига эга. Бу табиий ҳол, чунки ҳозирги шароитда ўта йирик корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлиги унча юқори эмас.

2013-йил маълумотларига кўра, жами саноат корхоналарининг аксарияти, яратилган маҳсулотнинг 4/5 қисмидан кўпроги нодавлат секторига тўғри келади. Саноатда банд бўлганлар таркибида эса ушбу секторнинг улуши қарийб 90 фоизга тенг.

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибди-ки, саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда ёқилғи, рангдор металлургия, машинасозлик ва метални қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат саноати етакчилик қилади. Саноатда банд бўлган аҳолининг энг катта қисми эса енгил саноатга тўғри келади. Иккинчи ва учинчи ўринларда машинасозлик ва метални қайта ишлаш, озиқ-овқат саноатлари туради. Шу боис, мазкур саноат тармоқлари сермеҳнатталаб ҳисобланади.

Табиийки, саноат ишлаб чиқаришининг асосий фондларида оғир саноат тармоқлари олдинда туради. Ушбу хусусиятни ёқилғи саноатида ишловчилар ҳиссаси ҳам тасдиқлаб беради. Шунингдек, рангдор ва қора металлургия саноат корхоналарининг ҳам фонд сизими катта.

*Мустақиллик йшларида ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигига катта эътибор берилди.* Шу билан бирга, саноатнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда. 1995-2007-йиллар мобайнида жами саноат маҳсулотининг ишлаб чиқарилиш ҳажми 2,2 мартага ошган. Ўсиш хусусан ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида (7,2 марта), машинасозлик ва метални қайта ишлаш тармоғи (4,8 марта), озиқ-овқат (4,0 марта), кимё ва нефть кимёси саноатида (3,4 марта) юқори бўлди.

## Ўзбекистон саноатининг тармоқлар таркиби (маҳсулот ҳажми бўйича, жамига нисбатан фоизда)

Саноат тармоқлари	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2013 й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>					
Электр энергетика	14,8	8,5	11,3	8,1	7,5
Ёқилғи	13,7	15,3	16,3	19,8	15,8
Қора металлургия	1,3	1,3	2,3	2,1	2,3
Рангдор металлургия	10,1	10,2	17,1	11,2	9,4
Кимё ва нефть кимёси	5,3	6,0	5,2	5,1	5,4
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	8,9	9,9	13,0	16,1	19,8
Қурилиш материаллари саноати	6,6	5,4	3,6	4,9	6,4
Урмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	1,1	1,4	0,9	1,1	1,2
Енгил саноат	19,9	19,1	16,6	13,3	13,0
Озиқ-овқат саноати	9,3	13,3	8,2	12,8	13,2
Саноатнинг бошқа тармоқлари	9,0	9,6	5,5	5,5	6,1

*Жадвал УзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Энг сўнги йилларда машинасозлик ва метални қайта ишлаш, кимё ва нефть кимёси ҳамда ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати тармоқлари жадал ривожланиб бормоқда. Масалан, 2001-йилда умумий саноат маҳсулоти ўртача 104,2 фоизга ўсган ҳолда, бۇ кўрсаткич машинасозлик ва метални қайта ишлаш тармоғида бундан деярли 6 марта ортиқроқ бўлган. 2002-йил натижалари бўйича озиқ-овқат саноати (аввалги йилга нисбатан 119,2 %, 2003 йилда – машинасозлик ва метални қайта ишлаш, 2004-йилда – қора металлургия ва машинасозлик, 2005 йилда – машинасозлик ва ёғочни қайта ишлаш, 2006 йилда – машинасозлик, озиқ-овқат ва ёғочни қайта ишлаш, 2007-йилда – ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати ҳамда кимё ва нефть кимёси, 2008-йил натижаларига кўра – ёғочни қайта ишлаш, ёқилғи ва машинасозлик, 2009-йилда ҳам айни шу тармоқлар устувор даражада ривожланиб борган. 2010-йил натижалари бўйича умумий ўсиш 108,3 фоизга тенг бўлган ҳолда, бу кўрсаткич енгил саноатда 117,3 %, кимё ва нефть кимёсида – 115,4 %, озиқ-овқат саноатида 113,1 фоизни ташкил қилган. 2013-йилда ўсиш суръати, энг аввало, машинасозлик ва метални қайта ишлаш (121,0 %), қурилиш материаллари (113,6 %) ва енгил саноатда (113,0 %) юқори бўлган.

2013-йил якунларига кўра, республикада 54,2 млрд квт/с электр энергия, 4,5 млн т. нефть ва газ конденсати, 761,0 минг т. пўлат, 718,0 минг т. тайёр прокат, 1111 минг т. ҳар хил минерал ўғитлар, 246,0 минг тона

енгил автомобиллар, 6990 минг т. цемент, 1088 минг т. пахта толаси, 77,7 млн кв.м ип газламалари, 243 минг т. ўсимлик ёғи, 1274 минг тонна ун ва бошка саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда собиқ Иттифок даврида мавжуд бўлмаган мутлақо янги маҳсулот турлари, масалан, енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, сода, шакар, калий ўғитини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, нефть ва ёғоч маҳсулотлари анча кўпайди ва ҳ.к. Аини вақтда, саноатни модернизациялаш, янги замонавий технологик жиҳозлашга, унинг таркибий тузилишини бойитишга, яъни диверсификация қилишга катта эътибор қаратилди. Хусусан, ички бозорни харидоргир, сифатли халқ истеъмол моллари билан тўйинтиришга аҳамият берилди. Мамлакатимизнинг бундай саноат сиёсати яқин келажакда ҳам сақланиб қолади. Бевосита саноат ишлаб чиқаришда эса икки қарама-қарши жараён довом этади: бир томондан, йирик саноат тармоқлари таркибиде янги соҳалар вужудга келади, иккинчи томондан, иқтисодий интеграция асосида тармоқлараро мажмуалар шаклланиб боради.

**Ёқилғи-энергетика мажмуи.** Ёқилғи ва электр энергетика саноати бир-бири билан яқиндан боғлиқ. Шу сабабли уларга ягона тармоқлараро саноат мажмуаси сифатида қараш мумкин. Қолаверса, аини шу мажмуа ҳар қандай мамлакат ёки минтақа иқтисодиётида катта аҳамиятига эга. Чунки, барча ишлаб чиқариш тармоқлари бевосита ёки билвосита ёқилғи ва электр энергетика саноатига асосланади. Бинобарин, мустақил давлатнинг умумиқтисодий ҳавфсизлиги, энг аввало, унинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги мустақиллигига ҳам боғлиқ.

Республикада ёқилғи саноати таркибига қўмир, нефть ва газ қазиб чиқариш қиради. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида дастлабки нефть қонлари XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Фарғона вилоятида очилган (Чимён, Шўрсув), 1924-йилда Қўқон шаҳрида “Ўзбекнефть” трести ташкил қилинган.

Бугунги кунда нефть захиралари бўйича Қашқадарё вилояти етакчилик қилади. Бу ерда энг йирик қон Қўқдумалоқ ҳисобланади. Шунингдек, нефть қонлари Сурхондарё (Қўқайди, Лалмикор), Андижон (Полвонтош, Ж.Оламушук), Наманган (Мингбулоқ) вилоятларида ҳам бор. У қисман Бухоро вилоятида ҳам қазиб олинади. Истиқболли ҳудудлар эса, энг аввало, Қоракалпоғистоннинг Оролбўйи ва Устюрт платоси, Сурхон водийси ҳисобланади. Ҳозирги кунда Оқшалок, Шахпахти, Урга каби қонлардан нефть олинмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бир йилда ўртача, суюлтирилган газ билан ҳисоблганда 3,0-4,0 млн тонна нефть қазиб олинади. Унинг асосида нефтни қайта ишлаш саноати ҳам ривожланиб бормоқда. Республикамизда нефть ва газ конденсатини ишлаб чиқариш 1998-1999-йилларда энг юқори кўрсаткичлариға эришилган. Шу йилларда ўртача 8,5-8,9 млн тонна бу ёқилғи тури олинган. Таққослаш учун: 1991-йилда 2,8 млн т., 2010-йилда – 3,7 млн т.

Табиий газ саноати республикамизда нефть саноатидан кейинроқ, лекин аксарият ҳолларда “йўл-йўлакай” нефть ва газни биргаликда қазиб олиш билан боғлиқ бўлган. Ушбу саноат тармоғининг кенг қўламада ривожланиши 1950-1960-йилларда Бухоро вилоятида жуда катта захирага эга бўлган Газли конини ишга туширилиши билан бошланган. Жумладан, 1955-йилда Жарқоқ, 1956-йилда Газли конлари очилган. Айнан шу конлар асосида Жиззах – Бухоро – Самарқанд – Тошкент (1958-1960 й.), Бухоро-Челябинск (1963 й.), Бухоро-Урал (1965 й.), Ўрта Осие – Марказ (1967 й.) магистраль газ қувурлари қурилиб, ишга туширилган. Марказий Осие республикалари учун катта аҳамиятга эга бўлган Бухоро-Тошкент-Бишкек-Олма-ота газ қувури ҳам ўтган асрнинг 60- йилларида қурилган.

Ҳозирги вақтда ўртача бир йилда 58-60 млрд. куб м. атрофида (2009 й.-61.4, 2010 й.-60.1 млрд куб м.) газ қазиб олинади<sup>1</sup>. Республикамизда газ саноатининг келажақда ривожланиши қўп жиҳатдан Устюрт платосида Россия компаниялари билан ҳамкорликда олиб борилаётган геологик-қидирув ишлар натижаларига боғлиқ. Умуман, нефть-газ захираларини қидириб топишда Ўзбекистон Россия, Ж.Корея, Малайзия, Эрон мамлакатлари билан ҳамкорлик қилади. Мустақиллик даврида ёқилғи саноатининг бирмунча тезроқ ўсиши 1993 ва 2008-йилларда кузатилган.

Барча ёқилғи саноат турларида бўлганидек, республикамизда кўмир қазиб олиш ҳам аввалги йилларга қараганда қисман камайган. Фақат энг кейинги йилларда бу кўрсаткичнинг кўтарилиб бориш аломатлари сезилмоқда. Масалан, 2004-йилда республикада жами 2699 минг т кўмир (кўнғир кўмир 2641 минг т) қазиб олинган бўлса, бу кўрсаткич 2013-йилда тахминан 1,3-1,5 мартага ошган, холос (1991-йилда – 5,9 млн т кўмир олинган). Қазиб олинган жами кўмирнинг 97,4 фоизи кўнғир кўмирга тўғри келиб, у тўла-тўқис очик усулда қазиб олинади.

Кўмир саноатининг географияси нефть ёки газ саноатига нисбатан кенг эмас, у фақат Тошкент (Ангрен) ва Сурхондарё (Шарғун, Бойсун) вилоятларида бирмунча ривожланган, холос. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кўнғир кўмирнинг иқтисодий аҳамияти тошкўмирга қараганда анча паст. Турли сабабларга кўра, бу кўмир туридан қора металлургияда фойдаланиб бўлмайди; боз устига, кўнғир кўмирни, одатда, қўп сақлаб бўлмайди. Транспорт қилиш ҳам ноқулай, у сернам ва серкул ҳисобланади. Бинобарин, Ангрен кўнғир кўмиридан асосан ИЭСларида фойдаланилади.

Мазкур мажмуа таркибида электр энергетика алоҳида ўрин тутати. Электр энергия тури манбалардан ишлаб чиқарилади ва унинг энг муҳим хусусияти бу саноат тармоғи ривожланиш ва жойланишини белгилаб беради. Гап шундаки, электр энергиясини ёқилғи турларига ўхшаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси табиий газ қазиб олиш бўйича МДХ да (Россия ва Туркменистондан кейинги) учинчи ўринда туради. 1991- йилда 41,9 млрд м<sup>3</sup> газ олинган бўлса, энг юқори кўрсаткич 2007- йилда қайд этилган – 64,3 млрд м<sup>3</sup>.

омборхоналарда саклаб, тўплаб бўлмайди, у айни вақтда, синхрон равишда истеъмол қилиниши керак.

Мамлакатнинг ёқилғи-энергетика баланси иқтисодиётда турли манбалардан ишлаб чиқарилган ёқилғи ва электр энергиясидан фойдаланиш нисбати билан тавсифланади. Ўз навбатида, электр энергия кўмир, ёнувчи сланец, торф, нефть ва газ, куёш радиацияси, радиоактив элементлар (уран) шамол, денгиз кирғок тўлкинлари, (“прилив ва отлив”) сув асосида ишлаб чиқарилади. Қайси манбадан фойдаланишга қараб, электр станциялар асосан икки катта гуруҳга бўлинади— иссиқлик ва сув электр станциялари.

Иссиқлик электр станциялари (ИЭС)да электр энергияни кўпроқ кўмир, торф, ёнувчи сланец асосида ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ёқилғининг бошқа турлари, жумладан нефть ёки табиий газдан фойдаланиш унча мақбул эмас, сабаби улар кимё саноти учун муҳим хом ашё базаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Дунё мамлакатлари электр энергетикасида иссиқлик, атом ва сув электр станцияларининг улуши ҳар хил. Бундай ҳолат жойнинг рельефи ва гидроэнергетика ресурслари, фойдали қазилмаларига боғлиқ. Масалан, ер усти тузилиши тоғлардан ташкил топган мамлакатларда (Грузия, Тожикистон, Қирғизистон ва б.) электр энергия асосан сув электр станциясида ишлаб чиқарилади. Бу турдаги электр станцияларидан олинган маҳсулот анча арзон ҳисобланади, чунки сув-сувлигича қолаверади, ИЭСларда эса ёқилғи турлари тикланмайдиган тарзда сарфланади<sup>1</sup>.


Ўзбекистонда сўнгги йилларда электр энергетика республика ялли саноат маҳсулотининг 8-10 фоизини таъминламоқда; унда жами саноат ходимларининг 6-9 фоизи банд. Ҳар йили ўртача 50-52 млрд кВт/с миқдорида электр энергияси ишлаб чиқарилади. Электр станцияларининг таркибида ИЭС етакчилик қилади ва улар жами электр станциялар ишлаб чиққан электр энергиянинг 80-81 фоизини ташкил қилади. Сув электр станцияларига (СЭС) эса бор-йўғи 8-9 % тўғри келади. Электр станциялар қувватида ҳам нисбат тахминан шундай. Аввал таъкидлаганимиздек, сўнгги 20-25 йилда республикада электр энергиясини ишлаб чиқариш, турли сабабларга кўра, бирмунча қисқарган. Такқослаш учун: 1990-йилда жами 56,3 млрд кВт/с электр энергия олинган, унинг 11,8 фоизи СЭСга тўғри келган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу даврдаги пасайиш асосан ИЭС ҳисобидан содир бўлган. 1990-йилда СЭСда 66,5 млрд кВт/с электр энергияси ишлаб чиқилган бўлса, 2013-йилда бу кўрсаткич 52,0 млрд

<sup>1</sup> Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида атом электр станцияларига муносабат анча салбий тус олди. Бунга, энг аввало, Японияда 2011-йилда юз берган кучли ер қимириши ва дунами натижасида Фукусима АЭСнинг ишдан чиқиши, унинг атроф-муҳитга радиацион таъсири бўлди.



кВт/с-ни ташкил этган. Умуман олганда, ушбу sanoat тармогининг нисбатан тезроқ ривожланиши 1999-2000-йилларда қайд этилади.

## 2-расм. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда етакчи вилоятлар (республикага нисбатан фоизда)



Кейинги йилларда республика бўйича ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 2/5 га яқин қисми Тошкент вилоятига тўғри келади; иккинчи ўринда Сирдарё вилояти туради. Шунингдек, Навоий ва Қашқадарё вилоятида ҳам ушбу кўрсаткич сезиларли даражада; жами 4 та вилоят Ўзбекистоннинг 91,0 фоиз электр энергиясини таъминлайди.

1990-йил билан таққосламоқчи бўлсак, бунда энг аввало электр энергетика sanoati географиясининг кенгайганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, мустақилликдан олдин Қашқадарё вилоятида ушбу sanoat тармоғи деярли йўқ даражада эди. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг қисқариш жараёни барча вилоятларда кўзга ташланади. Жумладан, кўрилатган даврда Тошкент вилоятининг кўрсаткичи 24,9 млрд кВт/соатдан 17,8 га, Сирдарё вилоятида 8,6 дан 6,7 га, Қорақалпоғистон Республикасида 3,4 дан 2,6 га, Фарғона вилоятида 2,0 млрд кВт/соатдан 0,6 млрд кВт/соатга тушиб қолган. Умумий қисқаришни ҳатто Қашқадарё вилоятида янги барпо этилган Толимаржон ИЭС ҳам қоплай олмаган. Демак, асосий ўзгаришлар ИЭС ҳисобидан бўлиб, улар ушбу типдаги электр станцияларнинг белгиланган қувватидан тўла фойдаланмасликка боғлиқ. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши эса турли сабабларга, жумладан, ишлаб чиқаришда энергия сарфининг пасайтириш, қўнғир қўмир қазиб олинишининг камайиши кабилар оқибатида юз берган. Ҳозирги вақтда республикамизнинг энг йирик ИЭСлари Сирдарё, Тошкент, Навоий, Янги Ангрен, Толимаржон иссиқлик станциялари ҳисобланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 1/10 қисмидан кўпроғи СЭСларга тўғри келади. Жами мавжуд электр станцияларнинг лойиҳавий қуввати 1710 мВт (ИЭС – 10756 ёки СЭС ларга қараганда деярли 6 марта зиёд).

## Асосий иссиқлик электр станциялари ҳақида қисқача маълумот

Т/р	ИЭС номи	Ишга туширилган йили	Энергия блоклари сони	Лойихавий қуввати, МВт	Ёқилғи тури
1	Сирдарё	1972	10	3000	газ, мазут
2	Янги Ангрен	1985	7	2100	газ, кўмир
3	Тошкент	1963	12	1920	газ
4	Навоий	1961	11	1270	газ
5	Ангрен	1957	8	600	кўмир
6	Фаргона	1956	6	215	мазут
7	Муборак	1985	2	100	газ
8	Тахياتош	1961	5	720	газ
9	Толимаржон	2004	1	800	газ

*Жадвал муаллиф томонидан тузилган.*

Дастлабки СЭС Тошкент вилоятида 1926-йилда Чирчиқ яқинида қурилган. Бугунги кунда Чирчиқ-Бўзсув каскади 20 га яқин электр станцияларини бирлаштиради. Бир сув манбаида бунчалик кўп электр станцияларнинг қурилиши, яъни “занжири” бўйича Чирчиқ-Бўзсув каскади МДХ давлатларида энг йирик ҳисобланади. Ушбу қатор электр станциялар орасида энг йириги Чорбоғ СЭСдир. Шунингдек, Хўжакент СЭСи ҳам анча катта қувватга эга. Чорбоғ СЭСи бош электр станция бўлиб, у қуйи электр станцияларнинг барқарор ишлаш режимини таъминлаб туради.

Мазкур станция энергетика-иригация режимда қурилган, бинобарин, унинг йирик сув омбори вилоят қишлоқ хўжалик ерларини сугоришда катта аҳамиятга эга. Жумладан, йирик Паркент канали ҳам шу сув омборидан бошланади. Шу билан бирга, Чорбоғ СЭСи ва унинг сув омбори атрофида спорт, балиқ овлаш, рекреация объектлари барпо этилган.

Тошкент вилоятдан ташқари унча катта бўлмаган СЭС (Андижон вилояти ва Хоразм вилоятида) ҳам ишлаб турибди. Умуман олганда эса, СЭСлар республикаимиз орографик ва гидрографик вазиятига кўра, кўшни Тожикистон ва Қирғизистон республикаларига қараганда унча ривожланмаган.

Ўзбекистон электр станциялари юқори қувватли электр ўтказгич тармоқлари (линиялари) билан ягона энергетика тизимини ташкил қилади. Яқин ўтмишда Қашқадарё вилоятдан Сурхондарёга, Тошкент вилоятдан Фаргона водийси вилоятларига юқори вольтли электр ўтказувчи тармоқлар қурилди.

**Металлургия мажмуаси.** Ушбу мажмуа таркибига қора ва рангли металлургия, турли хил рудаларни қазиб олиш, уларни бойитиш ва бевосита метал эритиш қиради. Унинг дастлабки босқичлари хомашё талаб ҳисобланганлиги сабабли тоғ-кон саноати фойдали қазилмалар жойлашган ҳудудларда ташкил этилади.

Республика саноат ишлаб чиқаришида металлургия мажмуаси 11,7 фоиз махсулоти билан иштирок этади. Мажмуа таркибида эса рангдор металлургия саноатининг улуши юкори бўлиб, у 9,4 фоизни (қора металлургия 2,3 %) ташкил қилган ҳолда, бу борада ёқилги саноатидан кейинги иккинчи ўринда туради.

Сўнги йилларда мажмуа тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Хусусан, қора металлургия саноати ривожланишининг кўрсаткичлари юкори. Масалан, 1995-2013-йиллар мобайнида жами саноат махсулоти 2,5 марта кўпайган бўлса, қора металлургияда бу кўрсаткич 3 баробарга тенг бўлган. Шунингдек, мазкур саноат тармоқларида банд бўлган аҳоли сони ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда рангдор металлургия саноат корхоналарида 65 минг, қора металлургия корхоналарида эса 9 минг киши банд. Ҳар иккала тармоқда ишловчилар жами саноат ишчи-ҳодимларининг 1/10 қисмини ташкил қилади.

Қора металлургия саноатининг асосий корхонаси Бекобод шаҳридаги республикада ягона Ўзбек металлургия заводи ҳисобланади. Ўзининг технологик жараёнига кўра бу тўлиқ шаклга эга бўлмаган металлургия комбинатидир. Сабаби, бу ерда асосий металлургия циклининг домна печида чўян эритиш қисми йўқ, металлдан пўлат ва прокат ишлаб чиқарилади.

Корхона Иккинчи жаҳон уруши йилларида қурилган. Унинг айна Бекобод шаҳрида жойлаштирилишига қатор омиллар билан бирга, шаҳарнинг қулай транспорт географик ўрни, қурилиш ва электр энергия манбаининг борлиги таъсир этган. Шаҳар яқинида Фарҳод СЭС, унинг ўзида эса 1914-йилда қурилган қадимги Хилково цемент заводи жойлашган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда тўлиқ цикли қора металлургия циклини барпо этиш учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд эмас. Қолаверса, йирик саноат захираларига эга бўлган темир руда кони ёки консланувчи тошқўмир кони ҳам мамлакатимиз ҳудудида аниқланмаган. Шу боис, бевосита металлургия жараёнининг бирламчи, яъни чўян эритувчи буғини республикада ташкил этилмаган.

Бироқ шунга қарамадан, корхонада ишлаб чиқариладиган махсулот ҳажми тобора кўпайиб бормоқда. Агар 2004- йилда бу ерда 602,2 минг тонна пўлат эритилган бўлса, 2013-йилда у 761,0 минг тоннага етди. Тайёр прокат ишлаб чиқариш ҳам худди шундай даражада ортиб борган: 2004 йилда 550,7 минг т., 2013-йилда – 718,0 минг тонна ёки шу даврда 130,3 фоизга кўпайган. Корхонада пўлат эритиш ҳажмининг ортиб бориши, энг аввало, электр печларини ишга тушириш билан боғлиқ бўлган. Ҳозирги вақтда жами олинандиган пўлатнинг 85-86 фоизи айна шу электр печларига тўғри келади.

Қора металлургияга қараганда рангли металлургия мамлакатимизда кенгроқ тарқалган ва унинг иқтисодий аҳамияти ҳам юқорироқ. Бу, ўз

навбатида, республикамызда ушбу саноат тармоғи учун мустақкам хом ашё базасининг мавжудлигига асосланади. Илгари айтилганидек, Ўзбекистон ҳудудида мис, олтин, вольфрам, молибден, уран каби металллар қони қўлаб топилган.

Маълумки, рангли металлургия қатор муҳим хусусиятларга эга. *Биринчидан*, руда таркибида керакли металнинг миқдори (улуши) ўта оз. Шунинг учун жуда катта ҳажмли тоғ жинслари казиб олинади ва қайта ишланади. *Иккинчидан*, руда таркибида бир эмас, бир неча метал компонентлари бор. Бу эса олинанидан хом ашёни комбинат усулида ҳар томонлама (комплекс) қайта ишлашни талаб қилади. *Учинчидан*, рангли металлларни эритиш ниҳоятда қўп электр энергияни истеъмол қилади, демак, ушбу саноат тармоғининг юқори технологик босқичлари электр манбаларига яқинроқ жойлаштирилиши керак. Ниҳоят, *тўртинчидан*, рангли металлларни эритиш экологик жиҳатдан анча хавфли ҳисобланади. Шу сабабдан, йирик корхоналар атрофида экология билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам вужудга келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, рангли металлургия корхоналарини ҳудудий ташкил этиш нисбатан мураккаб бўлиб, бунда қатор омиллар таъсири мувофиқлаштирилиши зарур бўлади. Беvosита тоғ-кон саноати районларида эса ландшафт шакллари бузилади, “ёмон” ерлар (бедленд) вужудга келади. Бундай техноген ландшафтларда рекультивация масалалари ҳам кескин тус олади.

Мамлакатимиз олтин, мис, уран, вольфрам казиб олиш бўйича кўзга кўринарли мавқега эга. Айнан улар республика экспорт салоҳиятига ҳам ўз ҳиссаларини қўшишади. Бу хусусда авваламбор Навоий ва Олмалик тоғ металлургия комбинатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Навоий ТМК вилоят саноати маҳсулотининг асосий қисмини таъминлайди. Унинг хом ашё базаси қўпроқ шу вилоятнинг ўзида, қисман унга туташ бўлган ҳудудларда (масалан, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманига қарашли Зафаробод шаҳарчасида) жойлашган.

Олмалик ТМК ҳам катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Бу ерда мис, олтин ва бошқа металллар олинади. Унинг негизида Ангрэн-Олмалик тоғ-кон саноат райони ёки ҳудудий мажмуаси шаклланган. Хом ашё Тошкент вилоятидан ташқари, Жиззах вилоятидан ҳам олинади.

Рангли металлургия саноатининг учинчи йирик корхонаси Чирчик шаҳридаги Ўтга чидамли ва қийин эрувчи металллар комбинати саналади. У асосан Жиззах вилоятининг Қўйтош, Самарқанд вилоятининг Ингичка вольфрам конларидан хом ашё олади.

Шундай қилиб, қора ва рангли металлургия Тошкент ва Навоий вилоятларида ривожланган. Олмалик, Навоий, Чирчик, Маржонбулоқ, Учқулоч, Янгиобод, Қизилтоғ, Чиғирик каби саноат марказлари ва пунктлари шаклланган. Рангли металлургия саноатига тегишли айрим

кичик корхоналар бошқа вилоятларда, жумладан Наманган (Чодак) ҳамда Бухоро (Зафаробод) вилоятларида ҳам мавжуд.

Келажақда рангли металлургия саноати Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ривожланиб боради. Самарқанд вилоятидаги Зармитан олтин кони, Сурхондарёнинг Хонжиза полиметал конлари бунга асос бўла олади. 2004 йилдан бошлаб Хонжиза кони Олмалиқ ТМК тасарруфига берилган.

**Кимё ва нефть кимё саноати.** Кимё ва нефть кимё саноати ўз номига мос ҳолда икки қисмдан, яъни нефть ҳамда нефть кимё тармоқларидан иборат. Бевосита кимё саноатининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши ўзига хос, бетакрор хусусиятларга эга.

Шу ўринда, энг аввало, унутмаслик лозимки, бу саноат тармоғи тармоқ ҳосил қилувчи мезонларга кўра ягона ҳисобланади, у технологик жараён бирлиги бўйича ташкил топган. Кимё саноатининг жойлашуви ўта мураккаб: бир томондан, ушбу саноат тармоғининг корхоналари эркин жойлашув имкониятларига эга. Бошқача қилиб айтганда, кимё саноатининг хом ашё базаси кенг, у минерал ресурслар, ўсимлик ва ҳайвонот хом ашёси, турли хил саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари асосида, ҳатто ҳаводаги азот ҳисобидан ҳам ташкил этилиши мумкин. Бу саноат тармоғи бошқа саноат турлари, жумладан, рангдор ва қора металлургия, ўрмон, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, озик-овқат саноат корхоналари билан технологик боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Бинобарин, кимё саноатига ишлаб чиқаришнинг кооперацияси ва комбинатлашуви юқори даражада тегишлидир, унинг негизда мураккаб энергия ишлаб чиқариш цикли ҳам шаклланади.

Иккинчи томондан, кимё саноати корхоналарини ҳудудий ташкил этиш бирмунча чекланган. Сабаби, у экологик жиҳатдан анча “хавфли” бўлганлиги туфайли, бундай корхоналарни истаган жойда қуриш мумкин эмас. Нефть кимёси саноати эса, одатда, нефтни қайта ишлаш марказларида ривожланади. Нефтни қайта ишлаш заводлари асосан 3 вариантда: хом ашё, қулай транспорт географик ўрин ва истеъмол омиллари таъсирида жойлаштирилади. Улардан кўпроқ учрайдигани бундай заводларни истеъмол районларида ташкил этиш ҳисобланади. Чунки, турли нефть маҳсулотларни келтиргандан кўра бевосита нефть хом ашёсини келтириб, ундан жойларда керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш маъқулроқ (бунда транспорт харажатлари ҳам кескин қисқаради).

Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд: турли хил туз конлари, табиий газ ва қисман нефть, доривор ўсимликлар, рангдор металлургия корхоналарининг борлиги ва ҳ.к. Улар асосида ушбу тармоқ корхоналари ташкил этилган.

Мустақиллик йилларида кимё ва нефть кимё саноати жадал ривожланиб борди. Масалан, 1995-2013-йиллар мобайнида республика жами саноат маҳсулоти 2,8 марта кўпайган ҳолда, мазкур тармоқ

маҳсулоти 3,8 баробар ошди. Айниқса кимё-фармацевтика ва лак-бўёқ саноати жадал ривожланди. Умуман олганда эса, кимё ва нефть-кимё саноатининг тез ривожланиб бориши 1993, 1998-2002, 2006-2007-йй. ва 2010-йилда кузатилади. 2013-йил маълумотига кўра, мазкур саноат мамлакат жами саноат маҳсулотининг 5,4 фоизини беради, унда банд бўлган саноат ходимларининг улуши 6,4 % (40 минг киши атрофида). Кимё ва нефть кимё саноати асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати ҳам 5,0 фоизга яқин.

Кимё саноатининг асосий маҳсулотлари минерал ўғитлар, олтингугурт кислотаси, кимёвий тоғалар, полиэтилен, кальций ва каустик сода, ўсимликни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқалар. Бир йилда ўртача 1308 минг тонна сунъий аммиак, 111,1 минг т. минерал ўғитлар, 1200 тонна олтингугурт кислотаси, 5,2 минг т. кимёвий тоғалар, 24 минг т каустик ва 96 минг тонна кальций сода, 3,5 минг тонна ҳар хил ўсимликни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқарилади. Энг сўнгги йилларда сунъий аммиак, минерал ўғитлар ва, олтингугурт кислотасини ишлаб чиқариш ўсиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳри яқинида йирик замонавий кимё заводининг қурилиши (маҳаллий туз конлари асосида) кальций содасини катта миқдорда ишлаб чиқаришга олиб келди. Ушбу завод негизида кимёгарлар шахрчаси – Элобод барпо этилди. Яқин келажакда Устюртда Шўртангаз-кимё мажмуасига ўхшаш янги мажмуа ишга туширилади.

Республикамизда ҳозирги кунда 3 та нефтни қайта ишлаш заводи бор. Уларнинг биринчи XIX аср охирида Фарғона водийси нефть захиралари асосида Олтиариқ (Ваннов, Ҳамза) заводи, собиқ Иттифоқ даврида Фарғона (Қиргули) ва мустақиллик йилларида Бухоро (Қоровулбозор) заводлари барпо этилган. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мустақиллик йилларида хорижий ҳамкорлар (Япония) билан қайта таъмирланда ва модернизация қилинди. Ҳозирги вақтда йирик Қоровулбозор заводининг биринчи навбати ишлаб турибди, у қўшни Қашқадарё вилоятининг Кўкдумалоқ нефть кони асосида ишлайди. Келажакда бу корхона базасида нефть-кимё саноати мажмуасини ташкил этиш мумкин.

Олтингугурт кислотаси кимё саноатининг ўзига хос “нони” ҳисобланади, чунки у турли ишлаб чиқариш воситаси сифатида хизмат қилади. Республикамизда ишлаб чиқариладиган олтингугурт кислотасининг 70 фоизига яқини Тошкент вилоятига, қолган қисми Навоий вилоятига тўғри келади. Унинг асосий марказлари Олмалиқ ва Навоий шаҳарлари саналади.

Минерал ўғитлар азот (селитра), фосфор ва омихта ўғитлар (аммофос) турларидан иборат. Жами ишлаб чиқарилган 1,3-1,4 млн. тоннадан ортик ўғитларнинг 80-85 фоизини азот ўғити ташкил қилади. Қолган қисми фосфор ўғитларга тўғри келади. Бундай ўғитлар Тошкент, Навоий,

Фаргона ва Самарқанд вилоятлари корхоналарида ишлаб чиқрилади. Жами минерал ўғитларнинг 40-42 фоизини Тошкент вилояти, 1/3 қисмига яқинини Навоий ва 25 фоизини Фаргона вилояти беради. Самарқанд вилоятининг улуши эса анча паст. Асосий саноат марказлари Навоий, Фаргона, Чирчик, Олмалик, Кўкон ва Самарқанд шаҳарлари. Навоий, Фаргона ва Чирчикда азот, Кўкон ва Самарқандда эса фосфор ўғитлари ишлаб чиқарилади. Аввалри суперфосфат қўшни Қозоғистон Республикаси Жанбул вилоятининг Қоратов фосфорити конларидан келтирилар эди. Ҳозирги кунда эса уларни маҳаллий, яъни Навоий вилоятида топилган йирик фосфорит кони таъминламоқда.

Яқингача Ўзбекистонда калий ўғити ишлаб чиқарилмас эди. Бу ўғит тури, бошқа ўғитлар, хусусан азот ўғитига қараганда юқори даражада хом ашё талаб ҳисобланади. Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон темир йўлини қуриш муносабати билан Қашқадарё вилоятининг Дехнобод туманида йирик калий заводи бунёд этилди. У маҳаллий туз конлари асосида ишлайди. Натижада, Қашқадарёнинг республика газ ва нефть кимё саноатида тутган ўрни янада ошди. Бу ерда Муборак, Шўртан газ-кимё мажмуалари мавжуд.

Лак-бўёқ саноати Тошкентда, формацевтика Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилоятида ривожланган. Турли хил гербицидлар Навоий электркимё комбинатида, резина буюмлари Ангрен ва Попда ишлаб чиқарилади. Умуман олганда, кимё ва нефть кимё саноатини жойлаштириш ва ривожлантиришда янги, экологик жиҳатдан хавфсиз, замонавий технологиялардан фойдаланиш, саноат корхоналарини ҳудудий ташкил этишда барча омилларни, айниқса шамол ва сув (гидрография) йўналишларини, аҳоли жойлашуви ва иқтисодий географик ўринни эътиборга олиш зарур ҳисобланади.

**Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати.** Машинасозлик ва метални қайта ишлаш оғир саноат, яъни ишлаб чиқарувчи воситаларни ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларидан бири бўлиб, у муҳим ўзига хос хусусиятларга эга. Энг аввало, унинг таркиби жуда мураккаб бўлиб, у майда мих ёки игнадан тортиб улкан музёерар кемалар, самолёт, космик ракеталаргача бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Чунки, бундай маҳсулотларнинг асосий хом ашёси битта, яъни метал ҳисобланади.

Машинасозлик ва метални қайта ишлаш, хусусан унинг бевосита машинасозлик қисми илмий техника тараққиётини ўзида акс эттирувчи тармоқдир. У ҳар қандай мамлакат ёки минтақа иқтисодиётининг умумий ривожланганлик даражасини ифодаловчи ўзига хос индикатор ҳисобланади. Бу борада айниқса машинасозликнинг ҳозирги замонавий тармоқларини шакллантирилганлиги устувор аҳамият касб этади.

Қўрилаётган саноат тармоғида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шаклларида иқтисослашув ва кооперация ниҳоятда катта ўрин тутди. Сабаби, мазкур саноат маҳсулотларининг кўпчилиғи, унинг

“юқори қаватлари” ўта мураккабдир. Шу билан бирга, бу саноат тармоғининг мажмуа, кластер ва район ҳосил қилувчи аҳамияти ҳам катта.

Ушбу саноат тармоғининг ҳудудий ташкил этиш омиллари турлича; баъзи машинасозлик корхоналари метални ва ишчи кучини кўп талаб қилса, бошқалари учун нисбатан озроқ, аммо малакали кадрлар ва сифатли метал зарур бўлади; баъзи машинасозлик заводлари бевосита истеъмол районларида (трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минтақа иқтисодиётининг ихтисослашган тармоқлари учун тегишли жиҳозлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ва б.) жойлаштирилса, айримлари (радио ва телеаппаратура, ҳисоблаш машиналари, компьютер ва х.к.) йирик инновация салоҳиятига эга бўлган марказларда ташкил этилади.

Таркибий жиҳатдан машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати ўзининг ички тузилишининг турли туманлиги билан бошқа саноат тармоқларидан кескин фарқ қилади. У транспорт, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника, станоксозлик ва асбобсозлик, приборсозлик каби йирик тармоқлардан ташкил топган. Улар, ўз навбатида, янада кичикроқ, тор ихтисослашган “тармоқчалардан” иборат. Масалан, транспорт машинасозлиги самолётсозлик, автомобилсозлик, кемасозлик, вагонсозлик ва бошқа турларни, автомобилсозликнинг ўзи эса енгил ва юк машиналарини ишлаб чиқаришдан ташкил топган.

Ўзбекистонда дастлабки машинасозлик корхоналари оддий кўринишда бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги учун ҳар хил воситалар ишлаб чиқарган, кўпроқ таъмирлаш билан шуғулланган. Йирик машинасозлик заводлари эса асосан Иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ Иттифоқнинг ғарбий районларидан кўчириб келиш туфайли вужудга келган. Бундай корхоналарнинг асбоб-ускуналари нисбатан қулай транспорт географик ўринга эга бўлган марказларда йиғилган (Тошкент, Самарқанд, Чирчик ва б.).

Ҳозирги вақтда машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати жами республика саноат маҳсулотининг 19,8 фоизини беради ва у бу борада ёқилги саноатидан кейинги иккинчи ўринда туради. Мазкур саноат тармоғида мамлакат саноатида банд бўлган ишчи-ходимларнинг 15,0 фоизи хизмат қилади, унинг саноати ишлаб чиқариш фондларидаги улуши эса 11,0 фоизга тенг. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати мустақиллик йилларида юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Ўтган йилларда машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати таркибида муҳим ўзгаришлар юз берди; турли хил объектив сабабларга кўра айрим саноат корхоналарининг фаолияти сустлашди, баъзиларида маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтади. Жумладан, трактор, пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш кескин камайди. Айни вақтда мустақил Ўзбекистонда янги, замонавий машинасозлик корхоналари барпо этилди. 1996-йилда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида йирик автокорхонанинг



ишга туширилиши ўта муҳим аҳамиятга эга бўлди ва бу корхона республикамизни жаҳоннинг 30 га яқин автомобилсозлик ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлишига хизмат қилди. Шу билан бирга, Асака автомобиль заводи Ўзбекистон, хусусан Фарғона водийси саноатининг тармоқлар ва ҳудудий таркибининг диверсификациялашувига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда автомобиль ишлаб чиқариш учун керакли бутловчи қисмларнинг яримдан кўпроғи республикамизнинг ўзида яратилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда автобус ва юк машиналарини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Дастлаб бу корхона (Самарқанд ш.) Туркия фирмалари билан бирга ишлаган бўлса, сўнгги йилларда у Япония давлати компаниялари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳозирги вақтда Самарқанд вилоятида (Жомбой тумани) Германия билан ҳамкорликда борпо этилган, МАН заводи ҳам ишлаб турибди.

2013-йил якунларига кўра, мамлакатимизда 251,3 минг дона автомобиллар, шу жумладан 1136 та автобус, 2,4 мингта трактор, 933 дона трактор прицеplари, 6,0 минг дона совутгич ва музлатгичлар, шунингдек, турли хил кабель, трансформатор, кўтаргичлар, культиватор ва бошқа кўплаб маҳсулотлари ишлаб чиқарилган<sup>1</sup>. Агар бу кўрсаткичлар 1995-йилга нисбатан таққосланса, жами машипасозлик ва метални қайта ишлаш саноати маҳсулотлари 5,2 марта ошгани холда, приборсозлик 20-25, кўтаргич-транспорт машиналари 15,5, станоксозлик ва асбобсозлик 10,5, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш 7-8 баробарга кўпайганлигини кўриш мумкин.

Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатининг географияси республикамизда унча кенг эмас. Унинг асосий маркази Тошкент (станок ва асбоблар, трактор, автомобиль, ва қишлоқ хўжалик машиналари, электротехника ва б.), Самарқанд (автобуслар, юк машиналари, совутгич ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш), Асака (автомобилсозлик), Чирчиқ (қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, трансформаторлар ишлаб чиқариш) ҳисобланади. Ушбу саноатнинг айрим корхоналари, шунингдек, Наманган, Фарғона, Қўқон, Андижон, Урганч; Каттакўрғон сингари шаҳарларда ҳам мавжуд. Бу корхоналар газ аппаратуралари, пахта тозалаш заводлари учун ускуналар, тўқимачилик машиналари каби маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

Республикамизда машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатини кенг миқёсда ривожлантиришда унинг метал базасини мустаҳкам эмаслиги, малакали ишчи кадрларнинг озлиги бирмунча тўсқинлик қилади. Келажақда мамлакатимиз иқтисодийтини саноатлаштириш

<sup>1</sup> 2009 йилда мамлакатимизда 205011 дона енгил ва 722 та юк машиналари, 1317 та автобус, 2737 та трактор, 1852 та культиватор тайёрланган. 2010-йилда енгил автомобил ишлаб чиқариш буйича Ўзбекистон МДХ да 2-ўринда турган (Россияда 1209 минг, Украинада 75 минг дона).

сиёсатини амалга ошириш доирасида ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида саноатнинг бу тармоғи ҳам юқори даражада ривожланиб боради. Хусусан, қишлоқ хўжалиғи, коммунал-маиший хўжалик эҳтиёжлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга бўлган талабнинг ортиб бориши мазкур саноат тармоғи ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Шу билан бирга, унинг Ўзбекистон экспорт салоҳиятини мустақамлаб боришдаги юқори даражадаги ўрни сақланиб қолади.

**Оғир саноатнинг бошқа тармоқлари.** Юқорида кўрилган саноат тармоқларидан ташқари оғир саноат таркибига, шунингдек, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз ҳамда қурилиш материаллари саноати ҳам киради. **Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати,** одатда, турли вариантда жойлаштирилади. Чунончи, у хом ашё, яъни ўрмон захираларига эга бўлган, ёғочни окизувчи дарёлар билан темир йўллар кесишган жойларда ёки бевосита истеъмол районларида ташкил этилади. Кўпинча ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш хом ашё районларидан кўра бошқа ҳудудларда ривожланган.

Маълумки, республикамизда саноат аҳамиятига эга бўлган ўрмон ресурслари мавжуд эмас. Бинобарин, ушбу саноат тармоғи асосан четдан келтирилган ёғоч ва бошқа яриммаҳсулотлар негизида ташкил этилган. Умуман олганда, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати мамлакатимизнинг кўпгина бошқа тармоқларига қараганда тезроқ ривожланмоқда. Агар ялпи саноат маҳсулоти 1995-2013-йилларда 2,5 мартага ўсган бўлса, мазкур тармоқ маҳсулоти 8,4 мартага кўпайган. Хусусан, 1999 й. ва 2004-2010-йилларда ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати барқарор ривожланиб борган.

Ҳозирги вақтда кўрилатган саноат тармоғига жами республика ялпи саноат маҳсулотининг 1,1 фоизи, асосий ишлаб чиқариш фондларининг 0,5 ва саноатда банд бўлган ишчи-ҳодимларнинг 2,0 фоизи тўғри келади. У мебель, картон, қоғоз ва ёғочдан олинган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради. 2013-йилда 4,2 минг тоннага яқин қоғоз, 13 минг тонна атрофида картон маҳсулотлари тайёрланган. Картоннинг асосий қисми – жами маҳсулотнинг 96,0 фоизи Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Наманган вилоятларида ишлаб чиқарилади.

Кўриниб турибдики, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатининг мавқеи Ўзбекистонда унча юқори эмас. Бунинг асосий сабаби-республика саноатида ўрмон захираларининг озлигидир, истеъмол эса йилдан-йилга ортиб бормоқда. Келажакда полиграфия саноатининг ривожланиб бориши, турли хил замонавий ва сифатли мебелларга эҳтиёжнинг кўпайиши республика иқтисодиётида бу саноат тармоғининг мавқеини ҳам янада яхшилашни тақозо этади.

**Қурилиш материаллари саноати** оғир ва умуман, саноат мажмуасининг ўзига хос тармоғи ҳисобланади. Бу саноат тури янги

Ўзлаштирилаётган ҳудудларга биринчилар қаторида кириб келади ва инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлади. Чунки, қурилиш базасисиз янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мумкин эмас. Шу маънода, қурилиш базаси электр энергетика билан биргаликда ҳудудлар ўзлаштирилишининг муҳим инфратузилмаси, асоси бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, мазкур саноат тармоғи барча ҳудудларда бўлиши шарт ва, учинчидан, унинг хом ашё баъзаси ҳар хил бўлганлиги сабабли ҳудудий ташкил қилиш имкониятлари кенг.

Қурилиш саноатининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унинг ишлаб чиқариш жараёнида чиқинди деярли қолмайди, келтирилган хом ашё бутунлай тайёр маҳсулотга айланади. Шу сабабдан ҳам қурилиш материалларини кўпроқ истеъмол районларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бироқ, қурилиш материаллари саноатининг асосий “нони”, хом ашёси – цементни ишлаб чиқариш катта харажатларни талаб қилади. Чунончи, унинг учун энг аввало қизил рангли мергели, учламчи давр ётқизиклари, оҳақтош керак. Бундай хусусият цемент саноати географиясининг унча ривожланмаганлигига олиб келади. Масалан, шундай улкан Россия Федерациясида цемент саноатининг асосий марказлари кўп эмас (улар Новороссийск, Волжск, Искитим қабилар, холос). Шу билан бирга, цемент ишлаб чиқаришини металлургия комбинатлари, алюминий (глинозем) заводлари қошида ёки яқинида, уларнинг чиқиндилари асосида ҳам ривожлантириш мумкин.

Мамлакатимизда сўнги йилларда қурилиш материаллари саноатининг ривожланиш суръати анча юқори. 2013-йил якунларига кўра мазкур саноат тармоғининг ўсиш суръати 113,6 фоизга тенг бўлган. Ўзбекистонда жами 2 мингдан зиёдроқ қурилиш материаллари корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу саноат тармоғи республика ялпи саноат маҳсулотининг 6,4 фоизини таъминлайди, унда жами саноат ишчи-ҳодимларининг 7,4 фоизи банд, ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари хиссаси эса 5,2 %.

Қурилиш материалларининг тури кўп, уларнинг географияси ҳам кенг. Табиийки, ғишт, шлакоблок, бетон каби деворбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш аксарият шаҳар ва туманларда ташкил қилинган. Қолган қурилиш материаллари эса асосан йирик ва ўрта шаҳарларда тайёрланади. Турли хил сифатли қурилиш материаллари чет элдан келтириш билан бир қаторда, ўзимизда ташкил этилган қўшма корхоналарда ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Бир йилда республикаимизда тахминан 7,0 млн т. цемент, 800-850 минг куб метр атрофида темир-бетон қурилмалари (конструкциялари), кўплаб ойна, юмшоқ томёпгич материаллари ва изол ишлаб чиқарилмоқда. Деворбоп материаллар эса 2,5-3,0 млн. шартли ғишт доналарини ташкил этади. Цемент саноати асосан Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ривожланган. Биргина Навоий цемент заводи мамлакатимизнинг 2/5 қисм

цементини беради; деярли шунча маҳсулот Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Бекобод, Ангрен шаҳарларида ишлаб чиқарилади (уларнинг энг йириги Оҳангарон комбинати ҳисобланади). Қолган қисми Фарғона вилоятига (Кувасой) тўғри келади. Ҳозирги вақтда Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзақ ҳамда Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида цемент заводи барпо этилмоқда.

Яқин келажакда қурилиш материаллари саноати юқори кўрсаткичларда ривожланиб боради. Бу борада “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурини амалга ошириш, уй-жой, темир ва автомобиль йўллар, янги саноат корхоналари, маданий-маиший ва бошқа инфратузилма шохобчаларини қуриш катта аҳамият касб этади.

Енгил саноат. Саноат тармоқлари орасида энг қадимгиларидан бири енгил саноатдир. Ҳозирги замон саноат ишлаб чиқаришининг негизини ҳам айни шу тармоқ ташкил қилади. Дастлаб *мануфактура* шаклида пайдо бўлиб, сўнгра у йирик саноат индустриясига айланган, саноат инкилобига туртки бўлган.

Таъкидлаш жоизки, саноат ишлаб чиқишининг ватани – Англия саноатининг ривожини ҳам тўқимачилик саноатидан бошланган. У, ўз навбатида, бошқа саноат тармоқлари ривожланишини тақозо этган. Чунки, тўқимачилик саноатининг тараққиёти турли хил асбоб-ускуналар, тўқимачилик машинасозлигини, у металлургияни, металлургия эса ёқилғи (кўмир) саноати ривожланишини талаб қилган ва бу жараён “занжирсимон” юз берган. Темир йўл транспортининг ривожланиши ҳам шу омил билан боғлиқ бўлган.

Енгил саноат халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи асосий саноат тармоғидир. Унинг корхоналарини бунёд этиш катта капитал маблағ талаб қилмайди ва ишлаб чиқариш жараёни ҳам технологик жиҳатдан унча мураккаб эмас, маҳсулоти нисбатан арзон. Энг муҳими – енгил саноат, жумладан, унинг етакчи тармоғи бўлган тўқимачилик саноати маҳсулотининг истеъмол қилиш “зичлиги” жуда юқори. Сабаби шуки, бу маҳсулотлар барчага ва кўп миқдорда керак; чунки бир киши бир йилда ёки мавсумда бир неча кийим-кечак, пойафзал кияди. Демак, бундай маҳсулотларнинг айланма ҳаракати юқори. Бинобарин, даромад оз бўлса-да, тез кўпайиб боради. Енгил саноат тармоқлари нисбатан кам капитал маблағ, аммо кўп ишчи кучини талаб қилади. Шу сабабдан унинг “меҳнатгалаблиги” бошқа саноат тармоқларига қараганда анча катта. Айни вақтда, енгил саноатнинг хом ашё базаси ҳам кенг – у ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотлари, шунингдек, кимёвий тоғлар асосида ҳам ривожланиб бораверади.

Енгил саноатнинг юқоридаги хусусиятлари унинг ҳудудий ташкил этиш жиҳатларини белгилаб беради. Мазкур саноат тармоғи

корхоналарини жойлаштиришга қуйидига омиллар ўз таъсирини кўрсатади:

- хом ашё;
- истеъмол;
- меҳнат ресурслари.

Хом ашё асосан енгил саноатнинг бирламчи бўғинларини, масалан, пахта тозалаш, жун ювиш, тери ошлаш корхоналарини жойлаштиришга таъсир кўрсатади. Жумладан, Ўзбекистонда юздан ортиқ пахта тозалаш заводлари бевосита пахта етиштирадиган кишлоқ туманларида жойлаштирилган.

Истеъмол омили таъсирида аксарият ўрта ва йирик шаҳарларда тикув, трикотаж ва пойафзал фабрикалари ташкил этилган. Бу омил меҳнат ресурслари омили билан уйғунлашиб, енгил саноат географиясини аниқлаб беради. Мазкур саноат кўп меҳнат талаб қилганлиги сабабли у ишчи кучини банд қилиш мақсадида кичик ва ўрта шаҳарларда, баъзан йирик саноат марказларида ривожланган. Оғир саноат марказларида (кўмирчилар, металлургия, машинасозлар шаҳарларида) аёллар меҳнатидан самарали фойдаланиш учун ҳам енгил саноат, хусусан тўқимачилик корхоналари жойлаштирилади. Бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам кенг тарқалган.

Енгил саноат ўз таркибига тўқимачилик, тикув, трикотаж, пойафзал каби тармоқларни олади. Тўқимачилик енгил саноатнинг асосини ташкил қилади. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши узоқ тарихга эга. Қолаверса, бу ерда тўқимачиликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд: хом ашё (пахта хом ашёси, жун, пилла) базаси кенг, меҳнат ресурслари бой, ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжи ҳам юқори. Мазкур саноат тармоғида ишлаш учун маҳаллий халқ бой тажриба ва меҳнат малакасига эга. Шу боис, айтиш мумкинки, миллий ва минтақалар иқтисодётини ривожлантиришда тўқимачилик саноатининг ўрни катта. Жаҳоннинг етакчи индустриал мамлакатларининг ривожланиши асосан айна шу тармоқ билан боғлиқ бўлган.

Ҳозирги вақтда енгил саноат республика саноати ишлаб чиқариш фондларининг 8,5, ялпи маҳсулотининг 13,0 фоизини ташкил қилади. Маҳсулот ҳажмига кўра, ёқилғи, металлургия ва машинасозликдан кейинги 4-чи ўринда туради. Енгил саноатнинг ўрни айниқса саноатда банд бўлган ишчи-ходимлар сони бўйича катта – 20,5 % (биринчи ўринда).

Мамлакатимизда 2850 га яқин енгил саноат корхоналари, шу жумладан 1345 та тикув ва 1160 та тўқимачилик корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида 134 минг киши атрофида аҳоли банд бўлган; нодавлат секторининг улуши 99,4 %. Мустақиллик даврида енгил саноатнинг тезроқ ривожланиши 2000-2001, 2005, 2010 ҳамда 2013-йилларда қайд этилган.

Пахта тозалаш заводлари республикамиз худудида XIX асрнинг 2-чи ярмида барпо этила бошланган. Масалан, Каттакўрғон пахта тозалаш заводи XIX асрнинг 70- йилларида ишга туширилган. Бу ва бошқа корхоналар Россия тўқимачилик саноатига хом ашё (пахта толаси) етказиб бериб турган. Айнан шу мақсадда дастлабки темир йўллар ҳам қурилган. Ҳозирги кунда пахта толаси республикамиз ташқи иқтисодий алоқаларида муҳим ўринга эга. У ҳар йили валюта тушумининг 13-18 фоизини таъминлаб туради.

Йирик тўқимачилик корхоналари собиқ Иттифок даврида барпо этилди. Фарғона тўқимачилик комбинати 1927-йилда, Тошкент тўқимачилик комбинати ўтган асрнинг 40-нчи йилларида ишга туширилди. 70-80 нчи йилларда Андижон, Нукус, Бухоро тўқимачилик комбинатлари ва уларнинг филиаллари ташкил этилган. Бироқ, бу корхоналарнинг барчасида етиштирилган пахта толасининг бор-йўғи 9 фоизи қайта ишланган, холос, қолган қисми эса республикадан четга чиқарилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, енгил, шу жумладан тўқимачилик саноатида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. “Ўзбекенгилсаноат” Давлат акционерлик компанияси, 80 дан ортиқ қўшма корхоналар ишлаб турибди. Бу корхоналар асосан чет эл компаниялари билан биргаликда (Жанубий Корея, Туркия, АҚШ, Швецария ва б.) қурилган. Ҳозирги кунга келиб маҳаллий пахта толасининг тахминан 32-33 фоизи республиканинг ўзида қайта ишланади (келажакда ушбу кўрсаткичнинг 50 фоизга етказилиши кўзда тутилмоқда). Бир йилда ишлаб чиқарилган пахта толаси 1100-1200 минг тонна атрофида. Бу кўрсаткич ҳар йили пахта ҳосилига қараб ўзгариб туради.

Республикада йиллар давомида тўқимачилик-индустриал энергия ишлаб чиқариш цикли шаклланган. У ўз таркибига пахта ва пилла хом ашёсини қайта ишлаш, ип ва ипак газлама ишлаб чиқариш ва унинг асосида тикув ҳамда трикотаж корхоналарини олади. Бу цикл, шунингдек, буёқ, пар (буғ) ва тўқимачилик машиналарини ишлаб чиқариш билан ҳам боғлиқ.

Эътироф этиш лозимки, бозор муносабатларга ўтиш ва вилоятларга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида катта ҳуқуқ ва кенг имтиёзлар бериш натижасида тўқимачилик саноатини жойлаштириш анча ўзгарди. Энг аввало, бундай шароитда аввалги йирик (гигант) тўқимачилик комбинатларининг фаолияти қийинлашди ва уларнинг барчасида ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайди. Худди шундай ҳолат ип газлама комбинатларида ҳам юзага келди, қадимги машҳур атлас, хонатласлар (Марғилон, Наманган шаҳарларида) ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолди; Фарғона, Андижон тўқимачилик комбинатларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш кескин қискарди, Бухорода тўқимачилик комбинати фаолияти эса тўлиқ тўхтатилди. Бунинг эвазига қатор, замонавий технологиялар билан

жиҳозланган, ихтисослашган кичик, жумладан, қўшма корхоналар барпо этилди.

Қўшма корхоналар географияси кенг; улар Бўстон, Гурлан, Боғот, Урганч, Жомбой, Жарқўрғон, Шахрисабз, Олот, Қорақўл, Косонсой, Поп, Наманган, Тўйтепа, Шахрихон, Конимех ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган. Тикув ва трикотаж фабрикалари Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Қўқон, Чирчиқ каби шаҳарларда жойлашган. Пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам аксарият катта ва йирик шаҳарларда мавжуд.

1995-2013-йиллар мобайнида енгил саноат маҳсулотининг ҳажми 2,7 марта кўпайди. Бунда тикувчилик нисбатан жадалроқ ривожланиб борган (11,0 марта) бўлса, энг сўнгги йилларда газлама, пойафзал ишлаб чиқариш бирмунча қисқарди. Масалан, 2013-йилда ип-газлама ишлаб чиқариш 2004 йилга нисбатан 4 баробар камайди, чулки-пайпоқ эса бу даврда кўпайган. Умуман олганда, бир йилда 1630-1650 минг т. чигит, 240-250 т. ипак толаси, 170-180 минг т. пахта ип калаваси, 90 млн. дона трикотаж маҳсулотлари, 645-650 минг кв. м. гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Жами ишлаб чиқарилган газламининг асосий қисми ип-газламага тўғри келади. Ипак газлама ишлаб чиқариш эса анчага камайган. Шу асосда ипак саноати марказлари – Марғилон ва Наманган шаҳарлари ҳозирги вақтда ўзига хос депрессив ҳолатни бошдан кечирмоқда. Бирок, бироз бўлса-да, бу соҳа Самарқанд шаҳрида ривож топган.

Енгил саноатда ишлаб чиқариш мужассамлашуви пасайиб, ихтисослашув ва комбинатлашув кучайиб бормоқда. Йирик саноат корхоналари ўрнини кичик, замонавий технология билан жиҳозланган қўшма корхоналар эгалламоқда. Шу билан бирга, мазкур саноат тармоғини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Республикамизда олиб борилаётган саноатлаштириш, саноат ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш ва модернизациялаш ҳамда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш жараёнида бу муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб борилади. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” ҳамда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” Давлат дастурларини ҳаётга тадбиқ этиш ҳам қишлоқ жойларга саноатни олиб киришни назарда тутаяди. Қолаверса, енгил саноат, сифатли халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш Ўзбекистон иқтисодий стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи зарур.

**Озиқ-овқат, ун-ёрма ва комбикорм саноати.** Озиқ-овқат саноати ҳам халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи асосий тармоқлардан ҳисобланади. Унинг ҳиссаси, вино-ароқ маҳсулотлари билан бирга, жами халқ истеъмол моллари таркибида 38-40 фоизга тенг. Демак, бундан кўриниб турибдики, ушбу саноат тармоғининг ривожланиши ва

жойланиши, энг аввало, аҳоли сони, унинг ўсиши ва ҳуддий таркибига боғлиқ.

Озиқ-овқат саноатининг жойланишини хом ашё омили ҳам белгилаб беради. Хом ашё сифатида турли хил кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, масалан, пахта чигити, буғдой ва бошқа ғалла экинлари, мева ва узум, чорва маҳсулотлари кабилар хизмат қилади. Бу ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида *агросаноат мажмуаси* шаклланади. Шу ўрида айтиш мумкинки, озиқ-овқат саноати кўп жиҳатдан кишлоқ хўжалигига, кишлоқ хўжалиги эса об-ҳаво, иқлим шароитларига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноати ялпи маҳсулотининг 13,2 фоизи озиқ-овқат тармоғига тўғри келади (2013-й.). Бу тармоқда жами 90 минг киши банд, ишлаб чиқариш фондларининг қиймати эса республикамизнинг бу кўрсаткичини 4,4 фоизини ташкил қилади. Инвестиция ҳажми ҳам унча кўп эмас, у мамлакат саноатига киритилган умумий инвестициянинг 5,5-6,0 фоизига тенг. Мустақиллик даврида мазкур саноат тармоғининг ривожланиши 1993, 1997, 2002, 2005-2006, 2010 ҳамда 2013-йилларда нисбатан юқорироқ бўлган.

Озиқ-овқат саноатининг маҳсулотлари хилма-хил: ун ва ун маҳсулотлари, вино, ароқ, пиво, алкоғолсиз ичимликлар, ўсимлик ва хайвон ёғи, гўшт, сут, колбаса, сигарет ва х.к. Республикамизда ушбу саноат учун қулай шароитлар мавжуд. Бой хом ашё базасидан ташқари демографик вазият ҳам озиқ-овқат саноатининг ривожланишини тақозо этади.

Мамлакатимида бир йилда ўртача 130-140 млн. шартли банка мева-сабзавот консервалари, 350-360 минг т. шакар, 240-250 минг т. ўсимлик ёғи, 21,9 минг т. макарон маҳсулотлари, 1250-1275 минг т. ун, 13,0 млн дал ароқ ва ароқ-ликёр маҳсулотлари, 2,3-2,5 млн. дал вино, 27 млн. дал пиво, шунингдек, кўп миқдорда минерал сувлар, папирос ва сигареталар ишлаб чиқарилади.

Ун-ёрма ва омихта ем саноати республика саноати ялпи маҳсулотини 2,8 фоизини беради. Ушбу саноат тармоғи аҳоли ва чорвачилик эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади.

Озиқ-овқат саноати географияси, унинг жойлашиш ва ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кенг тарқалган. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар Тошкент, Фарғона, Янгийўл, Гулистон, Косон, Хўжайли, Андижон, Наманган, Каттакўрғон, Учкўрғон ва бошқа қатор шаҳарларда мавжуд. Уларнинг жойлашуви пахта қайта ишлаш заводлари билан ҳам боғлиқ. Пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, пахта чигитдан ёғ олиш корхоналари биргаликда агросаноат ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил қилади.

Гўшт комбинатлари, колбаса ишлаб чиқариш, сут маҳсулотларини олувчи саноат корхоналари ўрта ва катта



жойлашган. Ун комбинатлари Тошкент, Оҳангарон, дон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар Жомбой, Хонка, Шўрчи, Янгиер каби қатор кичик шаҳар ва шаҳарчаларда қурилган. Ўзбек-Британия қўшма корхонаси Ургут туманида етиштирилидагн тамакини қайта ишлаш асосида сигарет ишлаб чиқаради; корхона Тошкент шаҳрида жойлашган.

Озиқ-овқат саноати маҳсулотлари деярли тўлалигича нодавлат секторида ишлаб чиқарилади. Турли хил мева ва сабзавотлардан консерва ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. Баъзи маълумотларга қараганда, боғдорчилик ва мевачилик асосида қайта ишлаш саноатини ривожлантириш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Хусусан, бир вақтлар донги кетган ўзбек виноси (“Баян ширей”, “Сояки” ва б.), куруқ мева-консерва саноатини (масалан, Тўрақўрғонда шундай корхона бўлган) ёки анзур пиёз асосида консерва ишлаб чиқаришни (собик Иттифокда бундай ягона завод Шахрисабзда фаолият кўрсатган) қайта тиклаш катта аҳамиятга эга бўлади. Айни вақтда бу республика экспорт салоҳиятини юксалтиришда, валюта тушумини кўпайтиришда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мазкур саноат тармоғини ривожлантиришда ҳам қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, ушбу саноат хом ашё базасини мустаҳкамлаш (айниқса, тоқзор майдонларини кенгайтириш), қайта ишлаш корхоналарининг тегишли қувватини яратиш, инвестицияни жалб қилиш асосида қўшма корхоналарни кўпроқ ташкил қилиш талаб этилади. Шунингдек, йирик корхоналарни (масалан, Гулистон, Косон, Фарғона, Янгийўл, Тошкент ёғ-мой комбинатларини) қайта жиҳозлаш, бу соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имконият бериш ҳам далзарб ҳисобланади.

### **1.6. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги: тармоқлар таркиби ва географияси**

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимги тармоқларидан бири. У ҳозирги кунда жаҳон, миллий ва минтақавий иқтисодиёт таркибида етакчи ўринларни эгаллайди. Бирок, ушбу макроиқтисодиёт тармоғининг ривожланиши турли мамлакатларда турлича кечади; ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалиги, хусусан деҳқончилик кўпроқ экстенсив хусусиятга эга бўлса, етакчи мамлакатларда у интенсив ривожланиб бормоқда. Шунга мос ҳолда, агроиқтисодиётнинг самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ҳам географик жиҳатдан фарқланади.

Одатда, қишлоқ хўжалиги деганда, асосан, унинг икки таркиби, яъни деҳқончилик ва чорвачилик тушунилади. Бу иқтисодиёт фани нуқтаи назардан тўғри, аммо иқтисодий географик жиҳатдан эса, уни қишлоқ аҳолисининг машғулоти, хўжалиги маъносида ҳам эътироф этиш мумкин. Табиийки, қишлоқ жойларда ҳам бу тармоқ турланиб, диверсификацияланиб, шу билан бир қаторда, саноат, транспорт,

рекреация, туризм, ижтимоий соҳалар ҳам кенг тарқалмоқда. Демак, қишлоқ хўжалиги, бир томондан, фақат деҳқончилик ва чорвачилик эмас, иккинчидан, у ҳудудий нуқтага назардан жаҳон хўжалиги, миллий хўжалик, минтақавий ва маҳаллий (муниципал) хўжалиқдан кейинги таксономик бирлик саналади. Иқтисодиётнинг бундай ҳудудий таркиби худди шундай иерархик кўринишга эга бўлиб, тизим-таркиб ёндошувга мос келади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, шаҳар хўжалиги ҳам ўзига хос талқин қилинади. У кўпроқ комунал хўжалиги, ички транспорт, маиший соҳаларни ўз ичига олади. Аслини олганда эса, шаҳарни шаҳар қилувчи асосий тармок (шаҳар ҳосил қилувчи тармок), энг аввало, саноат, ташқи савдо ва транспорт, илм-фан қабилар ҳисобланади. Шу билан бирга, шаҳарларда ҳам, хусусан, бизнинг шароитимизда, қисман қишлоқ хўжалиги мавжуд бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- ✓ энг қадимги, анъанавий халқ машғулотли;
- ✓ мавсумий хусусиятга эгаллиги;
- ✓ қишлоқ хўжалигининг ривожланиши об-ҳаво, иқлим шароитларига боғлиқ;
- ✓ қишлоқ хўжалигининг ҳолати, ўз навбатида, саноатга, айниқса енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланишига кучли таъсир кўрсатади;
- ✓ ушбу тармокнинг ҳудудий ташкил этилиши ареал хусусиятга эга (саноат нуқта шаклида, транспорт чизиксимон, тасмасимон);
- ✓ қишлоқ хўжалигининг меҳнат унумдорлиги саноатга нисбатан паст;
- ✓ қишлоқ хўжалиги аҳолини истеъмол моллари билан, саноатни хом ашё билан таъминлайди;
- ✓ қишлоқ хўжалиги корхоналари учун хом ашё керак эмас, унинг асоси агроиклимий ресурслар, яъни ҳарорат, намлик ва гупроқ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг юқоридаги хусусиятлари ушбу тармокнинг асосий иқтисодий ва иқтисодий географик кўрсаткичларини, ривожланиши ва жойланишини белгилаб беради.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг улушига ялли ички маҳсулотнинг 1/6 қисмига яқини тўғри келади. Сўнгги йилларда республикамизда иқтисодиётни саноатлаштириш дастурини амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалигининг нисбий кўрсаткичлари, яъни улуши пасайиб бориш тенденциясига эга<sup>1</sup>. Шу асосда мамлакатимиз иқтисодиёти аграр-индустириал шаклдан тобора, аста-секин индустриал-аграр йўналиш касб этмокда.

<sup>1</sup> Қишлоқ хўжалигининг республика ялли ички маҳсулотидagi улуши 1990 йилда 33,4 %, 2000 йилда 30,1 % ва 2013 йилда 17,6 % бўлган.

Собик Иттифок даврида республика кишлок хўжалиги асосан пахтачиликка ихтисослашган, марказий худудлар саноатини хом ашё билан таъминловчи монокультура кўринишидаги район эди. Мустақилликка эришгач, бу соҳада туб ислохотлар ўтказилди, кишлок хўжалиги деярли тўлиқ нодавлат секторига ўтказилди, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилди, пахта якка ҳокимлигига барҳам берилди, дон (ғалла) мустақиллигига эришилди ва ҳоказо. Айни вақтда, нотўғри сиёсат олиб бориш оқибатида майдонлари кескин қисқариб кетган узумчилик ва боғдорчилик тармоқлари тикланмоқда. 2009-йилда қабул қилинган “Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурида кишлок жойларда агроиктисодиёт соҳаси билан бир қаторда транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш, молия, спорт кабиларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига катта аҳамият берилган.

Кишлоқ хўжалиги, юқорида кўрсатилган жихатларидан келиб чиққан ҳолда, йиллар давомида бир хил ёки барқарор ривожланиб бормайди. Бунга ижтимоий-сиёсий омиллар билан бирга иқлим шароитлари ҳам катта таъсир кўрсатади.

Мавжуд маълумотларга кўра, кишлок хўжалик маҳсулотларининг ўсиш даражаси ўтган 20 йил мобайнида умумий ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларига нисбатан гоҳ паст (1991,1994,1996,2005,2010 йй.), гоҳ юқори (асосан қолган йилларда) бўлган. Демак, худди шу йилларда агроиктисодиётнинг миллий иқтисодиёт ўсишига таъсири ҳам ҳар хил кузатилган. Кўрилатгани билан даврда саноат ишлаб чиқариши ва кишлок хўжалиги ривожланишидаги нисбат ҳам ўзига хос. Масалан, саноатнинг ўсиш кўрсаткичи 1991, 1993, 1994, 1996, 1999–2002 ва 2004–2010-йилларда ёки 20 йилдан 15 йилда устуворроқ бўлган. Энг муҳими шундаки, хусусан сўнгги 10 йилда кишлок хўжалигининг нисбий ривожланиш даражаси сустроқ кечган (3-илова). Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни саноатлаштиришдан дарак беради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, кишлок хўжалигига йўналтирилган инвестиция ҳажми макроиктисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда анча паст. Қолаверса, унинг улуши йилдан-йилга камайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда агроиктисодиётга республика жами инвестиция ҳажмининг тахминан атиги 3 фоизи тўғри келади, холос. Ваҳоланки, бу кўрсаткич саноатда 35–37%, транспорт ва қурилишда 25% ва ҳоказо. Кишлоқ хўжалигига киритилган маблағнинг 1/5 қисмидан кўпроғи республика бюджетидан, ярмига яқини банк кредитлари ва заём воситаларидан қопланади. Хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми эса 14–15% атрофида.

### **Ер фонди, таркиби ва уйдан фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44896,9 минг га, шундан 44410,3 минг гектари ёки 98,9 фоизи турли хил корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқаролар фойдаланадиган ерлар

билан банд. Ўз навбатида, бу ерларнинг 4313,3 минг гектарини (9,7 %) суғориладиган ерлар ташкил қилади.

Ер фонди, қайси мақсадда фойдаланишига қараб, 8 тоифага бўлинади, уларнинг энг асосийси кишлок хўжалигида фойдаланадиган ерлар ҳисобланади. Ушбу тоифадаги ерлар мамлакатимизда 25258,5 минг га бўлиб, у жами ер фондининг ярмига тенг. Миқдор жиҳатидан кейинги ўринларда захира ерлар (23,4 %) ҳамда ўрмон фонди ерлари ажралиб туради (19,5%).

Жами экин ерлар республикада 4071,0 минг га. У кишлок хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг 18,3 фоизига тенг, шундан суғориладиган ерлар 3313,1 минг га. Шунингдек, мамлакатимизда, хусусан Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида табиий ҳолда суғориладиган ёки лалми (баҳорикор) ерлар ҳам бор. Улар нисбатан кам миқдорда бўлсада, Сурхондарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида ҳам бор. Лалмикор ерларнинг умумий майдони 758 минг гектар. Одатда, бундай ҳудудларда ёгин-сочин миқдори йилига камида 200 мм дан ортиқ ва улар асосан баҳор ойларига тўғри келади.


Кишлоқ хўжалигида фойдаланадиган бошқа ерлар орасида яйлов ва пичанзорлар ажралиб туради. Уларнинг майдони 20756 минг га ёки кишлок хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг 82,2 фоизини ташкил этади. Кўпйиллик дарахтзорлар 351 минг га, бўз ерлар 80,5 минг га (3-расм).

Мавжуд маълумотларга қараганда, ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистонда кишлок хўжалигига мўлжалланган ерлар миқдори бироз қисқарган. Агар бундай ерлар 1990-йилда 28080,4 минг гектарга тенг бўлган бўлса, 2012-йилда улар 25258,5 минг гектарга тушиб қолган. Бунга бошқа турдаги ерларнинг бирмунча кўпайиши сабаб бўлган. 2013-йил 1-январь ҳолатига кўра кишлок хўжалик ерлари республика умумий ер майдонининг 57,0 фоизига тенг. Қолган қисми ўрмонлар, бутазорлар, ва бошқа ерлардан иборат. Бу кўрсаткич мамлакат миқёсида Қорақалпоғистон Республикаси 32,3 фоиздан Навоий вилоятидаги 81,3 фоизгача фарқ қилади. Нисбатан юқори кўрсаткичлар Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида (76-77%), пастлари эса Фарғона, Тошкент, Хоразм, Наманган вилоятларида (45-55%) қайд этилган.

Ҳар қандай мамлакатнинг ер майдони унинг муҳим миллий бойлиги саналади. Бирок, бу борада, энг аввало, кишлок хўжалигида фойдаланадиган ерлар, хусусан бизнинг шароитимизда суғориладиган ерлар катта аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида, гарчи кишлок хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони қисқарган бўлсада, бевосита экин экиладиган ерлар деярли ўзгармаган.

Экин ерлар икки қисмдан иборат: суғориладиган ҳамда лалми ерлар. Улар орасида суғориладиган ерлар, аввал таъкидланганидек, энг қимматбаҳо ҳисобланади. Мустақиллик йилларида республикада сугори-

3-расм. Ўзбекистонда кишлок хўжалигида фойдаланидиган ер турлари (01.01.2013 й.).



Расм муаллиф томонидан тузилган.

ладиган ерлар биров қисқарган. Чунончи, бундай ерлар 1990-йилда жами 3407,3 минг гектарга тенг бўлган ҳолда, 2012-йилда улар 3313,4 минг гектарни ҳосил қилган; кўпайгани асосан Жиззах, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ҳисобидан содир бўлган. Шунингдек, Тошкент, Сирдарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистонда ҳам ижобий жараён кузатилади. Айни вақтда қолган ҳудудларда суғориладиган ерлар майдони, оз бўлсада, камайиб борган. Рақамларга мурожаат қилайлик: Жиззах вилоятида 2000-йилда суғориладиган экин ерлар 256,6 минг га, 2012-йилда эса 264,5 минг га; шунга мос ҳолда, Қашқадарёда 417,7 ва 424,1 минг га; пойтахт вилоятида 298,9 ва 305,1 минг га. Кўриниб турибдики, бу минтақаларда ўсиш қайд этилади. Нисбатан кўпроқ қисқариш кузатишган вилоятларда, жумладан, Самарқандда юқоридаги кўрсаткичлар 261,9 ва 253,9, Сурхондарёда 245,6 ва 241,7, Фарғонада 256,3 ва 249,3, Хоразмда 212,5 ва 205,4 ва ҳоказо. Энг оз суғориладиган экин ерларга эга бўлган Навоий вилоятида ҳам қисқариш қайд этилади: 92,1 ва 91,0 минг га.

Умуман олганда, суғориладиган экин ерлар майдони бўйича Қашқадарё (424,1 минг га), Қорақалпоғистон Республикаси (423,6) ва Тошкент вилояти (305,1 минг га) олдинда. Шу қаторда Жиззах, Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятлари ҳам биров юқори кўрсаткичларга эга (250-265 минг га). Навоий вилоятини ҳисобга олмаганда, қолган минтақаларнинг ҳар бирида бундай ерлар 200 минг гектардан кам эмас.

Нисбий кўрсаткичларда, Қашқадарё вилояти республика жами экин майдонларининг 16,8 фоизини, Жиззах 11,9 фоизини, Самарқанд 10,7 фоизини, Қорақалпоғистон 10,4 фоизини, Тошкент вилояти 8,4 фоизини ўзида мужассамлаштиради. Кейинги ўринларда Сурхондарё, Сирдарё ҳамда Фарғона вилоятлари туради. Энг паст рақам эса Навоий вилоятига тегишли (4-илова).

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Андижон, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида экин ерларнинг 100 фоизи

суғориладиган ерлардан иборат. Бу борада катта фарқ Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида кузатилади. Шу ўринда *ердан самарали фойдаланиш даражаси* ёки коэффиценти тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер турларининг умумий ер майдониغا нисбати, бевосита қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг, хусусан суғориладиган ерларнинг жами ер фондига нисбатан орқали аниқланади. Албатта, бундай кўрсаткичлар вилоятларнинг табиий шароити, айниқса сув ресурслари билан таъминланганлигига қараб, анча географик тафовут ёки фарқларга эга. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида юқоридаги кўрсаткич қишлоқ хўжалиги ер турлари бўйича 3,2, экин ерлар бўйича 0,26, суғориладиган ерлар ҳам шу даражада. Навоий вилоятида у, мос равишда, 8,1; 1,0 ва 0,8. Бухоро вилоятида ҳам, унинг юқоридаги ҳудудлар сингари чўл табиатли бўлганлиги сабабли, мазкур кўрсаткичлар анча паст.

Водий ва воҳаларда эса кўриладиган коэффицент юқори бўлиб, бу уларда ердан агроиктисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг кўпроқ ёки нисбатан интенсив ривожланишидан далолат беради. Чунончи, Андижон вилоятида умумий қишлоқ хўжалиги ер турлари унинг жами майдонини 60,2 фоизини, экин ерлар 47,4, суғориладиган экин ерлар ҳам шунча фоизга баробар. Маълумки, Сирдарё вилояти асосан суғорма ерларни ўзлаштириш негизда ташкил этилган. Бинобарин, бу минтақада юқоридаги кўрсаткичлар анча катта, мос ҳолда, 67,7; экин ерлар 58,6 %. Шунингдек, Хоразм вилояти ҳам бу борада бирмунча юқори кўрсаткичларга эга. Хусусан, унинг ўнг соҳил, яъни Ҳазорасп туманининг чўл қисми ҳисобга олинмаса, минтақа ҳудуди қадимдан ўта юқори даражада ўзлаштирилганлиги, суғориладиган ерларнинг кўпчилигига кўра республикада анча олдинги ўринларда туради.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ерлари турлари таркибида пичанзор ва яйловлар ҳам катта майдонларни эгаллайди. Бу хусусда Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси кескин ажралиб туради. Бу эса, чорвачиликни, энг аввало, унинг гўшт, жун-гўшт йўналишини ривожлантиришга замин яратади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг бундай ер турлари Андижон, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида жуда оз, Наманганда ҳам бу кўрсаткичлар унча юқори эмас. Умуман олганда эса, республика бўйича пичанзор ва яйловлар жами қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерларнинг 66,4 фоизини ташкил қилади.

Юқоридаги статистик рақамлар ва уларнинг қисқача таҳлилидан кўриниб турибдики, жами ер фонди ва умумий қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида экин ерлар, жумладан суғориладиган ерлар унча катта майдонларни эгалламайди. Шу боис, мавжуд суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш муҳим

ва далзарб аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг 8 фоизига яқини мелиоратив ҳолати ёмон ерлар ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, тупроқлар шўрланиш даражасининг юқорилиги ҳамда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши туфайли юз берган. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида республикаимизда 2008-2012-йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган Давлат дастури қабул қилинган. Мазкур мақсадли дастур доирасида мамлакатимиз турли ҳудудларида, хусусан Қорақалпоғистон, Хоразм, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва бошқа вилоятларда катта ишлар амалга оширилди – дренаж ва коллекторлар, зовурлар қайта таъмирланди, ерларнинг шурини ювишга жиддий эътибор қаратилди. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ерларининг 1/3 қисмини мелиоратив ҳолати ёмон; бу кўрсаткич Жиззах вилоятида - 11,5%, Навоийда-10,8%, Сирдарёда-9,9%, Бухорода 7,2%, Қашқадарё вилоятида 6,8% ва ҳоказо.

4-илова маълумотларига қараганда, республика умумий қишлоқ хўжалиги мақсадида ажратилган ерларнинг 35,2 фоизи биргина Навоий вилоятига тўғри келади; иккинчи ўринда Қорақалпоғистон Республикаси (20,7 %), учинчи ва тўртинчи ўринларда Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари (12,8 фоиздан) туради. Ушбу тўрт минтақага Ўзбекистонни жами қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 81,5 фоизи мос тушади. Экин ерлар бўйича Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси етакчилик қилади. Уларнинг ҳар бирида республикада қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган ерларнинг 10 фоиздан кўпроги мужассамланган. Энг кичик кўрсаткич Навоий (атиғи 2,7%), шунингдек, Наманган, Андижон ва Бухоро вилоятларида қайд этилади. Қизиғи шундаки, бу вилоятлар умумий ер фонди бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади.

Агрогеография нуқтаи назаридан, суғориладиган ерларнинг ҳудудий тарқалиши (тақсимланиши) катта мазмун касб этади. Суғориладиган ерлар майдони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилояти етакчи: уларнинг ҳар бирида мамлакат жами суғориладиган ерларининг 12 фоизи мавжуд. Шунингдек, Тошкент вилояти бу ҳусусда бироз кўзга ташланади – 9,2 %. Айни вақтда Навоий вилоятида, аввал таъкидлаганимиздек, бундай ерлар жуда оз.

Чўл ҳудудларида ташкил этилган маъмурий birlikлар, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларида пичанзор ва яйловлар кўп. Қишлоқ хўжалиги, суғориладиган деҳқончилик ривожланган Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бундай ерлар улуши жуда паст. Худди шундай, қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерларнинг республика умумий ерларидаги ҳиссаси асосан юқорида номланган ҳудудларда анча оз, энг юқори кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – Ўзбекистон бўйича қишлоқ

хўжалигида фойдаланмайдиган ерларнинг  $\frac{1}{4}$  қисми аини шу минтақада ўрин олган. Навоий вилояти ҳам бундай қишлоқ хўжалигида фойдасиз ерларнинг 12,2 фоизини эгаллайди (4-иловага қаранг).

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик географиясининг шаклланишида худудларнинг ер фонди, унинг таркиби билан бир қаторда агроиклимий ресурслар, яъни намлик (сув), ҳарорат ва тупрок, меҳнат ресурслари, уларнинг иш малакалари каби омиллар муҳим рол ўйнайди. Республикамизда иссиқ кунлар кўп, вегетация даври узоқ, бинобарин, баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бир йилда 2-3 ҳосил олиш мумкин. Умумий тарзда, тупрок эрозияси, унинг шўрланишини олдини олишда, мамлакатимиз тупроклари ҳам (асосан бўз ёки сур тупроқлар кўп тарқалган) агроиктисодиёт ривожланишига қулайлик яратади.

Бироқ, бу "учликнинг" энг муаммоси сув ресурсларидир. Мавжуд маълумотларга қараганда, республикамиз худудида унинг сув ресурсларини тахминан 10 фоизи шаклланади, холос. Қолган қисми муҳим гидрологик манбалар, яъни Амударё, Сирдарё ва Зарафшон трансегаравий хусусиятга эга бўлиб, улар асосан қўшни давлатлар – Тожикистон ва Қирғизистон худудидан бошланади. Демак, мавжуд сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, суғорма деҳқончиликда янги технологияларни жорий қилиш, қўшни мамлакатлар билан ўзаро, халқаро меъёр ва қодалардан келиб чиққан ҳолда, сув ресурсларини оқилона таксимлаш республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг далаларб муаммосидир<sup>1</sup>.

2013-йил якунларига кўра, Ўзбекистонда жами 30849 млрд сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Бу борада Самарқанд ва Тошкент вилоятлари етакчи – уларнинг ҳар бирига республикамиз жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 12,8 фоизидан тўғри келади. Андижон ва Бухоро вилоятларининг улуши 9,9 %, Қашқадарёники 8,5 %, Фарғона вилоятида эса бу кўрсаткич 8,3 %. Энг паст, агроиктисодиёт тизими суст ривожланган Қорақалпоғистон Республикасида мазкур кўрсаткич 3,0 %, Навоий вилоятида 4,7 %, Жиззахда 5,0 % ва ҳоказо.

**Деҳқончилик.** Деҳқончилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Унинг яппи қишлоқ хўжалиги маҳсулотигади улуши, иқлим шароитига боғлиқ ҳолда, 50-55 фоизни ташкил қилади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида деҳқончиликнинг ўсиши паст бўлган, яъни маҳсулот етиштириш аввалги йилга нисбатан ҳисобланганда, 100 фоиздан ошмаган. Қизиғи шундаки, бу йилларда деҳқончилик кўрсаткичлари чорвачилик ўсишидан орқада бўлган. Фақат 1995-йилга келиб, унинг олдинги йилга нисбатан ўзгариши 105,6 фоизни, чорвачиликники эса 97,4 фоизни ташкил қилган. Бироқ, 1996 йил якунлари

<sup>1</sup> Баъзи маълумотларга қараганда, республикамизнинг сувга бўлган эҳтиёжи ўртача бир йилда тахминан 70-71 млрд м. куб. Сунги йилларда бу ҳажмнинг 70-80 фоизи олинмоқда, холос.



яна олдингидек, 100 % дан кам бўлган. 1997 йилдан кейинги даврда деҳқончилик кўрсаткичлари барқарор ўсиб борган, фақат 2003 ва 2010-йилларда улар чорвачиликка қараганда пастрок бўлган (103,4 ва 113,3 %). Деҳқончилик ўсишининг энг юқори суръати 2004-йилда кузатилади: 111,6 %, чорвачилик – 105,9 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий кўрсаткичи – 108,9 %. Шу ўринда айтиш жоизки, агроиқтисодиёт ривожланишининг максимал юқори кўрсаткичи ҳам айни мазкур йилга тўғри келади.

2013-йилда жами қишлоқ хўжалик маҳсулоти олдинги йилга нисбатан 106,8 фоизга тенг бўлган ҳолда, деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 106,4 фоизни, чорвачилик – 107,4 фоизни ташкил қилган. 2012-йилда экилган қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби қуйидагича бўлган (минг га ҳисобида):

Жами экин экилган ерлар	3628,1 ёки 100,0 %;
<i>шу жумладан:</i>	
бошоқли дон экинлари	1628,1 ёки 44,9 %;
пахта	1308,3 ёки 36,1 %;
сабзавот	183,8 ёки 5,1 %;
картошка	76,1 ёки 2,1 %;
полиэ экинлари	53,7 ёки 1,5 %;
озуқа ва бошқа экинлар	378,1 ёки 10,3 %

*Ғаллачилик.* Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгач, дон (ғалла, буғдой) мустақиллигини таъминлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Бу, ўз навбатида, пахта яққа ҳокимлигига барҳам бериш, пахта майдонларини қисқартириш асосида буғдой майдонларини кенгайтиришни талаб қилди. Натижада, истиқлол йилларида дон етиштириш 3,6 млн тоннага ортди; масалан, 1991-йилда республикамизда 1908 минг тонна донли экинлар ҳосили олинган бўлса, 2013-йилда бу рақам 7800 минг тоннага етди, бу 2000 йилга нисбатан 2 марта кўп демакдир.

Донли экинлар майдони 1628 минг гектарни ташкил этади. Бу борада Қашқадарё вилояти етакчилик қилади – 2236 минг га; иккинчи ўринда Жиззах (206 минг га), учинчи ўринда Самарқанд вилояти (163 минг га) туради. Қашқадарёда йилига тахминан 910-920 минг т. ҳосил олинади, Самарқанд вилоятида 800-810, Фарғона вилоятида 760-770 минг тонна. Қизиги шундаки, экин майдони бўйича олдинги ўринлардан бирида турган Жиззах вилоятида ялпи ҳосил 526 минг тоннага тенг, ҳолос. Майдони бўйича энг охириги ўринларда Хоразм ва Навоий вилоятлари, ялпи ҳосилга кўра – Қорақалпоғистон ва Навоий вилоятлари туради.

Ҳосилдорлик, 1 га ўримлик майдондан, республика бўйича 2012-йилда ўргача 44,6 ц/га бўлган ҳолда, энг юқори кўрсаткичга Андижон вилояти эришган – 63,4 ц/га. Бухоро вилоятида бу кўрсаткич 60,4, Фарғонада 58,4 центнерни ташкил қилган. Энг паст ҳосилдорлик Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистонда қайд этилган. – 24,9 ва 24,1 ц/га.

Таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткичлар умумий экин майдонга эмас, ўрилган майдонга нисбатан олинган. Бундай майдонлар мамлакат бўйича жами 1647 минг гектар, яъни умумий майдонга қараганда бироз кам. Мазкур фарқ асосан Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ҳисобидан юзга келган.

Донли экинлар таркибида *буғдой* асосий ўринни эгаллайди; унинг ҳиссасига жами галланинг тахминан 90-91 фоизи тўғри келади. Буғдой стиштиришда ҳам Қашқадарё вилояти олдинда, у республикада олинган жами буғдойнинг 13,0 фоизини беради (853 минг т). Деҳқончиликнинг бу йўналиши Самарқанд, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида ҳам яхши йўлга қўйилган. Аини чоғда Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида у суст ривожланган. 2013-йилда мамлакатимизда жами 6612 минг тонна буғдой олинган.

Дон экинларининг асосий қисми бошоқли экинлар, хусусан буғдойдан иборат. Шу билан бирга, республикаимизда қисман бўлсада дон учун маккажўхори ва шоли етиштирилади. Мамлакатда бир йилда ўртача 230-235 минг т. маккажўхори ва 205-210 минг т. шоли олинган. Агар маккажўхори озми-кўпми деярли барча вилоятларда етиштирилса, шолчилик асосан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ривожланган.

*Пахтачилик.* Гарчи республикаимизда пахта майдони қисқариб, унинг ҳосили камайиб борган бўлсада, бу соҳа мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Сабаби, аини пахта, унинг толаси Ўзбекистон экспортининг асосий маҳсулотларидан биридир. Республикамиз халқаро меҳнат тақсмотида ва жаҳон бозорида бу борада энг олдинги мамлакатлар қаторига киради (Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва б.).

Республикаимизда жами пахта экилган майдон 2012-йилда 1308,3 минг га бўлган. 2005-йилда у-1472,3, 2008 йилда 1425,1 минг гектарни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, пахта майдонлари йилдан-йилга қисқариб борган, 1990-йилларда эса бу рақам тахминан 1800-1850 минг гектар бўлган. Пахта майдонлари бўйича Қашқадарё вилояти республикаимизда биринчи ўринда; унинг бу соҳадаги ҳиссаси 12,5 фоизга баробар. Кейинги ўринларда Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари туради. Энг оз рақам Навоий вилоятида – атиги 36 минг га, ваҳоланки Қашқадарёда у 163-165 минг га. Пахта етиштиришда ҳам вилоятлар ўрни деярли шундай – Қашқадарё вилояти олдинда; Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари мавқеи ҳам анча юқори. Мамлакатимизда йилига ўртача 3400-3460 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилади.

Пахтачилик республикаимизда келажакда ҳам ўзининг ҳозирги аҳамиятини сақлаб қолади. Шу билан бирга унинг майдони яна бироз қисқариши мумкин. Бу ҳолат асосан йирик шаҳарлар атрофида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини (кўпроқ сабзавотчилик) ривожланиши билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон пахтачилигидаги далзарб муаммо – унинг ҳосилдорлигини оширишдир. Баъзи вилоятлар ва туманларда у гектардан 20-22 центнер ва ҳатто ундан ҳам камни ташкил этади. Бу эса тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини анча пасайтиради. Бинобарин, ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, пахтанинг янги навларини яратиш ва тўғри районлаштириш, тупроқ эрозияси ва шўрланишга қарши кураш республикамиз пахтачилиги ривожланишининг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши керак.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, пахта ҳосили ҳам йилдан-йилга камайиб бориш хусусиятига эга. Масалан, 2006-йилда у аввалги йилга нисбатан 96,6 фоизни, 2008-йилда 92,3 фоизни ташкил этган. Бу жараён энг аввало Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятлари (чўлли ҳудудлар), шунингдек, Наманган, Тошкент, Хоразм ва бошқа минтақалар ҳисобидан юзага келган. Демак, айти шу вилоятларда пахтачилик муаммоларини изчил ҳал этиб бориш кўпроқ аҳамият беришни тақозо этади.

*Картошка етиштириш.* Аҳоли сонининг кўпайиши, шаҳарлар ривожланиши картошкага бўлган талабни ошириб боради. Республика-мизда картошка экиладиган майдонлар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Фақат сўнгги 5 йилда улар 20 минг гектардан кўпроққа ортди. Масалан, 2005 йилда картошка 49,8 минг гектарга экилган бўлса, 2013-йилда эса бу рақам 76 минг гектардан ошиб кетди. Олинган ҳосил 2250 минг тонна.

Картошкачилик хусусан Самарқанд вилоятида яхши ривожланган. Бу ерда республикада экилган картошка майдонларининг 1/7 қисмидан кўпроғи жойлашган (10,9 минг га). 7,0-9,0 минг гектардан Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида, энг оз рақам, яъни 1,2 ва 1,9 минг га Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларига тегишли.

1991-йилда жами картошка ҳосили 351,8 минг т. бўлган, 1995-йилда у 439,9, 2000 йилда-731,1, 2005-йилда-924,2 ва 2010-йилда 1695,4 минг тоннани ташкил қилди. 2013-йилда етиштирилган картошка 2000 йилга қараганда 3,1 марта кўп бўлди. Демак, мустақиллик йилларида картошка етиштириш деярли 5 мартага кўпайди. Биргина 2005-2010-йилларда бу кўрсаткич 1,8 мартага тенг бўлди, ваҳоланки, картошка экилгап майдон бу даврда 1,4 мартага ортган, холос. Кўрииб турибдики, ҳар гектардан олинадиган картошка ҳосили йилдан-йилга кўпайиб борган.

2012-йилда республика вилоятларида картошка етиштириш қуйидагича бўлган: Самарқанд-450 минг т., ҳосилдорлик 258,5 ц/га; Тошкент-320 ва 219,5; Фарғона-208 ва 195,7; Андижон-201 ва 193,1 ц/га (Ўзбекистонда ўртача 196,7 ц/га). Картошка ҳосилининг энг паст кўрсаткичи Қорақалпоғистонда-атиғи 31,7 минг т., ҳосилдорлик 74,4 ц/га ёки республика ўртача даражасидан 2,6 марта паст.

*Сабзавот етиштириш.* Дехқончиликнинг ушбу тури ҳам, умуман олганда, ривожланиб бормоқда. Барча турдаги сабзавотлар республикада

8516 минг тоннани ташкил қилган ҳолда, уларнинг кейинги даврдаги ўсиши куйидагича бўлган: 1995 й.-2725 минг т., 2000 й.-2645 минг т., 2005 й.-3518 ва 2010 й.-6346 минг тонна. 2013-йил кўрсаткичлари 2000-йилга нисбатан 3,2 баробарни ташкил қилади.

Жами сабзавот экилган майдон 2012-йилда 184,0 минг га (2005 йилда-137,7 минг га), ҳосилдорлик ўртача 252,5 ц/га. Экин майдони бўйича Тошкент (33,8 минг га) ҳамда Самарқанд (24,9 минг га) вилоятлари этакчилик қилади ва фақатгина уларнинг ҳиссасига республикада сабзавот билан банд бўлган экин ерларнинг 341,9 фоизи тўғри келади. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби – айти шу минтақаларда йирик шаҳарлар, урбанизация юқори даражада ривожланган.

Сабзавот ялпи ҳосили бўйича ҳам шу вилоятлар кескин ажралиб туради: Тошкент вилоятида 1572 минг т., Самарқандда – 1253 минг т. Учинчи ўринда Андижон вилояти – 1077 минг т. Ҳосилдорликнинг юқори даражаси Самарқанд ва Андижон вилоятларида кўзга ташланади: мос ҳолда 341 ва 272 ц/га. Одатдагидек, энг паст кўрсаткичлар Қорақалпоғистонга тегишли – ялпи ҳосил 166 минг т. Барча сабзавот турлари билан картошка сингари республика ўз эҳтиёжларини тўла қондиради. Ортиқчаси бошқа мамлакатларга, жумладан қўшни Қозоғистон ва Афғонистон, шунингдек, қисман Россия Федерацияси бозорларига ҳам чиқарилади.

*Полизчилик.* Ўзбекистонда полизчилик қадимдан ривожланган. Бунга, энг аввало, юртимизнинг иқлим шароитлари қулайлик яратган. Мамлакатимизда етиштирилган ширин-шакар қовун ва тарвузлар аллюмаларимизнинг асарларида, хорижий сайёҳлар маълумотларнинг таърифи ҳам акс эттирилган<sup>1</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки, яъни 1991-йилда Ўзбекистонда жами 926 минг т. полиз маҳсулотлари етиштирилган. 1995-йилда олинган ҳосил 472 минг, 2000-йилда-451 минг, 2005-йилда-615 минг ва 2013-йилда 1558 минг тонна ҳосил олинган. Жараён таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимизда полиз маҳсулотларини етиштириш йилдан-йилга бироз камайиб борган (хусусан 2000-йилларгача), сўнгра кўтарилишда давом этиб, ҳозирги кунда 1991-йил кўрсаткичидан анча ўтиб кетган.

Республикада жами полиз экинлари майдони 2013-йилда 53,7 минг гектардан (2005 й.-33,9 минг га) иборат бўлган. Деҳқончиликнинг ушбу йўналиши бўйича Жиззах (8,5 минг га), Қашқадарё (6,5 минг га), Хоразм (6,5 минг га) вилоятлари бирмунча ажралиб туради. Полизчилик анъанавий ҳолда Сирдарё (Мирзачўл) вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ривожланган. Андижон ва Навоий вилоятларида эса полиз далалари анча озроқ.

Ялпи ҳосил Сирдарё вилоятида энг юқори – 246 минг т. Биргина шу минтақа республика полиз маҳсулотларига талабининг 17 фоизини

<sup>1</sup> Баъзи маълумотларга қараганда, қовуннинг ватани Хоразм воҳаси ҳисобланади.

таъминлайди. Ҳосил бўйича иккинчи ўринда Жиззах (188 минг т.), учинчи ўринда Сурхондарё (137 минг т.) вилоятлари туради. Ялпи ҳосилнинг энг кам миқдори Фарғона ва Навоий вилоятларида, ҳосилдорликнинг энг кам даражаси Қорақалпоғистонда қайд этилган.

*Боғдорчилик ва узумчилик.* Ўзбекистонда куёш нури, иссиқликнинг юқорилиги турли хил, қанд моддасига бой ширин мева ва узумларни етиштиришга имкон беради. Бу ерда олма, ўрик, анор, анжир, хурмо, беҳи, олча, нок, гилос, шафтоли ва бошқалар, субтропик мевалар (лимон), турли навли узумлар етиштиришга азалдан катта аҳамият берилган. Бироқ, афсуски, собиқ Иттифоқ даврида нотўғри сиёсат олиб бориш оқибатида боғ майдонлари, узумзорлар кескин қисқариб кетди. Ҳозирги вақтда юзага келган бу муаммо аста-секин ҳал қилинмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамызда боғдорчилик ва узумчилик миллий иқтисодийгимизнинг муҳим таркиби сифатида катта даромад манбаига айланиши мумкин. Хусусан, ҳўл ва қурук мевалар, узум шарбатлари ва виносини экспорт қилиш бу борада катта аҳамият касб этади.

Республикамызда 1991-йилда 517 минг т. мева ва 480 минг т. узум олинган. Кейинги йиллардаги кўрсаткичлар қуйидагича бўлган (мос ҳолда): 1995 й.-602 ва 621; 2000 й.-791 ва 624; 2005 й.-949 ва 642; 2010 й.-1710 ва 987 минг тонна. 2013-йилда 2261 минг т. мева ва 1322 минг т. узум етиштирилган. Кўриниб турибдики, сўнгги 18 йил давомида мева етиштириш республикамызда 3 мартага, узум – 2 мартага кўпайган. Бироқ, бу кўрсаткичлар ҳам сўнгги, охириги марра эмас. Бинобарин, келажакда мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчиликка устувор аҳамият берилиши лозим.

Ўзбекистонда жами мева ва резаворлар билан 250 минг га ер банддир (2005 й.-208 минг га). Шу жумладан, Фарғона вилоятида 46,8, Тошкентда 33,6, Самарқандда 30,1, Андижонда 29,5 ва Наманган вилоятида 26,7 минг га. Айни вақтда Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич атиги 5,2, Сирдарёда 5,6 ва Навоий вилоятида 5,8 минг гектарни ташкил қилади, ҳолос.

Ялпи ҳосил 2053 минг тонна бўлгани ҳолда, у Андижон вилоятида 439 минг т., яъни энг юқори даражада. Фарғона вилоятида 309, Самарқанд вилоятида 273 минг т. турли хил мевалар олинади. Демак, боғдорчилик, энг аввало, Фарғона водийси ҳамда Самарқанд ва Тошкент вилоятларида яхши ривожланган. Бу тармоқ Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятида эса анча суст йўлга қўйилган. Эътиборлиси шундаки, мамлакатимизнинг иссиқ жанубий ҳудудлари, яъни Сурхондарё ва Қашқадарёда ҳам боғдорчилик унча ривожланмаган.

Ўзбекистон бўйича жами тоқзорлар - 127 минг га (2005 й.-121 минг га). Бу хусусда Самарқанд вилояти кескин ажралиб туради – 38 минг га ёки республика узумзорларининг 30,2 фоизи шу ерда. Кейинги ўринларни Тошкент (18,0 минг га), Сурхондарё (14,3 минг га) ва Наманган (11,1 минг

га) вилоятлари эгаллайди. Энг кам тоқзорлар Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистонда; бу минтақаларда уларнинг майдонлари бор-йўғи 1,6 ва 0,6 минг га. Хоразмда ҳам кўрсаткич катта эмас – 2,6 минг га.

Қайд этиш лозимки, боғдорчилик ва узумчилик, одатда, тоғ ёнбағрилари, адир ва тепаликларда яхши ривожланади. Шу боис, худуди асосан текислик, чўл минтақаларидан ташкил топган жойлар, табиийки, бу соҳалар учун унчалик қулай эмас. Узумнинг ялпи ҳосили Ўзбекистон бўйича 1206 минг т., унинг 421 минг тоннаси биргина Самарқанд вилоятига тўғри келади. Иккинчи поғонани Тошкент вилояти эгаллайди – 137 минг т<sup>1</sup>. Тоқзорлари унча кўп бўлмаган Бухоро вилоятида ҳам 125,3 минг тонна узум олинади.

Шундай қилиб, деҳқончилик тармоқлари ҳар хил минтақаларда турлича ривожланган. 5-илова маълумотларининг таҳлилига кўра, донли экинлар бўйича Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари, сабзавотда Тошкент, Самарқанд ва Андижон, картошка етиштиришда Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятлари етакчилик қилади. Полиз маҳсулотларини етиштиришга кўпроқ Сирдарё ва Жиззах, боғдорчиликка Андижон, Самарқанд ва Фарғона, узумчиликка ҳам энг аввало Самарқанд, шунингдек, Тошкент вилояти ихтисослашган.

**Чорвачилик.** Қишлоқ хўжалигининг иккинчи асосий тармоғи чорвачилик ҳисобланади. Унинг ҳиссасига республикамиз қишлоқ хўжалиғи маҳсулотининг турли йилларда 45-48 фоизи тўғри келади. Бу, энг аввало, об-ҳаво, иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Масалан, 2011-йил баҳори ўта қурғоқ келди, ёғин-сочин миқдори меъёрдан анча кам бўлди. Бундай гидрометеорологик вазият хусусан мамалакатимизнинг жанубий ҳудудлари – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида айниқса кескин бўлди. Бинобарин, ўша йилда чорвачилик кўрсаткичлари бирмунча пасайди.

Чорвачилик деҳқончилик билан узвий боғлиқ, улар қадимдан ўзаро алоқадор ҳолда ривожланиб келган. Деҳқончилик, жумладан, озуқа экинларини етиштириш, ем-хашак базасини яратиш чорвачилик учун хизмат қилади. Шунингдек, суғорма деҳқончилик ва боғдорчилик ривожланган ҳудудларда ҳам маълум даражада чорвачиликнинг сут-гўшт йўналиши йўлга қўйилган бўлади.

Чорвачиликнинг бир хусусияти шундаки, у иқтисодиётнинг кўп ер талаб қиладиган ва кам меҳнат сарфланадиган соҳаси бўлиб, унга қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши, иқтисодий самарадорлигининг пастлиги анъанавий тарзда ҳосдир. Мустақиллик йилларида ушбу тармоқнинг ривожланишига назар соладиган бўлсак, унинг ўзгариб бориши бир текис, кўпинча барқарор эмаслигини гувоҳи бўламиз.

<sup>1</sup> Бу вилоятларда Булунгур ва Паркент туманлари қишлоқ хўжалиғи асосан узум етиштиришга ихтисослашган.

Масалан, 1991-йилда умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олдинги йилга нисбатан 94,7 фоизни ташкил қилган ҳолда, чорвачилик маҳсулотлари 106,2 фоизга ўсган. Худди шундай устунликни 1993, 2003-йилларда ҳам кўриш мумкин. Қолган йилларда, айниқса 2004-2006 йилларда чорвачилик деҳқончиликка қараганда сустроқ ривожланиб борган.

Республикада тахминан 310-315 минг гектар ерга озуқа экинлари экилади. Бу борада Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари етакчилик қилади. Айнан шу тўрт минтақага Ўзбекистон озуқа экин майдонларининг деярли ярми тўғри келади. Бундай далалар Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам анча кўп. Аксинча, Андижон, Навоий, Сирдарё вилоятларида озуқа экинлари майдони жуда оз миқдорда. Бу ҳолат, агар Андижон ва Сирдарё вилоятларида суғорма деҳқончиликнинг интенсив ривожланиши натижасида бўлса, Навоий вилоятида ем-хашак етиштириш учун табиий-иклим шароитларининг чеklangанлиги билан изоҳланади.

*Қорамолчилик* чорвачиликнинг асосий йўналиши ҳисобланади. У аҳолини энг муҳим озиқ-овқат тури, яъни сут ва гўшт билан таъминлайди. Йирик шохли қорамолларни боқиш, одатда, суғорма деҳқончиликка ихтисослашган ҳудудларда яхши ривожланган. Хусусан, сут ва сут-гўшт чорвачилиги юқори даражада саноатлашган ва шаҳарлашган (урбанизациялашган) мамлакат ва минтақалар иқтисодиёти учун хос. Сабаби, кўпайиб бораётган шаҳар аҳолиси учун мунтазам равишда сут ва сут маҳсулотлари талаб этилади.

Географик жиҳатдан сут чорвачилиги иқлими муътадил, ёғин-сочин миқдори етарли текислик ҳудудларда, йирик шаҳарлар атрофида, айниқса дарё қайирлари ва текисликлар ям-яшил ўтлоқлар билан қопланган жойларда қулай имкониятларга эга бўлади. Масалан, Нидерландия, Болтиқ бўйи давлатлари, Белорусь, Россиянинг Вологда, Кострома вилоятлари, Қирғизистоннинг Чу водийси қишлоқ хўжалиги аини шу соҳага ихтисослашган.

Ўзбекистон Республикасида, 2014-йил 1-январь ҳолатида жами 10607 минг бош йирик шохли қорамоллар боқилган. Таққослаш учун: 2005 йилда рақам 6571,4, 2008 йилда 8026,3 минг бошни ташкил қилган. Ҳозирги вақтда йирик шохли қорамоллар сони бўйича биринчи ўринда Самарқанд (1332 минг бош), иккинчи ўринда Қашқадарё (1268 минг бош) вилоятлари туради. Шу икки вилоятга республикада жами боқиладиган йирик шохли қорамолларнинг 24,5 фоизи тўғри келади.

Чорвачиликнинг ушбу йўналиши, шунингдек, Бухоро (1058 минг бош), Қорақалпоғистон Республикаси (906 минг бош) ва Фарғона вилоятида ҳам яхшироқ ривожланган. Энг паст кўрсаткич Сирдарё ва Навоий вилоятларига хос. Жами йирик шохли қора молларнинг 38,0 фоизини сигирлар ташкил қилади. Уларнинг географик тарқалиши ҳам умумий тарзда йирик шохли қорамоллар ҳудудий таркибини тақроқлайди.

Ўзбекистонда қўй ва эчкиларни боқиш қадимдан ривожланган. Бу йўналиш, одатда, қорамолчиликдан фарқ қилган ҳолда, энг аввало чўл ҳудудларда (чўли бор ҳудуднинг қўйи бор – А.С.) яхши йўлга қўйилган. Сабаби, қўй ва эчкилар яйлов чорвачилигида яхши ривожланади. Жумладан, эчкилар учун тоғ этаклари, ўтлоқи адирлар қулайроқ. Қўй ва эчкилар кўпроқ гўшт ва жун учун боқилади. Улардан олинadиган сут миқдори эса сигирларга қараганда анча оз.

Мамлакатимизда 2014-йил 1-январь ҳолатига кўра, жами 17720,2 минг бош қўй ва эчкилар (асосан қўйлар) қайд этилган. Бундан бир неча йиллар муқаддам, яъни 2005-йилда уларнинг сони 11352 минг бошга тенг бўлган. Бу хусусда энг олдинги ўринларни Қашқадарё (3952 м.б.), шунингдек, Самарқанд (1941 м.б.), Сурхондарё (1926 м.б.), Бухоро (1761 м.б.) ҳамда Навоий (1732 м.б.) ва Жиззах (1552 минг бош) вилоятлари эгаллайди. Айни вақтда Сирдарё вилоятида чорвачиликнинг мазкур тури деярли ривожланмаган – атиги, 244 минг бош.

Республикаимизда 200 минг бош отлар мавжуд. Улар нисбатан кўпроқ Тошкент ҳамда Қашқадарё вилоятларида боқилади. Шу билан бирга, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ҳам йилкичилик бирмунча бор.

Ўзбекистонда паррандачилик, хусусан товуқ боқишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Табиий ҳолда, паррандачилик, ғалла экиладиган далаларда қулай имкониятларга эга бўлади. Бирок, сўнгги йилларда бу соҳа саноат асосида, яъни паррандачилик фирмаларини ташкил этиш негизида ривожланиб бормоқда. Республикада, 01. 01. 2014-йил маълумотларига биноан, жами 52337 минг бош парранда бўлган. Уларнинг 22,5 фоизи биргина пойтахт вилоятига тўғри келади. Бунинг сабаби шуки, мазкур минтақада шаҳарлар тармоғи ривожланган, шаҳар аҳолиси кўп. Бинобарин, аҳолини истеъмол маҳсулотлари (тухум, товуқ гўшти ва ҳоказо) билан таъминлаш мақсадида қатор паррандачилик фабрикалари ташкил этилган. Қолган вилоятларни Тошкент минтақаси билан таққослаб бўлмайди: паррандачилик фақат Самарқанд (7540 м.б.), Андижон (5700 м.б.) ва Хоразм вилоятларида бироз кўзга ташланади (4212 м.б.), холос. Сирдарёда эса ушбу соҳа анча паст даражада – 1371 минг бош.

2012-йилда Ўзбекистонда 1673 минг тоннадан кўпроқ гўшт етиштирилган бўлиб; бу олдинги йилларда қуйидагича бўлган (минг т.): 1991 й.-800.2; 1995 й.-853.0; 2000 й.-841.8; 2005 й.-1061.2 минг т.<sup>1</sup>. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, гўшт ишлаб чиқариш асосан сўнгги 10-12 йилда кўпайган. Бунда, энг аввало, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг иштироки катта. Ана шу уч минтақага республикада етиштирилган жами гўштнинг 36 фоизи тўғри келади. Бу

<sup>1</sup> 2013 йилда 2000 йилга нисбатан гўшт ва сут 2,1 мартага, тухум 3,4 мартага ошган.



жиҳатдан Бухоро ҳамда Жиззах вилоятлари ҳам қисман ажралиб туради. Энг кам миқдор эса Қорақалпоғистон Республикасида (8-жадвал).

Сут энг муҳим озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. У ҳамма учун ва ҳамма вақт керак. 2012-йилда мамлакатимизда ўртача 7311 минг т. сут ишлаб чиқарилган. Ушбу соҳада, хусусан Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида юқори кўрсаткичлар қайд этилган (улар республика кишлок хўжалигида етиштирилган сутнинг 1/3 қисмини таъминлайди). Фарғона вилоятининг улуши 9,5 %, Тошкент вилоятиники – 8,9 %, Андижонники – 8,8 %, Бухоро вилоятида жами сут ҳажмининг 8,5 фоизи тайёрланган. Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси эса бор-йўғи 3 фоиздан (хар бирида) бироз кўпроқ сут ишлаб чиқарилган. Сут етиштириш динамикаси куйидагича (минг т.): 1991 й.-3331,4; 1995 й.-3665,4; 2000 й.-3632,5; 2005 й.-4554,9 ва 2010 й.-6169,0 минг тонна. Демак, мустақиллик йилларида кишлок хўжалигида сут тайёрлаш қарийб 2 баробарга кўпайган.

Сўнги йилларда республикаимизда паррандачиликка бўлган эътибор айниқса, “Қишлоқ таракқети ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши билан янада кучайди. Чунончи, 2013-йилда мамлакатимизда жами 3874 млн. дона тухум тайёрланган. Эътиборлиси шундаки, унинг 27,6 фоизини биргина пойтахт вилояти таъминлаган. Қолган минтақалар орасида Самарқанд вилояти кўзга ташланади (18,8 %), энг паст кўрсаткичлар эса яна Сирдарё ва Қорақалпоғистонда қайд этилган. Таққослаш учун: 1991 йилда республикада жами 2347,0 млн. дона тухум олинган, 1995 йилда бу рақам 1231,8, 2000 й.-1239,6, 2005 й.-1966,7 ва 2010-йилда 3058,8 млн. дона бўлган. Кўриниб турибдики, паррандачиликнинг ривожланиши мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида бир текис кечмаган; у 2000-йилларгача пасайиб борган, ўсиш аломатлари эса кейинги 10-12 йилда юзага келган.

Жун етиштириш қўй ва эчкиларни, хусусан, қўйларни боқиш билан боғлиқ. 2005 йилда мамлакатимизда 20,1 минг т., 2008-йилда 23,8 минг т, 2012 й. – 31,5 минг тонна атрофида жун тайёрланган. Худудий таркибда Қашқадарё вилояти кескин олдинда – 20,4 %. Шунингдек, Самарқанд, Навоий, Бухоро, хуллас, чўлли минтақаларда жун чорвачилиги яхши йўлга қўйилган. Уларнинг хар бири мамлакатда тайёрланган жуннинг 10-12 фоизданини беради. Айни вақтда бу соҳа Фарғона, Хоразм, айниқса Сирдарё вилоятида, қўй ва эчкиларни боқиш учун унча шароитлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, суст ривожланган (8-жадвал).

Ўзбекистонда, хусусан қўй чорвачилиги билан худудий боғлиқ ҳолда тери ишлаб чиқариш ҳам экспорт аҳамиятига эга. Чорвачиликнинг мазкур йўналиши, энг аввало, чўл минтақаларида, жумладан Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва қисман Самарқанд вилоятларида ривожланган бўлиб, бу худудларда кўплаб қорақўл териси тайёрланади (2013 й. республикаимизда – 1000 минг дона атрофида).

Юртимизда **пиллачилик** қадимдан ривожланиб келган. У мавсумий ва ҳудудий жиҳатдан суғорма дехқончиликка ихтисослашган, айниқса пахтачилик районларида кўпроқ ташкил этилган. Бир йилда тахминан, Ўзбекистонда жами 25-27 минг т. пилла етиштирилади, унинг асосий қисми Фарғона водийси вилоятларига тўғри келади.

8-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашнинг ҳудудий таркиби**

Минтақалар	Гўшт		Сут		Тухум		Жун	
	минг т.	фоизда	минг т.	фоизда	млн дона	фоизда	тонна	фоизда
Ўзбекистон Республикаси	1672,9	100,0	7310,9	100,0	3873,7	100,0	31069	100,0
<i>шу жумладан:</i>								
Қорақалпоғистон Республикаси	69,2	4,1	224,8	3,1	96,8	2,6	1023	3,3
<b>Вилоятлар:</b>								
Андижон	104,9	6,3	635,4	8,7	275,6	7,1	2128	6,8
Бухоро	161,9	9,7	625,0	8,5	217,6	5,6	3119	10,0
Жиззах	142,3	8,5	400,2	5,5	130,2	3,4	2995	9,6
Навоий	107,6	6,4	315,6	4,3	186,0	4,8	3063	9,9
Наманган	93,2	5,6	469,5	6,4	170,4	4,4	1350	4,4
Самарқанд	203,8	12,2	930,1	12,7	729,7	18,8	4381	14,1
Сирдарё	46,0	2,8	237,3	3,4	65,8	1,7	506	1,6
Сурхондарё	129,4	7,7	624,9	8,5	190,5	4,9	2116	6,9
Тошкент	189,6	11,3	653,3	8,9	1070,7	27,6	1846	5,9
Фарғона	112,7	6,7	696,4	9,6	214,5	5,5	1095	3,5
Хоразм	106,5	6,4	714,7	9,7	277,7	7,2	1116	3,6
Қашқадарё	205,8	12,3	772,0	10,5	248,2	6,4	6339	20,4

*Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Республикамиз қишлоқ ҳўжалигида **асаларичилик** ҳам ўзига хос ўринга эга. Одатда, бу соҳа, тоғ ва тоғолди ҳудудларида кўпроқ ривожланган. Шунга мувофиқ ҳолда асаларичилик, асал етиштириш Фарғона, Наманган ва Жиззах вилоятларида анча яхши йўлга қўйилган.

Чорвачиликнинг юқоридаги йўналишларидан ташқари чўчқачилик ҳам бироз мавжуд. У асосан йирик шаҳарлар атрофида, кўпроқ номаҳаллий аҳоли яшайдиган ҳудудларда ташкил этилган.

**Фермер ва дехқон ҳўжаликлари**

Республикамиз мустақилликка эришгач, катта иқтисодий ислохотларни амалга оширди. Хусусан, мулкчиликни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришга катта эътибор берилди; қишлоқ ҳўжалиги деярли бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилди. Ҳозирги вақтда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг 100 фоизга яқини нодавлат секторида яратилади. Бу борада фермер ва дехқон ҳўжалиқларига устувор аҳамият қаратилди.

*Фермер ҳўжалиқлари* Ўзбекистонда 1992-йилдан ташкил этила бошланди. Ўтган давр мобайнида фермер ҳўжалиқлари фаолияти, унинг

хуқуқий ва ташкилий асослари, иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича қатор қопун ҳамда республика Президентининг фармонлари қабул қилинди. Айниқса, сўнгги йилларда фермер хўжалиklarини оптималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Ушбу мулкчилик тури ёки агробизнес кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим йўналиши, қишлоқ иқтисодиётининг асосий омили ҳисобланади. Маълумки, иқтисодиётнинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011-йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ҳам фикримизнинг далилидир. Қолаверса, фермер хўжалиklarининг ривожланиши “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида ҳам асосий вазифалардан бири сифатида қаралган эди.

Фермер хўжалиklари ва, умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳати шундаки, улар асосида алоҳида мулкдорлар синфи, аҳолининг ўрта қатлами шаклланади, янги иш ўринлари яратилиб, халқнинг яшаш шароити ва даражаси яхшиланади. Шу босис, ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси бандлиги муаммосини ҳал қилиш, энг аввало, шу асосда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида, 01. 01. 2013 й. маълумотлари бўйича, жами 73 мингдан зиёд фермер хўжалиklари қайд этилган. Фермер хўжалиklarини оптималлаштиришдан олдин, яъни 2005-йилда уларнинг сони 125,7 минг, 2008 йилда 218,6 мингга ташкил этган. Фермер хўжалиklarига бириктирилган ер майдонлари ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фақат сўнгги 5-6 йилда улар 2051,5 минг гектарга кўпайган. Масалан, 2005-йилда бу кўрсаткич 3775,3 минг га бўлган, 2013-йилда 5854,3 минг гектарга етган.

Ҳозирги вақтда фермер хўжалиklари республика жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 34,4 фоизини таъминламоқда. Бу кўрсаткичларнинг ҳам ортиб бориши қайд этилади. Чунончи, фермер хўжалиklarининг мамлакат агроиқтисодиёт тизимидаги ўрни 2005 йилда 24,3 %, 2006 й.-31,4 %, 2007 й.-33,4%, 2008 й.-32,5 %, 2013 й.-35,0 %. Кўришиб турибдики, фақат шу даврнинг ўзида мавжуд кўрсаткич 10 фоиздан кўпроққа ортган, кўпайиш хусусан 2005-2006-йилларга тўғри келади.

Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалигидаги тармоқлар таркибидаги ўрни ҳам ҳар хил. У кўпроқ деҳқончиликда устувор аҳамиятга эга, чорвачилик маҳсулотларини эса асосан деҳқон хўжалиklари етиштирмоқда.

Тахлилларга кўра, фермер хўжалиklarида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг кўпайиб бориши жами қишлоқ хўжалиги ва деҳқон хўжалиklarига нисбатан жадалроқ кечмоқда. Рақамларга мурожаат қилайлик: 2005-йилда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мамлакатда 105,4 фоизга ўсган бўлса, фермер хўжалиklarида у 130,7 фоизга ортган. Худди шундай, мос равишда, 2006-йилда 106,7 ва 146,6 %; 2007 й.-106,1 ва

117,8 %; 2008 й.-104,5 ва 100,0 %. Бирок, энг сўнгги йилларда нисбат бирмунча ўзгарган. 2013-йил якуллари бўйича фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2012-йилга қараганда 105,5 фоизга ўсган бўлса, жами кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бу даврда 106,8 фоизга ортган.

Фермер хўжаликларининг дехқончиликдаги мавқеи тобора ортиб бормоқда. Агар 2005-йилда улар жами дехқончилик маҳсулотларининг 41,6 фоизини етказиб берган, 2008-йилда бу улуш 57,6 ва 2013-йилда 60 фоизга яқинлашган. Фермер хўжаликлари асосан товар маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва бу маҳсулотларнинг стратегик аҳамияти катта. Шу боис, бу хўжаликлар кўпроқ давлат буюртмаси асосида фаолият кўрсатишади. Бинобарин, фермер хўжаликларининг устувор вазифаси, энг аввало, мамлакатимиз дон мустақиллигини ва пахта хом ашёси экспортини таъминлашга қаратилган.

Бир йилда фермер хўжаликлари республикамізда етиштирилган доннинг 81,5-82,0 фоизини, пахтанинг 99,5 фоизини беради. Мулчиликнинг бу шаклини ҳиссаси полиз (50,2 %) ва узум (54,5 %) етиштиришда ҳам бироз юқори. Айни вақтда *деҳқон хўжаликлари* чорвачилик, сабзавот ва картошка етиштириш, полиз экинларида етакчилик қилади. Бу хўжаликлар республикада етиштирилган гўштнинг 95,7, сутнинг 96,1, жуннинг 82,8, қорақўл терисининг 67,6 фоизини беради. Дехқон хўжаликлари картошканинг 75-80, сабзавотни 64-65, меванинг 52-53, полиз маҳсулотларининг 49-50, узумнинг 43-44 фоизини таъминлайди. Паррандачиликда, жумладан, тухум етиштиришда бу кўрсаткич озроқ – 54,8 %, фермер хўжаликлари 11,4 ва кишлоқ хўжалиги қорхоналари 33,8 %, 2012 й.). Дехқон хўжаликларида йирик шохли қорамоллар сонининг 93,9, қўй ва эчкиларнинг 83,4, чўчқаларнинг 77,7 ва паррандаларнинг 63,4 фоизи тўпланган.

Фермер ва дехқон хўжаликлари географиясида ҳам маълум тафовутлар мавжуд. Бу фарқлар турли жойлар қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви, бу эса, ўз навбатида, табиий географик шароитдан келиб чиқади. Шу билан бирга, хўжаликларнинг у ёки бу турининг ривожланишига демографик вазият, яъни аҳоли сони, уларнинг зичлиги ва миллий таркиби ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади.

6-илова маълумотларига кўра, фермер хўжаликларининг энг кўп сони Самарқанд ва Фарғона вилоятларига мос тушади. Умуман олганда, бу ҳудудлар аҳоли сони бўйича ҳам худди шундай мавқени эгаллайди. Уларга малакатимиздаги жами фермер хўжаликларидан 22,8 фоизи ёки ҳар 5 тадан биттадан кўпроғи тўғри келади. Кейинги ўринларда Қашқадарё ва Наманган вилоятлари туради, энг охириги погонани эса Навоий вилояти эгаллайди.

Ер майдони тақсимотида Бухоро (13,4 %), Қашқадарё (12,6 %), Сурхондарё (12,6 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси етакчилик

килади. Мазкур худудлар фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдони бу тоифадаги жами ерларнинг деярли ярмига баробар. Микдор жиҳатидан энг оз ракамлар Андижон, Хоразм, Сирдарё ҳамда чўлли худуд саналган Навоий вилоятларига тегишли.

Аммо юқоридаги таҳлиллар фермер хўжалиklarининг худудий ташкил этилишидаги умумий хусусиятларини акс эттиради, холос. Бу жиҳатдан ҳар бир хўжаликнинг “сиғимини” аниқлаш тўғрироқ натижалар беради. Масалан, республикада ўртача ҳар бир фермерга 8,0 га ер майдони ва 18,5 нафар ишчи-ходим тўғри келади. Ер майдони ёки кўламига кўра Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси олдинда. Бу минтақалар фермер хўжалиklarининг ўртача “ер майдони” 10 гектардан кўп; энг юқори кўрсаткич Бухоро вилоятида – 20 га. Нисбатан кичик-кичик хўжалиklar Фарғона водийси ва Хоразм вилоятида, яъни умуман худуди унча катта бўлмаган, бироқ аҳолиси кўп ва зич жойлашган минтақаларда ташкил этилган.

Ишчи ходимлар сонига эса Сурхондарё етакчи–бир фермер хўжалигида 30 кишига яқин ишчи фаолият кўрсатади. Бу ракам Фарғона, Сирдарё, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ҳам анча катта–20 кишидан зиёд. Айни вақтда Навоий ва Наманган вилоятлари фермер хўжалиklarида ўртача 10-12 кишидан хизмат қилади.

Иқтисодий кўрсаткичларда ҳам сезиларли тафовутлар бор: республика миқдорида, аввал қайд қилингандек, фермер хўжалиklarи жами кишлок хўжалиги маҳсулотининг 35 фоизини таъминлаган ҳолда, бу кўрсаткич Сирдарё вилоятида 43,1%, Қашқадарёда 41,9%, Қорақалпоғистон Республикасида – 40,2%. Фермер хўжалиklarининг иқтисодий самарадорлиги, энг аввало, Навоий вилояти, шунингдек, Бухоро ва Наманган минтақаларида паст.

Умуман олганда, фермер хўжалиklarидаги бундай иқтисодий кўрсаткичлар деҳқон хўжалиklари ёки жами кишлок хўжалиги даражасидан пастроқ. Масалан, дон ҳосилдорлигининг умумий даражаси 42,0 ц/га, фермер хўжалиklarида эса – 40,2 ц/га, буғдой, мос равишда, 44,4 ва 42,6 ц/га. Демак, фермер хўжалиklarида ҳам тўлалигича ҳал қилинмаган муаммолар йўқ эмас. Бу муаммолар серкиррали бўлиб, улар иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ташкилий ва бошқа масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Шундай қилиб, кўп тармоқли республика миқдорида кишлок хўжалиги миллий иқтисодиётимизнинг шаклланиши ва ривожланиши, аҳоли бандлиги ва яшаш шароитини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, бу макроиқтисодиёт тармоқларига эътибор келажакда ҳам устувор даражада сақланиб қолади.

### **1.7. Ижтимоий соҳалар географияси, рекреация ва туризм**

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ўзаро боғлиқ, уйғунлашган бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини алоҳида, ажрим ҳолда талқин қилиб

бўлмайди. Ҳар қандай иқтисодий ривожланиш пировард мақсадда ижтимоий манфаатларни кўзлайди. Бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳам, республика Президенти томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабларига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири ҳам аynи шу масалага қаратилган (ижтимоий соҳаларга давлат бюджетининг 60 фоизига яқини ажратилади). Қолаверса, 1996-йилдан бошлаб ҳар бир йилга ўзгача ном бериш, шунга доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, аксарият ҳолларда, бевосита ижтимоий соҳаларга бағишланган. Жумладан, она ва болалар соғлиги, саломатлик, қарияларни қадрлаш, соғлом, баркамол авлод, мустаҳкам оила, соғлом бола йиллари ва ҳоказолар фикримизнинг далилидир.

Ижтимоий соҳаларнинг иқтисодиёт билан бевосита ва билвосита алоқадорлиги уларни ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда, ижтимоий масалаларга устуворлик берган ҳолда ривожлантиришни назарда тутди. Шунинг учун бўлса керак, “иқтисодий-ижтимоий” эмас, одатда, “ижтимоий-иқтисодий ривожланиш” деб юритилади, яъни бу ерда иқтисодий тараққиётнинг стратегик мақсади ижтимоий масалаларга йўналтирилганлиги таъкидланади. Шу ўринда, ижтимоий тармоқлар (савдо, таълим, соғлиқни сақлаш, турли хил хизматлар ва б.) билан *ижтимоий инфратузилма* ўртасида фарқлар борлигини унутмаслик керак. Инфратузилма, яъни ички тузилма ижтимоий соҳалар ривожланиши ва ҳудудий ташкил этишнинг негизи, асоси ҳисобланади, бироқ ижтимоий соҳалар билан маънодош эмас. Сабаби, инфратузилма бевосита моддий ва маънавий бойлик яратмайди, балки улар учун *шароит* мухайё қилади.

Ижтимоий соҳалар орасида савдо, пуллик хизматлар муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида, мазкур йўналишларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти катта ва бу кўрсаткичлар тобора ўсиб бормоқда. Масалан, 2013-йил якунлари бўйича пуллик хизматларда кичик бизнеснинг улуши 46,7 фоиз, чакана савдода 46,3 % бўлган.

**Чакана савдо** товар айланмаси 2013-йилга нисбатан 114,8 фоизга ўсган бўлиб, унинг таркибида озик-овқат маҳсулотлари 48,8 %, ноозик-овқат маҳсулотлари 51,2 фоизни ташкил қилади. Жами чакана савдо айланмасининг ярмидан кўпи бозорлар орқали амалга оширилган, унинг 22,3 фоизини буюмлар савдоси, 34,2 фоизини озик-овқат, яъни дўконлар ва деҳқон бозорларида сотиладиган моллар ташкил этилган. Сотиладиган товарлар таркибида озик-овқат маҳсулотларидан ун, нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари етакчилик қилса, ноозик-овқат маҳсулотлари ичида энгил машиналарни сотиш олдинда туради. 2005 йилда аҳолига 38,7 минг дона турли русмдаги энгил машиналар сотилган бўлса, 2008-йилда бу рақам 64,3 минг донага етган, 2010-йилда эса сотилган автомобиллар сони янада ошган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида чакана савдо ва пуллик хизматларнинг тадрижий ўзгариши, хусусан, 2006-йилларгача олдинги йилга нисбатан паст бўлиб борган

(бундан 1993-йил мустасно, шу йилда чакана савдо айланмаси 127,5 фоизга ортган). Демак, ушбу соҳаларнинг кўрсаткичлари мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига мос келиб, 1996 йилдан бошлаб ижобий натижаларни намоён қилиб борган. Жумладан, Ўзбекистонда 2013-йилда пуллик хизматлар ҳажми 13,7 фоизга кўпайган ва бу борада МДХ да олдинги ўринларда туради. Республиканинг бу борадаги кўрсаткичи 1990-йилга нисбатан 1,9 мартага ошган.

Турли хил хизматлар ялпи ички маҳсулотнинг анча катта қисмини таъминлайди (2013-йилда 53,0 %). Пуллик хизматларнинг деярли 2/3 қисмини расмий сектор бажаради, қолган қисми яқка тартибдаги тадбиркорларга тўғри келади. Хизматлар таркибида, энг аввало, транспорт хизматлари ажрალიб туради. Уларнинг жами хизматлардаги улуши – 31,6 %. Кейинги ўринларда савдо ва овқатланиш (18,2 %), коммунал хизматлар (12,0%) туради. Шунингдек, молиявий хизматларнинг ўрни ҳам бироз каттарок. Маиший хизматларнинг асосий қисмини хусусий тадбиркорлар бажаришади.

9-жадвал маълумотлари чакана савдо ва пуллик хизматларнинг ҳудудий таркибини акс эттиради. Бу борадаги географик фарқлар, авваломбор, минтақаларнинг демографик салоҳияти билан боғлиқ. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, чакана савдо айланмаси ва пуллик хизматлар ҳажмида пойтахт – Тошкент шаҳрининг ҳиссаси катта – мос равишда, 24,6 ва 30,1 %. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, Тошкент-республикамизнинг йирик савдо маркази ҳам ҳисобланади. Бу ерда нафақат шаҳар ва унинг атрофини аҳолиси, балки бошқа вилоятлардан келганлар ҳам ўзларининг савдо-сотик ишларини олиб борадилар.

Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, минтақалар орасидаги фарқ ёки географик коэффициент 5,79 га баробар бўлиб, у Сирдарё вилоятининг 1,9 фоиздан Тошкент вилоятининг 11,0 фоизгача турланади. Мазкур кўрсаткичлар пуллик хизматларда янада юқорирок, яъни 7,58 га баробар (Тошкент шаҳриси).

Бирок, келтирилган таҳлиллар кўрилатган соҳалар географиясининг ҳақиқий ҳолатини, унинг моҳият ва хусусиятини тўлиқ изоҳлаб бермайди. Бу борада аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар ва индекслар катта аҳамиятга эга. Жадвал маълумотларига қараганда, 2013-йил республикамиз аҳолиси жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмасидан Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 3 марта катта; Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятларида у 1,00 дан юқори, қолганларида эса паст. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида савдо-сотик бирмунча кам ривожланган.

Пуллик хизматларда ҳам шунга ўхшаш тафовутлар кўзга ташланади: ўртacha кўрсаткичга нисбатан у Тошкент шаҳрида 3,76, Андижон вилоятида республика даражасида. Бошқа минтақаларда, айниқса Қорақалпоғистон

Республикаси, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида пуллик хизматларнинг ривожланганлик даражаси анча паст.

**Таълим.** Ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири таълим тизимидир. Бу соҳа хусусан ҳозирги шароитда, интеллектуал омиллар кучли бўлган даврда катта аҳамиятга эга. Шу боис, республика раҳбарияти келажакда баркамол авлодни, биздан кўра доно, билимли, зукко ёшларни тарбиялаш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон таълим тизимининг ривожланиши мамлакатимизда 1997-йилда қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида олиб борилмоқда. Бу мураккаб ижтимоий соҳа мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини ўз ичига олади.

Республикамызда жами 5221 та мактабгача бўлган муассасалар мавжуд. Умумтаълим мактаблари эса 9780 та. Ҳар бир мактабда ўртача 468 нафар ўқувчи бор. Бу кўрсаткич ҳудудларнинг демографик вазияти, аҳоли сони, унинг ўсиши ва жойланиши, ёш таркиби каби омиллар таъсирида бир хил эмас. Чунончи, йирик мактаблар Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўртача 900-920 ўқувчилар таълим олади.

Вилоятлар миқёсида юқорироқ кўрсаткичлар демографик сизими юқори, аҳоли пунктлари анча катта бўлган Фарғона водийсида кўзга ташланади (560-570 киши). Айни пайтда, тоғ ёки чўл шароитларига мослашган минтақаларда, масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги умумтаълим мактабларида ўқувчилар сони 400 кишига ҳам етмайди; энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистонда -349 нафар ўқувчи.

Мактабларда ўқув жараёнининг олиб борилиши, унинг ҳудудий ташкил этилиши жойлар аҳолисининг миллий таркибини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилган. Шу билан бирга, мактабларда ўқув жараёни кўпроқ бир сменали тизимга ўтмоқда, кечки мактаблар эса аста-секин ёпилмоқда (ҳозирда бундай мактаблар деярли қолмаган).

Мамлакатимизда 150 дан ортиқ академик лицейлар мавжуд. Уларнинг бир қисми олий ўқув юртлири-университет ва институтлар қошида ташкил этилган бўлиб, бу ерда таълим тизимининг икки босқичи, яъни ўрта махсус ва олий таълим ўзаро уйғунлашган кўринишда олиб борилади. Ҳар бир академик лицейида ўртача 765-770 нафар талаба таълим олади. Бу борада Хоразм вилояти лицейлари алоҳида ажралиб туради – ҳар бирида 1023 талаба ўқийди. Шунингдек, Наманган, Навоий, Жиззах вилоятларида ҳам бу кўрсаткич 945-960 кишини ташкил қилади. Тошкент шаҳри лицейларининг ҳар бирида 685 нафар талаба бор, энг оз рақамлар Бухоро ва Тошкент вилоятларида қайд этилган.



Ўзбекистон Республикаси минтақаларида чакана савдо ва пуллик хизматлар  
(2013 й.)

т/р	Худудлар	Чакана савдо айланмаси		Пуллик хизматлар	
		жамига нисбатан фоизда	индекс	жамига нисбатан фоизда	индекс
	Ўзбекистон Республикаси	100,0	1,00	100,0	1,00
<i>шу жумладан:</i>					
	Қорақалпоғистон Республикаси	3,6	0,55	3,8	0,45
<i>Вилоятлар:</i>					
1.	Андижон	7,8	0,83	9,3	1,00
2.	Бухоро	6,3	1,06	5,5	0,87
3.	Жиззах	3,2	0,69	2,3	0,54
4.	Навоий	4,0	1,34	3,0	0,94
5.	Наманган	6,1	0,76	5,9	0,68
6.	Самарқанд	8,3	0,67	9,5	0,80
7.	Сирдарё	1,9	0,75	1,4	0,47
8.	Сурхондарё	6,5	0,81	4,1	0,38
9.	Тошкент	10,9	1,19	6,5	0,66
10.	Фарғона	8,9	0,80	9,4	0,70
11.	Хоразм	4,2	0,76	4,1	0,69
12.	Қашқадарё	7,1	0,66	5,5	0,51
13.	Тошкент.ш	21,4	3,08	23,1	3,76

*Изоҳ:* пуллик хизматлар ҳажмида худудлар бўйича тақсимланмаган миқдорлар ҳам бор.

*Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Касб-хунар коллежлари, уларнинг худудий ташкил этилиши кўпроқ жойларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, хўжалигининг ихтисослашувига боғлиқ. Одатда, педогогика ва тиббиёт коллежлари ўрта ва катта шаҳарларда мавжуд. Ихтисослашган савдо, иқтисодиёт, статистика, нефть-газ, туризм, машинасозлик каби коллежлар алоҳида жойларда ташкил этилган.

Ўзбекистонда жами 1400 атрофида касб хунар коллежлари фаолият кўрсатади. Коллежлар сони бўйича Самарқанд вилояти биринчи ўринда – 158 та, иккинчи ўринда Фарғона – 144 та. Қашқадарё (130 та), Андижон ва Тошкент вилоятлари ҳам (мос ҳолда 117 ва 120) бу жиҳатдан бирмунча ажралиб туради. Айни чоғда, энг кам касб хунар коллежлари Сирдарёда – 48 та, Навоий вилоятида – 47 та. Бу худудлар аҳоли сонига кўра ҳам айни шундай вазиятда.

Битта коллежда ўртача 1144 нафар талаба ўқийди (жами 1599,0 минг). Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич 1120 киши, Наманганда – 1268,

Тошкент шаҳрида – 1480 киши ва ҳ.к. Айни вақтда, Жиззах коллежларининг ҳар бирига 813, Сирдарёда 798 нафардан талаба тўғри келади.

Республикада жами 65 га яқин олий ўқув юртлари мавжуд бўлиб (6 таси хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларининг филиаллари), уларда 253 минг талаба таҳсил олади. Тошкент шаҳрида жами олийгоҳларнинг деярли ярми жойлашган. Вилоятлар даражасида Самарқанд (6 та) ва Андижон (4 та) олдинда. Сурхондарё, Хоразм ва Сирдарёда фақат биттадан олий ўқув юрти мавжуд. Биргина Тошкент шаҳрида тахминан 103,2 минг олий ўқув юртлари талабалари бор, Самарқандда 22,2 минг, Фарғона вилоятида (Фарғона ва Қўқон шаҳарларида) 20,0 минг талаба ва ҳ.к. Энг паст кўрсаткич Гулистон ва Термиз университетларига тегишли – уларда 3,8 ва 6,4 минг нафардан талаба ўқийди.

Жами олий ўқув юртларининг 20 дан ортиқроғи университетлардир. Уларда 140 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Энг йирик университетлар Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент иқтисодиёт университети, Жаҳон тиллари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари, Самарқанд давлат университети ва б. Ҳозирги вақтда деярли барча вилоятларда университетлар ташкил қилинган. Фақат Жиззах ва Навоий вилоятлари бундан мустасно, холос. Педагогика институтлари Нукус, Қўқон, Жиззах ва Навоий шаҳарларида жойлашган. Шунингдек, Тиббиёт академияси, темир йўллар ва автомобиль йўллар, молия инититутлари ҳам пойтахтда фаолият кўрсатишмоқда.

**Соғлиқни сақлаш.** Таълим тизими ва соғлиқни сақлаш ҳар қандай жамиятнинг икки асосий таянчидир. Айнан шу соҳалар ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари билан биргаликда мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасининг энг асосий индикаторлари ҳисобланиб, ҳар йили чоп эттириладиган Инсон тараққиёти яқунларида қайд қилинади. Дарҳақиқат, жамият ҳолати аҳолининг маълумотлилик даражаси, бандлиги, унинг умумий ўлим кўрсаткичлари, болалар ва оналар ўлими, ўртача умр кўриш каби омиллар билан тавсифланади.

“Соғлом танда – соғлом ақл”, дейишади. Бу ҳақ гап, чунки инсон учун, унинг баркамол ривожланиши учун, энг аввало, соғлиқ керак. Кўриниб турибдики, саломатлик ва таълим, маълумот олиш ўзаро бири-бири билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шу сабабдан ҳам республикамиз раҳбарияти аҳоли саломатлиги масалаларига устувор эътибор қаратмоқда.

01.01.2012-йил ҳолати бўйича Ўзбекистонда жами 6354 та амбулатория-поликлиника муассасалари бўлган. Уларнинг умумий қуввати (бир сменада қабул қилиш имконияти) ҳар 10 минг кишига 143,4 тага тенг. Бу жиҳатдан Тошкент шаҳридан ташқари Сирдарё вилояти кескин ажралиб туради. Ушбу кўрсаткич Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида ҳам юқори, Сурхондарё вилоятида эса энг паст, яъни 100 га ҳам етмайди. Шунингдек, амбулатория-поликлиника муассасалари билан

таъминланиш Кашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам коникарли даражада эмас (7-илова).

Республикада жами 1180 та касалхоналар мавжуд; ҳар 10 минг аҳолига 47,3 бемор ўринлари (каравотлари) тўғри келади. Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, минтақалар ўртасидаги фарқ 1,58 ни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, касалхоналар билан таъминланишда жуда катта ҳудудий тафовутлар кўзга ташланмайди; энг паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида (ҳар 10 минг кишига 36,1 та ўрин) ва энг юқори даража Наманганда – 54,3.

Мамлакат аҳолисига 80 мингдан ортиқ врачлар хизмат кўрсатишади. Ҳар 10 минг кишига 28 нафар врач тўғри келади ёки ҳар бир врач ўргача 350 кишига хизмат кўрсатади. Врачлар билан таъминланганлик Тошкент шаҳрида 81 киши, Бухоро вилоятида 32, Навоийда 30 киши ва ҳ.к. Шу билан бирга, мазкур вазият Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида яхши эмас–ҳар 10 минг аҳолига атиги 18 тадан врач бор.

Ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик республика бўйича, ҳар 10 минг аҳолига 108 киши ёки ҳар бир бундай ходим 94 кишига тиббий хизмат кўрсатади. Ўрта тиббий ходимлар билан ҳар 10 минг аҳолига ҳисоблаганда Тошкент шаҳрида - 135,5, Навоийда – 129,0, Бухоро вилоятида – 121,9 ва ҳ.к. Паст кўрсаткичлар Жиззах, Сурхондарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилади (7-илова).

Ҳар 10 минг аҳолига ҳисоблаганда бир йилда биринчи марта аниқланган касалликлар республикада ўртача 4550-4600 ни ташкил этади. Қайд этилган ва касалхоналарга мурожаат этганлар сони Тошкент шаҳрида энг юқори. Бу кўрсаткич Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ҳам анча юқори бўлган ҳолда, Сирдарёда у энг паст<sup>1</sup>.

Республика соғлиқни сақлаш тизимига келажақда ҳам катта эътибор қаратилади. Хусусан, бу муаммо кишлоқ жойлар учун далзарб бўлиб, у яқин истиқболда “Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили”, “Мустақкам оила йили” Давлат дастурлари доирасида ҳал этилиб борилмоқда. Бу борада малакали кадрлар тайёрлаш, ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирга вақтда юқори малакали врачлар Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Андижон ва Самарқанд тиббиёт институтларида, Урганч, Нукус шаҳарларидаги Тошкент тиббиёт академиясининг филиалларида, ўрта тиббиёт ходимлари республикамиздаги қатор тиббиёт коллежларида тайёрланмоқда.

Одатда, соғлиқни сақлаш тизимининг географияси 3 та асосий йўналишга ажратилади. Булар – соғлиқни сақлаш муассалари географияси, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш географияси ва аҳоли касалланиши географияси ёки нозогеография. Биринчи ва иккинчи йўналишларни

<sup>1</sup> Бу ерда касалхоналарга мурожаат қилганлар билан аҳолининг умумий касалланиш ҳолатини чалкаштирмаслик керак.

худудий ташкил этишда аҳоли жойлашув тизими асос қилиб олинади ва тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари поғонасимон жойлаштирилади. Бу ўринда айниқса қишлоқ врачлик пунктларининг аҳамияти катта, чунки айни шу муассаса аҳолига “яқин” туради. Қишлоқ врачлик пунктлари йирик қишлоқларда ёки бир-бирига туташ жойлашган, нисбатан унча катта бўлмаган “қишлоқ агломерацияларида” ягона тарзда ташкил этилади. Кўпинча, қишлоқ врачлик пунктлари қишлоқ фуқаролар йиғинларига тўғри келади. Қишлоқ туман марказларида эса туман касалхоналари, вилоят марказларида – вилоят касалхоналари жойлашган. Йирик шаҳарлар, жумладан, Тошкентда ихтисослашган беморхоналар ва бошқа юқори даражали тиббий муассасалар ташкил этилган.

Ушбу тизимнинг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам ўрни сезиларли. Айниқса, стоматология хизмати, дорихоналар, шахсий клиника каби тиббиёт муассасалари бу борада муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими фармацевтика саноати ривожланишини ҳам талаб этади. Бинобарин, сифатли дори-дармонларни тайёрлаш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш зарур. Чунончи, Сурхондарё, Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида доривор ўсимликлар кўп. Биргина Сурхондарё вилоятида бундай ўсимликларнинг тахминан 36-38 фоизи жойлашган. Маҳаллий доривор ўсимликлардан фойдаланиш, шу билан бирга, анъанавий халқ табобатининг ривожланиши ҳам соғлиқни сақлашда аҳамиятли ҳисобланади.

**Рекреация ва туризм.** Рекреация, яъни саломатликни тиклаш ва, умуман, чарчоқни чиқариш, дам олиш, соғлиқни сақлаш тизими билан боғлиқ. Шу билан бирга, бу соҳанинг ривожланишига аҳолининг бўш вақти, молиявий ҳолати каби омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Республикамизда рекреация имкониятлари анча кенг. Айниқса Тошкент вилоятининг Оқтош, Чорбоғ, Наманган вилоятининг Чортоқ, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Чимён, Рапқон, Бухоронинг Ситораи Моҳи Хосса, Самарқанд вилоятининг “Нағорная”, Жиззах вилоятининг Зомин, Қашқадарёнинг Қашқадарё ва Мироқи, Сурхондарёнинг Хўжайкон, Омонхона, Тошкент шаҳрининг Чинобод, Семашко ва бошқа қатор сихатгоҳлари катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда даволаниш имкониятларига эга бўлган 150 га яқин сихатгоҳ ва пансионатлар мавжуд. Болалар сихатгоҳлари (санаториялари) 30 га яқин, санатория-профакториялар 50 дан ортиқ, дам олиш уйлари ва пансионатлар 20 дан зиёд, туристик базалар 143 та. Ушбу имкониятлардан кенг миқёсда фойдаланиш, тегишли инфратузилма ва рекламанинг ривожланиши яхши натижалар беради.

Рекреация билан туризм бир-бири билан яқиндан боғлиқ; саёҳат қилиб дам олиш, ҳордиқ чиқариш ҳам, дам олиб туриб қисқа муддатли саёҳатлар қилиш ҳам кишига маънавий бойлик, хуш кайфият ва тан-

сиҳатлик бағишлайди. Ўзбекистонда маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантириш учун имкониятлар катта. Самарқанднинг Шоҳи Зинда, Регистон, Ғўри Амир, Бибихоним мадрасаси, Бухоронинг Лаби Ҳавз, Арк, Минораи Калон, Баховутдин Нақшбанд, Исмоил Сомоний каби обидалари, мадраса ва зиёратгоҳлари, Сурхондарёнинг ат-Термизий, Чилдухтарон ва бошқа қадимий жойлари, Тошкентнинг Кўкалдош мадрасаси, диний ва ҳозирги замонавий ҳашаматли бинолари, Самарқанд вилоятининг Маҳдуми Аъзам, Имом Бухорий мажмуаси, Тошкент вилоятининг Занги-ота мақбараси, Хиванинг Ичан-қальаси, Қорақалпоғистоннинг Султон Увайс-бобо мажмуаси қабилар диний туризм ривожланишининг муҳим объектлари саналади.

Бундай шароитлар Кўкон, Марғилон, Андижон, Наманган, Қарши, Шаҳрисабз, Нукус ва бошқа шаҳарларда ҳам мавжуд. Шунингдек, республикамиз қишлоқ жойларида агротуризм ва экотуризмни кенг миқёсда ривожлантириш мумкин. Ажойиб тоғ ва чўл ландшафтлари, воҳа ва водийлар, кўплаб кадамжо ва зиёратгоҳлар, балиқчи кўллар, чинорлар, ғорлар ва бошқа жонли ва жонсиз табиат мўжизалари ҳар қандай сайёҳни бефарқ қолдирмайди. Бундай жойлар мамлакатимизнинг кўпгина қишлоқ туманларида бор. Асосий мақсад – бой имкониятлардан самарали фойдаланиш, республикамизнинг бу борадаги имижини кўтариш, миллий иқтисодиётимизга катта даромад келтириш, уни жаҳон ҳамжамятида маълуму машҳур қилишдан иборат бўлмоғи зарур.

Республикамиз ижтимоий ҳаёти, унинг ҳудудий ташкил этишда санъат, маданият, спорт ва бошқа соҳаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Жумладан, кўшиқчилик, мусика санъати, суҳандонлик, аския мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўзгача ривожланган. Уларнинг географиясида Андижон ва Хоразм ансамбллари, Бойсун фолклор ансамбли, Сурхон бахшилари, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро кўриги, Тошкент ва Бухоро санъаткорлари кўзга яққол ташланади. Маданият географиясида эса қатор-қатор музейлар, театр ва кинохоналар юртимизнинг турли хил шаҳар ва марказларида мавжуд.

Халқимизнинг спорт соҳасидаги ютуқлари ҳам тобора ортиб бормоқда. Андижон боксчилари, Самарқанд баскетболчилари, Қарши аёл футболчилари, Денов полвонлари, Тошкент шахматчилари ва гимнастлари, Бухоро курашчилари нафақат республикамизда, балки халқаро миқёсда ҳам Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқдалар.

### **1.8. Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар**

Транспорт макрониктисодиётнинг асосий тармоқларидан бири, иқтисодиётнинг қон томири, ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. У ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғлаб, ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, транспорт соҳаси саноат ва кишлоқ хўжалигига нисбатан географияда кам ўрганилган ёки ўрганилаётган йўналиш эканлиги билан ажралиб туради. Ваҳоланки, транспортсиз ҳеч нарсани тасаввур қилиб бўлмайди, чунки транспорт ҳаракат, масофани кесиб ўтиш, у ёки бу нарсани (юк, йўловчи, ахборот) ташиш, жўнатиш демакдир. Иқтисодий географияда транспорт линиялар, йўл, йўлаклар сифатида унинг қолган объектларини – ареал, тугун ва марказларни боғлаб туради. Транспорт тўри ва тизими ҳар қандай ҳудуднинг ривожланганлик, ўзлаштирганлик кўрсаткичи, ҳудудий меҳнат тақсимотини амалга оширувчи, иқтисодий район ва ишлаб чиқариш мажмуаларнинг шакллантирувчи муҳим омилдир. Қолаверса, “арзон”, “қиммат”, “қулай”, “ноқулай” тушунчаларининг заминида транспорт омиллиги ётади, транспорт географик ўрин эса иқтисодий географик ўриннинг асл моҳиятини ақс эттирувчи асос ҳисобланади.

Одатда, транспорт деганда унинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратилади:

1. Транспорт – бу восита, ҳаракатлантирувчи куч;
2. Транспорт – хўжалик тармоғи;
3. Транспорт, аниқроғи транспорт йўллари – бу ишлаб чиқариш инфратузилмасининг этакчи тармоғи, хўжалик тармоқлари ва аҳолининг жойлашувида муҳим омил (йўли яхши мамлакат бой бўлади, бой мамлакатларнинг йўллари эса ҳаммавақт ҳам яхши бўлавермайди);
4. Транспортнинг узатувчанлик, боғловчилик функцияси борлиги сабабли, у алоқа тизими билан жуда яқиндан алоқадор, бинобарин, алоқа тизимидаги янги ўзгаришлар (теле-радио алоқалари, интернет ва б.) анъанавий транспорт тармоқларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг қок ўртасида жойлашганлиги, унинг транспорт географик хусусиятини, ўрнини ҳам белгилаб беради. Дарҳақиқат, республикамизнинг бундай транспорт географик ўрни, унинг марказийлигини, кесувчанлигини (яъни транзитлигини) ақс эттиради, шу билан бирга, мамлакатимизнинг Жаҳон океанидан узоқда, ичкарида жойлашганлигини билдиради.

Қадимда, республикамизнинг ҳозирги ҳудудиди куруқлик транспорти, аниқроғи қарвон йўллари яхши ривожланган бўлган. Хусусан, унинг Буюк ипак йўлида жойлашганлиги юртимизда савдо, маданият, хунармандчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Темир йўллар эса бу ерда XIX асрнинг охирида ва XX аср бошларида қурилган. Булар Каспий орғи темир йўли, яъни ҳозирги Туркманбоши (Красноводск) – Андижон ҳамда Оренбург – Тошкент йўллари дир. Кейинчалик бошқа маҳаллий ва халқаро йўллар ҳам қурилиди, айниқса Қуйи Амударё йўналишида барпо этилган темир йўллар, масалан Қўнғирот, Бейнау – Мақат – Александров Гай (Саратов обл.) муҳим аҳамият қасб этди.

Бирок, республикаимиз транспорт тўри унинг турли ҳудудларини боғлаш нуктаи назаридан ягона тизимни ташкил этмасди. Шу боис, мустақиллик йилларида *транспорт хавфсизлигига* ҳам жиддий эътибор қаратилди, қисқа муддат мабойнида Учқудуқ – Мискин – Нукус, Тошғузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўллари қурилиб ишга туширилди. Натижада, ҳозирги кунда Қуйи Амударё минтақаси ва Сурхондарё вилоятига бориш учун аввалгидек Туркменистон ҳудуди орқали юриш талаб этилмайди. Темир йўллارни электрлаштириш, тез юрар йўналишларни жорий қилишда ҳам ютуқларимиз талай (масалан, Тошкент – Самарқанд оралиғида қатнайдиған “Афросиёб”, Тошкент – Бухоро, Тошкент – Қарши йўналишларидаги поездлар). 2016-йилда Фарғона водийси ҳам Қамчик давони орқали темир йўл билан боғланади. Ҳозирги вақтда, республика темир йўлларининг электрлаштирилган даражаси 35 %. Яқин йилларда бу кўрсаткич 1,5 мартага ошади, Жумладан, Мароқанд – Қарши темир йўли электрлаштирилади.

Автомобиль йўллари қуриш ҳам мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишидир. Шу боис, магистраль йўллари қайта қуриш, таъмирлаш, йўлбўйи инфратузилмаси ва йўл бўйи иқтисодиётини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, транспортнинг бошқа турлари – ҳаво, қувур (трубопровод) транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. Республикаимиз пойтахти ҳамда Урганч, Навоий, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида халқаро аэропортлар қурилган.

Транспортнинг асосий функцияси юк ва йўловчи ташиш 1996 ва, хусусан, 2003-йилларгача ҳар хил ўзгариб борди, ўсиш – пасайиш кўрсаткичлари бир - бирини алмаштириб турди. 2004 йилдан бошлаб эса бу кўрсаткичлар мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Масалан, 2013-йилда юк ташиш 2012-йилгига нисбатан 104,4 фоизга, йўловчи ташиш 104,2 фоизга ортган.

Кўрилатган соҳада 170 минг киши ишлайди, бу бутун иқтисодиёт тизимида банд бўлганларнинг 3,7 фоизини ташкил қилади. Транспортни ривожлантириш учун ажратилган инвестиция ҳажми 30,0 фоизга яқин (2005-йилда 15,7 %га тенг бўлган). Кўриниб турибдики, мамлакатимиз раҳбарияти транспорт тизими, транспорт мустақиллиги ва хавфсизлигига катта эътибор қаратмоқда.

2013-йилда Ўзбекистонда транспортнинг барча турлари орқали 1387,3 млн тонна юк ташилган. Бу 2005-йилга қараганда 1,6 мартадан кўп демакдир. Жами ташилган юкнинг 90,6 фоизи биргина автомобиль транспорти зиммасига тушади. Қолган транспорт турларининг бу борадаги кўрсаткичлари анча паст. Ортда қолган йилда 6988,0 млн киши йўловчи сифатида ташилган (2005-йилга нисбатан 1,7 марта кўп), унинг 98,2 фоизи автомобиль транспортига тўғри келади. Юк ва йўловчи ташишда хусусий тадбиркорликнинг салмоғи катта. Автомобиль транспорти юк

айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчилар хиссаси 72,1 фоизга тенг. Йўловчилар ташишда бу кўрсаткич янада юқори.

Ўзбекистонда умумий ижтимоий фойдаланишда бўлган темир йўллар узунлиги 43 минг км, ҳар 10 минг кв км майдонга зичлик 94,2 км ни ташкил қилади<sup>1</sup>. Табиийки, ҳудуди катта минтақаларда темир йўллар узунлиги ҳам катта. Масалан, Қорақалпоғистонда у 844 км, Навоий вилоятида 469 км ва х.к. Айни вақтда, майдони кичик Андижон ва Сирдарё вилоятларида темир йўллар узунлиги анча оз. Умумий қонуният аҳоли кўплиги ва йўллар зичлиги ўртасидаги нисбатда кўзга ташланади. Фикримизнинг исботи сифатида Андижон ва Фарғона, Хоразм ёки Сирдарё вилоятларидаги кўрсаткичларни келтириш мумкин. Бу фикрни энг паст зичликка эга бўлган Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги вазият ҳам тасдиқлаб беради (8-иловага қаранг).

Каттик қопламали автомобиль йўллари узунлиги республикамизда 42,0 минг км ёки темир йўлларга нисбатан 10 марта зиёд; зичлик ҳар 1000 кв км майдонга 92,8 км – бу кўрсаткич ҳам деярли 10 баробар ортик. Шу ўринда аҳоли географияси ва автомобиль йўллари зичлиги ўртасидаги қонуниятни яна бир бор таъкидлаш ўринли. Маълумотларга қараганда, энг юқори автйўллар зичлиги аҳоли зичлиги энг юқори бўлган Андижон ва Фарғона вилоятларида кузатилади. Бу ҳолат Наманган, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида ҳам анча юқори, чўллик минтақаларда эса у жуда паст.

Таникли рус олими Н. Н. Баранский фикрича, йўллар ва шаҳарлар ҳар қандай ҳудуднинг иқтисодий асосини (“қовурғасини”) ташкил қилади. Чиндан ҳам, айти улар биргаликда жойнинг иқтисодий салоҳиятини, географик жиҳатдан ўзлаштирилганлик даражасини ёки, бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг “географик геометриясини”, иқтисодий географик асосини ўзида акс эттиради. Мамлакатимиз иқтисодий харитасида бундай ўзига хос геометрик шакллар вужудга келган. Улар жумласига Самарқанд (Жума) – Бухоро (Когон) – Қарши (Қашқадарё ст.), Сирдарё – Жиззах – Ховос учбурчаклари, Фарғона халқаси (Кўкон – Наманган – Андижон – Маргилон – Қўкон) қабилар қиради. Баъзан, бу йўналишларда темир ва автомобиль йўллар биргаликда жойлашган бўлиб, улар биргаликда ҳудудни янада мустахкамрок бирлаштиради (“михлайди”).

Бундай шаклларнинг айримлари трансчегаравий бўлиб, улар қўшни, ҳудуди туташ бўлган давлатларни ҳам боғлайди. Масалан, табиий географик микёсдаги Фарғона халқаро халқаси Хўжанд ва Ўшни ҳам бирлаштиради ёки Газўчоқ – Урганч – Дошховуз, Тахиатош (Нукус) халқаси ҳам шунга ўхшаш геосиёсий моҳият касб этади. Туркменистон

<sup>1</sup> Мамлакатимизда темир йўл транспортининг ривожланиши ва бошқарилиши “Ўзбекистон темир йўллари” Миллий компанияси орқали амалга оширилади.



билан туташ бўлган Ўзбекистон ҳудудларида Туркманобод – Питнак – Учкудук – Навоий “трапецияси” ҳам кўзга ташланади. Қорақалпоғистонда Тўрткўл – Нукус – Қўнғирот – Чимбой “конуссимон” темир йўли ушбу минтақа табиий-иқтисодий имкониятларидан фойдаланишда аҳамиятга эга. Автойўллар географиясида эса Самарқанд – Ғузор – Шаҳрисабз – Самарқанд ҳалқаси йўловчилар ташишда катта ўрин тутади.

Юқоридаги йўлларнинг янада ривожланиши, темир йўл тугун ва мажмуаларининг шаклланиши иқтисодий географик жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Хусусан, нисбатан бир-бирига яқин жойлашган анча йирик шаҳарлар ўртасида магистраль кўринишда, интенсив катновли йўл ва йўлақлар (каридорлар) бу борада янада аҳамиятлидир. Сабаби, ҳар қандай йўл унинг таъсир зонасида бўлган табиий бойликларни ўзлаштиришга, ички ҳудудларга маданият янгиликларини олиб киришга, ўсиш кутб ва марказларнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади. Худди шу фикрни 223 км масофада барпо этилган (2007-йил) Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли яқин келажакда исботлаб беради.

2013-йил якулига кўра, темир йўллар орқали тахминан 60 млн тонна юк ва 15,0 млн йўловчи ташилган. Йўловчиларни ташиш айланмаси сўнгги 8 йилда 1,9 мартага кўпайган. Минтақалар миқёсида юк ташишда Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятлари кўзга ташланса, йўловчи ташишда Тошкент минтақаси кескин ажралиб туради. Темир йўлларда ташилган юкларнинг деярли ¼ қисмини нефть ва нефть маҳсулотлари, 20-22 фоизини қурилиш материаллари, 10 фоиздан кўпроғини цемент, 5 фоизга яқинини қўмир ташкил этади.

Автомобилларда 1156 млн т. юк ва 6280 млн йўловчи ташилган. Юк ташишда юқорироқ кўрсаткичлар Хоразм, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида қайд этилади, автобусларда йўловчи ташиш бўйича эса, энг аввало, пойтахт – Тошкент ҳамда Фарғона вилоятлари олдинда. Айни пайтда автомобилларда юк ташиш Жиззах, Бухоро, Андижон ва Наманганда, йўловчилар ташиш Жиззах ва Навоий вилоятларида сустривожланган (8-илова).

Юқорида қайд этилганидек, республикамизда қувур ва ҳаво транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий компанияси асосан йўловчилар ташишда катта аҳамият касб этса, қувур транспорти орқали кўпроқ газ жўнатилади (бир йилда 60 млн т. юк ташилади). Республикамизда жами магистраль қувурларнинг узунлиги 14,3 минг км бўлиб, унинг деярли 99 фоизи газ қувурларидир.

Транспорт нафақат мамлакат ичидаги вазифаларни бажаради, унинг **ташқи иқтисодий алоқаларни** амалга оширишда ҳам аҳамияти катта. Бу алоқаларда, хусусан юк ташишда, ички транспортдан фарқли ўларок, темир йўл транспорти етакчилик қилади. Турли хил юкларни ҳар хил йўналишларда ташишда Ангрэн терминали ва, айниқса, Навоий шахри

портин негизда ташкил этилган эркин иқтисодий-индустриал зонанинг ўрни катта.

Мустақиллик йилларида республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 2063 млн АҚШ далларидан (1991 й.) 28895 млн далларга (2013 й.) етди<sup>1</sup>. Тадрижий ўзгаришлар динамикаси шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиётнинг дастлабки шаклланиш даврида, ишлаб чиқаришнинг насайиб бориш жараёнида, яъни 1996 йилгача ташқи савдо айланмаси ўсиб борган. Жумладан, у 1992-йилда олдинги йилга нисбатан бирданига 2,2 баробарга ортган, сўнгра ўсиб бориб, 1997-йилдан пасайиш кўрсаткичларини намоён этган. 2002 йилда республика ташқи савдо айланмасининг ҳажми 5700 млн АҚШ далларига тушиб қолган, ваҳоланки у 1996-йилда 9311 млн далларга етган эди. 2003-йилдан хозирги давргача ташқи савдо айланмаси турли суръатларда кўпайиб борган. У 2006-йилда 2002 йилга нисбатан деярли 2 мартага ошган ва кейинги 4 йил давомида бу кўрсаткич яна 2 баробарга кўпайган.

Ташқи савдо айланмасининг таркибий тузилиши ҳам йиллар мобайнида бир хил бўлмаган. 1996-1997-йилларда у манфий нисбатта, яъни манфий сальдога эга бўлган ҳолда, қолган йилларда товар алмашув мунтазам равишда мамлакатимиз фойдасига ҳал бўлган. Экспорт ҳажми 1995-2013-йилларда 3,8 мартага кўпайган бўлса, импорт бу даврда 3,0 мартага ошган. Демак, бу борадаги жараёни асосан экспорт белгилаб бермоқда. Импортни экспорт билан қоплаш даражаси сўнгги йилларда 148-150 фоиз бўлган.


Экспорт таркибида (жами 15087 млн АҚШ доллари) ҳам баъзи ўзгаришлар кузатилмоқда, жумладан, пахта хом ашёси, яъни пахта толасининг бу борадаги улуши пасайиб, унинг ўрнига машиналар ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек, турли хил хизматларнинг улуши ортиб борган<sup>2</sup>. 2013-йилда жами экспорт ҳажмининг 17,7 фоизи пахта толасига (1990 й.-59,7 %, 2000 й.-27,5 %), 31,1 фоизи энергия манбалари ва нефть маҳсулотларига, 9,8 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келди. Машина ва ускуналарнинг улуши 5,5 %, қора ва рангли металллар – 6,3 %, кимё ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар – 4,0, хизматлар 16,2 фоизга тенг.

Импортда (жами 13807 млн доллар) машина ва ускуналар кескин ажралиб туради: уларнинг хиссасига жами импорт қилинган товар ва хизматларнинг 44,1 фоизи тўғри келади (1990 й.-12,1 %, 2000 й.-35,4 %, 2009-йилда 56,5 %). Кейинги ўринда кимё ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар (14,3 %), учинчи ўринда озиқ-овқат маҳсулотлари туради (9,7 %). 1990 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг жами импортдаги улуши 48,9 ва 2000 йилда 12,3 фоиз бўлган.

<sup>1</sup> 2013 йилда экспорт ҳажми 10,9 фоизга кўпайди, ижобий савдо 1 миллиард 300 млн АҚШ долларини ташкил этди.

<sup>2</sup> 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоизини тайёр товарлар таъминлаган.

4-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси (млн АҚШ долларларида)



Умуман олганда, замонавий технологиялар, машина ва асбоб ускуналарнинг кўпроқ келтирилиши (японлар учун балик эмас, балки қармоқ муҳимроқ ҳисобланади) маъқулроқ. Чунки, ташқи савдо айланмасининг бундай таркибий нисбати келажак ишлаб чиқариш учун мустақкам замин ясади. Шу нуқтаи назардан истеъмол молларини, хусусан енгил ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўзимизда, ҳеч бўлмаганида маҳаллий эҳтиёжни қондириш даражасида ривожланиши талаб этилади. Айтиш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат, жумладан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш (“локализация”), инвестиция сиёсати ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланиши ҳам айти шу мақсадларни кўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг қатор мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошироқда. Умумий қонуният шундан иборатки, агар авваллари МДҲ мамлакатлари билан алоқалар бирмунча заифроқ бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг улуши кўтарилиб бормоқда. Масалан, 1995-йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмида МДҲ мамлакатларининг ҳиссаси 38,4, шу жумладан экспортда 34,5 ва импортда 45,5 фоиз бўлган ҳолда, бу кўрсаткичлар 2013-йилда, мос равишда 42,6; 47,4 ва 37,4 фоизни ташкил этган<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз ташқи савдо алоқаларида Россия биринчи ўринда туради. Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Корея Республикасининг ҳам улуши катта. Бошқа давлатлар орасида бироз Туркия, Афғонистон, Эрон, Украина, Германия, Буюк Британия ажралиб туради. Қолган мамлакатларнинг бу борадаги иштироки жуда сует.

Республикамиз ташқи савдо айланмасининг шаклланишида барча минтақаларнинг иштироки бир хил эмас. Ўзбекистон ташқи савдо

<sup>1</sup> Мустақилликнинг дастлабки йилларида, хусусан 1991-1992 йилларда собиқ Иттифок республикалари билан деярли ташқи савдо муносабатлари олиб борилмаган.

айланмаси ҳажмининг 33,5 фоизини биргина Тошкент шаҳри таъминлайди (экспортда 22,7 %, импортда 45,3 %). Иккинчи ўринда Тошкент вилояти туради: 11,3; 10,8 ва 11,8 %. Шундай қилиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти зиммасига мамлакатимиз ташқи савдо алоқаларининг 44,8 фоизи тўғри келади (импортнинг 57,1 %). Қолган минтақалар орасида Андижон вилоятининг иштироки фаолроқ: ушбу ҳудуд улушига республика ташқи савдо айланмасининг 10,0 фоизи, экспортнинг 5,9, импортнинг 14,4 фоизи мос келган (2013 й.).

Юртимиз экспорт салоҳиятини оширишда чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши, минтақаларда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш қатта аҳамиятга эга. 2013-йил маълумотлари бўйича, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси жами экспортнинг 17,5 фоизини беради. Табиийки, бу борада уларнинг импортдаги улуши анча юқори – 39,2 % ва шундай бўлиши ҳам керак.

Албатта, реал воқеликда барча ҳудудларнинг мамлакат ташқи савдосини ривожланиши, унинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини оширишдаги иштирокини мутлақо бир даражада бўлиши кийин ва бу ҳеч қачон бўлмайди. Бироқ, асосий юкни фақат 2 ёки 3 минтақа “тортишини” ҳам ижобий баҳолаш ножоиздир.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар экспортини яна юқорида қайд этилган ҳудудлар, яъни Тошкент шаҳри ва вилояти, Андижон беради. Импортнинг ҳам асосий қисм Тошкент шаҳрига, Андижон, Тошкент ва Самарқанд вилоятларига тўғри келади. Айни пайтда, экспортда Сирдарё, Жиззах ва Хоразм, импортда Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг ҳиссаси ниҳоятда паст. Бинобароин, энг аввало мазкур вилоятлар инвестиция муҳитини яхшилаш, бу борадаги жозибадорлигини ошириш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, транспорт ва бошқа инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### 2.1. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ҳудудий таркиби ва иқтисодий районлари.

Иқтисодий географик тадқиқотлар икки *таркиб*, яъни тармоқлар таркиби билан ҳудудий таркибнинг уйғунлашувини, биридан-иккинчисига ўтган ҳолда таҳлил қилишни назарда тутати. Бу эса, меҳнат тақсимо­тининг ижтимоий ва ҳудудий шакллари билан боғлиқ. Умуман олганда, *ҳудудий таркиб, ҳудудий тизим, ҳудудий бирикма ёки мажмуа иқтисодий ва ижтимоий география фанининг таянч иборалари* ҳисобланади. Тизим-таркиб нуқтаи назардан ҳар қандай объект алоҳида қисм ёки бўлақлардан, яъни таркибдан ташкил топади, бу қисмлар эса унинг бутлиги ва бутунлигини таъминлайди. Шу ўринда таркибнинг ҳам ўзига хос тизим эканлиги, бироқ қуйи даражадаги тизимлиги, унинг ҳам яна “таркибчалардан” иборатлигини унутмаслик лозим.

Ҳудудий таркиб турлича бўлади. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётини географик томонлар – шимол, жануб, ғарб ва шарқ миқёсида ёки ҳавза принципи асосида (Амударё ва Сирдарё ҳавзалари) таҳлил қилиш мумкин. Шунингдек, уни геоморфологик ва табиий-ҳўжалик районлар жиҳатдан текислик ва тоғ – тоғолди ҳудудлари бўйича, чўл, воҳа ва водийлар миқёсида ҳам кўра бўлади. Демак, кўри­ниб турибдики, таркиб, яъни яхлит тизимнинг узвий қисми “горизонтал” ҳолатда ҳам турлича бўлар экан. Бироқ, иқтисодиётни бошқариш, статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш жиҳатидан маъмурий таркиб анча афзалликларга эга. Шунинг учун ҳам маъмурий бирликларнинг тўғри ташкил этилганлиги, уларнинг барқарор ва ўзгармаслиги катта амалий аҳамиятга эга.

Хусусан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тўлақонли амалга ошириш, уни бошқариш ва мониторингини олиб бориш, бу борада концепция, стратегия ва башоратларни ишлаб чиқиш *вилоят* миқёсида қулайдир. Айнан уларни минтақавий иқтисодиёт ва иқтисодий география фанлари нуқтаи назаридан шартли равишда, энг аввало, бу номдаги анъанавий табиий географик тушунчадан фарқ қилувчи *минтақа* сифатида қабул қилиш мумкин. Қолаверса, республиканинг минтақавий сиёсати ҳам кўпроқ шу доирада олиб борилади.

Ўзбекистоннинг асосий маъмурий бирликлари майдони ва демографик салоҳияти бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу ерда географик қонуният шундан иборатки, вилоят майдони қанча катта бўлса, демак билин­гки, одатда, бундай жойларнинг табиий шароити хўжалик юритиш учун унча қулай эмас. Мамлакатимизнинг энг йирик минтақаси – Қорақалпоғистон Республикасининг майдони энг кичик ҳудудни эгаллаган Сирдарё ёки Андижон вилоятидан 38,7 марта катта. Худди шундай, Навоий вилояти ҳам жуда кенг майдонни (111.0 минг кв км ёки республика ҳудудининг ¼ қисми) эгаллайди, учинчи ўринда яна бир чўллик минтақа – Бухоро вилояти туради.

Аҳоли сони бўйича фарқ унча катта эмас, атиги 4,4 мартага баробар ёки, бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда аҳоли сонига қўра энг йирик Самарқанд вилояти (3412,8 минг киши) энг кичик – Сирдарё вилоятидан (757,1 минг киши) шунчалик даражада катта. Бу жиҳатдан иккинчи ўринда Фарғона, учинчи ўринда Қашқадарё вилоятлари туради. Шунингдек, Андижон, Тошкент вилоятларининг ҳам демографик сиғими анча юқори; республика пойтахти – Тошкент шаҳрида 01.01.2014-йилда 2351,8 минг киши қайд этилган.

Бошқа шароитлар бир хил бўлган ҳолда, маъмурий-ҳудудий бўлинишни илмий асосланган *иқтисодий районлаштириш* асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, мавжуд ички маъмурий-ҳудудий тузилмани тез-тез ўзгартириб бориш, бу борада ҳар хил “географик ўйинларга” йўл қўйиш яхши оқибатларга олиб келмайди. Бинобарин, бундай бирликлар мумкин қадар тўғри ажратилган ва турғун бўлишлари керак.

Иқтисодий районлаштириш иқтисодий географиянинг, “район” тушунчаси умуман география фанининг бирламчи, бош тушунчасидир. Районсиз, бир жойдан иккинчи жойнинг фарқисиз, ҳудудий тафовутсиз география фашининг ўзи ҳам бўлмайди. Бирок, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий районлаштиришни фақат собиқ Иттифок мафкураси билан, унинг режалаштириш сиёсати билан боғлаш нодурустдир. Сабаби, иқтисодий районлар ҳудудий меҳнат тақсимотининг натижаси сифатида объектив мавжуддир. Бундай районлар Чор Россиясида ҳам, ҳозирда бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиб бораётган қатор давлатларда ҳам мавжуд.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти, янги ерларни ва табиий ресурсларни ўзлаштириш, ҳудудлар доирасида иқтисодий ихтисослашувнинг ўзгариб бориши, янги йўллар, ўсиш қутб ва марказларининг шаклланиши, бизнинг назаримизда, *иқтисодий географик жараён*дир. Ушбу жараён натижасида вужудга келган турли катталиқдаги ва йўналишдаги иқтисодий районлар, уларнинг ўзаро нисбати ва муносабати, иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби *иқтисодий географик вазият*ни англатади. Бу ерда жараён ҳам, вазият ҳам давр ва макон миқёсида ўзгариб туради.

Содда қилиб айтганда, бир-биридан фарқ қилиб турувчи ҳар қандай ҳудуд райондир. Шу боис, районлар тизими ёки иерархияси, районларни райончалардан ташкил топиши тўғрисида сўз юритиш мумкин. Районлар юқорилашган сари сиёсий аҳамиятга, қуйилашган сари эса ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси, энг аввало, жаҳон ҳамжамиятининг мустақил субъекти, геосиёсий тузилмасининг бир қисми ҳисобланади ва, шу билан бирга, бу ерда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масаласи ҳам, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳам устувор мазмун касб этади. Маъмурий бирликлар, жумладан, вилоятлар, қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ

фуқаролар йиғинлари эса кўпроқ халққа (оммага, жамоага) бевосита яқин бўлган кундалик ижтимоий муаммолар билан шуғулланадилар.

Иқтисодий район, баъзан уни иқтисодий географик район деб ҳам аташади (бизнингча, бу тўғри эмас, чунки ҳар қандай район жойни, худудни, демак, географияни англатади), асосан қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

- худуднинг яхлитлиги, унинг географик ўрни;
- хўжалигининг ихтисослашуви;
- район ҳосил қилувчи марказларнинг мавжудлиги;
- табиий шароити ва табиий ресурслари;
- транспорт ва бошқа инфратузилманинг ривожланганлиги;
- демографик вазияти ва меҳнат ресурслари;
- жойнинг тарихий ривожланиш хусусиятлари ва бошқалар.

Ҳар қандай иқтисодий районда 3 гуруҳ тармоқлар ривожланган бўлиши керак: 1) район ҳосил қилувчи ихтисолашган тармоқлар; 2) биринчи гуруҳ билан боғлиқ ва уларга хизмат қилувчи тармоқлар; 3) маҳаллий, яъни ички эҳтиёжларни қондирувчи хўжалик тармоқлар. Мазкур гуруҳларга мансуб иқтисодиёт тармоқлари турли районларда турлича бўлиши мумкин. Энг муҳими, улар ўртасида мутаносиблик бўлиши шарт. Шу нуктаи назардан, район хўжалигини ҳам ўзига хос худудий ишлаб чиқариш мажмуаси шаклида эътироф этса бўлади.

Иқтисодий районларнинг илмий-амалий аҳамияти, энг аввало, уларнинг маъмурий-худудий бўлинишни ташкил этишда, минтакавий сиёсатни амалга оширишда, шунингдек, ўқув жараёнида – мамлакатнинг иқтисодий географиясини тизим-таркиб ёндошув асосида ўрганишда ўз аксини топади. Айтайлик, Ўзбекистон иқтисодий географиясини фақат унинг хўжалик тармоқлари бўйича ўрганиш амалда иқтисодий географик таъриф ҳисобланмайди, сабаби – бу ерда худудий ёндошув йўқ. Шу боис, ҳар қандай худуднинг иқтисодий географик тавсифини тахминан 55-60 фоизи худудий қисмдан иборат булмоғи даркор.

Ўзбекистонда иқтисодий районлаштириш масалалари билан, хусусан, ўтган асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб шуғулланиб келинган. Ушбу муаммо таниқли олимлар В.М.Четиркин, К.Н.Бедринцев, Н.Г.Цапенко, З.М.Ақрамов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, республикамызда турли даврларда иқтисодий районлар турлича миқдорда ажратилган ва дастлаб бу масала бевосита табиий-хўжалик районлаштириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилган.

1970-1980-йилларда собиқ ТошДУнинг иқтисодий география кафедраси олимлари янги, Мирзачўл иқтисодий районини ажратишни таклиф қилишган. 1998-йилда эса ушбу китоб муаллифи Ўзбекистонни 6 та асосий иқтисодий районга ажратишни маъқул топган. Айтиш лозимки, худди шунчалик иқтисодий районларни кейинчалик баъзи иқтисодиёт ташкилотлари ҳам белгилашган, фарқ фақат уларнинг номланишида бўлган.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ҳудудий таркиби куйидаги 6 та *асосий* иқтисодий районлар даражасида кўрилади:

1. Тошкент иқтисодий райони – Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти таркибида;
2. Мирзачўл иқтисодий райони – Жиззах ва Сирдарё вилоятлари;
3. Фарғона иқтисодий райони – Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари;
4. Зарафшон иқтисодий райони – Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари;
5. Жанубий иқтисодий район – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари;
6. Қуйи Амударё иқтисодий райони – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.

Иқтисодий районларнинг бундай ўзаро интеграциялашув ёрдамида ривожланиб бориши мамлакатимизнинг миллий иқтисодиётини, хавфсизлиги ва яғоналигини таъминлайди. Бирок, эътироф этиш жоизки, бугунги кунда республикамиз иқтисодий районлари сони ва уларнинг таркибига қаратилган бошқача ёндошувлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, ота-ўғил Паёз ва Жаҳонгир Мусаевларнинг VIII синф учун ёзилган “Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси” дарслигида 8 та район ажратилган. Фикримизча, бундай ёндошув тўғри эмас, бу ерда тизим-таркиб қоидаси, районлаштириш принциплари, унинг иерархик тузилмаси қоидаларига риоя қилинмаган. Масалан, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари алоҳида иқтисодий районлар мақомида белгиланган. Ваҳоланки, улар *маъмурий иқтисодий районлар*, яъни иқтисодий районлаштиришнинг иккинчи поғонасида турувчи ҳудудий бирикмалар саналади ва бундай даражада республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қаралиши ҳақлидир. Биз уларни **минтақа** сифатида талқин қилиш тўғри деб ҳисоблаймиз, чунки республикамизнинг минтақавий сиёсати кўпроқ шу миқёсда амалга оширилмоқда.

Асосий иқтисодий районлар бизнинг шароитимизда куйидаги базавий соҳаларга эга бўлишлари мақсадга мувофиқ:

- ёқилғи-энергетика базаси;
- қурилиш индустрияси;
- агросаноат мажмуаси.

Ушбу ишлаб чиқариш тармоқлари ҳар бир иқтисодий макон учун зарурдир. Агар шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, фақат Тошкент иқтисодий райони бундай мукамалликка эга. Қолган иқтисодий районларда эса у ёки бу тармоқ суст ривожланган. Масалан, Жанубий районда уларнинг бирортаси етарлича эмас, Фарғонада энергетика ва қурилиш базаси заиф, Мирзачўлда тўқимачилик саноати яхши йўлга қўйилмаган ва хоказо.



Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-иқтисодий қўрағичларининг ҳудудий тарбиби  
(2013 й. жамға нисбатан фонда)

	Майдони	Аҳолиси	ЯИМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Ташқи савдо айланмаси	Экс-порт	Им-порт
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:										
<b>Тошкент иқтисодий райони:</b>	<b>3,5</b>	<b>16,6</b>	<b>24,5</b>	<b>36,6</b>	<b>12,8</b>	<b>32,3</b>	<b>29,6</b>	<b>44,8</b>	<b>33,5</b>	<b>57,1</b>
Тошкент вилояти	3,4	8,9	9,8	14,7	12,8	10,9	6,5	11,3	10,8	11,8
Тошкент шаҳри	0,0	7,7	14,7	21,9	0,0	21,4	23,1	33,5	22,7	45,3
<b>Мирчаўл иқтисодий райони:</b>	<b>5,7</b>	<b>6,5</b>	<b>4,1</b>	<b>3,7</b>	<b>8,9</b>	<b>5,1</b>	<b>3,7</b>	<b>2,1</b>	<b>11,5</b>	<b>1,9</b>
Жиззах вилояти	4,7	4,0	2,2	1,3	5,0	3,2	2,3	1,0	10,2	1,0
Сирдарё вилояти	1,0	2,5	1,9	2,4	3,9	1,9	1,4	1,1	1,3	0,9
<b>Фарғона иқтисодий райони:</b>	<b>4,1</b>	<b>28,5</b>	<b>17,5</b>	<b>23,9</b>	<b>26,1</b>	<b>22,8</b>	<b>24,6</b>	<b>14,4</b>	<b>9,3</b>	<b>20,1</b>
Андижон вилояти	1,0	9,2	6,6	13,6	9,9	7,8	9,3	10,0	5,9	14,4
Наманган вилояти	1,7	8,2	4,2	2,7	7,9	6,1	5,9	0,9	0,7	1,2
Фарғона вилояти	1,4	11,1	6,7	7,6	8,3	8,9	9,4	3,5	2,7	4,5
<b>Зарафшон иқтисодий райони:</b>	<b>37,4</b>	<b>19,9</b>	<b>17,1</b>	<b>20,1</b>	<b>26,7</b>	<b>18,6</b>	<b>18,0</b>	<b>10,1</b>	<b>5,9</b>	<b>14,5</b>
Бухоро вилояти	9,0	5,8	5,5	4,1	9,9	6,3	5,5	3,4	1,9	5,0
Навобий вилояти	24,7	3,0	5,4	10,6	4,7	4,0	3,0	3,7	2,9	4,5
Самарқанд вилояти	3,7	11,1	6,2	5,4	12,1	8,3	9,5	3,0	1,1	5,0
<b>Жанубий иқтисодий райони:</b>	<b>10,9</b>	<b>17,1</b>	<b>11,5</b>	<b>11,4</b>	<b>17,4</b>	<b>13,6</b>	<b>9,6</b>	<b>3,8</b>	<b>3,8</b>	<b>11,0</b>
Сурхондарё вилояти	4,5	7,6	4,1	1,9	8,9	6,5	4,1	1,3	1,8	7,9
Кашқадарё вилояти	6,4	9,5	7,4	9,5	8,5	7,1	5,5	2,5	2,0	3,1
<b>Куйи Амударё иқтисодий райони:</b>	<b>38,4</b>	<b>11,2</b>	<b>5,6</b>	<b>3,3</b>	<b>9,0</b>	<b>7,8</b>	<b>7,9</b>	<b>1,7</b>	<b>1,7</b>	<b>1,5</b>
Қорақалпоғистон Респ.	37,1	5,7	2,5	1,6	3,0	3,6	3,8	0,8	0,7	0,8
Хоразм вилояти	1,3	5,5	3,1	1,7	6,0	4,2	4,1	0,9	1,0	0,7

Изу: ҳудудлар доирасида тақсимланмасан иқтисодийга тегишли маълумотлар республика бўйича жамға қилинган.  
Жидват УЭР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

10-жадвалда асосий иқтисодий районлар ва уларнинг таркибидаги вилоятлар, яъни минтақаларнинг иқтисодий ривожланишига оид баъзи кўрсаткичлар келтирилган.

Жадвал таҳлили шунини кўрсатадики, Тошкент иқтисодий райони қатор соҳалар бўйича республикада етакчилик қилади. Чунончи, 2013-йил якунларига кўра, мазкур район Ўзбекистон ялпи маҳсулотининг  $\frac{1}{4}$  қисмини, sanoat ишлаб чиқариши, инвестиция, чакана савдо ва пуллик хизматларнинг 30-40 фоизини, ташқи савдо айланмасининг эса ярмидан кўпроғини таъминлайди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича олдинги ўринлардан бирида Фарғона иқтисодий райони ҳам туради. Аммо, унинг демографик салоҳияти жуда катта. Сабаби, бу ерда мамлакат аҳолисининг 28,5 фоизи истиқомат қилади. Демак, Фарғонада ер оз, аҳоли кўп, антропоген босим ва табиатнинг “зўриқиши” юқори, ишлаб чиқариш ҳажми эса уларга мос эмас.

Қолаверса, Тошкент иқтисодий районида ташқари қолган барча ҳудудларнинг ЯИМ улуши уларнинг демографик салоҳиятидан паст. Sanoat географиясида ҳам тахминан шундай вазият. Қишлоқ хўжалигида эса Зарафшон ва Мирзачўл районлари бирмунча юқори кўрсаткичларга эга. Айни вақтда жадвал Мирзачўл, Фарғона, Жанубий ҳамда Қуйи Амударё районларида инвестиция муҳитининг яхши эмаслигини кўрсатмоқда. Бундай вазият қурилиш орқали ташқи савдо айланмаси натижаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ижтимоий соҳалар, жумладан, пуллик хизмат ва чакана савдо ҳам аксарият районларда уларнинг аҳоли кўрсаткичларига мувофиқ келмайди.

## 2.2. ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Тошкент иқтисодий райони ўз таркибига Тошкент вилояти ва республика пойтахти – Тошкент шаҳрини олади. Майдони 15,6 минг кв. км бўлиб, Ўзбекистон ҳудудининг 3,5 фоизини ташкил қилади. Аҳолиси, 2014-йилнинг 1-январини маълумотларига кўра, 5077,9 минг кишидан иборат. Бу республика жами аҳолисига нисбатан 16,6 фоиз демакдир.

Мамлакат меҳнат тақсимотида ушбу район, энг аввало, sanoat тармоқларининг турли-туманлиги, қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланганлиги билан ажралиб туради. Бу ерда электр энергетика, қора ва рангли металлургия, кимё, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари ҳамда енгил ва озиқ-овқат sanoat тармоқлари яхши ривожланган. Агроиқтисодиёт тизимида пахта, боғдорчилик ва узумчилик, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги, паррандачилик ихтисослашган тармоқлар ҳисобланади. Район Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 24,5 %, sanoat маҳсулотининг 36,6 %, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 12,8 фоизини беради. Унинг зиммасига республика инвестиция ҳажмининг 31,9 %,

чакана савдонинг 32,3 %, пуллик хизматларнинг 29,6 фоизи тўғри келади. Бу ерда, хусусан электр энергия, рангли металллар, цемент, минерал ўғитлар, кўмир ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш районлараро аҳамиятга эга.

SWOT – таҳлил усули ёрдамида Тошкент иқтисодий районининг кучли тармоқлари сифатида иқтисодиётнинг юқори даражада диверсификацияланганлиги, пойтахт район эканлиги, табиий ва рекреация ресурслари, интеллектуал салоҳияти, инфратузилма тизимининг яхши ривожланганлигини кўрсатиш мумкин. Имкониятлари ҳам айти шу омиллар билан белгиланади. Заиф томони эса геосиёсий ўрнининг бирмунча нокулайлиги, экологик вазиятнинг кескинлиги кабилардан иборат.

Иқтисодий район хўжалигининг ички такиби ҳам ўзига хос. Районда ишлаб чиқаришни иқтисодий ва ҳудудий ташкил этишнинг турли шакллари ривож топган. Бундай географик хусусиятлар районнинг таркибий тузилишини таҳлил қилишда янада яққолроқ кўзга ташланади.

## 2.2.1. Тошкент вилояти

Тошкент вилояти республикамізда ўзининг иқтисодий ва демографик салоҳиятига кўра алоҳида ажралиб туради. У маъмурий жиҳатдан биринчилар қаторида 1938-йил 15-январда ташкил топган. Вилоят майдони 15,26 минг кв. км бўлиб, у мамлакатимиз умумий ҳудудининг 3,4 фоизига тенгдир. Бу ерда, 2726,1 минг киши ёки Ўзбекистон аҳолисининг 8,9 фоизи яшайди. Демак, минтақанинг аҳолиси, нисбий кўрсаткичларда, унинг эгаллаган майдонидан кўп.

Тошкент вилояти иқтисодий нуқтаи назардан ривожланган минтақа ҳисобланади. Унинг ҳиссасига мамлакат ЯҲМнинг 9,8 фоизи, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 14,7, кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 12,8 фоизи тўғри келади. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш аҳоли ҳудудий мужассамлашувидан биров настрок. Шунингдек, пойтахт минтақасига республикада 2013-йилда фойдаланилган жами чакана савдо айланмасининг 10,9 ва пуллик хизматларнинг 6,5 фоизи тўғри келади. Ўзининг экспорт салоҳияти бўйича Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринда туради (10,8 %), импорт эса 11,8 фоизга баробар.

Вилоят маъмурий жиҳатдан анча мураккаб тузилмага эга. Унинг таркибига 15 шаҳар, 97 та шаҳарча, 14 та қишлоқ туманлари, 146 қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 885 та қишлоқ аҳоли пунктлари киради. Туманлар ўзларининг эгаллаган майдони, ташкил топган йили, демографик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Қишлоқ туманларидан дастлабкилари Ўртачирчик, Янгийўл ва Юқоричирчик бўлиб, улар 1926-йилда ташкил этилган. Энг “янги” туман – Куйичирчик 1973-йилда бу

маъмурий мақомга эга бўлган. Бинобарин, айтиш мумкинки, пойтахт вилоятининг ички маъмурий тузилиши анча олдин шаклланган.

Кишлоқ туманлари майдони ўртача тахминан 1,0 минг кв. км ни ташкил этган ҳолда, у энг кичик Чиноз (0,34 минг кв. км) туманидан энг йирик – Бўстонлик (4,93 минг кв. км ) туманигача фарқланади; улар орасидаги нисбат 14,5 мартага тенг (9-илова). Бундай катта географик коэффициент вилоят ҳудудининг табиий географик жиҳатдан турли-туманлигидан, уларда ишлаб чиқариш ва аҳолини ҳудудий ташкил этиш хусусиятларидан далолат беради. Чиндан ҳам, тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган Бўстонлик ва Оҳангарон туманларининг майдони бошқаларга қараганда кескин фарқ қилади. Ушбу икки туман майдони вилоят жами майдонининг ярмидан кўпрогини ёки 53,1 фоизини эгаллайди. Айни вақтда, минтақанинг қуйи қисмида жойлашган туманлар ҳудуди унча катта эмас, пойтахт – Тошкентга бевосита туташ туманлар эса бу борада энг кичик ҳисобланади.

**Вилоятнинг географик ўрни, табиий шароити ва табиий ресурслари.** Тошкент вилояти Ўзига хос табиий, иқтисодий ва сиёсий географик ўринга эга. У 3 та хорижий мамлакат билан чегарадош: шимолда Қозоғистон, шарқда Қирғизистон, жануби-шарқда Тожикистон республикалари билан туташган. Республика доирасида эса минтақа Наманган ва Сирдарё вилоятлари билан қўшни. Пойтахт вилоятининг сиёсий географик ўрни қайси бир маънода Сурхондарё ўрнига ўхшаш кетади.

Табиий географик нуқтаи назардан ҳам Тошкент вилояти анча мураккаб тузилишга эга. Унинг шимолий, шимоли-шарқий ва жануби-шарқий қисмлари тоғ ва тоғолди ҳудудларидан иборат. Бу ерда Ғарбий Тяньшанга қарашли Уғом, Писком ва Чотқол тоғ тизмалари, жануби-шарқда Қурама тизмаси жойлашган. Энг баланд жойлар вилоятнинг чекка шимоли-шарқида бўлиб, уларнинг баландлиги денгиз сатҳидан 4395-4400 метрга етади (Талас Олатови тизмаси). Писком тизмасидаги Бештор чўққисининг баландлиги 4299 метр.

Умуман олганда, вилоят ер усти тузилиши шимоли-шарқдан жануби-ғарб йўналишида пасайиб боради. Тошкент атрофида гипсометрик қўрсаткич 600 метрлар атрофида, жануб ва ғарбий туманларда эса баландлик 300 метрдан озроқ. Вилоятнинг бундай мураккаб ер усти тузилиши, орографик хусусияти, ўз навбатида, унинг минерал-хом ашё ва агроиклимий шароитларини ҳам белгилаб беради. Бу ерда турли хил фойдали қазилма бойликлар бор. Улар жумласига, энг аввало, кўмир, рангли ва нодир металллар (олтин, мис, қўрғошин ва б.), қурилиш материаллари хом ашёлари қиради. Ангрен қўнғир кўмир ҳавзаси республикамизнинг асосий кўмир базаси ҳисобланади. Қалмоққир мис кони, Кўчбулоқ, Қоулди, Қизилолмасой олтин конлари, Қўрғошинкон, Испай, Мискон полиметал конларнинг саноат аҳамияти ҳам катта. Мавжуд минерал ресурс салоҳият минтақа иқтисодий

ривожланишининг энг мухим омили сифатида хизмат қилади. Бу борада Тошкент вилояти Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари каторида туради.

Иқлими кескин континентал; январь ойининг ўртача ҳарорати минус  $1^{\circ}$  -  $3^{\circ}$ , июлники +  $26^{\circ}$ . Йиллик ёғин миқдори ҳар хил: тоғ ва тоғолди ҳудудларда, хусусан, Бўстонлик ва Паркент туманларида у 600 мм ва ундан кўпроқ. Текисликда жойлашган ҳудудларда эса, намгарчилик - 400-500 мм атрофида.

Тошкент вилояти асосан Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида жойлашган. Улар Сирдарёга қуйилади. Сирдарёнинг ўзи эса вилоятнинг жануби-ғарбий қисмидан ўтади; у бу жойларда Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг маъмурий чегара чизиғи бўлиб хизмат қилади. Чирчиқ дарёси республикада ўзининг катта гидроэнергетик имкониятлари билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам, унда қатор СЭСлар (каскади) барпо этилган. Дарёнинг минтақада суғорма деҳқончиликни ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда, рекреация, балиқ овлаш ва бошқа соҳаларда ҳам аҳамияти катта. Бу ерда энг йирик Чорбоғ, шунингдек, Ғазалкент, Хўжакент сув омборлари барпо этилган, Қибрай, Паркент каналлари қурилган. Тошкент шаҳрининг асосий сув артериясини ташкил этувчи Салар, Анҳор, Бўзсув ва бошқа каналлар ҳам Чирчиқ дарёсидан сув олади.

Оҳангарон дарёси қўшни Қирғизистон ҳудудидан бошланиб, у ҳам Сирдарёга қўшилади. Бу дарёда Оҳангарон, Туябўғиз (Тошкент денгизи) сув омбори барпо этилган. Бироқ, бу дарёнинг гидро-энергетика салоҳияти анча паст, унда бирорта СЭС қурилмаган.

Вилоят рекреация ресурсларига ҳам бой. Айниқса, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида ушбу соҳани ривожлантириш шароитлари қулайдир. Минтақада Уғом – Чотқол давлат табиат миллий боғи, Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси ташкил этилган.

Шундай қилиб, Тошкент вилоятининг табиий шароити иқтисодийнинг турли тармоқларини ривожлантириш учун қулайдир. Бинобарин, бу ерда ҳудудий меҳнат тақсимоти кенг миқёсда шаклланган: тоғ-кон саноати, деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик ва улар билан боғлиқ агросаноат мажмуалари, шаҳар атрофи кишлок хўжалиги, рекреация, спорт, балиқчилик, тоғ туризми каби соҳалар яхши ривожланган.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида транспорт ва, умуман, иқтисодий географик ўрни ҳам мухим роль ўйнайди. Хусусан, унинг транспорт инфратузилмаси билан таъминланганлиги, республика бош шаҳри – Тошкентнинг минтақа ҳудудида жойлашганлиги катта мазмун касб этади.

**Аҳолиси, шаҳарлари ва меҳнат ресурслари.** Тошкент вилояти аҳоли сони бўйича мамлакатимизда Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон

вилоятларидан кейинги 5-ўринда туради. 1989-2014-йиллар оралигида унинг аҳолиси яқин ярим миллионга ёки ўртача ҳар йили 20-22 минг кишига кўпайиб борган.

Қишлоқ туманлари миқёсида аҳоли сонининг ўсиш суърати Паркент, Бекобод, Бўка, Оккўрғонда юқорирок<sup>1</sup>. Кўрилаётган 20 йилдан ортиқ даврда уларнинг аҳолиси 1,4-1,6 марта кўпайган (вилоятда ўртача 127,2 %). Айни вақтда Куйичирчиқ ва Бўстонлик туманларида демографик ўсиш кўрсаткичлари бирмунча пастроқ бўлган. Шунга мувофиқ аҳоли зичлиги ҳам ўзгариб турган. Энг юқори зичлик Зангиота (904 кишига) туманида кузатилади. Вилоят бўйича бу кўрсаткич 175 кишига тенг бўлган ҳолда, у Қибрай, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Чиноз туманларида ҳам анча юқори. Тоғ ва тоғолди ҳудудларни эгаллаган Бўстонлик ва Оҳангарон туманларида эса, аҳоли анча сийрак жойлашган: тегишлича 1 кв. км га 33 ва 39 киши.

1989-2014-йилларда ўрта ва катта шаҳарлар орасида Ангрэн аҳолиси тез суръатларда кўпайиб борган (11-жадвал). Жадвалда келтирилган шаҳарларнинг кўпчилиги оғир саноатга ихтисослашган. Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш даврида аввалги иқтисодий алоқаларнинг ўзгариши туфайли бундай саноат марказларида ривожланиш, шу жумладан, демографик ўсиш кўрсаткичлари пасайган. Масалан, Чирчиқ шаҳрининг аҳолиси атиги 13,8 фоизга кўпайган, холос, Янгийўлда ўсиш деярли йўқ даражада, фақат Ангрэн шаҳрида аҳолининг кўпайиши юқори бўлган.

Вилоят аҳолиси, республикамизнинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари, деярли фақат унинг табиий ҳаракати асосида кўпайиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, вилоятда туғилиш коэффиценти мамлакатимиз доирасида нисбатан пастроқ, ўлим даражаси эса энг юқори.

11-жадвал

Тошкент вилояти ўрта ва йирик шаҳарларининг аҳолиси  
(минг киши)

Шаҳарлар	1979 йил	1989 йил	2014-йил	1979 - 2013 йй. ўсиш, %
Ангрэн	105,8	131,0	175,4	165,8
Бскобод	67,5	81,5	89,4	143,0
Олмалиқ	101,0	113,9	121,1	119,9
Чирчиқ	131,2	156,4	149,3	113,8
Янгийўл	62,8	57,7	68,2	108,0

Маъба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Мавжуд маълумотларга қараганда, туғилишнинг умумий коэффиценти 2009-йилда 22,7, 2010-йилда 20,8 промилле, ўлим эса, мос ҳолда, 5,7 ва 5,8 промилле бўлган. Табиий кўпайиш 17,0 ва 15,0 промиллега ёки 1,70 ва 1,50 фоизга тенг. 2013-йилда туғилиш 20,4, ўлим - 5,8, табиий кўпайиш 14,6 промиллени ташкил қилган.

<sup>1</sup> Янгийўл ва Оҳангарон шаҳарларининг 2010-йилда туманга буйсинувчи шаҳарлар тоифасига ўтказилгандан сўнг бу қишлоқ туманлари аҳолиси ҳам кескин кўпайди.

Кўрилаган йилларда қишлоқ туманлари даражасида туғилиш Оҳангарон, Паркент ва Қуйичирчиқда, шаҳарлар орасида эса Янгийўлда юқорирок, нисбатан паст кўрсаткичлар Ўртачирчиқ, Пискент, Қибрай туманларида ҳамда Чирчиқ шаҳрида қайд этилган. Ўлим коэффициенти Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Қуйичирчиқ туманлари ва шаҳарларда (Ангрен ва Бекободдан ташқари) қолганларида анча юқори бўлган. Олмалиқда у 7,8, Янгийўлда - 7,9, Чирчиқда - 7,8, ва Оҳангаронда - 9,6 промиллега тенг бўлган (12-жадвал).

Табиий кўпайиш вилоят бўйича 2013-йилда 14,6 % (1,46%), амалда аҳолининг ўсиши эса 1,60 фоиз эди. Бундай фарқ, ўз навбатида, ташқи миграциянинг вилоят учун салбий натижага эга эканлигидан дарак беради. Демак, агар ташқи миграция сальдоси “0” – га тенг бўлганда, шу йилда вилоят аҳолиси 2,7 млн эмас, балки ундан анча кўпроқни ташкил этган бўлар эди. Кўриниб турибдики, миграция деярли барча шаҳар ва қишлоқ туманларида салбий натижага эга. Чунончи, ҳар минг кишига ҳисоблаганда, 2009-йилда миграция қолдиғи минус 4,3, 2010-йилда минус 4,5 промилле бўлган (2013-йилда миграция қолдиғи минус 9,1 минг киши).

Энг катта миграцион йўқотиш Қуйичирчиқ (минус 12,7 %) ва Юқоричирчиқ (11,6 %) туманларида, шаҳарлар орасида эса Чирчиқ шаҳрида кузатилади. Вилоятнинг асосий шаҳарларидан фақат Олмалиқ ижобий миграция натижасига эга. Тошкент вилоятига келганларнинг нисбий кўрсаткичи Қибрай туманида, кетганлар ҳам айни шу ҳамда Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Пискент туманларида кўзга ташланади. Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида миграция айланмаси анча катта. Худди шундай миграцион фаоллик Олмалиқ аҳолисига тегишли, бироқ бу шаҳарда миграция қолдиғи, аввал таъкидлаганимиздек, ижобий (12-жадвал).

Умуман олганда, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри республикамиз аҳоли миграциясида энг фаол минтақалар саналади. Фақат 1990-1995-йилларда, яъни ташқи миграциянинг энг авж олган йилларида вилоятда миграция сальдоси минус 143,8 минг кишини ташкил этган (республикамизда 502,3 минг киши, вилоят улуши 28,6 %); Ангрен шаҳрининг ўзи миграция туфайли шу йилларда 22,3 минг кишини йўқотган (жами 1989-2006-йилларда 38,3 минг киши). Энг юқори кўрсаткич 1994-йилда минус 6896 киши, энг оз кўрсаткич 2006 йилда минус 231 киши бўлган.

Тошкент вилояти республикамизда нисбатан урбанизациялашган ҳудуд саналади. Унинг умумий даражаси 2013-йилда 49,2 % бўлган. Гарчи бу рақам мамлакат ўртача кўрсаткичидан ва, айниқса Фарғона водийси вилоятларидан анча паст бўлсада, урбанизациянинг реал ҳолати мазкур ҳудудда энг юқори. Сабаби, бу ерда шаҳарлар тўри жуда ривожланган; вилоятда жами 15 та шаҳар ва 97 та шаҳарчалар мавжуд, уларнинг орасида Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ “юзминглик” шаҳарлар ҳисобланади. Бундай

учлик факат Фаргона вилоятда бор, холос. Қолаверса, вилоятнинг кўпчилилик шаҳар ва шаҳарчалари юқори урбанизациялашган Тошкент ш.номерадыяси таржибига киради

12-жадвал

**Тошкент вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати**  
(хар минг киши ҳисобида, 2013 й.)

Шаҳар ва туманлар	Аҳоли табиий ҳаракати			Механик ҳаракат		
	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келганлар сони	кетганлар сони	миграция сальдоси
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>20,4</b>	<b>5,8</b>	<b>14,6</b>	<b>6,1</b>	<b>10,6</b>	<b>-4,5</b>
<i>Шаҳарлар:</i>						
Олмалик ш.	21,8	7,8	14,0	16,6	11,9	4,7
Ангрен ш.	21,4	6,2	15,2	6,3	8,9	-2,6
Охангарон ш.	19,2	9,6	9,6	13,0	16,8	-3,8
Бекобод ш.	19,4	6,4	13,0	5,3	9,0	-3,7
Чирчик ш.	16,4	7,8	8,6	10,3	17,0	-6,7
Янгийўл ш.	22,2	7,8	14,4	7,0	9,6	-2,6
Оққўрғон	22,5	5,2	17,3	4,9	8,4	-3,5
Охангарон	20,0	6,0	14,0	4,6	10,4	-5,8
Бекобод	22,3	4,9	17,4	3,8	6,5	-2,7
Бўстонлик	18,8	5,5	13,3	5,4	15,1	-9,7
Бўка	21,6	4,7	16,9	1,9	6,8	-4,9
Зангиота	19,2	5,0	14,2	2,7	6,0	-3,3
Қибрай	19,1	5,7	13,4	18,2	11,7	6,5
Қуйичирчик	21,5	6,8	14,7	6,2	18,9	-12,7
Паркент	23,5	4,7	18,8	0,9	3,4	-2,5
Пискент	17,5	4,8	12,7	6,6	15,1	-8,5
Ўртачирчик	20,2	6,1	14,1	3,2	7,5	-4,3
Чиноз	22,2	5,5	16,7	3,2	10,4	-7,2
Юқоричирчик	21,3	6,2	15,1	5,0	16,6	-11,6
Янгийўл	20,8	6,0	14,8	3,0	8,3	-5,3

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*

Айни вақтда минтақада кичик ва майда шаҳарчалар ҳам кўп. уларнинг сони, 2009-йилда амалга оширилган янги урбанизация сиёсат туфайли янада кўлайди. Шу йилда вилоятда жами 79 та қишлоқ аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилди. Биргина Бўстонлик туманида 15 та қишлоқ шаҳарча ҳуқуқига эга бўлди. Улар орасида энг йириги Хумсон - 5,4 минг киши, Қибрай туманида янги шаҳарчалар 14 та, уларнинг аҳолиси 2000-3500 киши атрофида; 19 та агрошаҳарлар ҳозирги Зангиота туманида пайдо бўлди.



Зангиотада энг катталари Назарбек (8042 киши), Пастдархон (6036 киши), Шамсиобод (9729 киши) ва ҳ.к<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, бевосита шаҳарга туташ кишлоқ жойларда, яъни Қибрай ва Зангиота туманларида янги шаҳарчалар кўпроқ ташкил этилган. Демак, Тошкент агломерациясида шаҳарлар зичлиги, ҳақиқий урбанизация даражаси янада ошган. Шу билан бирга, чеккароқ ҳудудларда бундай шаҳарчалар озроқ. Масалан, Янгийўл ва Паркент туманларида уларнинг сони 3 тадан, Юқоричирчиқ, Пискент ва Қуйичирчиқда иккитадан, Оққўргонда эса атиги битта (Ҳамзаобод).

Шундай қилиб, бир томондан 3 та катта шаҳарнинг борлиги, кўпчилик шаҳар жойларнинг Тошкент ҳамда Ангрен-Олмалиқ агломерациялари доирасида эканлиги, иккинчи томондан, чекка ҳудудларда майда шаҳарчаларнинг жойлашганлиги Тошкент вилоятининг ҳақиқий урбанистик ҳолатини белгилаб беради. Юкорида (11-жадвалда) келтирилган шаҳарлардан ташқари вилоят аҳоли географиясида Паркент (51,0 минг), Пискент (34,5 минг), шунингдек, Ҳазалкент, Бўка, Салар, Келес, Чиноз ва Тўйтепа шаҳарларининг ҳар бирида 20,0 минг кишидан зиёд аҳоли яшайди, қолганлари эса кичик ва майда шаҳарлар синфига тааллуқли.

Тошкент вилоятида жами 885 та кишлоқ аҳоли манзилгоҳлари бор. Уларнинг ҳар бирига ўртача 1535 киши тўғри келади. Каттароқ кишлоқлар бевосита Тошкент шаҳрига яқин жойларда ҳамда суғорма дехқончилик ривожланган Бўка, Бекобод, Оққўргон, Пискент туманларида жойлашган. Вилоятнинг кишлоқлари республикамизнинг бошқа минтақалари кишлоқ жойларига қараганда анча урбанизациялашган.

Пойтахт вилояти демографик вазиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг аҳолисини кўп миллатлигидир. Бу ерда туб миллат – ўзбеклардан ташқари рус, татар, корейс, тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўзбеклар вилоят жами аҳолисининг 67,3 фоизини, руслар 5,6 фоизни, қозоқлар 12,6 фоизни, тожиклар 5,4 фоизни ташкил қилади (2013 й.). Рус ва татарлар асосан шаҳарларда, қозоқ ва тожиклар кўпроқ Бўстонлик туманида, қирғизлар Бўкада, корейслар Юкори ва Ўртачирчиқ туманларида истиқомат қилишади.

Вилоятда меҳнат ресурслари 1585 минг атрофида, иқтисодиётда банд бўлганлар 1216 минг киши. Жами банд аҳолининг 73,2 фоизи моддий ишлаб чиқаришда, шу жумладан, саноатда 20,8 %, кишлоқ ва ўрмон хўжалигида 28,1 %, транспорт ва алоқада 3,2 %, қурилишда 7,3 %, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминотида 8,9 % фаолият кўрсатишади. Номоддий ишлаб чиқариш соҳалари таркибида таълим, маданият, санъат, фан ва илмий тадқиқот ишларида 10,5 %, соғлиқни

<sup>1</sup> Шаҳарчалар аҳолиси 2013 йил 1 январь ҳолатида келтирилган.

саклаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 7,1 % иқтисодий фаол аҳоли банд.

Бир йилда вилоят бўйича ўртача 85 – 90 минг янги иш ўринлари ташкил қилинади, уларнинг 3/5 қисми қишлоқ жойларига тўғри келади. Янги иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда яратилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятида юқори малакали ва маълумотли меҳнат ресурслари бошқа минтақаларга караганда кўпроқ. Бу ҳам унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

**Минтақа иқтисодиёти, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби.** Тошкент вилояти республикаимиз ҳудудий меҳнат тақсмотида ўзининг кўп тармоқли иқтисодиёти билан ажралиб туради. Вилоят машинасозлик, кўмир, электр энергия, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар, енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Агроиқтисодиёт тизимида эса пахта, мева ва узум етиштириш, гўшт ва сут чорвачилиги, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Ўзбекистонда бундай мукамал ва мураккаб тизимга эга бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси бошқа минтақаларда шаклланмаган.

Ялли ҳудудий маҳсулотининг 25,7 фоизи саноатга, 22,7 фоизи қишлоқ хўжалигига, 18,7 фоизи транспорт ва алоқага, 10,9 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 4,7 фоизи қурилишга тўғри келади. Агар минтақада қишлоқ хўжалигини маълум даражада саноатлашганлиги ҳисобга олинса, унинг иқтисодиётини индустриал-аграр йўналишда эканлигини эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга, юқоридаги кўрсаткичлар республика бошқа ҳудудлари билан таққослаганда, қурилиш кўрсаткичининг энг пастлиги, транспорт ва алоқанинг эса энг юқорилиги кўзга ташланади. Кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши 55,3 %, инвестицияларда 32,0 %, қурилишда 71,8 %, чакана савдода 44,0 %, пуллик хизматларда 49,4 %га тенг.

Вилоят бўйича саноат маҳсулотининг 18,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 96,0 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таъминлайди. Географик нуқтаи назардан қаралганда эса Юқоричирчиқ туманининг 77,0 фоиз, Қибрай туманининг 57,0 фоиз саноат маҳсулоти, Пискент, Бекобод, Окқўрғон туманларининг 100 фоиз қурилиш ишлари мазкур соҳа зиммасига тушади.

Албатта, ҳар қандай ҳудуд ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётнинг ривожланиши, энг аввало, капитал қўйилмаларга боғлиқ. Уларнинг катгароқ қисми Зангиота ва Қибрай туманларига ҳамда Олмалик, Ангрэн ва Бекобод шаҳарларига тегишли. Капитал қўйилмаларнинг нисбатан пастроқ кўрсаткичи Пискент, Бўка, Бекобод ва Окқўрғон туманларида ва Оҳангарон шаҳрида кузатилади. Қурилиш ишлари инвестиция ва капитал қўйилмаларни амалга тадбиқ қилишнинг асоси ҳисобланади. Бу борада Олмалик ва Ангрэн шаҳарлари, Қибрай, Зангиота, Бўстонлик туманлари

ажралиб туради. Пискент, Куйичирчиқ, Чиноз туманларида эса 2013-йилда унча катта қурилиш ишлари олиб борилмаган (10-илова).

**Саноати.** Юқорида таъкидланганидек, Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг турли тармоқлари мавжуд. Бу минтақанинг минерал хом ашё ва меҳнат ресурслари, транспорт ва иқтисодий географик ўрни билан изоҳланади.

**Вилоят саноат ишлаб чиқаришининг таркиби қўйидагича**  
(жами маҳсулотга нисбатан фоизда):

Ўқилги-энергетика	15,5	Машинасозлик ва металл ишлаб чиқариш	5,1
Металлургия	35,4	Қурилиш материал-лари саноати	6,8
Кимё ва нефть кимёси	8,8	Ўзик-овқат саноати	13,6
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза қоғоз	1,5	Бошқа саноат тармоқлари	1,6
Энгил саноат	11,7		

Вилоятда жами 4900 та атрофида саноат корхоналари, шу жумладан, 83 та йирик корхоналар мавжуд. Уларнинг барчасида 97,3 минг ишчи ва хизматчилар банд. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда ўзик-овқат маҳсулотлари (32,9 %) етакчилик қилади. Ноўзик-овқат маҳсулотлари 35,3 %, вино-ароқ ва пиво ичимликлари 30,7 фоизни ташкил этади. Аҳоли жоп бошига ХИМ ишлаб чиқариш Чирчиқ шаҳрида, Қибрай ва Зангиота туманларида анча юқори. Бекобод, Оққўрғон, Ўзбекистон, Пискент туманларида эса у жуда оз. Ушбу кўрсаткичлар 2000-йил маълумотлари билан таққосланса, металлургия, хусусан, рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси саноат тармоқларининг юқори суръатларда ривожланишини илғаш мумкин. Айни вақтда анъанавий энгил ва машинасозлик саноатининг улۇшлари бирмунча пасайган.

Тошкент вилояти қудратли электр энергетика базасига эга. Бу ерда 19 та СЭСдан иборат Чирчиқ-Ўзсув каскади, қатор ИЭСлари мавжуд. Сув электр станциялари орасида энг каттаси Чорбоғ (қуввати 660 минг кВтдан ортиқ). Тошкент ИЭСнинг қуввати 1920 минг кВт га яқин, Янги Ангрен ИЭСники 2400 минг кВт (Нуробод шаҳарчаси)<sup>1</sup>. Шунингдек, Ангрен шаҳрида Ангрен - 1 ИЭС (600 минг кВт) ҳам ишлаб турибди. Иссиқлик электр станциялари кўмир, мазут ва газ асосида ишлайди. Бир йилда вилоятда 18 - 20 млрд. кВт/соат электр энергия (2000-йилда 21,6 млрд. кВт/соат) ишлаб чиқарилади. Бу республикага нисбатан 37,4 % демакдир.

Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг асосий кўмир ишлаб чиқарадиган минтақаси ҳисобланади. Сўнги йилларда Ангрен қонидан кўмир қазиб олиш бироз ривожланмоқда (3,5 - 3,7млн тонна)<sup>2</sup>. Бу ердан олинадиган

<sup>1</sup> Ҳозирги вақтда Янги Ангрен ва Тошкент ИЭС – қувватини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

<sup>2</sup> Яқин келажакда “Ангрен” махсус индустриал зонасининг ташкил этилиши муносабати билан кўмир қазиб олиш 3-4 марта кўпаяди.

кўнғир кўмир иссиқлик электр станцияларда ва коммунал хўжалиқларда ишлатилади. Ангрен хавзаси республика кўмирининг асосий қисмини беради. Ушбу қондан кўмир қатламлари орасида жойлашган каолин ҳам олинади. У керамика ва алюминий саноати учун хом ашё сифатида ишлатилади. Ҳозирда “Каолин” кўшма корхонаси ишлаб турибди.

Қора металлургия вилоят саноатининг асосий тармоқларидан биридир. Бу ерда ўтган асрнинг 40-йилларида тўлиқ циклга эга бўлмаган Бекобод металлургия заводи қурилган. У темир-терсақдан фойдаланади. Комбинат Ўрта Осиёда ягона корхона ҳисобланади. Корхонада 2013-йилда 761 минг тонна пўлат ва 718 минг тонна тайёр прокат ишлаб чиқарилган. Бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мазкур маҳсулотнинг 100 фоизини ташкил қилади.

Тошкент вилоятининг энг етакчи саноат тармоғи – рангли металлургия минтақа ялпи саноат маҳсулотининг  $\frac{1}{4}$  қисмидан кўпроғини беради. Бу борада, энг аввало, Олмалик тоғ-металлургия комбинати ажралиб туради. Комбинатда мис, кўргошин, рух ва бошқа нодир ҳамда қимматбаҳо металллар олинади. Бундан ташқари, Ангренда олтин бойитиш фабрикаси, Чирчикда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар комбинати бор. Комбинат Ингичка (Самарқанд вилояти) ва Қўйтош (Жиззах вилояти) вольфрам ва молибден конлари асосида ишлайди.

Кимё ва нефть кимёси саноатининг етакчи корхоналари Чирчик ва Олмалик шаҳарларида жойлашган. Бир йилда ўртача 500 минг тонна сунъий аммиак, 460 минг тонна минерал ўғитлар (азот, аммофос) ва 225 минг тонна карбамид тайёрланади. Шунингдек, бу тармоққа “Маҳам Чирчик” ОАЖ, Олмалик шаҳридаги “Аммофос”, “Максам” ҳамда “Максам Ўзбекистон” кўшма корхоналари мансуб. Тошкент вилояти республиканинг 39,7 % сунъий аммиак, 42,8 % минерал ўғитлар ва 43,8 % карбамидини таъминлайди.

Пойтахт вилояти иқтисодиётида машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати ҳам салмоқли мавқега эга. Вилоятда трактор култиваторлари, компрессор, трансформатор ва бошқа машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бунинг асосий маркази – Чирчик шаҳри. Бу ерда Чирчик метал қурилмалари, “Чирчикқишмаш”, “Трансфарматор”, “Ўзбеккимёмаш” каби йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Зангиота туманида “Хай тек кабел” кўшма корхонаси, Тўйтепада метал қурилмалари заводи ҳам бор.

Қурилиш материаллари саноати вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Ушбу саноат тармоғининг етакчи корхоналари Бекобод ва Оҳангарон шаҳрида жойлашган. Бир йилда 2600-2700 минг тонна цемент, 280 млн. шартли плитка-шифер, 130-135 минг куб метрга яқин йиғма темир-бетон қурилмалари ишлаб чиқарилади. Маҳсулот қийматига кўра, “Оҳангаронцемент” ва “Бекободцемент” ОАЖ олдинда туради. Бекобод ва Оҳангарон шифер ишлаб чиқарувчи заводлар,

Бўстонлик туманидаги энергия қурилиш индустрияси корхонаси, Қибрай тумани темир-бетон ҳамда ғишт заводлари ҳам мазкур тармоқ ривожланишида салмоқли ўринларга эга. Бўстонлик туманида (Искандар шаҳарчаси) “Ғазалкент ойна”, Ғазалкент шаҳрида мраммарни қайта ишлаш (қирқиш) корхоналари ишлаб турибди.

Енгил саноат маҳаллий хом ашё ва кўп сонли меҳнат ресурслари ҳамда аҳоли эҳтиёжи – истеъмол омиллари таъсирида шаклланган. Бу ерда 10 га яқин пахта тозалаш заводлари бор. Энг йириклари Бекобод, Бўка, Қуйчирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида жойлашган. Бир йилда 80-85 минг тонна пахта толаси тайёрланади. Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида, Ўртачирчиқ, Бўстонлик, Оҳангарон, Чиноз, Зангиота туманларида тўқимачилик кўшма корхоналари мавжуд, Олмалик шаҳрида гилам фабрикаси бор.

Таҳлилларга кўра, трикотаж маҳсулотларини тайёрлаш бироз ривожланиб бораётган бўлса-да, газлама, гилам ва гилам маҳсулотлари, пайпоқ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сўнгги йилларда кескин пасайган. Тўқимачилик корхоналари Чиноз, Янгийўл ва бошқа шаҳарларда, асосан хорижий инвестициялар кўмагида фаолият кўрсатмоқда. Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида пойфазал саноати корхоналари ҳам жойлашган.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондиришда озиқ-овқат саноатининг аҳамияти катта. Ушбу тармоқ вилоят жами саноат маҳсулотининг 15,3 фоизини беради ва бу борада у металлургиядан кейинги 2-ўринда туради. Бир йилда 2 минг тонна балиқ овланади, кўплаб нон ва нон маҳсулотлари, сут, ўсимлик ёғи, маъданли сувлар ва вино, ароқ, пиво ишлаб чиқарилади. Тайёрланадиган ун ҳар йили 75-80 минг тонна, ўсимлик ёғи 10-12 минг тонна, омихта ем 32-45 минг тонна оралигида тебраниб туради. Ушбу саноат тармогининг асосий корхоналари: Янгийўл ёғ-мой ва кондитер корхоналари, Олмалик пиво, Қибрай пиво ва Паркент шампан заводлари, Қибрай ва Зангиота туманларининг мева-шарбат корхоналари, “Оҳангарондон” ОАЖ ва бошқалар. Бўстонлик, Қуйчирчиқ, Зангиота туманларида ҳам озиқ-овқат саноатининг турли хил корхоналари бор. Ўртаовулда йирик гўшт комбинати жойлашган. Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар Ангрен, Ғазалкент, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида ташкил этилган. Таъкидлаш лозимки, вилоятда озиқ-овқат саноатининг ривожланиши бу ерда йирик мегаполис – Тошкент шаҳри жойлашганлиги, катта истеъмол омилнинг мавжудлиги билан ҳам тавсифланади.

Саноат географиясида, энг аввало, Олмалик, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, шунингдек, Ўртачирчиқ ва Қибрай туманлари ажралиб туради (22-жадвал). Биргина Олмалик шаҳри пойтахт вилояти саноат маҳсулотининг деярли 1/4 қисмини беради. Бекобод шаҳрининг улуши 13,0 %, Чирчиқ шаҳриники – 9,0 %. Шу билан бирга, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларининг саноат салоҳияти пастрок. Бўка, Паркент, Пискент

туманларида ҳам саноат – суи даражада. Бу борада Зангиота тумани кескин ажралиб туради – 12,9 %. Қибрай туманида мустақиллик йилларида фармацевтика ва тиббиёт жиҳозлари тайёрловчи корхоналар курилган.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, юкори кўрсаткичларга Олмалик, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари эга, қишлоқ туманлари орасида эса, нисбатан каттароқ даража Ўртачирчиқ, Қибрай ва Зангиота туманларида қайд этилади.

Вилоят саноатини худудий ташкил этишда Ангрэн - Олмалик тоғ-кон райони яққол кўзга ташланади. Саноат марказлари сифатида Чирчиқ, Бекобод, Ангрэн, Олмалик, Оҳангарон, Янгийўл кабиларни кўрсатиш мумкин. Қолган шаҳар жойларнинг кўпчилиги саноат пункти даражасида, айримларида эса бундай корхоналар бутунлай мавжуд эмас.

Минтақада саноатнинг келажакда ривожланиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тармоқлар таркибини диверсификациялаш, минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Айниқса, оғир саноат марказлари – Чирчиқ ва Ангрэн шаҳарларини депрессив ҳолатдан чиқариш, ўсиш кутб ва марказларини, янги саноат тугунларини шакллантириш, қишлоқ саноатининг жадал ривожланиши талаб этилади. Бунда Ангрэн махсус индустриал зонаси етакчи роль ўйнаши лозим.

**Қишлоқ хўжалиги.** Тошкент вилояти республикамизда нисбатан юкори урбанизациялашган ва саноатлашганлиги билан бир қаторда катта агроиқтисодий салоҳиятга ҳам эга. Минтақа мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 12,8 фоизини беради, унинг худудий маҳсулоти таркибида эса бу макроиқтисодий тармоқ 22,7 фоизга тенг. Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланишига агроиқлимий шароит, меҳнат ресурслари, бирмунча сув ресурслари билан яхши таъминланганлиги, ирригация инфратузилмасининг барпо этилганлиги ҳамда йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияси таъсирида катта истеъмол омилининг мавжудлиги сабаб бўлган.

Вилоят яши қишлоқ хўжалик маҳсулотида чорвачилик устунлик қилади (2012-йилда 59,8 %). Агроиқтисодиёт маҳсулотининг 35,2 фоизини фермер хўжаликлари беради. Фермер хўжаликлари асосан деҳқончиликда, хусусан, пахта, буғдой ва бошқа экинларни етиштиришда катта мавқега эга.

Пойтахт вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар 813,9 минг га ёки умумий ер майдонининг 53,3 фоизига тенг. Албатта, бу рақам, минтақа қисман тоғли худудлардан иборат эканлиги сабабли, унча катта эмас. Суғориладиган ерлар 339,0 минг га бўлиб, улар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ерларнинг 41,6 фоизини ташкил қилади. Бундай майдонлар нисбати Зангиота, Куйичирчиқ, Тошкент, Янгийўл туманларида катта, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон туманларида эса энг кичик (11-илова).

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

## ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ

### Суворма деҳқончилик зонаси

- Шаҳар атрофи хўжалиги: сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва сут-ғушт чорвачилиги
- Пахтачилик, дончилик, ипақчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик, асаларичилик, сут-ғушт чорвачилиги, паррандачилик
- Сабзавотчилик, ипақчилик, боғдорчилик, сут-ғушт чорвачилиги, паррандачилик
- Ялпи деҳқончилик зонаси**
- Донли экинлар, баъзи ерларда техник экинлари ва ғушт-сут чорвачилиги
- Чул-яйлов зонаси**
- Чул-яйлов чорвачилиги
- Тоғ-яйлов зонаси**
- Тоғ-яйлов чорвачилиги (ғушт-жуи қўйчилиги, тушт-сут чорвачилиги), дарё водийларида боғлар ва узумзорлар
- Қўрққандан ерлар



### КЕНГ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР

- пахтачилик
- боғлар
- узумзорлар
- сабзавот ва картошка
- шоли
- бугдой
- арпа
- дон-дуққаклилар
- ёнғоқзорлар
- писта
- беда
- каноп
- урмонлар

### РАЙОНЛАР

- чўқанчилик
- паррандачилик
- асаларичилик

### ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

#### Ялпи маҳсулот ҳажми буйича саноат пунктлари

- Энг йirik
- Жуда йirik
- Йirik
- Урта
- Майда

#### Саноат тармоқлари

- Электрэнергетика
- Ёқилги
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Кимё ва нефть-кимё
- Урмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз
- Қурилиш материаллари
- Енгил
- Озиқ-овқат
- Бошқа тармоқлар

### САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯЛПИ МАЎСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ (2011 й.)

- 1 мм устун баландиниги - 100 млрд. сум
  - саноат
  - кишлок хўжалиги
- Тошкент ш - 8 698,2 млрд. сум  
саноат маҳсулотлари ҳажми

### УНДИРУВЧИ САНОАТ


- Қўнғир қумир
- Мис рудалари
- Олтин
- Ғақтош
- Мармар
- Ойна, чинни қумлари
- Қўм-чағал материаллари
- Цемент хом ашёси
- Минерал сув блоқлари
- Май
- Конларнинг номлари
- Иссиқлик электрстанцияси
- Гидроэлектрстанциялар
- Электр узаткич линиялари
- Газ қуурлари
- Нефть қуурлари

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 41,9 фоизига турли хил экинлар экилади. Экин майдонлари кўп ёки интенсив қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик) ривожланган туманлар Ўртачирчик, Қуйичирчик, Чиноз, Оққўрғон, Бекобод кабилардир. Аини пайтда, бундай ерлар улуши Бўстонлик (6,4 %), Оҳангарон (17,3 %) ва Паркент (20,7 %) туманларида сезиларли даражада паст. Бирок, бу худудларда пичанзор ва яйловлар катта майдонларни эгаллайди.

Жами экин майдони – 359,4 минг гектар, унинг 85,2 фоизи фермер хўжаликлари тасарруфида. Донли экинлар жами экин майдонининг 44,8 фоизини эгаллайди (5-расм). Бир йилда 705-710 минг тонна турли хил дон (асосан бугдой) ялпи ҳосили олинади, ҳосилдорлик – 42,2 ц/га. Донли экинлар таркибида 16 минг гектарга яқин майдонда маккажўхори экилиб, ундан 755 минг тоннадан кўпроқ ҳосил етиштирилади.

Асосий қишлоқ хўжалик экинларидан пахта 100 минг гектардан ортиқроқ ерни эгаллайди; ялпи ҳосил 240-250 минг тонна атрофида, ҳосилдорлик – 24,0 ц/га. Пахта кўпроқ Бўка, Оққўрғон, Пискент, Чиноз ва Бекобод туманларида экилади. Шоли 6,1 – 6,2 минг гектарда етиштирилади (Бекобод тумани), ялпи ҳосил – 27,0 – 30,0 минг тонна. Бошқа техника ва мойли экинлардан кейинги йилларда масхар ва кунгабоқарнинг ҳам майдонлари кенгайиб бормоқда.

5-расм. Тошкент вилояти экин майдонлари таркибий тузилиши (фоизда)



Кўп миллионли Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун катта миқдорда картошка ва сабзавот етиштириш талаб этилади. Шу мақсадда вилоятда бир йилда 310-320 минг тонна картошка олинади. Барча турдаги сабзавотларга эса 33,6 минг га майдон ажратилган бўлиб, 1500-1600 минг тонна ҳосил етиштирилади. Сабзавот ва картошкага асосан Тошкент шаҳри атрофи хўжаликлари, шунингдек, Бекобод, Пискент ва Чиноз туманлари ихтисослашган. Полизчилик ҳам текислик худудларда жойлашган қишлоқ туманларида кўпроқ ривожланган.



Тошкент вилоятида, хусусан, тоғли худудларда ўрнашган Бўстонлик ва Паркент туманларида боғдорчилик яхши ривожланган. Олдинги йилларда бу кишлоқ хўжалиги тармоғи Янгийўл туманида ҳам ривожланган эди. Ҳозирги вақтда 33,2 минг гектардан 160 минг тонна атрофида турли хил мевалар олинади. Узумчилик ҳам боғдорчилик билан бирга худудий асосда ривожланмоқда. Узум етиштиришда Паркент туманига нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ракобат йўқ. 2012-йилда у 18 минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган ва 136 минг тоннадан зиёдрок ҳосил тайёрланган.

Вилоятда чорвачиликнинг, асосан, сут-гўшт йўналиши кўпроқ ривожланган. Жами 700 минг бош йирик шоҳли қорамол, 725 минг бош қўй ва эчкилар боқилади. Отлар сони ҳам нисбатан кўпроқ – 44 минг бош. Бир йилда тирик вазнда 180 – 200 минг тонна гўшт, 650 – 680 минг тонна сут, 1100 млн. дона тухум, 1,7 минг тонна атрофида жун ва 1,6 минг тонна пилла етиштирилади. Паррандачилик кўпроқ Қибрай, Зангиота туманларида ривожланган.

Кишлоқ хўжалиги географиясида Зангиота (12,6, Бекобод (8,2 %), Қибрай (8,1 %), Бўстонлик (8,1 %) туманлари олдинда. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Оккўрғон, Бекобод, Юқоричирчик, Қуйичирчик, Чиноз ва Пискент туманлари юқори кўрсаткичларга эга.

13-жадвалда вилоятда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг худудий таркиби келтирилган. Бу маълумотларга кўра, ғалла етиштиришда Бўка, Қуйичирчик, Юқоричирчик ва Ўртачирчик туманлари пешқадам. Сабзаовот бўйича Бекобод, картошкада Чиноз, Пискент, Қибрай ажралиб туради. Боғдорчилик Янгийўл, Қибрай ва Бўстонлик туманларида ривожланган; уларнинг ҳиссаси вилоятда етиштирилган меваларда 42,1 %. Узумчилик эса Паркент туманидан ташқари (36,7 %) Бўстонлик туманида ҳам қисман ривожланган. Мазкур икки туман вилоят узумининг ярмига яқинини беради.

Чорвачилик географиясида ҳам анча фарқлар кўзга ташланади. Масалан, йирик шоҳли қорамоллар Бекобод ва Бўка, қўй ва эчкилар эса Оҳангарон ва Бўстонлик туманларида кўпроқ боқилади. Бу тоғ ва тоғолди худудларда жойлашган туманларга вилоят қўй ва эчкиларининг 1/3 қисмидан ортиғи тўғри келади.

2013-йил яқунлари бўйича, вилоятда жами 6177 та фермер хўжаликлари қайд этилган, умумий ер майдони 462 минг га, ишчи ва хизматчилар сони 120 минг киши. Ҳар бир фермерга ўртача 74,8 га ер ва 19,5 кишидан ишчи тўғри келади. Ер майдони кўрсаткичлари бўйича, энг катта майдонлар Ўртачирчик, Бекобод, Бўстонлик, Чиноз туманларида кузатилади. Жумладан, Бўстонлик туманида ҳар бир фермерга 136,5 га ер тўғри келади (бу туман кишлоқ хўжалигининг ихтисослашувига боғлиқ. Қолган туманларда мазкур кўрсаткичлар 80 гектардан ортиқроқ. Айни вақтда, Қибрай ва Зангиотада, яъни Тошкент шаҳри

Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг  
худудий таркиби (вилоят бўйича, жамига нисбатан фоизда, 2013 й.).

т/р	Қишлоқ туманлари	бошоқли дон	сабзавот	картошка	мева	узум	ғўш	сўт	тухум	ириқ шол қорамол	қўй ва эчкилар
1	Бекobod	9,7	12,8	6,7	4,4	0,9	6,8	9,7	1,7	8,1	4,0
2	Бўстонлик	2,5	9,1	9,6	12,4	10,5	7,8	9,3	2,2	7,7	13,3
3	Бўка	12,1	1,6	3,8	1,7	0,3	6,1	6,5	1,7	8,1	6,4
4	Зангиота	3,2	14,5	14,1	15,4	14,5	12,6	11,1	19,3	8,6	3,8
5	Оҳангарон	5,7	2,7	1,4	3,2	6,4	5,0	5,3	1,1	6,9	20,9
6	Оққўрғон	8,1	6,0	4,6	3,7	0,7	5,5	6,5	2,4	7,0	3,3
7	Паркент	2,6	2,2	2,2	6,6	36,7	4,4	5,7	0,2	6,0	12,5
8	Пискент	8,3	5,0	11,2	1,6	1,7	5,1	6,3	3,5	6,2	5,9
9	Чиноз	6,0	8,7	11,6	3,5	1,1	5,8	5,9	1,9	5,9	4,1
10	Юқоричирчиқ	10,7	3,5	3,4	6,4	2,4	5,7	6,3	3,0	6,0	2,4
11	Янгийўл	6,0	9,6	5,8	17,3	9,4	5,9	6,3	3,8	6,3	5,4
12	Ўртачирчиқ	10,6	5,9	6,6	2,0	0,9	8,9	5,7	12,5	6,6	5,4
13	Қибрай	2,6	7,1	11,3	12,4	5,9	5,6	5,3	42,2	5,2	3,1
14	Куйичирчиқ	11,8	4,8	5,4	2,9	4,1	4,6	6,4	2,8	5,8	1,6
	Шаҳар жойлар	0,0	6,5	2,2	6,4	4,3	10,2	3,8	1,7	5,5	7,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумот-лари асосида тузилган.

атрофи хўжаликлариди фермерларнинг ер майдони энг кам (мос ҳолда 32 ва 28 гектардан). Ишчи-ходимлар сонига кўра юкори кўрсаткичлар Куйичирчиқ ва Бўка туманларида. Уларда ташкил этилган фермер хўжаликларининг ҳар бирида 40-42 кишидан ишчи банд. Ишчиларнинг энг оз сони Паркент (8,8), Оҳангарон (ўртача 7,7 киши), Бўстонлик (5,4), Қибрай (5,1 ишчи ва ходимлар) туманлари фермер хўжаликлариди қайд этилади.

Фермер хўжаликлари вилоят ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 35,2 фоизини етиштирган ҳолда, бу борада Куйичирчиқ, Чиноз, Янгийўл ва Пискент туманлари ажралиб туради (12-илова). Шу билан бирга, мулкчиликнинг бу шакли Зангиота ва Қибрай туманларида бирмунча сустроқ ривожланган.

**Ижтимоий соҳалар географияси.** Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва даражасини ошириш, тарбиялаш, баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан ижтимоий соҳалар, ижтимоий инфратузилма тизимининг ривожланишига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, мустақкам иқтисодий заминга асосланади.

Тошкент вилоятида ижтимоий соҳаларнинг барча тармоқлари ривожланган. Бунга унинг географик жойлашган ўрни, пойтахт минтақаси эканлиги, малакали ишчи кадрлар ва фан-техника салоҳиятининг мавжудлиги ижобий таъсир кўрсатади. Вилоятда номоддий соҳаларда жами иқтисодиётда банд аҳолининг 30 фоизга яқини хизмат қилади.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, чакана савдо айланмасининг энг катта даражаси Зангиота туманига тўғри келади. Худудий таркибда Қибрай туманининг улуши 16,9 %, Зангиотада – 12,2 %, Янгийўлда – 8,4 %. Шаҳарлар микёсида эса Ангрэн ва Олмалиқ олдинда туради. Айни вақтда, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Бўка туманларида бу кўрсаткич жуда паст (10-илова).

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, шаҳарларнинг савдо, пуллик ёки бошқа хизмат турларининг нисбий кўрсаткичлари, одатда, жуда юкори бўлади. Сабаби, шаҳарлар нафақат ўзининг аҳолисига, балки яқин атрофдаги қишлоқ аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади. Бу уларнинг шаҳар ёки район ҳосил килувчи функцияси - вазифаси доирасига киради. Қишлоқ туманлари микёсида Зангиота (18,6 %) ва Янгийўл (10,1 %) туманлари етакчи. Бирок, нуллик хизматларнинг худудий кўрсаткичларида Юқоричирчиқ ва Пискент туманлари унча кўзга ташланмайди.

Вилоятда тиббиёт муассасалари сони 602 та, ҳар 10 минг кишига 36,7 та бемор ўринлари, 21,5 нафар врачлар ва 116 киши ўрта тиббиёт ходимлари тўғри келади. Қишлоқ врачлик пунктлари жами 263 та, ҳар бир қишлоқ туманига – 17,4, ҳар 3,4 та қишлоқ аҳоли пунктига 1 тадан ҚВП хизмат кўрсатади. Ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қасалланганлар сони – вилоят бўйича 38,0 – 40,0 минг киши. Бу кўрсаткич Бекобод шаҳри, Чиноз ва Янгийўл туманларида юкорирок, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Паркент ва Оққўрғонда эса – пастрок.

Касалхонадаги ўринлар билан таъминланишида ҳам худудий тафовутлар мавжуд. Чунончи, ҳар 10 минг кишига вилоятда 37,8 та бемор ўринлари тўғри келган ҳолда, у Янгийўл, Бекобод, Ангрэн шаҳарларида 50-70 тани ташкил қилади. Аммо, қишлоқ жойларда бу борада ҳозирча тўлиқ ҳал қилинмаган муаммолар бор (масалан, Оҳангарон ва Оққўрғон туманларида).

Аҳоли соғлиғини сақлаш ва унинг қундалик ҳаётида табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланганлик муҳим ўрин тутади. Вилоятда табиий газ билан аҳолининг ўртача 88,5 фоизи таъминланган. Қизиғи шундаки, кўпгина ўрта ва катта шаҳарларда мазкур даража 100 фоизга тенг бўлган шароитда, у Ангрэндек шаҳарда қоникарли эмас. Зангиота, Юқоричирчиқ, Янгийўл, Паркент, Қуйичирчиқ, Қибрай аҳолиси табиий газдан тўлиқ фойдаланади, фақат Бўка, Чиноз, Бекобод, Оққўрғон ва Пискент туманларида бироз муаммолар мавжуд.

Ичимлик суви билан таъминланганлик – ўртача 81,4 %; шаҳарларнинг кўнчилигида у – 100 фоиз. Қишлоқ туманлари микёсида эса Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Бўстонлик, Бўка туманлари анча орқада. Юқори кўрсаткичлар Янгийўл, Паркент туманларида қайд этилган.

Пойтахт вилоятида таълим тизими ҳам бошқа минтақаларга қараганда анча ривожланган. Бу ерда жами 883 та умумтаълим мактаблари бор. Уларда 371 минг нафар ёки ҳар бир мактабда 420 тадан ўқувчи таълим

олади. Академик лицейлар 6 та, талабалар сони 3716 киши. Касб-хунар коллежлари 121 та бўлиб, уларнинг ҳар бирида 1010 тадан талаба бор (2012/2013 ўқув йили).

Таъкидлаш жозики, вилоятда умумтаълим мактаблари ўқувчилар сонига кўра, унча катта эмас, касб-хунар коллежлари эса, минтака ҳўжалигининг ихтисослашуви ҳамда демографик вазиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудий ташкил этилган.

Тошкент вилояти рекреация ресурсларига бой минтақа саналади. Айниқса, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида сўлим жойлар, сихатгоҳ ва дам олиш зоналари кўп. Бундай объектлар Зангиота, Бўстонлик Оҳангарон ва Қибрай туманларида мавжуд.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Вилоятда транспорт тизимининг барча турлари бор. Пойтахт – Тошкентни республикамининг жануби-ғарбий ва узоқ шимолий ҳудудларини боғловчи темир ва автомобиль йўллари вилоят ҳудудидан ўтади. 2010-йилда 114 км масофада Тошкент (Тўқимачи) – Ангрен оралиғида электрлаштирилган йўловчи ташувчи йўналиш ҳам ишга туширилган. Тошкент – Бекобод, Тошкент – Ангрен автомобиль йўллари Ўзбекистон Миллий автомагистралъи дўлат дастури доирасида таъмирланмоқда. Хусусан, Фарғона водийсини боғловчи Ангрен – Пон автомобиль йўлининг бу борадаги аҳамияти катта. Ўз навбатида, йўл бўйи инфратузилмаси ва сервис хизмати иқтисодий ривожланишда муҳим ўрин тутади. 2016 йилда ушбу йўналишда темир йўл ҳам қурилиб, ишга туширилади.

Бир йил давомида вилоятда 180 – 200 млн. тоннага яқин юк ташилади. Юк айланмасида хусусий юк ташувчиларнинг хиссаси катта – 85,4 %. Ўртача бир йилда 1200-1250 млн. атрофида йўловчи ташилади. Юк ташиш сингари транспорт хизматининг бу тури ҳам вилоят доирасида тўлик автомобиль транспорти томонидан амалга оширилади.

Вилоятда қатор транспорт тугун ва марказлари шаклланган. Уларга Чирчиқ, Бекобод, Ангрен каби шаҳарлар киради. Шунингдек, вилоятнинг сиёсий географик ўрнидан келиб чиққан ҳолда, бу ерда қўшни давлатларни боғловчи халқаро транзит авто ва темир йўллари ҳам бор. Уларнинг барчаси Тошкентдан турли томонларга тарқалган йўллари ва катта-кичик шаҳарлар пойтахт минтақаси иқтисодиётининг “қон томири” ва асосий таянч нуқталари сифатида хизмат қилади.

Тошкент вилояти республикамининг ташқи иқтисодий алоқаларида фаол қатнашади. Унинг ташқи савдо айланмаси 2013-йилда 3255,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. 2008-йилда вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2359,7 млн доллар (2009-йилда – 1866,1; 2010-йилда экспорт 1606,8 млн, импорт 1104,8, қолдиқ 502,0 млн доллар). Шу йилда экспорт 1625, импорт 1630 млн АҚШ долларига тенг бўлган. Экспорт таркибида қора ва рангли металл унинг ярмидан кўпрогини ташкил қилади: пахта толаси – 16,0 %, озиқ-овқат маҳсулотлари – 8,6 %. Импортда эса машина

ва ускуналар (35,0 %), қора ва рангли металллар (14,2 %), озиқ-овқат (14,4 %), кимё саноати маҳсулотлари (9,6 %) асосий мавқеларга эга.

Тошкент вилоятининг 55,0 фоиз ташки савдо алоқалари “Узоқ хориж” ва Болтиқбўйи давлатлари билан амалга оширилади. Алоҳида мамлакатлар доирасида қараладиган бўлса, Россия ва Туркия мамлакатлари олдинда. Кейинги ўрипларда Қозоғистон, Афғонистон, Украина, Эрон, Хитой давлатлари туради. Вилоятнинг ташки савдо айланмасидаги МДХ мамлакатлари улуши 45,0 %.

Табийки, вилоят ташки савдо алоқаларининг шаклланишида унинг маъмурий-таркибий қисмлари бир хил иштирок этмайди. Жумладан, 2012-йилда биргина Олмалик шаҳри минтақа экспортининг 7,3 фоизини, импортини 38,3 фоизини таъминлаган. Бекобод шаҳрининг улуши ҳам анча катта – 5,6 ва 13,8 %. Чирчиқ шаҳрида вилоят экспортининг 8,4 %, импортининг 7,1 фоизи бажарилган, бироқ Ангрен шаҳри бу борада ҳозирча кўзга ташланмайди. Кишлоқ туманларидан Қибрай, Янгийўл ва Зангиота туманлари ажралиб туради. Баъзи туманлар, масалан, Оккўргон, Бекобод, Куйичирчиқ, Бўқа, Пискент вилоятнинг ташки иқтисодий алоқаларида жуда суғ қатнашишади.

Тошкент вилояти ташки савдо айланмасида хорижий инвестициялар ёрдамида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ўрни ҳам сезиларли. Бу ерда жами 451 та фаолият кўрсатаётган ҚК қайд этилган. Зангиота, Қибрай, Ўртачирчиқ ва Бўстонлик туманларида уларнинг сони кўпроқ. Шаҳарлар доирасида эса энг кўп ҚК Чирчиқда, Ангренда, Янгийўл, Охангарон ва Олмаликда. Фаолият кўрсатаётган ҚК томонидан бир йилда 415,8 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт, 330,8 млн доллар ҳажмида импорт ишлари бажарилган (2012 й.). Экспортда Чирчиқ, Олмалик шаҳарлари ва Ўртачирчиқ тумани, импортда Чирчиқ шаҳри, шунингдек, Қибрай ва Зангиота туманлари қўшма корхоналари нисбатан фаол иштирок этишади. Умуман олганда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга вилоят экспортининг 23,1 фоизи, импортининг 28,3 фоизи тўғри келади.

**Ички ҳудудий тафовутлари.** Тошкент вилояти иқтисодиётининг ҳудудий таркибини, энг аввало, Чирчиқ ва Охангарон дарё ҳавзалари белгилайди. Улардан ташқари, нисбатан кичикроқ Жанубий иқтисодий райони ҳам ажратиш мумкин (Бекобод, Оккўргон ва Бўқа туманлари).

Чирчиқ ҳавзаси иқтисодий районига Бўстонлик, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Куйичирчиқ, Янгийўл, Паркент, Қибрай, Зангиота, Тошкент ва Чиноз туманлари киради. Улар вилоят умумий майдонининг 59,0 фоизини, аҳолисининг 56,0 фоизини ташкил қилган ҳолда, саноат маҳсулотининг  $\frac{1}{4}$  ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг  $\frac{2}{3}$  қисмини беради. Қолган ички ижтимоий-иқтисодий районларнинг ҳиссаси камроқ.

14-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кишлоқ туманлари орасида саноат Ўртачирчиқ, Қибрай, Зангиота

туманларида яхши ривожланган. Инвестиция ҳажми бўйича Кибрай ва Зангиота туманлари ажралиб туради.

Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, шунингдек, мавжуд минерал хом ашё, агроиклимий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, йирик саноат марказларида модернизация ва диверсификация жараёнларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг худудий ташкил

14-жадвал

**Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2013-йил, аҳоли жон бошига)**

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулот	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	ХИМ	Капитал кўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
<b>Вилоят бўйича</b>	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Олмалик ш.	6,574	0,072	0,471	3,160	1,817	1,395	1,585
Ангрен ш.	0,453	0,191	0,383	1,296	1,998	1,160	1,199
Охангарон ш.	3,109	0,292	2,752	0,680	1,331	2,661	1,408
Бекобод ш.	4,831	0,131	0,884	2,188	1,040	1,434	1,364
Чирчиқ ш.	1,995	0,111	1,218	0,934	0,771	0,952	1,974
Янгийўл ш.	0,690	0,099	1,775	1,205	1,197	2,448	3,878
<b>туманлар:</b>							
Бекобод	0,163	1,521	0,173	0,217	0,529	0,345	0,557
Бўстонлик	0,367	1,315	0,790	0,595	1,456	0,690	0,724
Бўка	0,190	1,222	0,184	0,292	0,526	0,825	0,281
Зангиота	0,695	1,000	2,894	1,240	0,871	1,780	1,380
Охангарон	0,370	1,143	0,172	0,641	0,706	0,339	0,376
Оққўрғон	0,220	1,633	0,154	0,317	0,593	0,643	0,369
Паркент	0,176	0,933	0,770	0,342	0,600	0,839	0,618
Пискент	0,191	1,696	0,253	0,265	0,551	0,624	0,429
Чиноз	0,275	1,504	0,359	0,311	0,691	0,672	1,094
Юқоричирчиқ	0,309	1,168	0,787	0,375	1,870	0,971	0,566
Янгийўл	0,272	1,133	0,204	0,367	0,770	0,275	0,492
Ўртачирчиқ	0,890	1,055	0,303	0,235	0,454	0,616	0,580
Кибрай	0,697	1,005	3,008	1,087	1,623	0,687	1,194
Куйичирчиқ	0,284	1,711	0,417	0,329	0,428	1,110	0,608

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

этилишини такомиллаштириш каби масалалар муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, агросаноат мажмуаси, рекреация ва туризмнинг ривожланиши, геоэкологик ва нозогеографик вазиятни яхшилаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳам катта амалий аҳамият касб этади. Ангренда ташкил этилаётган маҳсус индустриал зона эса минтақа иқтисодиёти юксалишида, алоҳида ўсиш кутби сифатида катта аҳамиятга эга бўлади.

## 2.2.2. Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳри – мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, у 2200 йиллик тарихга эга. Шаҳар, айти вақтда, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент (пойтахт) иқтисодий районининг ҳам маркази ҳисобланади. Шаҳар майдони – 334,8 кв.км, аҳолиси, 2014-йил 1-январь маълумотларига қараганда, 2351,8 минг киши.

Тошкент маъмурий жиҳатдан 11 та шаҳар туманларидан ташкил топган. Тарихий ривожланиш жараёни натижасида унинг майдони тобора кенгайиб бормоқда. Бундай ҳудудий ривожланиш аввал шарқий, яъни Чирчиқ йўналишида кўпроқ бўлган бўлса, кейинчалик у жануб томонга ҳам кенгайиб бормоқда.

Шаҳар ҳудудида ташкил этилган маъмурий бирликлардан дастлабкилари ҳозирги Миробод ва Шайхонтохур туманлари бўлиб, улар 1929-йилда ажратилган. Улардан кейин Мирзо Улуғбек (1935 й.) ҳамда Юнусобод ва Яққасарой туманлари (1939 й.) ташкил қилинган. Энг сўнгги туман – Бектемир 1990 йилда вужудга келган. У аввалги Наримонов шаҳри асосида, Тошкент шаҳрининг Чирчиқ дарёсини сўл соҳилига “сақраб” ўтиши натижасида ташкил этилган. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимиятига Улуғбек шаҳарчаси ҳам бўйсунади.

Шаҳар майдони туманлар миқёсида турлича тақсимланган; уларнинг энг каттаси – Сергели 56,0 кв.км майдонни ёки пойтахт умумий ҳудудининг 16,7 фоизини эгаллайди. Шу билан бирга Юнусобод, Олмазор ва Ҳамза туманлари ҳам нисбатан катта, Яққасарой ва Миробод туманлари эса анча кичик майдонларга эга: мос ҳолда, 14,6 ва 17,1 кв км (15-жадвал).

**Шаҳарнинг географик ўрни.** Тошкент Ўзбекистон Республикасининг шимоли-шарқида, Тяньшань (Тангритоғ) тизмасининг ғарбий этакларида, Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган. Унинг шарқий томонида тоғ тизмаларининг мавжудлиги, шимол ва шимоли-ғарб томонга очиқлиги шаҳар иқлимининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Шаҳарнинг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 440-480 метр бўлиб, бундай топографик ҳолат шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон пасайиб боради. Энг баланд нуқтаси– 515 метр - шаҳарнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган.

Шаҳар иқлими континентал, яъни қуруқ – қиши анча совуқ, ёзи эса иссиқ. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 13,8<sup>0</sup>, июлники - 27<sup>0</sup>, январь ўртача ҳарорати минус 1<sup>0</sup> атрофида. Ёғин-сочин миқдори бир йилда – 425 мм атрофида, унинг 2/3 қисмига яқини октябрь-март ойларида кузатилади. Фасллар бўйича олганда эса, ёғинларнинг 2/5 қисмидан кўпроғи баҳор ойларида, 1/3 қисмидан

## Тошкент шаҳар туманларининг майдони ва аҳолиси

т/р	Туманлар	Ташкил толган йили	Майдони, кв.км	Аҳолиси, минг киши						Зичлик, 1 кв. км киши (2014 й.)
				1980	1985	1990	1995	2000	2014	
1	Бектемир	1990	20,5	-	-	24,5	29,0	30,5	29,9	1458,5
2	Мирзо Улуғбек	1935	31,9	246,2	273,2	270,0	253,5	249,6	260,0	8150,5
3	Миробод	1929	17,1	139,9	150,8	137,1	126,6	124,7	128,5	7514,6
4	Олмазор	1970	34,5	202,1	239,3	259,0	263,3	280,7	333,6	9669,5
5	Сергели	1967	56,0	58,7	87,3	138,0	155,9	156,2	164,2	2932,1
6	Учтепа	1977	28,2	204,8	221,3	216,4	221,5	226,7	250,7	8890,0
7	Ҳамза	1968	33,7	207,6	230,0	218,8	211,4	211,0	218,6	6486,6
8	Чилонзор	1963	30,0	229,3	240,7	231,0	219,0	218,3	230,4	7680,0
9	Шайхонтоҳур	1929	27,2	213,6	236,6	219,0	242,3	257,9	310,1	11400,7
10	Юнусобод	1936	41,1	200,9	225,9	288,8	285,5	289,1	311,3	7574,2
11	Яккасарой	1936	14,0	120,0	131,4	116,7	106,4	111,9	114,5	8178,6
	<b>Жами Тошкент ш.</b>	2 аср, эра-миз- гача	334,8	1823,1	2036,5	2100,0	2116,1	2164,0	2351,8	7024,5

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



ортиқроғи қишга тўғри келади. Уларнинг энг кам миқдори – ёзда. Шу боис, ёзнинг ҳавоси жуда иссиқ ва қуруқ.

Тошкент шаҳрининг тарихий-географик асоси ёки негизини Чирчиқ дарёси ва ундан тарқалган қатор қадимги ва янги каналлар ташкил қилади. Улар жумласига Бўзсув, Кайковус, Қорақамиш, Салар, Бўрижар, Анҳор, Қорасув ва бошқалар киради. Айни шу гидрографик шахобчалар шаҳар ички тузилиши, планировкаси, унинг даҳа ва маҳаллаларининг асосида ётади.

Шаҳарнинг иқтисодий ва сиёсий географик ўрни ўзига хос. У республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган қулай транспорт-географик ўринда жойлашган. Айни вақтда, сиёсий географик жиҳатдан пойтахтнинг мамлакат чекка шимоли-шарқий қисмида, Қозоғистон Республикасининг жанубий чегараларига жуда яқинлиги ҳам унинг геосиёсий ўрнини белгилаб беради.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Тошкент шаҳри аҳолиси сони бўйича МДҲ мамлакатларида 4-чи (Москва, Санкт-Петербург ва Киев шаҳарларидан кейинги) ўринда туради, Марказий Осиё минтақасида эса унга тенг шаҳар йўқ.

Бу ерда собиқ Россия империясида ўтказилган дастлабки аҳоли рўйхати – 1897-йил маълумотлари бўйича (у даврда Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази вазифасини бажарган) 156,0 минг аҳоли яшаган. Бу рақам тахминан 28 йилда деярли 2 марта ортган, ёки бошқача қилиб айтганда, 1925-йилда 301 минг кишига етган. Аҳоли сонининг кейинги икки марта ошиши эса нисбатан қисқароқ даврда рўй берган (1940-йилда 600 минг). Бироқ, аҳоли сонининг навбатдаги икки баробар кўпайиши учун чорак асрдан кўпроқ вақт талаб этилган. 1966-йилда, яъни Тошкент зилзиласи арафасида шаҳарда 1209 минг киши яшаган. Бу даврда аҳоли сонининг бирмунча сустроқ ўсиши Иккинчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари туфайли юз берган.

Шаҳар аҳолиси 2 миллионлик “маррага” 1984-1985-йиллар оралиғида эришган, шундан сўнг унинг демографик ўсиш суръати пасайиб борган. Хусусан, 90-йилларда пойтахт аҳолиси барқарор ўсиш кўрсаткичларига эга бўлмаган; аҳоли сони гоҳ камайиб, гоҳ бироз кўпайиб борган. Масалан, 1988-йилда у 2211 минг кишини ташкил қилган бўлса, 1996 йилгача тўлқинсимон ўзгариб бориб, 2095 минг кишига тушиб қолган.

Маълумки, айни шу йилдан бошлаб республикамизда иқтисодий салоҳият барқарор ўсиб борган. Шунга мос ҳолда, пойтахт демографик салоҳиятида ҳам аввалгидек катта пасайиш-кўтарилишлар кузатилмаган, аммо йиллик ўртача кўпайиш унча катта миқдорни ташкил қилмаган. 2000-2014-йиллар мобайнида Тошкент аҳолиси 189 минг кишига ёки ўртача бир йилда 13,5 минг кишига ортиб борган. Агар яқин ўтмишдаги демографик ўсиш жараёни ҳисобга олинса, бу рақам анча пастдир. Ваҳоланки, ўтган

асрнинг 70-80 йилларида шаҳар аҳолиси ҳар йили 40-45 минг кишига кўпайган.

Шаҳар аҳолиси сонининг динамикаси унинг ички маъмурий қисмларида – туманларида бир хил кечмаган. Чунончи, 1980-2014-йиллар оралиғида Сергели туманининг аҳолиси 2,8 марта ортган ҳолда (шаҳар бўйича ўсиш бу даврда 129,0 %), Миробод, Ҳамза, Чилонзор ва Яққасарой туманлари аҳолиси қисқарган, Мирзо Улуғбек туманида эса у 2000 йилдагидан оз фарқ қилади. Албатта, 30 йилдан ортиқ даврда демографик ўзгаришлар бир тусда бўлиб бермаган: Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Яққасарой туманларида аҳоли сони 1980-1985-йилларда ўсиш кўрсаткичларини намойиш қилган, 90-йиллардан бошлаб у камайиб борган. Тахлиллар кўрсатишича, 2000 йилдан кейин ҳам айрим бурилишлар кўзга ташланади. Масалан, Бектемир туманида ҳам аҳоли сони 2000 йилга қараганда бирмунча камайган (15-жадвал).

Ҳозирги кунда ўзининг катта демографик салоҳияти бўйича Олмазор, Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманлари етакчилик қилади. Аҳоли сонининг энг кам миқдори эса Бектемир туманида – 29,9 минг киши. Ўртача ҳар бир туманга 213,8 минг кишидан аҳоли туғри келади, туманлар орасидаги фарқ 11,2 га тенг.

Аҳоли сонининг шаҳар туманлари доирасида турли-туманлиги унинг зичлик кўрсаткичларида яққол кўзга ташланади. Шаҳар бўйича ҳар бир кв. км майдонида 7025 киши жойлашган бўлиб, энг юқори кўрсаткич Шайхонтоҳур (11401 киши) ва Олмазор (9670 киши), яъни шаҳарнинг қадимий, эски қисмида қайд этилади. Бу борада Тошкент Африканинг Қоҳира ёки Жазоир, Осиёнинг Шанхай шаҳарларига ўхшаб кетади. Айни пайтда, шаҳарнинг нисбатан янги ташкил қилинган туманларида – Сергели ва Бектемирда аҳоли зичлиги ўртачадан анча паст.

Алоҳида қайд этиш жоизки, агар аввал, яъни 80-йилларга қадар Тошкент аҳолиси табиий кўпайиш ва миграция ҳисобидан ортиб борган бўлса (бунда ижобий миграция қолдиғи кўп ҳолларда устунликка эга бўлган), сўнгги йилларда унинг ўсиши деярли тўғалигича табиий ҳаракат натижасида юз берган. Қизиғи шундаки, кейинги 10 йил оралиғида аҳолининг туғилиш кўрсаткичи барча туманларда ортиб борган. 13-иловада келтирилган маълумотларга кўра, Бектемир туманида 2000-йилда туғилишнинг умумий коэффициенти 15,1 промиллени ташкил қилган, 2013-йилда эса у 10,7 промиллега ортган. Сергели туманида ҳам бу кўпайиш сезиларли даражада юқори бўлган - 15,0 промилледан 19,9 промиллегача, фақат Яққасарой, Учтепа туманларида бу даврда туғилиш кўрсаткичлари камроқ кўпайган.

Тошкент шаҳрида ўлим кўрсаткичлари республика минтақалари орасида энг юқори. Бунга қатор омиллар, жумладан, аҳолининг ёш таркиби, урбозэкологик вазият ва нозогеографик ҳолат ўз таъсирини

кўрсатган. 2013-йил якунлари Сергели, Бектемир ва Ҳамза туманларида ўлим даражасининг юқорилигини кўрсатади. Миробод ва Сергели бу хусусда 2000-йилда ҳам “етакчилик” қилган. Шу билан бирга Шайхонтохур, Яккасарой ва Олмазор туманларида мазкур кўрсаткич шаҳар миқёсида пастроқ. Ўлим даражасининг бундай ҳудудий тафовутлари туманларнинг географик ўрнашган жойи ҳамда аҳолининг ёш-жинс таркиби билан ҳам изоҳланади. Жумладан, Бектемир, Сергели, Миробод туманларининг экологик-географик ўрни унча қулай эмас.

Аҳоли табиий ҳаракатининг якуний кўрсаткичи, яъни унинг табиий кўпайиши асосан туғилиш даражасидаги фарқларни такрорлайди. Бинобарин, у Олмазор, Шайхонтохур, Учтепа ва Бектемир туманларида юқорироқ, Ҳамза, Яккасарой ва Мирзо Улутбек туманларида пастроқ даражага эга. Умуман олганда эса, аҳолининг табиий кўпайиши 2000-йилга қараганда кескин кўтарилган (13-илова). Мавжуд маълумотларга қараганда, баъзи туманларда аҳолининг табиий кўпайиши 10-17 промиллени ёки 1,0-1,7 фоизни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, бу даража шаҳар аҳолисининг реал кўпайишидан анча паст (у сўнгги йилларда ўртача 0,6 фоиз атрофида). Демак, бундай арифметик номувофиклик аҳоли миграцияси туфайли содир бўлган.

Юқорида қайд қилинганидек, бир вақтлар миграция Тошкент аҳолисининг ўсишида етакчи омил ҳисобланган. Сўнгги йилларга келиб у тескари тус олди, яъни келганларга нисбатан кетаётганлар кўп бўлди. Маълумотларга мурожаат қилайлик: Тошкент шаҳрига 1996 йилда 32,7 минг киши келган, 35,0 минг киши ундан кетган, миграция қолдиғи (сальдоси) минус 2,3 минг кишини ташкил қилган. Унгача бўлган даврда миграция қолдиғи қуйидагича бўлган: 1990-йилда минус 30,7 минг; 1991-йилда - 12,6; 1992 йилда - 34,5; 1993 йил - 27,0; 1994 йилда - 46,9 ва 1995 йилда - 20,2 минг киши (барчаси минус). 1997 йилда Тошкент шаҳрига 29,5 минг киши келган, 31,1 минг киши ундан кўчиб кетган, миграция натижаси минус 1,6 минг киши. 1998-йилда бу кўрсаткичлар мос ҳолда, 32,0; 31,1 ва плюс 0,9 минг киши (шу йилда оз бўлсада, миграция ижобий сальдога эга бўлган). 1990 - 1997 йиллар мобайнида Ўзбекистон пойтахти миграция оқибатида 175,8 минг кишини “йўқотган”. Бу ораликда энг юқори кўрсаткич 1994-йилда қайд этилган.

2000 йилларда ҳам Тошкент шаҳри учун аҳолининг миграция айланмаси кўп ҳолларда ижобий аҳамият касб этмаган. Ҳар минг кишига ҳисоблаганда, миграция сальдоси 2000-йилда минус 8,1, 2001 йилда минус 6,4, 2002 йилда - 4,9, 2003 йилда минус 8,0 промиллени ташкил этган. Олдинги йилларда бу кўрсаткич қуйидагича бўлган: 1996-йил -минус 1,1; 1997-йил -7,3; 1999-йил - 7,1% (барчаси минус). 2004-йилда миграция қолдиғи мутлақ кўрсаткичларда минус -17,1 минг киши бўлган. 2006-йилда Тошкент шаҳрига келувчилар 24,8 минг, ундан чиқиб кетганлар 21,1 минг кишини ташкил қилган. Бу йилда ҳам 1998-йилдаги сингари миграция шаҳар учун ижобий натижа берган (3,7 минг

киши). 2012-йилда Тошкентга 39,5 минг киши келган, кетганлар 29,7 минг, миграция колдиги 9,8 минг киши. Ҳар минг кишига ҳисоблаганда 2013-йилда келганлар 7,3, кетганлар 13,0, миграция сальдоси минус 5,7 кишидан иборат бўлган.

Пойтахт аҳолиси миграциясининг салбий оқибатлари, асосан, русийзабон ва бошқа номахаллий миллат вакилларининг ўз юртларига кўчиб кетиши сабабли юзага келган. Масалан, биргина 2004-йилда жами 17,1 минг миграция қилганлар колдигининг 13,4 мингини ёки 78,4 фоизини руслар ташкил қилган. Шунингдек, татар, корейс, козок, украин каби миллат вакиллари ҳам кўпроқ кўчиб кетишган.

Тошкент шаҳри аҳолисининг миграцияси умумий тарзда бутун Ўзбекистон Республикаси миграцион вазиятини белгилаб беради<sup>1</sup>. Яна рақамларга мурожаат қилайлик: 1990-йилда республика бўйича жами миграция қолдиги 179,5 минг кишини ташкил қилган ҳолда, унинг 30,7 минг киши ёки 17,1 фоизи Тошкент шаҳри зиммасига тушган. 1991-йилда республика ва Тошкент шаҳри аҳолисининг миграция қолдиги, мос равишда, 95,9 ва 12,6; 1992-йилда - 74,4 ва 34,5; 1993 йилда - 54,0 ва 27,0; 1994-йилда - 138,9 ва 46,9; 1995-йилда - 89,0 ва 20,2 минг киши бўлган. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб республика ва пойтахт аҳоли миграциясининг якуний кўрсаткичлари пасайиб борган. 1996-йилда юқоридаги кўрсаткичлар 50,3 ва 2,3; 1997 йилда 48,4 ва 1,6 минг кишига баробар бўлган. 1998-йил натижалари, аввал қайд этилганидек, Тошкент шаҳри учун ижобий тус олган. Кейинги йилларда вазият қуйидагича бўлган: 2004-йилда Ўзбекистон бўйича миграция қолдиги 96,1 минг киши, Тошкентда 17,1; 2006-йилда бу рақамлар 65,2 ва 3,6 минг кишига тенг бўлган, 2012-йилда эса Тошкент шаҳри республика салбий миграция қолдигининг ¼ қисмини таъминлаган.

14-иловада Тошкент шаҳри туманлари миқёсида энг сўнгги миграция жараёнлари ўз аксини топган. Кўриниб турибдики, хозирги вақтга келиб пойтахтда аҳоли миграцияси бирмунча мўътадиллашган ва унинг натижаси кўпгина туманларда ижобий хусусият касб этган. Ваҳоланки, 1997-2004-йилларда бу кўрсаткичлар салбий ва анча юқори бўлиб, ялпи табиий кўпайишни ҳам “ютиб” юборган ва баъзи ҳолларда шаҳар аҳолиси сонининг мутлақ қисқаришига олиб келган.

Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати таъсирида унинг миллий таркиби шаклланади. Тошкент – кўп миллатли аҳолига эга бўлган шаҳар 2013-йил маълумотларига қараганда, ўзбеклар шаҳар жами аҳолисининг 68,8 фоизини, руслар 16,1 %, татарлар 3,9 % ни ташкил қилади. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, яъни Шайхонтохур, Олмазор каби туманларида маҳаллий миллат, яъни ўзбеклар улуши катта бўлса, Чилонзор, Ҳамза, Сергели туманларида

<sup>1</sup> Ушбу вазиятнинг шаклланишида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам ҳиссаси катта.

бошқа миллат, жумладан, русларнинг ҳиссалари ҳам анчагина. Шу сабабдан, мазкур туманларнинг миграцион фаоллиги юқорирок.

Тошкент шаҳрида 1.01.2014-йилда 1512,4 минг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли қайд этилган (жами аҳолининг 64,3 %). Иқтисодий фаол аҳоли сони 1206,6 минг, иқтисодиётда банд аҳоли сони 1165,3 минг киши. 2013-йилда меҳнат органларига иш сўраб 8,1 минг киши мурожаат қилган (2009-йилда 46,6 минг), уларнинг 4,1 минг нафари иш ўринлари билан таъминланган. Шу йилда жами 82,6 минг янги иш ўринлари ташкил қилинган (2009-йилда 74,1 минг).

Меҳнат ресурслари иқтисодиётнинг турли тармоқларида, жумладан, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ҳамда турли ижтимоий соҳаларда банд. Тошкент кўп функцияли ва, айни вақтда, пойтахт шаҳри бўлганлиги сабабли, унда аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш кабиларда, шунингдек, бошқарув органларида аҳолининг бандлик кўрсаткичлари анча юқори.

**Шаҳар хўжалиги.** Маълумки, пойтахт шаҳарлар, одатда, ўзига хос (“пойтахтга хос”) вазибаларни бажаради. Тошкент шаҳри пойтахтлик функциясини 1930-йилдан бошлаб бажариб келмоқда. Унга қадар бу мақомда Самарқанд шаҳри бўлган. Тошкентнинг ҳозирги ҳолати – саноати, транспорт ва бошқа инфратузилма шахобчалари, ижтимоий соҳалар, дипломатик функцияси, бошқарув органларининг кўплиги борган сари унинг замонавий пойтахтлик хусусиятидан далолат бермоқда.

Тошкент катта шаҳар – мегаполис. У республиканинг асосий иқтисодий, маданий, сиёсий маркази. Шаҳар, энг аввало, кўп сонли аҳолининг яшаш, яъни социал муҳити, шу билан бирга, у ягона иқтисодий макон, инвестиция, инновация, ўзига хос геозкологик (урбозкологик), нозогеографик муҳит ҳамдир. Бундай катта салоҳият ва масъулият Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб беради. Халқаро миқёсда, жаҳон ҳамжамияти ва геосиёсий тизимида мустақил Ўзбекистон Республикаси кўпинча “Тошкент” номи билан танилади ва эътироф этилади.

Тошкент шаҳри мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишида кўзга кўринарли мавқега эга. 2013-йилда у республиканинг 14,7 фоиз ялпи ҳудудий маҳсулоти, 21,9 фоизи саноат ишлаб чиқаришини таъминлаган. Чакана савдода унинг улуши 21,4 %, пуллик хизматларда 23,1 %, экспортда 22,7 % ва импортда 45,3 % ни ташкил этади. Мамлакат бўйича жами инвестиция ҳажмининг 1/4 қисмига яқини, қурилиш ишларининг 16,0 – 17,0 фоизи айни Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Табийки, Тошкентнинг катта район ҳосил қилувчи ва районга хизмат қилувчи функцияси, унда халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқариш ҳамда барча ижтимоий соҳаларнинг юқорирок даражада ва кенгрок миқёсда ривожланишни тақозо этади. Мамлакатимизда у,

шубҳасиз, барча янгиликлар, инновация маркази, шаҳар катта инфратузилма ва интеллектуал салоҳиятга ҳам эга. Шу боис, республикамизда барча янгиликлар айна Тошкентдан диффузион равишда бошқа ҳудудларга тарқалади.

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг ички таркиби ҳам унинг пойтахтлик хусусиятини ифодалаб беради. Саноат шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулотининг 22,2 фоизини таъминлайди, қурилишнинг улуши – 7,9 %, транспорт ва алоқаники – 13,2 %, савдо ва умумий овқатланиш ЯХМнинг 12,9, солиқлар унинг 10,7 фоизини беради.

Маълумки, иқтисодиёт тизимида бозор муносабатларини шакллантиришда кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. 2013-йилда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган жами 34,8 мингта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. КБ ва ХТ субъектларининг турли соҳалардаги улуши қуйидагича: ЯХМ да 53,6 %, саноат ишлаб чиқаришида – 40,9 %, қурилишда – 62,8 %, чакана савдода – 53,9 %, хизмат кўрсатишда – 48,4 %. Ушбу секторга иқтисодиётда банд бўлганларнинг 57,1 фоизи, мамлакат экспортининг 16,9 ва импортининг 49,0 фоизи тўғри келади (2009-йилда экспорт 19,6, импорт 50,8 фоизни ташкил этган).

Албатта, ҳар қандай кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг моддий негизини капитал қўйилмалар – инвестиция ташкил қилади. 2013-йилда шаҳар бўйича инвестицияларнинг жами ҳажмида Миробод ва Олмазор туманлари олдинда, инвестициянинг нисбатан кам улуши эса Бектемир ва Учтепа туманларига тегишли.

Капитал қўйилмаларга мос ҳолда қурилиш ишлари ҳам туманлар доирасида бирмунча фарк килади. Масалан, 2010-йилда амалга оширилган қурилиш ишларининг 31,7 фоизи Чилоизорга, 14,1 фоизи Миробод туманига тўғри келган. Демак, фақат шу икки туман пойтахтда бажарилган қурилишларнинг 45,8 фоизини таъминлаган.

**Саноати.** Тошкент саноати кўп йиллар давомида шаклланган. Унинг даражаси ва тармоқлар таркибига шаҳарнинг географик ўрни, меҳнат ва инновация салоҳияти, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтга яқин ҳудудлардан эвакуация қилинган саноат корхоналари, шунингдек, яқин атрофдаги табиий ресурслар (қурилиш материаллари хом ашёси, сув ресурслари ва б.) ўз таъсирини кўрсатган.

Шаҳарда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2013-йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан 110,4 фоизга (ЯХМ – 107,1 %) ўсган. Шу йилда шаҳарда жами 99055 та турли йирикликдаги саноат корхоналари фаолият кўрсатган. Уларнинг 113 таси йирик саноат корхоналари ҳисобланади; саноат ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг умумий сони 126 минг киши ёки бу – иқтисодиётда банд бўлганларнинг 1/10 қисми демакдир.

ХИМ нинг ярмидан кўпрогини озик-овқат маҳсулотлари ташкил қилади; енгил саноат маҳсулотлари эса 8,7 %. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, Бектемир, Ҳамза ҳамда Миробод туманлари олдинда, Учтепа, Чилонзор ва Юнусобод туманларида у нисбатан паст.

16-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, энг сўнгги йилларда пойтахт саноати тармоқ таркибида бирмунча ўзгаришлар содир бўлган: ёкилғи-энергетика саноатининг улуши ортган, енгил саноат ҳам устуворроқ ривожланиб борган. Шу билан бирга, шаҳар учун анаънавий саноат тармоқларидан бири – машинасозлик ва метални қайта ишлаш корхоналарининг ҳиссаси бироз пасайган. Айни вақтда, шаҳар саноати таркибида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш ҳамда озик-овқат саноати тармоқларида жиддий силжишлар кузатилмайди. Аммо уларнинг маҳсулот турларида маълум ўзгаришлар содир бўлган.

Саноат тармоқлари микёсида алоҳида корхоналарнинг аҳамияти ҳар хил. Чунончи, ёкилғи саноати маҳсулотининг 93,0 фоизини “Лукойл Ўзбекистон оперейтинг компани” МЧЖ беради. Металлургия саноатида эса Тошкент қувур заводи (67,5 %) ҳамда Иккиламчи қора ва рангли металлар корхоналарининг ўрни катта. Шаҳар кимё ва нефть кимёси саноатида Тошкент лок-бўёқ ва “Олпласт” қўшма корхонаси, машинасозлик ва металлни қайта ишлашда “Ўзэлектроаппарат” ҳамда “Ўзбеккабель” ва “Дойче кабель” қўшма корхоналари стакчилик қилишади. Шу билан бирга, мазкур тармоқда Тошкент трактор заводи, “Зенит электроникс” қўшма корхонаси, Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш, “Ўзбекистон аэрвайс техникс” каби корхоналар ҳам ўзларининг салмоқли маҳсулот ҳажмлари билан ажралиб туришади<sup>1</sup>.

Енгил ва озик-овқат саноатида ҳам қатор қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, улар мазкур тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг асосий қисмини таъминлайди. Шунингдек, озик-овқат саноати жами маҳсулотнинг тахминан 28,4 фоизини берувчи “Хоразм шакар” қўшма корхонаси ҳамда Самарқанд чой фабрикаси ҳам молиявий-иктисодий жиҳатдан Тошкент шаҳри тасарруфида фаолият кўрсатишади.

Ун-ёрма ва омихта ем “Ғалла Алтек” ва “Тошкент дон маҳсулот” акционерлик жамиятларида ишлаб чиқарилади. Фармацевтика саноатида эса “УП Радикс”, “Ўзкмёфарм” корхоналари ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга. Бу корхоналар жами тармоқ маҳсулотининг 35,0-37,0 фоизини беради. Полиграфия саноатида “Шарк” АЖ ва “Ўзбекистон” нашриётлари олдинда туради.

<sup>1</sup> 2014 йилда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ДАЖ негизда “Тошкент механика заводи” ташкил этилди.

## Тошкент шаҳри саноатининг тармоқлар таркиби

Саноат тармоқлари	Жамига нисбатан фонзда		2000-2013- йилларда ўзгариш, +/-
	2010-йил	2013-йил	
Жами саноат тармоқлари	100	100	-
<i>шу жумладан:</i>			
ёқилғи-энергетика	19,5	23,8	+4,3
мсталлургия	4,0	3,7	-0,3
кимё ва нефть кимёси	7,2	5,7	-1,5
машинасозлик ва метални қайта ишлаш	22,7	22,0	-0,7
қурилиш материаллари саноати	4,6	3,6	-1,0
ўрмон, целлюлоза-қоғоз саноати	2,7	2,9	+0,2
енгил саноат	6,4	6,6	+0,2
озик - овқат саноати	23,1	22,4	-0,7
ун, ёрма ва омихта ем саноати	1,6	1,7	+0,1
полиграфия саноати	4,1	3,4	-0,7
фармацевтика саноати	2,5	2,4	-0,1
бошқа саноат тармоқлари	1,6	1,8	-0,3

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Бир йилда Тошкент саноат корхоналари томонидан 780-800 тонна атрофида пўлат, 90 тонна пўлат қувурлар ишлаб чиқарилади. Юқоридагилардан ташқари, шаҳарда 1,2 млн т. иккиламчи алюминий, 20-25 дона қўтарма кранлар, 900 га яқин трактор тиркамалари, 1800 та атрофида трактор, 45-50 минг тонна лок-бўёқ материаллари тайёрланади.

Асосий истеъмол товарларидан 80-82 минг тонна омихта ем, 10 минг дона дазмоллар, 4,1 минг тонна хўжалик совуни, ўртача 16-18 минг рангли телевизорлар, кўп миқдорда мебель ишлаб чиқарилади. Шунингдек, трикотаж маҳсулотлари, пайпоқ, тозаланган ўсимлик ёғи, гўшт ва сут маҳсулотлари ҳам қўллаб ишлаб чиқарилади. 320-330 минг тонна шакар, 280-282 минг тонна ун тайёрланади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, баъзи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хусусан, агросаноат мажмуасига тааллуқли маҳсулотлар кундалик эҳтиёж ҳамда об-ҳаво, иқлим шароитларига мувофиқ ўзгариб туради (ўсимлик ёғи, хўжалик совуни, ун, омихта ем, гўшт-сут маҳсулотлари ва ҳ.к). Айрим саноат маҳсулотлари ҳажми эса маълум сабаблар туфайли бироз қисқарган (ип-газлама, пайпоқ ва б.). Айни вақтда, мебель, маиший кандиллар, пойафзал, минерал сув, узум шарбати, ароқ-вино, пиво, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш сўнгги йилларда анча тез ўсган.



Келажақда шаҳар экологик мухитини ифлослантирувчи, кўп меҳнат ва хом ашё талаб қилувчи, аҳоли кундалик эҳтиёжи билан бевосита алоқаси бўлмаган саноат корхоналари, яъни пойтахт мухитига мос бўлмаган ишлаб чиқаришлар шаҳар худудидан чиқарилади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат тармоқларининг “юкори” қаватлари, экологик тоза, инновация ва фан-техника ютуқлари билан боғлиқ ҳамда тажриба-конструкторлик корхоналари эса кўпайиб боради.

Саноат корхоналари шаҳар худуди бўйича нотекис тақсимланган. Бу жойларнинг қайси мақсадда барпо этилганлиги, экологик ва транспорт географик ўрни билан ҳам боғлиқ. Умуман олганда, Тошкент шаҳри саноатида Шайхонтохур, Чилонзор, Ҳамза ва Мирзо Улуғбек туманларининг мавқеи катта (17-жадвал).

Мавжуд маълумотлар таҳлили кўрсатишича, сўнги йилларда Шайхонтохур, Чилонзор ва қисман Учтепа ҳамда Мирзо Улуғбек туманларида саноат ишлаб чиқариши жадалроқ ривожланган. Шахонтохур туманида 2000-йилда шаҳар жами саноат маҳсулотининг 5,5 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 2013-йилда бу кўрсаткич 26,5 фоизга етди. Шунингдек, Чилонзор туманининг мавқеи ҳам кескин кўтарилди. Бектемир туманининг улуши эса бу даврда 12,3 фоиздан 5,6 фоизга, Ҳамза туманиники 23,6 фоиздан 10,6 фоизга тушиб қолди ва ҳ.к.

17-жадвал

**Тошкент саноат ишлаб чиқаришининг худудий таркиби**

т/р	Туманлар	Жамига нисбатан фоизда		Ўзгаришлар, +/-
		2000 йил	2013-йил	
1	Бектемир	12,3	5,6	-6,7
2	Мирзо Улуғбек	10,9	10,7	-0,2
3	Миробод	12,4	6,8	-5,6
4	Олмазор	4,7	7,0	+2,3
5	Сергели	7,5	5,4	-2,1
6	Учтепа	2,0	4,9	+2,9
7	Ҳамза	23,6	10,6	+13,0
8	Чилонзор	5,6	12,5	+6,9
9	Шайхонтохур	5,5	26,5	+21,0
10	Юнусобод	6,4	5,4	-1,0
11	Яккасарой	9,1	4,6	-4,5
	Жами шаҳар бўйича	100	100	0,0

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Шаҳар саноатининг худудий таркибидаги ўзгаришлар туманларнинг қайси саноат тармоқларига ихтисослашувига ҳам боғлиқ. Масалан, оғир саноатга ихтисослашган (машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё) корхоналарда халқаро кооперация алоқаларда юз берган муаммолар ва истеъмол (эҳтиёж) омиллари таъсирида ишлаб чиқариш анча пасайган.

Бундай тармоқларнинг ривожланишига ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий ниқирози ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, бундай ўзгаришлар кичик бизнес корхоналарининг ривожланиши туфайли ҳам юзага келиши мумкин.

**Транспорт.** Майдони катта, аҳоли сони кўп бўлган шаҳарда транспорт муҳим роль ўйнайди. Тошкентда транспортнинг кўпчилиги турлари – автобус, трамвай, метрополитен мавжуд. Марказий Осиёдаги дастлабки Тошкент метроси 1977-йилда ишга туширилган. Шаҳар кўчаларида қатнаётган автобус ва енгил машиналарнинг кўпчилиги ўзимизнинг республикамызда – Самарқанд ва Асака шаҳарлари корхоналарида ишлаб чиқарилган.

Тошкент республика, Марказий Осиё ва халқаро миқёсдаги муҳим транспорт тугунидир. Бу ерда халқаро аэропорт, темир ва автомобиль йўллари вокзаллари ва шоҳ кўчалар бор; уларда замонавий сервис хизмати ҳам ташкил этилган. Шу билан бирга трамвай қатновлари йўналишлари қисқариб, троллейбуслардан воз кечилди. Бинобарин, уларнинг аҳамияти охириги йилларда анча пасайган.

Таҳлиллар кўрсатишича, жами йўловчилар ташиш йилдан-йилга кўпайиб бораётган бир пайтда, электр транспорти турларининг ҳиссаси пасайиб бормоқда. Барча транспорт турлари бўйича ташилган йўловчиларнинг ярмидан кўпроғи хусусий автомобиль эгаларига тўғри келади. Барча транспорт турлари бўйича ташилган юкларнинг аксариятини автомобиль транспорти амалга оширган; хусусий автомобиль эгалари томонидан 30,0 фоизга яқин юк ташилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида шаҳар кўча ва йўлларини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили магистраль йўллар, кўчалар кенгайтирилиб, қатор кўприк ва транспорт қатновини қулайлаштирувчи бошқа мосламалар қурилмоқда. Бироқ, шаҳарда автомобиллар сони ҳам жуда тез кўпайиб бораётганлиги сабабли асосий кўчаларда, айниқса, эрталабки ва кечки соатларда тирбандлик ҳолати вужудга келмоқда. Шу сабабдан, транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш пойтахтнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларидан бири сифатида энг муҳим аҳамият касб этади.

**Ижтимоий соҳалар.** Шаҳарлар, хусусан, йирик шаҳарлар, энг аввало, аҳоли яшайдиган жой, социал муҳит ҳисобланади. Бу маконда кишилар фаолият кўрсатадилар, дам оладилар, даволанадилар, ўқийдилар, ҳуллас яшайдилар. Шу боис, ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу соҳалар, ўз навбатида, мураккаб бўлиб, улар таълим, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш кабиларни ичига олади.

Чакана савдода Чилонзор ва Миробод туманлари кескин ажралиб туради, пуллик хизматларнинг нисбий кўрсаткичларида эса Миробод ва Яққасарой туманлари олдинда. Шу билан бирга, чакана савдо Миробод ва

Ҳамза туманларида анча сушт йўлга қўйилган. Пуллик хизматлар Юнусобод, Бектемир, Шайхонтохур, Учтепа туманларида заифроқ ривожланган. Ушбу соҳаларнинг ҳудудий мужассамлашувида ҳам фарқлар бор. Чакана савдо ҳажмининг 14,0 фоизи Миробод туманига тўғри келади. Юнусободда бу кўрсаткич 11,8 %, Яккасаройда 10,6 %, Шайхонтохурда 10,0% га тенг. (18-жадвал).

18-жадвал

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг ҳудудий таркиби  
(2013-йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Тошкент шаҳри бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Бектемир	8,9	5,0	13,6	2,1	2,5	2,3	3,3
Мирзо Улуғбек	6,7	12,9	6,8	10,6	10,2	7,3	9,0
Миробод	3,7	16,0	7,8	14,0	20,0	41,2	22,4
Олмазор	9,2	5,8	3,7	8,6	16,0	1,8	5,2
Сергели	6,0	4,9	6,6	6,5	5,2	3,4	3,6
Учтепа	7,2	4,9	13,5	7,2	5,5	1,5	2,3
Ҳамза	12,8	8,5	6,9	6,8	5,1	6,0	7,3
Чилонзор	27,6	12,2	16,5	10,8	8,6	8,3	11,9
Шайхонтохур	7,9	12,2	10,7	10,0	7,8	3,4	9,2
Юнусобод	5,4	9,4	9,2	11,8	7,1	16,3	17,0
Яккасарой	4,6	8,2	4,6	11,0	12,0	8,5	8,2

Жадвал *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Шаҳарнинг турли жойларида замонавий йирик бозор ва ярмаркалар ташкил этилган: «Қўйлик», «Фарход», «Паркент», «Эски Жува», («Чорсу»), «Олой», «Юнусобод», «Сергели» каби бозорлар шулар жумласидандир. Улар нафақат Тошкент халқига, балки республикамининг бошқа ҳудудларидан келганларга ҳам хизмат кўрсатишади.

Пуллик хизматларда Миробод тумани олдинда, шунингдек, Олмазор, Яккасарой туманларининг ҳам улушлари катта. Айни вақтда, ушбу ижтимоий соҳа корхоналари Бектемир туманида озрок.

Марказлашган сув таъминоти шаҳар бўйича 99,8 %, табиий газ билан таъминланиш 97,5 % ни ташкил этади. Ушбу соҳалар бўйича туманлар миқёсида кескин фарқлар кузатилмади. Ичимлик суви билан таъминланиш Бектемир туманида пастроқ, табиий газ билан таъминланиш эса барча туманларда деярли бир хил даражада.

Пойтахт соғлиқни сақлаш тизимида 100 ортик тиббиёт муассасалари бор; ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган бемор ўринлари 80,4 та. Бу кўрсаткич Миробод, Мирзо Улуғбек ва Олмазор туманларида ўртача

даражадан 1,6-2,0 марта юқори, аммо Сергели ва Учтепада у паст. Шаҳар бўйича ҳар 10 минг аҳолига 63,4 та врач ва 134,1 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади. Ҳар 100 минг кишига нисбатан касалланганлар сони 81,3 минг кишини ташкил қилган ҳолда, бу кўрсаткич Бектемир ва Мирзо Улуғбек туманларида юқорироқ, Сергели ва Учтепада пастроқ.

Шаҳарда марказлашган ва республика аҳамиятидаги касалхоналар, сихатгоҳ ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари мавжуд. «Семашко», «Чинобод», «Турон» каби сихатгоҳлар замонавий жиҳозлар билан таъминланган, уларда беморлар ва дам олувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатилади.

Тошкентда жами 520 га яқин мактабгача тарбия доимий муассасалари, 325 та умумтаълим мактаблари бор. Ўртача бир мактабга 971 нафар ўқувчи тўғри келади. Бу рақам республика бошқа минтақаларига қараганда анча юқори. Академик лицейлар 41 та, уларда таълим олаётган талабалар сони 27,7 минг киши. 80 дан ортиқ касб-хунар коллежларида 118 минг талаба ўқийди.

Пойтахт йирик фан ва олий таълим маркази ҳам ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва унинг илмий тадқиқот институтлари фаолият кўрсатади. Республикамиз пойтахтида 30 та олий ўқув юртлири бор. Улар жумласига Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент техника, иктисодиёт, Ислоҳ, Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари, Аграр университетлари, Тиббиёт академияси ва бошқа олий ўқув юртлири қиради. Булардан ташқари, Тошкентда Буюк Британия, Италия, Россия, Сингапур олий ўқув юртлирининг бўлинмалари (филиаллари) ҳам мавжуд.

Шаҳарнинг ижтимоий ривожланишида маданият, спортнинг ҳам роли катта. Бу ерда кўплаб музей, театр, истироҳат боғлари ташкил этилган. Айни вақтда Тошкентда туристик индустрия ҳам ривожланиб бормоқда. Шаҳарда сайёҳлик учун 80 га яқин замонавий меҳмонхоналар мавжуд, улар бир йилда 495-500 минг туристларга хизмат кўрсатишади (хорижий туристлар 252,1 минг).

Шунингдек, Тошкент аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, шаҳар экологиясини яхшилашга ҳам катта аҳамият берилади. Бу эса, ўз навбатида, пойтахтимизнинг ижтимоий (социал) функциясини янада кучайтиради.

**Ташқи иктисодий алоқалар.** Тошкент шаҳри Ўзбекистон ташқи иктисодий алоқаларида фаол қатнашади. Мутлақ рақамларда шаҳарнинг ташқи савдо айланмаси 2013-йилда 9680 млн. АҚШ доллар, шу жумладан, экспорт – 3430, импорт – 6250 млн. долларни ташкил этган. 2012-йилда бу кўрсаткичлар тегишлича 13044 млн, 7474 ва 5570 млн доллар бўлган.

Экспорт таркибида энергия ресурслари 65,3 %, хизматлар 22,5 %, озиқ-овқат маҳсулотлари 5,2 фоизини ташкил қилади. Импортда юқори кўрсаткичлар машина ва ускуналар (37,2 %), кимё саноати маҳсулотларига (18,8 %) тўғри келади. Озиқ-овқат ҳамда қора ва рангли металлларнинг ҳам улуши бироз кўзга кўринарли даражада.

Тошкент шаҳри ташки иқтисодий алоқаларининг кўпроқ қисми (56,7 %) МДХ мамлакатлари билан амалга оширилади. Уларнинг ҳиссаси экспортда (72,3 %), импортда 35,8 %. Ушбу давлатларга қилинган экспортда энергия ресурслари, хизматлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари, импортда қора ва рангли металллар, машина ва ускуналар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари асосий қисмни ташкил қилади. “Узоқ хориж” мамлакатларига товарларни экспорт қилишда ҳам худди шундай вазият кузатилади.

2013-йилда пойтахтда хорижий инвестициялар ёрдамида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар 3121 та эди. Улар шаҳар жами ишлаб чиқарилган маҳсулотининг 63,2 %, экспортининг 12,9 фоизини таъминлайди. Шаҳар ташки иқтисодий алоқаларининг ҳудудий таркибида энг юқори ўринни Миробод тумани эгаллайди. Юнусобод туманининг улуши ҳам каттароқ. Фақат шу икки туманлар ҳиссасига шаҳар экспортининг 57,6 фоизи тўғри келади (2013 й.). Қолган ҳудудлар орасида Мирзо Улуғбек, Чилонзор ва Яккасарой туманлари бироз ажралиб туради. Импортнинг 1/5 қисмидан кўпроғи Миробод, 17,0 фоизи Юнусобод, 12,0 фоизини Чилонзор тумани олган. Экспортда энг паст кўрсаткичлар Олмазор, Учтепада ва импортда эса – Бектемир ва Учтепа туманларида қайд этилади (18-жадвал).

**Тошкент шаҳрининг ички тузилиши.** Шаҳарнинг микрогеографик ва транспорт географик ўрни, ер-сув билан таъминланганлиги туманлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатади. Умумий тарзда шаҳар ҳудудини тарихий географик жиҳатдан икки қатта қисмга ажратиш мумкин: эски шаҳар ва янги шаҳар. Шартли чегара сифатида Анҳор канали хизмат қилади. Шаҳарнинг эски қисмида ҳозирги Шайхонтоҳур, Олмазор ва Учтепа туманлари жойлашган. Унинг “янги” қисми асосан Чирчиқ йўналиши ва жанубий ҳудудларни эгаллайди. Шарқий йўналиш қадимдан Тошкентнинг асосий дам олиш (рекреация) ва дала ҳовли (дача) зонаси ҳисобланади.

Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ички тафовутлар туманлар даражасида янада яққолроқ кўзга ташланади. 19-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, саноат ишлаб чиқариши бўйича, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, Бектемир, Шайхонтоҳур, Чилонзор ҳамда Миробод туманларининг кўрсаткичлари юқори, Учтепа ва Юнусободда эса мазкур соҳа анча пастлигини кўриш мумкин. Халқ истеъмол молларида Бектемир, Чилонзор, Ҳамза туманларининг мавқеи катта. Асосий

ижтимоий соҳалар, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда Бектемир ва Мирзобод туманлари етакчилик қилса, Юнусобод ҳамда Мирзо Улугбек туманларининг даражаси аъчадаст

19-жадвал

Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари  
(2013-йил, аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Шаҳар, ўргача	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Бектемир	3,845	6,303	0,862	3,478	10,449	1,922
Мирзо Улугбек	1,153	0,590	0,532	0,724	0,465	0,921
Миробод	1,525	1,081	3,860	2,583	1,524	3,643
Олмазор	0,451	0,351	1,471	0,264	0,288	1,145
Сергели	1,063	0,626	0,689	0,636	0,961	0,775
Учтепа	0,300	0,274	0,187	0,250	0,985	0,504
Ҳамза	1,222	2,040	1,516	0,687	0,827	0,552
Чилонзор	1,548	3,279	0,645	3,246	1,730	0,884
Шайхонгоҳур	1,663	0,585	0,441	0,830	0,945	0,602
Юнусобод	0,363	0,391	0,570	0,547	0,611	0,534
Яккасарой	0,839	0,650	2,118	1,275	1,040	2,348

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Тошкентдек улкан мегаполисининг ўз атрофидаги ҳудудлар билан яқиндан алоқада ривожланиши табиий ҳол. Чунки, улар шаҳар аҳолисини кишлоқ хўжалик маҳсулотлари, дам олиш, дала ҳовли ҳудудлари билан таъминлашлари шарғ. Бундай вазифани Зангиота ва Кибрай туманлари бажаради. Қолаверса, уларда Тошкент шаҳрига хизмат килувчи омборхоналар, бозорлар, кичик станциялар, дам олиш зоналари, шунингдек, қадамжо ва кабристонлар ҳам жойлашган.

Пойтахтнинг таъсири шаҳар атрофи кишлоқ хўжалик ва рекреация зонасидан ташқари янада катгарок ҳудудларни камраб олади. Бундай минтақада Тошкент агломерацияси шаклланган. Шу нуқтаи назардан Тошкентни унинг яқин атрофи, агломерацияси, вилояти ва бутун Ўзбекистон Республикаси доирасиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳозирги кунда Тошкентда Ўзбекистоннинг 8,0 фоизга яқини истиқомат қилади. Бу кўрсаткич унча катта эмас ва, умуман олганда, меърида. Шаҳарнинг ҳаддан ташқари кенгайиши ҳам катор муаммоларни келтириб чикаради. Бинобарин, Тошкентнинг келажак истиқболи унинг амалдаги функцияси, авваламбор, мустақил Ўзбекистон Республикасининг сиёсий пойтахти вазифасини бажариши, иқтисодий географик ўрни ва ички имкониятларига боғлиқ. Пойтахт ҳам ўз аҳолисига, ҳам республикага хизмат қилиши, уни бошқариши, ўз давлатини жаҳон ҳамжамияти ва

геосиёсий тизимида муносиб кўрсата олиши керак. Шу маънода, у республикамизнинг бу борадаги “ишончли вакили” ҳисобланади. Бундай масъулиятли ва “қўп қаватли” вазифани бажариши унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ривожланишининг устувор йўналишларини, юксак мавкени белгилаб беради.

### 2.3.МИРЗАЧЎЛ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Мирзачўл иқтисодий райони ўтган асрнинг 80-йилларида Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари негизида ташкил топган. Унинг майдони 25,4 минг кв. км. бўлиб, республика ҳудудининг 5,7 фоизига тенгдир. Майдони бўйича бу икки маъмурий ҳудуд бир-биридан кескин фарқ қилади: Жиззах вилоятининг майдони 21,2 минг кв. км. бўлиб, Сирдарёникидан деярли 5 марта катта.

Мазкур иқтисодий район аҳолиси 1990,5 минг киши ёки Ўзбекистон аҳолисининг 6,5 фоизига яқини шу ҳудудда яшайди. Майдони бўйича ҳам, демографик салоҳияти бўйича ҳам Сирдарё вилояти мамлакатимизда энг кичик ҳисобланади. Бу ерда район ҳосил қилувчи асос сифатида янги ерларни ўзлаштириш хизмат қилган. Бинобарин, ҳудудий меҳнат тақсимотида Мирзачўл республикамизда, энг аввало, ўзининг агросаноат мажмуаси билан ажралиб туради. Район хўжалиги пахта, полиз экинларини етиштиришга, ғаллачиликка ихтисослашган. Унинг ҳиссасига Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 4,1 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг 3,7 % ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 8,9 фоизи тўғри келади. Умуман олганда, Мирзачўл энди шаклланаётган, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси тўлиқ циклга эга бўлмаган иқтисодий макон ҳисобланади.

Ҳудуди ҳам аниқ чегарага эга эмас (одатда, ҳар қандай географик чегара маълум маънода шартлидир); агар Сирдарё тумани Тошкент вилоятининг давомидек туюлса, Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғаллаорол ва, ҳатто Жиззах шаҳрининг ўзи ҳам Самарқандга анча “ўхшаш”. Бироқ, қўшни ҳудудлардан фаркли ўлароқ, Мирзачўл иқтисодий райони табиий ресурсларга, хусусан фойдали қазилмаларга унча бой эмас. Бунга унинг геологик ўтмиши, ер усти ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Районнинг кучли томонлари унинг нисбатан қулай иқтисодий географик ўрни, меҳнат ресурслари, инфратузилма ҳамда қурилиш ва электр энергия баъзасининг мавжудлигида намоён бўлади. Заиф томонлари эса қазилма ресурсларининг озлиги, иқтисодий “занжирининг” тўлиқсизлиги, қайта ишлаш саноатининг ривожланмаганлигидир. Бонқиқа қилиб айтганда, Мирзачўл Тошкент ва Зарафшон иқтисодий районлари ўртасида ўзига хос “вакуум” ҳисобланади. Айни вақтда, район ўзининг бундай оралиқ географик мавқесидан ҳам фойдаланиши мумкин.

### 2.3.1. Жиззах вилояти

Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибида дастлаб 29 декабрь 1973-йилда ташкил этилган ва у 6 сентябрь, 1988-йилда қўшни вилоятлар таркибига киритилган. Ҳозирги ҳолатда эса Жиззах вилояти 1990-йил 16 февралда қайта тикланган. Вилоят ўзининг майдонига кўра, мамлакатимизда ўрта мавқени эгаллайди (республикада 13 та маъмурий минтақаларнинг ҳар бирига ўртача 34,5 минг кв км ер тўғри келади). Унинг худуди 21,2 минг кв км бўлиб, бу жиҳатдан Сурхондарё вилояти билан деярли тенгдир. Ўзбекистонга нисбатан вилоят майдони 4,7 фоизга баробар бўлган ҳолда, бу ерда, 2014-йил маълумотларига қараганда, 1226,8 минг ёки мамлакатимиз аҳолисининг 4,0 фоизи яшайди. Бу икки нисбий рақамларнинг қиёсий таҳлили Жиззах вилоятида аҳоли жойлашуви республика ўртача кўрсаткичидан бироз пастлигидан гувоҳлик беради. Дарҳақиқат, вилоят аҳолисининг зичлиги 1 кв. км га – 58 киши, мамлакатимизда эса – 68 кишини ташкил этади.

Маъмурий жиҳатдан Жиззах вилояти 12 та кишлоқ туманидан иборат. Уларнинг энг каттаси Фориш тумани – 9,8 минг кв. км ёки вилоят худудининг 46,2 %, энг кичик майдон эса Зафаробод тумани – 0,33 минг кв. км. Шундай қилиб, вилоят худудининг географик кoeffициенти, яъни энг катта майдонга эга бўлган туманининг энг кичигига нисбати 29,7 га баробар.

Вилоят кишлоқ туманларининг дастлабкиси Жиззах ва Зомин, энг сўнгиси Янгиобод тумани бўлиб, у 1999 йилда қўшни Сирдарё вилоятининг туташ худуди ҳисобидан ташкил этилган. Жиззах вилояти мамлакат худудий меҳнат тақсимоотида пахта, полиз, ғалла ва боғдорчилик маҳсулотларини ҳамда жун ва гўшт етиштириш билан ажралиб туради. Саноатининг тоғ-қон, енгил ва озиқ-овқат тармоқлари республика пхамиятига эга.

**Географик ўрни ва табиий ресурс салоҳияти.** Жиззах вилояти Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашганлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, минтақанинг геосиёсий ўрни ҳам ўзига хос: вилоят шимолда Қозоғистон, жануби-шарқда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Кўриниб турибдики, Жиззах вилояти географик ўрнининг “марказийлиги” ни трансчегаравийлиги унинг тарихий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Жумладан, Жиззах шаҳрининг Ўрта Осиёнинг қадимий марказлари – Самарқанд, Тошкент, Хўжанд ва Ўратепа оралиғида, Буюк Ипак йўлида ўрнашганлиги ҳам ҳозирги вилоят маркази шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини белгилаб беради.

Худудининг шимолий, шимоли-ғарб ва жанубий қисмлари тоғлиқлардан, ўрта қисми пасттекислиқлардан иборат. Бу ерда Нурота,



Писталитоғ, Туркистон, Ғўбдинтов тоғлари бор; энг баланд чўкқилари Бозорхоним (3401 м, Бахмал туманида) ва Шавкартов (4029 м, Зомин туманининг чекка жанубида). Тоғ ва тоғолди ҳудудларда Нурота тоғ - ёнғоқ, Зомин тоғ - арча давлат кўриқхоналари ташкил этилган.

Вилоятнинг ҳар хил ландшафт турларига бойлиги (у Сирдарё вилоятидан айни шу жиҳатлари билан фарқланади) табиий ҳолда ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланишида асосий омил бўлган ва шунга мос равишда табиий - ҳўжалик тармоқлари шаклланган. Тоғ ва тоғ-олди ҳудудларида чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик, лалмикор деҳқончилик, рекреация ва туризм ривожланган, текислик қисми эса эски ва янги ўзлаштирилган, кўпроқ пахта экиладиган ҳудудлардан иборат.

20-жадвал

**Жиззах вилояти қишлоқ туманлари ҳақида баъзи бир маълумотлар**

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган санаси	Май-дони, минг кв км	Маъмурий маркази	Аҳолиси (2014 й.)	
					Минг киши	Зичлиги, 1 кв км/ киши
1	Арнасой	26.12.1975	0,49	Ғолиблар ш-часи	41,9	85,5
2	Бахмал	31.08.1971	1,86	Уснат ш-часи	136,4	73,3
3	Дўстлик	16.10.1970	0,45	Дўстлик ш.	58,9	131,0
4	Жиззах	29.09.1926	1,32	Учтепа ш-часи	188,9	143,1
5	Зарбдор	04.12.1973	0,51	Зарбдор ш-часи	60,3	118,2
6	Зафаробод	12.07.1973	0,33	Зафаробод ш-часи	45,0	136,4
7	Зомин	29.09.1926	2,87	Зомин ш-часи	158,7	55,3
8	Мирзачўл	09.01.1967	0,43	Гагарин ш.	44,9	104,4
9	Пахтакор	09.01.1967	0,38	Пахтакор ш.	66,7	175,5
10	Фориш	09.12.1935	9,81	Янгиқишлоқ ш-часи	83,3	8,5
11	Ғаллаорол	22.02.1964	1,95	Ғаллаорол ш.	152,9	78,4
12	Янгиобод	15.04.1999	0,72	Баландчақир ш-часи	25,5	35,4

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*

Минтақада турли хил қазилма бойликлар ҳам бор. Улар жумласига олтин, вольфрам, кўрғошин, рух, молибден, оҳақ, гранит, мрамор каби маъданлар киради. Кўйтошнинг вольфрам, Маржонбулоқнинг олтин, Учқулочнинг полиметал конлари саноат ишлаб чиқаришида катта аҳамиятга эга. Вилоятда темир рудаси (Темиркон), цемент ва ғишт хом ашёси (Ғаллаорол, Кўшкент), базальт (Осмонсой) каби бошқа қазилма ресурслари ҳам бор.

Иқлими континентал, асосий гидрографик шахобчаси Сангзор дарёси бўлиб, у суғорма деҳқончиликда фойдаланилади. Шимолда жойлашган Айдаркўл ва Арнасой кўлларида балиқчилик йўлга қўйилган. Туркистон, Нурота, Писталитоғ, Ғўбдин тоғ тизмалари ўзига хос ландшафт турларини шакллантирган.

1976 йилда Зомин туманида яқин 50 минг гектарни эгаллаган Миллий боғ (парк) ташкил этилган. Умуман олганда, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш туманларида рекреация ресурслари кўп ва бу ерда экотуризм учун ҳам шароитлар қулай. Ушбу ҳудудларнинг ёзи нисбатан салқинроқ, намгарчилик эса табиий ҳолда лалмикор деҳқончилик, хусусан бугдой стиштириш учун қулайдир.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари географияси.** Вилоят мамлакатимизда ўзининг демографик салоҳияти бўйича охириги ўринларнинг бирини эгаллайди (Навий ва Сирдарё вилоятларидан олдинда, холос).

21-жадвал

**Жиззах вилояти аҳолисининг ўсиши ва ҳудудий таркиби.**

т/р	Қишлоқ туманлари	Аҳолиси, минг киши		Ўсиш, %	Ўртача бир йиллик кўпайиш, %
		2001й.	2014 й.		
1	Арнасой	38,4	41,9	109,1	0,70
2	Бахмал	102,1	136,4	133,6	2,25
3	Дустлик	49,5	58,9	119,0	1,35
4	Жиззах	142,3	188,9	132,7	2,20
5	Зарбдор	46,4	60,3	130,0	2,05
6	Зафаробод	40,7	45,0	110,6	0,80
7	Зомин	120,0	158,7	132,3	2,20
8	Мирзақўл	-	44,9	-	-
9	Пахтакор	50,2	66,7	132,9	2,20
10	Фориш	72,5	83,3	114,9	1,05
11	Ғаллаорол	119,8	152,9	127,6	1,90
12	Янгиобод	21,5	25,5	118,6	1,30
	Жиззах шаҳри	132,5	163,4	123,3	1,65
	<b>Жами вилоят бўйича</b>	<b>991,0</b>	<b>1226,8</b>	<b>123,8</b>	<b>1,65</b>

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Аҳолисининг ўсиш суръати ҳам республика ўртача даражаси атрофида. Аҳолининг табиий кўпайиши бўйича Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан кейинги, тахминан Хоразм, Наманган ва Бухоро вилоятлари билан бир қаторда туради. 21-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги 13 йил мобайнида вилоят аҳолиси 123 фоизга ўсган ҳолда, ўртача бир йиллик кўпайиш 1,60 фоизга тенг бўлган.

Энг юқори кўрсаткич Бахмал, Жиззах ва Пахтакор туманларида кўзга ташланади, бу ҳолат уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Арнасой, Зафаробод ва Фориш туманларида демографик ривожланиш сустрок. Аҳоли сони бўйича Янгиобод республикамизда факат Томди туманидан (Навий вилояти) олдинда туради, холос. Демографик хусусиятлар, ўз навбатида, аҳолининг табиий ҳамда механик ҳаракати туфайли юзага келган. Вилоятда туғилиш ва табиий кўпайиш

кўрсаткичлари юқори. Жиззах вилояти аҳолиси йилига, 17-18 минг кишига кўпайиб бормоқда. Бундай кўпайиш тўлиқ табиий ҳаракат натижасида юзага келган, миграция алоқалари эса салбий натижаларга эга бўлиб, табиий кўпайиш бу манфий қолдиғини тўлдирибгина қолмай, умумий аҳоли ўсишини ҳам таъминлайди. 2013-йилда вилоят аҳолисининг табиий кўпайиши 18,6 промилле, миграция қолдиғи эса минус 0,6 %. 2012-йилда кўчиб келганлар 7748 киши, кўчиб кетганлар 10016 киши. Ҳар минг кишига ҳисоблаганда, туғилиш вилоят бўйича 22,6 кишини, вафот этганлар 4,0 кишини ташкил қилган. 22-жадвал маълумотлари кўрсатишича, туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқори даражалари Бахмал ва Зарбдор туманларида қайд этилган.

22-жадвал

**Жиззах вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати**  
(ҳар минг кишига нисбатан, 2013 й.)

т/р	Худудлар	Табиий ҳаракат			Механик ҳаракат		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция сальдоси
1	Арносой	20,6	3,1	17,5	11,2	14,6	-3,4
2	Бахмал	25,4	4,4	21,0	5,3	5,7	-0,4
3	Дўстлик	20,7	3,4	19,3	11,2	11,5	-0,3
4	Жиззах	24,3	4,4	19,9	5,8	4,7	1,1
5	Зарбдор	25,1	3,7	21,4	9,4	7,8	1,6
6	Зафаробод	21,5	3,0	18,5	11,9	11,9	0,0
7	Зомин	23,4	4,4	19,0	3,3	4,5	-1,2
8	Мирзачўл	19,5	2,6	16,9	21,6	14,6	7,0
9	Пахтакор	23,0	4,0	19,0	7,6	8,0	-0,4
10	Фориш	20,8	3,8	17,0	6,2	7,4	-1,2
11	Ғаллаорол	23,1	4,5	18,6	3,3	5,1	-1,8
12	Янгиобод	21,1	4,0	17,1	4,8	8,4	-3,6
	Жиззах шаҳри	19,2	3,8	15,4	8,8	11,3	-2,5
	Вилоят бўйича	22,6	4,0	18,6	7,0	7,6	-0,6

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Вилоят маркази – Жиззах шаҳрида туғилиш 19,2 %, табиий кўпайиш 15,4 ёки 1,54 % ни ташкил этган. Ўлим кўрсаткичлари Арносой, Мирзачўл, Зафаробод, Дўстлик туманларида қолган худудларга нисбатан пастроқ. Табиий кўпайиш эса, ўлим географиясида унча катта тафовут бўлмаганлиги сабабли, асосан туғилиш даражаси билан белгиланади. Вилоятнинг нозогеографик вазияти ҳам ўзига хос. Бу ерда, хусусан, Бахмал, Ғаллаорол туманларида тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси пастлиги туфайли турли хил юқумли касалликлар учраб туради.

Жиззах вилоятида миграция жараёнлари анъанавий хусусиятга эга. Даставвал, ўтган асрнинг 60-70 йилларида Мирзачўл даштини ўзлаштириш

муносабати билан бу ерга республикамизнинг бошқа вилоятларидан, айниқса кўшни Самарқанд вилоятининг Жомбой, Пойарик, Булунгур, Пастдаргом, Навоий вилоятининг Нурота туманларидан кўплаб аҳоли кўчиб келган. Сўнги йилларда эса миграция оқими тескари йўналишда кучайиб бормоқда. Хусусан, янги ўзлаштирилган худудларда келганларга нисбатан кетганлар кўп.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2013-йилда вилоятнинг деярли барча қишлоқ туманлари ва Жиззах шаҳрида миграция интенсивлиги юқори бўлган ҳолда унинг натижаси манфий бўлган. Айни вақтда, Мирзачўл туманида ҳар минг кишига 21,6 киши келган, 14,6 киши кетган, миграция қолдиғи мусбат 7,0 промиллега тенг бўлган. Умуман олганда эса, Жиззах ва Зарбдор туманларида ҳам аҳоли алмашинувининг натижаси ижобий, энг катта йўқотиш Янгибод ва Арнасой туманларида кузатилади.

Вилоятда 2013-йилда урбанизация даражаси 47,5 % (республикада 51,2 %), 2008 йилда эса у 29,2 фоиз бўлган. Шаҳарликлар 6 та шаҳар 43 та шаҳарчаларда истикомат қилади. “Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг ижросига биноан вилоятда 34 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилган. Жумладан, Жиззах туманида уларнинг сони 7 та: Жиззахлик, Гандумтош, Қораянтоқ, Токчилик, Мулканлик, Кангли ва Учтепа; Бахмал туманида 6 та: Муғол, Новка - 1, Аламли, Тонготар, Октош ҳамда Бахмал; Ғаллаоролда 4 та: Абдукарим, Лалмикор, Чувиллоқ, Кангли - 1. Қолган туманларда бундай шаҳарчалар озроқ, Пахтакор ва Дўстлик туманларида эса атиги биттадан (Гулзор ва Наврўз).

Янги шаҳарчалар орасида Ғолиблар (12,0 минг киши), Жиззахлик (15,6 минг), Токчилик (15,8 минг), Мулканлик (11,0 минг), Юксалиш (11,5 минг киши) аҳоли сони бўйича ажралиб туради. Умуман олганда эса, Жиззах шаҳридан ташқари қолган шаҳар жойлар кўпроқ кичик синфларга тааллуқли. Бу ерда урбанистик таркибининг ўрта бўғини ниҳоятда заиф: 50-100 минг аҳолига эга бўлган бирорта шаҳар йўқ, Пахтакор, Ғаллаорол, Даштобод шаҳарлари аҳолиси 20-25 минг атрофида.

Жиззах вилоятида 500 дан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари бор. Янги шаҳарчалар пайдо бўлганлиги сабабли қолган қишлоқлар янада майдалашган; ҳар бир қишлоққа ўртача 1100-1200 кишидан тўғри келади. Нисбатан йирикроқ қишлоқлар Сангзор дарёси ҳамда Тошкент – Самарқанд автомагистральи бўйида, Жиззах шаҳри атрофи ва янги ўзлаштирилган жойларда учрайди.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 694 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 424 минг, иқтисодиётда банд аҳоли 403 минг кишидан иборат. Бир йилда жами 43-45 мингга янги иш ўринлари яратилади, уларнинг 3/5 қисмидан кўпроғи қишлоқ жойларига тўғри келади. Бу ўринлар, асосан, чорвачилик ва касаначилик доирасида ташкил этилган. Банд бўлган

аҳолининг 2/3 қисми моддий ишлаб чиқариш соҳасига мансуб. 2012-йил яқунларига кўра, саноатда банд бўлганлар улуши 7,5 %, қурилишда 6,9 %, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида 8,1 %, транспорт ва алоқада 3,7 % га тенг. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг энг катта қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалигида қайд этилади (42,4 %).

Аҳолининг миллий таркибида маҳаллий миллат вакиллари, яъни ўзбеклар кўпчиликни ташкил қилади (88,5 %, 2013й.). Шунингдек, бу ерда қозоқлар (Фориш, Арнасой, Мирзачўл) ва қирғизлар (Дўстлик, Бахмал, Зомин) ҳам бироз кўпроқ. Бошқа миллат вакиллари – тожик, рус, татарлар ҳам бор.

**Хўжалиги.** Жиззах вилояти ўзининг минтақавий иқтисодиёт тузилмасига кўра ривожланиб бораётган аграр-индустриал ҳудуд ҳисобланади. Унинг ҳиссасига республика ялпи ички маҳсулоти қийматининг -2,2 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг -1,3, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 5,0, чакана савдо айланмасининг -3,2 ва пуллик хизматнинг -2,3, экспортнинг 10,2 - ва импортнинг -1,0 фоизи тўғри келади. Бу нисбий рақамларни вилоятнинг демографик салоҳияти билан таққослаганда (4,0 %) вазият янада ойдинлашади. Демак, айтиш мумкинки, вилоятнинг фақат агроиқтисодиёт тизимида аҳвол бирмунча яхшироқ.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркиби эса қуйидагича (2013 й.): саноат ишлаб чиқариши -10,2 %, қурилиш -8,4 %, қишлоқ хўжалиги -37,8 %, транспорт ва алоқа -10,4 %, савдо ва умумий овқатланиш -8,9 %, солиқлар -3,5 %, бошқа соҳалар -18,8 %.

Сўнги йилларда барча асосий иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш кузатилади. Кичик бизнес (тадбиркорлик) ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 80,1 фоизини таъминлаган бўлиб, бу соҳада иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 82,0 фоизи хизмат қилади. Унинг ҳиссасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99,8%, – қурилиш –89,6 %, савдо – 34,2 %, саноат маҳсулотининг 34,2 % тўғри келади. Кичик бизнеснинг асосий қисми хусусий тадбиркорлар фаолиятдан иборат.

**Саноати.** Жиззах вилояти саноати унча ривожланмаган. Фаолият кўрсатаётган жами саноат корхоналарининг сони 1170 та, шу жумладан, йирик саноат корхоналари 19 та. Бу макроиқтисодий соҳада 7,2 минг киши ишлайди. Тармоқлар таркибида енгил ва озиқ-овқат саноати етакчилик қилади. Мазкур икки тармоқ вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 2/3 қисмини беради (6-расм).

2013-йилда 70,2 минг тонна пахта толаси, 115 минг т чигит, 12,6 минг т ўсимлик ёғи, 56,9 минг т ун, 47,3 минг т омихта ем, 530 минг дона аккумуляторлар ишлаб чиқарилган. Шунингдек, 85,4 минг т гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 400,2 минг т сут маҳсулотлари ҳам олинган.

**6-расм. Жиззах вилояти саноат тармоқлари таркиби**  
(2013, фоиз ҳисобида)



Аккумуляторлар Жиззах аккумулятор заводида, ун маҳсулотлари Жиззах ва Дўстлик шаҳарларида жойлашган дон маҳсулотлари комбинатларида, плёнка ва қувурлар “Жиззах пластмасса” АЖда ишлаб чиқарилади. Пахтани қайта ишлаш заводлари пахта етиштиришга ихтисослашган қишлоқ туманлари марказларида жойлашган (Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл).

Вилоят саноати аккумулятор, пластмасса буюмлар, трикотаж буюмлар, оҳак, гипс, пахта ёғи, ун каби маҳсулотларни, ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Вилоятда электр энергетика базаси ниҳоятда сустривожланган: электр энергияни Сирдарё ИЭС дан олинади.

Тоғ-кон саноати Қўйтош (вольфрам, молибден), Маржонбулоқ (олтин), Учкулоч (кўрғошин, рух) ва бошқа “ресурс” шахарчаларда ташкил этилган. Кимё, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, қишлоқ ва йўл хўжалиги машиналарини таъмирлаш йўлга қўйилган. Вилоятда қурилиш материаллари саноати ҳам бирмунча ривожланган (Жиззах, Даштобод, Ғаллаорол). Зафаробод туманида йирик цемент заводи ишга туширилган. (2013-йилда унинг қурилишига 120 млн АҚШ доллари сарфланган).

15-иловада келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатишича, Жиззах шаҳри вилоят саноати маҳсулотининг 36,0 фоизини ва Дўстлик тумани 19,3 фоизини таъминлайди. Бу соҳа Зомин ва Пахтакор туманларида ҳам кўзга кўринарли даражада. Қолган қишлоқ туманларида эса саноат ишлаб чиқариши ривожланмаган (айниқса Мирзачўл ва Янгиобод туманларида). Халқ истеъмол молларининг 46,6 фоизи биргина вилоят маркази – Жиззахга тўғри келади. Қишлоқ туманлари орасида Дўстлик ҳамда Жиззах ва Ғаллаорол, Бахмал туманлари ажралиб туради.

Умуман олганда эса, вилоят саноатининг тармоқлар ва ҳудудий таркиби унча ривожланмаган. Бинобарин, бу ерда мавжуд хом ашё ва

минерал ресурслардан, бой меҳнат захираларидан самарали фойдаланиш асосида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратиш лозим. Маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификациялаш минтақа саноатини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Хусусан, “Жиззах” махсус индустриал зонасининг барпо этилиши минтақа саноат салоҳиятини кескин кўтарди.

**Қишлоқ хўжалиги.** Турли тармоқларга ихтисослашган қишлоқ хўжалиги Жиззах вилояти иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Минтақа пахта, чорвачилик, боғдорчилик, лалмикор деҳқончилик, асаларичилик, картошка, сабзавот, полиз (ковун, тарвуз) маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Деҳқончилик ҳиссаси – 48 %. Бу нисбат об-ҳаво, иқлим шароитлари ҳамда мамлакатимизнинг аграр сиёсати таъсирида ўзгариб туради.

Вилоятда жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 1266,3 минг гектарга тенг. Унинг 22,0 фоизи суғориладиган ерлар. Кўриниб турибдики, минтақада интенсив равишда қишлоқ хўжалиги, хусусан суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имкониятлари бирмунча чекланган. Суғориладиган ерлар улуши айниқса тоғ ва тоғолди худудларда жойлашган Фориш, Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Янгиобод қишлоқ туманларида оз. Фориш туманининг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардан бор-йўғи 0,3 фоизи, Янгиобод туманининг 6,6, Бахмал туманининг 8,2 фоизи суғориладиган ерларга тўғри келади. Бу кўрсаткич Арнасой, Зафаробод, Мирзачўл туманларида анча юқори, Зарбдор, Пахтакор, Жиззах туманларида эса у деярли 100 фоизга тенг (23-жадвалга қаранг).

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 38,4 фоизи экин майдонлари билан, 59,8 фоизи пичанзор ва яйловлар билан банд. Пичанзор ва яйловлар Бахмал, Зомин, Фориш, Янгиобод каби тоғ ва тоғолди худудларда жойлашган қишлоқ туманларида, экин экиладиган ерлар эса пасттексислик худудларда (Арнасой, Дўстлик, Пахтакор, Зарбдор ва бошқалар) кўп.

2013-йил маълумотлари бўйича, қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 390 минг гектарни ташкил қилади. Жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 63,0 фоизи деҳқон хўжалигига, 36,2 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келади. Деҳқон хўжаликларининг улуши чорвачиликда, боғдорчилик, картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиришда кўпроқ. Фермер хўжаликлари эса, асосан пахтачиликда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жиззах вилоятида, кўшни Сирдарё вилоятида бўлгани каби, тадбиркорлар асосан фермер хўжаликларида фаолият кўрсатишади. Улар ёки уларнинг ота-боболари бир вақтлар республика-мизнинг бошқа вилоятларидан айни шу мақсадда кўчиб келишган.

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

**ИШЛОС БЕРУВЧИ  
САНОАТ (2010 й.)**  
Ялпи маҳсулот ҳажми  
буйича саноят пунктлари



## Саноят тармоқлари

- Ёқилғи
- Рангли металлургия
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Кийим
- Қурилиш материаллари
- Енгил
- Озиқ-овқат
- Бошқа тармоқлар



## КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ

### Суғорима деҳқончилик зонаси

- Шаҳар атрофи ҳужалиги: сабзавотчилик, боғдорчилик ва суг-гушт чорвачилиги
- Дончилик, пахтачилик, боғдорчилик, ипакчилик ва суг-гушт чорвачилиги
- Сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, ипакчилик, асаларичилик ва суг-гушт чорвачилиги

### Лалми деҳқончилик зонаси

- Донли экинлар, баъзи ерларда техник экинлари ва гўшт-суг чорвачилиги

### Чўл-ййлов зонаси

- Чўл-ййлов чорвачилиги

### Тоғ-ййлов зонаси

- Тоғ-ййлов чорвачилиги (гўшт-жун қўйчилиги, йилқичилик), дарё vodiёларида боғлар ва узумзорлар
- Қурикланадиган ерлар

## КЕНГ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР

- боғлар
- дон-дуққаклилар
- сабзавот ва картошка
- ёнғоқзорлар
- полиз экинлари
- беда
- бугдой
- ўрмонлар
- арпа

## РАЙОНЛАР

- чўқаччилик
- паррандачилик
- асаларичилик

## САНОАТ ВА КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯЛПИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ (2011 й.)

1 км устуғи баландлиги - 100 млрд. сум  
 ■ сааноат ■ қишлоқ хўжалиги

## УНДИРУВЧИ САНОАТ

- Полиметалл рудалари
- Олтин
- Волластонит
- Ранг-баранг тошлар
- Керамзит хом ашёси
- Оҳқатон
- Базальт
- Минерал сув булоқлари

Жалойир Қонларнинг номлари

- Электр узатиқ линийалари
- Газ қуурлари
- Нефть қуурлари



## Жиззах вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони, минг га	Шу жумладан, суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахт-зорлар	бўз ерлар	пичан зор ва яйловлар
Арнасой	49,3	35,9	32,0	87,6	1,3	-	11,1
Бахмал	186,4	106,5	8,8	36,9	3,5	2,4	57,1
Дўстлик	45,0	34,4	34,4	98,1	1,9	-	-
Жиззах	132,0	80,7	31,1	59,6	2,0	0,9	37,5
Зарбдор	50,7	35,8	34,3	96,4	1,1	0,5	8,0
Зафаробод	52,2	33,6	27,7	81,9	2,8	-	15,3
Зомин	287,0	197,3	34,9	35,1	0,3	0,2	64,4
Мирзачўл	48,0	35,5	31,4	86,7	2,3	0,8	10,2
Пахтакор	37,7	27,3	27,3	98,7	1,3	-	-
Фориш	953,5	438,8	1,4	4,7	0,2	0,4	94,7
Галлаорол	195,0	168,5	10,0	55,3	1,1	0,7	42,9
Янгиобод	72,1	68,2	4,6	42,4	2,1	1,5	54,0
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>2117,8</b>	<b>1266,3</b>	<b>278,3</b>	<b>38,4</b>	<b>1,1</b>	<b>0,6</b>	<b>59,8</b>

Жадвал "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" – Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011, - 82 бет маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Фермер хўжаликлариغا бириктирилган ер майдони 475 минг га, уларда ишлайдиганлар 61,3 минг киши, ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 11,2 гектардан ер тўғри келади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Фарғона водийси вилоятлари ҳамда Хоразм вилоятида жуда паст. 2012-йил якунлари бўйича барча донли экинлар майдони 206,3 минг га, унинг 194,1 минг гектари бошқоқли дон экинлари билан банд бўлган. Шу жумладан, 156,6 минг га ерга буғдой экилган, умумий ҳосил – 443 минг т, ҳосилдорлик 28,3 ц/га (2009 й.-34,2 ц/га) тенг бўлган. Пахта майдонлари 101,4 минг га, ялли ҳосил – 231 минг т, ҳосилдорлик 22,8 ц/га ни ташкил этган. Картошка 1,6 минг гектарга, 8,6 минг гектарга сабзавот, 8,5 минг гектарга полиз экилган. Ялли ҳосил, мос ҳолда, 46,3; 282,2; 188,3 минг тоннадан. Ем-ҳашак экинлари, жами 37,5 минг гектар атрофида, уларнинг аксарият қисми фермер хўжаликларига тўғри келган. Боғдорчилик эса 12,8 минг гектарда ташкил этилган, ялли ҳосил–65,6 минг т. (асосан олма), ҳосилдорлик – 70,4 ц/га.

Вилоят қишлоқ хўжалигида 2012-йилда тирик вазнда 142,3 минг т гўшт, 400,2 минг т сут, 130,2 млн дона тухум, 3 минг тонна жун, 625,5 тонна пилла етиштирилган. Барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли

қорамоллар 700,4 минг бош (қўпчилиги деҳқон хўжаликларда), қўй ва эчкилар 1538 минг бош, отлар 21 минг бош бўлган.

Қишлоқ хўжалиги географиясида сезиларли ҳудудий тафовутлар мавжуд. 16-иловада келтирилган маълумотлар бўйича, энг кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (қийматига кўра) Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Дўстлик туманлари беради. Турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳам туманлараро фарқлар яққол кўзга ташланади. Масалан, бошоқли дон кўпроқ Дўстлик, Мирзачўл, Зомин ва Пахтакор туманларида, полиз – Зарбдор ва Мирзачўлда, сабзавот – Ғаллаорол, Бахмал ва Жиззах туманларида, картошка – Бахмал ва Ғаллаоролда, мева – Бахмалда етиштирилади.

**Ижтимоий география.** Жиззах вилоятида, мамлакатимизнинг бошқа минтақалари сингари, ижтимоий соҳалар ривожланишига устувор аҳамият берилмоқда. Бу республика Президенти томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойилларига мос келади.

Вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси Жиззах шаҳридан ташқари, Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Бахмал туманларида, пуллик хизмат Жиззах, Ғаллаорол, ва Зомин туманларида, нисбий кўрсаткичларда, юқори улушларга эга.

Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши вилоят бўйича ўртача 72,3 %, табиий газ билан - 75,4 %. Қўриниб турибдики, ушбу соҳада ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжуд. Жами тиббиёт муассасалари сони 63 та, уларнинг кўпчилиги бюджет тизимида. Бемор ўринлар сони ҳар 10 минг аҳолига 40,5 та, амбулатория - поликлиника муассасалари 272 та.

2013-йилда вилоятда жами 2006 врачлар бўлиб, ҳар 10000 кишига – 16,6 та врач, 90,7 ўрта медицина ходимлари хизмат кўрсатган; Қишлоқ врачлик пунктлари 174 та бўлиб, ҳар бир қишлоқ туманига ўртача 17,5 тадан тўғри келади. Ҳар 100 минг аҳолига ҳисоблаганда, касалланиш 44,4 минг киши бўлган.

Умумтаълим мактаблари 546 та, ўқувчилар - 199 минг киши; ҳар бир мактабда ўртача 364 тадан ўқувчи бор. Бу кўрсаткич аҳоли зич жойлашган минтақалар – Фарғона водийси, Хоразм ва Тошкент вилоятларига қараганда анча паст, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ёки Навоий вилоятларига нисбатан эса каттароқ. Таълим географиясидаги бундай тафовутлар минтақаларнинг табиий шароити ва ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари билан боғлиқ. Вилоятда академик лицейлар 4 та (талабалар 3610 нафар), касб-ҳунар коллежлари 75 та (талабалар 61780 нафар). Академик лицейлар асосан вилоят марказида, касб-ҳунар коллежлари эса барча қишлоқ туманлари ва шаҳарларида ташкил этилган. Жиззах шаҳрида 2 та олий ўқув юрти – педагогика ва политехника институтлари бор.

**Инвестиция, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Жами киритилган инвестициянинг 2/5 қисми ишлаб чиқариш тармоқларига, 60,0 фоизига яқини ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган. Албатта, бу қўйилмалар яқин келажакда ўз самарасини беради.

Инвестициялар ҳудудий таркибида Жиззах етакчи – 34,2 %, Ғаллаорол туманига жами инвестиция ҳажмининг 13,0 % тўғри келади. Шунингдек, Бахмал, Жиззах ва Зомин туманларининг ҳам ҳиссаси катта. Айни вақтда, бу кўрсаткич Янгиобод, Зафаробод ва Мирзачўл туманларида жуда паст. Хорижий инвестициялар ёрдамида 50 та қўшма корхона ташкил этилган. 2012-йилда фаолият кўрсатган қўшма корхоналар вилоят ялпи маҳсулотининг 20,3, экспортининг 6,8 % ни таъминлаган. Уларда жами 1032 киши ишлаган. Импорт ҳажми 12652 минг АҚШ долларига тенг бўлган.

Вилоятда транспортнинг ҳар хил турлари мавжуд. Юк ва йўловчилар ташиш асосан автомобиль транспорти зиммасига тушади. Масалан, 2010-йилда транспортда ташилган юк 25,6 млн. тоннани ташкил этган ҳолда, у тўлиқ автомобиль транспорти томонидан амалга оширилган. Шу йилда транспортда ташилган йўловчилар сони 187,7 млн. кишига тенг бўлган.

Жиззах вилоятининг транспорт географик ўрни қулай. Бу ердан Катта ўзбек йўли, электрлаштирилган темир йўл ўтган. Вилоят ва унинг маркази – Жиззах шаҳри Тошкент, Самарқанд, Бекобод шаҳарлари билан алоқа қилиш учун қулай имкониятга эга.

Ташқи иқтисодий алоқалар, асосан Хитой, Россия, Швейцария, Гонконг, Туркия, Сингапур ва бошқа давлатлар билан олиб борилади. 2012-йилда вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 175,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ва ўтган йилга нисбатан бироз камайган (270,6 млн доллар). Экспорт 115,3 ва импорт 60,3 млн. долларни ташкил қилган. 2008 йилда бу кўрсаткичлар мос тарзда, 131,0; 103,8; ва 27,1 млн. АҚШ доллари ҳажмига тенг бўлган.

Экспорт таркибида пахта толаси 73,2 % (2009-йилда 81,6 %, 2008 йилда 64,9 %), озиқ-овқат маҳсулотлари 10,1 %. Импорт таркибида эса машина ва ускуналар 30,9 % (2008 йилда 53,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари 31,1 % (13,6 %) фоизни ташкил этган.

Иқтисодий алоқалар географиясида Пахтакор (экспортда 19,4 %) ва Дўстлик (10,3 %) туманлари олдинда туради. Шу билан бирга, қулай инвестиция муҳитининг мавжуд эмаслиги ва қўшма корхоналар барпо этилмаганлиги сабабли Фориш, Янгиобод, Ғаллаорол туманларида экспорт йўқ даражада. Импортда эса, энг аввало, Жиззах шаҳрининг улуши катта – 55,8 %. Зарбдор тумани ҳам бу борада ажралиб туради – 17,6 %. Айни вақтда, Арнасой, Дўстлик ва Мирзачўл қишлоқ туманларида кўрилайётган йилда импорт оз даражада амалга оширилган.

**Вилоят ҳўжалигининг ҳудудий таркиби.** Вилоят табiiй шароити, агроиклим ва минерал хом ашё ресурсларининг ҳудудий хусусиятлари бу

ерда иккита асосий табиий-хўжалик районларининг шаклланишига олиб келган. Биринчиси ёки *Юқори район* тоғ ва тоғолди худудларда жойлашган Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Жиззах ва Янгиобод туманларини ўз ичига олади. Район вилоят умумий майдонининг 87,8 фоизи ва аҳолисининг 3/4 қисмига яқинини ўзида мужассамлаштиради. Бу худудда лалмикор дехқончилик, хусусан, бугдой етиштириш, шунингдек, боғдорчилик, асаларичилик, картошка, жун ва сут-гўшт чорвачилиги, рекреация ва туризм ривожланган. Район минтақа ялпи саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ярмидан ортигини беради. Бу ерда жойлашган Жиззах шаҳар вилоят саноатининг асосий марказидир.

Иккинчи – *Қуйи район* асосан пасттекисликларда жойлашган, янги ерларни ўзлаштириш негизда ташкил топган Арнасой, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл ва Пахтакор қишлоқ туманларидан иборат. Район вилоятнинг пахтачиликка ихтисослашган худуди ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда сабзавотчилик ва полиз маҳсулотларини етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Қуйи районда вилоят умумий майдонининг 12,2 ва аҳолисининг 26,7 фоизи жойлашган. У минтақа саноат ишлаб чиқаришининг 43,8 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 44,9 фоизини беради.

Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Дўстлик, Зафаробод, Пахтакор туманлари юқори, Янгиобод, Ғаллаорол, Мирзачўл туманларининг кўрсаткичлари эса, паст даражада. ХИМ ишлаб чиқариш Жиззах шаҳри ва Дўстликдан ташқари барча туманларда вилоят даражасидан камлигини кўриш мумкин. Аҳолига пулик хизмат кўрсатишда Дўстлик, Жиззах, Мирзачўл туманлари бироз юқори бўлса, Янгиобод туманининг улуши анча оз. Қолган туманларнинг иқтисодий салоҳияти унча юқори эмас.

Келажақда Жиззах вилоятининг ривожланиш стратегияси турли омиллар асосида амалга оширилиши мумкин. Бу борада вилоятнинг мавжуд табиий – ресурс салоҳиятидан кенг фойдаланиш, иқтисодиётининг таркибий тузилишини бойитиш ва замонавийлаштириш, “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш муҳим аҳамият касб этади. Вилоятда меҳнат ресурслари кўп, шу боис, бу ерда меҳнатни кўп талаб қилувчи озиқ-овқат ва енгил саноатни ривожлантириш имкониятлари катта.

Шунингдек, Жиззах вилоятининг қулай иқтисодий ва транспорт иқтисодий географик ўрнини ҳам таъкидлаш жоиз. У республикамизнинг Марказий ва Зарафшон минтақаларини боғловчи халқа ва ўзига хос ўсиш кутби ёки кутбийлашган ландшафт сифатида ҳам ривожланиши мумкин. Бинобарин, вилоятнинг худудий сийсати кўпроқ шу туманларга қаратилиши лозим. Айниқса Арнасой, Бахмал, Зомин, Фориш, Янгиобод

**Жиззах вилояти ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг  
асосий индикаторлари**

т/р	Худудлар	Саноат ишлаб чиқариш	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Пудрат ишлари	Чака- на савдо	Пуллик хизмат	Капитал қўйил- малар
1	Арнасой	0,201	1,118	0,409	0,334	0,369	0,697	2,083
2	Бахмал	0,405	1,150	0,844	0,773	0,716	0,478	0,709
3	Дустлик	4,659	2,078	3,201	0,849	0,995	0,697	0,677
4	Жиззах	0,515	0,709	0,483	0,775	0,561	0,713	0,571
5	Зарбдор	0,984	1,386	0,373	0,745	0,379	0,676	0,798
6	Зафаробод	1,433	1,552	0,403	0,266	0,173	0,534	0,414
7	Зомин	0,598	0,837	0,368	0,618	0,665	0,541	0,750
8	Мирзачўл	0,320	1,810	0,485	0,559	0,906	0,831	0,546
9	Пахтакор	1,570	1,408	0,413	0,895	0,966	0,648	0,593
10	Фориш	0,462	0,768	0,435	0,651	1,029	0,455	0,708
11	Ғаллаорол	0,209	1,000	0,423	0,502	0,834	0,634	0,897
12	Янгиобод	0,207	1,405	0,436	0,591	0,726	0,297	1,009
13	Жиззах ш.	2,293	0,159	3,399	3,260	2,949	3,603	2,623
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси  
маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

қишлоқ туманларида инвестиция муҳитини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни жадал ривожлантириш талаб этилади.

### 2.3.2. Сирдарё вилояти

Сирдарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг майдони ва аҳоли сони бўйича энг кичик маъмурий бирликларидан саналади. У 1963-йил 16-февралда ташкил этилган, майдони 4,28 минг кв. км ёки республика худудининг бор-йўғи 0,95 фоизини ташкил этади, холос. Бу борада у мамлакатимизда охириги ўринда туради. Аҳолиси 2014-йил маълумотларига караганда, 763,7 минг киши. Бу Ўзбекистон жами аҳолисига нисбатан 2,5 %, Мирзачўл иқтисодий районининг 39,0 фоизи демакдир. Аҳоли сони бўйича ҳам вилоят энг сўнги ўринда.

Мамлакатимиз ва иқтисодий район худудий меҳнат тақсимотида бу минтақа аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, жумладан, пахта, полиз экинлари, дон ва бошқа маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган. Хўжалиги, умуман олганда, худудий агро-индустриал мажмуа шаклига эга. Қолаверса, ушбу вилоятнинг ташкил этилишини асосий мақсади ҳам янги ерлар, яъни Мирзачўлни ўзлаштириш асосида пахтачиликни ривожлантириш бўлган. Бундан тахминан 100 йил муқаддам мазкур чўлнинг ўзлаштирилиши Чор Россияси томонидан бошланган ва ўша

вақтда жуда катта майдонни эгалловчи Сирдарё вилояти (бўлими) ҳам ташкил этилган.

2013-йил якунларига кўра, Сирдарё вилояти Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 1,9 фоизини берган, унинг sanoat ишлаб чиқаришдаги улуши – 2,4 % дир. Кишлоқ хўжалигининг ҳудудий мужассамлашув кўрсаткичи анча юқори, яъни 3,9 фоизга тенг. Қолган асосий ижтимоий-иқтисодий индикаторлар 1,5-1,9 % атрофида, экспорт-импорт салоҳияти эса бундан ҳам паст.

Сирдарё вилояти маъмурий жиҳатдан 8 та кишлоқ туманлари, 5 та туманга бўйсинувчи шаҳар ва 25 та шаҳарчалардан иборат. Кишлоқ фуқаролар йиғинлари 69 та бўлиб, улар жами 257 та кишлоқ аҳоли пунктларини бирлаштиради. 25-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, айрим кишлоқ туманлари вилоят ташкил топганидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Сирдарё тумани 1939-йилда, Гулистон 1952 йилда, Боёвут - 1961 йилда ажратилган. Энг сўнгги туман 1988-йилда ташкил этилган (Мирзаобод).

Вилоят майдони кичик, унинг туманлари ҳам шунга мос ҳолда майда, ўртача ҳар бир кишлоқ туманларига 0,54 минг кв. км тўғри келади. Бироқ, бу кўрсаткичлар ҳудуди бўйича деярли тенгдош Андижон вилоятига солиштирилса, улар нисбатан каттароқ туюлади. Маълумки, Андижон вилоятининг майдони 4,30 минг кв. км бўлиб, шундай кичик ҳудудда 14 та кишлоқ туманлари бор, ҳар бир туманнинг майдони ўртача 0,31 минг кв. км. Вилоятда энг катта туман билан энг кичик туман орасидаги нисбат (Мирзаобод ва Гулистон туманлари) 1,83 мартани ташкил қилади.

**Иқтисодий географик ўрни ва табиий ресурслари.** Сирдарё вилояти нисбатан қулай иқтисодий географик мавқега эга. Вилоят мамлакатимиз доирасида ғарб ва жануби-ғарбда Жиззах, шарқ ва шимоли-шарқда Тошкент вилояти билан чегарадош. Геосийёсий ўрни ҳам ўзига хос: Сирдарё вилояти шимолда Қозоғистон Республикасининг Жанубий Қозоғистон вилояти, жанубда Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти билан туташ. Вилоятнинг деярли қоқ ўртасини кесиб ўтган магистраль йўллар (“Сирдарё ўқи”) ҳам унинг географик ўрнининг қулайлиги, транзит хусусиятга эгалигини кўрсатади.

Ер усти тузилиши унча мураккаб бўлмаган, Сирдарё вилояти фойдали қазилмаларга ҳам бой эмас. Фақатгина қурилишларда ишлатиладиган ғишт ишлаб чиқариш учун хом ашёни ҳисобга олмаганда, (Боёвут ва б.) деярли бошқа бойликлари аниқланмаган. Худудининг аксарият қисми текисликлардан иборат бўлиб, Жиззах вилоятидан фарқ қилган ҳолда, у суғорма деҳқончилик қилиш учун анча қулайдир. Аммо умумий ер фонди нафақат иқтисодий районда, балки республикада ҳам нисбатан кичик ҳисобланади.

Вилоятда вегетация даври узун бўлиб, у 210-228 кунга етади. Иқлимнинг иссиқлиги, вегетация муддатининг узоклиги иссиқсевар экинлар етиштириш учун қулай. Асосий сув ресурсларига Сирдарё киради ва у худуд ерларини суғоришга хизмат қилади. Республикамиздаги газ билан ишлайдиган энг йирик, қуввати 3000 кВт бўлган Сирдарё ИЭС вилоятнинг Ширин шаҳрида қурилган. Сирдарё вилоятидаги ўзига хос табиий-иктисодий, географик омилларнинг мавжудлиги хўжаликнинг суғорма деҳқончилик ва шу асосда баъзи тармоқларнинг ривожланишига олиб келган.

Шундай қилиб, вилоятнинг табиий шароити, хусусан минерал ресурс салоҳиятининг пастлиги, унинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига таъсир кўрсатади. Минтақа ер усти тузилиши ҳам ижобий, ҳам бироз салбий аҳамиятга эга. Унинг баландлиги денгиз сатҳидан 310-320 метрдан ошмайди. Бундай текислик уй-жой қурилиши, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳоли жойлашуви учун қулай. Аммо кишлоқ хўжалиги, хусусан суғорма деҳқончилик нуқтаи назаридан ер бироз нишаб бўлгани ҳам маъқул. Сабаби, бундай шароитда сув тўпланиб, ер захланиб қолмайди.

Кишлоқ туманларининг жойланиши, ташқи қиёфаси (конфигурацияси) хўжаликни худудий ташкил этиш ва бошқаришда бироз қийинчиликлар туғдиради. Масалан, Мирзаобод туманининг бир қисми унинг асосий қисмидан “узилган” (эксclave) ҳолда, Оқолтин ва Сардоба туманларининг ўртасида жойлашган; Сирдарё тумани меридианал (тик) ҳолда чўзилган бўлса, Ховос горизантал кўринишга эга. Фақат Сайхунобод тумани бироз ичхам (компакт) худудий кўринишга эга, холос.

Минтақанинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишига маъмурий-худудий тузилманинг ўзгарувчанлиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Маъмурий бирликларнинг кўшилиб, яна қайта тикланиши, кишлоқ туманлари чегараларнинг ўзгариб туриши каби “географик ўйинлар” худудларни бошқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш, қолаверса, ретроспектив илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳам айрим қийинчиликларга олиб келади.

**Вилоят аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Юқорида таъкидланганидек, минтақанинг демографик кўлами унча катта эмас. Бироқ, бу ерда аҳоли зичлиги анча юқори, яъни анъанавий чўл худудларига хос эмас. Бу кўрсаткич ўртача 178 кишига тенг, у Боёвут туманида 229 кишидан ортиқ; ўртачадан юқори даража Сирдарё туманида ҳам кузатилади (25-жадвал).

Вилоят аҳолисининг ўсиши республиканинг баъзи турдош худудларига қараганда бирмунча сустрок. У 2008-2014-йилларда ўртача 8,8 минг кишидангина кўпайиб борган. Бу ўртача йиллик кўпайиш 1,20 фоиз демакдир. Ваҳоланки, мамлакатимиз аҳолиси сўнгги йилларда 1,60 фоиз атрофида ортиб бормоқда. Узокроқ тарихий демографик давр олинса ҳам ўсиш суръатлари жуда катта эмас. Чунончи, 1989-2014-йиллар

мобайнида Сирдарё вилояти аҳолиси 134,2 фоизга ошган, холос (1989-йилда бу ерда жами 569 минг киши етган)

25-жадвал

Сирдарё вилояти қишлоқ туманлари ҳақида баъзи бир маълумотлар

т/р	Туманлар	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши (2014 й.)	Аҳоли зичлиги, 1 кв км/ киши
1	Боёвут	05.04.1961	Боёвут ш-часи	0,52	116,5	224,0
2	Гулистон	16.04.1952	Дехқонобод ш-часи	0,35	64,0	182,8
3	Мирзаобод	02.09.1988	Наврўз ш-часи	0,64	63,6	99,4
4	Оқолтин	31.08.1971	Сардоба ш-часи	0,55	46,9	85,3
5	Сайхунобод	07.12.1970	Сайхун ш-часи	0,45	69,5	154,4
6	Сардоба	30.04.1964	Пахтаобод ш-часи	0,52	59,6	113,6
7	Сирдарё	10.02.1939	Сирдарё ш.	0,55	116,7	211,1
8	Ховос	25.08.1966	Ховос ш-часи	0,62	86,8	140,0
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>16.02.1963</b>	<b>Гулистон ш.</b>	<b>4,28</b>	<b>763,7</b>	<b>178,4</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Минтака аҳолисининг бундай ўсиши унинг табиий ва механик ҳаракатига боғлиқ бўлган. Аҳоли табиий ва механик ҳаракати 42-жадвалда келтирилган. Унга кўра, вилоятда туғилиш коэффициентининг тобора камайишини кўриш мумкин. Жумладан, у 2008-йилда 24,3 промиллега тенг бўлган, 2013-йилда эса 21,9 ни ташкил қилган (2000 йилда туғилиш 22,1, ўлим 5,5 промилле бўлган). Бу, албатта, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм каби вилоятлар кўрсаткичидан пастроқдир.

Туғилишнинг умумий коэффициенти Мирзаобод туманидаги 24,1 промилледан Сирдарё туманидаги 20,3 гача фарқ қилади. 2008 йилда ҳам бундай ҳудудий тафовутлар унча катта бўлмаган: Ховос туманида 26,0, Оқолтинда 21,3 %. Қизиғи шундаки, шаҳар жойларда, масалан, Гулистон ва Янгиерда бу кўрсаткич қишлоқ жойларга қараганда юқорироқ. Ўлим кўрсаткичи анча паст; 2013-йилда у вилоят бўйича 4,8 промилле бўлган холда, туманлар доирасида 3,5 дан (Сардоба) 5,5 промиллегача (Сирдарё туманида) ўзгаради. Энг юқори кўрсаткич эса Гулистон шаҳрида қайд этилади.

Аҳолининг табиий кўпайиши туғилиш даражасидаги ҳудудий хусусиятларга эга. Бир йилда у 17,1 промилле, фоизда олинса – 1,71 %. Ваҳоланки, вилоят аҳолисининг реал кўпайиш суръати 1,0 фоиздан ортиқроқ, холос. Демак, бундай демографик вазият аҳолининг ташқи миграцияси туфайли вужудга келган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Сирдарё вилояти аҳолиси асосан миграция таъсирида шаклланган республикамиздаги ягона минтақа ҳисобланади. Ўтган асрнинг дастлабки йилларида бу ерга рус фуқаролари (батраклари) кўчиб келган. Ўша пайтда



русча номли аҳоли манзилгоҳлари вужудга келган (Крестьянское, Славянский, Дмитровское ва ҳ.к.).

XX асрнинг 50-йиллари охирида Мирзачўл даштини комплекс ўзлаштириш дастури амалга оширилиши бошланган. Сал кейинроқ шу мақсадда алоҳида вилоят ҳам ташкил этилган ва унга пойтахт сифатида деярли “бўш” жойда Янгиер (исми жисмига монанд) шаҳри барпо этилган. Унинг қурилиши архитектор А.Зотов лойиҳаси бўйича 1956 йилда бошланган. Бироқ, у қўзланган мақсадига эриша олмади, бунга оддий географик омил, яъни Ховос ёки Урсатьевск шамоллари сабаб бўлди. Натижада, Сирдарё вилояти маъмурий маркази сифатида Гулистон (аввалги Мирзачўл) шаҳри танланди.

Мирзачўлни ўзлаштириш учун республиканинг бошқа вилоятларидан, асосан аҳолиси зич жойлашган ҳудудлардан аҳоли (дастлаб мажбурий, сўнг ихтиёрий равишда) кўчиб келтирилган. Бу ерга кўпроқ Андижон, Фарғона вилоятларидан деҳқонлар (аввал ўзлари, келиб-кетиш тарзида (“вахта” кўринишида), кейинги йилларда оилалари билан бутунлай) кўчиб келишган. Чўлни ўзлаштириш жараёнининг кейинги босқичларида Самарқанд вилоятидан ҳам миграция бўлган. Улар кўпроқ чўлнинг ҳозирги қўшни Жиззах вилояти туманларига жойлашган (Пахтакор, Арнасой туманлари ва ҳ.к.).

Энг сўнги йилларда ҳам Сирдарё вилояти аҳолиси анча “серқатнов”, яъни миграцион ҳаракатчан: 2008-2013-йилларда вилоятга, ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда, 8,5-10,2 киши келган, 10-13 киши ундан кетган, миграция қолдиги энг сўнги 2013-йилда ижобий бўлган. Келиш интенсивлиги, айниқса, Гулистон шаҳрида юкори (12-16 %); Ширин шаҳрида ҳам бу кўрсаткич анча катта, унинг паст даражаси эса Сардоба ва Ховос туманларида қайд этилади. Янгиер ва Ширин шаҳарларида миграция жараёни анча интенсив хусусиятга эга бўлиб, уларнинг аҳолиси ўзининг қўнимсизлиги билан бошқа жойлардан фарқ қилади. Шунингдек, Сирдарё, Ховос туманларида ҳам аҳолининг кўчиб келишига нисбатан кўчиб кетиши кўпроқ. Натижада, уларда миграция қолдигининг юкори кўрсаткичлари кўзга ташланади. 2013-йил якунлари бўйича энг катта мусбат миграцион қолдиқ Гулистон туманига тегишли (26-жадвал).

Вилоятда 2009-йилгача 5 та шаҳар (уларнинг 3 таси вилоятга бўйсунувчи мақомига эга) ва шунча шаҳарча мавжуд бўлган. Уларда жами аҳолининг 31,1 фоизи истиқомат қилган. Урбанизация жараёнининг бундай демографик кўрсаткичи республика ўрғача даражасидан 35,8 % анча паст. 2009-йилга келиб эса, вазият мамлакатимизда юз берган “қишлоқ” ёки “маъмурий урбанизация” туфайли шаҳарчалар сони 25 тага етган, урбанзация даражаси эса 43,2 фоизга етган.

**Сирдарё вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати**  
(1000 кишига нисбатан)

т/р	Худудлар	Аҳоли табиий ҳаракати			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Вилоят бўйича	<u>21,9</u> 24,3	<u>4,8</u> 5,0	<u>17,1</u> 19,3	<u>10,2</u> 8,5	<u>9,9</u> 12,9	<u>0,3</u> -4,4
1	Гулистон ш.	<u>22,0</u> 19,9	<u>5,8</u> 5,7	<u>16,2</u> 14,2	<u>16,4</u> 12,2	<u>17,1</u> 18,5	<u>-0,7</u> -6,3
2	Ширин ш.	<u>19,6</u> 27,6	<u>4,8</u> 5,1	<u>14,8</u> 22,5	<u>15,8</u> 17,8	<u>15,4</u> 22,0	<u>0,4</u> -4,2
3	Янгиер ш.	<u>22,6</u> 27,5	<u>5,6</u> 7,3	<u>17,0</u> 20,2	<u>14,2</u> 20,1	<u>14,5</u> 21,0	<u>-0,3</u> -0,9
	<b>туманлар:</b>						
1	Боёвут	<u>21,8</u> 23,4	<u>4,5</u> 4,6	<u>17,3</u> 18,8	<u>7,9</u> 6,7	<u>7,1</u> 8,4	<u>0,8</u> -1,7
2	Гулистон	<u>21,8</u> 24,8	<u>5,2</u> 5,7	<u>16,6</u> 19,1	<u>10,4</u> 7,2	<u>7,1</u> 9,2	<u>3,3</u> -2,0
3	Мирзаобод	<u>24,1</u> 25,3	<u>4,4</u> 3,8	<u>19,7</u> 21,5	<u>10,8</u> 6,3	<u>10,9</u> 11,3	<u>-0,1</u> -5,0
4	Оқолтин	<u>23,6</u> 23,3	<u>3,9</u> 3,5	<u>19,7</u> 19,8	<u>13,4</u> 9,5	<u>13,3</u> 14,9	<u>0,1</u> -5,4
5	Сайхунобод	<u>21,3</u> 25,5	<u>4,2</u> 4,5	<u>17,1</u> 21,0	<u>8,9</u> 4,2	<u>7,4</u> 11,5	<u>1,5</u> -7,3
6	Сардоба	<u>22,4</u> 24,3	<u>3,5</u> 4,1	<u>18,9</u> 20,2	<u>6,3</u> 7,4	<u>6,4</u> 11,9	<u>0,1</u> -4,5
7	Сирдарё	<u>20,3</u> 24,4	<u>5,5</u> 6,5	<u>14,8</u> 17,9	<u>8,6</u> 9,0	<u>9,3</u> 14,1	<u>-0,7</u> -5,1
8	Ховос	<u>21,9</u> 26,0	<u>4,9</u> 4,6	<u>17,0</u> 21,4	<u>7,9</u> 6,4	<u>8,6</u> 10,8	<u>-0,7</u> -4,4

*Изоҳ: қаср суратида 2013 йил, маҳражидида 2008 йил маълумотлари келтирилган.*

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Вилоятда 72,2 минг кишлоқ аҳолиси гўғридан-гўғри “шаҳарлик” бўлди. Бу хусусда Оқолтин тумани пешқадам (25,3 минг киши), Сирдарё ва Сайхунобод туманлари ҳам “янги” шаҳарликлар бўйича бирмунча олдинда. Айни пайтда, Ховос, Сардоба туманларида бирорта кишлоқ аҳоли пункти бундай мақомга сазовор бўлмаган. Таъкидлаш ўринлики, янги агрошаҳарлар сони Сирдарё вилоятида унча кўп эмас; бу борада у Қорақалпоғистон Республикаси билан биргаликда (11 та) мамлакатимизда охириги ўринларни бўлиб олишган (27-жадвал).

Сирдарё вилоятида 260 та кишлоқ аҳоли пункти мавжуд – бу республикаимизда энг паст рақам ҳисобланади. Ҳар бир кишлоққа ўртача 1560 киши тўғри келади. Кўриниб турибдики, вилоят кишлоқ жойлар

географияси ва демографияси кўпроқ ўртача катталиқдаги аҳоли манзилгоҳлари борлиги билан тавсифланади (республикада бу кўрсаткич 1250 киши атрофида).

27-жадвал

**Сирдарё вилоятида 2009-йилда ташкил этилган янги  
шаҳарчалар рўйхати**

т/р	Номи	Тумани	Аҳолиси, киши, 2013 й.
1	Марказ	Боёвут	4612
2	Боёвут-разъезд (Бекат)	Боёвут	3125
3	Дўстлик	Боёвут	3236
4	А. Турдиев (Хулкар)	Гулистон	4105
5	Бешбулоқ	Гулистон	2898
6	Улуғбек	Гулистон	2333
7	Наврўз	Мирзаобод	2151
8	Оқолтин	Мирзаобод	3425
9	Сардоба	Оқолтин	12234
10	Фарғона	Оқолтин	9057
11	Гулистон (Соҳил)	Сайхунобод	8564
12	Шўрўзак	Сайхунобод	3270
13	Қуёш	Сирдарё	3518
14	Малик	Сирдарё	4524
15	Охунбобоев (Зиёкор)	Сирдарё	2899
16	Ж. Маманов	Сирдарё	3446

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.*

Вилоят қишлоқлари унча катта бўлмасада, уларнинг ташқи кўриниши, архитектура ва ободончилиги, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлиги мамлакатимизнинг қадимги ўзлаштирилган минтақаларидан ўзларининг ижобий хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади. Чунки, улар аввалбошданок махсус режа, шаҳарсозлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда қурилган.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан суёт ривожланганлиги унинг урбанистик таркибида ҳам ўз аксини топган. Вилоятда бирорта катта, яъни “юзминглик” шаҳар йўқ ва бу борада у республикамиз геосиёсий тизимида ягона ҳисобланади. Ҳатто вилоят маркази ҳам бу даражага етиша олмаган. Гулистон шаҳрида 84,7 минг, Янгиерда 38,2 минг, Ховос шаҳарчасида 28,0 минг аҳоли бор. Қолган шаҳар жойларнинг ҳар бирида 20 мингдан оз аҳоли яшайди. Демак, вилоятнинг урбанистик “пирамидаси” жуда суёт ривожланган ва унинг поғоналари тўлиқ эмас. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва аҳолини ҳудудий ташкил этишининг, уларнинг ҳудудий мужассамлашув даражасининг ўзига хослигидан далолат беради; аҳоли нисбатан зич жойлашган қишлоқ ва шаҳарлари эса унча катта эмас. Ўтироф этиш зарурки, вилоят аҳолиси ўз моҳиятига кўра бошқа ҳудуд аҳолисига қараганда ўзининг юқори даражада тадбиркорлиги билан ажралиб туради.

Сабаби, у миграция оқибатида шаклланган, миграция эса селектив, яъни “танловчанлик”, “териб олиш” хусусиятига эга.

Вилоят аҳолиснинг кўпмиллатлилиги ҳам қисман шу демографик омилларга боғлиқ. Бу ерда ўзбеклардан ташқари, қозоқ, тожик, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Ўзбеклар жами аҳолининг 77,3 фоизини, тожиклар 9,3, қозоқлар 1,8, кирғизлар 2,1 фоизини ташкил қилади (2013 й.).

Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 2013-йилда 448 минг, иқтисодиётда банд бўлганлар 342 минг киши (2001 йилда 246 минг) ни ташкил этган. Уларнинг 3/5 қисмига яқини моддий ишлаб чиқариш соҳаларида, шу жумладан, саноатда – 8,9 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида – 46,3 %, транспорт ва алоқада – 5,4 %, қурилишда – 6,3 %, савдо ва умумий овқатланишда – 7,2 % хизмат қилишади. Номоддий соҳалар ичида бу борада таълим, маданият, санъат ва фан, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот бирмунча кўзга кўринарли кўрсаткичларга эга.

Бир йилда 40-42 минг атрофида янги иш ўринлари яратилади. Уларнинг қатта қисми қишлоқ жойларга тўғри келади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида сўнги йилларда 25-27 минг янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

**Минтақа хўжалиги ва унинг таркиби.** Сирдарё вилоятида ишлаб чиқариш кучлари, бошқа ҳудудлардан фарқ қилган ҳолда, асосан бир аср доирасида шакллана бошлаган. Ҳозирги вақтда у кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашган район ҳисобланади. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 41,7 фоизини қишлоқ хўжалиги беради. Агроиқтисодиётнинг бундай қатта улуши бўйича Сирдарё Сурхондарё вилоятидан кейинги иккинчи ўринда туради. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳиссаси Жиззах, Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоятларидан юқори, қурилиш ҳам худди шундай ўртача мавқега эга.

Бошқа вилоятлар қаторида бу ерда ҳам кичик бизнес ривожланиб бормоқда. У 2013-йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 84,1 фоизини таъминлаган. Бу республикада энг юқори кўрсаткич. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик минтақа иқтисодиётининг турли тармоқларида ҳар хил ривожланган. Жумладан, у саноат маҳсулотининг 36,8 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99,4 фоизини беради. Қурилишда КБ нинг улуши анча қатта – 86,4 %; иқтисодиётда банд бўлганлар таркибида ҳам унинг ҳиссаси – 78,7 %, чакана савдода эса пастроқ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (улар таркибига кичик корхоналар ва микрофирмалар киради) ҳудуд экспортининг 3-4 фоизини беради. Ушбу сектор субъектларининг умумий сони 6549 (фаолият кўрсатаётгани 5732)га, уларнинг деярли аксариятини микрофирмалар ташкил қилади.

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

**САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ЯЛПИ МАХСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ  
(2011 й.)**

1 м устун баландлиги – 100 млрд. сўм

□ сааноат  
□ қишлоқ хўжалиги

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ

**Сугорма деҳқончилик зонаси**

□ Дончилик, пахтачилик, боғдорчилик,  
узумчилик ва илақчилик, сўт-ғўшт  
chorвачилиги

**Лайим деҳқончилик зонаси**

□ Дончилик, ғўшт-сўт chorвачилиги



## ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

Ялпи маҳсулот даими  
бўйича сааноат пунктлари



### Сааноат тармоқлари

- Электрэнергетика
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Кимё ва нефть-кимё
- Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза қоғоз
- Курилиш материаллари
- Енгил
- Озиқ-овқат
- Бошқа тармоқлар

### УНДИРУВЧИ САНОАТ

- Қум-шағал материаллари
- Ғишт-черепица ҳам ашёси
- Минерал суя булоқлари
- Боёвут
- Коиларнинг номлари
- Иссиқлик электрстанцияси
- Электр узаткич линиялари
- Газ қуворлари
- Нефть қуворлари

### КЕНГ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР

- пахтачилик
- боғлар
- сабзавот ва картошка
- полиз экинлари
- маккажўхори
- шол
- РАЙОНЛАР**
- асалариччилик
- балиқчилик

Вилоят ҳудудлари доирасида ҳам КБ анча тафовутларга эга. Масалан, Янгиер ва Ширин шаҳарлари, Мирзаобод туманида 81-97 % саноат маҳсулоти КБ корхоналарида ишлаб чиқарилади. Энг паст кўрсаткичлар Оқолтин, Гулистон ва Сардоба туманларида кузатилади. Қишлоқ хўжалигида кичик бизнеснинг мавқеи айниқса Оқолтин, Сайхунобод, Мирзаобод, Гулистон туманларида баланд – 100 %. Қурилиш ишларида бу кўрсаткичлар Боёвут ва Оқолтин туманлари ҳамда Янгиер шаҳрида 99 %, унинг нисбатан паст даражаси Ширин шаҳри ва Сидарё туманида қайд этилган.

Маълумки, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда инвестиция қатта аҳамиятга эга. 2013-йилда Сирдарё вилоятига республика жами инвестиция ҳажмининг 2,3 фоизи киритилган. Бу эса ҳудудда қурилиш ишларини амалга оширишга хизмат қилади. Минтақада қўрилаётган йилда олиб борилган қурилиш ишларининг ҳажми мамлакат умумий кўрсаткичларига нисбатан 1,5 фоизини ташкил қилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқоридаги ҳар икки кўрсаткич ҳам республикада энг паст миқдорлардир. Саноат бўйича вилоят Хоразм билан бир даражага эга бўлса, қурилиш ишларида энг охириги ўринда туради.

**Саноати.** Юқорида қайд этилганидек, Сирдарё вилоятида саноат унча ривожланмаган, унинг тармоқлари ва ҳудудий таркиби ҳам мукамал кўринишга эга эмас. Вилоятда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарида 2013-йилда 9,5 минг киши банд бўлган. Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлар таркиби қуйидагича: машинасозлик ва метални қайта ишлаш – 0,9%, қурилиш материаллари саноати – 1,9 %, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш – 0,4 % ва ҳ. к. Енгил саноат (асосан, пахта тозалаш заводлари) жами саноат маҳсулоти ҳажмининг 56,1 фоизини таъминлайди, озиқ-овқат саноати – 25,6 % ва ун-ёрма, омихта ем 11,0 фоизини беради. Бошқа тармоқлар орасида фармацевтика соҳасининг улуши кўпроқ.

Саноат маҳсулоти турлари ҳам унча бой эмас; вилоят саноати, асосан, минтақанинг ихтисослашган тармоғи–қишлоқ хўжалиги, аниқроғи, пахтачилик билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, қурилиш материаллари ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш (Янгиер), пахта тозалаш (қишлоқ туманлари марказларида), ёғ ишлаб чиқариш (Гулистон шаҳри) кабилар айни шу етакчи тармоқ билан биргаликда алоҳида ишлаб чиқариш мажмуасини шакллантиради. Ширин шаҳридаги Сирдарё ИЭС республикамызда энг йирик электр станцияси ҳисобланади.

Муҳим саноат маҳсулоти турларидан бир йилда 11,9 минг метр куб миқдорида йиғма темир бетон конструкциялар ва тайёр буюмлар (2009-йилда 3,2 минг метр куб), 12,1 минг куб метр бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шунингдек, 2010-йилда 75 минг тоннага яқин пахта толаси, 550 минг кв. метр атрофида нотўқима материаллар, ҳар хил дори-дармонлар ва мебель, 43 минг т. омихта ем, 3792 минг дона трикотаж

маҳсулотлари, 10 минг т. ўсимлик ёғи, 38,7 минг т. ун тайёрланган, 900 тонна балик овланган. Халқ истеъмол молларининг 3/4 қисми озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келади, вино-ароқ ва пиво ичимликлари улуши 8,6 %. Асосий истеъмол товарларидан 31 минг шартли банка атрофида мевабзаёт консервлари, 4,7 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 13,3 минг тонна сут етиштирилади.

Саноат географиясида Гулистоннинг ҳиссаси 13,6 %, Янгиер шаҳриники – 3,2 %. Қишлоқ туманлари орасида бу иқтисодиёт тармоғи айниқса Сирдарё туманида яхши ривож топган – 33,2 %. Бу ерда Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда қурилаётган “PENG SHENG” кўшма корхонаси катта аҳамиятга эга. Сайхунобод туманининг ҳиссаси 12,7 %, Оқолтин, Гулистон, Боёвут туманларининг улушлари ҳам кўзга ташланади. Нисбатан паст кўрсаткичлар эса Ховос ҳамда Мирзаобод туманида кузатилади. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда ҳам худудий тафовутлар деярли шундай; уларнинг 45,6 фоизи Сирдарё тумани, 16,4 фоизини Гулистон шаҳри беради. Шунингдек, Сайхунобод туманининг мавқеи ҳам бирмунча юқорирок (17-илова).

Вилоят саноатининг худудий ташкил қилинишида Гулистон шаҳрини саноат маркази сифатида ажратиш мумкин. Шунингдек, Сирдарё, Янгиер шаҳарлари ҳам худди шундай мақомга эга. Бу шаҳарларда минтақанинг йирик саноат корхоналари: ёғ-мой ва қурилиш материаллари корхоналари жойлашган. Аҳоли сони бўйича бирмунча кичик саноат марказлари каторида Ширин ва Бахт шаҳарлари туради. Юқоридагилардан ташқари, Сирдарё шаҳридаги сут заводи ва қурилиш материаллари корхоналари, тиббиёт соҳалари учун момик-пахта, дока, бинт, дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам қайд этиш жоиз.

Умуман олганда, Сирдарё вилоятида гарчи саноат ишлаб чиқариши яхши ривожланмаган бўлса-да, бу ерда ушбу тармоқнинг жуда катта корхоналари барпо этилган. Бу эса бозор муносабатлари ва минтакалар иқтисодий мустақиллиги шароитида бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Масалан, Гулистон шаҳрида ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган ёғ-мой комбинатининг лойиҳа қуввати 1 суткада 1200 тонна пахта чигитини қайта ишлашга мўлжалланган, бундай хом ашё эса бугунги кунда вилоятнинг ўзида мавжуд эмас. Худди шундай, бир вақтлар пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун етиштирилган пахта бошқа вилоятларга, ҳатто Фарғона водийси пахта тозалаш заводларига жўнатилад эди, энди эса вилоятнинг ўзида ишга туширилган пахта тозалаш заводларига хом ашё озлик қилади. Шу каторда, минтақада қурилган йирик саноат корхоналарининг, жумладан Сирдарё ИЭС нинг атроф-муҳитга экологик таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди.

**Қишлоқ хўжалиги.** Сирдарё вилояти республикамизнинг асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ва шу мақсадда ташкил этилган маъмурий худуди

хисобланади. Бироқ ҳозирги вақтда, хусусан собиқ Иттифоқ парчаланиши ва “умумиттифоқ меҳнат тақсимоти”нинг барҳам топиши билан вилоят иқтисодиётида жиддий муаммолар юзага келди. Бундай шароитда, энг аввало, минтақа иқтисодиётини диверсификациялаш, пахта якка ҳокимлигини йўқотиш, ишлаб чиқаришнинг юқори технологик поғоналарини ташкил қилишдек жиддий вазифалар пайдо бўлди. Мустақиллик йилларида бу ва шунга ўхшаш масалалар босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда.

Вилоят катта ер майдониغا эга эмас; унинг жами майдони 427,6 минг гектар бўлиб, шундан 290,4 минг гектари ёки 67,9 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Бу республикамизнинг қатор ҳудудларига қараганда анча юқори кўрсаткич ҳисобланади (28-жадвал). Қишлоқ хўжалигига ярқли ерларнинг 92,4 фоизини суғориладиган ерлар ташкил қилади. Бу ҳам Хоразм, Андижон вилоятларига ўхшаш ниҳоятда юқори кўрсаткичдир. Демак, Сирдарёда ер-ресурс салоҳиятидан интенсив фойдаланиш коэффициенти анча катта.

28-жадвал

Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан, суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахт-зорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Боёвут	52,3	37,3	33,1	86,3	2,5	0,1	11,1
Гулистон	34,9	24,6	23,0	87,6	4,1	1,9	6,3
Мирзаобод	63,6	43,0	35,0	71,5	0,9	9,0	18,6
Оқолтин	55,1	43,0	42,8	96,0	1,1	2,4	0,5
Сайхунобод	45,1	30,8	29,2	92,7	1,2	0,8	5,3
Сардоба	51,8	36,6	35,5	90,8	2,0	4,3	2,9
Сирдарё	53,6	33,4	29,5	83,0	4,2	1,0	11,8
Ховос	61,9	40,1	38,8	86,4	3,0	7,4	3,2
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>427,6</b>	<b>290,4</b>	<b>268,4</b>	<b>86,5</b>	<b>2,3</b>	<b>3,6</b>	<b>7,5</b>

Жадвал “Ўзбекистон Республикасининг ер фонди” – Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011, - 158 бет маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ҳиссаси Оқолтин, Гулистон, Сардоба туманларида нисбатан юқори, суғориладиган майдонлар эса Оқолтин, Ховос, Сайхунобод каби туманларда 95-100 фоизни ташкил қилади. Ерларни суғориш мақсадида вилоятда қатор ирригация инфратузилма шаҳобчалари, жумладан, магистраль канал ва ариқлар қазилган (Саркисов номли Жанубий Мирзачўл, Дўстлик канали ва



унинг марказий ҳамда чап, ўнг ирмоқлари, Жиззах машина канали, 1 ва 2 машина каналари). Шунингдек, янги ерлар ўзлаштирилган бошқа минтақаларга хос бўлган қатор коллектор ва дренажлар, ташламалар ҳам қурилган. Масалан, Марказий, 1 ва 2 – Сардоба, Боёвут, Шўрузак ва бошқа коллекторлар, Шаркий ташлама ва ҳ.к. Канал, коллектор ва ташламалар вилоят ирригация ва мелиорация инфратузилмасининг ўзагини ташкил этади. Каналлар вилоятнинг жанубида кўпроқ бўлса, коллекторлар унинг қуйи ва марказий қисмларида зичроқ жойлашган.

Экин экиладиган ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдонларнинг ўртача 86,5 фоизини эгаллайди. Бу кўрсаткич, айниқса, Оқолтин ва Сайхунобод туманларида юқори, унинг бирмунча пастрок ҳолати эса Ховос туманига тегишли. Кўпгина минтақалардан фарқ қилиб, бу ерда яйлов ва пичанзорлар майдони унча катта ҳудудни эгалламайди – ўртача 7,1 %. Унинг нисбатан кўпроқ улуши Мирзаобод ва Боёвут туманларида кузатилади.

Вилоят қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 64,3 фоизини дехкончилик беради. Фермер хўжалиқларининг агроиктисодиёт тизимидаги улуши 41,3 %. Бу республикада энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади. 2013-йилда вилоятда жами 242,2 минг гектар ерга турли хил экинлар экилган (2000 йилда 260 минг га). Донли экинлар 101,5 минг гектарни эгаллаган (2000 йилда 217 минг га). Шу йилда жами 444 минг тонна боғдой олинган; унинг ҳосилдорлиги 48,1 ц/га бўлган. Донли экинлардан вилоятда қисман шולי ҳам экилади. Ушбу экин турига 5,0 минг га ер ажратилган бўлиб, ундан 37,0 минг т ҳосил олинган (ҳосилдорлик ўртача 46,5 ц/га).

Пахта ҳар йили тахминан 105-110 минг гектар майдонда етиштирилади, ялпи ҳосил 240-250 минг тонна атрофида. Қайд этиш лозимки, пахтанинг ҳосилдорлиги юқори эмас – атиги 23,2 ц/га. Демак, вилоят пахтачилигининг иктисодий самарадорлиги унча катта эмас. Яна шуни таъкидлаш керакки, вилоятда пахта экин майдонлари йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Бу ижобий ҳол бўлиб, пахтадан бўшаган ерларга ғалла, полиз, сабзавот экилади. Агар 2000 йилда пахтажорлар барча экин майдонларининг 53,1 фоизини эгаллаган бўлса, 2013-йилда бу рақам 44,2 фоизга тушган.

Сирдарёда азалдан полизчилик, хусусан қовун, тарвуз етиштириш (“Мирзачўл қовунлари”) яхши ривожланган. 2013-йилда полиз майдонлари 4,3 минг гектарга тенг бўлган ва 250 минг тоннага яқин ҳосил олинган. Бу ерда сабзавотчилик ҳам ривожланиб бормоқда: майдони 4,0 минг га, ялпи ҳосили – 218 минг тонна. Боғдорчилик ва узумчилик Сирдарёда нисбатан сустрок ташкил этилган: боғдорчиликка 5,6 минг га, узумзорларга 1,6 минг га ер ажратилган.

Йирик шохли қорамоллар сони 327 минг, қўй ва эчкилар 224 минг бош. Бир йилда тирик вазнда 46 минг тонна гўшт, 240 минг т сут, 66 млн

дона тухум, 510 тонна жун олинади. Чорвачилик соҳаларида маҳсулотнинг кўпчилиги қисмини деҳқон хўжаликлари беради.

Қишлоқ хўжалик географиясида энг катта кўрсаткичларга Боёвут (жами маҳсулотнинг 15,0 %), Сирдарё (13,8 %), Оқолтин (13,5 %) ва Сардоба (12,8 %) туманлари эга. Бирмунча пастроқ улуш Гулистон ва Мирзаобод туманларига тўғри келади (17-илова).

Аввалроқ таъкидланганидек, Сирдарё вилоятида фермерчилик баъзи минтақаларга қараганда яхши йўлга қўйилган. Бунга ер майдонларининг аҳоли сонига нисбатан катталиги, тадбиркорликнинг ривожланганлиги ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Табиийки, катта ер майдонларида механизациядан фойдаланиш имкониятлари катта. Бу ерда Фаргона водийсидан фарқ қилиб, экин майдонлари катта ва аҳоли манзилгоҳлари билан бўлинмаган. Бепоеён пахтазорларни, ўзига хос агроландшафтни айна шу ҳудудда кўриш мумкин.

Вилоятда 2013-йилда жами 4301 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлган ва уларга 245,7 минг га ер бириктирилган<sup>1</sup>; ўртача ҳар бир фермер хўжалигининг майдони 57,1 га, ишлайдиган ходимлар сони жами 79,8 минг киши, ўртача 1 хўжаликда – 18,5 киши. Кўришиб турибдики, фермер хўжаликлари анча катта ер майдонларига эга (республикамизнинг баъзи минтақаларида у атиги 25-30 гектар). Айниқса, Сайхунобод туманининг фермер хўжаликлари кенг майдонларни эгаллайди; 423 та фермер хўжаликларининг ҳар бирига ўртача 68,8 гектардан ер тўғри келади - бу республикада энг юқори кўрсаткичлардан саналади. Сардоба туманида ҳам бу даража бирмунча юқори, Сирдарё туманида эса у пастроқ (29-жадвал). Фермер хўжаликлари 2013-йил якунларига кўра ўртача 41,3 фоиз қишлоқ хўжалиги ялпи ҳосилини таъминлаган. Боёвут ва Ховос туманларидаги кўрсаткич эса янада юқори.

Шундай қилиб, Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги катта аҳамиятга эга. Бироқ иқтисодиётнинг бу тармоғида муаммолар ҳам оз эмас. Чунончи, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, канал, дренаж ва коллекторларни тозалаш, ерларнинг иккиламчи шўрланишига қарши кураш, пахта ҳосилдорлигини ошириш, агросаноат мажмуасини ривожлантириш каби масалалар минтақанинг долзарб вазибаларидир.

**Ижтимоий соҳалар.** Чўл шароитида ижтимоий инфратузилма тизимини мукамал яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши айниқса муҳимдир. Сабаби, бу ҳудудда яшовчилар қачондир бошқа туман ва вилоятлардан кўчиб келган, бинобарин, уларнинг муқим яшаши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш катта аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Фермер хўжаликларини оптималлаштириш натижасида уларнинг сони камайиб борган. Жумладан, 2009 йилда уларнинг сони 4250 та, бириктирилган ерлар 275 минг га бўлган.

## Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари хақида маълумотлар

(2013 й.)

т/р	Худудлар	Фермер хўжаликлар сони	Бир фермерга тўғри келадиган		Ялли к/х маҳсулотдаги улуши, %
			ер майдони, га	ходимлар сони, киши	
1	Боёвут	561	64,7	22,4	48,7
2	Гулистон	399	55,6	22,4	39,4
3	Мирзаобод	419	62,3	20,5	42,4
4	Оқолтин	701	52,5	10,2	36,0
5	Сайхунобод	423	68,8	29,5	42,6
6	Сардоба	483	67,5	17,0	49,4
7	Сирдарё	766	39,5	15,6	36,5
8	Ховос	534	60,2	18,4	48,5
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>4301</b>	<b>57,1</b>	<b>18,5</b>	<b>41,3</b>

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Чакана савдо айланмасининг салмоғи бўйича Гулистон шаҳри (вилоят жамига нисбатан 37,0 %), Сирдарё тумани (16,0 %) етақчи. Шу билан бирга, Янгиер шаҳри ҳамда Сардоба ва Боёвут туманларининг улуши ҳам каттароқ. Пуллик хизматларнинг ҳам қишлоқ туманлари ва шаҳарлари бўйича тақсимланиши ҳар хил: бунда Гулистон шаҳрининг маъноси янада баланд – 58,6 %. Демак, бу соҳа минтақада ўта марказлашган. Вилоят марказидан ташқари пуллик хизматлар ҳажми Сирдарё туманида ҳам каттароқ улушга эга (10,6 %). Аммо аҳолининг жон бошига ҳисоблаганда мутлақо бошқача ҳулосаларга келиш мумкин. Масалан, Сардоба туманида бу кўрсаткич энг паст, аксинча, Гулистонда у энг юқори.

Чўл шароитида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор берилади. Вилоят бўйича бу кўрсаткич ўртача 80,6 фоизга тенг. Гулистон шаҳарида у 92 %, Боёвут ва Мирзаобод туманларида ҳам вазият анча яхши. Бироқ, бошқа худудларда, хусусан Ширин шаҳри, Оқолтин ҳамда Сайхунобод туманларида у қониқарли даражада эмас.

Табиий газ билан таъминланиш - 78,8 %. Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарлари ҳамда Сирдарё тумани хонадонлари газ билан 90-100 фоиз таъминланган. Пастроқ кўрсаткичлар эса Ховос ва Боёвут (71,7 %) ҳамда Сайхунобод (71,2 %) туманларида кузатилади.

Сирдарё вилоятида жами 28 та тиббиёт муассасалари мавжуд. Ҳар 10 минг кишига 48,7 та бемор ўринлари, 19,7 та врачлар ва 128,7 нафар ўрта тиббиёт ходимлари тўғри келади. Жами КВП сони 142 та ёки ҳар бир туманга 17,6 тадан; тахминан 1,9 та қишлоқ аҳоли пунктига битта КВП хизмат кўрсатади.

Вилоятда 2012/2013 ўқув йилида жами 155 та доимий мактабгача тарбия муассасалари мавжуд бўлган. Умумтаълим мактаблари 301 та, уларнинг ҳар бирида 400 яқин ўқувчи бор. Бу кўрсаткич кўпгина бошқа вилоятларга қараганда пастроқ бўлиб, у аҳоли ва аҳоли пунктларининг жойлашув хусусиятлари билан тавсифланади. Академик лицейлар 4 та, ўқувчилар 3,3 мингдан кўпроқ, касб-хунара коллежлари эса 48 та, уларда 39,7 минг талаба ўқийди. Сўнги йилларда академик лицей ва касб-хунара коллежларини қуриши ва уларнинг фаолиятини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Вилоятда битта олий ўқув юрти – Гулистон давлат университети бор. У замонавий ўқув қуруллари, техник жиҳозлар билан яхши таъминланган. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, республика миқёсида фақат Сирдарёда битта олий ўқув юрти ташкил этилган, холос.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Вилоятнинг транспорт географик ўрни кулай; унинг ҳудудидан қатор халқаро ва республика аҳамиятидаги темир ва автомобиль йўллари ўтади. Гулистон, Ховос муҳим транспорт марказлари ҳисобланади. Умуман олганда, Тошкент–Ховос (Янгйер) – Бекобод Сирдарё ҳамда пойтахт вилоятларининг муҳим транспорт “учбурчаги” сифатида катта аҳамиятга эга. Яқинда қурилган, Гулистон шаҳрини четлаб ўтувчи, Зарафшон минтақаси, Жанубий Ўзбекистон ва Куйи Амударё иқтисодий райониини Фарғона водийси билан боғловчи магистраль автомобиль йўли ҳам вилоятнинг транспорт географик ўрнини, унинг транзитлиги ва марказийлигини янада кучайтиради.

Вилоятда 2013-йил якунларига кўра, жами 15,4 млн. тонна юк ташиланган, унинг барчаси автомобиль транспорти зиммасига тушади. Юк ташиш ва юк айланмаси бўйича Гулистон шаҳри, шунингдек, Мирзаобод, Оқолтин ва Ховос туманлари ажралиб туради. Кўрилаётган йилда жами 119,3 млн. йўловчи ташиланган; бу борада ва йўловчи айланмасида, вилоят марказидан ташқари Сирдарё ва Боёвут туманларининг салоҳияти каттароқ. Юк ва йўловчи ташишда хусусий автомобиль эгаларининг ҳиссаси 73 - 74 %.

Таҳлиллар кўрсатишича, Сирдарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси, жумладан, экспорт ва импорти республика миқёсида анча паст. 2012-йилда ташқи савдо айланмаси 240,6 млн., экспорт 122,7, импорт 117,9 млн. АҚШ доллар ҳажмида (2000 йилда 83,1 млн. АҚШ доллар, экспорт 49,7 ва импорт 33,4 млн. доллар) бўлган. Экспорт таркибида асосан пахта етакчилик қилади – 52,5 %, озиқ-овқат маҳсулотлари – 18,2 %; импортда эса машина ва ускуналарнинг улуши 27,3 %, кимё саноати маҳсулотлари – 47,2 %. Келтирилган машина ва жиҳозлар келгусида ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришга замин бўлади.

Ташқи иқтисодий алоқаларда “Узоқ хориж” ва Болтиқбўйи давлатлари фаолроқ иштирок этишади. Улар билан жами 59,6 % ташқи савдо айланмаси, шу жумладан, экспортнинг 50,3 % ва импортнинг 69,2 фоизи

амалга оширилган. Мазкур алоқаларда қисман хорижий инвестициялар ёрдамида қурилган қўшма корхоналар ҳам катнашади. 2013-йилда фаолият кўрсатаётган бундай корхоналар сони 41 та бўлиб, улар минтакада экспортнинг 12,3 фоизини таъминлаган.

**Минтақа иқтисодиётининг ҳудудий таркиби.** Сирдарё вилояти майдонининг кичиклиги ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта ҳудудий тафовутларнинг кўзга ташланмаслиги, унинг доирасида иқтисодий районлар ажратишни бироз чеклайди. Бироқ шундай бўлса-да, вилоят микёсида, шартли равишда, Марказий (Гулистон шаҳри, Гулистон, Мирзаобод, Боёвут, Оқолтин туманлари), Жанубий (Ховос, Сардоба) ҳамда Шимолий (Сирдарё ва Сайхунобод туманлари) районларни ажратиш мумкин. У ҳолда Марказий район ҳиссасига 48,1 % вилоят майдони, 47,1 % аҳолиси, 47,4 % саноат ва 47,7 % қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғри келади. Жанубий ва шимолий районларнинг улуши анча паст.

30-жадвал маълумотларига биноан, Гулистон шаҳридан ташқари Сирдарё, Сайхунобод, Оқолтин туманларининг саноат ишлаб чиқариш индекси вилоятнинг ўртачасидан юқори; қишлоқ хўжалигида бу борада Сардоба, Сайхунобод, Гулистон, Оқолтин туманлари яхши мавқеларни эгаллайди. Ижтимоий соҳалар, хусусан, чакана савдо ва пуллик хизматлар Сирдарё ва Гулистон туманларида нисбатан яхшироқ йўлга қўйилган. Шунингдек, Боёвут, Ховос туманларида ушбу соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим.

Умуман олганда эса, таҳлиллар кўрсатишича, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси етарли эмас. Шу жиҳатдан бу ерда қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Энг аввало, минтақа иқтисодиётини мукамал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида шакллантириш, асосий ихтисослашган тармок – қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш зарур. Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариши таркибини “юқори қаватлар” ҳисобидан бойитиш, кучли саноат марказлари ва тугунлари, ўсиш кутбларини ривожлантириш талаб этилади. Ижтимоий соҳалар (масалан, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари) ривожланишида ҳам ҳозирча ҳал этилмаган муаммолар бор.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда, авваламбор, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод туманларига устувор аҳамият бериш талаб этилади. Шунингдек, вилоят маркази ҳам ўзининг ҳукуқий мавқеига тенг бўлган шаҳарлардан анча орқада. Бинобарин, Гулистон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, унинг демографик салоҳиятини кўтаришга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги вақтда бу шаҳарда вилоят жами аҳолисининг 10 фоиздан ортиқроғи яшайди. Бу, бошқа вилоят марказларига қараганда, анча паст кўрсаткич (демак, иқтисодий жиҳатдан вилоят ҳам

**Сирдарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг  
асосий индикаторлари**

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулот	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	Капитал қўйил-малар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Гулистон ш.	1,271	2,049	1,450	1,392	2,258	3,281	5,161
Ширин ш.	0,301	0,531	0,531	3,153	1,349	0,991	0,763
Янгиер ш.	0,854	1,138	0,738	2,219	1,518	2,128	1,197
туманлар:							
Боёвут	0,652	0,385	0,885	0,325	0,767	0,399	0,318
Гулистон	1,143	0,510	1,184	0,602	0,969	0,516	0,410
Мирзаобод	0,198	0,436	0,960	0,373	1,112	0,779	0,407
Оқолтин	1,488	0,625	1,061	0,435	0,380	0,490	0,368
Сайхунобод	1,533	1,038	1,239	0,566	0,655	0,324	0,365
Сардоба	0,915	0,447	1,847	2,054	0,585	0,456	0,344
Сирдарё	1,668	2,163	0,761	1,524	1,144	1,387	0,792
Ховос	0,308	0,634	0,716	0,616	0,528	0,412	0,418

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маъ-лумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

“бўшроқ”, унинг бош шаҳри ҳам заиф). Қолаверса, кенгроқ миқёсда Тошкент шаҳри иқтисодий ривожланишини бошқариш ва тартибга солиш, уни бирмунча чеклашда ҳам Гулистон ўзига хос “контрамагнит” вазифасини бажариши мумкин.

Сирдарё вилояти ва, умуман, Мирзачўл иқтисодий макони Ўзбекистон геоиқтисодий муҳитида Тошкент ва Зарафшон минтақалари ўртасида ўзига хос, иқтисодий географик суат ривожланган ҳудуд кўринишига эга. Шу боис, бу бўшлиқни тўлдириш ёки ораликни мустаҳкамлаш республика иқтисодий маконининг ривожланиши ва такомиллаштирилишига ёрдам беради. Сўнгги йилларда Сирдарё тумани салоҳиятининг ошиб бориши ҳам мажур масаланинг ечимини бироз енгиллаштиради.

Ҳозирги вақтда бу ерда Хитой Халқ Республикаси билан биргаликда “PENG SHENG” ҚК барпо қилинмоқда (Тошкент шаҳридан 70 км масофада). Ушбу индустриал парк ташкил этилиши 2009-йилда бошланган бўлиб, унинг ҳозирги майдони 80,0 минг кв. м-га тенг. 2013-йилда Ўзбекистон Президенти фармони асосида «Жиззах» махсус индустриал зонасининг вужудга келтирилиши муносабати билан, Сирдарё индустриал парки унинг филиалига айлантирилди. Мажмуа керамик плиталар, натурал тери ва ундан пойафзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. У тўла лойиҳа кувватига эга бўлгач, йилига 100 млн АҚШ доллари миқдорда турли хил маҳсулот ишлаб чиқаради ва унинг деярли ярми экспорт қилинади.

## 2.4. ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Бк иқтисодий район маъмурий жиҳатдан Фарғона водийси табиий географик районининг Ўзбекистон қисмини ўз ичига олади. Унга Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари кириб, жами 18,5 минг кв. км. ёки республика умумий майдонининг 4,1 фоизини ташкил қилади. Кўриниб турибдики, район ҳудуди анча кичик, у Самарқанд ёки Тошкент вилоятларидан бироз каттароқ, Жиззах ёки Сурхондарё вилоятларига сал яқинроқ. Бу ерда, 2014-йил маълумотларига кўра, 8284,0 минг киши аҳоли яшайди (республикага нисбатан 28,5 %). Нисбий кўрсаткичларда Фарғона иқтисодий районининг майдони унинг аҳолисидан 7 марта кўп. Демак, аҳоли зичлиги ҳам шунча миқдорда юқори.

Район табиий ресурсларга бой эмас, унда меҳнат ресурслари кўпроқ, холос. Бинобарин, водий учлиги, яъни табиати, аҳолиси, хўжалигини пирамида шаклида тасвирланса, унинг биринчи қавати (табиати) ниҳоятда нозик, иккинчи қавати, яъни демографик вазияти ёки юки вазмин, хўжалиги эса ўртача. Шу боис, айтиш мумкинки, Фарғона иқтисодий районида антропоген босимнинг ниҳоятда юқорилиги, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги бу ҳудуднинг энг муҳим географик хусусиятларини белгилаб беради.

Фарғона иқтисодий райони Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг 17,5 фоизини, саноатини 23,9 %, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 26,1 фоизини таъминлайди; пуллик хизматларда унинг улуши 24,6 %, чакана савдода 22,8 %, ташқи савдо айланмасида – 16,0 % (2013 й.). Район мамлакатимиз ҳудудий меҳнат тақсимогида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта ва пилла, мева ва узум, саноатида эса автомобилсозлик, тўқимачилик, кимё ва нефть кимёсига ихтисослашган. Географик ўрни, сиёсий географик вазияти трансчегаравий бўлганлиги сабабли, бу ерда ички транспорт инфратузилмаси анча ривожланган. Минтақанинг алоқа йўллари Тожикистон Республикасининг Сўғд, Қирғизистон Республикасининг Боткен, Жалолобод ва Ўш вилоятлари билан боғланган.

Умуман олганда, район ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг заиф томонлари унинг ижобий, яъни кучли томонларига нисбатан устунлик қилади; Унинг табиий ресурсларга бой эмаслиги, анклав иқтисодий ва сиёсий географик ўрни (у фақат тор масофада Ўзбекистоннинг – Тошкент вилояти билан чегарадош) районнинг заиф томонлари ҳисобланади. Ижобий (кучли) томони эса асосан меҳнат ресурсларининг кўплигидадир.

Ички таркибда ҳудуди бўйича энг каттаси Наманган вилояти, иқтисодий салоҳият Андижонда, демографик салоҳият Фарғона вилоятида юқори. Айни вақтда, нафақат иқтисодий районда, балки республикамизда ҳам Наманган вилояти нисбатан суст ривожланган.

## 2.4.1. Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикасининг майдони энг кичик, бироқ аҳолиси энг кўп бўлган минтақаларидан бири – Андижон вилояти 1941-йилда ташкил топган. Ўтган асрнинг 60-йилларида у қўшни Наманган вилояти билан бирлашиб, Андижон вилояти номида мавжуд бўлган ва сўнгра яна аввалги расмий мақоми ва ҳудуди қайта тикланган.

Майдони - 4,30 минг кв. км ва бу нуқтаи назардан у мамлакатимизда Сирдарё вилоятидан (4,28 минг кв. км) олдинда туради, холос. Атиги 0,96 фоиз республика майдонини эгаллаган ушбу ҳудудда 2805,2 минг киши ёки мамлакат жами аҳолисининг 9,2 фоизи яшайди (аҳоли сони бўйича Фарғона иқтисодий районида иккинчи, республикаимизда тўртинчи ўринда туради).

Андижон вилояти ҳудуди ва аҳолиси нисбий кўрсаткичларини таққослашнинг ўзи минтақа ижтимоий-иқтисодий вазиятининг асосий хусусиятларини яққол намоён қилади. Бунда, энг аввало, вилоят демографик сиғимининг жуда юқорилиги, аҳолининг ўта зич жойлашуви, ер ресурсларининг танқислиги кўзга ташланади. Бундай вазият унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегик йўналишларини белгилаб олишни тақозо этади.

Маъмурий жиҳатдан Андижон вилояти вилоятга бўйсунувчи 3 та шаҳар, 14 қишлоқ туманлари, 9 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар ҳамда 78 та шаҳарча ва 90 та қишлоқ фуқаролар йиғинларидан иборат. Қишлоқ аҳоли пунктлари 456 та. 18-иловада келтирилган маълумотлар кўрсатишича, вилоятнинг 7 та, яъни жами қишлоқ туманларининг тенг ярми бир санада – 1962-йилда ташкил этилган. Энг “янги” қишлоқ тумани Булоқбоши бўлиб, у 1992-йилда, асосан, Хўжаобод туманидан ажралиб чиққан.

Вилоят географиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бу ерда қишлоқ туманлари зич ва майдони деярли бир текис тақсимланган. Шунчалик миқдорда, яъни 14 та қишлоқ туманлари Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам мавжуд, аммо уларнинг ҳудуди Андижон вилоятидан бир неча марта катта. Вилоятда ҳар бир туманга атиги 0,31 минг кв. км.дан майдон тўғри келади. Бу мамлакатимиз бўйича энг оз кўрсаткич ҳисобланади. Бу ерда “географик коэффициент” 2,61 га тенг. Бошқача қилиб айтганда, энг катта туман – Қўрғонтепа энг кичик туман – Булоқбошидан 2,6 марта катта, ваҳоланки, бундай ҳудудий тафовутлар бошқа минтақаларда, ҳатто қўшни Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳам сезиларли даражада.

Унча катта майдонга эга бўлмаган вилоят республика ҳудудий меҳнат тақсимотида, миллий иқтисодиётнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. У мамлакатимизнинг 6,6 фоиз ялпи ички маҳсулотини, 13,6 % саноат ва 9,9



ва ариқлар киради. Қорадарёдан бошланган Шаҳрихонсой ва Андижонсой шу номли шаҳар ва туманларга ўз сувларини етказди.

Демак, вилоятда сунъий ва табиий гидрографик шаҳобчалар жуда кўп. Бинобарин, Андижон вилояти ҳам Фарғона ёки Хоразм вилоятларидек, канал ва ариқлар кўп бўлган минтақа ҳисобланади. Асосий дарё - Қорадарёнинг, умуман Сирдарё сингари, Ўзбекистоннинг Фарғона водийси қисмида бевосита ерларни суғоришда аҳамияти деярли йўқ. Аксарият дарёлар трансчегаравий хусусиятга эга бўлиб, уларнинг тўйиниш ва бошланиши кўшни Қирғизистон ҳудудида жойлашган. Энг катта Андижон сув омборининг асосий қисми ҳам шу мамлакат доирасига тўғри келади. Шу боис, сув муаммоси, сув масаласини халқаро гартиб-қоидалар, меъёрилар асосида ҳал қилиш муҳим иктисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Мелиорация тизими ҳам вилоятда анча ривожланган. Унинг “қуйи” қисмида, кўпроқ янги ўзлаштирилган ҳудудларда, масалан, Улуғнор, Бўз туманларида қатор коллектор ва зовурлар қазилган (Зовур, Ёзёвон, Сариксув, Шерқўрғон, Сарижўта, Шаҳрихон, Қорагуна ташламаси, Мазгилсой ва б.).

**Аҳоли географияси ва демография.** Андижон вилоятининг энг муҳим географик жиҳати бу ерда аҳолининг зич жойлашувидир. Аҳоли сони кейинги ¼ аср мобайнида 1,5 марта кўпайган. Бу эса аҳоли зичлигининг янада кўтарилишига олиб келган. Ҳозирги вақтда қишлоқ туманларининг аҳолиси Бўз туманидан 64,0 минг кишидан Шаҳрихон туманидаги 265,1 минг кишигача фарқ килади (тафовут 4.14 га баробар). Шаҳрихон тумани ўзининг демографик салоҳияти бўйича мамлакатимизнинг бу борадаги энг йирик ҳудудлари қаторига киради.

Аҳоли динамикаси нуктаи назаридан кўриладиган даврда Шаҳрихон, Асака, Бўз, Қўрғонтепа туманларида ўсиш анча юқори бўлган. Шунингдек, бу ўсиш Марҳамат туманида ҳам юқорирок. Айни вақтда демографик ўсиш кўрсаткичи Балиқчи, Пахтаобод ва Олтинқўл туманларида бирмунча паст. Хўжаобод туманидаги аҳоли сонининг 1989 йилга нисбатан камайиши унинг таркибидан Булоқбоши туманини ажралиб чиқиши сабабли юз берган.

Вилоят бўйича аҳоли зичлиги 1 кв кмга – 652 киши. Бу нафақат Ўзбекистонда, балки бутун МДҲ мамлакатлари бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Асака тумани эса, Асака шаҳри туманга бўйсинувчи макомга туширилганидан сўнг (2010 й.) Ўзбекистонда аҳоли зичлиги бўйича энг олдинги ўринга чиқиб олди – 1 кв.км.га 1113 киши. Шаҳрихонда зичлик 914 киши – бу ҳам республикамызда энг юқори кўрсаткичлардан бири саналади. Шу билан бирга, зичлик Олтинқўл, Булоқбоши, Избоскан туманларида ҳам юқори, фақат янги ўзлаштирилган чўл ҳудудларда - Улуғнор ва Бўзда у нисбатан паст. Бирок, уларнинг кўрсаткичлари ҳам мамлакат ўртача даражасидан 2-3 марта зиёд.

Кўришиб турибдики, вилоят худудиди антропоген босим, демографик юк ниҳоятда юқори. Бундай демографик вазият қатор муаммоларни, жумладан, миллий халқ анъаналаридан келиб чиққан ҳолда уй-жой билан таъминланиш, фермер хўжалиқларини оптималлаштириш каби соҳаларда муайян кийинчиликларга олиб келади.

Тахлиллар кўрсатишича, вилоятда аҳолининг ўсиш суръати мамлакатимизнинг баъзи минтақалари, масалан, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах каби вилоятларига қараганда, сўнгги йилларда бироз паст. Шунга қарамасдан вилоят аҳолисининг сони бир йилда ўртача 60 минг кишига ортиб бормоқда. Бошқа худудларда бўлганидек, бу ерда ҳам аҳоли сонининг ўсиши тўлиқ табиий кўпайиш асосида бўлмоқда. 2013-йилда ҳар 1000 кишига нисбатан туғилиш 23,0, ўлим 5,1 промиллени, табиий кўпайиш 17,9 % ёки 1,79 фоизни ташкил қилган. Бу борада энг сўнгги йилларда туғилиш ва табиий кўпайиш кўрсаткичларининг юқорилаб бориши кузатишмоқда. Туғилишнинг умумий кўрсаткичи 1995 йилда Андижон туманида 31,0, 2000-йилда 20,1 промилле бўлган ҳолда, у 2005 йилда 20,1 ва 2010-йилда 23,5 промиллега, Қўрғонтепа туманида улар, юқоридагиларга мос ҳолда, – 31,4; 20,9; 20,7 ва 24,3 промиллега тенг бўлган. Худди шундай жараёни ёки туғилиш динамикасидаги ўзгаришларни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам кузатиш мумкин.

2005 йилда энг юқори туғилиш кўрсаткичи Шахрихон туманида қайд этилган - 22,9 %, энг паст Жалақудукда - 19,7 %, фарқ 3,2 %. 2013-йилга келиб энг юқори кўрсаткич Пахтаобод ва Шахрихон туманларида кузатишган – 24,4 % (2005 йилда 21,7 %), энг паст туғилиш коэффиценти Жалақудук туманида - 22,1 %. Бундай тарихий-демографик таққослаш кўрсатадики, туманлараро фарқлар бироз ортиб борган. Яна шуни таъкидлаш лозимки, 2013-йилнинг энг паст туғилиш кўрсаткичлари 2005 йилнинг энг баланд даражасида бўлган.

Ўлим коэффицентида сўнгги 10-15 йил мобайнида мунтазам пасайиб бориши кузатилади. Масалан, 1995-йилда вилоят қишлоқ туманларида ўлимнинг умумий коэффиценти 3,7 % (Улуғнор) дан 6,3 промиллега (Олтинқўл) фарқ қилган. 31-жадвалда келтирилган 2013-йил натижаларига кўра ҳам энг паст даража яна Улуғнорда (3,5 %), унинг нисбатан юқориси Андижон туманида (5,5 %) қайд этилган.

Кўрилатган йилда табиий кўпайишнинг энг юқори даражаси Улуғнор туманида кўзга ташланади (21,2 %). Юқорида таъкидланганидек, ташки миграция минтақа аҳолисининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмайди. 1997-йилда миграция қолдиғи вилоят бўйича минус 970, 1998-йилда 960 кишига тенг бўлган ҳолда, шу йилларда қишлоқ жойларда у бироз кўпроқ, минус 1690 ва 1555 киши бўлган.

Энг сўнгги йилларда умумий вазият ижобий томонга бироз ўзгарган: 2013-йилда ҳар минг кишига ҳисоблаганда, қишлоқ туманларида келганлар

Шахрихон туманида 0,3 дан Андижон туманида 4,9 промиллега баробар бўлган. Кетганларнинг энг кўпи Андижон ва Улуғнор туманларида, миграция қолдигининг энг катта кўрсаткичи – плюс 1,7 % Олтинкўл ва Балиқчи туманларида қайд этилади. Вилоят қишлоқ туманларининг етти тасида ташки миграция сальдоси ижобий натижаларга эга. Шу билан бирга, миграция қолдиги айрим туманларда, жумладан, Асака, Булоқбоши ҳамда Қўрғонтепада ижобий бўлса-да, унча катта эмас<sup>1</sup>. Кузатилаётган жараён қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишда эътиборга олинishi керак.

2009-йилда амалга оширилган урбанистик ислохотлар туфайли вилоят шаҳарчалари 5 тадан 78 тага кўпайди. Ҳозирги кунда жами 11 шаҳар ва 83 та шаҳарчаларда жами аҳолининг 52,7 фоизи яшайди. Бу кўрсаткич бўйича Андижон Наманган ва Фарғона вилоятларидан кейинги 3-ўринга чиқиб олди. Таққослаш учун: 2008-йилда урбанизациянинг умумий кўрсаткичи 29,2 % ёки республика даражасидан 6,6 пунктга паст бўлган, энди эса вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори туради.

31-жадвал

Андижон вилояти қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси (хар минг аҳолига нисбатан, 2013 й.)

т/р	Туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий қўлайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиги
1	Андижон	22,5	5,5	17,0	4,9	3,3	1,6
2	Асака	23,7	4,7	19,0	1,7	1,4	0,3
3	Балиқчи	22,8	5,2	17,6	3,5	1,8	1,7
4	Булоқбоши	22,6	5,0	17,6	2,0	1,7	0,3
5	Бўз	23,9	4,2	19,7	3,3	2,1	1,2
6	Жалақулдук	22,1	5,2	16,9	1,4	2,8	-1,4
7	Избоскан	24,3	5,4	18,9	0,5	1,5	-1,0
8	Мархамат	23,8	5,2	18,6	0,3	2,0	-1,7
9	Олтинкўл	24,3	4,9	19,4	4,8	3,1	1,7
10	Пахтабод	24,4	5,0	19,4	0,8	1,6	-0,8
11	Улуғнор	24,8	3,6	21,2	3,7	5,2	-1,5
12	Хўжабод	22,4	5,4	17,0	1,4	2,7	-1,3
13	Шахрихон	24,4	4,5	19,9	0,3	2,0	-1,7
14	Қўрғонтепа	22,4	5,0	17,4	2,3	2,1	0,2
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>23,0</b>	<b>5,1</b>	<b>17,9</b>	<b>2,3</b>	<b>2,6</b>	<b>-0,3</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>1</sup> Вилоят бўйича 2013-йилда келганлар 2,3 %, кетганлар 2,6 % ва миграция қолдиги минус 0,3 промиллега тенг бўлган.

Ташкил этилган 78 та янги шаҳарчаларнинг 18 таси биргина Андижон туманига тўғри келади; 11 та шаҳарча Олтинқўлда, 9 та Марҳаматда, Жалақудуқ ва Хўжаободда 6 тадан пайдо бўлган; биттадан агрошаҳарчалар Улуғнор ва Қўрғонтепа туманларида ташкил этилган. 2009-йилгача Олтинқўл, Балиқчи ва Улуғнор туманларида бирорта шаҳар жойлар бўлмаган. Андижон туманида ҳозирги шаҳар аҳолисининг 93,1 %, Булоқбошида 85,1 %, Марҳаматда 82,2 фоизи айти шу йилда шаклланган. Шундай қилиб, энг сўнгги шаҳарлар таркибидаги ўзгаришлар асосан қишлоқ ёки “маъмурий” урбанизация хусусиятига эга бўлган.

Андижон вилояти кўп қишлоқли эмас, балки катта қишлоқларга бой ҳудуд ҳисобланади. Қишлоқлар сони бўйича у республикамизда охириги ўринларда (фақат Сирдарё ва Наманган вилоятларидан олдинда), ваҳоланки, аҳоли сони бўйича Андижон 4-ўринда туради. Ўртача ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктига 2008 йилда 3236 киши, 2013-йилда 2860 киши тўғри келган. Агар янги шаҳарлар ташкил этилганида қабул қилинган меъёр, яъни энг камида 2000 киши аҳоли сонига эга бўлиши (тегишли шаҳарсозлик талаблари мавжуд бўлган ҳолда) эътиборга олинса, вилоятнинг кўпчилиқ қишлоқлари шаҳарча мақомини олган бўлар эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, баъзи вилоятларда “иккиминглик” қишлоқлар деярли қолмаган, бу ерда эса уларнинг сони жуда кўп.

Минтақада аҳоли сони 250 кишигача бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари деярли йўқ даражада; 500 кишигача аҳоли сони бор қишлоқлар вилоятда атиги 23 та ва уларда бор-йўғи 0,6 % аҳоли истиқомат қилади. Бу синфдаги қишлоқларнинг асосий қисми Бўз ва Избоскан туманларида жойлашган, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Олтинқўл, Хўжаобод, Қўрғонтепада эса улар муман йўқ.

Ҳар бирида 500-1000 кишилик қишлоқлар географияси Жалақудуқ, Бўз ва Улуғнор, ундан кейинги гуруҳ қишлоқлар таркибида Қўрғонтепа, Балиқчи, Жалақудуқ ва Бўз туманлари ажралиб туради. Катта қишлоқлар, яъни 2000-3000 аҳолиси бор манзилгоҳлар Шаҳрихон, Избоскан ва Жалолқудуқда кўпроқ учрайди. Йирик қишлоқлар географияси асосан Шаҳрихон, Асака туманларида, жумладан, Асакада жами шу тоифадаги қишлоқларнинг 31 таси жойлашган.

19-иловада келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Андижон вилоятида 32 та энг йирик, яъни ҳар бирида 5000 ва ундан ортиқ аҳоли жойлашган қишлоқлар мавжуд. Уларга жами қишлоқ аҳолисининг 1/5 қисмига яқини тўғри келади. Бундай йирикликдаги қишлоқлар биргина Шаҳрихон туманида 8 та: Дўрмон, Хўжаобод, Аҳмад Хўжа, Оқолтин, Сарой, Янги Найнов, Янгийўл, Назармаҳрам; Қўрғонтепада 5 та: Қўрғонтепа, Қўштепа, Маъмуробод, Чироқтамға, Хонобод; Избоскан ва Асака туманларида 3 тадан. Улар жумласига Ойим, Булоқбоши, Уйғур,

Миробод каби “мегакишлоқлар” ҳам киради. Фақат Бўз, Улуғнор ва Хўжабод туманларида энг йирик қишлоқлар йўқ, холос.

Қишлоқлар географияси шаҳарларга қараганда жойларнинг табиий шароити, хусусан ер-сув, агроиклимий ресурсларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Интенсив сугорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда қишлоқлар гўж ёки асосий йўл, канал-ариқлар бўйида занжирсимон жойлашган, ўзига хос “қишлоқ агломерацияларини” вужудга келтирган. Бевосита урбанистик таркибга келсак, вилоятда 1 та йирик – Андижон шаҳрида 404 минг киши аҳоли бор; Асакада 62, Шаҳрихонда 68 минг киши яшайди. Демак, республикаимизнинг айрим минтақаларидан фарқ қилиб, бу ерда ўрта бўғин шаҳарлар ҳар ҳолда мавжуд. Хонобод, Охунбобоев, Пойтуғ, Қорасув, Қўрғонтөпа ва Пахтаободнинг ҳар бирида 20-30 мингдан аҳоли истиқомат қилади. Қолган 85 шаҳар жойлар кичик манзилгоҳларини ташкил қилади; умумий урбанизация даражаси 52,7 % (2014 й.).

Вилоят маркази – Андижон негизда йирик шаҳар агломерацияси шаклланмоқда. Унинг “йўлдошлари” орасида, энг аввало, ўзбек автомобильсозлари шаҳри Асака ҳамда Шаҳрихон, Марҳамат, Пойтуғ қабилар ажралиб туради.

Минтақа шаҳарлари турли функцияларни бажаради: Андижон – кўп функцияли, иқтисодий, сиёсий, маданият ва фан маркази; Асака ва Шаҳрихон – саноат марказлари, Қўрғонтөпа, Хўжабод, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтуғ, Улуғнор, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Оқолтин, Олтінқўл, Куйганёр –агросаноат шаҳар ва шаҳарчалар, туман маъмурий марказлари, Қорасув, Хонобод – транспорт ва савдо марказлари. Бошқа шаҳар жойларнинг аксарияти агрошаҳарчалар ҳисобланиб, уларнинг айримларида ҳозирча шаҳар пайдо қилувчи тармоқлар суст ривожланган. Андижон шаҳрида 404 минг, Шаҳрихонда – 71 минг, Хонободда 40 минг аҳоли бор, қолган шаҳарлар аҳолиси бундан кам.

Андижон вилоятининг иккинчи муҳим бойлиги – бу унинг меҳнат ресурсларидир (биринчиси – агроиклимий ресурслар). 2014-йил 1-январь маълумотларига кўра, вилоятда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 1631 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 1279 ва иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли 1211 минг кишини ташкил қилади. Жами банд бўлганларнинг 71,4 фоизи моддий ишлаб чиқаришда, қолганлари номоддий соҳаларга тўғри келади. Шу жумладан, саноатда – 11,6 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида – 37,5 %, транспорт ва алоқада – 2,5 %, қурилишда – 5,1 %, савдо, умумий овқатланиш, моддий техника таъминотида уларнинг 8,2 % банд.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳалардан таълим, маданият, санъат, фан ва илм-фан соҳаларида 10,9 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда 5,9 %, уй-жой хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат

кўрсатишда 2,5 % иқтисодий фаол аҳоли ишлайди<sup>1</sup>. 2013-йилда жами 80,3 мингта иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг 4/5 қисми қишлоқ жойларга тўғри келади.

**Вилоят иқтисодий географияси.** Андижон вилояти хўжалиги, аввал эътироф этилганидек, индустриал-аграр йўналишга эга. Бу турдаги минтақалар мамлакатимиз иқтисодий маконида унча кўп эмас. Вилоят ялли худудий махсулотининг 18,1 фоизини саноат, 28,7 фоизини қишлоқ хўжалиги таъминлайди; транспорт ва алоқанинг улуши – 7,1 %, савдо ва умумий овқатланишники – 10,1 %, қурилишники – 5,7 % ва х.к. (2012 й.).

Агар юқоридаги рақамлар аҳолининг бандлик таркиби билан таккосланса, хўжалик тармоқларининг иқтисодий самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Масалан, саноатда банд бўлган 11,6 % аҳоли ЯХМ нинг 1,5 баробаридан кўпроғини яратса, аграр соҳада, аксинча, 37,5 фоиз ишловчилар 28,7 фоиз махсулот ишлаб чиқаради. Транспорт ва алоқада бу нисбат 2,5 ва 7,1 %, қурилишда 5,1 ва 5,7 %, савдо ва умумий овқатланишда 8,2 ва 10,1 фоизга тенг. Демак, иқтисодиёт тармоқлари орасида саноат, транспорт ва алоқада меҳнат унумдорлиги юқорирок.

Вилоят республика халқ истеъмол молларининг (ХИМ) 30,0 фоизига яқинини беради ва бунга асосан ноозик-овқат махсулотлари ҳисобидан эришилади. Фаолият кўрсатилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони ҳам ошиб бормоқда – умумий сони 40 минг атрофида, уларнинг кўпчилигини микрофирмалар ташкил этади. Ушбу секторнинг ЯХМ улуши – 57,4, саноатда – 12,3 %, қишлоқ хўжалигида – 99,8 %, қурилишда –93,1, чакана савдода – 45,0 %. Жами кичик бизнес субъектлари томонидан 2012-йилда 65,0 минг янги иш ўринлари яратилган; вилоятда яратилган иш ўринлари асосан шу сектор зиммасига тушади.

**Саноати.** Мустақиллик йилларида Андижон вилояти саноати тез ривожланиб берди ва республика иқтисодий маконида ўзига хос ўсиш кутбига айланди. Бу, энг аввало, вилоятнинг Асака шаҳрида жойлашган аввалги “ЎзДЭУ авто” – ҳозирги “GM Ozbekiston” қўшма корхонаси асосида рўй берди. Навоий вилояти саноат ишлаб чиқаришида бу ердаги йирик тоғ-металлургия комбинатининг аҳамияти қандай бўлса, Андижон вилоятида ҳам ушбу автомобилсозлик заводи мавқеи шундай. Уларсиз мазкур вилоятлар иқтисодиёти бутунлай бошқача кўринишда бўларди.

Асакадаги завод қурилиши 1994 йилда бошланиб, унда 1996-йилда биринчи ўзбек автомобиль ишлаб чиқарилган. Умумий лойиҳа қуввати бир йилда 200 минг дона автомобиль. Завод конвейеридан чиққан турли

<sup>1</sup> Таккослаш учун: 2000 йилда саноатда 12,0 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 43,5 %, қурилишда 5,4%, савдо, умумий овқатланишда 8,5 %, таълим, маданият, санъат ва фанда 11,2 фоиз меҳнат ресурслари банд бўлган.

русумдаги замонавий автомобиллар: “Нексия I ва 2”, “Матиз”, “Дамас”, “Спарк”, “Джентра”, “Ласетти”, “Кобальт”, “Каптива”лар жаҳон бозорида, хусусан МДХ мамлакатларида яхши мавқеларни забт этган. Ҳозирги вақтда айтиш мумкинки, республикаимизда Андижон деганда Асака, Асака деганда енгил автомобиллар тушунилади.

Шундай қилиб, машинасозлик, аниқроғи автомобилсозлик вилоят саноати ва, умуман, минтақа иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Унинг ҳиссасига жами яратилган саноат маҳсулотининг 77,0 фоизи тўғри келади. Енгил саноат маҳсулотининг қиймати 4,7 %, озиқ-овқат – 4,8 % (32-жадвал). Жадвал маълумотларининг қиёсий таҳлили Андижон вилояти саноатининг ўта тор ихтисослашуви томон боришини кўрсатади. Чиндан ҳам вилоятнинг ҳозирги саноат маҳсулотида машинасозлик мавқеи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу, албатта, нисбий кўрсаткич, бироқ унинг замирида икки жараён ётибди: биринчидан, автомобилсозликнинг юқори суръатда ривожланиши бўлса, иккинчидан, бошқа саноат тармоқларида бу кўрсаткичларнинг пастлигини аңлатади. Бинобарин, вилоятда анъанавий, хусусан енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқларини ҳам жадал ривожланиши талаб этилади.

32-жадвал

**Андижон вилояти саноатининг тармоқлар таркиби**  
(жами маҳсулот қийматига нисбатан фоизда)

Саноат тармоқлари	2000 й.	2012 й.	Шу даврда ўзгариш, +, -
Жами саноат маҳсулоти шу жумладан:	100,0	100,0	-
Ўқилғи-энергетика	1,3	1,3	0,0
Кимё ва нефть кимёси	2,7	3,6	+0,9
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	53,3	77,0	+23,7
Қурилиш материаллари саноати	2,0	1,1	-0,9
Енгил саноат	17,8	4,7	-13,1
Озиқ-овқат саноати	6,4	4,8	-1,6
Ун-ёрма, омихта ем саноати	13,1	2,0	-11,1
Бошқа саноат тармоқлари	3,4	0,8	-2,6

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Бундай сиёсат мавжуд меҳнат ресурсларидан кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқларда кенгроқ фойдаланиш ҳамда минтақа иқтисодиётини диверсификация қилиш жиҳатидан ҳам тўғри ҳисобланади. Қолаверса, вилоятнинг демографик вазиятидан келиб чиққан ҳолда, халқ истеъмол моллари, айниқса, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини кўпроқ

ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Ваҳоланки, жами ХИМ таркибида озик-овқат маҳсулотлари 5,4 фоиз ва енгил саноат маҳсулотлари 4,3 фоизни ташкил қилади, холос. Табиийки, бу жуда паст кўрсаткич. Шу боис, бу тармоқларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури нуқтан назаридан ҳам ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Саноат тармоқлари доирасида ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий саноат корхоналари турлича. Вилоятда жами йирик саноат корхоналари 51 та. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Андижон вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқариш мужассамлашуви жуда юқори; бу ерда, бошқа қатор минтақаларга қараганда, саноат корхоналарининг сони оз, лекин “оз бўлсада - соз”, аксарияти катта корхоналардир.

Вилоятда тахминан 500-600 млн. кВт соат электр энергия ишлаб чиқарилади ва уни 100 минг кВт қувватига эга бўлган Андижон СЭС беради. Кимё ва нефть-кимё саноатида маҳаллий конлардан оз миқдорда (90-100 минг т агрофида) нефть казиб олинади ва у Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига жўнатилади. Ушбу тармоқда “Уз Кора Ко” ва “Уз Донгжу Пэинт Ко” қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг энг йирик корхонаси, албатта, “GM Uzbekiston” ҚК ҳисобланади. У тармоқнинг 80,5 фоиз маҳсулотини, вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 62,0 фоизини таъминлайди. Шунингдек, бу ерда “Прицеп” АЖ, “Уз Коджи”, “УзТонг Хонг КО” ва бошқа қўшма корхоналар мавжуд (аксарияти Жанубий Корея Республикаси билан ҳамкорликда яратилган). Юқоридагилардан ташқари, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноат тармоғига қарашли қатор тажриба ва таъмирлаш механика ва бошқа заводлар бор (“Андижонкабел”, Авиа механика заводи, “Идас электроника систем” ва ҳ.к). Улар ичида маҳсулот қиймати бўйича “УзДонг Янг Ко” қўшма корхонаси автомобиль ишлаб чиқарувчи заводидан кейинги иккинчи ўринда туради – у тармоқнинг 6,0 фоиз маҳсулотини беради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Асака автомобиль заводи нафақат вилоят, балки бутун Фарғона водийси саноатининг ривожланишига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Заводни эҳтиёж қисмлари билан маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига қўпроқ таъминлаш мақсадида қўшни вилоятларда ҳам унга турдош ёки ёрдамчи саноат корхоналари барпо этилган (масалан, Наманган, Қувасой ва бошқа шаҳарларда).

Қурилиш материаллари саноати суэт ривожланган, у асосан ғишт ишлаб чиқарувчи заводлардан иборат. Илгари катта мавқега эга бўлган енгил саноатда ҳам ўсиш суръатлари унча катта эмас. Тўғри, хорижий сармоялар ҳисобидан қатор тўқимачилик корхоналари барпо этилган (уларнинг энг йириги Шаҳрихондаги “Антекс” ҚК саналанади). Бирок, бу суръатлар мавжуд хомашё, меҳнат ресурслари ва эҳтиёжлар нуқтан



ниширидан қоникарли эмас. Собиқ Иттифоқ даврида қурилган йирик Андижон тўқимачилик комбинати ҳозирги кунда депрессия ҳолатида.

Пахта тозалаш заводлари барча қишлоқ туманларида жойлашган. Улар бир йилда, об-ҳаво, пахта ҳосилига қараб 100-102 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқаради. Худди шундай шароитда ўртача 12-15 минг тонна товланган ўсимлик ёғи олинади (Андижон ва Асака шаҳарлари). 2013-йилда 246,0 минг енгил автомобиль, 900 минг дона атрофида подшипник, 9,0 минг дона велосипед (уни “Авиа механика заводи” АЖ беради), 4213 тонна қурилиш бўёқлари (“Уз Карам Компани” МЧЖ) ишлаб чиқарилади. Шунингдек, ўртача бир йилда 95-110 минг тонна атрофида ун олинади, уни Андижон ва Асака, Қўрғонтепа дон маҳсулотлари АЖ беради. Фарғона vodiёсида Қўқондан ташқари Андижонда ҳам спирт заводи - “Биокиме” АЖ бор. Бир йилда 750-800 минг кв.м ип газлама, 2500 минг кв. м потўқима материаллар тайёрланади. Айни вақтда пайпоқ ишлаб чиқариш кўлига йўлга қўйилмоқда, тикилган буюмлар, трикотаж маҳсулотлари ҳам сезиларли даражада кўпаймоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларидан 2012-йилда 13,2 минг тонна ўсимлик ёғи (2008 йилда -20,5 минг т), 32905 минг шартли банка мева ва сабзавот консервалари, 38,3 минг т гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 56,6 минг т сут ва сут маҳсулотлари, 100,3 минг т ун олинган. Омихта ем ишлаб чиқариш 54,0 минг тоннани ташкил қилган.

Саноат географиясига қараганда, Андижон шаҳри вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 16,9, Асака – 64,3 фоизини, демак, бу икки шаҳар унинг 4/5 қисмидан кўпрогини беради. Қишлоқ туманлари орасида Андижон, Шаҳрихон, Асака, Избоскан бироз ажралиб туради. Хонобод шаҳрининг улуши 4,8 фоизга тенг. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, Асака ва Хонобод шаҳарлари ажралиб туради. Қишлоқ туманлари кўрсаткичлари ўртачадан паст, энг паст даража Улуғнор, Пахтабод ва Булоқбошида қайд этилади.

ХИМ бўйича олганда, уларнинг 87,3 фоизи биргина Асака шаҳрига тўғри келади. Вилоят марказининг бу борадаги ҳиссаси 5,9 %, Шаҳрихон туманиники 1,5 %, Хўжабодники 1,0 % (54-жадвал). Хўжабод ва Қўрғонтепа туманларининг улуши ҳам шу атрофида. Қолган қишлоқ туманларида бу салоҳият анча паст, баъзиларида (Бўз, Улуғнор) у йўқ даражада. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам худди шундай тафовутлар кўрига ташланади - энг юқори кўрсаткич Асака шаҳрида, қолган худудларда у паст даражада.

**Қишлоқ хўжалиги.** Андижон вилоятида нафақат саноат, қишлоқ хўжалиги ҳам яхши ривожланган. Бундан вилоятда ўзлаштирилган ерларнинг деярли қолмаганлиги ҳам далолат беради. Агар худуднинг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш лозим бўлса, яратилган ялпи маҳсулотни минтақа майдонига бўлиб топиш мумкин. Албатта, мазкур вилоятда бу

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

5213.5

**ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)**  
 Яилан маҳсулот қазими бўйича санаят пунктлари



**Санаят тармоқлари**

- Электрэнергетика
- Машинасозлик ва металллик
- Қўلاق ишлаш
- Автомобилсозлик
- Кимё
- Қурилиш материаллари
- Енгил
- Озиқ-овқат
- Бошқа тармоқлар

**УНДИРУВЧИ САНОАТ**

- ▲ Нефть
- ▲ Нефть ва табиий газ
- ▲ Минерал суз булувлари
- ▲ Андижон Коспирнинг номлари
- Гиризоместрициилер
- Электр узаткич линиялари
- Газ қуурлари
- Нефть қуурлари



- КЕНГ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР**
- пахтачилик
  - сибзават ва қартошка
  - боғлар
  - полза экинлари
  - узумзорлар
  - махсусхўрали
  - анор ва анқорасоолар
  - шолчи
  - перандалилик
- РАЙОНЛАР**
- қўй ва эчкиларин
  - урчиқчи
  - асларчилик

- САНОАТ ВА ИШЛОҚ ХҲЖЛИГИ ЯИЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ (2011 й.)**
- 1 км устуни боғдаллиги - 100 млрд. сўм
  - санаят
  - ишлоқ хўжалиги

**ИШЛОҚ ХҲЖЛИГИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ**

- **Сугорма деҳқончилик зонаси**  
 Шакар ағрофи хўжалиги: сибзаватчилик, боғдорчилик, узумчилик ва суг-тўш қорамчилиги
- **Пахтачилик, сибзаватчилик, навашилик, суг-тўш қорамчилиги, навашилик**
- **Чўра-айлов зонаси**  
 Чўра-айлов қорамчилиги
- **Тоғ-айлов зонаси**  
 Тоғ-айлов қорамчилиги (бўш-жум қўриқлиги, тулчи-суг қорамчилиги), дабо водийларида боғлар ва узумзорлар

кўрсаткич ниҳоятда катта бўлади ва у ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти юксаклигидан, иқтисодийётининг юқори зичлигидан дарак беради. Шу жиҳатдан кишлоқ хўжалиги ҳам бу ерда интенсив ривожланиш хусусиятига эга.

Вилоят кишлоқ хўжалиги республикамизнинг айрим минтақаларидан фарқ қилиб, ялпи аграр маҳсулотда деҳқончиликнинг улуши катталигида (2013-йилда 71,6 %) Ўз аксини топади. Ер танқислиги сабабли фермер хўжаликлар ривожланишига ҳам имкониятлар минтақада бироз чекланган. Бироқ шунга қарамадан, мулкчиликнинг бу шакли ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 45,8 фоизини беради.

Андижон вилояти умумий ер майдони 430,3 минг гектар, шундан кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 61,1 % – бу жуда юқори кўрсаткич. Бундай ерлар хиссаси фақат Улуғнор туманида бироз кичикроқ.


Кишлоқ хўжалигининг интенсивлигини бизнинг шароитимизда суғориладиган ерларнинг мавжудлиги белгилаб беради. Алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда бу кўрсаткич ниҳоятда юқори – суғориладиган ерларнинг кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ерларга нисбатан улуши 91,1 %. Балиқчи, Бўз, Избоскан, Олтинқўл, Пахтаобод туманларида улар 100 фоизни ташкил қилади (20-илова). Экин экиладиган ерлар кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 79,3 фоизига тенг; унинг 8,3 % пичанзор ва яйловлардан иборат, холос. Экин ерларнинг хиссаси, хусусан, Балиқчи, Бўз, Избоскан, Пахтаобод, Улуғнор каби туманларда катта, пичанзор ва яйловлар эса Андижон, Хўжаобод, Марҳамат ва Асака туманларида нисбатан кўпроқ майдонни эгаллайди.

2013-йилда вилоятда жами экин майдонлари 256,2 минг гектар бўлган. Шундан донли экинлар 93,9 минг га майдонда етиштирилган. Ялпи ҳосил 646 минг т (2000 й.-580 минг т) ёки республика ғалласининг 8,6 фоизига баробар. Донли экинлар таркибида бугдой етакчи: 80 минг га, ялпи ҳосил 568 минг т, ҳосилдорлик 70,8 ц/га. Пахтазорлар 94 минг гектарга яқин бўлиб, у 2000-йилга қараганда бироз қисқарган. Ялпи ҳосил ҳам камайган ва 292 минг тоннани ташкил қилган, ҳосилдорлик 31,3 ц/га (2000 йилда 31,8 ц/га). Пахта деярли тўлиқ фермер хўжаликларида етиштирилади.

Бошқа техника ва мойли экинлардан кунгабоқарга катта эътибор берилмоқда. У 2012-йилда 3,2 минг гектарга экилган. Кунгабоқар асосан ёғ олиш мақсадида етиштирилади. Шу мақсадда ер ёнғоқ ҳам экилади.

Вилоятда картошка етиштиришга ҳам эътибор катта. Кўрилатган йилда у 5,9 минг гектарга экилиб, 201 минг тоннага яқин ҳосил олинган. Сабзавот 21,0 минг гектарни эгаллаган, ялпи ҳосили 1077 минг тонна. 2012-йилда ем-ҳашакка ажратилган ер майдони 12,5 минг гектар, унинг ярмидан кўпроги силос учун экиладиган маккажўхори билан банд. Ёғдорчилик майдони 29,0 минг гектарни ташкил қилган; узум 4,2 минг гектарда етиштирилган; ялпи ҳосил, мос ҳолда, 439 ва 52 минг тонна.

7-расм. Андижон вилоятининг экин майдони (жамига нисбатан фоизда)



Чорвачилик махсулотларидан 2012-йилда тирик вазнда гўшт 105 минг т, сут 655 минг т, тухум 276 млн. дона, жун 2128 тонна, пилла 3303 тонна олинган. Йирик шохли қорамоллар сони 863 минг бош, қўй ва эчкилар 1176 минг бош. Таққослаш учун: 2000-йилда 2700 тонна атрофида пилла тайёрланган, йирик шохли қорамоллар 440 минг бош, қўй ва эчкилар 500 минг бошга яқин бўлган.

Қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда Андижон, Жалақудук, Кўрғонтепа, Пахтаобод, Избоскан туманлари олдинда (7,0-8,8 %). Улуғнор, Хўжаобод, Бўз ва Булоқбоши туманларининг улуши эса пастроқ. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, энг юқори кўрсаткич Бўз ва Улуғнор туманларида қайд этилган. Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод туманларида ҳам бу кўрсаткич ўртача даражадан кўпроқ.

Юқорида таъкидланганидек, вилоятда фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши ва ривожланиши ўзига хос минтакавий хусусият касб этади. 2013-йилда бу ерда жами 7175 та фермер хўжалиklари бўлиб, уларга 256 минг гектар ер бириктирилган; ишлайдиган ходимлар сони – 127,2 киши (21-илова).

Илова маълумотларига кўра, ҳар бир фермерга ўртача 35,7 гектар ер тўғри келган ва 17,7 киши ишлаган. Энг катта ер майдони ёки нисбатан каттароқ фермер хўжалиги, энг аввало, янги ўзлаштирилган Улуғнор туманида кузатилади (61,5 га); ишчилар сони Шаҳрихонда энг кўп (28,2 киши). Асака, Бўз, Избоскан туманларида ҳам бу кўрсаткичлар анча юқори. Майдони энг кичик фермер хўжалиklари Пахтаобод туманида (24,5 га), энг кам ходимлар сони Улуғнорда (8,8 киши) бўлган.

Таҳлил этилаётган йилда вилоят бўйича фермер хўжалиklари жами қишлоқ хўжалик махсулотларининг 45,8 фоизини берган. Қизиғи шундаки, янги ўзлаштирилган Улуғнор туманида фермер хўжалиklarининг иқтисодий самародорлиги энг юқори (71,4 %). Балиқчи, Бўз, Шаҳрихон

туманларида ҳам бу кўрсаткичлар сезиларли – 50 фоздан кўп. Айни пайтда, нисбатан паст кўрсаткичлар Асака, Хўжабод, Олтинкўл кишлок туманларида. Бундай тафовутлар қисман аҳоли зичлиги ва табиий географик шароити билан боғлиқ. Умуман олганда эса, вилоят кишлок иктисодиётида дехқон хўжалиklarининг ўрни катта.

**Ижтимоий соҳалар географияси.** Аҳоли зич, аҳоли пунктлари катта бўлган Андижон вилоятида ижтимоий соҳалар ривожланиши муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мавжуд меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш орқали унинг турмуш шароитларини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан саналади.

Одатда, аҳолининг сифат жиҳатидан ривожланиши, барқамол даражада шаклланиши унинг ҳар томонлама соғлом, билимли бўлишини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Вилоятда тиббиёт муассасаларининг умумий сони 117 та бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи бюджет тизимида фаолият кўрсатади. Ҳар 10000 кишига 42,9 та бемор ўринлари тўғри келади. Амбулатория - поликлиникалар сони 559 та, врачлар ҳар 10000 кишига 22,7, ўрта медицина ходимлари 90,6 та. Бу рақамлар минтақа соғлиқни сақлаш соҳаларининг яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Кишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) 341 та ёки ҳар бир кишлок туманида 24,4 тадан. Агар вилоятда жами 456 та кишлок аҳоли пунктлари мавжудлиги эътиборга олинса, ушбу соҳанинг муҳим географик хусусиятлари яққол намоён бўлади. Бу ҳам бўлса, кишлок аҳоли пунктлари катталигининг натижасидир.

Касалхонадаги ўринлар сони ҳар 10 минг кишига Марҳамат туманида энг юқори – 43,9 (Асака шаҳрида 55,8). Шу билан бирга, 2013-йил яқунлари мазкур соҳанинг Бўз ва Пахтабод туманларида бироз паст ривожланганлигини кўрсатади. Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория-поликлиника муассасалари ўртача 153,8 бўлган ҳолда, у Асака шаҳрида 234,9 та, Улуғнор туманида 183,9 та; нисбатан пастроқ кўрсаткичлар Асака ва Андижон кишлок туманларида ҳамда Хонобод шаҳрида кузатилмоқда. Бошқа минтақаларда бўлганидек, бу ерда ҳам вилоят маркази ёнида жойлашган кишлок туманларида ижтимоий соҳалар билан таъминланганлик бироз паст бўлади, сабаби бу жойларнинг аҳолиси катта шаҳар имкониятларидан фойдаланади.

Вилоятда мактабгача тарбия доимий муассасалари 455 та. Умумтаълим мактаблари 742 та бўлиб, уларда ўқувчилар сони 2012-2013 ўқув йилида 386 минг ёки ҳар бир мактабда ўртача 520 кишидан тўғри келган. Академик лицейлар жами 12 та, уларнинг кўпчилиги Андижон шаҳрининг ўзида жойлашган; талабалар сони 9945 та. Барча кишлок

туманлари ва шаҳарларда касб-ҳунар коллежлари мавжуд: умумий сони 117 та, талабалар – 147,4 минг киши.

Андижон шаҳри мамлакатимизда олий маълумотли кадрлар етказиб беришда муҳим мавқега эга. Бу ерда 4 та олий ўқув юрти, шу жумладан, университет, тиббиёт институти бор. Андижон туманининг маъмурий маркази Куйганёр шаҳарчасида Қишлоқ хўжалиги (аввалги пахтачилик) институти жойлашган. Вилоят олий ўқув юртларида жами 15 мингдан зиёд талаба таҳсил олади<sup>1</sup>.

Ижтимоий соҳалар орасида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва чакана савдо ҳам катта аҳамиятга эга. 2012-йил якунларига кўра, вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган пуллик хизматлар Андижон шаҳри ҳисобидан шаклланган. Қишлоқ туманларида эса мазкур кўрсаткич Хўжабод ва Шаҳрихонда бирмунча юқорироқ. Салоҳият нуқтаи назардан ҳам Андижон шаҳри, албатта, олдинда – унинг бу борадаги ҳиссаси 31,4 %. Шунингдек, Андижон туманида вилоят пуллик хизматининг 6,8, Асака туманида – 8,5 фоизи амалга оширилган (22-илова). Чакана савдода: Андижон шаҳри 40,9 %, Асака тумани 7,0 %, Шаҳрихон тумани 9,2 %, Қўрғонтепа тумани 6,6 % ва ҳ.к.; энг паст кўрсаткичлар Улугнор ва Бўз туманларида.

Аҳолининг яшаш шароити кўп жиҳатдан ижтимоий инфратузилма шаҳобчаларининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Бу борада, айниқса, аҳолининг тоза ичимлик суви, газ ва электр энергия билан мунтазам таъминланиши катта мазмун касб этади. Андижон вилоятида 2013-йил якунлари бўйича, аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлиги 80,4 фоиз бўлган. Шаҳар жойларда бу вазият, албатта, яхши, қишлоқ туманлари миқёсида эса айрим муаммолар йўқ эмас. Чунончи, Марҳамат тумани аҳолисининг атиги ярми бундай имкониятларга эга. Избоскан, Қўрғонтепа, Балиқчи туманларида ҳам мазкур кўрсаткич юқорироқ бўлишини талаб қилади (65 – 71 %).

Табиий газ билан таъминланиш ичимлик сувига нисбатан пастроқ – 79,9 %. Хонобод шаҳри яқинида йирик газхона барпо этилишига қарамай, вилоятда газ билан таъминланганлик ўртача 78,1 %. Избоскан ва Жалақудуқ туманларида бу кўрсаткич 60 фоиздан паст. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурида бу масалаларга устуворроқ эътибор берилгани табиий.

Вилоятда ер танқислиги боис, уй-жой билан таъминланганлик республиканинг бошқа минтақаларига қараганда пастроқ – ўртача бир кишига 9,8 кв.м. тўғри келади. Нисбатан юқорироқ кўрсаткич Жалақудуқ (13,1 м<sup>2</sup>) ва Шаҳрихон (12,1 м<sup>2</sup>), Андижон (11,7 м<sup>2</sup>) ва Пахтабод туманларида (10,6 м<sup>2</sup>)

<sup>1</sup> 2010/2011 ўқув йилида чет тиллар институти Андижон Давлат университетининг таркибига киритилди. Муҳандистлик-иқтисодий институти Машинасозлик институтига айлантирилди.

кузатилади, Улуғнолда эса у 7,7 м<sup>2</sup> га тенг. Бундай ижтимоий муаммо, энг аввало, аҳоли зичлигининг юқорилиги ва ер ресурсларининг камлиги боис юзага келган.

**Инвестиция, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Ҳар қандай мамлакат ёки минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосини инвестиция, капитал қўйилмалар белгилаб беради. Айтиш жоизки, Андижон вилоятида капитал қўйилмалар ва қурилиш ишлари яхши олиб борилмоқда. Жами инвестициялар ҳажмининг 1/5 қисмидан кўпроги Андижон шаҳрига, 22,3 фоизи Асака шаҳрига йўналтирилган. Айни вақтда, Бўз ва Улуғнор кишлок туманларининг инвестиция муҳити унча қулай эмас.

2012-йилда вилоятда амалга оширилган қурилиш ишларининг 1/3 қисми Андижон шаҳрига тўғри келди. Бу ишлар қўлами Балиқчи, Андижон, Избоскан, Шаҳрихон туманларида ҳам бироз кўпроқ бўлган ҳолда, Улуғнор ва Қўрғонтепа туманларида қурилиш камроқ эканлиги қайд этилади.

Мавжуд маълумотларга қараганда, вилоятда жами 46,2 млн тонна юк, 394,2 млн киши йўловчи ташилган. Юк ва йўловчи ташиш айланмаси олдинги йилга қараганда ортган. Ташилган юкнинг 60,6 фоизини, йўловчиларнинг 52,5 фоизини автомобиль транспорти амалга оширган. Юкнинг ҳам, йўловчининг ҳам аксарият қисмини хусусий автомобиль эгалари бажаришган. Юк ташишда, энг аввало, Андижон шаҳри, туманлар орасида эса Андижон ҳамда Пахтаобод ажралиб туради. Йўловчилар ташишда вилоят марказидан ташқари Андижон, Қўрғонтепа ва Асака туманлари олдинда.

Ташқи савдо айланмаси 2008-йилда 2060,5 млн, 2009-йилда 1521,8, 2013- йилда 2889,5 млн АҚШ долларига тенг бўлган. Шундан экспорт 2013-йилда 894,6, импорт 1994,5 млн долларни ташкил қилган. Экспорт таркибида машина ва ускуналар – 66,1 %, импортда – 78,6 фоиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, машина ва ускуналар импорти қиймати уларнинг экспорт ҳажмидан кўп бўлган. Демак, бу борада қўшимча захиралар яратилган. Импортда кора ва рангли металллар ҳамда кимё саноати маҳсулотлари 7,6 фоизни ташкил қилади. Ушбу импорт товарлари ҳам асосан автомобилсозлик мақсадларида амалга оширилган.

2012-йилда рўйхатга олинган хорижий сармоялар ёрдамида қурилган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 86 та бўлган. Уларнинг 30 таси Андижон шаҳрида, 8 таси Андижон туманида, 10 таси Шаҳрихонда, 5 таси Избосканда ва ҳ.к. Шу билан бирга, Пахтаобод, Бўз, Булоқбоши ва Улуғнор туманларида қўшма корхоналар йўқ даражада. Маълумки, қўшма корхоналарнинг муҳим вазифаси мамлакат ва минтақалар экспортида фаол иштирок этишдир. Шу йилда мазкур корхоналар томонидан 795,8 млн.

АҚШ доллари миқдорида экспорт ишлари бажарилган, унинг 3/5 қисми биргина Асака шаҳрига (автомобиль заводида) тўғри келади<sup>1</sup>.

33-жадвал

Андижон вилояти ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2013-йил, аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	ХИМ	Капитал қўйил-малар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Андижон ш.	1,155	0,190	0,346	1,454	2,257	2,803	2,691
Асака ш.	28,556	0,522	38,779	9,905	0,646	2,202	1,617
Хонобод ш.	3,262	0,533	0,062	1,187	2,334	0,494	0,708
<b>туманлар:</b>							
Андижон	0,234	1,055	0,079	0,685	0,930	0,376	0,694
Асака	0,210	0,927	0,116	0,392	0,564	0,454	0,525
Балиқчи	0,177	1,253	0,065	0,481	1,111	0,515	0,805
Булоқбоши	0,045	1,065	0,053	0,554	0,686	0,882	0,654
Бўз	0,269	2,124	0,032	0,791	1,471	0,326	0,493
Жалақудук	0,207	1,529	0,038	0,585	0,589	0,480	0,807
Избоскан	0,176	0,919	0,054	1,359	0,490	0,459	0,569
Марҳамат	0,146	1,297	0,069	0,419	0,825	0,548	0,717
Олтинқўл	0,116	1,114	0,058	0,977	0,757	0,591	0,686
Пахтаобод	0,032	1,323	0,021	0,511	0,660	0,727	0,840
Улуғнор	0,013	1,875	0,017	0,629	0,959	0,391	0,470
Хўжаобод	0,289	1,271	0,305	0,614	0,914	1,074	1,076
Шаҳрихон	0,221	0,884	0,138	0,462	0,537	1,109	0,559
Кўрғонтепа	0,156	1,142	0,147	0,521	0,944	0,969	0,723

Жадвал *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Жами экспортнинг 96,9 фоизи МДХ мамлакатларига тўғри келади (2012 й). Импортда “Узоқ хориж” ва Болтиқбўйи мамлакатлари устунлик қилади (91,8 %). Ташқи савдо айланмаси географиясининг айни шу жиҳатлари билан ҳам Андижон вилояти республикамизнинг бошқа минтақаларидан фарқ қилади. Вилоят ичида экспортнинг 75,7, импортнинг 81,8 фоизи Асака шаҳри зиммасига тушади. Қолган хулудлардан бу хусусда Хонобод шаҳри, шунингдек, Избоскан, Шаҳрихон, Андижон туманларини қайд этиш мумкин (22-илова).

Андижон вилоятини микроиқтисодий районларга ажратадиган бўлсак, у ҳолда бу ерда уч райони кўрсатиш мумкин: Марказий (Андижон ва Асака шаҳарлари, Андижон, Асака, Шаҳрихон, Пахтаобод, Избоскан туманлари); Жануби-шарқий (Марҳамат, Жалақудук, Кўрғонтепа, Хўжаобод, Булоқбоши туманлари) ва Ғарбий район (Балиқчи, Бўз ва

<sup>1</sup> Хорижий инвестициялар асосида ташкил этилган корхоналар минтақа экспортининг 88,9 фоизини таъминлайди.



Улуғнор). Шубҳасиз, улар орасида Марказий районнинг иқтисодий кудрати катта. Бу борада, айпикса, Андижон - Асака - Шаҳрихон «учбурчаги» муҳим мавқега эга. Андижон агломерацияси ва саноат тугуни вилоят геоиқтисодий маконининг ўзагини ташкил этади. Шу билан бирга, адир оркасидаги Жануби-шарқий район ҳам анча ривожланган, аммо учинчи, яъни кейинги йилларда ўзлаштирилган Фарбий районнинг иқтисодий ва демографик салоҳияти ҳозирча юқори эмас.

Бевосита кишлок туманлари даражасида кўриладиган бўлса, бу жойларда кишлок жойлар саноати суи ривожланган. Бу борадаги индикаторлар айпикса Улуғнор, Пахтаобод, Булокбоши туманларида паст. Кишлок хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш индекси фақат Шаҳрихон, Избоскан, Асака туманларида 1,000 дан паст, энг юқори кўрсаткич Бўз туманида – 2,124 (33-жадвал). Худди шундай худудий тафовутлар бошқа ижтимоий – иқтисодий соҳаларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, қурилиш ишларида, 2012-йил якунларига кўра, шаҳарларни ҳисобга олмаганда, индикатор Балиқчи ва Бўз туманларида нисбатан катта. Чакана савдода эса Хўжаобод ва Шаҳрихонда вазият яхшироқ, пуллик хизмат кўрсатиш асосан шаҳар жойларда – Андижон ва Асакада амалга оширилади.

Умуман олганда, Андижон вилоятида Булокбоши, Марҳамат, Пахтаобод ва Улуғнор кишлок туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси пастроқ. Таҳлиллар мазкур туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маълум муаммолар борлигини кўрсатади.

## 2.4.2. Наманган вилояти

Наманган вилояти Ўзбекистон Республикаси Фарғона водийси қисмининг энг катта худуди ҳисобланиб, унинг майдони 7,44 минг кв. км. Бу Фарғона иқтисодий районининг 40,2 фоизи, мамлакатимизнинг 1,6 фоиз майдони демакдир. Аҳолиси – 2504,0 минг киши ёки республика аҳолисининг 8,2 фоизи шу минтақада яшайди. Водийда, гарчи вилоят ўз майдонининг нисбатан катталиги билан ажралиб турсада, аҳоли сони бўйича у Фарғона ва Андижон вилоятларидан оркада туради. Бироқ, шунга қарамасдан, республика миқёсида Наманган вилояти аҳолиси зич жойлашган худудлар каторига киради.

Мамлакат меҳнат тақсимогида Наманган вилояти, энг аввало, дехқончилик (пахта, пилла, мева, узум етиштириш), енгил ва озик-овқат саноатига ихтисослашган. У республика яли худудий маҳсулотининг 4,2, саноат маҳсулотининг 2,7, кишлок хўжалиги маҳсулотининг 7,9, чакана савдо ҳажмининг 6,1 фоизини беради (2013 й.).

Вилоят ҳозирги ҳолатда 1967- йил 18-декабрда ташкил топган. Аслида эса у даставвал 06.03.1943 йилда бу мақомга эга бўлган, сўнгра, яъни

25.01.1960-йилда Наманган ва Андижон вилоятлари қўшилиб, алоҳида бир маъмурий бирликни ташкил қилган. Маълумки, бу даврда собик Иттифокда вилоятларни йириклаштириш, “совнархоз”ларни шакллантиришга катта аҳамият берилган. Худди шундай ўзгаришлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам юз берган.

Наманган вилоятининг маъмурий-худудий бўлиниши вилоятга бўйсунувчи 1 та шаҳар, 11 та қишлоқ тумани, 7 та туманга бўйсунувчи шаҳар ва 120 та шаҳарчалардан иборат. Шунингдек, бу ерда 99 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 402 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Қишлоқ туманлари орасида майдони бўйича Поп ва Чуст ажралиб туради. Хусусан, Поп туманининг майдони энг катта бўлиб (2,91 минг кв. км), у вилоят умумий худудининг 39,1 фоизини эгаллайди. Чуст туманининг майдони 0,91 минг кв.км, кичиги эса Норин тумани ҳисобланади. Бу борадаги географик коэффициент 13,8 га тенг. Демак, вилоят табиий-ҳўжалик жиҳатдан анча катта ички худудий тафовутларга эга.

Вилоятда биринчилар қаторида ташкил этилган туманлар Наманган, Чуст, Поп ва Янгиқўрғон бўлиб, улар республикамизда дастлабки – 1926 йилда амалга оширилган маъмурий ислохотларга тўғри келади. Тарихий нуқтаи назардан энг сўнггиси эса Чортоқ тумани, у 1980 йилда Янгиқўрғон туманидан ажралиб чиққан (23-илова).

**Географик ўрни ва табиий бойликлари.** Наманган вилояти асосан Сирдарёнинг ўнг қирғоғи, Фарғона водийсининг шимолий қисмини эгаллайди. У Ўзбекистон Республикаси худудининг шарқий қисмида, Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятидан жанубда жойлашган; ғарбда Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти билан, республикамиз доирасида эса Тошкент вилояти, жанубда Фарғона, жануби-шарқда Андижон вилоятлари билан чегарадош.

Вилоят худудининг ярмидан кўпроғи тоғ ва тоғолди районларидан ташкил топган. Бу ерда адир минтақаси қўшни вилоятларга қараганда кенг тарқалган ва у боғдорчилик, узумчилик ҳамда чорвачилик учун қулай. Шу жиҳатдан Наманган вилоятининг ер фонди ҳам каттароқ. Бироқ, унинг энг чекка шимоли-ғарбий қисми баланд тоғликлардан иборат (баландлиги 4000 метргача етади).

Орографик жиҳатдан вилоятнинг ғарбий ва шимолий қисмидаги Чотқол, Қурама ҳамда Фарғона тизмалари Ғарбий Тяньшань тоғ тизмаларига киради. Уларнинг асосий қисми – Поп туманида. Ушбу туманнинг ер усти тузилиши анча мураккаб бўлиб, баландлик амплитудаси энг жанубдаги 365-367 м баландликдан 4008 м нукталар доирасида 3640 метрга тенг. Дарҳақиқат, Поп тумани республикамизда типик тоғли

худудлар каторига киради ва бу жойда “фойдали ер” коэффициенти вилоятнинг бошқа туманларига қараганда анча паст<sup>1</sup>.

Вилоят худудида баъзи қазилма бойликлари ҳам мавжуд (флюорит, кумуш, олтин, гранит нефть ва б.). Чодок, Чоркесар, Уйғурсой полиметал ва қимматбаҳо металллар ҳамда Тергачи, Наманган ва Мингбулоқ нефть конлари шулар жумласидандир. Аммо бу конларда қазилма бойликларининг захираси кўп эмас, бинобарин, улар минтака иқтисодиётига кучли таъсир этмайди.

Ёгин-сочин миқдори ғарбдан шарққа томон ортиб боради (100-400 мм). Асосий гидрографик элементи – Сирдарё, у шу номда айни вилоят худудида, Норин ва Қорадарёнинг қўшилиши натижасида шаклланади. Бирок Сирдарёнинг ерларни суғоришдаги аҳамияти катта эмас, чунки у анча пастликда оқиб ўтади. Бу жиҳатдан унинг ирмоқлари - сойларнинг аҳамияти юқорирок: Резаксой, Ғовасой, Косонсой, Чортоқсой, Намангансой ва ҳ.к. Ушбу сойларнинг юқори қисмида кичик-кичик сув омборлари қурилган (Чортоқ, Кўксарой, Олмоссой, Ғовасой, Кенгқўлсой, Резаксой ва бошқалар).

Норин дарёси Қирғизистон худуди, баланд тоғликлардан водийга чиққандан сўнг кенг ёйилиб кетади. Худди ана шу ердан водийнинг аксарият каналлари бошланади. Жумладан, Катта Наманган, Шимолий Фарғона, Катта Фарғона, Катта Андижон каналлари Учқўрғон шаҳри ва Шамолдисой шаҳарчаси яқинидан бошланади. Катта Наманган канали кейинги йилларда қурилган бўлиб, у адир зонасининг пастроқ қисмларини суғоришга мўлжалланган. Умуман олганда эса, Наманган вилояти, айниқса, унинг ғарбий қисми сув билан яхшироқ таъминланмаган. Шу жойларда ва тоғолди худудларда жуда кўп ариқлар бор. Улар сув омборларидан бошланади.

Наманган вилояти табиий бойликларига унинг дори-дармон учун фойдаланиладиган турли хил ўтлар (фармацевтика ресурслари) ҳамда рекреация масканларини ҳам киритиш мумкин. Бундай жойларга Чортоқ, Поп туманидаги Парда Турсун сихаттоҳлари, Янгикўрғон, Чуст туманларининг гўзал ландшафтлари мисол бўла олади.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Яқин йилларгача Наманган вилояти республикамизда аҳолиси нисбатан жадал кўпайиб бораётган худудлар каторига кирар эди. Аммо сўнгги йилларда демографик ўсиш кўрсаткичлари бироз пасайиб бормоқда. Масалан, 1989-2000-йилларда вилоят аҳолиси йилига ўртача 2,50 фоиздан кўпайиб борган бўлса, 2000-йиллар бошида бу кўрсаткич 1,70 фоизга тушиб қолган. Энг сўнгги

<sup>1</sup> Француз географи Э. Реклю фойдали ёки “самарали” ерларга денгиз сатҳидан 2000 метргача баландлик ва йиллик ўртача ҳарорат минус 20 С даражагача бўлган худудларни киритган. Бизнинг шароитимизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш нуқтаи назаридан баландлиги 1000-1200 м ерларни олиш тўғрироқ бўлса керак. Иккинчи кўрсаткич ўрнига ёки унга қўшимча равишда йиллик ёгин-сочин миқдори олиниши мақсадга мувофиқ (200 мм дан кўп).

йилларда аҳоли сони 1,70-1,80 фоиздан кўпайиб бормокда. Демографик ривожланиш аср бошида бироз пасайиб, тахминан 2006 йилдан янада жадаллашган ва ўзига хос тўлқин сифатида қисқа муддатли ўтиш даврини намоён қилган.

Қишлоқ туманлари микёсида аҳоли ўсиши анча ҳудудий тафовутларга эга: агар вилоят аҳолиси 1989-2014-йилларда 1,7 мартага ўсган бўлса, бу кўрсаткич Чортоқ, Чуст ва Косонсой туманларида 2,5-2,7 мартани ташкил қилган. Учкўрғон, Тўрақўрғон ва Поп туманларида ҳам бу ўсиш анча юқори бўлган, Наманган ва Янгиқўрғон туманларида эса аҳоли ўсиши динамикасининг бироз паст даражалари қайд этилади (23-илова).

Наманган вилоятида аҳолининг зичлиги ўртача 1км<sup>2</sup> га 337 кишини ташкил қилади. Бу рақам қўшни Фарғона ва, айниқса, Андижон вилоятига қараганда бироз пастроқ бўлса-да, у республика кўрсаткичидан 5 марта кўпдир. Вилоят ҳудудида аҳоли зичлиги ҳар хил: у Наманган шаҳрига бевосита яқин, суғорма деҳқончилик яхши ривожланган туманларда (Уйчи, Тўрақўрғон, Норин, Наманган) 680-890 кишига етади. Ваҳоланки, майдони бўйича энг катта Поп туманида зичлик 68 киши, холос. Бу эса бутун Фарғона иқтисодий районида энг кичик кўрсаткичдир. Шу қаторда, янги ўзлаштирилган Мингбулоқ туманида ҳам аҳоли жойлашуви унча зич эмас – 151 киши ва бу жиҳатдан у қўшни Андижон вилоятининг Улуғнор, Бўз, Фарғонанинг Ёзёвон туманларига ўхшаб кетади. Маълумки, бу маъмурий бирликлар Марказий Фарғона – Қорақалпоқ чўли ҳудудларида жойлашган. Демак, вилоят туманларининг демографик сифими бир-бирдан анча фарқ қилади. Бундай ҳолат асосан сув ресурсларининг ҳудудий шаклланишига боғлиқ бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақавий хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатади.

Вилоятда аҳоли сони бўйича Чуст тумани олдинда туради. Бу ерда 237,6 минг киши истиқомат қилади. Қолган қишлоқ туманлари аҳолиси эса Мингбулоқ туманидаги 112 минг кишидан Наманган туманидаги 212 минг кишигача фарқ қилади (23-илова). Аҳоли сонининг нисбатан юқори суръатларда ўсишига унинг табиий ҳаракати сабабчидир. Чунончи, 2001 йилда туғилиш 20,7 промилле, ўлим 4,7 ва табиий кўпайиш 16,0 промиллега тенг бўлган (1999 йилда бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос равишда 23,1, 4,9 ва 18,2 промиллени ташкил этган). 2010-йилда табиий ҳаракат кўрсаткичлари қуйидагича: туғилиш 21,5, ўлим 4,5, табиий кўпайиш 17,0 промилле, 2013-йилда мос равишда, 22,9; 4,6 ва 18,3 %.

Аҳолининг табиий ҳаракати ҳудудий фарқларга эга бўлиб, бу жойларнинг демографик вазияти, аҳолисининг ёш ва жинсий, миллий таркиби, миграция ва бандлиги, маълумотлилик ва урбанизация даражаси каби қатор омилларга боғлиқ. 24-илова маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, сўнгги йилларда вилоят аҳолисининг такрор барпо этилиши умумий тарзда пасайиб бораётган бўлса-да, у тўлқинсимон ўзгаришга эга.

Бу ўзгариш ёки бурилиш тахминан 2005-2006-йилларга тўғри келиб, у, ўз навбатида, авлодлар алмашуви, демографик жараёнлар ўтмишининг хусусиятлари билан изоҳланади.

Таҳлилларга биноан, туғилиш 1995-2013-йиллар мабойнида 15-20 промиллега қисқарган. Агар 2005-2013-йиллар оралиғи олинса, қатор туманларда туғилиш умумий коэффициентининг бироз кўтарилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Косонсой туманида у 21,9 дан 24,3 промиллега, Наманган туманида 20,6 дан 23,0 гача, Уйчида 20,4 дан 23,8 промиллега кўтарилган ва ҳ.к. Фақат Мингбулоқ туманида акс ҳолат рўй берган. Умуман, барча кишлоқ туманларида кўрилаётган йилларда туғилиш коэффициенти юқорилашган. 1995 йилда энг юқори туғилиш кўрсаткичи Косонсойда, энг пасти – Янгикўрғонда, фарқ 8,6 промиллени ташкил қилган. 2000 йилда энг юқори кўрсаткичга (27,0 %) Тўрақўрғон тумани, энг пастига Норин (19,0 %) тумани эга бўлган, фарқ 8,0 %. 2005-йилга келиб туғилиш географиясида қуйидаги ўзгаришлар юз берган: энг юқори туғилиш даражаси – 21,9 % (Косонсой ва Поп туманларида), энг пасти – 18,7 % Учқўрғон туманида, улар ўртасидаги фарқ бор-йўғи 3,2 пунктни ташкил қилган.

2013-йилда вилоят туманлари орасида нисбатан юқори кўрсаткич Косонсойда (24,3 %), энг пасти Чустда (20,9 %) қайд этилди, фарқ 3,4 промилле. Кўриниб турибдики, 2000-йиллар ўртасида туғилиш кўрсаткичларидаги ҳудудий тафовутлар бироз текислашган, кейинчалик эса бу фарқ, бироз ортиб борган.

34-жадвал

Наманган вилояти аҳолисининг миграцияси (промилледа)

т/р	Туманлар	2008 й.			2013 й.		
		келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	<b>Вилоят бўйича</b>	1,1	1,2	-0,1	2,0	2,0	0,0
	<b>Наманган ш.</b>	1,4	2,6	-1,2	0,8	4,1	-3,3
<b>туманлар:</b>							
1	Косонсой	1,2	1,2	0,0	1,0	1,0	0,0
2	Мингбулоқ	1,4	2,6	-1,2	2,7	2,5	0,2
3	Наманган	1,3	1,0	0,3	3,1	1,5	1,6
4	Норин	2,0	2,7	-0,7	1,3	2,0	-0,7
5	Поп	1,4	2,5	-1,1	3,1	2,0	1,1
6	Тўрақўрғон	1,2	2,7	-1,5	2,7	1,4	1,3
7	Уйчи	1,7	2,9	-1,2	2,9	1,5	1,4
8	Учқўрғон	1,6	2,7	-1,1	1,9	2,0	-0,1
9	Чортоқ	0,5	2,4	-1,9	1,2	1,2	0,0
10	Чуст	1,0	2,1	-1,1	2,7	1,6	1,1
11	Янгикўрғон	1,1	1,2	-0,1	2,2	0,9	1,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўлим коэффициенти ҳам бу йилларда пасайиб борган. Аммо кишлоқ туманлари миқёсида катта фарқлар кузатилмайди. 1995-йилда энг юқори ўлим кўрсаткичи Норинда, энг пастки Чуст туманида, 2013-йилда энг юқориси – Учқўрғонда, энг қуйи даражаси Косонсой туманида кайд этилган.

Аҳоли табиий ҳаракатининг яқунловчи кўрсаткичи – табиий кўпайиш жараёнлари туғилиш коэффициентидаги ўзгаришларни такрорлайди. Вилоят бўйича 2013-йилда табиий кўпайиш 18,3 промилле ёки 1,83 фоизга тенг. Бу ҳақиқий аҳоли кўпайишидан бироз кўпроқ, холос. Сабаби, ташки миграция вилоятда салбий натижага эга бўлиб, энг сўнгги йилларда у ижобийлашмоқда. 2013-йилда ҳар минг кишига вилоятга келганлар 2,0, кетганлар ҳам шунча бўлган (34-жадвал). Келганлар бўйича Наманган ва Поп туманлари олдинда – 3,1 %, кетувчилар даражаси Мингбулоқ туманида юқори - 2,5 %. Аҳоли миграцияси билан шаҳарлар ривожланиши, урбанизация жараёни чамбарчас боғлиқ. Кишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши, шаҳарлар тўри ва таркибининг ривожланиши урбанизацияга олиб келади.

Наманган вилоятида, республикамининг бошқа минтақаларида бўлгани каби, шаҳар аҳолиси 1989-2008-йилларда деярли ўсмади ёки унинг ўсиши кишлоқ аҳолисининг кўпайишидан унча ортиқ бўлмади. Натижада, урбанизациянинг умумий демографик кўрсаткичи бу даврда кескин ўзгармади, аксинча, мамлакат ва қатор вилоятларда у хатто қисқарди. Аммо 2009-йилга келиб “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш муносабати билан вазият кескин ўзгарди, яъни урбанистик тўлқин вужудга келди. Биргина Наманган вилоятида 109 та кишлоқ аҳоли пункти шаҳарча мақомига муяссар бўлди ва урбанизация кўрсаткичи 2008-йилдаги 37,1 дан 64,7 фоизга “сакради”. Ҳозирда вилоят мазкур кўрсаткич бўйича республикаминда биринчи ўринга чиқиб олди. Ваҳоланки, саноат ишлаб чиқариш ва умуман ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бунга мос келмайди.

Ташкил этилган янги шаҳарчалар, тўғрироғи – *агрошаҳарчалар* аҳолиси 613,1 минг киши ёки 2008-йил кишлоқ аҳолисининг 44,8 фоизи, 2009-йил шаҳар аҳолисининг 42,7 фоизи демакдир. Ушбу рақамлар “маъмурий” урбанизациянинг ёки кишлоқ урбанизациясининг нақадар таъсирчанлигини исботлаб беради. Энг кўп агрошаҳарчалар Янгиқўрғон тумани харитасида вужудга келди – 18 та. Уларнинг энг катталари – Қорачашуркентда 10560 киши, Искавотда 8490 киши истикомат қилади. Тумандаги жами шаҳарчалар аҳолиси 111,6 минг киши ёки вилоятдаги янги шаҳарчалар аҳолисининг 1/6 қисмига тўғри келади.

Тўрақўрғон туманида бундай манзилгоҳлар 12 та, уларнинг умумий аҳолиси 64,2 минг киши. Уйчи туманида, мос равишда, 11 та ва 47,3 минг киши. Поп ва Косонсой туманларида 10 тадан; улар орасида энг йириклари

Чодакда – 13,8, Сангда – 13,6 (Поп тумани), Озод шаҳарчасида – 9,7 минг киши (Косонсой тумани) истиқомат қилади. Шунингдек, Наманган туманининг Гирвон шаҳарчасида 13,4, Ғалчада – 13,0, Учқўрғоннинг Кайки шаҳарчасида – 16,4, Чуст туманининг собиқ Олмос қишлоғида – 23,5, Варзикда 12,5 нафар аҳоли бор. 2013-йил маълумотларига қараганда, Кайки шаҳарчасида (Учқўрғон т.) 16,4 минг, Корасконда (Чортоқ т.) 19,2 минг аҳоли жойлашган.

Наманган вилояти Ўзбекистонда қишлоқ аҳоли пунктларининг катталиги билан алоҳида ажралиб туради. 2008 йилда ҳар бир қишлоққа ўртача 2672 киши тўғри келган. Шу боис, янги шаҳарчалар ва улар аҳолисининг сони анча кўп бўлган. Агар фақат шу кўрсаткичлардан келиб чиқилса, янги шаҳарсозлик қондаларнинг мазкур бандига кўра (шаҳарчалар аҳолиси 2000 кишидан кам бўлмаслиги керак) вилоятнинг деярли барча қишлоқларини шаҳар жойларига айлантириш мумкин бўлар эди. Бироқ, бундай юзаки ёндошув ёлғон ёки сунъий урбанизацияга олиб келиши ҳам шубҳасиз.

Вилоятнинг урбанистик таркиби ассиметрик кўринишга эга: бу ерда фақат битта катта шаҳар – Наманган бор, холос (Фарғона вилоятида улар 3 та). Вилоят марказида 2014-йил бошида 475,7 минг аҳоли бор. Чуст – вилоятнинг “иккинчи” шаҳрида 71,0 минг атрофида, Чортоқда 52,6, Косонсойда 50,0 минг аҳоли жойлашган. Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон “ярим ўрта” шаҳарлар синфига мансуб (20,0-50,0 минг киши). Қолган барча 119 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг аҳолиси 20 мингдан ошмайди. Шу ўринда Наманган шаҳри демографик ривожланишига алоҳида тўхтаб ўтмоқ зарур. Сабоби, сўнги йилларда бу шаҳар ўзига хос “Наманган тезлигини” намоён қилмоқда. Яқин йилларгача у аҳоли сони бўйича республикамизнинг иккинчи, пойтахт – Тошкентдан кейинги поғонани эгалловчи шаҳри бўлиб қолган эди.

Куйидаги таққослаш рақамларига мурожаат қилайлик:

(аҳоли сони, минг киши ҳисобида):

1979-йил	1989-йил	1990-йил
1. Тошкент - 1793;	1. Тошкент - 2096;	1. Тошкент - 2118;
2. Самарқанд - 346;	2. Самарқанд - 367;	2. Самарқанд - 370;
3. Андижон - 230;	3. <b>Наманган - 306;</b>	3. <b>Наманган - 306;</b>
4. <b>Наманган - 227</b>	4. Андижон - 293;	4. Андижон - 297;
5. Бухоро – 185.	5. Бухоро – 224.	5. Бухоро – 228.
2000-йил	2011-йил	2014-йил
1. Тошкент -2142;	1. Тошкент - 2248;	1. Тошкент - 2352;
2. <b>Наманган-386;</b>	2. <b>Наманган- 454</b>	2. Самарқанд – 513;
3. Самарқанд -361;	3. Самарқанд - 407;	3. <b>Наманган- 476</b>
4. Андижон -334;	4. Андижон - 388;	4. Андижон - 404;
5. Бухоро-239.	5. Нукус – 284.	5. Нукус – 295.

Наманган шаҳри аҳолисининг бундай тез ўсиши қисман аҳоли табиий кўпайишининг таққосланаётган шаҳарларга нисбатан бирмунча юқорилиги, асосан эса, унинг худудини кенгайтиши ҳисобига юз берган. Айни вақтда, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида табиий кўпайиш пастроқ ва ташки миграция кучлироқ бўлган.

Вилоятда қишлоқ аҳоли пунктлари 402 та, ҳар бир қишлоққа ўртача 2210 кишидан туғри келади. Бу республикада энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Қишлоқлар географиясида сойлар ўзига хос ўринга эга. Нисбатан йирик қишлоқ аҳоли пунктлари сойларнинг пастки қисмида, канал ва ариқлар бўйида, Наманган шаҳри атрофида жойлашган. Айни вақтда, тоғ ва тоғолди худудларда, хусусан, Поп туманида майда ва тарқоқ жойлашган қишлоқлар ҳам оз эмас. Бу эса, уларда ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига анча ноқулайликлар туғдиради.

Наманган вилояти аҳолисининг миллий таркиби ҳар хил. Бу ерда ўзбеклардан ташқари тожик, қирғиз, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Ўзбеклар жами аҳолининг 88,8 фоизини ташкил қилади (2013 й.), тожиклар кўпроқ Чуст, Косонсой ва Поп туманларида, қирғизлар Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларида жойлашган.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони, 2014-йил 1-январь маълумотига кўра, 1499 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 953 минг, иқтисодиётда банд бўлганлар 904 минг киши. Шундан моддий ишлаб чиқаришда 68,0 фоиз, жумладан, саноатда – 13,0 %, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида – 30,3 %, транспорт ва алоқада – 2,7 %, қурилишда – 7,4 %, савдо, умумий овқатланиш ва моддий-техник таъминотда 9,4 фоиз меҳнат қилувчилар банд. Номоддий соҳалар орасида таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизматлар (12,5 %), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот (8,0 %) ҳамда уй хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг номоддий қисмлари (3,4 %) ажралиб туради. Бир йилда вилоятда жами 75,6 минг янги иш ўринлари яратилган. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ташкил этилган.

**Миитақа иқтисодиёти, унинг тармоқлари ва ҳудудий таркиби.** Наманган вилояти иқтисодиёти аграр-индустриал йўналишга эга. Бу ерда иқтисодиётнинг барча тармоқлари мавжуд, уларнинг ривожланганлик ҳолати, ихтисослашуви ва муаммолари вилоятнинг география ўрни, табиий шароити ва ресурслари, демографик вазияти ва меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма таъсирида шаклланган.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 9,8 фоизини саноат, 32,7 фоизини қишлоқ хўжалиги беради. Қурилишнинг улуши 7,9 фоизга, транспорт ва алоқаники – 9,7, савдо ва умумий овқатланишнинг ҳиссаси – 9,2 ва солиқлар салмоғи 3,0 фоизга тенг (таққосланг: вилоятда республика аҳолисининг 8,2 фоизи жойлашган). Агар ушбу кўрсаткичлар аҳоли



бандлигининг тармоқлар таркиби билан солиштирилса, у ҳолда алоҳида соҳаларда меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самарадорлик тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Энг аввало, икки асосий макронқтисодий тармоқларни олайлик: саноат ишлаб чиқаришида 13,0 % иқтисодий фаол аҳоли банд, ишлаб чиқариладиган маҳсулот эса 9,8 %, қишлоқ хўжалигида нисбатлар 30,3 ва 32,7 %. Кўриниб турибдики, бу ерда айрим номутаносибликлар мавжуд. Қизиғи шундаки, вилоятда саноатга қараганда аграр соҳа унумдор туюлади. Чиндан ҳам минтақада саноат суст ривожланган, унинг ЯҲМ даги улуши республика вилоятлари орасида энг пастлардан бири (2013 й.).

Бундай ҳолат унинг урбанизация даражасига (63,8 % – мамлакатда биринчи) асло тўғри келмайди. Бинобарин, бу даражага мослашиш учун, энг аввало, кучли саноат сиёсати олиб борилиши, қишлоқ хўжалигига дохлдор бўлмаган иқтисодиёт тармоқларини – транспорт, қурилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантирмоқ зарур.

Бу хусусда кичик бизнеснинг ривожланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бироқ, вилоятда уларнинг сони ниҳоятда секинлик билан қўпаймоқда. 2013-йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 23,7 мингга бўлган, ундан 20,7 мингтаси, яъни 87,3 фоизи фаолият кўрсатган. Уларнинг кўпчилигини микрофирмалар ташкил қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигаги улуши 79,0, шу жумладан, саноатда 44,6%, қурилишда 86,1 %, чакана савдода 49,3 %, аҳолига хизмат кўрсатишда 66,7 %. Демак, бу соҳа қишлоқ хўжалигида кўпроқ ривожланган (99,2 %). Умуман олганда, жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,4 фоизи шу соҳага тўғри келади. 2013- йилда 39,1 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт ишлари бажарилган, импорт – 72,6 млн доллар.

Албатта, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида, энг аввало, капитал қўйилмалар – инвестициялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бир йилда вилоятга қиритилган жами инвестициялар ярмига яқинини Наманган шаҳри олган. Қишлоқ туманлари миқёсида Чуст, Янгиқўрғон ва Наманган бироз устунликка эга. Мингбулоқ ва Норин туманлари энг паст кўрсаткичларга эга. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам бу борада Норин, Мингбулоқ ва Чортоқ туманлари орқада туради, нисбатан юқори даража эса Попда кўзга ташланади.

**Саноати.** Наманган вилояти саноати сўнгги йилларда жадал ривожланмоқда. Жумладан, 2010-йилда вилоят ЯҲМ 110,9 фоизга ўсган ҳолда, саноат ишлаб чиқариши 123,7 фоизга ортган (2012-йилда бу кўрсаткичлар 110,0 фоиздани ташкил қилган). Шу ўринда айтиш жоизки, аввалги йилларда, хусусан, 90-йилларнинг биринчи ярмидаги депрессив ҳолат асосан вилоятнинг етакчи саноат тармоғи – тўқимачилик ҳисобидан юз берган. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида мазкур вилоят, айниқса ипак

газламалар ишлаб чиқаришда республикада биринчи ўринда (хатто анъанавий Марғилондан ҳам олдинда) турган. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида иккита йирик ишак газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналари–комбинатлар мавжуд бўлган. Айни ана шу корхоналарнинг инкирозга учраши вилоят саноат салоҳиятининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлган.

2013-йил бошида вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 2887 та, шундан йириклари 34 та эди. Жами саноат корхоналарида 110 мингдан ортиқ киши хизмат қилади, ваҳоланки, 2000-йилда бу кўрсаткич 37 минг киши бўлган. Умумий саноат маҳсулотининг 3/5 қисмини халқ истеъмол моллари ташкил қилади. Уларнинг 61,2 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига, 15,7 фоизи енгил саноат маҳсулотларига тўғри келади.

Келтирилган 35-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят саноат ишлаб чиқаришида ҳамон енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчи мавқеларни эгаллайди. Оғир саноат, хусусан, қурилиш материаллари саноатининг ҳиссаси 2000-йилга қараганда анча тушиб кетган, машинасозликнинг улуши деярли шунча миқдорда кўтарилган. “Бошқа тармоқлар” орасида ўрмон, ёғочни қайта ишлаш саноати бирмунча ажралиб туради (2010-йилда - 2,4 %).

35-жадвал

Наманган вилояти саноатининг тармоқлар таркиби  
(жамига нисбатан фоизда)

Саноат тармоқлари	2000 й.	2010 й.	2013 й.
Ёқилғи-энергетика саноати	0,9	8,1	3,8
Кимё ва нефть кимёси	1,3	0,9	1,1
Машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш	3,9	8,1	10,1
Қурилиш материаллари саноати	8,0	4,7	3,3
Енгил саноат	45,8	40,7	37,9
Озиқ-овқат саноати	25,0	25,9	31,0
Ун-ёрма ва омихта см саноати	12,3	8,8	9,7
Бошқа саноат тармоқлари	3,7	2,8	3,1

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган. 2000 йил маълумотлари А. Солиев, Э. Аҳмедов ва бошқаларнинг “Минтақавий иқтисодиёт” ўқув қўлланмасидан олинган (Т., 2003, б. 208).*

2010-йилда вилоятда 8756 минг кв. м рубероид (“Узрубериод” МЧЖ ва “Роу-Том” қўшма корхонаси, Поп тумани), 9258 минг кв. м юмшоқ том ёнғич материаллар, 75,2 минг т. омихта ем, 7846 минг кв. м ип газлама, 2390 минг дона трикотаж маҳсулотлари (олдинги йилга нисбатан 2,1 марта кўп), 83,7 минг т. пахта толаси ишлаб чиқарилган. Озиқ-овқат маҳсулотларидан 11,9 минг т. ўсимлик ёғи, 38009 ш/б мева-сабзавот консервалари, 5,8 минг т. сут ва сут маҳсулотлари тайёрланган. Бир йилда ун 140,7 минг т. ҳажмида ишлаб

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

**САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖЛИГИ ЯПИ МАЎСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ (2011 й.)**

1 км устуни баъвалдиги - 100 млрд. сўм  
 □ Сабоат □ Қишлоқ хўжалиги

## ҚИШЛОҚ ХҲЖЛИГИНИНГ ИҚТИСОСЛАШУВИ

Суғориа деқончилик зонаси

- Шакар агрофи хўжалиги сабаозчилик, боғдорчилик, сўт-сўт чоравлиги
- Пактачилик, доңчилик, маваччилик, сўт-сўт чоравлиги, маваччилик
- Пактачилик, доңчилик, сўт-сўт чоравлиги, сабаозчилик ва маваччилик
- Чўп-айлов чоравлиги

Тоғ-айлов зонаси

- Тоғ-айлов чоравлиги (туғилжун хўжалиги, қўн-сўт, қўн-сўт, даре қориларида боғлар ва туғилжунлар)

## УНДИРҲУЧИ САНОАТ

- ▲ Нефт
- ▲ Нефт ва табиий газ
- Олтин
- Кумуш
- Флюорит (дала шашта)
- Гранит
- Қумли тоши
- Минерал сув бурослари

- Қўбулок
- Қолиннинг чимлари
- Гидроэлектрстанциялар
- Электр узатиш линиялари
- Газ қуурлари
- Нефт қуурлари

## Сабоат тармоқлари

- Электрэнергетика
- Рангин металлургия
- Машинасозлик ва металлчи қабга ишлаш
- Қий ва нефт-неф
- Уран, ёғичи қабга ишлаш ва целлюлоза-чоғоз
- Қурилиш материаллари
- Ёшил
- Оқиқ-оқиқ
- Бошқа тармоқлар


## ҚИШЛОҚ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

Япи мақсуот қамин бўйича сабоат приткалари

- Жуда ёриқ
- Ранг
- Ута
- Майда

## КЕНТ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР

- пахтачилик
- боғлар
- узукзорлар
- аюр ва экинзорлар
- сабаозот ва картошка
- поляз экинлари
- шол
- дон-дуқалқилар
- урмонлар
- эчкилари урчигиш



чиқарилган. Таккослаш учун: 2012-йил яқунлари бўйича кўзга кўринарли кўрсаткичлар : омихта ем 92,3 минг т., трикотаж маҳсулотлари 3830 минг дона, ўсимлик ёғи 13,2 минг т., ун 211 минг т., пахта толаси 77,9 минг тонна.

Вилоят саноат корхоналарининг кўпчилиги пахта тозалаш ва мева-консерва заводларидан иборат. Пахта тозалаш заводлари барча қишлоқ туманлари марказларида, консерва – Наманган, Тўрақўрғон, ёғ заводлари Наманган, Учқўрғонда жойлашган. Хорижий инвестициялар ёрдамида 63 та қўшма корхона ташкил этилиб, фаолият кўрсатган. Уларнинг энг кўпи – Наманган шаҳри (23 та) ҳамда Наманган ва Уйчи туманларида. Шунингдек, бу турдаги корхоналар Поп, Косонсой, Чуст, Тўрақўрғон ва бошқа қишлоқ туманларида ҳам мавжуд, Мингбулоқ ва Янгиқўрғонда эса улар йўқ даражада.

Саноат салоҳиятининг ҳудудий таркиби куйидагича: Наманган шаҳри 41,9 %, Учқўрғон тумани – 9,6 %, Наманган – 9,0 %, Уйчи – 7,5 %, Поп - 5,9 % ва ҳ.к. (26-илова). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, Наманган шаҳри ва Учқўрғон тумани юқорироқ кўрсаткичларга эга. Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари эса саноат ниҳоятда суст ривожланган, ҳатто Чуст туманида ҳам мазкур даража анча паст.

Таҳлиллар кўрсатишича, вилоят саноатининг ривожланишида қатор муаммолар мавжуд. Энг аввало, саноат салоҳиятини юксалтириш, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркибини ривожлантириш зарур. Бунинг учун мавжуд қишлоқ хўжалиги хом ашёси, меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, қурилиш ишларини кўпроқ олиб бориш талаб этилади.

**Вилоят агроиқтисодиёти.** Минтақа иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи роль ўйнайди. Ҳудуднинг ер майдони, унинг агроиқлимий ресурслари, сойлар ва қатор ирригация инфратузилмаси кўп тармоқли қишлоқ хўжалигининг ривожланишига хизмат қилади. Хусусан, вилоят ҳудуди, унинг қатор адирларини куёшга рўпара турганлиги (“қунгай”) ҳам ижобий аҳамиятга эга. Бу ерда Шимолий Фарғона канали, Катта Андижон, Катта Наманган ва Катта Фарғона каналлари асосий суғориш манбалари ҳисобланади.

Наманган вилоятининг умумий ер майдони 718,1 минг гектар, унинг 390,3 минг гектари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардир (54,3 %). Ернинг фойдали коэффициентги Наманган, Норин, Уйчи туманларида юқори, Поп туманида эса у биров паст – 52,6 %.

Суғориладиган ер майдонлари вилоятда 235 минг га ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 60,9 фоизига тенг. Норин, Мингбулоқ, Уйчи, Учқўрғон, Наманган туманлари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг деярли 100 фоизи суғориладиган ерлардан иборат. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 50,8 фоизига экинлар экилади. Бу кўрсаткич Мингбулоқ, Учқўрғон, Норин ҳамда Уйчи

туманларида юқори, унинг нисбатан паст даражаси эса Янгикўрғон, Поп ва Косонсой туманларида кузатилади. Пичанзорлар ва яйловлар улуши ўртача 39,1 % бўлган ҳолда, унинг катгароқ кўрсаткичлари Поп ва Косонсой туманларида қайд этилади (25-илова).

Вилоят кишлок хўжалик маҳсулотининг 31,6 фоизини фермер хўжаликлари таъминлайди. Жами экип майдони 2012-йилда 221 минг га бўлиб, уларнинг 88 фоизи фермерларга берилган. Шу йилда 93 минг гектар майдонга донли экинлар экилган, шу жумладан, буғдой 88 минг га, ялпи ҳосил 501 ва 442 минг т. (2000-йилда бу рақамлар, мос ҳолда 320, ва 300 минг тоннани ташкил қилган), ҳар бир гектардан 51 центнерга яқин буғдой олинган. Пахта майдони 83 минг га, ялпи ҳосил 233 минг тонна, ҳосилдорлик 28,0 ц/га. Бошқа техника ва мойли экинлардан кунгабоқар ажралиб туради. Унинг майдони фақат 2009-йилдаги 280 гектардан 2012-йилда 2440 гектарга етган, ялпи ҳосил 4954 тонна; ер ёнғоқ 2009-йилда 109 гектарга экилган, 2012-йилда эса анча қисқарган – 76 га, ялпи ҳосил 398 т.

Наманган вилояти мамлакатимизда картошка етиштиришда ҳам кўзга кўринарли мавқега эга (майдони 6,7 минг га). Бу экин, хусусан, Янгикўрғон, Чуст, Чортоқ туманларида кўпроқ экилади. Вилоят бўйича бир йилда 188 минг тонна картошка олинган. Шунингдек, сабзавот (13,9 минг га), полиз экинлари (1,9 минг га) ҳам анча кўп. Сабзавотчилик Наманган шаҳри атрофида, полиз, қовун (шакарпалак, оби наввот ва б.) Чуст ва Поп туманларида кўп етиштирилади.


Ем-хашак экинларидан (13,8 минг га) кўпроқ силос учун маккажўхори экилади (8-расм). Вилоят адир минтақалари, айниқса, боғдорчилик учун қулай. Унинг майдони 26,7 минг га, ялпи ҳосил 158 минг тонна. Бу эса, ўз навбатида, мева-консерва саноати учун муҳим хом ашёдир. Токзорлар майдони ҳам анча – 11,1 минг га. Умуман, вилоят ширин-шакар узум ва анорлари, Наманган олмаси қабилар билан машҳур.

2013-йил бошида йирик шохли қорамоллар сони 557 минг бош (2000 йилда 350 минг бош). Агар қорамолчилик учун вилоятда шароит бирмунча чекланган бўлса, қўй ва эчкичиликка бу ерда қулай имкониятлар мавжуд. Уларнинг сони 648 минг бош. Ваҳоланки, 2000-йилда бу ерда 480 минг бош қўй ва эчкилар боқилган. Бу борада, энг аввало, Поп тумани ажралиб туради. 2012-йилда тирик вазнда 93 минг тонна гўшт, 464 минг т сут, 170 млн. дона тухум, 1350 тонна атрофида жун, 2646 тонна пилла олинган. Вилоятнинг, хусусан, тоғ этакларида асаларичилик ҳам яхши ривожланган.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салмоғи бўйича Янгикўрғон ва Чуст туманлари етакчилик қилади: 18,0 ва 10,0 %. Қизиғи шундаки, Наманган шаҳри ҳам вилоят кишлок хўжалик маҳсулотларининг 7,3 фоизини беради (26-илова). Бу ҳозирги замон урбанизацияси нуқтаи назаридан антиқа ҳолатдир. Нисбатан кам кўрсаткичга Косонсой ва Мингбулоқ туманлари эга. Албатта, реал вазият юқоридаги кўрсаткичларда эмас, балки аҳоли жон бошига

ҳисоблаганда яққол намоён бўлади. Бу жиҳатдан Янгикўрғон ва Мингбулоқ туманлари олдида, Косонсой, Уйчи, Поп туманларида эса пастрок мавқени эгаллайди.

### 8-расм. Наманган вилояти экин майдонининг таркиби



Вилоят қишлоқ хўжалигида фермерчилик ҳам анча ривожланган. 2013-йилда 5793 фермер хўжаликлари бўлган ва уларга 265 минг гектар ер майдони бириктирилган, жами ишловчилар сони 83,0 минг киши. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 45,7 га ер ва 14,3 кишидан ишчи тўғри келади. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларига қараганда сезиларли даражада паст. Ушбу мулкчилик шаклига асосланган хўжаликлар, айниқса, Мингбулоқ ва Поп туманларида яхши натижаларга эга. Бундай ҳудудий тафовутлар, одатда, қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви, ер-сув имкониятлари ҳамда геодемографик вазият таъсирида юзага келади. Таҳлиллар кўрсатишича, фермер хўжаликлари ғалла, пахта, ем-хашак, боғдорчилик ҳамда узум етиштиришда етакчи ҳисобланади. Дехқон хўжаликлари эса кўпроқ сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштиради, чорвачилик билан шуғулланади. Дехқончиликда хусусан Чуст тумани, унинг Олмос қишлоғи (агрошаҳарчаси) тадбиркорлари республикамізда маълуму машҳурдир.

Шундай қилиб, юқоридаги ўрганишлар Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги салоҳиятининг катталигини яна бир бор исботлаб беради. Яқин келажакда ҳам бу макроиктисодий соҳанинг аҳамияти сақланиб қолади.

**Ижтимоий соҳалар.** Минтақалар иқтисодиётининг ҳудудий мажмуа сифатида шаклланиши уларнинг ижтимоий соҳалари ривожланишини ҳам талаб қилади. Чунки, ижтимоий ва иқтисодий соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бирининг ривожланиши иккинчиси учун тегишли имкониятлар, шарт-шароитлар яратади.

Наманган вилояти номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида 280 минг кишига яқин ёки иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 32 фоизи хизмат қилади. Минтақа ЯХМ да хизматларнинг ҳиссаси 45 фоиз атрофида.

Таъкидлаш жоизки, ялпи худудий маҳсулот таркибида савдо ва умумий овқатланиш ҳамда солиқлардан ташқари “бошқа” сегментларнинг улуши анча юқори.

Чакана савдонинг – 20,7, пуллик хизматларнинг 38,1 фоизини Наманган шаҳри бажаради. Қишлоқ туманлари орасида савдода Уйчи ва Наманган, пуллик хизматларда Чуст ва Тўрақўрғон ўзларининг нисбатан юқори салоҳияти билан бироз ажралиб туради. Эътибориниси шундаки, Чуст тумани таҳлил этилаётган йилда вилоят пуллик хизматларининг 11,0 фоизини амалга оширган (26-илова). Бу борада паст кўрсаткичлар Мингбулоқ ва Уйчи туманларида кузатилади, чакана савдода эса Мингбулоқ энг паст мавқега эга. Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси, Наманган шаҳрини ҳисобга олмаганда, айни Чуст туманида юқори; пуллик хизматларда Чортоқ ва Наманган туманлари олдинда.

Соғлиқни сақлаш тизимида жами 113 та тиббиёт муассасалари мавжуд: ҳар 10 минг кишига беморлар ўринлари – 50,3 ни ташкил қилади. Шу жумладан, Наманган шаҳрида 108,5, Поп туманида 61,6, Косонсойда 43,5, Норин ва Наманган туманларида эса пастрок. Шу ўринда қайд этиш жоизки, кўпгина ҳолатларда вилоят марказини қишлоқ туманлари қаторида кўриш ҳақиқатга тўғри келмайди. Сабаби, ушбу тоифадаги шаҳарлар минтақа миқёсидаги вазифаларни бажаришга ихтисослашган ва айни шунинг учун ҳам улар вилоят “пойтахти” ҳисобланади. Вилоят марказларининг sanoat, аҳолига хизмат кўрсатиш, савдо каби соҳаларда энг катта кўрсаткичга эга бўлиши табиий. Бинобарин, оддий қишлоқ туманларининг бу борадаги улуши биргаликда қаралганда улар вилоят бош шаҳри “соясиди” қолиб кетади. Айни вақтда, одатда, вилоят марказига туташ қишлоқ туманларида ижтимоий соҳалар ривожланиши пастрок кўрсаткичларга эга. Гап шундаки, бундай худудларнинг аҳолиси ўзларининг ижтимоий эҳтиёжларини асосан вилоят маъмурий марказларида қондиришади.

Вилоятда ҳар 10 минг кишига 21 нафар врач ва 108 та ўрта тиббиёт ходимлари тўғри келади. Қишлоқ врачлик пунктлари 244 та ёки ҳар бир қишлоқ туманига 22,2 тадан, қишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан қаралганда эса, 1,7 та қишлоққа (қулайроғи – 2 тага яқин қишлоқ манзилгоҳларига) битта КВП хизмат қилади.

Наманганда қадимдан халқ табобати ҳам ривожланган, бу ерда турли хил доривор ўсимликлар кўп. Минтақада рекреация имкониятлари ҳам оз эмас. Вилоят марказидан ўтган магистраль каналлар соҳилларида ташкил этилган оромгоҳлар, чойхона ва ошхоналар ҳам кишиларга хизмат қилади, уларга роҳат-фароғат бағишлайди. Бир вақтлар Наманган республикамизда “гуллар шаҳри” номи билан маълуму машҳур бўлган.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вилоят бўйича ўртача 74,8% дир. Қишлоқ жойлари орасида Мингбулоқ, Наманган ва Поп туманларида

бу вазият бирмунча ижобий. Шу билан бирга, Косонсой ҳамда Норин кишлок туманларида бу кўрсаткич анча паст. Чуст, Чоргок ва Учкўрғон туманларида ҳам мавжуд ҳолат яхшиланиши талаб этилади.

Газ билан таъминланиши марказлашган сув таъминотига қараганда бироз яхшироқ – 83,5 %га тенг. Наманган шаҳри аҳолиси 100 фоиз таъминланган ҳолда, юқори кўрсаткичлар Мингбулоқ, Поп ва Чуст туманларида кўзга ташланади. Бироқ, Норин тумани хонадонларининг фақат 2/3 қисми табиий газ билан таъминланган, бу муаммо Янгиқўрғон, Учкўрғон туманлари учун ҳам хосдир.

Вилоятда 2012/2013 ўқув йилида халқ таълими тизимида жами 474 та мактабгача тарбия муассасалари мавжуд бўлган. Умумтаълим мактаблари 689 та, ҳар бир мактабда ўртача 530 нафар ўқувчи ўқиган. Академик лицейлар 10 та, талабалар сони 9,1 минг, касб-хунар коллежлари 108 та, талабалар – 138,3 минг киши. Наманган шаҳрида 3 та олий ўқув юрти, шу жумладан Давлат университети фаолият кўрсатмоқда. Тиббиёт ва педагогика касб-хунар коллежлари Чуст, Косонсой каби йирик кишлок туманлари марказларида жойлашган.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Наманган вилояти худудининг ички тузилиши, географик қиёфаси (яъни ғарбдан шарққа чўзилганлиги, тоғ ва тоғолди адирларда жойлашганлиги), географик ўрни, унинг транспорт инфратузилмаси ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Республика марказининг Фарғона водийси вилоятлари, қолаверса, Қирғизистон ва ҳатто Хитой давлатлари билан автомобиль транспорт алоқаси айни Наманган вилояти худудидан (Ангрен - Поп йўли Қамчик довони орқали) ўтади. Шу боис, вилоятнинг трансегаравий ва транзит хусусияти катта. Бундай хусусият 2016-йилда ишга туширилиши мўлжалланган Ангрен-Поп темир йўли таъсирида янада кучаяди.

2013-йилда вилоят бўйича 39,1 млн тонна турли хил халқ хўжалик юклари ташилган. Бу хусусда Наманган шаҳридан ташқари, Чуст ва Учкўрғон туманлари олдинда. Йўловчилар ташиш ҳажми эса 342,9 млн кишини ташкил қилиб, у Наманган шаҳри, шунингдек, Чуст, Косонсой, Наманган кишлок туманларида нисбатан кўпроқ.

Таъкидлаш жоизки, Наманган вилоятининг экспорт-импорт салоҳияти унча катта эмас. 2013-йилда республика умумий кўрсаткичига нисбатан экспорт бор-йўғи 0,7, импорт 1,2 фоизга тенг бўлган. Мутлақ рақамларда экспорт ҳажми 94,7 млн. АҚШ доллари, импорт – 138,3 млн. доллар; ташқи савдо айланмаси – 232,9 млн. доллар. Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари устунлик қилади – 17,8 %, пахта толаси – 9,3 %. Импортда машина ва ускуналарнинг улуши 32,7 фоизни ташкил қилади. Бундай товарларнинг келтирилиши, гарчи вилоят ташқи савдо айланмасида салбий қолдиққа эга бўлсада, ижобий ҳисобланади. Чунки янги, замонавий машина ва ускуналарнинг импорти ишлаб чиқаришни модернизация



қилишда ва унинг истикболда ривожланишига замин ҳозирлайди. Шу билан бирга, кимё саноати ҳамда озик-овқат маҳсулотларининг улуши ҳам вилоят импортида бироз каттарок.

Минтақа экспортининг 52,5 фоизи, импортнинг 50,3 фоизи “Узоқ хориж” ва Болтиқбўйи давлатлари билан амалга оширилади. Қолган қисми МДХ мамлакатлари зиммасига тушади. Ташқи иқтисодий алоқаларининг заифлигига кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда қулай инвестиция муҳитининг яратилмаганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, 2013-йил якунларига қўра, вилоят экспортининг 61,0 фоизи биргина Наманган шаҳрига тўғри келган. Наманган тумани 16,8 %, Уйчи 7,8 %, Чуст 3,7 % вилоят экспортини таъминлаган. Импортда Наманган шаҳри (61,8 %) ва Наманган тумани (4,6 %) олдинда. Шунингдек, Поп, Чортоқ туманларида ҳам инвестиция муҳити яхшиланиб бормоқда. Айни вақтда, кўрилаётган йилда экспортда Чортоқ ва Мингбулоқ туманлари, импортда Мингбулоқ тумани жуда суст ҳолда иштирок этишган.

**Иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг ҳудудий таркиби ва районлаштириш.** Қатор табиий ҳамда иқтисодий географик шароит, тарихий омиллар вилоятнинг ҳозирги ички таркибига сабаб бўлган. Соф географик жиҳатдан бу борада текислик ҳамда тоғ ва тоғолди (адир) ҳудудларини, шаҳар атрофи хўжалиги – Наманган агломерациясини ажратиш мумкин. Наманган агломерацияси вилоятнинг энг катта қисмини эгаллайди. Уйчи, Учқўрғон, Хакқулобод, Унҳаёт, Косонсой, Тўрақўрғон, Оқтош қабилар унинг яқин ва асосий “йўлдош” шаҳар жойлари ҳисобланади. Агар Наманган ва Тўрақўрғон шаҳарлари ўртасида бироз “бўшлиқ” бўлса-да, Учқўрғон йўналишида у, умуман, кўзга ташланмайди; хонадонлар бир-бирига уланиб кетган ва бу ерда Наманган шаҳрининг ҳақиқий чегарасини ажратиш қийин.

Умуман олганда, Наманган вилоятида иккита ички иқтисодий районларни ажратиш мумкин: Наманган ва Чуст - Поп. Ўз номидан кўриниб турибдики, иккинчи район шу номли қишлоқ туманларидан ташкил топган. Унинг майдони вилоят майдонининг 51,6 фоизини, аҳолисининг эса 17,4 фоизига тенг. Саноат салоҳияти – 10,2 %, қишлоқ хўжалиги –16,6 %. Бу район гарчи катта майдонни эгалласада, унинг нисбатан ноқулай табиий шароити туфайли унча юқори кўрсаткичларга эришмаган.

Бевосита вилоят маркази таъсирида шаклланган район эса, минтақа ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг асосини тавсифлайди. Ҳатто, вилоятнинг иккинчи шаҳри – қадимий Чуст ҳам маълум даражада Наманган шаҳрига “тортилган”. Шу ўринда айтиш лозимки, Чуст шаҳри республикамизнинг бир қатор тарихий, аммо суст ривожланган шаҳарлар рўйхатига киради (Денов, Хива, Гиждувон, Нурота ва бошқалар). Бирок, унинг ўзига хос ва ўзига мос салоҳияти ҳозирча вужудга келмаган; Чуст

дўпписи, пичоғи, истироҳат боғи билан машхур (Чуст халки азалдан тадбиркор). Фикримизча, ҳозирги даврда бу шаҳарни қандайдир қўшимча омиллар ёки қулайликлар асосида “уйғотиш”, уни вилоятнинг ўсиш маркази сифатида ривожлантириш минтақа ишлаб чиқариш кучларини бирмунча тўғрироқ ҳудудий ташкил этишга олиб келади. Бунинг учун туманнинг инвестиция муҳити ва инфратузилма тизимини янада яхшилаш талаб этилади.

36-жадвалдан кўринишича, Учқўрғон, Поп, Наманган қишлоқ туманларининг sanoat салоҳияти (индекси) нисбатан юқорироқ, қишлоқ хўжалигида эса Янгиқўрғон, Мингбулоқ, Учқўрғон туманлари олдинда.

... 36-жадвал

Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2013 й. аҳоли жон бошига)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулот	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Вилоят бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Наманган ш.	2,221	0,450	2,697	2,447	1,239	1,881	3,291
<b>Туманлар:</b>							
Косонсой	0,471	0,809	0,484	0,547	0,949	0,573	0,484
Мингбулоқ	0,758	1,474	0,161	0,636	0,801	0,800	0,428
Наманган	0,815	1,186	1,011	0,768	1,229	0,527	0,512
Норин	0,547	1,125	0,198	0,488	0,740	0,613	0,428
Поп	0,897	0,789	0,209	0,582	1,049	0,927	0,421
Тўрақўрғон	0,695	0,994	0,308	0,563	0,965	1,026	0,401
Уйчи	0,720	0,872	0,430	0,554	1,067	0,707	0,355
Учқўрғон	2,219	1,273	2,477	0,777	0,752	0,788	0,479
Чортоқ	0,211	1,102	0,479	0,515	1,070	0,550	0,543
Чуст	0,451	1,038	0,399	0,802	0,777	1,393	0,470
Янгиқўрғон	0,220	1,995	0,406	0,824	0,838	0,536	0,359

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Ижтимоий соҳалар ривожланиши бўйича, Наманган шаҳрини ҳисобга олмаганда, Чуст, Тўрақўрғон, Поп каби қишлоқ туманлари ажралиб туради. Янги ўзлаштирилган ерлар негизида ташкил этилган Мингбулоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ўртачага яқин.

Шундай қилиб, Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қатор муаммолар мавжуд. Булар: Наманган шаҳри ва агломерация ривожланишини тартибга солиб, бошқариш, адир минтақаларини ўзлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда геоэкологик муаммолардан иборат. Айниқса, минтақа ва унинг қишлоқ жойларида инвестиция муҳитини яхшилаш, шу асосда қурилиш ишларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани

замон талаби даражасида шакллантириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини кескин кўтариш зарур. Чунки, республикада ижтимоий-иқтисодий салоҳият ва мазмунга эга бўлган урбанизациянинг энг юқори даражаси мавжуд ҳолатга асло тўғри келмайди. Бинобарин, истиқболда бу борада ҳам давлатимиз минтақавий сиёсати доирасида анча-мунча ишлар амалга оширилиши керак. Жумладан, қадимий Чуст ҳамда Косонсой ва Учқўрғон шаҳарларини ўсиш кутб ва марказлари даражасида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Наманган ва Тошкент вилоятларини боғловчи темир йўлнинг ишга туширилиши вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун янги истиқболларни очади.

### 2.4.3. Фарғона вилояти

Фарғона вилояти республикамызда 1938-йилда ташкил тонган 5 та вилоятлардан биридир. Унинг майдони 6,76 минг кв км бўлиб, бу борада Сирдарё, Андижон ва Хоразм вилоятларидан олдинда туради. Ўзбекистон Республикаси майдонига нисбатан эса Фарғонанинг ҳудуди атиги 1,5 фоизга тенг, холос. Ваҳоланки, бу ерда, 1.01.2014-йил маълумотларига кўра, 3386,1 минг ёки мамлакат аҳолисининг 11,1 фоизи яшайди. Ўзининг демографик салоҳияти бўйича, у мамлакатимызда Самарқанд вилоятдан кейинги 2-ўринда туради.

Маъмурий тузилишига кўра вилоятга бўйсунувчи 4 та шаҳар, 15 та кишлоқ туманлари мавжуд. Шунчалик кишлоқ туманлари яна фақат Тошкент вилоятида мавжуд, холос. Шаҳарчалар сони 197 та, кишлоқ фуқаролар йиғинлари 161 та, кишлоқ аҳоли пунктлари – 1020 та. Юқорида келтирилган рақам ва ҳолатлар шундан далолат берадики, Фарғона вилоятининг демографик “юки” оғир, аҳолиси зич, ҳудуди юқори даражада ўзлаштирилган, бошқарув тизими мураккаб. Вилоят даражасида энг биринчи ташкил этилган кишлоқ туманлари – Олтиариқ, Бешариқ ва Учқўприк саналади. Улар 1926-йилда вужудга келган. Нисбатан “янгироқ туман” эса – Фурқат тумани, у 1992-йилда ушбу мақомни олган.

Асосий шаҳарлари, хусусан, Қўқон ва Марғилон ҳам 2000 йиллик тарихга эга. Вилоят маркази Янги Марғилон, (кейинчалик Скобелев), ҳозирги Фарғона 1877-йилда Фарғона водийси Россия томонидан босиб олингандан сўнг барпо этилган. Бу ҳозирги мустақил мамлакатимиз ҳудудида руслар асос солган 3 та шаҳарлардан биридир. Қолган иккитаси – Когон (Янги Бухоро) ва Тўртқўл (Петро-Александровск).

Вилоятнинг маъмурий-сиёсий жиҳатдан “зичлиги” унинг кишлоқ туманларини унча қатта эмаслиги ва бир-бирдан бу борада қатта фарқ қилмаслигига сабаб бўлади. Дарҳақиқат, минтақанинг ҳар бир кишлоқ туманига ўртача 0,45 минг кв. км майдон тўғри келади. Бу республиканинг айрим ҳудудлари, жумладан, чўл ва тоғли минтақаларига қараганда жуда

мдир.

Вилоятта туман – Бешариқ 0,77 минг кв км майдонни эгалласа, Қўшқўш туманида 0,24 минг кв. км майдон бор; фарқ 3,2 мартага тенг. Худуди бирмунча катгароқ қишлоқ туманлари вилоятнинг тоғолди, адир ёки “чўлроқ” қисмларида жойлашган. Масалан, Ўзбекистон ёки Бешариқ туманлари шулар жумласидандир. Типик тоғли туман – Сўх майдони бўйича унча йирик эмас, у Риштон туманидан ажралиб чиққан. Анча қумликларга эга бўлган Фурқат тумани эса, бир вақтлар Бешариқ тумани таркибида бўлган.

Фарғона вилояти республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўринни эгаллайди. У мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 6,7 фозини, саноат ишлаб чиқаришининг – 7,6 %, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг – 8,3 % таъминлайди; инвестициялар ҳажми 5,5 ва капитал қурилишлар – 4,8 %. Вилоятга Ўзбекистон экспортининг 2,7 ва импортнинг 4,5 фозини тўғри келади (2013 й.). Кўрииб турибдики, Фарғона вилояти баъзи соҳаларда кўзга кўринарли нисбий кўрсаткичларга эга бўлса-да, бу рақамлар кўп ҳолларда унинг мавжуд демографик сифидан паст. Демак, бу ерда ҳам ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни ошириш масаласи долзарбдир.

**Географик ўрни ва табиий шароити.** Вилоят Фарғона водийсининг ғарбий ва жанубий қисмида жойлашган. У ғарбда ва жануби-ғарбда Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти, жанубда Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Боткен вилоятлари билан чегарадош, республикаимизда эса, шимолда Наманган ва шарқда Андижон вилоятлари билан қўшни. Вилоятнинг шимоли-ғарбидаги чегараси Сирдарё оқими бўйлаб ўтади.

Фарғона вилоятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унинг худуди географик жиҳатдан яхлит эмас; Фарғона туманининг бир қисми (Шохимардон) ва Сўх тумани Қирғизистон худудининг ичида, эксклав ҳолатда жойлашган. Бундай геосиёсий вазият хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, сув ва ер захираларидан фойдаланиш ва, умуман, худудни бошқариш тизимида айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Вилоятнинг ер усти тузилиши унча мураккаб эмас, у жанубдан шимолга томон пасайиб боради. Шимолда мутлақ баландлик денгиз сатҳидан 360-380 м, жанубда энг баланд нуқталар 2200 м дан ортади (Туркистон тизмасининг шимолий қисми, Сўх тумани худудида Сарикамиш давони). Рельеф шаклининг бундай тузилиши вилоят жанубий қисмидаги ерларни тоғлардан оқиб чиқадиغان сойлар суви билан суғориш учун табиий қулайлик яратади.

Фарғона вилояти ҳам, қўшни худудлар сингари, қазилма ресурсларга бой эмас. Бу ерда бироз нефть ва қурилиш саноати учун хом ашё мавжуд, холос. Нефть қазиб олиш ўтган асрнинг дастлабки йилларида чет

мамлакатлар сармоёси ёрдамида (Бельгия ва бошқалар томонидан ташкил этилган «САНТО» компанияси) бошланган. Республикадаги энг қадимий нефть қони ҳам шу вилоятда (Чимён). Шўрсувда илгари олтингургурт ва озокерит казиб олинарди, ҳозирда эса унинг захираларининг саноат аҳамияти қолмаган. Бу ерда керамзит, шунингдек, қурилиш материаллари – гишт, цемент ҳамда чинни, ойна ишлаб чиқариш хом ашёси ҳам мавжуд. Умуман олганда, вилоятнинг минерал-ресурс салоҳияти катта эмас, бинобарин, уни район ҳосил қилувчи ёки минтақавий ривожланишининг асосий омили сифатида баҳолаш қийинрок.

Иқлими қуруқ – континентал: йиллик ёғин-сочин миқдори Наманган вилоятидан сал кўпроқ, Андижондан эса бироз камроқ (300-400 мм агрофайда). Вилоятнинг шимолий қисмида Марказий Фарғона чўллари – Қорақалпоқ ва Ёзёвон чўллари мавжуд бўлиб, уларнинг давоми кўшни Наманган ва Андижон вилоятларига ўтиб кетади, чекка ғарбида, хусусан, Бешариқ ва Фурқат туманларининг Сирдарё қирғоғида ҳам қисман чўл ҳудудлар бор (масалан, Қайроққум қумлари). Ушбу чўллارни ўзлаштириш фақат сунъий суғориш ёрдамида бўлиши мумкин. Чегарадаги Сирдарёни ҳисобламаганда, бу ерда катта сув манбалари йўқ. Фарғона вилояти ҳам Наманган вилоятига ўхшаш сойлар ўлкасидир. Бу ерда сойлар қадимдан классик типдаги воҳаларни вужудга келтирганки, бундай маданий ландшафтлар республикамызда жуда кам учрайди. Чунончи, Сўх ва Исфара сойлари тоғ ораликларидан текисликка чиқиш қисмида нанжасимон таралиб кетади, жуда кўп канал ва ариқларни сув билан таъминлайди. Бинобарин, Фарғона вилоятида ариқлар жуда кўп. Масалан, Сўх сойи Риштон, Самарқанд, Нурсуқ ариқларига, Қўқонсой, Янгинайман, Томоша, Авғонбоғ, Шоҳимардон, Наймансой, Турксой, Сассиқсой канал ва ариқларга тақсимланиб кетади. Исфара дарёсининг қуйи қисмидан эса Олтиариқ, Янгиқишлоқ ариқлари, Бешкапа, Исфара, Жанубий Исфара, Жўга, Ғамбой, Рапқон каналлари бошланади.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Шоҳимардонсой ва Исфайрамсойларнинг ҳам аҳамияти катта. Шоҳимардонсойнинг давоми Марғилонсой, Олтиариқсой ва улардан таралиб кетган кўплаб ариқлар муҳим суғориш манбаи ва агроландшафтларнинг асосини ташкил қилади. Шоҳимардонсой Исфайрамсой билан биргаликда Фарғона, Олтиариқ, Қўштепа, қисман Тошлоқ ва Ёзёвон туманларини сув билан таъминлайди. Исфара дарёсининг таъсир доираси эса асосан Бешариқ тумани билан чегараланади. Айни вақтда, энг катта ва серсув Сўх ўзининг типик географик ёйилмаси (конусини) ҳосил қилган ва унинг сувлари билан Қўқон воҳаси, яъни Данғара, Яйпан, Учкўприк, Бувайда, Сўх, Риштон, Фурқат туманларининг ерлари суғорилади.

Ўтган асрнинг ўрталарида қурилган Сарикўрғон (Сиркўрғон) гидроузели Сўх дарёсини тўсиб, унинг сувини турли қисмларга

тақсимлайди. Қизиғи шундаки, сойлар ўзларининг гидрологик хусусиятларига мос ҳолда (энг аввало, сув ҳажмига кўра) ўзига хос ва мос гидрохўжалик районларни ташкил этган. Улар горизантал йўналишда ўтказилган Катта Фарғона канали ҳамда Жанубий Фарғона ва Катта Андижон каналлари билан бирга минтақанинг тарихий-географик ўзаги, “қовурғаси” ҳисобланади ва ягона Фарғона воҳасини ташкил қилади. Сув режими ва миқдорига қараб бу сойлар турли йирикликдаги шаҳарларга ҳаёт бағишлайди. Масалан, Сўх Қўқонни, Шохимардонсой (Марғилонсой) Марғилон ва Фарғонани сув билан таъминлайди. Вилоят суғориш тизими ёки ирригация инфратузилмасига Каркидон, Шўрсув, Кўрғонтепа сув омборлари ҳам қиради. Улар сой сувларини йиғиб, вегетация даврида пастки ҳудудларга сув беради. Айни пайтда, аксарият сув манбалари қўшни мамлакатлар ҳудудидан бошланганлиги сабабли, улар стратегик аҳамият ҳам қасб этади ва халқаро тартиб-қоидалар асосида давлатлараро тўғри фойдаланишни талаб қилади. Фарғона вилоятининг қуйи, яъни шимолий қисмида мелиорация тизимига дахлдор зовур ва коллекторлар қурилган. Улар жумласига Пастки Қизилтепа, Ўрта Қизилтепа, Шимолий Боғдод, Риштон – Боғдод коллекторлари ва қатор зовурлар қиради.

Таъкидлаш жоизки, тоғ ва адирларда қурилган сув омборлари, суғориш каналларининг пастки қисмида ер ости сувлари (грунт сувлари)нинг сатҳи юқори ва ер юзасига яқин. Натижада, зах жойлар ва улар билан боғлиқ зоо- ва геозоологик вазиятлар, турли хил термитлар, кемирувчиларнинг баъзан кўпайиш ҳолатлари кузатилади.

Шундай қилиб, вилоят табиий шароити, аникроғи сув ресурслари – сойлар, улар асосида ўтказилган ариқлар, қазилган каналлар минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг етакчи омили ҳисобланади. Бу ердаги кўплаб оромгоҳлар, рекреация манбалари (Шохимардон, Водил, Рапқон ва б.) ҳам мазкур гидрологик омиллар сабабли вужудга келган.

**Аҳоли географияси ва демографик жараёнлар.** “Табиат - аҳоли - хўжалик” учлик тизимида аҳоли марказий ўринда туради. У табиатга таъсир қилади, ундан фойдаланади, хўжалигини ташкил этади ва ўз ҳаётини кечиради. Табиат, аҳоли ва хўжаликнинг ўзаро муносабати умумгеографик ва, айни вақтда, геозоологик вазиятни юзага келтиради. Шу сабабдан ҳам, бу “учлик” география фанида олиб борилаётган тадқиқотларда муҳим методологик аҳамият қасб этади.

Фарғона водийси, жумладан, Фарғона вилоятида табиат, аҳоли ва хўжалиги пирамида шаклида тасвирланса, табиати “юпка” ва нозик, демографик юки қатта, хўжалиги ўртача кўринишга эга бўлади<sup>1</sup>. Аҳоли ва хўжаликнинг биргаликдаги таъсири ўзига хос зўриқиш, кучли антропоген

<sup>1</sup> Фарғона вилоятининг республикамиздаги улуши, юқорида таъкидланганидек, майдони бўйича 1,5 %, аҳолиси 11,1 % ва ялли ички маҳсулотда – 6,7 % (2013 й.).

босимни келтириб чиқаради. Минтақанинг асосий ижтимоий географик муаммоси ҳам ана шу босимни енгиллаштириш, аҳоли ҳаёти ва фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Сабаби, айти демографик босим, ер-сув захираларининг етишмаслиги, озлиги минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишида янгича, замонавий, индустриал-инновацион ривожланиш стратегияси ва йўналишларини тақозо этади.

Вилоятда аҳоли ўсиш суръати ўртacha даражада, кишлоқ туманларида 1989-2014-йиллардаги ўсиш кўрсаткичлари эса 27-иловада келтирилган. Кўрилатган давр мабойнида нисбатан юқори ўсиш Кува, Ёзёвон ва Тошлоқ туманларида қайд этилади. Шу билан бирга, Фарғона, Бешариқ, Риштон, Қўштепа ва Ўзбекистон туманларида аҳолининг ўсиши бирмунча пастроқ бўлган. Бешариқ ва Риштон туманларида бундай вазият асосан уларнинг таркибидан янги маъмурий бирликларни ажралиб чиқиши – Фуқат ва Сўх туманларининг ташкил этилиши туфайли юзага келган.

Фарғона вилояти республикамизда аҳолиси ўта зич жойлашган минтақалардан биридир. Бу ерда ҳар бир кв. км майдонга 501 киши туғри келади. Бу хусусда, айниқса, Тошлоқ (749 киши), Учкўприк (725 киши) ва Бувайда (724 киши) кескин ажралиб туради. Мазкур туманларда ер майдонининг танқислиги яққол кўзга ташланади. Бу эса, ўз навбатида, старли иш ўринларнинг озлиги туфайли ички ва ташқи миграцияни зарурият қилиб қўяди. Зичлик кўрсаткичи энг паст Сўх туманида – 222 киши. Бироқ, бу даража республика ўртacha кўрсаткичидан деярли 3,5 марта зиёд. Фарғона вилоятининг чўл ҳудудларини ўзлаштириш асосида вужудга келган. Ёзёвон туманида ҳам, маҳаллий нуктаи назардан қараганда, аҳоли зичлиги пастроқ (240 киши).

Умумдемографик салоҳиятига қараганда Кува, Бешариқ, Бувайда, Учкўприк ва Ўзбекистон туманларида аҳоли сони 200 мингдан ортиқ. Энг кам аҳоли Сўх туманига тегишли – 69 минг киши. Вилоят аҳолисининг миллий таркибида ўзбеклар 89,0 %, тожиклар 5,8 фоиз, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2013 й.). Ўзбеклар барча шаҳар ва кишлоқ туманларида, тожиклар асосан Сўх туманида яшашади. Рус ва маҳаллий бўлмаган миллатлар Қўқон ва, айниқса, Фарғона шаҳарларида кўпроқ.

Аҳоли сони тўлиқ унинг табиий кўпайиши негизида кўпайиб бормоқда. 2013-йилда Фарғона вилояти бўйича туғилиш ҳар минг кишига 21,8 промиллени ташкил қилган (тахминан республика даражасида). Қайд этиш лозимки, мазкур кўрсаткич Ёзёвон ва, айниқса, Сўх туманида анча юқори: 24,4 ва 28,4 % (37-жадвал).

Геодемографик вазиятнинг мамлакат миқёсида таҳлили туғилишнинг айти тоғли ёки тоғолди ҳудудларда жойлашган туманларда кўплигини кўрсатади (Чироқчи, Нурубод, Қўшробот, Бойсун, Сарийосиё туманларидаги ҳолат шунга яқин ёки шу даражада). Сўх туманида 2013-

йилда ҳам энг юқори туғилиш коэффициентини кузатишган – 28,4 %. Туғилиш шаҳар жойларининг баъзиларида 2008 - 2010-йилларда бирмунча пасайган. Масалан, у Фарғона шаҳрида 19,5 дан 17,2 промиллега, Марғилонда 22,4 % дан 21,2 га тушган. Агар Фарғона шаҳрида туғилиш урбанистик муҳитга хос бўлса, Марғилонда у анча юқори, ҳатто Тошкент туманидан ҳам олдинда (21,1 %).

37-жадвал

**Фарғона вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси**  
(хар минг аҳолига нисбатан, 2013 й.)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Марғилон ш.	21,2	5,5	15,7	3,7	4,5	-0,8
	Фарғона ш.	17,2	5,9	11,3	12,7	10,7	2,0
	Кувасой ш.	21,2	4,8	16,4	5,7	4,1	1,6
	Қўқон ш.	19,5	5,9	13,6	6,2	6,9	-0,7
	<b>Туманлар:</b>						
1	Бешарик	23,4	4,9	18,5	3,1	3,3	-0,2
2	Богдод	22,7	4,5	18,2	3,6	2,5	1,1
3	Бувайда	23,9	4,4	19,5	1,5	2,9	-1,4
4	Данғара	23,8	5,6	18,2	3,5	3,3	0,2
5	Ёзёвон	24,4	4,2	20,2	1,7	2,4	-0,7
6	Олтиарик	20,6	4,5	16,1	0,8	2,2	-1,4
7	Риштон	23,2	4,8	18,4	3,6	2,5	1,1
8	Сўх	28,4	4,5	23,9	0,0	0,7	-0,7
9	Тошлоқ	21,4	4,3	17,1	3,3	3,7	-0,4
10	Учкўприк	22,9	4,9	18,0	3,3	3,2	0,1
11	Фарғона	21,5	4,6	16,9	0,9	4,8	-3,9
12	Фурқат	22,6	4,6	17,0	2,6	4,5	-1,9
13	Ўзбекистон	22,7	5,2	17,5	7,6	3,4	4,2
14	Кува	20,8	4,7	16,1	2,9	2,3	0,6
15	Кўштепа	22,8	4,6	18,2	0,9	3,1	-2,2
	<b>Вилоят</b>	<b>21,8</b>	<b>5,0</b>	<b>16,8</b>	<b>4,0</b>	<b>4,0</b>	<b>0,0</b>

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Аҳолининг табиий кўпайиш географиясини унинг туғилиш даражасидаги ҳудудий тафовутлар белгилаб беради. Ушбу кўрсаткич Сўх, Бешарик, Ёзёвон, Богдод, Бувайдада юқори, Олтиарик, Фарғона, Фурқат ва Кува қишлоқ туманларида биров пастроқ.

Одатда, аҳоли зич, унинг нисбий ва мутлақ кўплигидан миграция ҳам келиб чиқади. Фарғона вилояти бу қоидадан мустасно эмас. Сўнгги йилларда ташқи миграция натижаси “0,0” даражасини кайд этмоқда. Демак, минтақа аҳолиси фақат табиий кўпайиши ҳисобидан орғиб бормоқда (1,68 %). Бу, албатта, анча юқори кўрсаткич ҳисобланади.



Салбий миграция, хусусан, Фарғона туманида (минус 3,9 %), Қўштепада (минус 2,2) ҳамда Марғилон (-0,8 %) ва Қўқон (минус 0,7 %) шаҳарларида кўпроқ; Бувайда, Сўх, Учкўприк, Ёзйовон туманларида ҳам салбий, қолган ҳудудларда эса, миграция сальдоси ижобий.

Аслини олганда, аҳолининг миллий таркибидан келиб чиқиб, Фарғона шаҳрида ташқи миграция кучлироқ бўлиши мумкин эди. Эҳтимол, олдинги йиллардаги катта миграцион “йўқотиш” бу шаҳарда тўхтади ва унинг миграция ресурси ёки имконияти анча пасайди 2013-йилда эса вилоят маркази ижобий сальдога эга бўлди. Марғилон шаҳридаги бундай вазият тасодифий эмас, чунки дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий муаммолар (бу марказлар “моношаҳарлар”, яъни бир соҳага тор ихтисослашган ҳисобланади) туфайли ана шундай демографик ҳолат кузатилади. Ўзимизнинг кўмирчилар шаҳри – Ангренда ҳам шунга ўхшаш жараёнлар кечмоқда. Демак, бундай саноат марказларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, функционал таркибини диверсификациялаш зарур.

Вилоятнинг ҳудудий-урбанистик таркиби яхши ривожланган: бу ерда 3 та катта, яъни ҳар бирининг аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар мавжуд: Фарғона (265 минг киши), Қўқон (233 минг), Марғилон (215 минг киши). Бундай “триоград” (учкент) республикамизда фақат Тошкент вилоятида бор, холос – Чирчиқ, Ангрен ва Олмалик. Бироқ пойтахт вилоятига таққослаганда Фарғонада ўрта бўғин шаҳарлар тизими ривожланмаган. “Эликминглик” шаҳар вилоятда фақат битта – Қувасой (85 минг киши), Қува шаҳрида 46 минг, Риштонда 35 минг, қолганларида аҳоли сони бундан кам. Кичик шаҳар ва шаҳарчалар сони 2009-йилда янада кўпайди, урбанистик таркиб майдалашди, кичик шаҳарлар муаммосининг долзарблиги янада кучайди. Шу йилда бирданига 196 та кишлоқларга шаҳарча мақоми берилди, бундай бетакрор урбанистик ҳолат бўйича республикамизда вилоят биринчи ўринда туради. Маълумки, Ўзбекистонда жами 966 та янги шаҳарчалар – агрошаҳарлар вужудга келган бўлса, уларнинг ҳар бештадан биттаси (1/5 қисми) аини биргина Фарғона вилояти харитасида пайдо бўлган.

Ҳозирги вақтда вилоятда 9 та шаҳар, 200 га яқин шаҳарчалар бор (шаҳар жойлар сони бўйича ҳам республикамизда биринчи ўринда) ва уларда жами аҳолининг 57,3 фоизи истикомат қилади. Мазкур кўрсаткич 2008 йилда 27,8 фозгга тенг бўлиб, бу борада вилоят Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидан олдинда турган эди, холос. Энди эса Фарғона умумий урбанизация даражаси бўйича Наманган вилоятидан кейинги иккинчи ўринга “сақради”. Янги шаҳарчаларнинг энг кўпи Ўзбекистон (21 та), Фарғона ва Боғдод (20 тадан) туманларида ташкил этилган. Уларнинг сони Қува, Қўштепа ва Олтиариқда ҳам кўпроқ. Аҳоли сони бўйича эса Фарғона ва Олтиариқ туманлари олдинда.

Янги шаҳарчалар Фарғона ва Қувасой шаҳар ҳокимиятларида ҳам ташкил этилган. Таъкидлаш жоизки, Қўштепа, Бувайда, Учқўприк ва Фурқат туманларида 2008 йилда бирорта шаҳар ёки шаҳарча бўлмаган, уларнинг ҳозирги урбанистик вазияти айти 2009-йилнинг “янги урбанистик сиёсати” натижасида вужудга келган (28-илова). Бундай шаҳарчаларнинг катталари Олтиариқ туманида кўп – 17,2 минг киши; Фарғона шаҳар ҳокимиятига қарашли шаҳарчалар ҳам анча каттарок - 13,8 минг киши. Ўртача ҳар бир янги шаҳарчага 5,0 минг кишига яқин аҳоли тўғри келади. Улар орасида энг катталари Фарғона шаҳрига қарашли Бешбола, Ёрмозор, Оқариқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари<sup>1</sup>; қишлоқ туманлари миқёсида Олтиариқ туманида Бўрбалиқ (16,1 минг), Эскиараб (12,6), Полосон (14,0), Янгикўрғон (13,3); Бувайда туманида Бувайда (22,0), Фарғона туманида Водил (15,2), Ёзёвонда - Қоратепа (13,3 минг киши) ва х.к.

Фарғона вилоятида 2009-йилда жами 993 қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлган, уларнинг ҳар бирида ўртача 1255 киши яшаган. (2013-йилда қишлоқ аҳоли пунктлари 1020 та; - қишлоқлар аҳолисининг ўртача катталиги 1395 киши). Қишлоқлар географияси ўзига хос ва бетакрор; ажойиб ва ғалати номли қишлоқлар, каналлар, сой ва йўллар бўйларида занжирсимон, йирик шаҳарлар атрофида уларга “ёпишиб” жойлашган. Қадимдан кўп қўл меҳнатни талаб қилувчи суғорма деҳқончилик бу ерда катта-катта қишлоқларга ҳаёт бағишлаган. Аҳоли пунктларининг ғуж жойлашиши шаҳарларнинг мураккаб ҳудудий тизими – агломерациялар шаклланишига олиб келган. Вилоят аҳолиси ва иқтисодиёти, энг аввало, Фарғона–Марғилон, шунингдек, вужудга келаётган Қўқон агломерациясида мужассамлашган.

Вилоятнинг катта бойлиги – бу унинг меҳнат ресурсларидир. 2014-йил 1 январь маълумотида кўра, жами меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 1964 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 1506 минг ва иқтисодиётда банд бўлганлар 1431 минг киши. Жами банд бўлганларнинг 70,5 % моддий ишлаб чиқаришда, жумладан: саноатда – 14,7 % (2000 йилда - 13,7 %), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида – 30,2 % (41,9 %), транспорт ва алоқада – 5,1 %, қурилишда – 7,1 %, савдо, умумий овқатланиш, моддий техник таъминотда – 10,4 % аҳоли хизмат қилади.

Номоддий соҳаларга иқтисодиётда банд бўлганларнинг – 29,5 фоизи тўғри келади; уй хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда – 4,2 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда – 8,2 %, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизматда – 12,7 % аҳоли банд (2013 й.). Шу йилда вилоятда жами 93,3 минг янги иш ўринлари яратилган. Улар, асосан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ташкил этилган.

<sup>1</sup> Мазкур аҳоли пунктлари кейинчалик Фарғона шаҳри ҳудудига киритилган.

**Минтақавий иқтисодий ва унинг ҳудудий ташкил этилиши.** Фарғона вилояти хўжалиги кўп тармоқли ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил қилади. Минтақавий иқтисодий, умуман олганда, индустриал-аграр йўналишга эга. 2013-йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 16,6 фоизини sanoat ишлаб чиқариши берган, кишлоқ хўжалигининг ҳиссаси эса 20,4%; қурилиш – 6,3%, транспорт ва алоқа – 12,3%, савдо ва умумий оқатланиш – 8,7%, солиқлар – 10,9%. Кишлоқ хўжалигининг нисбати тахминан республика ўртача даражасига яқин келади. Sanoat кўрсаткичи бу ерда Навоий, Қашқадарё, Тошкент ва Андижон вилоятларидан пастроқ, қолганларидан эса юқори. Кишлоқ хўжалигининг улуши бўйича фақат Навоий вилояти Фарғонадан пастроқ, холос.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 61,8%, жами хизматларнинг 59,9% кичик бизнес ҳиссасига тушади. 2013-йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 20,5 минг та, шундан 2,2 мингтаси кичик корхоналар, қолганлари микро-фирмалардан иборат. Ушбу сектор 19,0% sanoat, 96,5% кишлоқ хўжалиги маҳсулотини беради, қурилишда унинг улуши 81,9%, чакана савдо – 43,1%. Кичик бизнесда иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,2 фоизи ишлайди, ҳудуд экспортида унинг ҳиссаси 18,5%, импортида – 22,3%.

Капитал қўйилмалар ҳажмининг ¼ қисмидан Фарғона шаҳрига тўғри келади. Бу борада Қўқон, Қувасой шаҳарларининг, Қўштепа, Тошлок, Данғара кишлоқ туманларининг ўрни ҳам сезиларли даражада. Қурилиш географияси маълум даражада инвестициянинг ҳудудий таркибини акс эттиради. Масалан, 23,0% қурилиш ишларининг 1/5 қисми вилоят марказида, 18,2% - Қўқонда, 6,2% - Олтиариқ, 5,2% Данғара туманларида бажарилган. Сўнгги йилларда Қўқон шаҳрида республика Президенти кўрсатмаси асосида катта ободончилик ишлари олиб борилди.

2012-йил якунлари бўйича хорижий инвестициялар асосида 105 та корхона фаолият кўрсатган. Улар ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 23,9 фоизини ишлаб чиқарган. Экспортда хорижий инвесторлар ёрдамида ташкил этилган корхоналарнинг улуши 34,2%. Таққослаш учун: 2000 йилда қўшма корхоналар 32,4 млн. АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарган, уларнинг экспортдаги улуши 20% гача яқин бўлган.

**Саноати.** Минтақа саноати ўзининг кўп тармоқли йўналишлари билан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан фарқ қилади. Бу ерда анъанавий енгил ва озиқ-овқат саноати билан бир қаторда, оғир саноат тармоқлари корхоналари ҳам мавжуд. Хусусан, кимё ва нефть кимёси, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат ва бошқалар яхши ривожланган. Кўпгина корхоналар Фарғона иқтисодий районида ягона ҳисобланади (масалан, ИЭМ, Фарғона фуран бирикмалари заводи, Қувасойцемент ва б.).

Вилоятда фаолият кўрсатаётган жами 3624 саноат корхоналари қайд этилган, уларнинг йириклари 46 та. Халқ истеъмол моллари ишлаб

чиқариш ҳажми ҳам анча катта. Унинг таркибида ноозик-овқат маҳсулотлари 59,5 фоизга баробар, шундан енгил саноат – 12,0 %.

Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлар таркиби қуйидагича (маҳсулот қиймати бўйича, 2012 й.): ёқилғи-энергетика саноати – 33,5 %, кимё ва нефть кимёси – 10,4 %, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш – 2,4 %, қурилиш материаллари саноати – 10,5 %, фарфор - фаянс саноати - 4,1 %, енгил саноат – 24,0 %, озик-овқат саноати – 10,2 %, ун-ёрма ва комбикорм саноати - 3,9 %. Такқослаш учун: 2000 йилда ёқилғи саноатининг маҳсулот қиймати 50,4 %, кимё ва нефть кимёси - 5,8 %, қурилиш материаллари - 5,0 %, енгил саноат - 19,6 %, озик-овқат - 5,7 фоизни ташкил қилган. Умуман олганда, Фарғона вилояти саноат тармогининг диверсификацияланиш кўрсаткичи республикамизда фақат Тошкент вилоятида учрайди, холос.

Вилоят оғир саноатининг йирик корхоналари Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи (у Япония фирмалари билан биргаликда қайта таъмирланган, бунинг учун 250 млн. АҚШ долларига яқин маблағ сарфланган), Фарғона-азот, Фарғона кимёвий тола заводлари, Қўқон суперфосфат заводи, “Евразия ТАПО - ДИСК” ҚК, Фарғона ва Қўқон механика заводлари ва бошқалар. Шунингдек, бу ерда Фарғона “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Қувасойцемент”, вилоятнинг турли ҳудудларида ташкил этилган тўқимачилик қўшма корхоналари ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Улар орасида Тошлоқда ташкил этилган тўқимачилик ҚК катта экспорт салоҳиятига эга. Фарғонада 1927 йилда қурилган, ҳозирги номи ўзгарган тўқимачилик комбинати республикамизда бу турдаги саноат корхоналарининг дастлабкиси эди. Олтириқ (Ҳамза) нефтни қайта ишлаш заводи эса ўтган асрнинг бошларида қурилган<sup>1</sup>.

2012-йилда вилоятда 511 минг тонна бензин (2009 й.-835 минг т.), 543 минг тонна дизел ёнилғиси (2009-йилда 891 минг т.) ишлаб чиқарилган. Бу ерда катта миқдорда минерал ўғитлар, карбонид, цемент ва бошқа саноат маҳсулотлари тайёрланади. Бир йилда 109 минг т омихта ем, 75-80 минг т пахта толаси, 60-70 млн. кв м ип-газлама, 3,5 млн дона трикотаж, 20-25 минг т ўсимлик ёғи, 250 минг т ун ва бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилади. Такқослаш учун: 2000-йилларда вилоятда 130-140 минг тонна нефть, 1,1 млн тонна бензин, 1,5 млн. тонна дизел ёқилғиси, 140 минг тонна атрофида минерал ўғитлар, 750 минг т цемент, 100 минг тоннага яқин пахта толаси, 53 млн. кв. м ип ва 2,0 млн. кв. м ипак газлама, 10 млн жуфг пайпок, 26,5 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи тайёрланган эди. Умуман олганда, Фарғона вилояти ҳозирги вақтда ўзининг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича республикамизда Тошкент шаҳри ва вилояти

<sup>1</sup> Ўзбекистон ҳудудида биринчи нефть қазиб олиш 1902-йилда Чимён конида бошланган.

хамда Кашкадарёдан кейинги ўринда туради.

Электр энергетика базасини Фарғона ИЭМ ва Қувасой ИЭС ташкил этади. Мамлакатимиз миқёсида вилоят ёкилғи, нефть ва нефть кимёси, минерал ўғитлар, цемент кабиларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, бу ерда спирт (Қўқон), Асака автомобиллари учун ойна ("Кварц" Қувасой), ўсимлик ёғи ва хўжалик совунлари (Фарғона ва Қўқон), консерва (Фарғона), қандолат ва мебель (Қува) ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. Пахта тозалаш заводлари барча кишлоқ туманлари марказларида мавжуд.

Вилоят саноатини ҳудудий ташкил этишда Фарғона–Марғилон саноат тугуни етакчи мавқега эга. Бу ерда минтаканинг асосий саноат корхоналари мужассамлашгани боис, ишлаб чиқаришнинг агломерация самарадорлиги юқори. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш географиясида Қўқон саноат тугунининг ҳам мавқеи кўзга кўринарли. Фарғонада қадимдан хунармандчилик ва қосибчилик ривож топган. Дўппи тикиш, сопол буюмлар яшаш (қулолчилик), ёғочда ўймакорлик ишларини бажариш кабилар Қўқон, Марғилон, Риштон, Боғдод ва бошқа шаҳарларда тарихан шаклланган.

Саноат маҳсулотининг 42,0 фоизи биргина Фарғона шаҳри зиммасига тушади; Қувасой вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 12,0 %, Қўқон – 11,4%, Тошлоқ тумани – 8,6 % ни беради. Айни вақтда Бувайда, Ёзёвон, Олтиарик, Қўштепа, Сўх, Учкўприк, Фарғона, Фурқат туманларида кишлоқ саноати ниҳоятда суғ даражада (30-илова). Бир вақтлар хон атласи билан дунёга машҳур бўлган Марғилон шаҳри ҳозирги вақтда депрессив ҳолатда. У вилоят саноат маҳсулотининг бор-йўғи 2,7 фоизини беради, холос; Қўқон пайпоқ ишлаб чиқариш корхонасининг ҳолати ҳам деярли шунга ўхшаш.

ХИМ ишлаб чиқаришда Фарғона шахрининг ҳиссаси – 33,6%, Қўқонники - 17,8 %, Қувасойники – 8,2 % ва ҳ.к. Бу борада ҳам Сўх, Қўштепа, Қува туманлари орқада. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, саноат маҳсулоти шаҳарларда ва кишлоқ туманлари орасида фақат Тошлоқда юқори; Боғдод ҳамда Данғара туманларида нисбатан катгарок. Ўртача кўрсаткич, асосан, шаҳарлар ҳисобидан (Фарғона, Қўқон ва Қувасой) шаклланган.

**Кишлоқ хўжалиги географияси.** Фарғона вилояти республикамизда муҳим кишлоқ хўжалиги райони ҳам ҳисобланади. Вилоят мамлакат ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 8,3 фоизини беради. Бу ерда пахта ва пилла етиштириш, сабзавотчилик ва боғдорчилик яхши ривожланган. Жами кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 62,0 фоизи деҳқончиликка тўғри келади. Фермер хўжаликларида агроиқтисодиёт маҳсулотининг 34,4 фоизи етиштирилади.

29-иловада келтирилган маълумотларга қараганда, вилоят умумий ер

# ФАРФОНА ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

3623.6  
1605.4



### КЕНТ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР

- болғар
- махкамәуәри
- узунларар
- аянар ва аянарларар
- сабауот ва кертюшка
- паррадаеметлик
- асарларчынылик
- илгезлик

### РАЙОНЛАР

- илгезлик

### САНОАТ ВА КИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ЯЛПИ МАХСУЛОТЛАРНИ ХАЖМИ (2011 й.)

- 1 мм устун болмадлиги - 100 млрд. сўм
- Сааноат
- Кишлоқ хўжалиги

### Сааноат тармоқлари

- Электротармоқ
- Машинасозлик ва металлургия
- Кем, нефть-газ ва нефтин қайта ишлаш
- Қурилиш материаллари
- Енгил
- Озғир-оқсат
- Бошқа тармоқлар

### ИШИЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

- Ялпи махсулот ҳажми бўйича сааноат пунктлари
- Жуда ёриқ
- Дырик
- Урта
- Майда

### УНДИРУВЧИ САНОАТ

- Нефть
- Нефть ва табиий газ
- Кератинг қон ашиш
- Гилея тупроқ
- Цемет қон ашиш
- Минерал суз булоқлари
- Авал
- Қонларнинг қонлари


- Иссиқлик электрстанцияси
- Электр узатқич линиялари
- Газ қуурлар
- Нефть қуурлари

- ### КИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИНГ ИҚТИСОСЛАШУВИ
- Суғирма дехқончилик зонаси
- Шакар этрофи хўжалиги, сабауотчилик, боғдорчилик ва узунлик, суг-ғилт қорамлигини
  - Дончилик, пахтачилик, илгезлик, мезачилик, суг-ғилт қорамлигини
  - Пахтачилик, дончилик, сабауотчилик, мезачилик, суг-ғилт қорамлигини
- ### Тог-аёлов зонаси
- Тог-аёлов қорамлигини (Ғилт-жуз қўзғилиги ва ғилт-суг қорамлигини), дара ваёйларда болғлар ва узунларар

майдонининг 45,5 фоизи кишлок хўжалигида фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич Риштон, Учкўприк, Боғдод, Бувайда ва Кўштепа туманларида юкори (жами майдоннинг 60-70 фоизи атрофида), Сўх, Олтиариқ, Бешариқ, Ўзбекистон, Фарғона туманларида нисбатан озрок. Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркибида суғориладиган ерлар улуши ўртача 93,9 %. Бундай ерлар ҳам Кўштепа, Бувайда, Олтиариқ, Тошлоқ, Ёзёвон кишлок туманларида кўпроқ. Аини пайтда Сўх, Риштон, Учкўприк туманларида суғориладиган ерлар улуши озрок.

Экин экиладиган майдонлар кишлок хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 78,3 фоизини ташкил қилади, яйлов ва пичанзорлар – 7,4 %. Интенсив кишлок хўжалиги, яъни суғорма дехкончилик, хусусан Олтиариқ, Кўштепа, Кува, Тошлоқ туманларида яхши йўлга қўйилган, яйлов ва пичанзорлар эса Сўх, Риштон, Ўзбекистон, Бешариқ туманларида кўпроқ. Жами экин майдони вилоят бўйича 290 минг гектар (2000 йилда 300 минг га) бўлиб, унинг 244 минг гектари фермер хўжаликларига бириктирилган. Донли экинлар 2012-йилда 132 минг гектарга экилиб, ундан 771 минг тонна ҳосил олинган; ҳосилдорлик – 58,5 ц/гани ташкил этган (шу жумладан, буғдой майдони 128,0 минг га, ялпи ҳосил – 740 минг тонна). Бошқа донли экинлардан қисман маккажўхори ҳам экилади. Таққослаш учун: 2000-йилда вилоятда 125 минг гектар ердан 450 минг тонна ғалла олинган, ҳосилдорлик буғдойдан – 35,8 ц/га бўлган.

**9-расм. Фарғона вилоятининг экин майдони (фоизда)**



Таъкидлаш жоизки, бошқа минтақаларда бўлгани каби, бу ерда ҳам пахта майдонлари бироз қисқариб бормоқда. Масалан, 2000 йилда пахтазорлар жами экин майдонининг 41,0 фоизини ташкил қилган бўлса, 2012-йилда 34,5 фоизгача тушиб қолган. Умумий майдони 100 минг гектар ерга пахта экилиб, ундан 280-290 минг тонна ҳосил олинади, ҳосилдорлик – 28,2 ц/га (2000 йилда 363 минг т пахта, ҳосилдорлик – 29,4 ц/га).

Таҳлиллар кўрсатишича, республикамизда сўнгги йилларда кунгабоқар етиштиришга кўпроқ эътибор берилмоқда. Агар ундан инсон

саломатлиги учун сифатли ёғ олиними ҳисобга олинса, бу жараёни алоҳида ижобий баҳолаш лозим. 2012-йилда Фарғонада 107 гектар ерга куйгабоқар экилиб, 1224 тонна ҳосил етиштирилган. Ёғ олиш мақсадида ер ёнғоқ ҳам экилади. Зиғир ва кунжут, масхар эса Фарғонада экилмаган, ваҳоланки, бу мойли ва техник экинлар Зарафшон водийси ва Қашқадарё вилоятида экилмоқда. Фарғона вилояти картошка етиштиришга ҳам ихтисослашган. Бу экин айниқса Сўх, Риштон, Ўзбекистон туманларида кўпроқ экилади. Вилоят бўйича картошка майдони 8,3 минг га, ялли ҳосил 208 минг тонна атрофида.

Қишлоқ туманлари орасида, Олтиариқ тумани булғор қалампири, турп, шолғом, бодринг кабиларни етиштириш билан машхур. Вилоят, хусусан, Қўқон гуруҳ туманларида аччиқ қалампир (гармдори) ҳам кўп етиштирилади ва кўп истеъмол қилинади. Турли хил сабзавот экинлари билан 17,8 минг га ер банд; бир йиллик ҳосил 560 минг тонна. Сабзавотчилик билан, картошка етиштириш сингари, асосан деҳқон хўжаликлари шуғулланишади. Ем-ҳашак экинлари 29,5 минг гектарни эгаллайди. Асосан, силос учун маккажўхори экилиб, бир йилда 660 минг тонна ҳосил олинади.

Фарғона водийси, шу жумладан, Фарғона вилоятида богдорчилик ва узумчилик яхши йўлга қўйилган. Бу ерда ўрик, олма, анор, анжир, шафтоли, нок, беҳи, сўнги йилларда хурмо, шунингдек, турли навли узумлар етиштирилади. Жами мевазорлар майдони – 47 минг га. Бу соҳа кўпроқ фермер хўжаликларига тегишли. Ялли ҳосил – 310 минг тонна. Узумзорлар майдони – 5,6 минг га, ялли ҳосил 83 минг тонна. Узум кўпгина қишлоқ туманларида етиштирилсада, айниқса, Олтиариқ ўзининг хусайни узумлари билан донг таратган.

Фарғонада чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари республикамизнинг чўл минтақалари, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларига қараганда биров чекланган. Бу ерда 2013-йил бошида йирик шохли қорамоллар сони 820 минг бош, қўй ва эчкилар – 707 минг бош бўлган. Бир йилда гўшт (тирик вазнда) 113 минг тонна, сўт 700 минг тонна, тухум 215 млн дона, пилла 2500 тонна олинади.

Бевосита агрогеография нуқтаи назаридан, богдорчилик нисбатан адир зоналарда кўпроқ, пахта вилоятнинг қўйи қисмида жойлашган барча туманларида, сабзавотчилик йирик влаҳарлар атрофида ривожланган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Қува, Фарғона, Олтиариқ, Бешариқ туманлари – етакчи, уларнинг улуши вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотига нисбатан, мос ҳолда, 7,0; 7,1; 8,4 ва 6,9 %. Пастроқ кўрсаткичлар Сўх, Ёзёвон, Фурқат туманларида кузатилади (30-илова). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса Ёзёвон, Фурқат, Қўштёпа, Данғара туманлари бирмунча ажралиб туради. Бу ҳолат қисман уларнинг демографик салоҳиятининг озлигидан ҳам юзага келади. Пастроқ кўрсаткичлар Учқўприк ҳамда Ўзбекистон туманларида қайд



этилган. Умуман олганда эса, бу борада катта ҳудудий тафовутлар кўзга ташланмайди. Бу ҳам бўлса, вилоятда қишлоқ хўжалигининг яхши ривожланганлигидан дарак беради.

Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжаликларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Мулкчиликнинг бу турини минтақавий хусусиятлари шундан иборатки, у аҳоли зич, ер-сув ресурслари чекланган ҳудудда ривожланмоқда. Фарғона вилоятида 2014-йил 1-январь ҳолатига жами 7175 та фермер хўжалиги қайд этилган; улар тасарруфидаги умумий ер майдони – 236,2 минг га, уларда ишлайдиган ходимлар сони –127 минг киши; ҳар бир хўжаликка ўртача 35,7 га ер ва 17,7 ишчи тўғри келган. Кўриниб турибдики, вилоят фермер хўжаликларининг ер майдонлари республиканинг бошқа, масалан, Бухоро, Навоий вилоятларига қараганда анча кичик, ишчилар сонидан эса бунчалик катта фарқ йўқ. Бу, табиийки, фермер хўжаликларининг фаолияти, уларнинг самарадоригига катта таъсир кўрсатади. Фермер хўжаликлари вилоят ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 34,4 фоизини беради. Бу кўрсаткич Богдод, Кува, Ёзёвон, Фурқат туманларида анча юқори, Сўх туманида эса у атиги 18,1 фоизга тенг, холос.

Шундай қилиб, вилоят иқтисодиётида, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан ташкил қилиш нуқтаи назаридан, нефть-газ-кимё, агроиндуриал, тўқимачилик индустриал ҳамда қурилиш материаллари мажмуаларини ажратиш мумкин. Хусусан, нефтни қайта ишлаш ва ундан тегишли ёнилғи ва кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, пахта у билан ҳудудий – даврий ва технологик жиҳатдан уйғунлашган пиллачилик ҳамда уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш, газлама, трикотаж ва тикувчилик, тўқимачилик машинасозлигининг мавжудлиги агроиндуриал энергия ишлаб чиқариш циклини ҳам мукамал, тўлиқ даражада шаклланганлигини кўрсатади.

**Ижтимоий соҳалар ва уларнинг географияси.** Аҳоли зич, уни иш билан банд қилиш муаммоси кескин бўлган минтақаларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ўта долзарб масалалар. Янги иш ўринларининг кўпроқ қисмини қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ташкил этилиши ушбу муаммони, қисман бўлсада, ечишга ёрдам беради. Республикамиз, шу жумладан, Фарғона вилоятида ҳам бу соҳалар, айниқса “Қишлоқ” йилига доир Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида ривожланиб бормоқда. Жумладан, чакана савдо айланмаси биргина 2012-йилда 118,7 фоизга ўсган.

Чакана савдо айланмасининг 28,0 фоизи Фарғона, 13,6 фоизи Кўкон шаҳрига тўғри келади. Сабаби, бу шаҳарлар катта район ҳосил қилувчи ва районга хизмат кўрсатувчи йирик марказлар саналади. Қишлоқ туманлари даражасида эса Фарғона (7,6 %), Кува (4,2 %), Олтиариқ (3,5 %) олдинда туради. Бироқ бу салоҳиятни белгиловчи кўрсаткичлар реал ҳолатни акс эттирмайди. Бу борада аҳоли жон бошига тўғри келадиган рақамлар катта

мазмун касб этади. Шу нукта назардан, Кува, Ёзёвон ва Сўх туманларида вазият нисбатан яхшироқ.

Вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 85,5 % бўлгани ҳолда, у шаҳарларда, шунингдек, Бувайда, Данғара, Олтиариқ ва Ўзбекистон туманларида юқорироқ. Айни чоғда, Риштон тумани аҳолисининг 71,6 %, Бешариқ туманининг – 72,7 %, Сўх туманининг – 67,4 фоизи бундай имкониятларга эга, холос. Газ билан таъминланиш минтақада ўртача 81,2 % дир. Албатта, шаҳар жойлар аҳолиси бу борада қулай шароитларга эга. Қишлоқ туманларида эса мазкур кўрсаткич Боғдод, Бешариқ шаҳарларида 65 фоиздан Олтиариқнинг 99,1 фоизигача фарқ қилади.

Нозогеографик вазият ва аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳар қандай мамлакат ёки минтақа ижтимоий ривожланишининг муҳим вазифасидир. Баркамол авлод, соғлом болани тарбиялашда ҳам бу соҳанинг аҳамияти бекиёс. Фарғона вилоятида жами 159 та тиббий муассасалар бор, ҳар 10000 кишига тўғри келадиган бемор ўринлари – 41,5 та. Қувасой шаҳри, Боғдод, Данғара, Қўштепа, Фарғона ва Ўзбекистон туманларида бу даража пастрок. Ҳар 10 минг кишига 21,1 врач, 121,7 та ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатади. Қишлоқ врачлик пунктлари 293 та, бир қишлоқ туманига 19,5 тадан, тахминан 3,5 та қишлоққа биттадан. Ҳар 100 минг кишига нисбатан касалланганлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Тошлоқ ва Учкўприк туманларида, энг паст Марғилон шаҳрида.

Аҳоли зич, сони нисбатан тез қўлайиб бораётган ҳудудда халқ таълими географияси ҳам ўзига хос. Вилоятда 691 та доимий мактабгача тарбия муассасалари мавжуд бўлиб, болалар қамрови – 18,8 %. Умумтаълим мактаблари 921 та, ўқувчилар сони 481,4 минг киши; битта мактабга ўртача 523 ўқувчи тўғри келади (2012/2013 ўқув йили). Академик лицейлар 12 та, ўқувчилар сони 9,2 минг нафар, касб-хунар коллежлари 145 та, ўқувчилар 183,6 минг киши. Касб-хунар коллежлари минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолатига мос ҳолда, турли йўналишларда шакллантирилган ва жойлаштирилган. Фарғонада 4 та, шу жумладан, университет, Қўқон шаҳрида республикамизнинг энг дастлабки олий ўқув юртидан бири – Педагогика институти бор. Келажакда Фарғона шаҳри ўзига хос индустриал–инновация маркази бўлиши мумкин. Шунингдек, Қўқон, Кува каби шаҳарларда ҳам ўрта махсус ва олий таълим тизими ривожланиб бормоқда.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Вилоятда транспорт инфратузилмасининг барча турлари бор. Аммо юк ва йўловчи ташишда асосан автомобиль транспортининг аҳамияти катта. Қўқон, Марғилон шаҳарлари йирик транспорт тугун ва марказлари вазифасини бажаради. Вилоят худудидан Ўзбекистон Республикасини қўшни Қирғизистон ҳамда Хитой билан боғловчи халқаро автомобиль йўллари ўтган.

2013-йилда жами ташилган юк 93,2 млн. тонна бўлиб, унинг 89,8 фоизи автомобиль транспорти зиммасига тушди. Шу йилда умумий ҳисобда 538. млн йўловчи ташилган. Бу миқдорни тўлиқ автомобиль транспорти амалга оширган. Хусусий автомобилларда жами йўловчиларнинг 3/4 қисмидан ортиқроғи ташилган.

Фарғона вилояти мамлакатимиз ташки иқтисодий алоқаларида фаол иштирок этади. Бир йиллик ташки савдо айланмаси, 2013-йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, 1026,0 млн АҚШ долларига тенг, шундан экспорт ҳажми - 420 млн, импорт - 606 млн. доллар. 2010-йилда улар, мос ҳолда, 922,0; 475,0; 447,0 млн долларни ташкил этган. Экспорт таркибида энергия ресурслари 10,1 %, пахта толаси-9,5 %, кимё саноати маҳсулотлари-20,9 %, озиқ-овқат маҳсулотлари-6,4 % бўлган. Импортда энергия ресурслари-51,6 %, машина ва ускуналар-16,4 %, кимё саноати озиқ-овқат маҳсулотлари-8,8 % ни ташкил этган. Жами ташки савдо айланмасининг ярмидан кўпроғи МДХ мамлакатлари билан амалга оширилади. Улар орасида асосий алоқалар Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар билан олиб борилади. Кўриниб турибдики, Фарғона вилоятининг иқтисодий муносабатлари республикамизнинг баъзи минтақаларидан фарқли равишда, МДХ мамлакатлари билан фаолроқдир.

Худудий таркибда экспортнинг 41,9, импортнинг 62,3 фоизи Фарғона шаҳрига тўғри келади. Экспортда, шунингдек, Тошлок (24,6 %), Данғара (11,3 %) ва Қўқон шаҳри (11,7 %) ҳам иштирок этади. Импортда Қўқон шаҳри ҳамда Данғара тумани ажралиб туради.

**Вилоят иқтисодиётининг худудий таркиби.** Фарғона вилоятида 2 та ички иқтисодий район яққол кўзга ташланади. Бу районлар кўпроқ гидрографик омиллар, яъни сойлар, суғорма деҳқончилик, қайта ишлаш саноати ва тарихий омиллар асосида шаклланган.

Биринчи район, яъни Фарғона – Марғилон райони таркибига Қувасой шаҳри, Фарғона, Қува, Тошлок, Олтиариқ, Ёзёвон, Қўштепа қишлоқ туманлари қиради. Район ҳосил қилувчи марказ Фарғона-Марғилон агломерацияси. Унинг ҳиссасига вилоятнинг 40,1 % майдони, 47,9 % аҳолиси, 83,8 % саноат ва 42,0 % қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғри келади; инвестицион салоҳияти – 63,9 %.

Иккинчи ижтимоий-иқтисодий район тарихан Қўқон шаҳри таъсирида шаклланган. Унинг таркибига Ўзбекистон, Бешарик, Риштон, Фурқат, Боғдод, Бувайда, Данғара, Сўх, Учқўприк туманлари мансуб. Вилоятга нисбатан олганда, ушбу район майдони, аҳолиси ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича биринчи районга қараганда устунроқ туради.

Фарғона – Марғилон иқтисодий районида нефтни қайта ишлаш, кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати тармоқлари, электр энергетика яхшироқ ривожланган. Бу ерда боғдорчилик, хусусан, узумчилик ва сабзавотчилик ҳам қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқларидан

ҳисобланади. Қўқон гуруҳ райони эса асосан озиқ-овқат (спирт, ўсимлик ёғи) минерал ўғитлар (суперфосфат), трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, агроиқтисодиёт соҳасида пахта ва мева етиштиришга ихтисослашган.

Туманлар орасида Тошлоқ, Кува саноати яхшироқ ривожланган (вилоятга нисбатан 8,6 ва 2,3 фоиздан). Риштон, Боғдод, Ўзбекистон, Бешарик туманларида ҳам қишлоқ саноати бирмунча шаклланган. Айни вақтда, у Сўх, Фуркат, Қўштепа, Данғара ва Бувайда каби туманларда – суғ даражада. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича олдинги ўринларда Фарғона, Кува, Учқўприк, Олтиариқ ва Бешарик туманлари туради, ўртача мавқега Боғдод, Бувайда, Данғара, Қўштепа ва Риштон туманлари эга (30-илова). Қолган туманларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти пастроқ (энг кичик кўрсаткич Сўх, Ёзёнов ва Фуркат туманларида). Вилоятнинг Марказий Фарғона ёки Қорақалпоқ каби чўл зонасидаги ҳудудлари ҳамда тоғ ораллиғида жойлашган Сўх тумани нисбатан суғ ривожланган (31-илова). Бинобарин, келажакда ушбу ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, қишлоқ меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, Фарғона – Марғилон агломерацияси экологик вазияти яхшилаш минтақанинг долзарб муаммоларидир.

Дарҳақиқат, аҳоли сонининг кўплиги, унинг сонини ошиб бориши, ер ва сув захираларининг етишмаслиги минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади. Бундай кескин вазиятдан чиқиш йўлларида бири саноатлашув ва урбанизацияни қўллаб қувватлаш, замонавий инфратузилмалар асосида индустрия – инновация, ўсиш кутб ва марказларини вужудга келтириш бўлиши мумкин. Бундай стратегик йўналиш мамлакатимизнинг аҳолиси зич бошқа воҳа ва водийлари учун ҳам мосдир.

## 2.5. ЗАРАФШОН ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Ушбу район Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларини бирлаштиради. Майдони бўйича, у Ўзбекистонда фақат Қуйи Амударё иқтисодий районида кейинда туради. Районнинг майдони 168,1 минг км<sup>2</sup> бўлиб, республика ҳудудининг 37,4 фоизини ташкил қилади. Аҳолиси 2014-йил 1-январь ҳолатида – 6070,0 минг киши ёки мамлакатимиз жами аҳолисига нисбатан 19,9 % дир.

Худди шундай таркибда бу район ўтган асрнинг 60-йилларида ҳам ажратилган эди. У кейинчалик “майдалашиб”, турлича кўринишда бўлган. Масалан, Бухоро ва Навоий Қизилқум ёки Бухоро-Навоий иқтисодий райони, Самарқанд Қашқадарё билан биргаликда Самарқанд-Қарши райони деб ҳам юритилган. Ҳозирда VIII синф дарслиғида (муаллифлар П.Мусаев ва Ж.Мусаев) Самарқанд вилояти алоҳида иқтисодий район сифатида кўрсатилган.

Таъкидлаш лозимки, биз ажратган тартибда, яъни 3 та маъмурий-иқтисодий районларни бирлаштирувчи асосий район мақомида республикамизнинг баъзи илмий тадқиқот институтларида ҳам бу район тилга олинади. Аммо у географик жойлашган ўрнига қараб “Марказий район” деб юритилади. Фикримизча, “марказ” тушунчаси иқтисодий районлаштиришда, одатда, географик ўрнига қараб эмас, балки сиёсий функциясига кўра, пойтахт шаҳар мавжуд бўлган ҳудудга нисбатан қўлланилади (масалан, Россия Федерациясида Марказий иқтисодий район шу мамлакатнинг ўртасида жойлашмаган).

Мазкур иқтисодий районнинг тарихий-географик асоси ёки негизи, район ҳосил қилувчи омили Зарафшон дарёси ҳисобланади. Тўғри, бу гидрографик шаҳобча ҳозирда Бухоро вилоятига етиб бормади, бироқ, қадимий Бухоронинг маданияти ва тарихи айни унинг таъсирида шаклланган. Қолаверса, ҳозирги Бухоро-Қорақўл воҳаси ҳам Зарафшон дарёсининг қадимий оқими асосида вужудга келган<sup>1</sup>.

Республикамизнинг ҳудудий меҳнат тақсимоотида Зарафшон иқтисодий райони рангли металлургия, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси, енгил ва озиқ-овқат саноатига, пахта, жун, қорақўл териси етиштиришга ихтисослашган. Шунингдек, уни халқаро аҳамиятга эга бўлган туристик объект сифатида ҳам кўриш мумкин. 2013-йил яқунларига кўра, район улушига республикада яратилган ялпи ички маҳсулотнинг – 17,1, саноат ишлаб чиқаришининг – 19,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг – 20,1, инвестиция ҳажмининг 30,7 фоизи тўғри келди. Бироқ, унинг экспорт-импорт фаолияти унча катта эмас: 5,9 ва 14,5 %.

Районнинг кучли томонлари – унинг фойдали қазилмалари ва меҳнат ресурслари, нисбатан қулай транспорт – географик ўрни, заиф жиҳатлари эса сув захираларининг етишмаслиги, “чўллик” хусусиятидир. Хўжалиги ҳам мукамал ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси кўринишида шаклланмаган.

Зарафшон иқтисодий райони трансчегаравий хусусиятга эга бўлган Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи қисмини ўз ичига олади. Табиий географик жиҳатдан унинг аксарият қисми Қизилкум чўлларида иборат. Тоғли ҳудудлар қисман Самарқанд вилоятида, воҳа ва водийлар эса тарқоқ ҳолда жойлашган. Район хўжалигининг ҳудудий таркиби ҳам шунга мувофиқ ҳолда шаклланган. Унинг ичида майдони бўйича Навоий, демографик салоҳиятига кўра эса Самарқанд вилояти ажралиб туради. Бухоро вилояти бу борада ўртача мавқега эга.

---

<sup>1</sup> Агар тарихий, палеогеографик нуқтаи назардан қаралса, бир вақтлар Қашқадарё ҳам Зарафшонга қуйилган. Аммо ҳозирги кунда уни Сурхондарё билан биргаликда жанубий иқтисодий район таркибига кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## 2.5.1. Бухоро вилояти

Республикамизнинг майдони катта бўлган ҳудудларидан бири Бухоро вилояти бўлиб, у 1938-йил 15-январда ташкил топган. Майдони – 40,3 минг кв. км, Ўзбекистон ҳудудининг 9,0 фоизига тенг ва бу борда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий вилоятидан сўнг 3-ўринда туради. Одатда, майдони катта вилоятлар табиий шароити хўжалик нуктаи назаридан нуқулай тоғ ёки чўллардан иборат бўлади. Бухоро вилояти ҳам тишқ чўл минтақасидир. Аҳолиси – 1756,5 минг киши ёки республика аҳолисининг 5,8 фоизи шу ҳудудда яшайди (2014 й.).

Маъмурий жихатдан у вилоятга бўйсунувчи 2 та шаҳар, 11 та қишлоқ туманларини ўз таркибига олади. Шаҳар поёлкалари 69 та, ҚФЙ 121 та, қишлоқ аҳоли пунктлари 1469 та. Қишлоқ туманларининг энг дастлабкилари Бухоро, Вобкент, Гиждувон, Когон, Қорақўл, Ромитан ва Шофиркон 29.09.1926 йилда ташкил этилган. Демак, 11 та маъмурий бирликдан 7 таси 1926 йилга, яъни республикамизнинг энг биринчи маъмурий қурилмасига тўғри келади ва бундай ҳолат кўпгина бошқа вилоятларда қайд этилмайди (32-илова).

Вилоятнинг энг катта тумани Пешку 8,72 минг км<sup>2</sup>, энг кичиги – Вобкентда 0,29 минг км<sup>2</sup> майдон бор, улар орасидаги тафовут 30 баробар. Бу анча катта рақам ҳисобланади. Қорақўл туманининг ҳам ҳудуди катта, у Пешку билан биргаликда минтақа майдонининг 43,5 фоизини ташкил қилади. Бундай географик вазият кўпроқ чўлларга хос бўлади.

Бухоро вилоятининг маъмурий картасига назар ташласак, унда қишлоқ туманларининг ҳақиқий чўлга хос чегаралари ва ташқи қиёфаси (конфигурацияси) яққол кўринади. Бунда, энг аввало, йирик туманлар, Қорақўл, Жондор, Ромитан ва Пешкунинг “ётиқ” ҳолда шимоли - ғарбдан жануби - шарқ йўналишида чўзилиб ётгани қайд этилади. Ромитан тумани эса уларнинг орасида “лахтаксимон” парча – парча кўринишда, туман марказига нисбатан эксклав ҳолатда жойлашган. Бундай географик манзара бошқа вилоятларда кам учрайди ва уни карталарда акс эттириш ҳам унча кўринарли бўлмайди ёки “картабоп” эмас.

Кўпинча, маъмурий бирликларнинг ихчам (компакт) бўлмаганлиги уларнинг ичида ишлаб чиқариш ва аҳолини ҳудудий ташкил этиш, унга хизмат кўрсатиш ва бошқарувда бироз қийинчиликлар туғдиради. Бу нуқтаи назардан, Вобкент ва Когон туманлари анча қулайликларга эга. Аммо, Когон тумани бевосита вилоят марказига туташ бўлиб, уни Бухоро тумани “тақасимон” ўраб туради. Бундай маъмурий – географик вазият ҳам камдан- кам учрайди. Бухоро вилояти республикамиз меҳнат тақсимотида ёқилғи, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалигида пахта, жун, қоракўл териси етиштиришга ихтисослашган. Унинг туристик имкониятлари ва салоҳияти ҳам катта.

**Географик ўрни ва табиий ресурслари.** Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикасининг ғарбий қисмида жойлашган, унинг қўшни Туркменистон давлати билан чегараси қисман Амударё бўйлаб ўтади. Вилоят шимолда, қисқа масофада Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси билан, шимол ва шимоли - шарқда кенг миқёсда Навоий ва жанубда Қашқадарё вилоятлари билан чегарадош. Унинг “қўшничилик” кўрсаткичи 1:5, яъни вилоят 5 та маъмурий бирликлар, шу жумладан, хорижий давлатлар билан чегарадош. Бу нисбат қанча катта бўлса, худуд трансчегаравий, ундан халқаро ва магистраль йўлларнинг ўтганлигини, баъзан эса унинг марказийлигини билдиради. Республикамиз ҳам ана шундай сиёсий географик ўринга эга, у 5 та хорижий мамлакатлар билан чегарадош. Бинобарин, мамлакатимизни Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашганлиги эътироф этилади. Унинг таркибида бундай қўшничилик нисбати Қашқадарё вилоятида ҳам учрайди.

Ер усти тузилишининг тахминан ярмидан кўпроғи текислик – Қизилқум чўлларида иборат. Баланглик ва тоғликлар асосан вилоятнинг шимоли - шарқи ва шарқда жойлашган. Энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 800 метрга яқин бўлиб, у Қўлжук тоғининг вилоят худудидаги қисмига тўғри келади (Шофиркон ва Пешку туманларининг чеккасида). Вилоятнинг ер майдони катта, бироқ сув ресурсларининг етишмаслиги сабабли ушбу омилнинг минтақа иқтисодийетини ривожланишидаги роли бироз чекланган.

Яқин ўтмишда бу ерда собиқ Иттифокда донғи кетган Ғазли табиий газ кони ишга туширилган эди. Ҳозирги вақтда ҳам Бухоро вилоятида мазкур ёқилғи турининг захиралари бор (Жарқоқ, Учқир, Қандим, Қувачи, Хаузақ, Денгизқўл ва бошқа конлар). Ғазли, Ўртабулоқ ва Жарқоқ конларидан қисман нефть қазиб олинади. Ёқилғи ресурсларидан ташқари вилоят худудида қурилиш материаллари ҳам ашёси мўл. Жумладан, Когон ва Қоровулбозор атрофида оҳақтош ва гипс, Тасқозғонда графит, Тозбулоқда мрамар, Жонкелдида гранит ва минерал бўёқ конлари мавжуд. Шунингдек, жанубда ғишт ва кулолчилик учун тегишли хом ашё (Бухоро, Вобкент ва б.), Ғиждувон туманининг чекка шимоли-шарқда рангдор металллар кони (Зафаробод) жойлашган, Янгиқўзғонда олтин захиралари бор. Умуман эса, вилоятда аниқланган қазилма бойликлар кўпроқ ёқилғи ва қурилиш саноатини ривожлантиришда аҳамиятлидир.

Қишлоқ туманлари миқёсида вилоятнинг минерал ресурс географияси қуйидагича: Пешку туманида безак тошлари, минерал бўёқлар; Вобкентда– безак тошлари, ғишт хом ашёси; Олотда – ғишт; Бухоро туманида – гипс, ғишт ва бошқа қурилиш материаллари; Ғиждувонда – қум, шағал, рангли металллар; Когонда – гипс, қум, шағал; Қорақўлда – оҳақ, силикат хом ашёси ва ҳ.к. захиралар мавжуд. Демак, бу табиий қазилмаларнинг кўпчилиги қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати учун қулай

имкониятлар яратади. Айниқса, Когон туманида жойлашган Мамаджургутин гипс конларининг sanoat аҳамияти катта.

Иқлими – континентал ва чўл минтақасига хос. Январь ойининг ўртача харорати – минус 2 даража, июль ойида иссиқлик, баъзан, 40 даражадан ҳам ошиб кетади. Ёғин-сочин миқдори жуда кам; Газлидан шимолроқда у 100 мм га ҳам етмайди. Вилоятда йилига тахминан 150 - 200 мм атрофида ёғин-сочин ёғади. Кўриниб турибдики, Бухоро вилоятининг иқлими асосан яйлов чорвачилигига қулайроқ, суғорма дехқончилик учун эса бу ерда шароит унча яхши эмас. Зарафшон дарёси вилоят худудининг шарқий чеккасига етиб келади, холос, суғориш учун эса сув кўпроқ Амударёдан олинади. Айни шу мақсадда Аму–Қорақўл, Аму–Бухоро, Ёмонжар каналлари қурилган. Қўшни Навоий вилоятида жойлашган Қуйи-мозор сув омборларидан шу номли канал бошланади ва у Бухоро, Когон, Жондор туманларининг бир қисмини суғоради. Булардан ташқари, Зарафшон, Хайробод, Шофиркон каби каналлар, Шўркул сум омбори ҳам мавжуд.

Вилоятда жуда кўп коллекторлар (зовурлар) ҳамда окова қўллар (қора қўллар) жойлашган. Уларга мисол қилиб Шимолий, Оғитма, Парсонқўл зовурлари, Денгизқўл, Шўркўл, Оёқоғитма, Шўрхоқ, Қорақир қўлларини келтириш мумкин. 1993-йилда қурилган Дамхўжа - Бухоро сув қузури вилоят марказини ичимлик суви билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бирок, шунга қарамасдан, бу ерда сув муаммоси кескин. Юзага келган ҳолат нафақат қишлоқ хўжалигига, балки аҳолининг саломатлигига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, юқорида таъкидланганидек, Бухоро вилояти типик чўл минтақасидир. Катта қумликлардан бири – Қизилқум бу худудни ҳам қамраб олган. Таниқли бухоролик чўлшунос олим И.Қ.Назаров чўлларни, хўжалиқда фойдаланиш нуқтаи назаридан, икки қисмга, яъни чўл-яйловлар ва чўл-воҳаларга ажратади. Чўл-воҳалар Бухоро вилоятининг жануброқ қисмида Бухоро, Қорақўл воҳаларида жойлашган. Минтақанинг айни шу қисмидан асосий транспорт инфратузилмалари ўтган ва аҳолининг кўпчилиги мужассамлашган. Шу жиҳатдан Ғиждувон - Олот йўналишини вилоятнинг асосий иқтисодий минтақаси, йўлаги ёки тарихий - географик “ўқи”, деб баҳолаш мумкин. У ўтмишда бу ердан оқиб ўтган Зарафшон дарёсининг ҳавзасига ҳам мос келади. Бу “йўлакнинг” жанубида ҳам, шимолида ҳам бепоён чўллар ётади.

Вилоятнинг транспорт ва иқтисодий географик ўрнининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унинг худуди, аниқроғи Олот тумани мамлакатимизнинг хорижий давлатларга чиқадиغان дарвозаларидан бири саналади. Туркманободга ўтган темир йўл орқали Ўзбекистон Туркманистон, Кавказorti мамлакатлари ҳамда Эрон ва бошқа жанубий, жанубий-ғарбий Осиё (Яқин Шарқ) давлатлари билан ташқи иқтисодий



алоқалар олиб боради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Навоий – Учкудуқ – Нукус темир йўлининг ишга туширилиши Бухоро вилояти транспорт географик ўрнини бироз ўзгартирди, Когон, Қоракўл ва Олот бекатларининг бундай функциялари сусайди.

**Демографик вазият.** Вилоят аҳолисининг сони 1989-йилга нисбатан (1136 минг) 1,5 мартага ёки 620 минг кишига кўпайган. Туғилиш бу ерда ҳар минг аҳолига 20,9 киши, ўлим кўрсаткичи 4,4 кишига тўғри келади. Туғилиш коэффициенти фақат Бухоро шаҳрида пастроқ, қишлоқ туманлари доирасида эса у катта фарқ қилмайди (20-24 промилле). Аҳоли миграцияси шаҳар ва қишлоқ жойларида манфий натижага эга. 1997-йилда миграция қолдиғи шаҳарларда минус 2,0 минг, 1998 йилда эса 1,9 минг кишига тенг бўлган, қишлоқларда мазкур кўрсаткич 800-900 кишини (минус) ташкил қилади.

38-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, туғилиш коэффициенти сўнгги 10 йил мабойнида бироз кўтарилиш жараёнини намоён этмоқда.

38-жадвал

**Бухоро вилояти аҳолисининг табиий ва механик ҳаракати**  
(2013 й., промилледа)

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
<b>Шаҳарлар:</b>							
	Бухоро	16,8	4,8	12,0	1,7	9,5	-7,8
	Когон	17,6	5,5	12,1	7,4	6,8	0,6
<b>Туманлар:</b>							
1	Бухоро	19,9	3,9	16,0	6,9	1,4	5,5
2	Вобкент	21,3	4,3	17,0	3,1	3,6	-0,5
3	Жондор	23,5	4,0	19,5	0,8	1,9	-1,1
4	Когон	22,6	4,6	18,0	1,5	2,6	-1,1
5	Олот	22,0	4,7	17,3	3,7	2,3	1,4
6	Пешку	22,9	3,8	19,1	0,4	1,5	-1,1
7	Ромитан	22,2	4,1	18,1	1,8	2,9	-1,1
8	Шофиркон	20,5	4,4	16,1	4,2	4,6	-0,4
9	Қоракўл	20,7	4,4	16,3	0,7	2,3	-1,6
10	Қоровулбозор	18,6	3,0	15,6	24,5	13,5	11,0
11	Ғиждувон	22,8	4,8	18,0	3,5	5,5	-2,0
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>20,9</b>	<b>4,4</b>	<b>16,5</b>	<b>3,0</b>	<b>4,4</b>	<b>-1,4</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Масалан, агар вилоят бўйича 2000-йилда туғилиш 20,0 промилле бўлган бўлса, 2013-йилда бу кўрсаткич 1,3 промиллега ортган. Фақат 2008-2009-йилларда у 0,3 фоизга ошган. Табиий кўпайиш шунга мос равишда

ўзгарган. Бундай жараён шаҳар жойларда ҳам қайд этилади. Жумладан, Бухоро шаҳрида табиий кўпайиш 2008 йилда 9,5 промиллени ташкил қилган бўлса, 2013-йилда у 12,0 га баробар бўлган. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, аҳолиси бундай анъанавий, маҳаллий миллатлардан иборат бўлган Бухоро шаҳрида туғилиш унга тенгкур ва турдош марказларга караганда анча паст.

Ўлим кўрсаткичларида катта ҳудудий фарқлар йўқ; унинг энг баланд даражаси Когон шаҳрида, энг пастси эса Қоровулбозор туманига тегишли. Таҳлилларга кўра, Ўлимнинг бундай даражаси тасодифий бўлмасдан, у олдинги йилларда ҳам кузатилади.

Юқорида таъкидланганидек, ташки миграция, бошқа баъзи вилоятларда бўлгани каби, бу ерда ҳам салбий оқибага эга. Вилоят бўйича миграция қолдиғи 2008 йилда минус 3,3; 2009-йилда минус 2,7 промиллени (ёки 4,3 минг киши) ташкил қилган. 2009-йилда Қорақўл туманида ҳар минг кишидан 7-10 киши миграция ҳисобидан камайган, Олот ва Ғиждувон қишлоқ туманларида ҳам миграция натижалари бу ҳудудлар учун ижобий эмас. Айни вақтда, Қоровулбозор ва Бухоро туманларида у 2009-йилда ижобий натижа берган.

2013-йил натижалари эса қуйидагича: вилоят бўйича жами миграция сальдоси минус 1,4 промилле; бу борада энг катта кўрсаткичлар Бухоро шаҳар ва Ғиждувон туманида қайд этилган. Жондор, Когон ва Қорақўлда ҳам миграцион йўқотиш сезиларли даражада. Миграциянинг ижобий қолдиғи асосан Бухоро ва Қораулбозор туманида қайд этилган (38-жадвал). Умуман олганда, эса, ташки миграциянинг динамикаси ва кўлами, унинг натижаси иш ўринларининг мавжудлиги ва қисман аҳолининг миллий таркибига боғлиқ.

Демографик сифими бўйича Ғиждувон тумани олдинда (280 минг киши), бу ерда вилоят аҳолисининг деярли 16 фоизи истикомат қилади. Ғиждувон Самарқанд вилоятининг Ургут, Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз ва водийнинг кўпчилик туманлари қаторида демографик салоҳияти катта саналган ҳудудларга қиради. Вобкент ва Бухоро туманлари аҳолиси ҳам кўпроқ, Қоровулбозорда эса бор-йўғи 16,3 минг киши бор ва бу хусусда мазкур туман республикамизда фақат Томди туманидан олдинда туради.

Аҳоли вилоят ҳудудида ниҳоятда нотекис тақсимланган. Ўртача зичлик 1 кв<sup>2</sup> га 44 кишига тенг ҳолда, у Бухоро – Қорақўл воҳасида анча юқори даражага эга. Вилоятнинг чўл қисмида аҳоли зичлиги жуда паст. Қишлоқ туманлари доирасида ушбу кўрсаткич Қоровулбозорда 10 кишига ҳам етмайди, Вобкентда эса у 433 киши; фарқ 59 карра. Бундай геодемографик вазият фақат табиий шароити ноқулай, чўл ҳудудлари географияси учун хосдир.

Вилоятда яқин йилларгача 11 та шаҳар ва 2 та шаҳарча мавжуд бўлган.

2009-йилда “янги урбанистик тўлқин” туфайли бу ерда 60 та қишлоқлар шаҳарча мақомини олди, натижада, умумий урбанизация даражаси бир йилда 29,2 фоиздан 38,8 фоизга етди. Бироқ шунга қарамасдан, шаҳарликлар улуши вилоятда энг пастлардан бири бўлиб қолмоқда (пастдан Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидан олдинда туради).

33-иловада Бухоро вилоятининг янги шаҳарчалари – собиқ қишлоқлар, уларнинг ҳудудий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган. Уларга кўра янги агрошаҳарчаларнинг энг кўпи Қорақўл (12 та) ва Ғиждувон (10 та), яъни воҳаларда, суғорма дехқончилик ривожланган, аҳолиси зич ҳудудларда ташкил топган. Ромитан ва Пешкуда 3 тадан, Вобкентда эса 2 та шаҳарча шаклланган.

Бундай ўзгаришлар вилоят урбанистик таркибини янада майдалаштиради. Ҳозирги кунда минтақада 1 та йирик шаҳар – Бухоро бор, унинг аҳолиси 272 минг киши атрофида (бу борада Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Андижондан кейинги 5-ўринда). Вилоятнинг аҳоли сони бўйича иккинчи шаҳри, Бухоро агломерациясига кирувчи Когонда (Янги Бухорода) –59 минг, ҳақиқий “иккинчи” шаҳри Ғиждувонда 43 минг киши яшайди. Қолган шаҳар жойлар орасида фақат Қорақўлда 20 мингдан зиёд аҳоли бор, холос. Демак, 69 та шаҳар жойларнинг ҳар бирида аҳоли, бундан кам. Майда шаҳар ва шаҳарчаларнинг кўпчилиги, тарқоқлиги, “ресурс” марказларнинг мавжудлиги (Газли, Зафаробод) чўл ҳудуди шаҳарлар географияси учун типик воқелиқдир.

Чўл шароитида ҳудудий қарама - қаршилик, “контрастлик” яққол кўзга ташланади. Жумладан, вилоятнинг воҳа қисмида аҳоли ва аҳоли пунктлари зич Бухоро агломерацияси шаклланмоқда. Унинг таркибига Бухоро шаҳри ва унинг “йўлдошлари” Когон, Вобкент, Жондор, Коровулбозор, Галаосиё ва кўплаб шаҳарчалар киради.

Бухоро вилояти республикамызда “серкишлоқ” минтақалардан биридир. 2008 йилда 1519 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлган ва бу хусусда у фақат Самарқанд вилоятидан орқада турган, холос. Кўрилаётган йилда ўртача ҳар бир қишлоққа 730 кишидан тўғри келган, воҳоланки, бу кўрсаткич мамлакатимызда 1468 га тенг бўлган (Бухоро қишлоқлари республиканикига қараганда 2 марта майдароқ). Агар бу рақам Фарғона водийси вилоятларига солиштирилса, унинг кичиклиги янада яққол намоён бўлади.

2009-йилдан кейин ҳам вилоят қишлоқлар географиясидаги умумий хусусият ўзгармади: Бухорода бир қишлоқ аҳоли пунктига 724 киши, республикада 1327 киши тўғри келади. Бу эса қишлоқ жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирларни, воҳа ва водийларга нисбатан анча мушкуллаштирди. Ҳозирги вақтда вилоятнинг тахминан ҳар 6 тадан битта қишлоғида аҳоли сони 250 кишига ҳам етмайди. Гарчи уларда атиги 3,7 % қишлоқ аҳолиси яшаса-да, бу ҳолат қишлоқлар ижтимоий-иқтисодий

ривожланиши муаммоларини енгиллатмайди. 250-500 кишилик кишлоклар 460 та (31,3 %), аҳолиси – 17,8 %; 500-1000 кишига эга бўлган кишлоклар жами бундай тоифадаги манзилгоҳларнинг 1/3 қисмини ташкил қилган ҳолда, минтака кишлок аҳолисининг 35,6 фоизини ўзида мужассамлаштиради.

Шу билан бирга, 2000 кишидан зиёд, келажақда аҳоли сони бўйича шаҳарча мақомини олишга даъвогар кишлоклар бугунги кунда ҳам топилади (уларнинг сони 23 та). Бундай кишлок аҳоли пунктларига Олот туманининг Кўл Човдир, Хидрейли ва Буржок; Бухоро туманининг Сўлокиён; Ёғдудоннинг Бештува, Ростғўй, Чағдари, Тодарак, Намадгарон, Кулок; Қорақўлнинг Қизилрабат, Қандим, Осиё, Қароун; Пешкунинг Толисобун; Шофиркон туманининг Маҳаллаи Қози, Саврон ва Юксунларни киритиш мумкин. Бироқ, уларга шаҳарча мақомини беришдан олдин Президентимизнинг бу борадаги кўрсатмасига, яъни вазиятнинг пухта ва атрофлича ўрганилишига, мавжуд шаҳарсозлик қоида ва талабларининг тўлиқ риоя қилинишига эътибор бериш зарур бўлади.

Вилоят аҳолисининг миллий таркиби ҳам ҳар хил. Бу унинг тарихий-географик ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган. Минтақада ўзбеклар 91,3 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, бу ерда туркман, қозок ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Тожиклар (3,3 %) Бухоро ва бошқа баъзи шаҳарларда, қозоклар (1,1 %) асосан Ёғдудон туманининг чўл қисмида, туркманлар (0,6 %) Олот ва Қорақўл туманларида яшайдилар. Рус миллатининг улуши 1.01.2014-йилда 1,6 фоизга тенг бўлган.

2014-йил 1-январь ҳолатида Бухоро вилоятида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 1036 минг ёки жами аҳоли сонининг 60,3 фоизини ташкил қилган. Иқтисодий фаол аҳоли 895 минг, иқтисодиётда банд бўлганлар 818 минг кишига яқин. Жами банд бўлган меҳнат ресурсларининг 68,3 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳаларида хизмат қилишади. Жумладан, саноатда – 16,2%, кишлок ва ўрмон хўжалигида – 24,4%, транспорт ва алоқада – 4,1%, қурилишда – 12,2%, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминотида – 9,0%. Номоддий ишлаб чиқариш соҳалари орасида таълим, маданият, санъат, илм-фан соҳаларида умумий банд аҳолининг – 12,8%, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда – 7,2 %, уй хўжалиги ва аҳоли маиший хизмат кўрсатишининг номоддий қисмида 2,6 % ишчи ва хизматчилар банд.

**Хўжалиги, иқтисослашуви ва ҳудудий таркиби.** Бухоро вилояти иқтисодиёти аграр-индустриал йўналишга эга. Мустақиллик йилларида минтақа саноати, хусусан, ёқилғи, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш анча тез ривожланди, чунки қулай инвестиция муҳити яратилди. Ҳозирги кунда вилоят умумиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича республика ўрғача даражасидан юқорироқ поғонада туради.

2013-йил якунларига кўра, Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикасининг 5,8 фоиз ялпи ички маҳсулотини, 4,1 % саноат, 9,9 % қишлоқ хўжалик маҳсулотини таъминлайди. Унинг зиммасига мамлакатимизда амалга оширилаётган капитал қўйилмаларнинг 13,5 фоизи, қурилиш ишларининг 7,0 %, чакана савдо ҳажмининг 6,3 % ва пуллик хизматларнинг 5,5 фоизи тўғри келади. Вилоят сўнги йилларда республикамизга кириб келаётган хорижий инвестициянинг 35-40 фоизини ўзига жалб қилган.

Бу рақамларнинг оз ёки кўплигини вилоятнинг мамлакат аҳолисидаги улушига (5,8 %) қиёслаб, тегишли ҳулоса чиқариш мумкин<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан қараганда, Бухоро вилоятининг ҳозирги экспорт салоҳияти унча катта эмас – атиги 1,9 % (импортда 5,0 %). Бирок, инвестиция ҳажмининг сўнги йилларда кўпайиши, қурилиш ишларининг катта кўламда олиб борилиши, шубҳасиз, яқин келажакда ўз самарасини беради.

Минтақа иқтисодиётининг таркибига назар солсак, қуйидагиларни кўриш мумкин: саноат вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 18,0 фоизини, қурилиш –8,5 %, қишлоқ хўжалиги –29,6 %, транспорт ва алоқа –5,5 %, савдо ва умумий овқатланиш – 6,1 %, солиқлар 11,4 фоизини беради. Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик тадбиркорлик (бизнес) улуши 66,8 % бўлиб, бу рақам 2008 йилга қараганда 4,8 пунктга кўпдир. Унинг ярмидан зиёдрогини кичик корхона ва микрофирмалар таъминлайди. Кичик бизнес секторида жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 3/5 қисмидан кўпроғи фаолият кўрсатишади. Унинг хиссаси саноатда 25,3 %, қишлоқ хўжалигида 98,4 %, қурилишда 64,3 %, савдо ва пуллик хизматларда 42,3 ва 54,1 % дир. Демак, кичик тадбиркорлик кўпроқ агроиқтисодиёт ва хизматларда кенг ёйилган.

Кичик тадбиркорлик саноат бўйича, хусусан Вобкент ва Когон туманларида, қурилиш Қорақўлда яхши ривожланган. Масалан, Вобкент туманида мазкур сектор саноат маҳсулотининг қарийб 100 фоизини беради. Бу жиҳатдан, Шофиркон, Ромитан ҳамда Қоровулбозор туманлари анча орқада. Айни пайтда, Қорақўл туманидаги қурилиш ишларининг 100 фоизи кичик бизнес томонидан бажарилган.

Маълумки, барча ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, кенгайтирилган ишлаб чиқаришни амалга оширишда капитал қўйилмалар асос бўлиб хизмат қилади. Бу хусусда вилоят республикамизда олдинги ўринларга чиқиб олган. Ўсиш асосан чет эл инвестициялари ҳисобидан юзага келмоқда. Чунончи, 2009-йилда хорижий инвестициялар ҳажми жами инвестицияларда 78,1 фоизга етди; шу йилда Бухорога республикага кириб

<sup>1</sup> Такқослаш учун: 2000 йилда вилоят республика ялпи ҳудудий ва саноат маҳсулотининг 6,4 %, қишлоқ хўжалигининг 7,7 %, инвестиция ҳажмининг 4,1 %, чакана савдонинг 4,4 %, пуллик хизматларнинг 5,4 фоизини бажарган.

келган инвестицияларнинг 46,9 фоизи тўғри келган. Бу рақам, ўз навбатида, минтақанинг инвестицион фаоллигини кўрсатади.

Инвестициянинг кўпчилиги қисми бевосита ишлаб чиқаришга, энг аввало, ёқилги саноатига, жумладан, Қандим гуруҳи, Хаузак, Шоди нефть конларини ўзлаштиришга йўналтирилган. Шу мақсадда Россиянинг “Лукойл” нефть компаниясидан тўғридан-тўғри инвестиция киритилган. Шунингдек, инвестициялардан энгил саноат корхоналарини, Бухоро вилояти ҳудудидан ўтувчи Ўзбекистон – Хитой газ қувурини қуриш, геологик қидирув ишларини олиб бориш, қишлоқ хўжалик, сув қувурларини таъмирлаш ва янгиларини барпо қилишда ҳам фойдаланилмоқда.

**Саноати.** Мамлакатимиз нефть ва нефть-кимё саноатининг ривожланишида Бухоро (Қоровулбозор) нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини қуриш катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу замонавий корхона асосан Франция билан ҳамкорликда барпо этилди ва бунинг учун 500 млн. АҚШ долларига яқин маблағ сарфланди. Завод қўшни Қашқадарё нефть-газ конлари асосида ишламоқда. Яқин йилларда Қандим кони негизида 11 млрд. м<sup>3</sup> газни қайта ишловчи завод ҳам ишга тушади ва бунинг натижасида Бухорода нефть-газ энергия ишлаб чиқариш цикли янада мукамаллашади, вилоят ҳудудида ўсиш кутб ва марказлари шаклланади.

Вилоятда саноат корхоналари сони жами 10 мингдан зиёд, бироқ, уларнинг йириклари 25 та. Бухоро саноати, асосан, ёнилғи (бензин, керосин, дизель ёнилғиси), мебель, оҳак, гипс, гипскартон, пахта толаси, ип газлама ва бошқаларни ишлаб чиқаради. Бир йилда 80-90 минг т нефть ва газ конденсати, 2,6 млрд. м<sup>3</sup> табиий газ, 730 минг т бензин, 465 минг т атрофида дизель ёқилғиси, 160-165 минг т. мазут, 90 минг тоннадан зиёд керосин, 6-7 минг т суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, бир йилда ўртача 110-120 минг т пахта толаси, 200 т атрофида ипак толаси, 4,5-5,5 млн. кв. км гилам ва гилам маҳсулотлари, 20-25 минг т ўсимлик ёғи, 105 минг т ун, 45 минг т омихта ем ҳам олинади. Бу рақамлар ҳар йили, об-ҳаво шароити ва бошқа сабабларга кўра, ўзгариб туради.

Корхоналар миқёсида ёқилгини асосан Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ва қисман “Газлинефтваз қазиб чиқариш” ширкат корхонаси ишлаб чиқаради. “Трубодеталь”, Бухоро таъмирлаш заводи, “НЭМ” таъмир механика заводи, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш билан шуғулланади, энгил саноат соҳасида “Daewoo Tekstil Buhhara”, “Ўзкарпет”, “Қоракўлтекс” қўшма корхоналари мавжуд. Озиқ-овқат саноати корхоналари орасида энг каттаси – Когон ёғ-экстракция заводи. Шунингдек, Бухоро ёғ-экстракция заводи, “Вобкент ёғ”, “Шохруд”, “Евроснар” қўшма корхоналари ҳам етакчилик қилади. Айни вақтда, 2009-йилдан бошлаб собиқ Бухоро тўқимачилик комбинати (ўз пайтида у улкан

корхона ҳисобланган) кейинчалик “Бухоро-текс” номли корхона ўз фаолиятини тўхтатди.

Вилоятда юқоридагилардан ташқари “Халима бегим Омад”, “Сис Бухоро сайилга”, Олотда – “Мергантекс”, Когон, Ромитан ва Шофирконда тўқимачилик қўшма корхоналари, шунингдек, “Бухорогипс”, “Когонгипс” ҚК, Бухоро ва Ғиждувонда тери маҳсулотларини қайта ишловчи “Накшбандий” ОАЖлари бор<sup>1</sup>.

Ун ва ун маҳсулотларини Бухоро дон маҳсулотлари, Қорақўл ва Когон ун-дон комбинатлари беради. Қишлоқ туманлари марказларида пахта тозалаш заводлари жойлашган, уларнинг энг катталари Ғиждувон ва Вобкент шаҳарларида қурилган. Ароқ ва ароқ маҳсулотларини “Шохруд” корхонаси ишлаб чиқаради. Қурилиш материаллари корхонаси Когон, Бухоро ва Вобкентда, қорақўл териси заводлари Бухоро ва Ғиждувонда жойлашган. Шу билан бирга, Бухоро, Ғиждувон каби шаҳарларда маҳаллий саноат ва миллий хунармандчилик яхши ривожланган (зардўзлик, заргарлик, мисгарлик ва б.).

Умуман олганда, вилоят саноатининг тармоқлар таркибида ёкилги-энергетика саноати пешқадамлик қилади – 41,3%. Енгил саноатнинг улуши – 25,9 %, озиқ-овқат тармоғиники – 14,6 %. Қолган саноат тармоқларидан ун-ёрма, омихта ем (4,4 %), қурилиш материаллари саноати (6,7 %), машинасозлик ва метални қайта ишлаш (2,5 %) корхоналари ҳам фаолият кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий таркиби бир хил эмас; бу борада Бухоро ва Когон шаҳарларидан ташқари Қоровулбозор тумани кескин ажралиб туради. 2000 йил якунлари бўйича, Бухоро шаҳри вилоят саноат маҳсулотининг 34,8 фоизини, Қоровулбозор тумани – 34,5 ва Когон шаҳри 5,3 фоизини етиштириб берган. 2013-йилда биринчи ўринга Қоровулбозор чиқиб олган. У ҳозирда вилоят саноат маҳсулотининг 36,4 фоизини беради; Бухоро ҳиссасига – 14,5 %, Когон шаҳрига – 8,5 % (тумани билан биргаликда – 14,3 %), Ромитан туманига – 8,1 %, Ғиждувонга 5,5 % тўғри келади. Саноат салоҳияти паст туман Вобкент ҳисобланади (36-илова). Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳам тахминан шундай манзарани кўриш мумкин; бу борада Қоровулбозор кескин ажралиб турса, Вобкент, Шофиркон, Жондор туманлари анча орқада туради.

**Қишлоқ хўжалиги географияси.** Бухоро вилояти республикамизнинг муҳим қишлоқ хўжалиги районларидан биридир. Бу ерда, айниқса, пахта етиштириш, қорақўлчилик яхши ривожланган. Деҳқончилик жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 55,1 фоизини, фермер хўжаликлари эса ушбу маҳсулот ҳажмининг 28,9 фоизини таъминлайди (2013 й.).

<sup>1</sup> Вилоятда юқоридагилардан ташқари енгил саноатга тегишли Вобкент, Ғиждувон, Олот, Қорақўл тўқимачилик корхоналари, Шофиркон тикувчилик, Бухоро ва Ғиждувон пойабзал фабрикалари, Ғиждувон ва Шофиркон гилам тўқиш фабрикалари ҳам мавжуд.

# БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

**САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ  
ЯЛПИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ  
(2011 й.)**

1 мм устун баландлиги - 100 млрд. сўм  
 ■ саноат ■ қишлоқ хўжалиги



## ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ

Сугорма деҳқончилик зонаси

- Шаҳар атрофи хўжалиги: сабздовчилик, боғдорчилик, суг-гўшт чорвачилиги
- Пахтачилик, дончилик, илакчилик, боғдорчилик, асаларичилик, суг-гўшт чорвачилиги
- Чўла-ййлов зонаси
- Чўла-ййлов чорвачилиги (қорақўлчилик ва қўйчилик)

## КЕНГ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР

- ингичка тоғали пахтачилик
- боғлар
- сабзавот ва картошка
- маккажўхори
- ёнғоқзорлар
- ўрмонлар
- саксовул

## РАЙОНЛАР

- Қорақўл қўйларини урчиши тузчилик
- ларрандачилик
- асаларичилик
- илакчилик

## ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

Ялпи маҳсулот ҳажми буйича саноат пунктлари

- Жуда йирик
- Йирик
- Урта
- Майда

## Саноат тармоқлари

- Электрэнергетика
- Ёқилғи
- Қора металлургия
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Кимё ва нефт-кимё
- Қурилиш материаллари
- Ёнгил
- Озиқ-овқат
- Бошқа тармоқлар

## УНДИРУВЧИ САНОАТ

- ▲ Нефт
- ▲ Нефт ва табиий газ
- ▲ Табиий газ
- ▲ Графит
- ▲ Гипс
- ▲ Оқактош
- ▲ Минерал ранглар
- ▲ Минерал сув булоқлари
- ▲ Конларнинг номлари

Газли

- Электр узаткич линиялари
- Газ қуурлари
- Нефт қуурлари



Вилоятнинг чўллик хусусияти бу ерда “фойдали ер” коэффициентининг пастлигига сабаб бўлган. Масалан, жами 4197,3 минг гектар ердан 2807,4 минг гектари ёки 66,9 фоизи кишлок хўжалигида фойдаланиладиган ерларга тўғри келади. Уларнинг катта қисми эса экстенсив чорвачиликка хизмат килувчи пичанзор ва яйловлардан иборат. Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар улуши Пешку, Вобкент, Ромитан, Ғиждувон ва Қорақўл каби туманларда анча юқори.

Интенсив кишлок хўжалиги, хусусан деҳқончиликни ривожлантиришда сугориладиган ерларнинг ахамияти катта. Бундай ерлар вилоятда 227 минг га ёки жами кишлок хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 8,1 фоизини ташкил килади. Кўриниб турибдики, бу рақам ниҳоятда паст бўлиб, юқорида қайд этилган Бухоро вилоятининг энг муҳим чўллик хусусиятини исботлаб беради.

Сугориладиган ерлар воҳаларда, яъни Бухоро – Қорақўл воҳасида жойлашган. Бинобарин, уларнинг ҳиссаси Вобкент, Когон, Бухоро туманларида каттароқ. Энг кам сугорилладиган ерлар туманларнинг кишлок хўжалигида фойдаланиладиган ерларига нисбатан ҳисоблаганда Пешку, Жондор, Ғиждувон, Қорақўл ва бошқа чўл туманларида қайд этилади.


Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг атиги 7,1 фоизига экин экилади. Айни вақтда, бу кўрсаткич Когон, Вобкент туманларида 64-74 фоизга етади. Пешкуда эса у бор-йўғи – 2,0 %, Қорақўлда – 4,8 %, Ғиждувонда–5,3 % ва ҳ.к. Чўлда, албатта, яйлов ва пичанзорлар кўп бўлади. Шу боис, уларнинг ҳиссаси 91,9 фоизга баробардир. Айниқса, бу кўрсаткич Пешку туманида юқори - 97,8 %, Вобкент ва Когонда эса у анча паст (34-илова).

2000-йилда вилоятнинг жами экин майдони 240 минг га атрофида бўлган. Унинг 81 минг гектарига ғалла, 120 минг га пахта, 16 минг га ем-хашак, 7 минг гектарига сабзавот экилган. Бир йилда ўртача 330-350 минг т ғалла, 350-400 минг т пахта, 150 минг тонна турли хил сабзавотлар олинган; ҳосилдорлик ғалла етиштиришда 40,3 ц, пахтада 27,3 ц/га ни ташкил қилган. Шунингдек, бир йилда 180-190 минг дона қорақўл териси, 2200 тонна пилла тайёрланган. 2013-йилда эса вазият қуйидагича бўлган: жами экин майдонлари 241 минг га, унинг 200 минг гектари фермер хўжаликларига берилган. Донли экинлар (асосан бугдой) майдони 93 минг га, ялпи ҳосил 628 минг тонна, ҳосилдорлик 60,4 ц/га. Шундан бугдой – 554 минг т, ҳосилдорлик – 60,5 ц/га. Пахта майдони 110 минг га, ялпи ҳосил 350 минг тонна атрофида, ҳосилдорлик 31,5 ц/га тенг бўлган. Демак, кўриниб турибдики, сўнгги йилларда жами экин майдонлари кам ўзгарган, ғаллага кўпроқ ер ажратилган, пахта майдони эса бироз қисқарган; ҳосилдорлик ғалла ва пахта етиштиришда ошган (10-расм).

Вилоятда картошка етиштириш унча ривожланмаган. Бу экинга 4,2 минг га ер ажратилиб, ундан 142 минг тоннадан кўпроқ ҳосил олинади.

Сабзавот майдони эса 7,8 минг га, ялпи ҳосил – 438 минг тонна. Уларнинг асосий қисми деҳқон хўжаликларида етиштирилади. Ем-ҳашак экинларининг умумий майдони жами экин майдонларининг 9,8 фоизини ташкил қилади, мевазорлар 11,7 минг га, узум - 9,7 минг гектарда етиштирилади.

10-расм. Бухоро вилояти экин майдони



2013-йил 01.01. ҳолатига йирик шохли қорамоллар сони 992 минг бош, қўй ва эчкилар 1703 минг бош бўлган. 2000-йилда чорва молларининг сони анча кўпайган. Масалан, ўша йилда йирик шохли қорамоллар 430 минг, қўй ва эчкилар 840 минг бош бўлган (бу борада Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари билан бирга республикаимизда ажралиб туради).

2012-йилда гўшт (тирик вазнда) 162 минг тонна, сут 625 минг т, тухум 217,5 млн. дона, жун 3120 т, қорақўл териси 384 минг дона, пилла 3100 т ҳажмида олинган. Бу рақамлар 2000 йил кўрсаткичлари билан солиштирилса, чорвачилик соҳасининг ҳам сўнгги йилларда анча ривожланганлигини кўриш мумкин. Бевосита агроиқтисодиётга келсак, бунда Бухоро, Ғиждувон, Қорақўл ва Жондор туманларининг вилоят кишлоқ хўжалигида юқори ўринларни эгаллаши кузатилади. Уларнинг ҳар бирининг улуши 10 - 11 фоизга тенг, энг кам кўрсаткич Қоровулбозор туманига тегишли (36-илова). Жон бошига ҳисоблаганда эса бироз ўзгача ҳолатлар кўзга ташланади: бу кўрсаткичлар Когон, Пешку, Олот ва Қоровулбозор туманларида юқори, Шофиркон, Ғиждувонда пастроқ даражада.

35-иловада кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудий таркиби келтирилган. Унинг таҳлилига кўра, бошоқли дон етиштиришда Ғиждувон, Вобкент ва Қорақўл; боғдорчиликда – Вобкент, Жондор, Пешку ва Ғиждувон; узумчиликда – Бухоро ва Шофиркон; йирик шохли қорамоллар сони бўйича Қорақўл ва Жондор; қўй ва эчкилар сонидан ҳам шу туманлар етакчилик қилади. Паррандачилик, асосан, Когон туманида, шаҳар атрофи кишлоқ хўжалиги Бухоро ва Вобкент туманларида ривожланган.

Бошка вилоятларда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам фермер хўжаликларига катта эътибор қаратилади. 2014-йил бошида уларнинг умумий сони 4006 та бўлган ва уларга жами 792 минг ер ажратилган; ишчи- ходимларининг сони – 71 минг киши. Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 197,7 га ер ва 18 нафардан ишчи тўғри келади<sup>1</sup>. Бу катта рақамлар минтақалар миқёсида таққослаганда кўпроқ кўшни Навоий вилоятига яқин туради. Фермер хўжаликлари вилоят кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 28,9 фоизини таъминлайди. Бу борада айниқса Қоровулбозор тумани олдинда – 59,7 %. Шунингдек, Ромитан туманида ҳам уларнинг улуши каттароқ, Қоракўл ва Когон туманларида эса бундай хўжаликлар нисбатан суст ривожланган.

**Ижтимоий соҳалар.** Ҳар қандай ҳудуднинг тўлиқ, атрофлича (комплекс) ривожланиши ижтимоий соҳаларга ҳам боғлиқ, чунки бу соҳалар кишиларнинг ҳаёт кечириши, таълими, соғлиғини яхшилаш, дам олиши ва бўш вақтидан самарали фойдаланишга қаратилган. Бухоро вилоятида номоддий ишлаб чиқаришда жами банд аҳолининг 31,7 фоизи хизмат қилади.

Аҳоли, меҳнат ресурслари, улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, турли хил хизматларни амалга ошириш қабилар ижтимоий ривожланиш доирасига киради. Масалан, 2009-йилда вилоятда 72,9 минг, 2010-йилда 73,2 минг, 2013-йилда 74,3 минг янги иш ўринлари яратилган, унинг ярмига яқини КБ ва ХТ-га тўғри келади. Бу эса ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, “Кишлоқ” Давлат дастурини амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Киши жон бошига ҳисобланганда, чакана савдо айланмаси Қоровулбозорда энг юқори. Худудий таркибда эса, Бухоро шаҳрини ҳисобга олмаганда (чунки, у айни вақтда муҳим савдо маркази бўлганлиги сабабли, бу кўрсаткич юқори бўлиши мумкин), Ёғдудовон тумани олдинда – 18,0 %. Пуллик хизматлар ҳам асосан вилоят марказида юқори, кишлоқ туманларида эса ўртача даражадан паст. Бухоро шаҳрига жами пуллик хизматлар ҳажмининг 36,4 %, Ёғдудовон туманига унинг 12,1 фоизи тўғри келади. Қоровулбозор, Когон, Олот туманларида эса бу соҳа камроқ ривожланган (36-илова).

Аҳолининг саломатлиги, уй-жой шароити кўп жиҳатдан табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминланганлигига боғлиқ. Айниқса, чўл шароитида сув масаласи ниҳоятда муҳимдир. Вилоятда марказлашган сув тармоғи билан 85,0 % аҳоли таъминланган. Бу кўрсаткич Қоровулбозор туманида 100 фоиз бўлгани ҳолда, у Қоракўл, Жондор, Олот, Ёғдудовон туманларида анча паст. Мазкур ҳолат, хусусан, ушбу туманларнинг чўл

<sup>1</sup> Бухоро вилоятида ҳам фермер хўжалиklarини оптималлаштириш натижасида уларнинг сони 2009 йилга қараганда кескин кискарган.

худудларида ночоррок. Бу, ўз навбатида, носоғлом нозогеографик вазиятни ҳам келтириб чиқаради. Маълумки, қадимдан Бухорога хос эндемик касалликлар айни сув муаммоси орқали келиб чиққан (безгак, тери касалликлари ва б.). Шунинг учун ҳам, вилоятда ҳовуз маданияти, сардобаларни қуриш азалдан ривожланган бўлган<sup>1</sup>.

Табийий газ билан таъминланиш вилоятда ўртача 98,8 % ва бу кўрсаткич Бухоро шаҳри ва тумани, Қоровулбозор ва Ғиждувонда – 100%дир. Аммо, Олот ва қисман Шофиркон туманларида барча хонадонлар ҳам бундай имкониятларга эга эмас. Вилоятда уй-жой ҳар бир кишига 14,5 кв. метрдан тўғри келса, Қоровулбозор, Қорақўл ва Ромитан туманларида бу кўрсаткич юқорирак.

Аҳолига жами 77 та тиббиёт муассасалари хизмат кўрсатади, бемор ўринлари ҳар 10 минг кишига 43 та, шу жумладан, Вобкентда у 73, Қоровулбозор туманида 56 тани ташкил қилади. Қолган худудларда касалхона ўринлари билан таъминланиш даражаси бироз паст. Албатта, дунёга тиббиёт илмининг машҳур намоёндаси – Абу Али ибн Синони берган (Авицена) бу худуд учун бундай вазиятни ижобий баҳолаб бўлмайди<sup>2</sup>. Вилоятда ҳар 10 минг кишига 29,4 та врач, 121,1 нафар ўрта медицина ходимлари хизмат кўрсатишади. Ҳар 100 минг кишига тўғри келадиган касалланиш (яъни поликлиникага мурожаат қилганлар) 43071 кишига тенг. Олот, Қорақўл, Бухоро туманларида бу кўрсаткич пастроқ, Пешкуда энг юқори. Қоровулбозор тумани республикамизда сил касаллигининг нозогеографик ўчоғларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ врачлик пунктлари ҳаммаси бўлиб 342 та ёки ҳар бир туманга 31,2 тадан. Агар вилоятда жами 1471 та қишлоқ аҳоли пункти мавжудлиги эътиборга олинса, вазият ўз-ўзидан маълум бўлади. Шу нуқтаи назардан, таълим географияси, халқ таълими муассасаларининг худудий ташкил этилишида ҳам айрим муаммолар мавжуд. Бухоро вилоятида 2013-йилда жами 345 та доимий мактабгача тарбия муассасалари қайд этилган. Умумтаълим мактаблари 534 та, уларнинг ҳар бирида ўртача 470 нафардан ўқувчи бор. Бу рақам, хусусан, чўл худудларда жойлашган мактабларда жуда кичик.

Меҳнат ресурсларидаги фойдаланиш, малакали ишчи кадрларни тайёрлашда касб-хунар коллежларининг ўрни катта. Бухоро вилоятида уларнинг сони 80 та, талабалар – 83,8 минг киши. Академик лицейлар 8 та, талабалар сони 5793 киши (2012/2013 ўқув йили). Юқори малакали кадрлар вилоятдаги мавжуд 3 та, жумладан, Бухоро Давлат университетиди тайёрлади.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг аҳамияти

<sup>1</sup> Самарканд, энг аввало, унинг Регистони билан тасаввур қилинса. Бухорои Шариф эса кўпроқ ўзининг Баҳоуддин Нақшбандий зибратгоҳи, Миноран калон, Лаби ҳовузи билан машҳурдир.

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино 980 йилда ҳозирги Пешку туманида таваллуд тогган.

катта. Бухоро шаҳридаги Арк, Лаби Ҳовуз, Минораи Калон, Сомонийлар мақбараси, вилоят маркази яқинида жойлашган Баҳовуддин Накшбанд, Ситораи-Моҳи Хосса, Чор Бакр ансамбллари Ғиждувон шаҳридаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбараси, шунингдек, Вобкент, Ромитан ва бошқа туманлардаги қадамжо ва зиёратгоҳлар минг-минглаб сайёҳларни ўзига жалб этади. Қолаверса, чўл ландшафти ҳам ўзига хос туристик аҳамиятга эга.

Кенгроқ географик нуқтаи назардан қаралганда, умуман, Зарафшон водийси ўзининг тарихи, шаҳар ва бошқа қадамжолари билан ягона халқаро туристик районни ҳосил қилади. Бу районнинг икки асосий маркази Бухоро ва Самарқандни республикамиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан қайта тикланган Имом Бухорий мажмуаси боғлаб туради<sup>1</sup>.

Вилоятда 65 та туристларни жойлаштирувчи тармоқлар, шу жумладан, 50 дан зиёд меҳмонхоналар мавжуд, уларда ўринлар сони 2200 тадан кўпроқ. Бу соҳада хусусий сектор ҳам шаклланиб бормоқда. Бир йилда жами 130-150 минг сайёҳларга хизмат кўрсатилади, уларнинг деярли аксарияти хорижий туристлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоятнинг туристик имкониятларидан ҳозирча тўлиқ фойдаланилмапти. Бунинг учун бу ерда замонавий туристик индустрия ва инфратузилмани ривожлантириш, кишлоқ жойлар туризм имкониятларини ҳам ишга солиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш керак. Бухоро қадимдан ўзининг миллий таомлари, парварда ва бошқа ширинликлари, спорт турлари, санъаткор ва ҳазилчилари билан машҳур бўлиб келган. Бу эса, туризмни ривожлантиришга ёрдам берувчи муҳим омилдир.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари.** Одатда, катта ҳудудларга эга бўлган минтақаларда, хусусан, уларнинг ички қисмларида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари долзарб бўлади. Бухоро вилояти ҳам бундан мустасно эмас.

Вилоятнинг асосий транспорт йўллари унинг воҳа қисмидан ўтган. Бу ерда Бухоро–Туркманобод (аввалги Чоржўй), Бухоро–Қарши темир йўллари ўтган, Бухоро шаҳри ва Тошкент ўртасида тезюрар электропоезд қатнови йўлга қўйилган. Вилоятда қатор темир йўл бекатлари мавжуд, уларнинг энг каттаси ва қадимийси “поезд гудоғи билан туғилган” Когон ҳисобланади. Ҳозирги кунда у муҳим транспорт тугуни вазифасини ўтайди. Шунингдек, Қорақўл, Олот бекатлари ҳам мавжуд, бироқ, Навоий–Учқудуқ–Нукус темир йўлининг ишга туширилиши муносабати билан бу бекатларнинг аҳамияти бироз пасайди.

Бухоро (Когон)–Самарқанд–Қарши “учбурчагида” Бухоро шаҳри ҳам

<sup>1</sup> Имом Бухорий ҳозирги Самарқанд вилоятининг Пойарик туманида таваллуд топиб, Бухорода ўқиган, Ғиждувонлик Садриддин Айни эса уз мсхнат фасолягини, ижодини Самарқандда бошлаган ва Тожикистонда давом эттирган.

Ўзига хос мавкега эга. Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон йўлининг ишга туширилиши Бухоро–Қарши–Гермиз йўлагининг шаклланиши ва ривожланишига имкон берди. Айни вақтда, Бухоро–Газли–Нукус автомобиль йўли–Катта Ўзбек йўлининг ҳам аҳамияти ортиб бормоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Ўзбекистон Миллий автомагистралы” Давлат дастури доирасида бу трактда таъмирлаш ва кенгайтириш, йўл бўйи инфратузилма, сервис соҳасини ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. 2012-йилда вилоятда жами 56,3 млн тонна юк ва 299,3 минг йўловчи ташилган. Ички микёсда уларнинг барчасини автомобиль транспорти амалга оширган. 2013-йилда ташқи савдо айланмаси 863 млн. АҚШ доллари атрофида, шу жумладан, экспорт 337 ва импорт 626 минг долларга тенг бўлган<sup>2</sup>. Экспорт таркибида пахта толаси 58,7 фоизни ташкил қилади. Сўнгги йилларда хизматлар, энергия ресурслари, қурилиш материалларининг ҳиссаси ҳам ошиб бормоқда. Импортда асосий ўринларни энергия ресурслари (84,7 %) ҳамда машина ва ускуналар етакчилик қилади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий қисми, яъни экспортнинг 77,2 % ва импортнинг эса 68 фоизи “Узоқ хориж” мамлакатлари билан олиб борилади. Бу борада сўнгги йилларда Эрон, Хитой ва Афғонистон, МДХ мамлакатларидан Россия устуворлик қилади. Ички ҳудудий таркибда Бухоро шаҳри ва Қоровулбозор вилоят ташқи савдосида етакчи. Улар вилоят жами ташқи савдо айланмасининг деярли ярмини таъминлайди. Шунингдек, Ғиждувон ҳамда Бухоро туманларининг ҳам ҳиссаси катта. Экспортда биринчи ўринда Қоровулбозор, иккинчида Бухоро шаҳри, учинчида Ғиждувон, тўртинчида Бухоро ва бешинчи ўринда Ромитан тумани туради (36-илова). Аммо Вобкент туманининг экспорт салоҳияти анча паст. Инвестиция муҳити ҳам Бухоро шаҳри ва Қоровулбозорда нисбатан яхшироқ. Келажакда вилоятнинг барча кишлоқ туманларида инвестиция муҳитини янада яхшилаш, инвестициялардан самарали фойдаланиш, қўшма корхоналар сони ва географиясини кенгайтириш зарур.

**Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг ҳудудий тафовутлари.** Чўл шароитида ички иқтисодий районлаштириш жуда кийин илмий масала ҳисобланади. Сабаби, иқтисодий салоҳият маъмурий бўлинишга бўйсунмаган ҳолда асосан вилоятнинг воҳа қисмида, яъни Бухоро – Қорақўл воҳасида жойлашган. Бунда Бухоро, Когон, Ғиждувон, Қорақўл каби шаҳарларнинг аҳамияти катта, “ресурс” шаҳарлар – Газли ва Зафаробод тор ихтисослашув хусусиятига эга. Бинобарин, чўл ландшафти

<sup>1</sup> Келажакда Бухоро–Қорақалпоғистон йўналишида ҳам темир йўл қурилиши мумкин.

<sup>2</sup> 2009 йилда вилоятда катта ҳажмда инвестиция, шу жумладан хорижий инвестиция қиритилганлиги натижасида экспорт-импорт ҳажми олдинги йилга нисбатан тахминан 2 мартага ортган.

**Бухоро вилояти қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш индикаторлари**  
(2013 й.)

т/р	Шахар ва туманлар номи	Саноат маҳсулот	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	Х И М	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо айланмаси	Пуллик хизматлар
	Вилоят:	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
1	Бухоро ш	1,010	0,174	1,127	0,409	1,303	2,551	2,781
2	Қогон ш	2,275	0,286	2,548	0,918	3,070	1,179	1,051
	<i>Туманлар:</i>							
1	Бухоро	0,417	1,375	0,254	0,162	0,945	0,624	0,694
2	Вобкент	0,160	1,259	0,377	0,129	0,513	0,871	0,610
3	Жондор	0,427	1,256	0,461	0,121	0,462	0,437	0,557
4	Қогон	0,327	1,821	0,434	1,270	3,831	0,358	0,788
5	Олоғ	0,441	1,517	0,203	1,427	0,574	0,517	0,547
6	Пешку	0,392	1,522	0,106	0,149	0,475	0,404	0,534
7	Ромитан	1,026	1,171	0,285	1,014	0,744	0,755	0,581
8	Шофиркон	0,267	0,969	0,133	1,101	0,588	0,448	0,492
9	Қорақўл	0,436	1,279	0,516	0,114	0,474	0,633	0,549
10	Қоровулбозор	48,463	2,990	55,905	4,720	11,904	1,403	1,389
11	Ғиждувон	0,382	0,699	0,295	0,176	0,461	1,020	0,757

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

иктисодий ландшафт бир-бирига унча мос тушмайди. Вилюятнинг “ўсиш кутби” сифатида Қоровулбозор, Когон шаҳарларини белгилаш мумкин. Умуман олганда эса, кишлоқ туманларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши бир-биридан катта фарқ қилади (39-жадвал). Саноат ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича Қоровулбозор ва Ромитан туманлари етакчи ўринларда турса, баъзи кишлоқ туманларининг (Вобкент, Шофиркон ва б.) бу борадаги улушлари жуда паст. Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича деярли барча туманлар (Шофиркон, Ёиждувондан ташқари) юқори кўрсаткичларга эга. Вилюятга киритилаётган инвестициянинг асосий қисми Қоровулбозор ва Олот туманларига йўналтирилган. Ижтимоий соҳалар бўйича эса, Бухоро ва Когон шаҳарларидан ташқари, фақат Қоровулбозор туманининг улуши юқорилик.

Истикболда вилюятда энгил ва озик-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноати устувор аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга, олиб борилаётган геологик-қидирув ишлари натижасида янги конларнинг очилиши нефть-газ саноатининг янада ривожланишига замин яратади. Бунга мавжуд юксак инвестицион салоҳият ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни худудий ташкил этишда, хусусан, чўл худудларга катта аҳамият қаратилади. Бу борада таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, нозогеографик вазиятни яхшилаш масалалари, айниқса, муҳим ҳисобланади.

### **2.5.2. Навоий вилюяти**

Вилюят дастлаб 1982-йил 20.04. да ташкил топиб, 1988-йилгача шу мақомда мавжуд бўлган. Сўнги марта эса, у 1992-йил 27-январда қайта тикланган. Майдони 111,0 минг кв. км ёки республика худудининг қарийб 1/4 қисмига тенг. Аҳоли сони эса 900,7 минг киши (мамлакат аҳолисининг 3,0 фоизи) дир. Қизиғи шундаки, бу географик кўрсаткичлар Ўзбекистон миқёсида катта кутбийлик характериға эға: майдони бўйича ҳам, демографик салоҳияти бўйича ҳам у иккинчи, бироқ худудига кўра вилюят Қорақолпоғистон Республикасидан кейинги иккинчи, аҳоли сони жиҳатидан эса фақат Сирдарё вилюятидан олдинда, яъни охиридан иккинчи. Ушбу таққослама кўрсаткичлар Навоий вилюятида аҳоли сони зичлигининг ниҳоятда пастлигидан гувоҳлик беради.

Навоий вилюятининг ички маъмурий тузилиши ҳам унча мураккаб эмас; бу ерда атиги 8 та қишлоқ туманлари мавжуд, холос. Таъкидлаш жоизки, Сирдарё вилюятида ҳам бундай маъмурий бирликлар сони 8 та, лекин унинг майдони Навоий вилюятиға қараганда 23,2 марта кичик. Демак, Навоийда қишлоқ туманлари жуда катта майдонларни эғаллайди ва унинг худуди яхши ўзлаштирилмаган ёки катта иктисодий сизимға эға



эмас. Дархақиқат, Учкудук туманида бу кўрсаткич 46,6, Томдида 42,5 минг км<sup>2</sup> га тенг. Бу борада ушбу туманлар Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманидан сўнг (76,0 минг км<sup>2</sup>) иккинчи ва учинчи ўринларда туради. Шу жойда таъкидлаш кифояки, Учкудук ва Томди туманлари Навоий вилоятининг 80,3 фоизини, республика умумий майдонининг 1/5 яқин қисмини эгаллайди.

Энг кичик туман – Кармана ва энг катта туман – Учкудук ўртасидаги тафовут 49,1 мартага баробар. Конимех туманининг жойланиши ҳам ўзгача: туман маркази асосий худуддан ажралган ҳолда ўрнашган, туманнинг қолган қисмини, қайси бир маънода, эксклав ҳисоблаш мумкин. Қишлоқ туманлари орасида Кармана ва Нурота республикамызда биринчилар қаторида ташкил этилган ушбу тоифадаги маъмурий бирликларга киради. Навоий вилояти ташкил этилгунга қадар жанубий худудлар – Қизилтепа, Кармана, Навбахор туманлари Бухоро вилояти, Хатирчи ва Нурота Самарқанд вилояти таркибида бўлган. Бир вақтлар Учкудук ва Томди туманлари Қорақалпоғистон Республикасига қарашли бўлганлар.

Навоий вилояти республикамыз худудий меҳнат тақсимотида, асосан, тоғ-кон, хусусан, рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари саноати ҳамда гўшт-жун чорвачилигига ихтисослашган. Унинг ҳиссасига республика ялпи ички маҳсулотининг 5,4%, саноат ишлаб чиқаришининг – 10,6<sup>1</sup>, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг – 4,7, чакана савдо айланмасининг – 4,0, пуллик хизматларнинг – 3,0 фоизи тўғри келади. Экспорт ва импортда вилоят улуши 2,9 ва 4,5 % (2013 й.). Саноат маҳсулотининг қиймати бўйича Навоий вилояти республикамызда олдинги ўринларда туради (бу ерда катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Навоий тоғ-металлургия комбинати маҳсулотлари кирмаган бўлиши мумкин).

**Географик ўрни ва ресурс салоҳияти.** Вилоят мамлакатимизнинг марказий ва шимолий қисмида жойлашган. У катта масофада Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Шунингдек, вилоят худуди ғарбда Бухоро, жануб ва жануби-шарқда Самарқанд ва қисман Жиззах вилоятлари билан, шимолда ва шимоли-ғарбда Қорақалпоғистон Республикаси билан, жанубда, жуда қисқа масофада, Қашқадарё вилоятига туташ<sup>2</sup>.

Вилоят географик ҳаритада ўзига хос ташки худудий қиёфага эга: унинг асосий юки, қайта ишлаш саноати, демографик ва иқтисодий салоҳияти нисбатан кичик майдонни эгаллаган чекка жанубда, катта марказий ва шимолий худудлари эса экстенсив, ҳақиқий чўл худудларига хос яйлов чорвачилиги ва тоғ-кон саноатига эга. Чегара чизиклари кўпгина

<sup>1</sup> Навоий тоғ-металлургия комбинати кўрсаткичлари киритилмаган.

<sup>2</sup> Навоий вилоятининг иқтисодий-ижтимоий қаргаси ҳам Бухоро вилояти ёки бошқа чуллик минтақа – Қорақалпоғистон Республикасига ўхшаш унча кўримли (“картабон”) эмас.

жойларда деярли тўғри чизик шаклида ўтказилган. Иктисодий ва ижтимоий географияда бундай географик вазият, одатда, яхши ўзлаштирилмаган, табиий шароти асосан чўллардан иборат мамлакат ёки минтакаларда учрайди ва унга қараб ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг худудий ташкил этиш хусусиятларини дарҳол англаш ёки пайқаш мумкин (республикамизда шунга ўхшаш географик ҳолат ёки қиёфа Қарақалпоғистон Республикасида, хорижий мамлакатлар даражасида Чад, Судан, Канада каби давлатларда учрайди).

Навоий вилояти ўзининг орографик хусусиятлари бўйича республиканинг бошқа минтақаларидан кескин фарқ қилади. Унинг худудида кичик-кичик қолдик тоғлиқлар мавжуд. Пасттексисликлар чекка шимол ва шимоли-ғарбда (Қизилкум чўллари), ботиклар – Мингбулоқ, Молали, Қоратов – вилоятнинг ички қисмида жойлашган. Баландликлар денгиз сатҳидан 250-300 м юқорида, тоғлиқларнинг энг тепа нуқталари эса 1800 метрга яқин (Оқтов тизмасида).

40-жадвал

**Навоий вилояти қишлоқ туманлари ҳақида айрим маълумотлар (01.01.2014 й.)**

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Туманлар майдони, минг кв км	Аҳолиси	
					минг киши	1 кв.км/киши
1	Кармана	09.09.1926	Кармана ш-часи	0,95	109,9	115,7
2	Конимех	29.12.1965	Конимех ш-часи	9,14	29,4	3,2
3	Навбахор	12.03.1980	Бешрабoғ ш-часи	1,57	101,3	64,5
4	Нурота	29.09.1926	Нурота ш.	6,53	84,3	12,9
5	Томди	03.07.1927	Томдибулоқ ш-часи	42,49	15,0	0,3
6	Учкудук	25.03.1982	Учкудук ш.	46,63	34,9	0,7
7	Хатирчи	03.12.1964	Янгирабoғ ш.	1,42	179,9	126,7
8	Қизилтепа	07.12.1970	Қизилтепа ш.	2,19	137,6	62,8
	<b>Навоий вилояти</b>	<b>27.01.1992</b>	<b>Навоий ш.</b>	<b>110,99</b>	<b>900,7</b>	<b>8,1</b>

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Нурота, Оқтов, Қоратов тизмалари жануб ва жануби-шарқда Туркистон ва Зарафшон тизмаларига қўшилиб кетади. Мазкур тоғлар турли қазилма захираларга бой. Бу жиҳатдан, айниқса, кичик қолдик тоғларнинг аҳамияти катта (Бўкантов, Етимтоғ, Томдитов, Айтимтов, Кўкпатав, Қозоқтов, Қулжуктов, Белтов, Овминзатов). Бўкантовнинг энг баланд нуқтаси – Ирмир тоғи денгиз сатҳидан 764 метр баландликда, Етимтоғники - 565 м., Томдитовда - 974 м., Қоратовда 1100 м, Қозоқтовда - 612 м.да жойлашган. Нурота тоғидаги Авга (1701 м) чўққиси вилоятнинг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Кўриниб турибдики, бу тоғлар унча баланд эмас ва уларнинг умумий ландшафт тузилиши кўшни Қозоғистон худудини, айниқса паст ясси тоғларини эслатади. Шундай қилиб, унча

баланд бўлмаган тоғлар ёки тепаликлар Навоий вилоятида аён-аёнда учраб туради, колган катта майдонларни эса чўкмалар (Қоракота, Мулоли, Мингбулок) ва қумликлар (Пикатурма, Ёмонқум ва б.) эгаллайди<sup>1</sup>. Баҳор ойларида бу жойлар ям-яшил ўт ва лолақизғалдоқлар билан қопланади ва ажойиб манзарага эга бўлади.

Эътироф этиш жоизки, худди шундай ер устининг тузилиши унинг қазилма ресурсларга бойлигини ҳам кўрсатади. Вилоят худуди, энг аввало, ўзининг олтин захиралари билан ажралиб туради. Бу ерда уран, фосфорит, асбест, дала шпати, мрамар, қурилиш материаллари ҳам ашёси ва бошқа конлар ҳам мавжуд. Айни ана шу минерал ҳам ашё ресурслари вилоят иқтисодиётини шакллантириш, унинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, олтин Олтинтов, Кўкпатас, Желтой, Томдibuлок, Белпонтон, Мурунгов, Амантойтов, Аджибугур, Аристонтоғ ва бошқа жойларда, фосфорит – Жерой-Сардоба конида, мрамар – Ғозғон, Оқтов, Кўкпатасда, оҳақтош – Томдibuлокда, полиметал рудалар – Оқетпес, Кўкманачи, Высоковольное, Қорабугутда, мис – Қорамурунда, турли хил қурилиш материаллари ҳам ашёси Ойтим, Бепасан, Азкамар, Жерой каби конларда бор.

Иқлими – ниҳоятда қуруқ ва континентал, ёғин-сочин миқдори жуда оз (ўртача 100-200 мм). Бу эса вилоятда қишлоқ хўжалигини, хусусан, унинг деҳқончилик тармоғини ривожлантириш учун қулай эмас. Шу боис, Навоий вилояти, асосан, яйлов чорвачилиги, қорақўлчиликка ихтисослашган. Вилоятда гидрографик шаҳобчалар ривожланмаган: Навоий шаҳри яқинида Зарафшон дарёсининг суви жуда озайиб қолади. Жанубий районларда суғорма деҳқончилиқни юритиш мақсадида Қуйимозор, Шўркўл, Тўдақўл сув омборлари қурилган. Шунингдек, бу ерда Аму - Бухоро, Ўртақўл, Конимех каналлари ҳам бор. Нисбатан катта майдонни эгаллаган Ҳайдарқўлнинг эса (унинг бошланиш қисми қўшни Жиззах вилоятида) қишлоқ хўжалигида аҳамияти деярли йўқ.

Навоий вилояти худудининг узоқ масофада шимолдан жанубга чўзилганлиги, унинг ўзлаштирилган худудлари ҳамда маъмурий - марказини чекка жанубда жойлашганлиги минтака ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ташкил қилиш ва бошқаришда бироз қийинчиликлар туғдиради. Айниқса, вилоятда ички транспорт инфратузилмаси ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш анча мураккаброк.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Навоий вилоятининг демографик салоҳияти унча катта эмас. Худуд сув захираларига бой бўлмаганлиги

---

<sup>1</sup> Республикамиз худудининг энг паст нуқтаси ҳам шу вилоятда – Мингбулок ботиғи (денгиз сатҳидан -12 метр пастда)

сабабли, аҳоли зичлигининг кўрсаткичлари – энг паст (1 км<sup>2</sup> га 8,8 киши - Ўзбекистонда охириги ўринда).

Ўртача ҳар бир қишлоқ туманига 13,9 минг км<sup>2</sup> дан ер тўғри келади (республикада бу кўрсаткич 2,7 минг км<sup>2</sup> ни ташкил қилади). Қишлоқ туманлари майдонининг катта эканлиги ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ва аҳоли жойлашуви учун қулай шароитга эга эмаслигидан далолат беради. Чиндан ҳам, аҳоли зичлиги бу ерда анча паст; у Учқудук ва Томди туманларида 1 кишига ҳам етмайди. Фақат Хатирчи ва Кармана туманларида аҳоли зичроқ жойлашган (127 ва 116 киши). 40-жадвалдан кўринадик, туманларнинг аҳоли сони 15 мингдан (Томди) 180 минг кишигача (Хатирчи) фарқ қилади<sup>1</sup>. Биргина Хатирчи туманида вилоят аҳолисининг 1/5 қисми, Қизилтепа билан ҳисоблаганда 35,2 фоизи яшайди.

1989-2000-йилларда вилоят аҳолиси 130 минг кишига кўпайган, ўсиш суръати 120,5 фоиз, ўртача йиллик кўпайиш 1,70%. Бу борада у Сирдарё вилоятидан устунроқ, холос. 1989-2014-йилларда эса ўсиш: Нурота, Учқудук, Хатирчи, Қизилтепада юқори бўлган. Конимехда ҳам бу даврда аҳоли сони бироз кўпайган, бироқ энг сўнгги йилларда бу ерда ҳам камайиш кузатилмоқда. Томди, Учқудук ва Кармана туманларида эса у 1989-йилга нисбатан камайган. Кармана туманида бу ҳол маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар туфайли содир бўлган бўлса, Томди ва Учқудукда у ташқи миграция натижасида юз берган.

Навий вилоятида туғилиш коэффициенти 1998-2001-йилларда 19-20 промиллега, ўлим 5,0-5,3 га, табиий кўпайиш 14-15 промиллега тенг бўлган. Туғилишнинг энг юқори кўрсаткичлари Хатирчи ва Нурота туманларига тўғри келган. Айни вақтда, ташқи миграциянинг аҳоли сонини ўсишига таъсири айрим йилларда салбий бўлган. Масалан, 1998 йилда шаҳар жойларда миграция қолдиғи минус 1,3 минг кишини ташкил қилган.

2013-йилда вилоятда туғилиш 21,5, ўлим 4,6 ва табиий кўпайиш 16,9 промилле бўлган (бу кўрсаткичлар ўртача республика даражасига яқин). Қишлоқ туманлари доирасида туғилиш, нисбатан, Конимех ва Учқудукда – юқори, унинг паст кўрсаткичи Томди туманида (бу демографик вазият ҳам миграция оқибатлари туфайли вужудга келган бўлиши мумкин)<sup>2</sup> кузатилган. Ўлим коэффициентида катта ҳудудий фарқлар кузатилмайди: Кармана ва Конимех туманларида у юқорироқ, Томдида эса пастроқ (37-илова). Табиий кўпайиш коэффициенти асосан туғилиш даражаси белгилаб беради. У Учқудук туманида – 21,1 промилле, Карманда – 17,3, Томдида эса – 13,1 промиллега тенгдир.

Аҳоли миграцияси ҳам манфий натижага эга бўлган. Чунончи, 2009-йилда ташқи миграция қолдиғи вилоят бўйича минус 1987 ва 2010-йилда 1678 кишини ташкил қилган. Энг катта миграция “йўқотиши” Конимех,

<sup>1</sup> Томди тумани республикамизда аҳоли сони бўйича энг охириги ўринда туради.

<sup>2</sup> Бу борада Томди тумани республикамизда ҳам кескин ажралиб туради.

Томди ва Нурота туманларида қайд этилган. Фикримизча, бу, энг аввало, козок миллатига мансуб айрим кишиларнинг Қозоғистонга кўчиб кетиши боис ҳам содир бўлган. Миграция қолдиғи 2013-йилда фақат Навбаҳор ва Хатирчи туманларида ижобий эди (37-илова). Вилоят маркази – Навоий шаҳрига келганлар 2013-йилда 12,6, кетганлар 28,2, миграция сальдоси минус 15,6 промилле, Зарафшон шаҳрида бу кўрсаткичлар мос ҳолда 38,6; 40,4 ва 1,8 промиллени ташкил этди<sup>1</sup>.

Аҳоли таркибида асосий миллат вакиллари – ўзбеклар 85,7 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, вилоятда 4,6 % козоклар, 2,5 % руслар, 2,4 % қорақалшоқлар, 1,5 фоиз тожиклар истиқомат қилишади (2013 й.). Сўнги йилларда рус, хусусан, козок миллатига мансуб кишиларнинг республикадаги сони ташки миграция оқибатлари сабабли камайиб бормоқда.

Вилоятда 6 та шаҳар ва 47 та шаҳарча мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида жами аҳолининг ярми яшайди. Кўрииб турибдики, умумий урбанизация кўрсаткичи бу ерда анча юқори. Мазкур ҳолат, бир томондан, худудда саноатнинг, нисбатан, яхши ривожланганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, у интенсив қишлоқ хўжалиги учун имконият чекланганлиги билан боғлиқ.

Умумий урбанизация даражаси 2008-йилда 39,5 % бўлган, унинг 10 % дан кўпроқка ортиши эса 2009-йилнинг “урбанистик тўлқини” натижасида юзага келган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, агар вилоят бу кўрсаткич бўйича (40,4 %) 2000 йилда Қорақалпоғистон Республикасидан кейинги ўринда турган бўлса, ҳозирда у мамлакат ўртача кўрсаткичидан ҳам пастроқда – 50,1 %. Сабаби, бошқа минтақаларга қараганда бу ерда янги шаҳарчалар озроқ ташкил қилинган. Вилоятда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури туфайли, 30 та аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилган. Бундай агрошаҳарчаларнинг энг кўпи, яъни 8 таси биргина Қизилтепа туманида жойлашган. Хатирчи ва Навбаҳор туманларида уларнинг сони бештадан, Томдида эса атиги биттадир (41-жадвал). Ҳаммаси бўлиб янги шаҳарчаларда 2009-йилда 85,1 киши яшаган, бу барча шаҳарлар аҳолисининг 20,4 фоизи демакдир. Шаҳар жойларнинг аксарият аҳолиси 5 минг кишигача бўлган синфга мансуб: вилоят маркази – Навоийда 134 минг, Зарафшонда 74 минг аҳоли яшайди; Нурота, Учқудук, Карманада 20-30 мингдан киши бор.

Навоий шаҳри ўзининг демографик салоҳиятига кўра агломерация маркази бўлишига лойиқ, унинг атрофида “йўлдош” шаҳарчалар (Қизилтепа, Кармана, Бешработ, Конимех, Тинчлик, Маликработ) бор. Бу шаҳар республиканинг бошқа вилоят марказларидан ўзининг архитектура-

<sup>1</sup> Умуман олганда, Навоий вилояти ташки миграция манфий қолдиғининг ҳажми бўйича республикада Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан кейинги учинчи ўринда туради. 2013 йилда ушбу кўрсаткич Ўзбекистонда минус 38,1 минг киши, шу жумладан Навоий вилоятида минус 6,7 минг кишини ташкил қилган.

си, қурилиши ва, хусусан юксак саноат салоҳияти билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, у Чирчиқ, Олмалик, Ангрен, Қўқон, Марғилон, Бекобод шаҳарларига функционал жиҳатдан турдош ҳисобланади.

41-жадвал

**Навоий вилояти янги шаҳарчаларининг аҳолиси**

т/р	Шаҳарчалар номи	Жойлашган қишлоқ тумани	Аҳоли сони, киши	
			2009 й.	2013 й.
1	С. Умаров	Кармана	3300	3878
2	Подкороп	Кармана	2541	2434
3	Т. Ғофуров	Кармана	2538	2666
4	Пахтаобод	Кармана	2000	1944
5	Шўртепа	Конимех	2435	2201
6	Момикчи	Конимех	2320	2005
7	Болақароқ	Конимех	2319	546
8	Кескантерак	Навбахор	4713	3537
9	Ижанг	Навбахор	2818	4047
10	Куйи Бешрабат	Навбахор	2684	2227
11	Қалқонота	Навбахор	2288	4481
12	Сарой	Навбахор	2064	1501
13	Темурқовуқ	Нурота	3368	3254
14	Қизилча	Нурота	3383	3297
15	Чуя	Нурота	2845	2591
16	Янгибино	Нурота	2036	2357
17	Томдибулоқ	Томди	6834	5110
18	Тасмачи	Хатирчи	3650	4680
19	Сарой	Хатирчи	3296	3005
20	Жалоир	Хатирчи	2216	2909
21	Жалоир	Хатирчи	2051	2158
22	Полвонтепа	Хатирчи	2034	1982
23	Қалъайи Азизон	Қизилтепа	3500	3598
24	Вангози	Қизилтепа	3200	3426
25	Зармитон	Қизилтепа	2700	2973
26	Ғойибон	Қизилтепа	2600	2673
27	Баланд Ғардиён	Қизилтепа	2600	2707
28	Оқмачит	Қизилтепа	2400	2510
29	Хусбиддин	Қизилтепа	2204	2297
30	Оқсоч	Қизилтепа	2200	2305

Маъна: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Навоий вилоятида жами 577 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Бу борада у, ҳатто аҳолиси бир неча марта кўп бўлган Наманган (403 та), Андижон (456 та) ва Хоразм (559 та) вилоятларидан ҳам олдинда туради. Демак, вилоят қишлоқлари асосан майда ва кичик аҳоли пунктларидан ташкил топган. Ўртача бир қишлоққа 768 кишидан аҳоли тўғри келади, унинг тахминан 8-9 фоизи мактаб ёшигача, 22-23 фоизи мактаб ёшидагилар бўлса, бундай жойларда таълим муассасаларини ташкил этиш

нақадар кийинлигини тасаввур қилиш кийин эмас. Нисбатан катгарок кишлоқлар вилоятнинг жанубий қисмида, суғорма дехқончилик ривожланган ҳудудларда жойлашган.

Вилоятда, 2014-йил 1-январь ҳолатига кўра, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 525 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 442 минг киши, иқтисодиётда банд бўлганлар эса 420 минг киши. 2013-йилда жами 41,4 минг янги иш ўринлари (асосан кишлоқ жойларда, кичик бизнес ва тадбиркорликда) ташкил этилган.

**Инвестиция ва қурилиш географияси.** Маълумки, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асоси, энг аввало, капитал қўйилмалар ва қурилиш объектлари ҳисобланади. Шу боис, вилоятларда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, қурилиш индустриясини ривожлантириш катта аҳмиятга эга. Мавжуд маълумотларга қараганда, бир йилда киритилаётган инвестиция ҳажмининг 3/5 қисми ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилади. Хорижий инвестициялар ёрдамида жами 53 та қўшма корхона қурилган бўлиб, улар 20,2 млн АҚШ доллари ҳажмида экспорт ишларини амалга оширган (2012 й.). Бу, албатта, жуда кам. Бинобарин, қўшма корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кўтариш талаб этилади.

Жами қурилишларнинг 37,7 фоизи Зарафшон шаҳрига тўғри келади, Навоий шаҳрининг улуши 20,2 %. Қишлоқ туманлари орасида қурилиш кўпроқ Кармана ва Қизилтепа туманларида олиб борилган. Энг паст кўрсаткич Томди ва Учқудук туманларида кузатилади (43-жадвал).


**Иқтисодиёт географияси.** Вилоят иқтисодиёти индустриал-аграр йўналишга эга. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 44,5 фоизини саноат, 6,3 фоизини қурилиш, 15,0 фоизини кишлоқ хўжалиги, 12,7 фоизини транспорт ва алоқа беради (2012 й.).

Таҳлиллар кўрсатишича, Навоий вилояти барча соҳаларда ўзига хос мавқени эгаллайди. Масалан, ЯХМда саноатнинг улуши бўйича республикамызда биринчи, бироқ кишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий оқватланиш, солиқлар, кичик бизнес ҳамда хизматлар улуши бўйича ҳам “биринчи”, фақат вилоят рўйхатлари охиридан. Дарҳақиқат, вилоят ЯХМнинг атиги 36,9 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тушади, ваҳоланки, бу кўрсаткич республика бўйича ўртача 55 фоиздан зиёд. Бундай минтақавий хусусиятлар кўпроқ вилоятнинг табиий шароит ва ресурсларидан келиб чиққан ҳолда, хўжалигининг тармоқлар таркиби ва ихтисослашуви, демографик вазиятга боғлиқ.

Навоий вилоятида 2013-йил 01.01 ҳолатида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 13,7 мингта. Бироқ, уларнинг саноатдаги улуши атиги 6,3 % (республикада энг кам), қурилишда – 66,6 %, чакана савдода – 48,8 %, пуллик хизматларда - 58,0 % дир. Саноатда кичик бизнес ва микрофирмалар ҳиссаси озлигининг сабаби, ушбу макроиқтисодиёт

тармоғининг стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналишларга ихтисослашганлигидир.

**11-расм. Навоий вилояти иқтисодиётининг тармоқлар таркиби (2012 й., фоиз ҳисобида)**



Юқорида таъкидланганидек, минтақа иқтисодиётида sanoat етакчи ўринни эгаллайди. 2012-йил якунларига кўра, кимё sanoatининг ялли sanoat маҳсулоти қийматидаги улуши 8,5 %, қурилиш материаллари sanoati – 10,0 %, энгил sanoat – 33,0 %, рангли металлургия – 66,6 % ни ташкил қилади. Аини вақтда, бу ерда машинаsozлик ва ёғочни қайта ишлаш sanoat тармоқлари – ўта паст даражада. Республиканинг бошқа минтақаларига таққослаганда вилоятда энгил ва озик-овқат sanoati ҳам суст ривожланган (42-жадвал).

42-жадвал

**Навоий вилояти sanoatининг тармоқлар тузилмаси (sanoat маҳсулоти бўйича, фоизда)**

Тармоқлар	1991 йил	2000 йил	2012-йил
Жами sanoat маҳсулотлари	100	100	100
Шу жумладан, электр энергия	4,8	12,2	7,8
Рангдор металлургия	10,5	13,2	66,6
Кимё sanoati	69,4	59,6	8,3
Машинаsozлик ва мсталлни қайта ишлаш	0,8	0,7	0,6
Қурилиш материаллари sanoati	3,1	6,0	10,0
Энгил sanoat	7,2	3,7	3,3
Озик-овқат sanoati	1,5	1,6	1,7
Ун- крупа, омихта ем sanoati	2,5	2,4	1,0
Бошқа тармоқлар	0,2	0,6	0,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.



Бир йилда Навоий вилоятида 850-900 минг тонна аммиак селитраси, 470-480 минг т синтетик аммиак, 30-35 минг т ишкорли кислота, 10-13 минг т нитрон толаси, 20-25 минг т натрий цианисти, 10-12 минг т суюлтирилган хлор ишлаб чиқарилади. Шунингдек, бу ерда бошқа кимё маҳсулотлари, масалан, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари, сирка, гипохлорид натрий кабилар олинади. Асосий корхоналари “Навоийазот”, “Электрхимсаноат” ҳисобланади. Улар мамлакатимиз экспортда ҳам фаол катнашишади. Айниқса, республикамиз миллий иқтисодиёти учун ниҳоятда зарур бўлган суперфосфат заводи хомашёси - фосфоритлар ҳам Навоий вилояти ҳудудида ишлаб чиқарилади. Маълумки, авваллари мазкур хом ашё қўшни Қозоғистон Республикасининг Жамбул вилоятидан (Қоратов конларидан) келтирилар эди, асосий корхоналар эса Самарқанд ва Қўқонда жойлашган.

Навоий вилоятининг кимё саноати республикамизда олдинги мавқеларни эгаллайди. Бу ҳусусда қурилиш материаллари саноатининг ҳам аҳамияти катта – энг йирик цемент заводи айни шу ерда, яъни Навоий шаҳрида жойлашган. Бир йилда 3225 минг т атрофида цемент олинади (республикамизда 6900-7000 минг т, демак, унинг ярмига яқини айни шу вилоятда ишлаб чиқарилади)<sup>1</sup>. Цементдан ташқари темир-бетон маҳсулотлари, мрамар плиталари, оҳақ, шағал тош каби қурилиш материаллари олинади. Навоий қурилиш ташкилотлари республикамизнинг бошқа жойларида ҳам катта ҳажмдаги бинокорлик ишларини бажаради.

Халқ истеъмол молларидан 55-60 минг т ун, 45-50 минг т омихта ем, 9-10 минг т ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилади. Пахта толаси бўйича вилоят республикада охириги ўринда туради. Жами саноат корхоналари 1298 та, йириклари 20 та, саноатда банд бўлган ишчи ва ходимлар сони 80-85 минг киши (бу анча юқори кўрсаткич, 2000-йилда у 23 минг кишини ташкил қилган). Асосий саноат корхоналари, юқоридагилардан ташқари, Навоий ИЭС, “Қизилкумцемент”, “Қизилкум – Рус - Нур” КК, Тоғ-металлургия комбинати ва бошқалар. Уларнинг айримлари қўшма корхоналар ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, Навоий вилоятида мамлакатимиз учун энг муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган саноат тармоқлари ривожланган. Бу ерда олтиннинг асосий қисми олинади, миллий иқтисодиёт учун энг зарур ҳисобланган фосфорит комбинати ҳам 2001 йилда ишга туширилган.

Сўнги йилларда вилоят саноати ҳудудий таркибида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлиб ўтган. Масалан, агар 2000-йилда Навоий шаҳри минтақа саноат маҳсулотининг 51,0 фоизини берган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 72,2 фоизга кўтарилган. Қизилтепа туманининг улуши – 5,5 %. ХИМ ни ишлаб чиқаришда Навоий ва Зарафшон шаҳарлари етакчи (43-

<sup>1</sup> 2000 йилда Навоийда 1300 минг т цемент ишлаб чиқарилган.

жадвал). 2010-йилда бу шаҳарлар ҳиссасига, мос равишда, 66,8 ва 9,4 фоиздан ХИМ тўғри келган. Қишлоқ туманлари орасида Қизилтепа ва Кармана бироз ажралиб туради, энг паст кўрсаткич Томди туманига хосдир.

Асосий саноат марказ ва пунктлари Навоий, Зарафшон, Учқудук, Қизилтепа ҳамда “ресурс” шаҳарчалар: Ғозгон, Мурунгов, Шалкар, Лангар кабилар. Янгиработ ва Маликрабодда пахта тозалаш заводлари бор. Навоий шаҳри борган сари йирик саноат тугуни ва республикамизнинг ўсиш кутбига айланмоқда. Бу ерда, аниқроғи шаҳар аэропорти асосида мамлакатимизда илк бор республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармониغا биноан эркин иқтисодий-индустриал зона бунёд этилмоқда. Бунда Жанубий Корея ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда, жуда катта терминал қурилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги доимий иш ўринларини шакллантиришга асос бўлади.

43-жадвал


Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари  
(жамига нисбатан фоизда, 2012 й.)

т/р	Ҳудудлар	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
1.	Навоий ш.	66,8	0,3	20,2	40,9	50,2
2.	Зарафшон ш.	9,4	0,4	37,7	10,1	6,6
<b>Туманлар:</b>						
1.	Кармана	6,9	15,9	11,0	12,4	9,4
2.	Конимех	1,3	4,2	1,7	3,5	3,0
3.	Навбахор	1,3	17,2	4,7	1,8	7,4
4.	Нурота	1,8	7,5	6,4	3,1	2,5
5.	Томди	0,6	2,7	0,6	1,7	2,4
6.	Учқудук	1,1	2,2	1,1	4,7	7,7
7.	Хатирчи	3,9	29,5	3,9	10,8	4,8
8.	Қизилтепа	6,9	20,2	12,7	11,0	6,0
	<b>Вилоят бўйича</b>	100	100	100	100	100

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, минтақа саноати чиндан ҳам “оғир”. Буни вилоят саноат салоҳиятининг юксаклиги ва, айни вақтда, уни, асосан оғир саноатга, тоғ-кон, ундирувчи тармоқларга ихтисослашгани маъносидан ҳам тушуниш мумкин. Бинобарин, бу ерда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса халқ истеъмол моллари ҳамда технологик жараёнларни замонавийлаштириш

# НАВОЙЙ ВІЛОЯТИ ІҚТІСОДИЙ КАРТА



## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИНГ ІХТИСОСЛАШУВИ

### Сугорма деҳқончилик зонаси

Пахтачилик, дончилик, илақчилик, сабзавотчилик, полбиччилик, боғдорчилик, асаларчилик, суг-гушт чорвачилиги

Сабзавотчилик, боғдорчилик, асаларчилик, суг-гушт чорвачилиги

### Чўл-яйлов зонаси

Чўл-яйлов чорвачилиги (асосан қорақўлчилик, гушт-жун қўйчилиги ва туячилик)

### Тоғ-яйлов зонаси

Тоғ-яйлов чорвачилиги (гушт-жун қўйчилиги ва гушт-суг чорвачилиги), дараё водиларида боғлар ва узумзорлар

## САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ЯЛПИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ (2011 й.)

1 ми устун баландлиги - 100 млрд. сум

■ саноат □ қишлоқ хўжалиги

### КЕНГ ТАРКАЛГАН РАЙОНЛАР

пахтачилик дон-дускакчилар  
боғлар беда  
узумзорлар саксовул  
сабзавот ва қартошка

### РАЙОНЛАР

қўйчилик йилқиччилик  
Қорақул қўйларини урчишти туячилик  
Ҳисор қўйларини урчишти паррандачилик  
илақчилик

## ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

Ялпи маҳсулот ҳажми буйича саноат пунктлари

Йирик урта Майда

### Саноат тармоқлари

Электрэнергетика  
Рангли металлургия  
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш  
Кимё  
Қурилиш материаллари  
Енгил  
Озиқ-овқат  
Бошқа тармоқлар

## УНДИРУВЧИ САНОАТ

Нефть ва газ  
Олтин  
Фосфоритлар  
Мармар  
Ойна, чинни, кварц қумлари  
Гранит  
Минерал сув булоқлари  
Қурасий Конларнинг номлари  
Иссиқлик электрстанцияси  
Электр узаткич линиялари  
Газ қуурлари  
Нефть қуурлари

негизида қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш, хотин-қизлар учун ҳам иш ўринларини кўпайтириш долзарб масалалар ҳисобланади.

Албатта, шу ўринда геоэкологик муаммоларни ҳам эътибордан қолдирмаслик керак. Экологик муаммолар, айниқса, Навоий шаҳри ва унинг атрофи учун кескин. Катта шаҳарда қатор улкан, экологик жиҳатдан анча “хавфли” саноат корхоналарининг (улар кимё, раңгли металлургия, курилиш материаллари ва электр-энергетикага тегишли) ҳудудий-урбанистик мужассамлашуви, албатта, атроф-муҳитга, атмосфера ҳавоси ва сувга катта таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳам, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш, чиқиндиларни утилизация қилиш, яъни қайта ишлаш бундай катта саноат маркази истиқбол ривожланишининг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи даркор. Бу хусусда Навоий шаҳрининг, энг аввало, вилоят маъмурий-сиёсий маркази эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

**Агроиқтисодиёт географияси.** Модомики минтақа хўжалиги, асосан саноатга, кўпроқ унинг оғир тармоқларига ихтисослашган экан, табиийки, бу ерда қишлоқ хўжалигига кам ўрин қолади. Бунинг энг асосий сабаби вилоят ҳудудининг чўллик хусусияти, агроиқлимий ресурсларнинг танқислиги ёки йўқлиги, тупроқ қатламининг ривожланмаганлиги, намгарчиликнинг, сув манбаларининг етишмовчилигидир. Бинобарин, бу ҳудудда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имкониятлари жуда чекланган, “фойдали ер коэффицентини” ҳам ўта паст даражада.

Қишлоқ хўжалиги вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг атиги 15,0 фоизини, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 4,7 фоизини беради. Агроиқтисодиёт тизимида чорвачилик, асосан, унинг жун - гўшт йўналиши етакчилик қилади. Унинг ҳиссасига жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 54,1 фоизи тўғри келади. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг  $\frac{1}{4}$  қисмидан зиёдроғини таъминлайди. Қизиги шундаки, экин майдонларининг асосий қисми, яъни 80 фоизи фермер хўжаликларига тўғри келса-да, яратилган маҳсулотнинг атиги 25,4 фоизини ушбу мулкчилик шакли беради. Бундан ҳулоса чиқариш мумкинки, фермер хўжаликларига кўпроқ экстенсив ривожланиш ҳосдир.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 8891,9 минг гектарни ёки умумий ҳудуднинг 81,2 % ни ташкил қилади. Жами экин майдонлари 105,9 минг га ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг атиги 1,3 фоизига тенг. Интенсив қишлоқ хўжалиги нисбатан жанубий районларда ривожланган. Жумладан, Хатирчи туманида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 27,6 фоизи экин майдонлари билан банд. Ушбу кўрсаткич Карманда – 25,7 %, Қизилтепада – 14,6 %, Навбахор туманида – 14,3 %. Аксинча, яйлов ва пичанзорлар марказий ва шимолий ҳудудларда кўп. Бу ерларда яйлов чорвачилиги, асосан, қўй, жумладан, қорақўл қўйларини боқиб учун шароит қулайроқ. Томди ва

Учкудук туманларида пичанзор ва яйловлар жами экин майдонининг 100 фоизини, Конимехда 99,5 % ташкил қилади (44-жадвалга қаранг).

Жами экин майдони 2010-йилда 100,0 минг гектардан иборат бўлган. Унинг ярми донли экинлар билан банд, шу жумладан бошоқли экинлар 49,2 минг га. Бу экинлар таркибида асосий майдонларни буғдой эгаллайди (48,3 минг га). Буғдой етиштиришда фермер хўжаликлари устунлик қилади. 2012-йилда жами 235 минг т буғдой олинган, ҳосилдорлик 49,1 ц/га бўлган. Шунингдек, дон учун маккажўхори ҳам экилади, унинг майдони 1,0 минг гектардан озроқ.

Пахтачилик сустроқ ривожланган (асосий муаммо – сувнинг етишмаслиги). Ушбу техника экинига 36,0 минг га ер ажратилган ва ундан 110 минг т пахта хом ашёси олинади; ҳосилдорлик – 30,8 ц/га. Пахта кўпроқ Хатирчи, Қизилтепа ва Навбахор туманларида етиштирилади. Пахтанинг ер майдони ҳам, унинг ҳосилида ҳам фермер хўжаликлари етакчилик қилади.

44-жадвал


**Навоний вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби**

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Кармана	95,3	61,9	17,8	25,7	1,8	1,2	71,3
Конимех	1584,9	1202,9	5,3	0,4	0,01	0,04	99,5
Навбахор	157,1	131,1	20,9	14,3	1,6	0,2	83,9
Нурота	653,0	502,8	3,6	3,8	0,1	-	96,1
Томди	3578,0	3031,1	0,2	0,01	-	-	100,0
Учкудук	4501,2	3701,8	0,1	-	-	-	100,0
Хатирчи	142,0	107,3	30,9	27,6	4,1	0,8	67,5
Қизилтепа	218,5	153,0	29,1	14,6	1,6	2,9	80,9
Вилоят бўйича	10937,4	8891,9	108,0	1,3	0,1	0,08	98,5

Манба: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" – Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011, - 108 бет маълумотлари.

Бошқа техника экинларидан қисман масхар, кунгабоқар ҳамда зигир ва кунжут экилади. Айни вақтда, картошка етиштириш ҳам бу ерда бошқа вилоятларга, масалан, Самарқанд, Жиззах вилоятларига қараганда сустроқ ривожланган; 2012-йилда у атиги 1,4 минг га ерни эгаллаган ва 51 минг тонна атрофида ҳосил олинган.

## 12-расм. Навоий вилоятининг экин майдони (фоиз ҳисобида)



Сабзавотчиликнинг умумий майдони – 3,5 минг га, ялпи ҳосил 185 минг т. бўлган. Мазкур соҳа асосан жанубий туманларда ривожланган. Шахар атрофи хўжалигига ихтисослашган Кармана туманида бу тармоқ кўпроқ ривожланган.

Табиийки, чорвачиликка ихтисослашган минтақаларда ем-ҳашак базаси ҳам мустаҳкам бўлмоғи лозим. Бироқ, Навоий вилоятида, асосан, яйлов чорвачилиги ривожланган, ем-ҳашак экинлари 7,5-8,0 минг гектарга экилади. Бу ерда ҳам фермер хўжаликлари олдинда. Ем-ҳашакдан пичан учун беда, силос учун маккажўхори экилади. Мевачилик ҳам сустрок ривожланган, асосан жанубда. 2012-йилда 5,8 минг га ер боғдорчилик билан билан банд, 6,5 минг га узумчиликка ажратилган бўлган. Боғдорчилик ва, хусусан, узумчилик Хатирчи туманида яхшироқ йўлга қўйилган. Бу туманда кўп миқдорда сифатли кишмиш тайёрланади.

Бир йилда қишлоқ хўжалигида 100-110 минг т гўшт (тирик вазнда), 315 минг т сут, 186 млн дона тухум, 3063 тонна жун, 323 минг бирлик қорақўл териси, 960 тонна пилла олинган. Жун ва қорақўл терисини етиштиришда Навоий вилояти республикада олдинги ўринларда туради; республикада етиштирилган жуннинг 11,4 фоизи ва қорақўл терисининг 28,3 фоизи аини шу вилоят зиммасига тушади. Йирик шохли қорамоллар сони, 2013-йил 1.01 ҳолатида, 356 минг бош, шу жумладан, сигирлар – 159 минг бош, қўй ва эчкилар (асосан қўйлар) – 1707 минг бош. Қўйчилик борасида Навоий вилояти республикада кескин ажралиб туради.

Агроиктисодиётнинг ҳудудий таркибида Хатирчи, Қизилтепа, Кармана ва Навбаҳор туманлари етакчи. Ушбу қишлоқ туманлари ҳиссасига вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 2/3 қисми тўғри келади. Биргина Хатирчи тумани қишлоқ хўжалик маҳсулотини 29,5%ни таъминлайди. Нурота ва Конимех туманларининг ҳам мавқелари бироз сезиларли даражада, бироқ Томди ва Учқудуқ туманларининг бу борадаги салоҳияти анча паст (43-жадвал).

Навоий вилоятида жами фермер хўжаликлари сони 1753 та бўлиб, уларга 228 минг га ер бириктирилган; уларда банд бўлган аҳоли 20,7 минг киши (1.01.2014 й.). Ушбу хўжалик шакллари миқдор жиҳатдан Хатирчи, Қизилтепа ва Навбахор туманларида кўпроқ. Ер майдони бўйича эса Қизилтепа (61,2 минг га), Хатирчи (46,4 минг га), Навбахор (31,2 минг га) ва Кармана (30,4 минг га) туманлари олдинда. Уларда ишлайдиган ходимлар сонидан ҳам худди шундай географик хусусиятлар кузатилади.

Умуман олганда, ҳар бир фермер хўжалигига вилоятда – 130 га ер ва 10,7 кишидан ишчи ходим тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, бу ерда бошқа минтақаларга қараганда, хусусан, водий ва воҳаларга нисбатан фермер хўжалигининг ерлари катта, ишловчилар сони эса анча оз. Бу ҳам бўлса вилоят қишлоқ хўжалигига кўпроқ экстенсив, яъни чорвачилик хос эканлигидан яна бир бор далолат беради. Келажакда ҳам агроиқтисодиёт тизимининг ривожланиши асосан жанубий ҳудудлар зиммасига тушади.

**Ижтимоий география.** Саноат, қишлоқ хўжалиги ва, умуман, ишлаб чиқаришнинг “эгаси”, амалга оширувчиси инсон, меҳнат ресурслари ҳисобланади. Ижтимоий соҳаларда ҳам аҳоли хизмат қилади, бироқ бу хизмат инсоннинг ўзига, унинг соғлиғи, таълими, дам олиши, даволаниши ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўзаро чамбарчас боғлиқ ва уларни бир-бирдан кескин ажратиб бўлмайди.

Ижтимоий соҳаларга, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим тизимлари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари киради. Уларни замонавий талаб даражасида ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишга, баркамол авлодни тарбиялашга “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурида ҳам катта эътибор берилган.

Чакана савдо айланмаси ҳудудий таркибида Навоий шаҳрининг ҳиссаси 40,9 %, Зарафшонники 10,1 % дир. Қишлоқ туманлари миқёсида Кармана етакчи – унинг улуши 12,4 %. Шунингдек, бу салоҳият Қизилтепа ва Хатирчи туманларида ҳам нисбатан каттароқ, Томди ва Навбахорда эса у – энг паст (43-жадвал). Аммо ижтимоий соҳаларнинг ҳақиқий ҳолати салоҳиятда ёки уларнинг улушларида эмас, кўпроқ аҳоли жон бошига ҳисоблаганда аниқроқ намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, энг катта кўрсаткичлар, юқоридаги икки шаҳарларни ҳисобга олмаганда, Учқудук ва Кармана туманларида қайд этилади, Навбахор ва Нурота туманлари эса – энг паст ўринда.

Пуллик хизматлар, аҳоли жон бошига ҳисобланганда фақат Учқудук туманида ўртачадан юқори (Навоий шаҳри бундан мустасно). Аммо аҳоли зичлиги ва юки энг кўп ҳисобланган Хатирчи туманида бу аҳвол яхши эмас. Туманда вилоятнинг 25,0 % аҳолиси яшайди, пуллик хизматлар ҳажми эса 4,3 %, холос. Бу борада нисбатан юқори даражага Кармана

тумани эга - 9,4 %, анча паст улуш Томди ва Нурота туманларида кайд этилди.

Соғлики сақлаш тизимида жами 39 та муассасалар мавжуд, уларда бемор ўринлари ҳар 10000 кишига 44 та. Амбулатория – поликлиникалар 274 та, ҳар 10 минг аҳолига врачлар сони 29 киши, ўрта медицина ходимлари сони 133 нафар. Вилоятда кишлоқ врачлик пунктлари сони 140 та ёки, 8 та туманга ҳисоблаганда, 17 тадан, 577 та кишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан олинганда эса – 4,1 та кишлоққа 1 та ҚВП тўғри келади. Табиийки, бундай майда кишлоқлар кўп ва улар ўртасидаги масофа чўл шароитида катта бўлган ҳудудда ушбу муаммонинг кескинлиги ўз-ўзидан равшан бўлади.

Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган касалхона ўринлари Навоий шаҳри ҳамда Кармана ва Учқудук туманларида бирмунча кўпрок. Ҳатто Зарафшон шаҳрида ҳам бу кўрсаткич ўртачадан паст. Хатирчи ва Навбахор туманларида эса у, мос ҳолда, 29 ва 32 ўринни ташкил қилади. Амбулатория-поликлиника муассасаларининг нисбий даражаларида ҳам шунга ўхшаш туманлараро фарқлар кузатилади (38-илова).

Таълим географиясини чўл шароитида ташкил этиш ҳам ўзига хос муаммоларга дуч келиши табиий. Мактаблар сони бу ерда кўпрок бўлса-да, уларда ўқувчилар сони анча оз (айниқса, кичик ва майда кишлоқларда). Жами вилоятда 4 та академик лицей, 47 та касб-хунар коллежлари ва 2 та олий ўқув юртлири бор. Жумладан, бу ерда, аниқроғи Навоий шаҳрида республикамизда ягона Тоғ-геология институти жойлашган.

Маълумки, чўл шароитида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ўта муҳим масала ҳисобланади (қадимда ҳам бу муаммо кескинлигидан бундай сув танқис ҳудудларда сардобалар қурилган). Аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлашнинг ҳозирги даражаси 79,3 %; пастроқ аҳвол Навбахор ва Томди туманларида кузатилади. Табиий газ билан таъминланиш даражаси бирмунча яхшироқ - ўртача 82,0 %. Бу борада энг юқори кўрсаткич Кармана туманида - 96,6 %, энг паст эса чўл туманларида, яъни Томди ва Учқудукда; шаҳарларда 100 фоизга яқин.

**Транспорт ва ташқи савдо.** Вилоятда транспорт тизими унча яхши ривожланмаган. Унинг жанубидан халқаро темир ва автомобиль йўллар ўтади, ана шу йўлларга перпендикуляр шаклда Навоий – Учқудук темир йўли қурилган. Ҳозирги вақтда ушбу йўлнинг давоми, яъни Учқудук – Нукус йўналиши қурилиб битирилган. Унинг ишга тушиши билан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита темир йўл орқали, яъни Туркменистонга чиқмасдан, боғланди. Натижада, Навоий шаҳрининг (Кармана билан бирга) транспорт тугуни вазифаси янада кучайди, Зарафшон, Учқудук, Конимех шаҳарлари ривожланишига, чўл худуди табиий ресурсларидан фойдаланишга ҳам қулай имкониятлар яратилди.



Вилоят бўйича ташилган юк 362 минг т., йўловчи – 194 млн киши (2012 й.)ни ташкил этди. Умуман олганда эса, бундай катта ҳудудга эга бўлган, ишлаб чиқариш ва аҳоли тарқоқ жойлашган минтақада транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ўта мураккаб масаладир. Айниқса, вилоят ички, яъни қишлоқ туманларида (хусусан, Томди, Учқудук, Конимехда) йўловчилар қатновини яхшилаш талаб этилади.

2013-йилда ташқи савдо айланмаси 1028 млн. АҚШ доллар, шундан экспорт 437, импорт 591 млн. долларни ташкил этган. Ташқи савдо айланмасининг 3/5 қисми, экспортнинг 85,8 % ва импортнинг 68,0 фоизи биргина Навоий шаҳрига тўғри келади. Қишлоқ туманлари миқёсида фақат Карманани ажратиш мумкин (вилоят ташқи савдо айланмасининг 23,3 %), қолганлари заиф; Томди ва Хатирчи туманлари эса кўриляётган йилда вилоят экспортида умуман қатнашмаган. Экспорт таркибида кимё саноати маҳсулотлари –71,8 %, пахта толаси – 6,7 %га тенг бўлган. Импортда машина ва ускуналар улуши 61,6 %, кимё саноати маҳсулотлари – 20,9 %. Вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқалари, асосан, “Узоқ хориж” мамлакатлари билан олиб борилади, уларнинг ҳиссаси экспортда 76,3 %, импортда 64,2 %дир.

**Ички ҳудудий тафовутлар.** Вилоятнинг табиий шароити ва у билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари иккита иқтисодий районни ажратишга асос сифатида хизмат қилади. Бири Жанубий район бўлиб, унинг таркибига Навоий шаҳри, Кармана, Хатирчи, Нурота, Навбахор ва Қизилтепа туманлари киради<sup>1</sup>. Ушбу районнинг майдони унча катта бўлмаса-да, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мужассамлашуви унда анча юқори. Масалан, Жанубий район ҳиссасига 11,4 % майдон, 80,1 % аҳоли, 24,7 % саноат ва 90,6 % қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғри келади. Ижтимоий соҳалар, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар ҳам шу районда ривож топган. Район маркази–Навоий шаҳри, айни вақтда республикамизнинг йирик саноат маркази ҳамдир. Шаҳар жуда кўркам ва обод, архитектура қурилиши намунавий. Чўл шароитида шаҳарсозликнинг бундай ютуқлари учун Навоий шаҳри 1972-йилда П.Аберкромби номидаги Халқаро архитекторлар мукофоти билан тақдирланган.

Шимолий районга иккита катта, чўл ҳудудларини эгаллаган Томди ва Учқудук туманлари киради. Аҳолиси сийрак, ишлаб чиқариш алоҳида “Учоклар” шаклида жойлашган. Беноён чўл шароитида замонавий Зарафшон шаҳри қад кўтариб туради. Учқудук ҳам ривожланиб бормокда, унинг транспорт-географик ўрни ҳам анча яхшиланди. Район экстенсив чўл-яйлов чорвачилигига ва тоғ-кон саноатига ихтисослашган.

<sup>1</sup> Мазкур район таркибига Конимехни ҳам киритиш мумкин. Бу тумanning маркази жанубда, асосий ҳудуд эса, узилган ҳолда, шимолда жойлашган.

45-жадвал маълумотлари кўрсатишча, Кармана, Қизилтепа, Учқудук туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси юқорирак.

**Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий индикаторлари**  
(аҳоли жон бошига, 2013 й.)

т/р	Худудлар	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизматлар
1.	Навоий ш.	0,020	4,345	1,275	1,313	2,666	3,268
2.	Зарафшон ш.	0,035	1,097	2,306	4,421	1,181	0,774
<b>Туманлар:</b>							
1.	Кармана	1,339	0,583	2,062	0,927	1,045	0,788
2.	Конимех	0,967	0,285	0,246	0,395	0,769	0,674
3.	Навбахор	1,656	0,120	0,358	0,458	0,174	0,717
4.	Нурота	0,792	0,190	0,366	0,677	0,331	0,265
5.	Томди	1,075	0,241	0,407	0,233	0,676	0,948
6.	Учқудук	0,507	0,274	4,611	0,249	1,074	1,790
7.	Хатирчи	1,549	0,205	0,154	0,201	0,569	0,250
8.	Қизилтепа	1,426	0,493	0,282	0,669	0,781	0,427
	<b>Вилоят бўйича</b>	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Хусусан, уларда қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмалар, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Томди, Нурота, Хатирчи, Навбахор ва қисман Конимех туманларининг ишлаб чиқариш салоҳияти эса паст даражада. Бинобарин, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта эътибор қаратиш лозим.

**Асосий муаммолар.** Навоий вилояти иқтисодиётининг истиқболлари саноатнинг тармоқлар таркибини такомиллаштириш, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аграр соҳани мустаҳкамлаш, транспорт тизимини яхшилаш билан боғлиқ. Шунингдек, қишлоқ инфратузилмасини ва саноатини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, Навоий шаҳри ва унинг атрофи экологиясини соғломлаштириш, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Навоий вилояти катта ҳудудий ва ҳозирча тўла ўрғанилмаган минерал хом ашё захираларига эга. Уларни аниқлаш ва хўжалик оборотига киритиш, айна вақтда, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибини яхшилашга ҳам имконият беради. Навоий шаҳрида барпо этилаётган эркин иқтисодий – индустриал минтақа, шубҳасиз, вилоят ва республика иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлади ва мамлакатимиз микёсида ҳақиқий ўсиш кутбларидан бирига айланади.

### 2.5.3. Самарқанд вилояти

Самарқанд вилояти республикамізда энг биринчилар қаторида ташкил этилган. У 1938-йил 15-январда ушбу маъмурий мақомни олган. Майдони 16,8 минг кв.км ёки Ўзбекистон ҳудудининг 3,7 фоизига тенг. Унча катта бўлмаган минтақада, 2014-йилнинг 1.01.маълумотларига қараганда, 3412,8 минг аҳоли яшайди. Бу мамлакат аҳолисининг 11,2 фоизи демакдир. Вилоят ҳудудининг кўлами бўйича республикамізда 7-ўринда, аҳолисига кўра эса биринчи ўринда туради. Бундан вилоят аҳолисининг зичлиги ўртача мамлакат кўрсаткичига қараганда деярли 3 марта юқори деб тўғридан-тўғри хулоса чиқариш мумкин.

Вилоятнинг демографик салоҳияти анча катта бўлса-да, асосий макрокэкономик кўрсаткичлар бўйича, у унча ажралиб турмайди. Самарқанд вилояти республика ялли ички маҳсулотининг – 6,2 %, саноат ишлаб чиқаришининг – 5,4%, халқ истеъмол молларининг 10,0 %, капитал қўйилмаларининг – 6,1 %, қурилишнинг – 4,8 %, чакана савдо ҳажмининг – 8,3 % ва пуллик хизматнинг 9,5 фоизини таъминлайди (2013 й.). Экспорт салоҳияти анча заиф, атиги 1,1 %, фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши аҳоли кўрсаткичларидан юқорирок, холос (12,1 %).

46-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси  
(2014 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Туман маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши	Аҳоли зичлиги, 1 кв км/киши
1	Булунгур	29.09.1926	Булунгур ш.	0,76	161,8	212,9
2	Жомбой	07.12.1970	Жомбой ш.	0,55	145,8	265,1
3	Иштихон	18.05.1943	Иштихон ш.	0,72	220,0	305,5
4	Қаттақўрғон	02.02.1929	Пайшанба ш-часи	1,39	238,4	171,5
5	Нарпай	29.09.1926	Оқтош ш.	0,44	182,4	430,4
6	Нуробод	26.11.1975	Нуробод ш.	4,86	130,2	26,8
7	Оқдарё	25.12.1968	Лоиш ш-ча	0,37	138,8	375,1
8	Пайарик	29.09.1926	Пайарик ш.	1,29	219,2	169,9
9	Пастдарғом	29.09.1926	Жума ш.	0,87	307,5	353,4
10	Пахтачи	12.04.1973	Зиёдин ш-часи.	1,38	129,9	94,1
11	Самарқанд	29.09.1926	Гулобод ш-часи.	0,48	220,1	458,5
12	Тойлоқ	09.04.1992	Тойлоқ ш-часи.	0,28	172,7	616,8
13	Ургут	31.12.1964	Ургут ш.	1,12	431,1	384,9
14	Қўшработ	03.04.1978	Қўшрабод ш-часи	2,16	112,3	52,0
	<b>Вилоят бўйича</b>	01.15.1938	Самарқанд ш.	16,8	3412,8	203,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Самарқанд вилояти маъмурий жиҳатдан 14 та кишлоқ туманлари, 11 шаҳар ва 88 та шаҳарчалардан иборат. Бу ерда 125 та кишлоқ фуқаролар йиғинлари, 1871 та кишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. 46-жадвалдан аёнки, вилоят ҳудудидаги энг “қадимий” кишлоқ туманлари 1926-йилда ташкил этилган Булунғур, Нарпай, Пайарик, Пастдарғом ва Самарқанд ҳисобланади. Эслатиш ўринлики, бундай маъмурий-худудий мақом айни шу йилда қабул қилинган. Энг сўнггиси эса вилоят маркази “бикинида” жойлашган Тойлоқ туманидир (1992 й.).

Майдони бўйича энг катта туман Нуробод – 4,86 минг кв. км ёки вилоят ҳудудининг 28,9 %. Вилоятнинг иккинчи “қаноти” – Қўшработ тумани ҳам анча катта - 2,16 минг кв км. Айни вақтда, Тойлоқ тумани ҳудуди атиги 0,28 минг кв км, холос. Умуман олганда, ҳар бир кишлоқ туманининг майдони ўртача 1,20 минг кв км ни ташкил этади, географик коэффициентлари – 17,3 (демак, худудий тафовут анча катта, кутбийлашган).

**Иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари.** Самарқанд вилояти мамлакатимиз миллий иқтисодиётида муҳим мавқега эга. Бу ерда машинасозлик, озиқ-овқат саноатлари, пахта, узум, тамаки етиштириш, халқаро туризм ихтисослашган тармоқлар ҳисобланади.

Самарқанд вилояти қулай географик ўринда, республикамизнинг марказий қисмида жойлашган. У ғарб ва шимоли-ғарбда Навоий, шимоли-шарқда Жиззах, жанубда Қашқадарё вилоятлари билан, жануби-шарқда қисқа масофада Тожикистон Республикасининг Сўғд (Панжакент райони) вилояти билан чегарадош. Бугунги Самарқанд вилояти қўшни вилоятларнинг туташ районлари билан ҳам азалдан боғлиқ (Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Бахмал, Навоий вилоятининг Нурота ва Хатирчи, Қашқадарёнинг Китоб ва Шаҳрисабз туманлари).

Ер усти тузилиши, асосан, баландлик, тоғолди ва тоғликлардан ташкил топган. Нисбатан пастқам жойлар Каттақўрғон шаҳридан ғарброкда ҳамда чекка жануби-ғарбда бор (Қарноб чўли). Вилоятнинг энг баланд нуқталари 2000-2100 метрга етади. Улар Зарафшон ва Нурота тизмаларида, Ургут ҳамда Қўшработ туманларининг энг чекка қисмларида қад кўтарган. Шунингдек, вилоят орографиясида Октов, Қароқчитоғ, Ғўбдинтов каби тоғ тизмалар, Пахтачи туманининг ўртасида Қарноб чўли атрофида 1000-1100 метр баландликлар ҳам кўзга ташланади. Умуман олганда, Самарқанд вилоятининг шарқий қисмида жойлашган Булунғур ва Жомбой, марказидаги Самарқанд, Тойлоқ, Оқдарё, Пастдарғом, Пайарик ҳамда унинг ғарбий қисмидаги Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачи ва Нарпай туманлари, демак, минтақа туманларининг кўпчилиги асосан текисликлардан (воҳалардан) ташкил топган. Бу текислик жануби-шарқдан шимоли-ғарб йўналишида, яъни ушбу тарихий-географик минтақанинг ўзига хос ўзаги, ижтимоий-иқтисодий “йўлаги” ҳисобланган Зарафшон дарёси

сохиллари бўйлаб нишабликка эга. Қолган қисми, аниқроғи Ургут, Қўшработ ва Нуробод туманларини тоғ ва тоғолди, чўл худудларига киритиш мумкин.

Вилоят табиий ресурсларга бирмунча бой. Жумладан, Қўшработ туманида олтин (Зармитон), Нуробод туманида вольфрам ва молибден (Ингичка), Ургут туманида мрамор, Самарқанд туманида оҳак (Оҳакли) ва бошқалар бор. Юкоридагилардан ташқари, минтақа худудида олтин Оқбел, Олтинқозгон, базальт Зарбанд, гранит Гурмак, Қўшработ, каолин ва алуит Оқтош, волфрам рудалари Яхтон, Ургут, турли хил қурилиш материаллари Жом, Булунгур, Иштихонда топилган. Бироқ, бу табиий-ресурс салоҳиятдан хозирча тўлалигича фойдаланилмапти.

Иқлими континентал, намгарчилик қўшни Навоий вилоятига қараганда бироз кўпроқ (300-400 мм). Энг кўп ёгин Омонқўтон атрофида - 1000 мм. Асосий дарё, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг «ўқи» Зарафшон бўлиб, у Самарқанддан сал ўтгандан сўнг иккига, яъни Оқдарё ва Қорадарёга бўлинади, вилоят чегарасида эса (Хатирчи туманида) улар яна қўшилади. Икки дарё оралиғи Миёнқал деб аталади.

Зарафшоннинг доимий, айтарлича сув захираларига эга бўлган ирмоқлари анча оз. Самарқанддан юқориқда, Тожикистон Республикасининг Панжакент туманига қўшни жойда, Зарафшоннинг тоғ оралиқларидан водийга чиқиб келишдан каналлар бошланади. Улардан энг муҳими қадимги Дарғом ҳисобланади, айна ана шу каналдан Эски Анҳор канали сув олади ва у Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманини ҳам суғоради. Каттақўрғон, Оқдарё, Тусунсой сув омборлари, Нарпай, Булунгур каналлари, Бешариқ ариғи ҳам деҳқончилик ривож топган худудларни сув билан таъминлайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоят иқтисодиётининг шаклланишида минерал ресурсларга кўра агроиқлимий шароитларнинг роли катта. Бундан ташқари, бу ерда туризм ва рекреация ресурслари мавжуд бўлиб, уларнинг аҳамияти ҳам сезиларли даражада юқори. Рекреация ресурслари, хусусан тоғ этакларида, сой бўйларида жуда кўп ва улардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Экотуризм нуқтаи назаридан ёрлар, Ургутнинг кўп асрлик чипор ва булоқлари ҳам диққатга сазовор жойлардир.

**Геодемографик вазият.** Вилоят аҳолиси сони бўйича Ўзбекистонда энг олдинда туради. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида аҳоли сонининг ўртacha йиллик кўпайиши 2,20 фоизга тенг бўлди. Аммо бутун мамлакатда бўлганидек, бу ерда ҳам демографик ривожланиш суръати пасайиб бормоқда. Умуман эса, 1989-2014-йиллар мобайнида вилоят аҳолиси 1,8 мартага кўпайган.

Аҳоли сони бўйича Ургут тумани етакчи, унинг аҳолиси Каттақўрғон туманини вилоятга бўйсунувчи шу номли шаҳар билан қўшиб ҳисоблаганда ҳам кўпроқ (431,1 минг киши). Самарқанд туманида 220,0,

Пастдарғомда 307,5 минг киши яшайди ва ҳ.к. Ушбу туманлар республикамизда демографик салоҳияти энг юксак кишлоқ туманлари сирасига киради (Жумладан, Ургут тумани бу борада етакчи). Энг кам аҳоли сони эса асосан чўл ва тоғликлардан иборат Қўшработ (112 минг киши) ва Нуробод (130 минг киши)да қайд этилган.

47-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, вилоятда 2013-йилда туғилиш 23,8, ўлим 4,4 ва табиий кўпайиш 19,4 промилленга ташкил этган.

Самарқанд вилояти аҳолиснинг табиий ҳаракати  
(1000 кишига нисбатан)

т/р	Худудлар	2008 й.			2013 й.		
		туғи-лиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
<b>Шаҳарлар:</b>							
1	Самарқанд ш.	17,8	6,1	11,7	17,4	5,7	11,7
2	Каттакўрғон ш.	25,1	5,7	19,4	23,6	5,4	18,2
<b>Туманлар:</b>							
1	Булунғур	29,7	4,9	24,8	24,4	3,9	20,5
2	Жомбой	24,8	4,7	20,1	25,5	4,3	21,2
3	Иштихон	27,3	3,8	23,5	24,6	3,7	20,9
4	Каттакўрғон	24,2	3,9	20,3	21,9	3,5	18,4
5	Нарпай	23,1	4,4	18,7	24,3	5,0	19,3
6	Нуробод	30,4	4,8	25,6	25,6	4,6	21,0
7	Оқдарё	25,4	4,1	21,3	23,2	3,9	19,3
8	Пайарик	27,3	4,5	22,8	21,9	3,8	18,1
9	Пастдарғом	27,1	4,5	22,6	26,9	4,1	22,8
10	Пахтачи	22,4	4,8	17,6	24,9	4,4	20,5
11	Самарқанд	22,7	5,1	17,6	26,1	4,3	21,8
12	Тойлоқ	27,2	5,3	21,9	23,7	4,2	19,5
13	Ургут	32,0	4,2	27,8	27,1	4,0	23,1
14	Қўшработ	30,2	4,3	25,9	26,1	4,3	21,8
	<b>Жами вилоят</b>	25,6	4,7	20,9	23,8	4,4	19,4

Жадал *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Бу борада вилоят республика ўртача кўрсаткичларидан анча юкори туради. Туғилиш даражаси тоғли худудлар – Ургут, Нуробод ва Қўшработ туманларида катта, унинг энг паст кўрсаткичи кишлоқ туманлари ичида нисбатан урбанизациялашган Самарқанд туманига тўғри келади. Самарқанд шаҳрининг ўзида туғилиш – 17,4; ўлим – 5,7 ва табиий кўпайиш – 11,7 %о га тенг.

Аҳоли сонининг ўсишида миграциянинг роли катта эмас. 1997-2000-йилларда шаҳар ва кишлоқ жойларнинг ҳар бири ўртача бир йилда 3,0-3,7 минг кишидан «ютказган», яъни миграция қолдиғи салбий бўлган. Энг сўнгги йилларда ҳам вазият деярли шундай; 7 та кишлоқ туманларида миграция натижаси салбий, энг кўп манфий миграция қолдиғи Пахтачи ва

Пайариқ туманларида, яъни кишлоқ хўжалигига ихтисослашган, аҳолиси зич худудларда 2013-йилда бу кўрсаткич минус 3,7 ва 2,4 промиллени ташкил қилган.

2013-йилда вилоят бўйича, ҳар 1000 кишига, келганлар 3,6 нафар, кетганлар – 4,2 ва миграция колдиғи минус 0,6 га тенг бўлган. Келганлар сонига кўра Қўшработ (8,6 %), Булунғур (6,0 %) ажралиб туради. Самарқанд шаҳрида бу кўрсаткич 5,6, Каттақўрғонда 5,9 промелле. Айни вақтда Нарпай, Ургут, Пахтачи ва Пайариқ туманларига келганлар 1 промиллега ҳам етмайди. Кетганлар Самарқанд шаҳрида – 8,8, Каттақўрғонда – 9,5 %. Ургутда эса энг паст – 1,6 %. Ижобий миграция колдиғи 2013-йилда Каттақўрғон шаҳри, Қўшработ, Оқдарё, ва Тайлоқ туманларида анча катта. Энг юқори салбий даража Пахтачи (минус 3,7 %), Пайариқ (минус 2,4 %) кишлоқ туманларида қайд этилади. Самарқанд шаҳрида миграция сальдоси ҳар 1000 кишига минус 3,2 га баробар.

Аҳоли зичлиги ўртача 1 км<sup>2</sup> майдонга 203 киши; энг катта кўрсаткич Тойлоқ кишлоқ туманида (617), Самарқанда (459), Нарпай (415) ва Оқдарёда (375 киши). Самарқанд ва Тайлоқ туманларининг кўрсаткичи Фарғона водийси кишлоқ туманларига ўхшаб кетади. Тоғолди ва чўл минтақаларининг аҳолиси эса ниҳоятда сийрак. Нуробод ва Қўшработ туманлари минтақа худудининг 40 фоизини эгаллаган ҳолда, уларда вилоят аҳолисининг атиги 7,1 фоизи яшайди, холос (зичлик 27-52 киши, 46-жадвалга қаранг).

Урбанизациянинг умумий демографик кўрсаткичи 2009-йилнинг “илиқ урбанизация баҳоридан” сўнг бир йилда 25,1 дан 38,8 фоизга кўтарилди. Аммо бу ҳам унча юқори кўрсаткич эмас ва минтақавий иқтисодийнинг таркибий тузилиши нуқтаи назаридан қараганда, реал ҳолатни акс эттиради. Ҳозирда Самарқанд вилояти Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидан сўнг охирдан 3-ўринни эгаллайди. Албатта, бу Самарқанддек дунёга машҳур, Соҳибқирон Амир Темур империясининг пойтахти бўлган худуд учун анча паст кўрсаткич саналади.

Республиканинг иккинчи шаҳри – Самарқандда, унинг худуди Самарқанд кишлоқ тумани ҳисобидан кенгайгандан сўнг, 513 минг киши, Каттақўрғонда – 83 минг, Ургутда – 65, Оқтошда – 42, Булунғурда – 29 минг киши, Пайшанбада 23 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Қолган шаҳар ва шаҳарчалар кичик ёки майда шаҳарчалар синфига мансуб. Жами шаҳарчаларнинг 76 таси 2009-йилда Кишлоқ тараққиёти йили Давлат дастурига биноан ташкил топган. Уларда ҳаммаси бўлиб 400 мингга яқин аҳоли бор. Энг кўп янги шаҳарчалар Пастдарғом (11 та), Иштихон (11 та), Пайариқ (9 та) туманларида, энг оз қисми Булунғур (3 та), Қўшработ, Нарпай ва Самарқанд туманларида (2 тадан) ва Нуробод туманида (1 та - Нурбулоқ) вилоят маъмурий харитасидан жой олган.

Самарқанд вилояти ва, хусусан, Ургут туманида йирик қишлоқлар кўп. Янги шаҳарчалар орасида бундай демографик салоҳиятга эга бўлганлари: Ургут туманида – Ўрамас (29,2 минг), Ғўс (28,9 минг), Жартепа (18,4 минг), Испанза (20,9 минг), Тойлоқ туманида – Тойлоқ (13,3 минг), Пастдарғом туманида – Чархин шаҳарчаси (10,3 минг киши) ва ҳ.к. Яқин йилларга Наманган аҳоли сонига кўра республикамизнинг “иккинчи шаҳри” эди, ҳозирда бу ўринни унинг дастлабки пойтахти – Самарқанд эгаллади. Шаҳарнинг таъсир зонасида йирик Самарқанд агломерацияси шаклланган. Агломерация таркибига Ургут, Жомбой, Булунғур, Хешрав, Кимёгарлар, Фарҳод, Жума, Лоиш, Челак каби “йўлдош” шаҳар манзилгоҳлари қиради.

Минтақада жами 1829 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Бу борада у республикамизда биринчи ўринда. Қишлоқларнинг кўпчилиги ва катталари интенсив суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда, Самарқанд шаҳри атрофида жойлашган. Шунингдек, тоғ оралиғидан оқиб чиққан сойлар ҳам ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий географик хусусият касб этади. Бу ерда қишлоқлар, сой гидрорежимига мос ҳолда, занжирсимон ўрнашган. Тоғолди ва чўл ҳудудларида эса (Кўшработ ва Нуробод туманлари) қишлоқлар сийрак ва унча катта эмас.

Вилоят аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил, у узоқ тарихий жараёнлар таъсирида шаклланган. 2013-йил маълумотларига кўра, жами аҳолининг 87,3 фоизини ўзбеклар, 7,7 фоизини тожиклар, 1,5 фоизини руслар ташкил қилади. Қолган миллатлар орасида украин, арман, қозок, озарбайжон ва корейцлар бирмунча кўпроқ.

Минтақа ўзининг демографик вазиятига биноан катта меҳнат ресурсларига эга. 2014-йил 01.01.маълумотларига қараганда, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 1980 минг кишидир, иқтисодий фаол аҳоли – 1434 минг нафар, шундан, иқтисодиётда банд бўлганлар эса – 1357 минг киши. Жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 66,8 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳаларида, шу жумладан, 19,7% – саноатга, 33,8 % - қишлоқ хўжалигига, 2,7 % - транспорт ва алоқага, 5,3 % - қурилишга, 8,6 фоизи савдо, умумий овқатланиш, моддий техник таъминот ва қайта ишлав бериш соҳаларига тўғри келади. Номоддий ишлаб чиқаришдан таълим, маданият, санъат, илм-фан (14,5 %), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот (7,3 %) ажралиб туради. 2013-йил давомида вилоятда жами 94,5 минг янги иш ўринлари яратилган (асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда). Умуман олганда эса, республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш муаммоси бу ерда ҳам долзарбдир.

**Хўжалиги, унинг ихтисослашуви ва географияси.** Самарқанд вилоятининг хўжалиги аграр-индустриал йўналишда бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ижтимоий соҳалар, жумладан, туризм ҳам



ривожланиб бормоқда. Минтақа ялпи худудий маҳсулоти таркибида саноат 10,7 %, қурилиш 7,7 %, кишлоқ хўжалиги 37,2 %, транспорт ва алоқа 7,5 %, савдо ва умумий овқатланиш 7,3 ва солиқлар 2,2 фоизни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси бўйича вилоят Сурхондарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари қаторида туради.

Бозор ислохотларининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланмиш кичик бизнесга, инвестиция ва қўшма корхоналар фаолиятига катта эътибор берилмоқда. 2014-йил 01.01. ҳолатига кўра, вилоятда жами 13,6 мингдан зиёд кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатган: уларнинг кўпчилиги турли хил микрофирмалардан иборат. Кичик бизнеснинг асосий қисми кишлоқ хўжалигида ҳамда савдо ва умумий овқатланишда ташкил қилинган. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида мавжуд. Уларнинг кўпроқ қисми Самарқанд шаҳри, Ургут, Пастдарғом ва Самарқанд туманларида қайд этилган, Нуробод ва Қўшрабодда эса бироз камроқ.

Кичик бизнес соҳасида ишлаётганлар иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,6 фоизни ташкил қилади. Ялпи худудий маҳсулотнинг 35,0 фоизи унга тўғри келади. КБнинг экспортдаги улуши – 67,6, импортда 53,1 фоизга баробар. Алоҳида тармоқлар бўйича ҳиссаси: саноатда – 43,2 %, кишлоқ хўжалигида – 98,4 %, қурилиш ишларида – 92,3 %, чакана савдо айланмасида – 50,6 %, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда 61,3 % га тенг. Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган КБ субъектлари сони 13,6 та.

Жами киритилган капитал қуйилмалар ҳажмининг 1/3 қисмидан кўпроғи Самарқанд шаҳрига тўғри келади. Қишлоқ туманлари орасида Нуробод, Жомбой ва Қўшрабод олдинда, Каттақўрғон, Пастдарғом туманларининг инвестицион салоҳияти пастроқ. Киритилган инвестицияларнинг 10 фоизига яқини чет эл инвестициялари ва кредитларидир. Бундай инвестициялар, асосан, вилоят маркази Самарқандга, шунингдек, Нуробод, Жомбой ва Қўшрабод туманларига йўналтирилган. Қурилиш географиясида, Самарқанд шаҳридан ташқари, Пайариқ ҳамда Ургут туманлари пешқадам. Бу худудларда турли объектлар, хусусан, ишлаб чиқариш ва инфратузилма шахобчалари, уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари бинолари кўплаб қурилган.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий сони 230 та. Бу корхоналар вилоят экспорт ҳажмининг 48,3 фоизини таъминлайди. Мазкур борада, айниқса, Япония билан ҳамкорликда барпо этилган “Самавто” корхонасининг аҳамияти катта. Сўнгги йилларда Жомбой туманида Германия билан биргаликда ишга туширилган юк ташувчи “JVMAN” заводи ҳам нафақат туман, балки вилоят иқтисодиётининг юксалишига ёрдам берди.

Фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг ярмига яқини вилоят марказида, кишлоқ туманлари орасида эса бундай корхоналар Ургут,

Жомбой ва Самарқанд туманларида кўпроқ. Айни вақтда Окдарё, Пайарик Иштихон, Қўшработ, Пахтачи ва Нуробод туманларида уларнинг сони оз. Экспорт ҳажмида Самарқанд шаҳри, шунингдек, Жомбой, Пастдаргом туманлари қўшма корхоналари ҳам салмоқли ишларни амалга оширади.

**Саноати.** Самарқанд вилояти саноати кўп тармоқли хусусиятга эга. Бу ерда озиқ-овқат, машинасозлик, енгил, кимё, чиннисозлик саноати яхшироқ ривожланган. Мустақиллик йилларида қурилган автомобилсозлик заводлари минтақа иқтисодий салоҳиятини кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, ҚҚ тамаки, чинни идишлар, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқиришда ҳам фаол иштирок этмоқда; ҳаммаси бўлиб 2730 та, шу жумладан, 33 та йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатади, уларда 35,4 минг ишчи ходим хизмат қилади.

2012-йил маълумотларига кўра, озиқ-овқат саноати жами саноат маҳсулотининг 41,8 фоизини берган. Иккинчи ўринда енгил саноат-20,3 фоиз, учинчи ўринда машинасозлик ва метални қайта ишлаш-19,3 фоиз, тўртинчида ун-ёрма ва омихта ем ишлаб чиқариш – 6,5 фоиз. Кимё ҳамда қурилиш материаллари саноат тармоқларининг мавқеи ҳам анча баланд. Вилоятда шиша-чинни идишлар ишлаб чиқариш, енгил (пиллакашлик ва ип газлама ишлаб чиқариш), озиқ-овқат саноат тармоқларининг ҳудудий мужассамлашув даражаси ёки ихтисослашув индекси юқори.



Самарқанд вилоятида мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида йўқ ёки жуда кам учрайдиган саноат тармоқлари мавжуд. Улар жумласига лифт, кино аппаратуралари, чой қадоқлаш, совутгичлар, автобус, оғир юк ташувчи машиналар, тамаки-ферментация каби заводлар киради. Бироқ, вилоятнинг электр энергетика ҳамда қурилиш базаси сустроқ, ип газлама ишлаб чиқариш ҳам ривожланмоқда (“Самтекс”-Жомбойда).

Бир йилда 2,5млн. м<sup>2</sup> ип газлама, 22,5 минг тонна ўсимлик ёғи, 10-12 минг тонна тамаки маҳсулотлари, 80-83 минг тонна пахта толаси, 18 минг дона совутгич ва музлаткичлар ишлаб чиқарилади. 2012-йилда 3705 та

замонавий юк машиналари ва автобуслар “СамАвто”, “JV-MAN” қўшма корхоналарининг конвейерларидан чиқди. Яқин келажақда бу рақам янада кўпаяди. Мазкур корхонада республикамизда илк бор мотоцикл ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Шу билан бирга, вилоятда 112 минг т омехта ем, 5,3 минг т хўжалик совуни, 202,2 млн. шартли банка мева-сабзавот консервалари, 24 минг т гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 24,1 минг т сут маҳсулотлари, 164 минг т ун ишлаб чиқарилган. Самарқанд шаҳрида йирик пиллакашлик ва ипак газлама, гилам тўқиш корхоналари ҳам бор.

Асосий саноат корхоналари Самарқанднинг ўзида жойлашган. Бу ерда лифт, автомобиль, совутгич, шиша-чинни идишлар, кимё, консерва, вино заводлари, ипак газлама, тамаки, чай қадоклаш фабрикалари каби корхоналар мавжуд. Каттакўргонда машинасозлик, ёғ, пахта тозалаш (республикада энг тўнғич) заводлари, Жомбойда, автомобилсозлик, йирик дон маҳсулотлари комбинати ва «Самтекс», Булунғурда вино заводи бор. Самарқанднинг “йўлдош” шаҳарчаларида Хишров СЭС, суперфосфат заводи, Фарҳодда қурилиш материаллари саноати жойлашган. Қишлоқ туманлари марказларининг кўпчилигида пахта тозалаш заводлари, Ингичкада тоғ-кон корхонаси ишлаб турибди.

Вилоятнинг энг йирик саноат корхоналари: Самарқанд кимё заводи кимё ва нефть-кимё саноат маҳсулотининг 38,8 фоизини, Жомбой автомобиль заводи машинасозлик саноати маҳсулотининг 50,0 фоизини таъминлайди. Булардан ташқари, совуткич ва музлаткич ишлаб чиқарувчи “Сино” заводи ҳам анча катта кўрсаткичларга эга. Саноатнинг худудий ташкил қилиш тизимида, энг аввало, Самарқанд ва Каттакўргон туманлари ажралиб туради. Умуман олганда, Самарқанд шаҳри вилоят саноат маҳсулотининг 44,1 фоизини беради, Каттакўргоннинг бу соҳадаги кўрсаткичи 2,4 фоизга баробар. Қишлоқ туманлари орасида Жомбой олдинда – 12,4 %. Самарқанд ва Ургутнинг саноат салоҳияти каттарок. Қолган туманлар, айниқса, Нуробод ва Қўшрботда ҳозирча саноат ишлаб чиқариши яхши ривожланмаган.

ХИМ жами саноат маҳсулотининг 2/3 қисмини ташкил қилади. Улар таркибида ноозик-овқат маҳсулотлари кўпроқ. Халқ истеъмол молларининг 60 фоизига яқини Самарқанд шаҳрида, 6,0 % Самарқанд туманида, 9,0 % Ургутда, 5,4 % Жомбойда ишлаб чиқарилади. Айни пайтда Қўшрбот, Пайариқ, Оқдарё, Иштихон қишлоқ туманларининг бу борадаги улуши 1,0 фоиз атрофида (39-илова).

Вилоят саноат ишлаб чиқариши динамикасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу макроиқтисодий тармоғи, айниқса, охириги йилларда тез ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2013-йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 113,6 фоизга кўпайган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий иқтисодиётни саноатлаштириш сиёсатининг амалдаги натижаси ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки,

# САМАРҚАНД ВІЛОЯТИ ИҚТІСОДИЙ КАРТА

## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГІНІҢ ИХТІСОСЛАШУВИ

### Сүтқора дехқончылық зонасы

Шошар агрофи кәсіпшілігі болғандықтан, ұымшылық, ұтұт-сұт қорығылуы

Пактамак, итәшәлік, мөвәдилік, сәбзәвәтшілік, бөлдөршілік, ұтұмшық ва сұт-сұт қорығылуы

Тәшәшәлік, итәшәлік, сәбзәвәтшілік, сұт-ұт қорығылуы

### Пәли дехқончылық зонасы

Дәлил әнәләр, бәлән әрлердә төмәк әнәләр ва ұтұт-сұт қорығылуы

### Чүл-әйләв зонасы

Чүл-әйләв қорығылуы (әссәсн қоракүшәлік)

### Тәг-әйләв зонасы

Тәг-әйләв қорығылуы (ұшәтәтә күшәләнәт, ұшәтәтә қорығылуы), дәләр водәләләрдә бөгләр ва ұтұтәсләр

## КЕНТ ТАРҚАЛҒАН РАЙОНЛАР

- пақтачылық
- бөгләр
- ұтұтәсләр
- сәбзәләр ва қартәшәкә
- ләкәтә зонәләр
- мөвәдәкүшәләр
- бугәтә
- әрләр
- дән-дүшәкәләр
- ләкәтә
- тәшәкә

## РАЙОНЛАР

- Қоракүл күшәләр
- ұршәтә
- чүшәкәләнәт
- парәдәкәләнәт
- әсәләнәкәләнәт

## ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

### Япыа махсуслоқ хәжәтләр

- брәйнә сәнәәт пунктләр
- Жүдә әйрәк
- Әйрәк
- Угә
- Мәйдә

## САНОАТ ТЕРМОНЛАРИ


- Рангилә металлургия
- Мәшинәсәзлик ва мәтәллуә қәтәтә шәшәш
- Қурғиләш мәтәриәлләри
- Енгилә
- Озәк-сәкәт
- Бошқә тарқәкәләр

## ИДІРІВЧИ САНОАТ

- Вәләстрәм рудәләр
- Олун
- Гипс
- Оқәкәтәш
- Мәрмәр
- Күрәшәш төшә
- Минерәл суә буюқсләр

Зәрбәнд Қолларынәт нәмләр

- Гидроәлектростәңшәләр
- Электр ұзәтәкәтәкә ләйнәлләри
- Гәз күзәуләри
- Нәфт күзәуләри



## САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ЯПЫА МАХСУСЛОҚЛАРИ ХӘЖИТИ (2011 й.)

- 1 км ұстәтә бәләңдәлгә - 103 млрд. сүм
- Қишлөк хәжәлгә
- Сәнәәт

Самарқанд вилояти саноати кўрсаткичлари яқин ўтмишда (2000-йилларда) республика миқёсида бу борада анча паст эди.

**Қишлоқ хўжалиги.** Самарқанд вилояти республикамиз агроиктисодиётида муҳим ўринга эга. Минтақада қишлоқ хўжалиги, колган вилоятлардан фарқли ўларок, кўп тармоқлидир. Бу ерда пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари боғдорчилик, узумчилик, тамаки етиштириш анча яхши ривожланган. Узумчилик бўйича у, Тошкент вилояти билан бир қаторда, Ўзбекистонда етакчи ҳисобланади. Ҳозирги кунда вилоятнинг 5 та қишлоқ туманида пахта етиштирилмайди.

Деҳқончилик билан бир қаторда, чорвачилик ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, қўйчилик, қорақўл қўйларини боқиш (асосан, Қарноб чўлида) катта аҳамиятга эга. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида деҳқончиликнинг улуши – 62,8 %. Фермер хўжаликлари маҳсулотларнинг 37,0 % ни етказиб беради.

Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ер майдони 1295,0 минг га ёки вилоят умумий ҳудудининг 77,2 % демакдир. Нуробод, Қўшработ, Пахтачи ва Пайариқ туманлари бу борада ажралиб туради (48-жадвал).

Суғориладиган ерлар 310 минг га бўлиб, улар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган барча ерларнинг 23,9 фоизини ташкил қилади (қишлоқ хўжалиги ер фондидан интенсив фойдаланиш коэффициенти ҳам шу даражада). Суғориладиган ерлар айниқса Қўшработ, Нуробод ва Пахтачи туманларида жуда оз миқдорда, Нарпай, Оқдарё, Тойлоқ, Пастдарғом туманларида эса кўпроқ.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 1/3 қисми экин экиладиган ерлар ва 3/5 қисмидан сал кўпроғи пичанзор ҳамда яйловлардан иборат. Экин майдонларининг ҳиссаси Пастдарғом, Жомбой, Оқдарё ва Нарпай туманларида юқори, Нуробод, Пахтачи ва Қўшработ қишлоқ туманларида эса пичанзор ва яйловлар кўпдир. Жами экин майдонлари 2012-йилда 406,4 минг га (2000 йилда 403 минг га) бўлган. Шундан 154 минг гектари донли экинлари (Ўзбекистонда олдинги ўринларда), 92 минг га – пахта, 7,6 минг га – тамаки, 25 минг га – сабзавот ва 52 минг гектари ем-ҳашак билан банд. Шу йилда 146 минг гектарга буғдой экилган, ялпи ҳосил 781 минг тонна, ҳосилдорлик 53,6 ц/га бўлган. Пахта майдонларидан 235 минг т пахта хом ашёси ёки ҳар бир гектар ердан 25,7 центнердан ҳосил олинган.

Тамакичилик Ургуч туманида ташкил этилган. Бошқа техника ва мойли экинлардан масхар, кунгабоқар, шунингдек, зиғир ва кунжут ҳам экилади. Картошка 11,6 гектар ерни эгаллайди, ялпи ҳосил – 450 минг т. Узумзорлар 34,2 минг гектарни эгаллаб, ўртача бир йилда 420 минг тонна узум етиштирилади. Картошка ва узум етиштиришда Булунғур тумани етакчилик қилади.

**Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида  
фойдаланиладиган ерлар таркиби**

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	Пичанзор ва яйловлар
Булунгур	75,2	54,8	24,7	49,7	18,6	0,3	31,4
Жомбой	56,0	33,7	24,3	73,6	7,6	0,3	18,5
Иштихон	71,8	49,1	26,0	64,8	11,9	0,3	23,0
Каттақўрғон	139,3	100,1	28,6	44,4	2,9	2,9	49,8
Нарпай	44,2	28,7	22,7	75,5	7,8	0,2	16,6
Нуробод	486,2	422,0	6,4	15,6	0,8	-	83,6
Оқдарё	37,5	24,1	22,3	82,5	10,6	2,3	4,6
Пайарик	128,7	103,0	35,3	54,0	4,0	1,1	40,9
Пастдарғом	87,1	58,5	46,9	79,5	7,2	0,3	13,0
Пахтачи	137,6	111,9	19,4	17,8	1,6	0,1	80,5
Самарқанд	47,8	26,2	14,3	36,0	23,4	-	40,6
Тойлоқ	27,8	16,4	13,3	51,9	29,4	-	18,7
Ургут	112,0	74,4	23,9	27,6	10,4	0,08	61,9
Қўшработ	216,0	191,6	3,0	20,7	0,6	0,03	78,6
<b>Жами вилоят</b>	<b>1667,3</b>	<b>1295,2</b>	<b>310,3</b>	<b>33,6</b>	<b>4,6</b>	<b>0,4</b>	<b>61,4</b>


*Маъба: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" – Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011, - 130 бет маълумотлари.*

Вилоят бўйича йирик шохли моллар сони 1285 минг бошга яқин (республикада 1-ўринда туради), қўй ва эчкилар – 1827 минг бош. Бир йилда етиштирилган қорақўл тери 93 минг дона атрофида, пилла – 2737 тоннани, жун – 4384 т, сўт – 930 минг т, гўшт (тирик вазнда) 204 минг тоннани ташкил этади.

Интенсив қишлоқ хўжалиги асосан вилоятнинг марказий худудларида яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий қиймати бўйича Ургут (12,2 фоиз), Булунгур (9,9 фоиз), Пайарик (9,0 %), Самарқанд (8,6 %) ва Тойлоқ (9,0 фоиз) туманлари олдинда туради; Иштихон ва Каттақўрғон туманларининг маъқелари ҳам яхшироқ. Айни вақтда, Нуробод туманига вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 2,4 фоизи тўғри келади, холос (39-илова).

Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви қуйидагича: Ургут туманида тамакичилик, боғдорчилик, узумчилик; Қўшработ ва Нурободда, асосан,

## 14-расм. Самарқанд вилояти экин майдонларининг таркибий тузилиши



чорвачилик; Булунғурда боғдорчилик ва узумчилик, картошка етиштириш; Самарқанд, Ургут ва Тойлоқ туманларида шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ривожланган. Пахта суғорма деҳқончилик районларида (Пастдарғом, Пахтачи, Иштихон, Нарпай, Пайариқ, Оқдарё ва б.), ғалла пахта билан биргаликда, шунингдек, тоғ этакларидаги лалмикор ерларда экилади.

Вилоят агроиктисодиётида чорвачилик ҳам катта ўринга эга. Унинг географиясида гўшт етиштириш бўйича Ургут тумани кескин ажралиб туради – минтақа жами гўшт маҳсулотининг 16,6 фоизини беради (49-жадвал).

Сут етиштиришга Ургут, Иштихон ва Каттақўрғон туманлари ихтисослашган ҳисобланади. Табиийки, паррандачилик, жумладан, тухум етиштириш, одатда, йирик шаҳарлар атрофида ривожланган бўлади. Шу боис, мазкур чорвачилик маҳсулотининг 2/3 қисми биргина Самарқанд туманида тайёрланади.

Бошқа вилоятларда бўлганидек, Самарқандда ҳам фермер хўжаликлари ривожланиб бормоқда. 2014-йил 1-январь ҳолатида бу ерда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони жами 8388 та, уларга 527,1 минг га ер бириктирилган ва 115,1 минг киши меҳнат қилади (40-илова). Ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 62,8 га ер ва 14 кишидан ишчилар тўғри келади. Фермер хўжаликлари асосан деҳқончилик ривожланган ҳудудларда кўп ташкил қилинган. Булунғурда уларнинг сони 1129 та, Пастдарғомда – 813 та, Ургут туманида – 829 та, Тойлоқ туманида – 708 та; айни пайтда, Қўшработда – 267 та, Пахтачида – 357 та, Нарпайда – 378 та фермер хўжаликлари бор. Ер майдони бўйича эса Нуробод (191,4 га 1 та фермер хўжалигига), Каттақўрғон (121,3 га), Пайариқ (89,1 га), Қўшработ (67,8 га) етакчилик қилади. Тойлоқ ва Самарқанд туманларида ҳар бир фермерлар хўжалигига атиги 18 ва 36 гектардан ер тўғри келади.

Самарқанд вилояти қишлоқ туманларида чорвачиликнинг айрим маҳсулотларини етиштириш (2012-йил, жамига нисбатан фоизда)

т/р	Қишлоқ туманлари	Гўшт	Сут	Тухум
1	Булунғур	6,8	5,2	2,3
2	Жомбой	2,5	5,6	5,1
3	Иштихон	7,9	11,7	4,0
4	Каттакўрғон	8,7	11,5	3,6
5	Нарпай	2,1	4,4	0,5
6	Нуробод	4,8	2,9	0,6
7	Оқдарё	5,4	5,0	2,0
8	Пайарик	9,7	9,8	1,8
9	Пастдаргом	8,6	7,5	2,5
10	Пахтачи	5,6	5,5	2,2
11	Самарқанд	6,6	6,1	65,3
12	Тойлок	7,2	7,7	2,5
13	Ургут	16,6	11,9	3,9
14	Қўшработ	6,1	4,1	2,4

*Жадвал Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Дехқон хўжалиklarининг сони 500 миндан зиёд, бириктирилган ер майдони 90 минг га атрофида, ялпи маҳсулотдаги ҳажми 61,6 %. Фермер ва дехқон хўжалиklари ўртасида ўзига хос “меҳнат таксимоти” мавжуд. Бу қишлоқ хўжалигининг ихтисослашувига, ҳудудларнинг ер билан таъминланганлигига, аҳоли ва меҳнат ресурсларига боғлиқ. Масалан, жами экин майдонининг 80,6 фоизи фермер ва 17,8 фоизи дехқон хўжалиқдарига тўғри келгани ҳолда, фермер хўжалиklари маҳсулотнинг 37,0 фоизни беради. Фермер хўжалиklarининг экин майдонида ғалла, барча техника ва мойли экинлар ҳамда узумчилик сезиларли даражада устунликка эга. Пахтанинг 100 фоизи ушбу мулкчилик шаклига тўғри келади. Сабзавот ва полиз экинларида, ем-ҳашак майдонларида бу устунлик камроқ, картошка, шунингдек, гўшт, сут, тухум, жун, пилла етиштиришда, чорва моллари сонида дехқон хўжалиklари асосий ўринни эгаллайди. Қорақўл терисини тайёрлаш эса қишлоқ хўжалиқ корхоналари ва дехқон хўжалиklари зиммасидадир.

**Ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши.**

Самарқанд вилоятида номоддий ишлаб чиқаришда жами ишчи ва хизматчиларнинг 33,2 фоизи (436 минг киши) банд. 2013-йилда чакана савдо айланмаси, бир кишига ҳисоблаганда, Булунғур, Пахтачи, Пайарик туманларида юқориқ, Иштихон, Каттакўрғон, Қўшработ ва Тойлок туманларида эса паст бўлган. Бу борада шунини эътиборга олиш лозимки, катта шаҳарлар атрофидаги қишлоқ туманлари аҳолиси ўзининг ижтимоий соҳаларга бўлган эҳтиёжларини кўпроқ кўшни марказларда қондиради.



Одатда, шаҳарларда бундай соҳа объектлари ҳам кўп, хизмат сифати ҳам яхшироқ. Айни ана шундай объектив сабаблар билан Тойлоқ ва қисман Каттакўрғон туманларида қайд этилган паст кўрсаткичларни изохлаш мумкин. Шу билан бирга, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмасининг ўта катталиги ҳам ушбу қонуниятни асослаб беради. 39-илова маълумотларига қараганда, чакана савдо айланмасининг 26,5 фоизи Самарқандга ва 5,7 фоизи Каттакўрғон шаҳарларига тўғри келади. Қишлоқ жойлар миқёсида Ургут (бу ерда савдо анъанавий ҳолда ривож топган), шунингдек, Пастдарғом ва Пайариқ туманлари ажралиб турса, Тойлоқ ва Оқдарё туманлари энг охириги ўринларни эгаллайди.

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳолати ва географияси ҳам тахминан шу тарзда. Вилоятда кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмининг 35,9 фоизи Самарқанд шаҳрида амалга оширилган; Пастдарғом ва Ургут туманларида ҳам бу кўрсаткич юқорироқ, Пахтачи, Оқдарё, Нуробод ва Қўшрабодта паст даражада. Ҳар бир кишига ҳисоблаганда, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларини ҳисобга олмаганда, бу кўрсаткич Самарқанд, Булунғур ва Жомбой туманларида юқори, Иштихон, Нуробод ва Пайариқда эса паст.

Вилоятда ҳар бир кишига 14,3 кв м уй-жой тўғри келади. Бу кўрсаткич Тойлоқ, Самарқанд, яъни бевосита вилоят марказига туташ ҳудудларда яхшироқ. Уй-жой билан таъминланиш даражаси нисбатан паст ҳудудлар Иштихон, Ургут, Булунғур туманларидир. Минтақа аҳолисининг табиий газ билан таъминланиш даражаси вилоятда ўртача – 84,3 %. Бундан юқори кўрсаткич Самарқанд, Тойлоқ, Каттакўрғон, Пахтачи туманларида қайд этилган. Бирмунча муаммоли вазият эса – Нуробод ва Қўшрабод туманларида. Айни шу ҳудудларга “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурини амалга оширишни давом эттиришда жиддий эътибор қаратиш лозим. Марказлашган сув таъминоти ўртача 84,9 фоизни ташкил этган ҳолда, Самарқанд, Тойлоқ, Ургут ва Булунғур туманларида бу кўрсаткич юқори. Паст кўрсаткичлар Каттакўрғон, Иштихон ҳамда Пайариқ туманларига тегишли. Ҳатто Каттакўрғон шаҳрида ҳам бу борада муаммо мавжуд.

Соғлиқни сақлаш тизимида жами 125 муассаса мавжуд. Уларнинг кўпчилигига бюджетдан маблағ ажратилади. Ҳар 10000 кишига тўғри келадиган бемор ўринлари – 41,4 та. Амбулатория-поликлиника муассасалари 625 та, ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган қуввати ёки сифими бир сменада 115 қатновни ташкил қилади. Бундай нисбий кўрсаткичлар врачлар сони бўйича 26 ва ўрта тиббиёт ходимлари сони бўйича - 80 кишига тенг.

Фельдшерлик, акушерлик пунктлари 59 та, қишлоқ врачлик пунктлари 396 та бўлиб, ўртача битта қишлоқ туманида 28 тадан ҚВП жойлашган.

Минтақада аҳоли саломатлигини тиклашга қаратилган кўплаб рекреация объектлари – оромгоҳ ва сихатгоҳлар ташкил этилган. Жумладан, улар Каттакўрғон тумани (Нагорный), Нуробод (Ибн Сино номидаги сихатгоҳ), шунингдек, Булунғур, Ургут ва бошқа туманларда, Самарқанд шаҳрида ҳам бор. Шу ўринда, Булунғур ва унга туташ бўлган худудларнинг ўзига хос нозогеографик вазиятини кайд этиш зарур. Баъзи йилларда, асосан, тоза ичимлик сувининг етишмаслиги сабабли, бу ерда вакти-вакти билан юқумли касалликлар, масалан, ичбуруғ учраб туради.

Самарқанд вилоятида жами 553 та мактабгача тарбия муассасалари бор. Улардаги ўринлар сони 68,5 мингга. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир муассасага ўртача 106 кишидан тўғри келади. Табиийки, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини ташкил этиш чўл ва тоғликлардан иборат қишлоқ туманларида (Кўшработ, Нуробод, Пахтачи) анча муаммоларга дуч келади. Сабаби, бу худудларда аҳоли сийрак жойлашган, қишлоқлари эса унча катта эмас.

Умумтаълим мактаблари вилоятда –1233 та, уларда ўқувчилар сони – 520 минг киши; бир мактабда ўртача 422 тадан ўқувчи таълим олади. Бу рақам, уни айрим бошқа минтақаларга таққослаганда, унча катта эмас. Шу ўринда Самарқанд вилоятининг нисбатан “серқишлоқлигини” унутмаслик лозим. Агар жами аҳолининг тахминан 22-23 фоизини мактаб ёшидагилар ташкил қилиши эътиборга олинса, ҳар бирида 500 ёки 250 киши яшайдиган қишлоқларда таълим муассасаларини ташкил этиш қийинчиликлари ўз-ўзидан аён бўлади.

Вилоятда жами 14 та академик лицейлар мавжуд бўлиб, уларда ўқувчилар сони –12 минг киши таҳсил олади. Уларнинг айримлари олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган. 160 та касб-хунар коллежларида 192 минг нафар ўқувчи ўқийди. Коллежлар минтақанинг барча шаҳар ва қишлоқ туманларида бор, уларнинг йўналишлари эса жойларнинг демографик вазияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ҳўжалигининг ихтисослашувига мувофиқ ҳолда ташкил қилинган.

Олий ўқув юртлари 7 та ва бу борада Самарқанд шаҳри республикамизда Тошкент шаҳридан кейинги, юқори малакали кадрлар тайёрлаш маркази саналади. Жами талабалар сони – 23,0 минг киши. Улар Самарқанд давлат университети, хорижий тиллар, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, сервис ва архитектура институтларида таълим олишади.

Самарқанд вилояти мамлакатимизда туризм соҳаси ривожланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу худудда жойлашган, асосан, соҳибқирон Амир Темур ва унинг набираси Мирзо Улуғбек томонидан барпо этилган оламшумул бинолар, масжиду-мадрасалар, тарихий ёдгорликлар – Регистон, Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Улуғбек обсерваторияси, Бибихоним мадрасаси, Даҳбед қишлоғида жойлашган Маҳдуми Аъзам, Пайариқ туманида республика Президенти ташаббуси билан барпо этилган Имом

Бухорий қадамжолари нафақат мамлакатимизда, балки Ислол олами ва бутун дунёда ҳам машҳурдир. Бундай қадамжо ва зиёратгоҳлар вилоятнинг бошқа туманларида кўп (Ургут, Самарқанд, Қўшработ ва б.)<sup>1</sup>. Шунингдек, Самарқанднинг машҳур нони, ширинликлари ва миллий таомлари, хунармандчилик маҳсулотлари сайёҳлар учун катта кизиқиш туғдиради.

Вилоятда туристик инфратузилманинг энг муҳим объектларидан бири – жами 76 та меҳмонхоналар мавжуд, улардаги ўринлар сони – 3400 та. Хусусий секторда ҳам меҳмонхоналар ташкил қилинган. Бир йилда тахминан 140-150 мингта сайёҳга, шу жумладан 90 мингта хорижий фуқароларга туристик хизмат кўрсатилади. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси бу жараёнда фаол қатнашади. Бирок, вилоятнинг туристик салоҳиятидан ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу ерда туризмнинг турли шакллари, жумладан, диний, илмий, эко ва агротуризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Бунинг учун, энг аввало, ташкилий муаммолар, масалан, рекламани яхшилаш, туристик инфратузилмани замон талабларига яраша шакллантириш зарур.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Самарқанд вилояти мамлакатимизнинг марказида жойлашганлиги боис, у қулай транспорт географик ўринга эга. Бу ерда трансчегаравий аҳамиятга молик халқаро ва миллий мақомдаги темир ва автомобиль йўллари бор. Республикаимизда биринчилардан бўлиб, Тошкент-Самарқанд йўналишида тезорар “Регистон” ва мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида ишга туширилган электрлаштирилган темир йўли ва “Афросиёб” тезорар поездлари қатнови ташкил этилган. Самарқанд шаҳридаги аэропорт ҳам халқаро аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосида эркин иқтисодий зона барпо этиш имкониятлари мавжуд.

Минтақада 2012-йилда 55,6 млн. т юк, 434,0 млн йўловчилар ташилган. Вилоят доирасида ташилган юк ва йўловчиларнинг 100 фоизи автомобиль транспорти зиммасига тушади. Автомобиль транспортида ташилган юклар ҳажми Булунғур ва Самарқанд туманларида кўп, Тойлоқ ва Ургут туманларида эса, у нисбатан оз. Юк айланмаси Булунғур, Қўшработ ва Ургут туманларида юқори, Нарпай, Жомбой ва Пахтачи туманларида камрок.

Ушбу транспорт турида йўловчилар ташишда ҳам худди шундай худудий тафовутлар сезилади. Жумладан, Пастдарғом туманига жами вилоятда ташилган йўловчининг 7,6 фоизи тўғри келади. Бу рақам Самарқанд шаҳри ҳамда Пахтачи, Самарқанд туманларида ҳам анча катта. Бундай худудий фарқлар туманларнинг географик ўрни, майдонининг

---

<sup>1</sup> Самарқанд шаҳрида, унинг қадимги маркази – Регистонда ҳар йили “Шарк тароналари” Халқаро фестивали (кўриги) ўтказилади.

ташки кифёаси, демографик салоҳияти, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси каби омилларга боғлиқ.

Самарқанд вилоятининг ташқи савдо айланмаси 2013-йилда 777,8 млн. АҚШ доллариға яқин бўлган. Экспорт – 150,8, импорт – 627,0 млн. қолдиқ – минус 476,2 млн. долларға тенг. Экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари 43,1, хизматлар 22,9 фоизни ташкил этган. Импортда эса машина ва ускуналар улуши 53,5, кимё саноати маҳсулотлари – 23,3, озиқ-овқат 10,0 фоизга баробар. Машина ва ускуналар ҳисобидан ташқи савдо айланмаси нисбатан юқори бўлса, бу ёмон эмас. Чунки сотиб олинган замонавий техник жиҳозлар, машиналар кейинги йиллар тараққиёти учун замин ҳозирлайди, модернизациялашга ёрдам беради.

2010-йилда ташқи савдо айланмаси 452,5 млн, экспорт 109,2 ва импорт 343,3 млн АҚШ доллариға тенг бўлган. Қолдиқ – минус 243,0 млн доллар. Экспорт таркиби: озиқ-овқат маҳсулотлари – 60,7 %, машина ва ускуналар – 6,7 %, пахта толаси – 1,3 %. Импортда машина ва ускуналар – 49,5 %, кимё саноати маҳсулотлари – 21,0 %, озиқ-овқатлар – 14,3 фоизни ташкил қилган. 2013-йилда вилоят ташқи савдо айланмасининг 2/3 қисмини, шу жумладан, экспортнинг 34,9 ва импортнинг 74,7 фоизи “Узоқ” хорижий ва Болтиқ бўйи давлатлари билан амалга оширилди. Бу борада хорижий мамлакатлар орасида Япония ва Европа давлатлари етакчи ўринларға эга. Таққослаш учун: 2010-йилда МДХ мамлакатларининг бу борадаги улуши, хусусан, экспортда кескин кўтарилган – 72,1 %, импортда эса атиги 10,6 % бўлган.

Худудий жиҳатдан экспортнинг 41,7 фоизини Самарқанд шаҳри таъминлаган. Қишлоқ туманларидан Тойлоқнинг экспорт салоҳияти катта – 12,8 %. Шунингдек, Пастдарғом – 11,2, Самарқанд -10,6 %, Ургут – 8,6 %, Булунғур – 6,0 % ва Жомбой -4,13 % туманлари ҳам бу жараёнда фаол қатнашади, Нуробод, Нарпай, Окдарё ва Қўшработ туманларида эса 2013-йилда экспорт ҳажми жуда кичик бўлган. Импортнинг 41,6 фоизи Самарқанд шаҳриға, 24,2 фоизи Жомбойға (бу табиий ҳол, сабаби – Жомбой вилоятда инвестицион фаолият, ва умуман, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича энг олдинда туради), 8,0 фоизи Тойлоқ, 7,8 фоизи Ургут, 5,6 фоизи Самарқанд туманлариға тўғри келади. Энг оз кўрсаткичлар – Нарпай, Пахтачи, Окдарё ва Пайариқ туманлариға хос (2013 й.).

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар 2013-йилда жами экспортнинг 58,0 фоизини таъминлаган. Уларнинг ярмидан кўпи Самарқанд шаҳри, қолганлари эса Жомбой (17 та), Ургут (32 та), Самарқанд (20 та), туманларида жойлашган. Айни пайтда, Нуробод, Пайариқ ва Пахтачи туманларида атиги биттадан КК фаолият кўрсатган. Шу йилда вилоятда жами 29 та хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ташкил этилган.

**Ички тафовутлари ва иктисодий районлари.** Вилоятнинг табиий шароити, иктисодий ва транспорт географик ўрни, тарихий ривожланиши омилларига асосланган ҳолда, унинг ижтимоий-иктисодий салоҳияти ўзига хос ҳудудий хусусиятлар касб этади. Бу ерда, энг аввало, вилоятнинг биринчи ва иккинчи марказлари - Самарқанд ҳамда Каттақўрғон шаҳарлари муҳим район ҳосил қилиш салоҳиятига эга. Бинобарин, вилоятда Самарқанд ва Каттақўрғон гуруҳ районлари ёки иктисодий районларини ажратиш мумкин. Биринчисининг таркибига Самарқанд шаҳри, Самарқанд, Ургут, Жомбой, Булунғур, Тойлоқ, Пастдарғом, Оқдарё ҳамда Пайарик туманлари, иккинчисига Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон, Иштихон, Пахтачи, Нарпай, шунингдек, шартли равишда вилоятнинг ички чўл ва тоғолди ҳудудларини эгаллаган Кўшработ ва Нуробод туманларини ҳам киритса бўлади. Шу тартибда Самарқанд иктисодий райони (Шарқий район) ҳиссасига 32,2 % майдон, 67,8 % аҳоли, 82,6 % саноат ва 67,4 % қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғри келади. Саноат, асосан, Самарқанд шаҳрининг ўзида ва Жомбой туманида, аҳолининг асосий қисми Самарқанд шаҳар агломерациясида жойлашган. Фан ва таълим, барча ижтимоий соҳалар, жумладан, рекреация ва туризм ривожланган, қишлоқ хўжалиги пахта ва ғалла, мева ва узум етиштиришга, шаҳар атрофи хўжалигига ихтисослашган. Каттақўрғон ёки Ғарбий иктисодий район вилоятнинг 67,8 % майдонини эгаллайди. Бу ерда вилоят аҳолисининг 32,2 фоизи яшайди. Район вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 17,4 %, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 32,6 % ни беради. Маркази – Каттақўрғон шаҳри (83 минг киши). Саноат салоҳияти пастроқ, қишлоқ хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришга, чўл ва яйлов чорвачилигига мослашган.

Вилоятнинг ижтимоий-иктисодий географияси қишлоқ туманларининг бир-бирларидан фарқ қилишларида яққол кўзга ташланади. 50-жадвалда қишлоқ туманлари даражасида асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар (индикаторлар) келтирилган. Жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда Жомбой, Пастдарғом, Пайарик, Пахтачи, Нарпай Самарқанд туманлари олдинда туради. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатишда ҳам уларнинг улуши катта. Айни вақтда, Кўшработ, Иштихон туманларида бу соҳалар суст ривожланган. Демак, яқин келажакда мазкур ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига устувор аҳамият бериш талаб этилади.

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш лозимки, Самарқанд вилояти республикада, колаверса, ундан ташқарида ҳам машҳур бўлишига қарамадан, унинг умумий ижтимоий-иктисодий ривожланиши, хусусан, саноат, туризм соҳалари имконият даражасида эмас. Шу сабабдан ҳам, мамлакатимиз минтақавий сиёсатида унга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг  
асосий индикаторлари (2013-йил, аҳоли жон бошига)**

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	ХИМ	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
<b>Вилоят бўйича</b>	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
<b>Шаҳарлар:</b>							
Самарқанд	4,512	0,005	5,199	2,712	2,835	2,810	3,698
Каттақўрғон	0,972	0,185	1,209	0,200	0,689	2,191	1,620
<b>Туманлар:</b>							
Булунғур	0,135	2,044	0,163	0,581	1,177	0,814	0,768
Жомбой	1,868	1,409	1,098	0,530	0,658	0,669	0,702
Иштихон	0,381	1,414	0,107	0,431	0,651	0,603	0,489
Каттақўрғон	0,445	1,070	0,327	0,354	0,493	0,484	0,527
Нарпай	0,880	0,740	0,585	0,494	0,803	0,691	0,614
Нуробод	0,104	0,621	0,091	5,245	0,707	0,475	0,382
Оқдарё	0,529	1,418	0,187	1,103	1,139	0,862	0,498
Пайариқ	0,435	1,492	0,147	0,584	0,865	0,750	0,410
Пастдарғом	0,413	0,957	0,202	0,224	0,331	0,585	0,496
Пахтачи	0,642	1,197	0,251	0,977	2,117	0,874	0,600
Самарқанд	0,555	1,040	0,617	0,340	0,552	0,756	0,880
Тойлоқ	0,344	1,893	0,455	0,543	0,529	0,578	0,533
Ургут	0,491	0,804	0,426	0,231	0,319	0,826	0,557
Қўшрабат	0,210	1,069	0,204	2,890	1,856	0,637	0,420

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Бу ерда тегишли хом ашё ва меҳнат ресурслари, транспорт ва бошқа инфраструктуралар бор. Асосий стратегик вазифа – ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, уни модернизация ва диверсификация қилишдан, инвестиция муҳитини яхшилашдан (айниқса, қишлоқ туманларида) иборат бўлмоғи лозим. Шу билан бирга, Самарқанд шаҳрининг анъанавий функцияси – “Сайқали рўйи Замин” эканлигини келажакда ҳам сақлаб қолиш зарур. Бинобарин, бу шаҳар фақат ўзининг автомобиллари билангина эмас, энг аввало, қадимий ёдгорликлари билан машҳурлигича қолиши керак.

## 2.6. ЖАНУБИЙ ИҚТИСОДИЙ РАЙОН

Республикаимиз жанубида жойлашган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари шаклланаётган янги иқтисодий макон – асосий иқтисодий районни ташкил этади. Унинг майдони 48,7 минг км<sup>2</sup> бўлиб, у Ўзбекистон ҳудудининг 10,9 фоизни ташкил этади. Бу ерда, 2014-йил маълумотларига

қараганда, 5203,0 минг ёки мамлакат аҳолисининг 17,1 фоизи истиқомат қилади.

Таъқидлаш жоизки, шу таркибда мазкур иқтисодий район ўтган асрнинг 60-йилларида ҳам ажратилган эди. У даврда, аниқроғи 1962-йилда, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бирлаштирилиб, бу ҳудуд Сурхондарё вилояти деб аталган ва шу ном билан маъмурий-иқтисодий район ажратилган. Ҳозирги вақтда район ҳосил қилувчи омиллар сифатида унинг географик ўрни, яъни республикамиз жанубида жойлашганлигидан ташқари, минтақанинг табиий-ресурс салоҳияти, демографик вазияти, транспорт тизими, тарихий ривожланиш ва миллий анъаналари хизмат қилади. Жанубий иқтисодий район нефть, газ, тошқўмир қазиб олишга, пахта, ғалла, гўшт етиштиришга ихтисослашган. Унинг ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг – 11,5 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг – 11,4 %, кишлок хўжалиги маҳсулотининг – 17,4 %, чакана савдо ҳажмининг – 13,6 % ва пуллик хизматларнинг 9,6 фоизи тўғри келади (2013 й.). Район катта рекреация ва туристик салоҳиятга ҳам эга.

SWOT – таҳлил усули нуқтаи назаридан қараганда, Жанубий иқтисодий районнинг кучли томонлари унинг табиий бойликлари – қазилма ва агроклимат ресурслари, меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўплигида ўз аксини топади. Заиф томонлари эса сув захираларининг озлиги (айниқса Қашқадарё вилоятида), геоэкологик вазиятининг унча яхши эмаслиги (хусусан Сурхондарё вилоятида), ички транспорт тизимидаги баъзи камчиликлар ҳисобланади.

Районнинг муҳим орографик элементи Ҳисор тоғлари бўлиб, у бу ҳудуднинг ўртасида жойлашган. Айтиш жоизки, бу тоғ авваллари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини ажратиб турган бўлса, сўнги йилларда унинг контакт, яъни боғловчи функцияси кучайиб бормоқда. Бу хусусда, энг аввало, 2007-йилда куриб ишга туширилган Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг (узунлиги 223 км) аҳамияти жуда катта.

Жанубий иқтисодий районнинг иқтисодий географик таҳлили умумий жиҳатлари билан бирга унинг ички тафовутлари, вилоятларнинг бу борада айрим фарқлари борлигини ҳам намоён қилади.

### **2.6.1. Сурхондарё вилояти**

Мамлакатимизнинг энг жанубида жойлашган Сурхондарё вилояти 1941-йил 6-мартда ташкил топган. Унинг майдони 20,1 минг кв. км бўлиб, Ўзбекистон Республикаси жами ҳудудининг 4,5 фоизига тенг. Вилоятда, 2014-йил маълумотлари бўйича, 2307,5 минг киши ёки мамлакат аҳолисининг 7,6 фоизи истиқомат қилади. Бундан кўринадики, минтақанинг демографик салоҳияти унинг майдонига нисбатан 1,6 марта юқори.

Сурхондарё вилояти республика ҳудудий меҳнат таксимотида ўзининг агросаноат мажмуаси, хусусан, пахта ва ғалла етиштириш, сабзавотчилик, чорвачилик маҳсулотлари билан ажралиб туради. Шунингдек, бу ерда тоғкон саноати (полиметал рудалар, тошқумир, нефть, туз), қурилиш ва фармацевтика саноати тармоқлари ҳам ривожланиб бормоқда. Минтақа ўзининг қатор бетакрон хусусиятларига эга. Жумладан, у республикамизнинг энг жанубида, энг тоғли, энг иссиқ ҳудудида жойлашган. Вилоятда урбанизация ва саноатлашув даражаси энг паст, демографик ривожланиш, яъни аҳоли табиий кўпайиши энг юқори ҳудудлардан биридир. Маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилояти 13 та кишлок тумани; 8 та шаҳар ва 114 та шаҳарчалардан иборат. Ҳар бир кишлок туманига ўртача 1,44 кв км майдон тўғри келади.

Вилоятнинг дастлаб ташкил этилган (1926-йил) кишлок туманлари Денов, Сарийосиё, Термиз ва Шеробод, энг сўнггиси эса 1992-йилда таркиб топган Бандихон тумани саналади<sup>1</sup>. Майдони бўйича энг катталари – Сарийосиё ва Бойсун, энг кичиги Ангор (атиғи 0,39 минг кв. км); улар орасидаги фарқ 10 баробарга яқин. Умуман олганда, Бойсун, Сарийосиё, Шеробод ва Қумқўрғон туманлари биргаликда 12,6 минг кв.км ёки вилоят майдонининг 62,6 фоизини эгаллайди.

**Географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари.** Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг жанубида, Амударёнинг ўнг қирғоғида, Ҳисор тоғининг жанубий этакларида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси доирасида у шимолда Қашқадарё вилояти билан, геосиёсий микёсда эса ғарбда Туркменистон, шарқда Тожикистон ва жанубда Афғонистон давлатлари билан чегарадош. Мамлакатимизда фақат Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари 3 тадан давлатлар билан туташ, бироқ бундай сиёсий географик ўрин, геосиёсий вазият Сурхондарё вилояти учун ўзгача хусусият касб этади.

Сурхондарё ҳудудининг тахминан 70 фоиз майдони тоғликлардан иборат (Ҳисор, энг баланд нуқтаси 4643 м; Қўхитанг ва б.). Табиий географик жиҳатдан у фақат жануб томонга “очик”, ҳолос; қолган уч томондан тоғлар билан ўралган. Бундай ер устининг тузилиши, орографик вазият минтақа иқлимнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Иқлими – қуруқ, иссиқ, ёгин-сочин миқдори ўртача 130-180 мм, тоғ ён багирларида 600 мм гача етади. Ҳарорат республика бўйича энг юқори, вегетация даври узок. Агроиқлимий шароитлар суғорма деҳқончиликни тақозо этади. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан фарқи – бу ерда субтропик хўжалик яхши ривожланган.

Асосий дарёлари – Сурхон ва Шеробод вилоят хўжалиғи ва аҳоли географиясини шакллантирувчи муҳим омил сифатида хизмат қилади;

<sup>1</sup> 2011 йилда Бандихон тумани Қизилқум туманининг таркибига киритилган.



улардан барпо этилган қатор канал ва сув омборлари (Учқизил, Кумқўрғон, Жанубий Сурхон сув омборлари, Катта Хисор, Аму - Занг, Ҳазорбоғ ва бошқа каналлар)дан суғорма деҳқончиликда фойдаланилади. Тоғ ёнбағирларида лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик учун шароит қулай. Умуман олганда, Сурхондарё республикамизда сув ресурслари билан нисбатан яхши таъминланган вилоят ҳисобланади.

Сурхондарё майдонининг ҳажми ва ер усти тузилиши бўйича республикамизда Жиззах вилоятига бироз ўхшаб кетади. Вилоят минерал - хом ашё салоҳиятига ҳам эга: тошқўмир (Шарғун, Бойсун), нефть (Хавотоғ, Кўкайди, Учқизил, Миршоди, Жалоир ва б.), полиметал рудалар (Хонжизза, Чакчар), туз (Хўжайкон), стронций (Шеробод), охактош (Шеробод), турли хил қурилиш материаллари хом ашёси (Сайраб, Бешбулоқ ва б.) кабилар муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда, минтақада хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда (Малайзия ва б.) геологик кидирув ишлари ҳам олиб борилмоқда. Асосий мақсад – янги нефть ва газ конларини топишдан иборат.

Вилоят фармацевтика ресурсларига бой, бу ерда республика доривор ўсимликларининг 35-40 фоизи жойлашган. Шу ўринда худуднинг рекреация ва туристик салоҳиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз (Омонхона, Учқизил, Хўжайкон, Вахшмор ва б.). Минтақанинг археологик топилмалари, ат-Термизий ватанининг тарихий ёдгорликлари, илк урбанизация қолдиқлари, карст ғорлари, булоқ ва чашмалари, ўзига хос табиий ландшафти, қадамжо ва зиёратгоҳлари халқаро ва маҳаллий, диний ва экотуризмнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Бу борада Термиз шаҳрида ташкил этилган геологик музей ҳам катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятининг иқтисодий ва сиёсий географик ўрни унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун унча қулай эмас, табиий-ресурс салоҳиятини эса ижобий баҳолаш мумкин.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Сурхондарё вилояти аҳолисининг ўсиш суръати сўнгги йилларда, Қашқадарё билан биргаликда, мамлакатимизда энг юқори. Ҳозирги кунда вилоят ўзининг демографик салоҳияти бўйича республикамизда еттинчи ўринда туради. 1989-йилда, яъни сўнгги марта ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича, у 1253,8 минг кишига тенг бўлган бўлса, 2014-йилда бу рақамлар нисбати 1,7 мартага кўпайган. Гарчи демографик ривожланиш суръати сўнгги йилларда бироз пасайган бўлса-да, у республикамизда энг юқори. Аҳоли сонининг бундай ўсиши янги иш ўринларини кўпайтириш, халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқаришни зарур қилиб қўяди.

Туманлар миқёсида энг кўп аҳоли Денов туманида (346,1 минг киши, 2014 й.) яшайди. У мамлакатимизнинг Асака, Ургут, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари сингари энг кўп аҳоли сонига эга бўлган бирламчи маъмурий

бирликлардан ҳисобланади. Умуман олганда, 1989-2014-йилларда аҳоли сонининг ўртача йиллик кўпайиш суръати юқори бўлган қишлоқ туманларига Шўрчи, Шеробод, Термиз, Олтинсой, Музработ, Қумкўрғон, Жаркўрғон ва Денов, ўртача кўрсаткичларга Қизирик ҳамда Сариосиё ва паст кўрсаткичли ҳудудларга Ангор, Бойсун ва Узун туманлари киради.

Аҳоли зичлиги вилоят бўйича 1 кв км майдонга ўртача 114,8 киши бўлиб, у Бойсун туманидаги 28 кишидан Денов туманидаги 468 кишигача фарқланади (41-иловага қаранг). Аҳоли географиясини асосан Сурхон дарёси (вилоят номи ҳам Сурхондарё) ва унга параллель ўтган темир ҳамда автомобиль йўллари белгилаб беради. Аҳоли жойлашуви, энг аввало, янги ўзлаштирилган Сурхон - Шеробод массивида, қадимдан қишлоқ ҳўжалиги ривожланган ҳудудларда зич, тоғ ва тоғолди ҳудудларида эса у нисбатан сийрак (масалан, Бойсун ёки Сариосиё туманлари).

Бундай тез суръатларда аҳолининг ўсишига табиий кўпайиш ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Сурхон водийси Қашқадарё вилояти билан биргаликда республикамызда сўнгги йилларда кузатилаётган туғилиш ва табиий кўпайиш кўрсаткичларининг пасайиб бориш жараёни билан боғлиқ **демографик тўлқиннинг** энг сўнгги палласида туради. Бошқача қилиб айтганда, республикамыз пойтахти Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошланган бу жараён аста-секинлик билан айни шу минтақада поёнига етади, сўниб боради. Бинобарин, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари Ўзбекистон Республикаси демографик ривожланишининг ҳозирги ҳолатини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

51-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, Сурхондарё вилояти ва унинг барча қишлоқ туманларида аҳолининг туғилиш коэффициентини юқори. Бир йилда туғилганлар сони 50-55 минг кишига баробар. Таъкидлаш жоизки, бу ерда ҳам туғилиш ва табиий кўпайиш тобора пасайиб бормоқда. Мазкур жараён республикамызнинг барча минтақаларига хос демографик вазиятдир. Бирок, Сурхондарёда туғилиш кўрсаткичлари камайиб бораётган бўлса-да, у ҳамон мамлакат миқёсида энг юқори. 2008 йилда вилоятда туғилиш 25,8 промилле бўлган ҳолда, у 2013-йилда 24,6 промиллени ташкил қилган; ўлганлар, мос равишда, 3,9 ва 4,1 %, табиий кўпайиш - 21,9 ва 20,5 % бўлган. Жадвал маълумотларидан кўринадики, туғилиш коэффициенти, хусусан, Бойсун, Узун, Қизирик, Термиз, Шўрчи ва Сариосиё туманларида юқори, қолган туманларда эса ўртача ёки ундан пастроқ.

Туғилишнинг юқори бўлишига қатор сабаблар таъсир қилади. Улар жумласига аҳолининг миллий таркибида демографик кўп болаликка майли юқори бўлган маҳаллий миллат вакилларининг (Ўзбеклар, тожиклар) кўплиги, урбанизация ва аҳоли бандлиги даражаларининг пастлиги, айрим урф-одатлар ва бошқа омиллар киради. Вилоят аҳолисининг 84,2 % ўзбеклар, 12,4 % тожиклардан иборат (2013 й.). Бошқа миллат вакиллари орасида туркман ва руслар кўпроқ.

**Сурхондарё вилояти аҳолиснинг табиий ва миграцион ҳаракати  
(2013-йил, промилледа)**

	Шаҳар ва туманлар номи	Табиий ҳаракат			Механик ҳаракат		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	<b>Вилоят бўйича</b>	24,6	4,1	20,5	5,7	5,7	0,0
	Термиз ш.	20,9	5,9	15,0	6,9	18,5	-11,6
	<i>Туманлар:</i>						
1	Ангор	22,9	3,9	19,0	6,6	4,4	2,2
2	Бойсун	25,1	3,9	21,2	8,1	5,6	2,5
3	Денов	25,0	4,3	20,7	4,3	4,3	0,0
4	Жарқўрғон	23,9	4,1	19,8	3,7	4,0	-0,3
5	Музработ	25,0	3,7	21,3	7,6	6,3	1,3
6	Олтинсой	24,1	3,9	20,2	6,1	4,5	1,6
7	Сариосиё	27,1	4,1	23,0	4,5	4,4	0,1
8	Термиз	25,5	4,5	21,0	1,5	1,7	-0,2
9	Узун	26,5	4,0	22,5	3,8	4,6	-0,8
10	Шеробод	22,3	3,5	18,8	5,6	4,4	1,2
11	Шўрчи	25,9	4,7	21,2	8,3	7,8	0,5
12	Кизирик	26,1	3,2	22,9	6,9	6,6	0,3
13	Қумқўрғон	23,3	4,1	19,2	6,6	4,6	2,0

*Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Мамлакатимизнинг катор минтақаларида бўлганидек, Сурхондарёда ҳам ташқи миграция натижаси ўз салбийлик хусусиятини йўқотмоқда. 2013-йил якунларига кўра, у Термиз шаҳрида энг катта манфий қолдикка эга бўлган ҳолда, кўпчилик кишлоқ туманларида ижобийдир.

2014-йил 1.01.холатига, вилоятда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 1316 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли - 919 минг, иқтисодиётда банд бўлган аҳоли 871 минг кишини ташкил қилган. 2013-йилда жами яратилган иш ўринлари 66,5 минг та, уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига тўғри келади. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг асосий қисми моддий ишлаб чиқаришга тўғри келади. Саноатда 4,0 %, кишлоқ ва ўрмон хўжалигида 46,3 %, транспорт ва алоқада 1,8 %, қурилишда 9,3 %, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техник таъминотда 12,7 % меҳнатга лаёқатли аҳоли банд. Номоддий соҳалар таркибида бу борада таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ҳамда соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот етакчилик қилади. Юқоридаги рақамларда минтақа хўжалигининг таркиби ва урбанизация даражаси ҳам ўз аксини топган. Хусусан, саноатда бандлик коэффициентининг пастиги вилоят иқтисодиётини кўпроқ аграр хусусиятга эгалигидан далолат беради.

Сурхондарё вилоятида, 2014-йил маълумотлари бўйича, 8 та шаҳар ва 114 та шаҳарчалар қайд этилган. Уларда жами аҳолининг 37,0 фоизи яшайди. Бу жиҳатдан у мамлакатимизда фақат Хоразм вилоятидан олдинда туради, холос (34,2 %). Таққослаш учун, 2008 йилда урбанизация даражаси Сурхондарёда 19,1 % бўлган. Ҳозирги мавжуд 114 та шаҳарчаларнинг 107 таси 2009-йилда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурини амалга оширилиши билан ушбу мақомни олган (республика янги шаҳарчаларининг 10,7 %). Бундай шаҳарчалар, аниқроғи – агрошаҳарчалар вилоятнинг барча қишлоқ туманларида бор. Уларнинг энг кўпи Олтинсойда (14 та), Деновда ва Ангорда (11 тадан), Қумқўрғон ва Музработда (10 тадан) кузатилади. Энг ками эса Бандихон туманига тўғри келиб, бу ерда биргина туман маркази – Бандихон шаҳарча мақомига муяссар бўлган.

Вилоят урбанистик таркиби ҳам иқтисодийнинг тармоқлар ва ҳудудий таркибига мос ҳолда яхши ривожланмаган. Термизда 136 минг аҳоли бор, иккинчи шаҳар – Деновда 70,0 мингдан зиёдроқ. Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон, Шўрчининг ҳар бирида 20-30 минг кишидан аҳоли яшайди. Қолган юздан ортиқ шаҳар жойлар кичик ва майда синфларга мансуб.

Қишлоқ аҳоли пунктлари 865 та, ўртача ҳар бир қишлоққа 1750 кишидан тўғри келади. Бу рақам чўл ҳудудидида жойлашган Навоий ва Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидан катта, интенсив деҳқончилик ривожланган воҳа ва водийлардан (масалан, Фарғона водийси вилоятлари) озроқ. Демак, Сурхондарёда ўртача катталикдаги қишлоқлар кўп.

Тоғли ҳудуд ҳисобланган Сурхондарё вилоятида қишлоқ аҳоли пунктлари баландлик минтақалари бўйича турлича тақсимланган. Жумладан, Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Термиз ва Қизириқ туманлари қишлоқларининг барчаси денгиз сатҳидан 500 метргача бўлган баландликда жойлашган. Бойсун, Сарийосиё ва Узун туманларида эса бундай гипсометрик масофада бирорта қишлоқлар йўқ, уларнинг аксарияти тоғолди ҳудудларида ўрнашган. Фақат Олтинсой туманининг қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари турли баландлик минтақаларидан ўрин олган.


**Ҳўжалиги, унинг тармоқлари ва ҳудудий таркиби.** Сурхондарё вилояти ҳўжалиги минтақанинг географик ўрнн, табиий шароити ва ресурслари, тарихий ривожланиш хусусиятлари асосида шаклланган. Умуман олганда, вилоят иқтисодийи кўпрок аграр йўналишга эга. У республика ялли ички маҳсулотининг 4,1, саноат ишлаб чиқаришининг 1,9, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 8,9, чакана савдо ҳажмининг 6,5 ва пуллик хизматларнинг 4,1 фоизини беради. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда вилоят улуши 2,2, капитал қўйилмаларда 3,9, экспорт ҳажмида 1,8 ва импортда 7,9 % (2013 й.). Эслатиб ўтамиз, Сурхондарёнинг мамлакат аҳолисидаги улуши 7,6 фоизга тенг.

Демак, юкоридаги статистик маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, бу ерда асосан қишлоқ хўжалиги республика аҳамиятига эга, қолган соҳалар эса суст ривожланган. Демографик салоҳияти қатта ва тез юксалиб бораётган ҳудудда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажмининг қамлиги, айниқса, қатта муаммони юзага келтиради. Инвестиция муҳитининг унча яхши эмаслиги, ташқи савдо айланмасининг озлиги ҳам минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг пастлигини кўрсатиб турибди.

Вилоят иқтисодиётининг ички таркиби қуйидагича (жами ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига нисбатан, 2013 й.): саноат – 7,6 %, қурилиш – 8,0 %, қишлоқ хўжалиги – 38,3 %, транспорт ва алоқа – 13,1 %, савдо ва умумий овқатланиш – 10,1 %, солиқлар – 3,2 %, бошқа тармоқлар – 19,7 % (15-расм). Қизиғи шундаки, 2000 йилда саноат вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 18,6 фоизини таъминлаган. Кўришиб турибдики, макроиқтисодиётнинг ушбу тармоғи вилоятда янада заифлашган, хўжалик йўналиши янада аграрлашиб борган. Саноат бўйича у республикамизда фақат Жиззах вилоятидан олдинда, агроиқтисодиётда эса биринчи ўринда туради.

Кичик тадбиркорлик ёки бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги ҳиссаси тобора ошиб бормоқда (74,2 %). Бу эса бозор ислохотларининг изчил амалга оширилишидан дарак беради. Қишлоқ хўжалигида унинг улуши 99,1, қурилишда 78,2, чакана савдода 37,7 %, саноатда эса 25,7 % га тенг.

**15-расм. Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотининг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда, 2013 й.)**



Умумий инвестиция миқдорида хорижий инвесторлар томонидан киритилган маблағ 7,5 % га тенг. Тошғузур – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли ҳамда ёқилги ресурсларини аниқлаш бўйича геологик-қидирув ишлари билан боғлиқ ҳаражатлар қисман хорижий инвесторлар (Япония, Малайзия

ва б.) ҳисобидан амалга оширилмоқда. Ноишлаб чиқариш тармоқлари орасида бу борада уй-жой қурилиши, таълимнинг улуши юқорироқ.

**Саноати.** Вилоятда саноат ишлаб чиқариши, мавжуд хом ашё ва минерал ресурсларга таянган ҳолда, энг сўнгги йилларда бироз ривожланиш кўрсаткичларини намоён қилмоқда. Шақлланиб бораётган саноат мажмуаси таркибида ёқилғи-энергетика мажмуасининг улуши 17,2 %, қурилиш материаллари саноатиники – 7,1 % бўлса, енгил саноат жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 40,1 фоизини, озиқ-овқат саноати 19,1 фоизини таъминлайди. Ёқилғи саноатида асосан кўмир (Бойсун, Шарғун), енгил саноатда кўпроқ пахтаги қайта ишлаш, озиқ-овқатда омихта ем ва ун-ёрма саноати етакчилик қилади. Шу билан бирга, оғир саноат тармоқлари, хусусан, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, кимё, электр энергетика анча паст кўрсаткичларга эга. Айниқса, вилоятнинг электр энергетика ва қурилиш базасининг заифлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, жумладан, “Қишлоқ” дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун қулай имконият бермайди. Бу ерда атиги унча катта бўлмаган Тўпаланг СЭС бор, холос. Цемент заводи эса Шерободда қурилмоқда.

Саноат корхоналарининг умумий сони 1536 та, шундан 24 таси фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари ҳисобланади. Халқ истеъмол молларининг 68,5 фоизини озиқ-овқат, 2,3 фоизини енгил ва 8,7 фоизини вино-ароқ ва пиво ичимликлари ташкил қилади. Озиқ-овқат саноати таркибида ёғ-мой, консерва ишлаб чиқариш яхшироқ ривожланган. Бу саноат тармоқларининг асосий маркази Денов шаҳри: бу ерда йирик ёғ-экстракция, вино-ароқ заводи бор. Умуман олганда, бир йилда 110 минг тонна пахта толаси (бу Жиззах, Хоразм вилоятларига қараганда анча кўп ёки республикага нисбатан 9,5 %), 80 минг т омихта ем, 106-110 минг т ун ишлаб чиқарилади. Пахта тозалаш заводлари аксарият пахта етиштиришга ихтисослашган қишлоқ туманлари марказларида жойлашган, омихта ем ва ун эса асосан “Сурхондонмаҳсулотлари” ва “Шўрчидонмаҳсулотлари”да ишлаб чиқарилади.

Вилоятда нефть конлари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ишга туширилган. Ушбу саноат тармоғининг асосий маркази – Жарқўрғон шаҳри. Қазиб олинadиган нефть нефть маҳсулотлари билан биргаликда, 300-350 минг тоннага яқин. Кўмир қазиб олиш ҳам бироз ошган. Ҳозирги вақтда йилига 200 минг тоннадан ортироқ кўмир қазиб олинади. Таъкидлаш жоизки, республикамизда сифатли тошкўмирни фақат шу вилоят етказиб беради. Нефть ва кўмир саноати негизида Ҳавотог, Кўкайди, Лалмикор, Шарғун каби “ресурс” шаҳарчалар ташкил топган.

Сўнгги йилларда қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланиб бормоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда Шерободда маҳаллий хом ашё асосида йирик ва умуман Жанубий Ўзбекистонда ягона цемент заводи

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ

### Сугарма деҳқончилик зонаси

Пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, ипакчилик асаларичилик, сут-гўшт чорвачилиги

Сабзавотчилик, боғдорчилик, асаларичилик ва сут-гўшт чорвачилиги

### Лалии деҳқончилик зонаси

Донли экинлар, баъзи ерларда техник экинлари ва гўшт-сут чорвачилиги

### Чўл-яйлов зонаси

Чўл-яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик ва гўшт-жун қўйчилиги)

### Тоғ-яйлов зонаси

Тоғ-яйлов чорвачилиги (гўшт-жун қўйчилиги, гўшт-сут чорвачилиги), дарё vodiylarida боғлар ва узумзорлар

Қуриқландадиган ерлар



## САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯЛПИ МАЎСУЛЛАРИ (2011 й.)

1 ми устуи Баланчилиги - 100 млрд. сўм

■ саноат  
□ қишлоқ хўжалиги

### КЕНГ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР

- |                                  |                 |
|----------------------------------|-----------------|
| ингичка тонали пахтачилик        | шולי            |
| пахтачилик                       | бугдой          |
| боғлар                           | арпа            |
| узумзорлар                       | дон-дуққаклилар |
| анор ва анжирзорлар              | писта           |
| сабзавот ва картошка маккажўхори | беда            |
|                                  | урсонлар        |

### РАЙОНЛАР

- |                         |               |
|-------------------------|---------------|
| Хисор қўйларини ўрчишти | паррандачилик |
| йилкичилик              | асаларичилик  |
|                         | ипакчилик     |

### Сааноат тармоқлари

- Электрэнергетика
- Ёқилғи
- Машинасозлик ва металлчи қайта ишлаш
- Киме ва нефт-киме
- Қурилиш материаллари
- Ёнгил
- Озиқ-овқат
- Бошқа тармоқлар

## ISHLOV BERUVCHI SANOAT (2010 у.)

Ялпи маъсулат ҳажми

буйича саноат пунктлари

- Жуда йирик
- Йирик
- Урта
- Майда

## УНДИРУВЧИ САНОАТ

- Тошқўмир
- ▲ Нефт
- ▲ Нефт ва табиий газ
- Ош тузи
- Керамат хом ашёси
- Оқатқош
- Минерал сув булоқлари
- Хавдаг Конларнинг номилари

- Гидроэлектрстанциялар
- Электр узатиқчи линиялари
- Газ қурувлари
- Нефт қурувлари

қурилмоқда. Термиз ва кишлоқ туманлари марказларининг кўпчилигида гишт заводлари бор. Ривожланиб бораётган қурилиш базаси вилоятда “Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурида белгиланган катта ҳажмдаги уй-жой, транспорт ва бошқа инфратузилмаларни қуришга қулай имконият яратади.

2014-йилда 14,4 минг т тозаланган ўсимлик ёғи (2010-йилда 17,9), 3,3 минг т совун олинган (Денов шаҳри). Саноат географиясида Шўрчи ва Денов шаҳарлари олдинда; уларнинг ҳар бирига вилоят саноат маҳсулотининг 12-14 фоизи тўғри келади. Энг етакчи саноат маркази эса Жаркўрғон бўлиб, у вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 1/5 қисмини беради (2000 й. - 16,4 %), унинг йирик корхонаси “Сурхонтекс” қўшма корхонаси ҳисобланади. Шерободнинг улуши 7,1 %, вилоят маркази Термиз эса атиги 9,9 % саноат маҳсулотини беради. Бу билан у Ўзбекистон вилоятлари марказлари орасида алоҳида ажралиб туради. Шаҳар саноат салоҳиятининг пастлиги, энг аввало, унинг географик ўрни билан боғлиқ. 42-илова маълумотлари кўрсатишича, Термиз туманида ҳам саноат ишлаб чиқариш деярли йўқ даражада. Олтинсой ва Бойсун туманининг кўрсаткичлари эса ўта паст.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда ҳам географик манзара шунга ўхшаш; бу борада Денов ва Шўрчи шаҳарлари етакчи мавқега эга (биргаликда 59,8 %). Мазкур шаҳарларда ёғ, ун, вино-ароқ каби истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Паст кўрсаткичлар Қизирик, Олтинсой ва Ангор туманларида қайд этилади. Реал ҳолат аҳоли жон бошига ҳисоблаганда яққол кўзга ташланади (44-илова).

Юқорида таъкидланганидек, вилоятда фармацевтика ресурслари, яъни турли хил доривор ўсимликлар кўп. Улар асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларда ўсади. Мавжуд хом ашё негизида Термиз шаҳрида “Ажанта” ўзбек-ҳинд қўшма корхонаси қурилган бўлиб, у турли хил дори-дармонлар ишлаб чиқаради.

**Агрогеография.** Сурхондарё вилояти қулай агроиклимий шароитларга эга. Вегетация даври узоқ, ижобий ҳароратлар йиғиндиси 5500<sup>0</sup>-5900<sup>0</sup> ни ташкил қилади. Шу боис, бу ерда турли хил иссиқсевар субтропик мевалар етиштирилади. Бу борада минтақа республикамызда алоҳида ажралиб туради. Воҳада анжир, анор, бодом, pista, ёнғоқ, узум, хурмо, лимон каби мевалар, ҳар хил қўкатлар кўплаб етиштирилади. Дастлаб хурмо мамлакатимизнинг асосан шу ҳудудида етиштирилган бўлса, ҳозирги кунда унинг географияси кенгайди, бошқа вилоятларни ҳам қамраб олди (янгиликларнинг диффузион тарқалиши рўй берди). Сўнгги йилларда сифатли ингичка толали пахта республикамызда фақат шу ерда етиштирилади, бироқ унинг майдони ва ҳосили камайиб бормоқда.

2013-йил якунларига қараганда, жами кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 57,7 фоизини дехқончилик берган; фермер



хўжаликларининг ҳиссаси 31,7 % бўлган. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий майдони 1175,5 минг га ёки вилоят жами майдонининг ярми. Ердан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш коэффициентлари, айниқса Узун, Сариосиё каби тоғли ҳудудларда жойлашган туманларда паст: Узун туманида у 40,7, Сариосиёда эса 38,5 % га тенг. Шуниингдек, бу кўрсаткич Термиз туманида ҳам катта эмас-31,3 %. Интенсив асосда қишлоқ хўжалиги, аниқроғи, – суғорма деҳқончилик вилоятнинг пасттекислик ҳудудларида жойлашган янги ўзлаштирилган ерларда олиб борилди.

Жами экин майдони 281,6 минг га, суғориладиган ерлар 241,7 минг га. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 23,9 фоизи демакдир. Мазкур кўрсаткич Қизирик, Ангор туманларида юқори, Бойсун ва Қумқўрғонда эса энг паст (43-иловага қаранг). 2012-йилда 308 минг гектар ерга турли хил экинлар экилган. Донли экинлардан буғдой, шולי, маккажўхори экилади. Уларнинг умумий майдони – 118 минг га, ялли ҳосил 632 минг тонна, ўртача ҳосилдорлик – 53,8 ц/га. Бу кўрсаткичлар 2009-йилга қараганда бирмунча паст. Буғдой 114 минг гектар майдонга экилган, қисман у тоғли ҳудудларда лалмикор ерларда ҳам етиштирилади. 2010-йилда 595 минг т буғдой ҳосили ёки республикада етиштирилган буғдойнинг 1/10 қисмидан кўпроғи олинган; ўртача ҳосилдорлик 52,0 ц/га. Шולי Сурхон ва Амударё бўйларида, нисбатан серсув ерларда етиштирилади. Бир йилда 8-9 минг тонна атрофида шולי олинади.

Пахтачиликка 119 минг га ер ажратилган, ялли ҳосил 339 минг тонна (бу борада у республикамизда олдинги ўринларда туради)ни ташкил этган, ҳосилдорлик – 28,5 ц/га. Бу мамлакатимизнинг кўпчилики ҳудудларига қараганда анча юқори<sup>1</sup>. Пахта тўлик фермер хўжаликларида етиштирилади. Бошқа техника экинларидан асосан масхар экилади (майдони 3,0 минг гектардан зиёд). Картошка 9,3 минг га ерга экилиб, улардан 2012-йилда 159 минг тонна ҳосил олинган. Сабзавот майдони 13,5 минг гектарни, ялли ҳосил 633 минг тоннани ташкил этган. Қишлоқ хўжалигининг бу тармоғи хусусан Термиз туманида яхши ривожланган. Вилоятда картошка, саримсоқпиез, помидор, бодрийг, булғор қалампир, ҳар хил қўқатлар эрта етиштирилиб, республика марказларига, жумладан, Тошкент бозорларига келтирилади. Умуман, картошка ва сабзавотчилик вилоят қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган соҳаларидан саналади.

Экиладиган ерларнинг 16,5 минг гектари ем-хашак экинлари билан банд. Бундай майдонлар тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган қишлоқ туманларида кўпроқ. Тоғ ва, хусусан тоғолди ҳудудлар боғдорчилик ва узумчилик учун қулай. Бу ерда турли хил мевалар, айниқса олма, хурмо, узум кўп етиштирилади, тоғли ҳудудларда пистазорлар мавжуд. Жами

<sup>1</sup> 2009 йилда жами пахта ҳосили 350 минг т., ҳосилдорлик 29,3 ц/га бўлган.

мевазорлар билан 14,8 минг гектар ерни эгаллайди; ялпи ҳосил 110 минг т. узум, мос равишда 14,3 ва 10,3. Узум етиштириш бўйича Олтинсой тумани ажралиб туради. Бу ерда кўплаб майиз ҳам тайёрланади, Денов тумани субтропик боғдорчилик ва цитрус меваларини етиштиришга кўпроқ ихтисослашган.



Вилоят агросаноат мажмуида 2012-йилда 120 минг т гўшт (тирик вазнда), 625 минг т сут, 190 млн дона тухум, 2146 т жун олинган бўлиб, уларнинг аксарият қисми деҳқон хўжаликларида етиштирилади. Шунингдек, бу ерда 9,3 минг дона қоракўл териси (2009-йилда-8,9), 1,5 минг т пилла ҳам тайёрланган. Қумқўрғон туманида ташкил этилган “Оққалчиғай” заводи наслдор қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган. Вилоятда зотдор хисор қўйлари, ангор эчкилари боқилади. Уларнинг сони бўйича Сурхондарё вилояти Ўзбекистонда 3-ўринда туради. Умуман олганда, минтақада жами 776 минг бош йирик шохли қорамоллар ҳамда 1847 минг бош қўй ва эчкилар боқилади.

Қишлоқ хўжалик географиясида Денов тумани кескин ажралиб туради. У вилоятнинг бу тармоқлардаги ялпи маҳсулотини 15,1 фоизини таъминлайди. Кейинги ўринларда эса Қумқўрғон, Жарқўрғон, Қизириқ туманлари туради. Айни вақтда, Термиз ва Бойсун туманларининг агроиқтисодий салоҳияти анча паст (42-илова). Бирок аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, ўзгача хулосалар чиқариш мумкин. 2010-йил яқунлари бўйича етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ўртача бир кишига ҳисоблаганда, Қизириқ, Бандихон ва Узун туманларида юқори, энг паст кўрсаткичлар эса Сарийосё ва Шўрчи туманларида кузатилади (44-илова).

Бошқа минтақalarda бўлганидек, Сурхондарё вилоятида ҳам фермерчилик ривожланиб бормоқда. Мулкчиликнинг ушбу шакли, хусусан, пахтачилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда кенг тарқалган. Вилоятда жами фермер хўжаликлари сони 5155 та, уларга бириктирилган ер майдони 731 минг га, банд бўлган аҳоли сони 105 минг киши. Демак, ўртача бир фермер хўжалигига 142 га ер ва 20,4 кишидан ишчи тўғри келади (2013 й.). Кўриниб турибдики, бу минтақада фермер

хўжаликларининг ер майдонлари, айниқса, Фарғона водийси ва Хоразм вилоятига қараганда, анча кагта. Бу вилоятнинг табиий шароити ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашувига боғлиқ.

Фермер хўжаликларининг асосий кўрсаткичларига жойларнинг табиий шароити ва хўжаликнинг ихтисослашуви катта таъсир кўрсатади. Масалан, Бойсун туманида бир фермер 400 га ерга ишлов беради, Олтинсойда эса, бу 40,4 га ни ташкил қилади. Боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган Бойсун туманида бир фермер хўжалигида атиги 2 киши ишлайди, Жарқўрғонда эса 24 киши (2013 й.).

Алоҳида таъкидлаш лозимки, келажакда республика агроиқтисодий салоҳиятини мустақамлашда мевачилик ва узумчиликка ҳамда уларнинг маҳсулотини қайта ишлашга устувор аҳамият бериш талаб этилади. Турли хил шарбат ва мева консервалари, вино маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш мамлакатимиз валюта фондига катта миқдорда маблағ тушириши мумкин. Бундай умуммиллий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ривожланиш имкониятлари Сурхондарё вилояти қишлоқ туманларида старли.

**Ижтимоий география.** Мамлакатимиз минтақавий сиёсатида ижтимоий соҳалар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, турли инфратузилма шаҳобчаларини кенг миқёсда ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Айниқса, бу масала аҳоли сони тез кўпайиб бораётган ва республика асосий марказларидан узокда жойлашган Сурхондарё вилояти учун долзарбдир.

Ижтимоий соҳалар орасида чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш муҳим ўринга эга. Жумладан, 2010-йилда вилоятда чакана савдо айланмасида, аҳоли жон бошига олинганда, Термиз шаҳри ҳамда Денов ва Қизирик туманлари олдинда, Бандихон, Термиз туманлари орқада туради. Термиз тумани аҳолиси ўзининг бундай эҳтиёжларини, асосан, вилоят марказида қондирганлиги сабабли, мазкур кўрсаткичлар бу ерда паст. Бандихон туманидаги вазият эса яхшиланишни талаб қилади. Турли хил пуллик хизматлар бўйича, Термиз шаҳрини ҳисобга олмаганда, Денов тумани кескин ажралиб туради. Олтинсой, Қизирик, Шеробод каби қишлоқ туманларида эса вазият бирмунча салбийроқ (44-илова).

Марказлашган сув манбаларидан вилоят аҳолисининг 77,8 фоизи фойдаланади. Табиий газ таъминоти эса – 61,0 % ни ташкил этади. Бинобарин, бу ерда аҳолини ичимлик суви, энг аввало, табиий газ билан таъминланиши муаммоси, айниқса, тоғ ва тоғолди худудлар учун ўта долзарб ҳисобланади. Сурхондарёда нозогеографик ва нозоэкологик вазият унча соғлом эмас. Трансчегаравий атмосфера ва сув манбалари, маҳаллий “афғон” шамоли ва қўшни Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳридаги алюминевий заводининг салбий таъсири, тоза ичимлик сувининг баъзи жойларда танқислиги турли хил касалликларни келиб

чиқишига сабаб бўлмоқда. Вилоятда жами 77 та соғликни сақлаш муассасалари мавжуд, умумий бемор ўринлари 10000 кишига 33,4 та. Бу, албатта, етарли эмас. Шифокорлар сони ҳар 10 минг кишига 16,8 та, ўрта тиббиёт ходимлари 96,8 нафар. Қишлоқ врачлик пунктлари 244 та ёки ҳар бир кишлоқ туманига 18,7 тадан тўғри келади (2013 й.).

Вилоятда жами 858 та умумтаълим мактаблари мавжуд. Уларда 368 минг ўқувчилар таълим олишади. Касб-ҳунар коллежлари 116 та, ўқувчилар сони –137 минг кишига яқин. Академик лицейлар 5 та, уларда талабалар – 5320 киши. Термиз шаҳрида Давлат университети жойлашган. Мазкур олий ўқув юртига кириш учун тест синовларига қатнашувчилар сони бўйича, у Ўзбекистонда олдинги ўринларда туради. Шу билан бирга, вилоятда олий ўқув юртларининг бошқа йўналишларини, жумладан, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт соҳаларини ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Минтақада рекреация ва туризм ҳам ривожланиб бормоқда. Омонхона, Хўжанкон каби сихатгоҳлар республика аҳамиятига эга. Ат-Термизийлар ватани ва ундаги қадимги археологик ёдгорликлар асосий туризм объектлари саналади. Таъкидлаш жоизки, бу объектлар, хусусан, хорижий сайёҳлар учун (айниқса, японлар учун) катта кизиқиш туғдиради. Бирок, туристик инфратузилмани янада ривожлантириш талаб этилади.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Майдони катта, ер усти тузилиши мураккаб, географик жойлашган ўрни узок бўлган Сурхондарё вилоятида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ниҳоятда муҳимдир. Хусусан, бу ерда транспорт хавфсизлигини, мамлакатимиз ягона темир йўл транспорти тизимини шакллантириш катта ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, 2007-йилда ишга туширилган 223 км узунликдаги Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу йўл республикаимзнинг энг жанубида жойлашган минтақани мамлакатимиз бошқа ҳудудлари билан яқинлаштирди, уни қўшни Қашқадарё вилояти билан янада жипслаштирди ва ягона иқтисодий районни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда, у вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишига туртки беради, темир йўл атрофидаги турли хил қазилма бойликлар, рекреация ва туристик имкониятлардан кенг фойдаланиш имкониятлари туғилади, Сурхондарёдан республикаимиз марказигача бўлган масофани тахминан 120-130 кмга қисқартиради.

2012-йил якунларига қараганда, вилоятда 55932 минг тонна турли хил юклар, 440 млн. йўловчилар ташилган. Бу ички транспорт кўрсаткичлари тўлиқ автомобиль транспорти зиммасига тушади. Бир вақтлар Амударёда ташкил этилган сув транспорти ҳозирги кунда фаолият кўрсатмайди, темир йўл ва ҳаво транспорти эса вилоят аҳолисини республикаимзнинг бошқа ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар билан алоқасида аҳамиятлидир.

Термиз шаҳрида йирик аэропорт қурилган. У хорижий мамлакатлар, хусусан, Афғонистон билан Ўзбекистон алоқаларини амалга оширишда хизмат қилади. Бу борада вилоят марказини қўшни Афғонистон Республикаси билан боғловчи, Амударёда қурилган Ҳайратон кўприги ва темир йўли ҳам муҳим аҳамиятга эга. Келажақда шу асосда Термиз халқаро миқёсдаги йирик транспорт тугунига айланиши ва бу ерда ҳам катта терминаллар, эркин иқтисодий минтақалар барпо этиш имкониятлари пайдо бўлади. Жумладан, Мазори Шариф йўналишидаги темир йўлининг қуриб битирилиши вилоят марказининг транспорт функциясини янада қучайтиради.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2012-йилда 277,8 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган: экспорт 211,2, импорт 66,6 млн. доллар. Импортнинг озлиги кўп жиҳатдан минтақада ҳозирча қулай инвестиция муҳитининг шаклланмаганлиги билан изоҳланади. Экспорт таркибида пахта толаси 63,6 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотлари 23,5 фоизни ташкил қилади. Импортда озиқ-овқат маҳсулотлари (46,7 %) асосий мавқени эгаллайди. Ташқи иқтисодий алоқалар кўпроқ «Узоқ хориж» ва Болтиқ бўйи давлатлари билан олиб борилади, МДХ давлатлариға эса ташқи савдо айланмасининг 1/5 қисми тўғри келади. Вилоят ташқи иқтисодий алоқаларида Афғонистон, Хитой, Сингапур, Корея Республикаси етакчилик қилмоқда.

52-жадвал

Сурхондарё вилояти қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари (2013 й., аҳоли жон бошиға)

Т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулотли	Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотли	ХИМ	Инвестиция	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
	Термиз ш.	2,225	0,014	1,946	1,276	2,977	3,112	5,178
1	Анғор	1,011	1,208	0,344	0,652	0,809	0,927	0,552
2	Бойсун	0,372	0,922	0,812	3,527	1,678	0,923	0,622
3	Денов	0,935	0,941	1,972	0,420	0,651	1,602	1,341
4	Жарқўрғон	2,494	1,125	0,317	0,982	0,867	0,771	0,639
5	Музработ	1,128	1,163	0,586	0,643	0,655	0,694	0,603
6	Олгинсой	0,135	1,017	0,209	0,842	0,704	0,647	0,387
7	Сариосиё	0,720	0,749	0,499	2,196	1,647	0,608	0,692
8	Термиз	0,327	1,129	0,769	1,337	1,099	0,447	0,759
9	Узун	0,463	1,252	0,387	0,531	0,854	0,681	0,901
10	Шеробод	1,292	1,115	0,985	0,592	0,799	0,626	0,462
11	Шўрчи	1,525	0,815	2,994	0,469	0,473	0,896	0,582
12	Кизирик	1,202	1,609	0,266	0,909	0,768	1,013	0,501
13	Кумқўрғон	0,708	1,169	0,334	0,870	0,591	0,617	0,518
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб қилинган.

Шунингдек, Покистон, Россия давлатларининг иштироклари ҳам салмоқли даражада. Келажакда Афғонистон бозори, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга оширишда Сурхондарё вилояти асосий бўғин сифатида муҳим ўринга эга бўлади.

Минтақа ташқи иқтисодий алоқаларининг шаклланишида барча кишлок туманлари ва шаҳарлари бир хил иштирок этмайди. Чунончи, 2012-йилда жами экспорт ҳажмининг 19,8 фоизи Термиз туманига, 16,3 фоизи Денов туманига тўғри келган (42-илова). Сурхондарё вилоятида хорижий сармоялар ҳисобига 48 та қўшма корхона қурилган, уларнинг 45 таси қўрилаётган йилда фаолият кўрсатган. Қўшма корхоналар томонидан яратилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар вилоят жами маҳсулотининг 21,9 фоизига тенг. Экспортда эса уларнинг улуши 8,8 % дир(2012 й.).

**Ички тафовутлари.** Сурхондарё вилояти аҳолиси ва ҳўжалигининг худудий таркиби унинг табиий географик ҳолатига мос равишда шаклланган. Минтақада шимоли-шарқдан жануби-ғарб йўналишида жойлашган вилоятнинг асосий “иқтисодий йўлаги”, янги қурилган темир йўл зонаси эса ўзига хос унинг ривожланиш “ўқи” бўлиб хизмат қилади. Транспорт географик ўрни қулайлашиб бораётган Қумқўрғон, Шеробод, Жарқўрғон ва Бойсун минтақанинг ўсиш нуқта ва марказлари ҳисобланади.

Вилоятда ҳозирги вақтда иккита ички иқтисодий районлар ажратилади: Денов ва Термиз. Шунингдек, кишлок туманлари, сиёсий ва иқтисодий географик ўрин нуқтаи назаридан, Марказий (янги темир йўл зонаси), Жанубий, Ғарбий ва Шарқий районлар белгиланиши мумкин. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маълум даражада чегарадош давлатлар – Афғонистон, Туркменистон ва Тожикистон мамлакатлари билан алоқаларга боғлиқ.

Тахлилларга биноан, кишлок туманлари, асосий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Масалан, саноат ва кишлок ҳўжалиги бўйича Денов, Жарқўрғон туманлари олдинги ўринларни эгалласа, Бойсун, Термиз, Олтинсой каби туманларнинг кўрсаткичлари анча паст. Шунингдек, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Денов ва Шўрчи туманларида нисбатан юқори даражага эга бўлса, унинг пастроқ кўрсаткичлари Олтинсой ва Қизирик туманларида, чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатишда эса Термиз шаҳри, Сарисий ва Денов туманларидан ташқари барча кишлок туманларининг кўрсаткичлари вилоят даражасидан орқада. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳаларда ечимини кутаётган муаммолар старлича эканлигидан далолат беради. Келажакда, хусусан, Ангор, Бойсун, Қумқўрғон, Қизирик, Музработ, Олтинсой, Термиз, Узун ва Шеробод каби туманларда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, маҳаллий минерал хом ашё ва меҳнат

ресурсларидан кенг микёсда фойдаланиш негизида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни фаоллаштириш талаб этилади. Айниқса, Термиз ва Денов шаҳарларини ривожлантиришга қаратилган эътиборини кучайтиришнинг аҳамияти каттадир.

## 2.6.2. Қашқадарё вилояти

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибида дастлаб 1943-йил 20 январда ташкил этилган, 1960-1964-йиллар оралиғида у Сурхондарё вилояти билан қўшилган ва 1964-йил 7.02.да қайта тикланган<sup>1</sup>. Вилоят майдони 28,6 минг кв. км бўлиб, мамлакат ҳудудининг 6,4 фоизини эгаллайди. Бу борада Қашқадарё Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятларидан сўнг 4-ўринда туради.

Аҳолиси, 2014-йил 1-январь маълумотларига кўра, 2895,5 минг киши (республика аҳолисига нисбатан 9,5 фоиз). Ўзининг демографик сифими ёки салоҳияти бўйича Ўзбекистон минтақалари ичида Самарқанд, Фарғона вилоятларидан кейинги 3-погонани эгаллайди. Ваҳоланки, у бундан 8-10 йил муқаддам 5-ўринда эди. Бундан кўринадики, Қашқадарёда аҳоли сони тез ўсиб, у кейинги йилларда пойтахт Тошкент ва Андижон вилоятларидан ўтиб кетган.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат тақсимотида Қашқадарё етакчи макелардан бирида туради. 2013-йил якунларига қараганда, бу ерга мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7,4, саноат ишлаб чиқаришининг – 9,5 қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 8,5, капитал қўйилмаларнинг – 10,0, қурилиш ҳажмининг 7,9 фоизи тўғри келади. Ялпи ички маҳсулот улусига кўра вилоят - 3, саноатда - 5, қишлоқ хўжалигида – 6 ўринда туради (таққослаш учун: 2000 йилда вилоят республиканинг 6,4 % ялпи ички маҳсулоти, 8,3 % саноат, 7,2 % қишлоқ хўжалик маҳсулотини берган). Агар бу нисбат кўрсаткичлари унинг демографик салоҳиятига таққослаб қаралса, минтақанинг миллий иқтисодийёт шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни яққол намоён бўлади.

Қашқадарё вилояти маъмурий-худудий тузилишида 13 та қишлоқ туманлари мавжуд. Ташкил топган муддатига кўра энг “қадимги” қишлоқ туманлари Яққабўғ, Косон, Ғузур ва Шаҳрисабз ҳисобланади (улар 1926 йилда ташкил этилган). Бир қатор туманлар эса Қарши даштини ўзлаштириш муносабати билан (Муборак, Нишон, Касби, Миришқор) вужудга келган. Майдонининг кўлами бўйича энг катта туман Деҳқонобод; Миришқор ва Муборак туманлари ҳам нисбатан катта ҳисобланади. Юқоридаги уч қишлоқ туманларининг майдони 10,3 минг кв. км ёки минтақа ҳудудининг 36,0 фоизи демақдир. Энг кичик туман – Касбида

<sup>1</sup> Қашқадарё дарё номи билан аталган республикамизнинг 3 та вилоятдан бири ҳисобланади.

0,65 минг кв. км ер бор. Шундай қилиб, вилоят маъмурий бирликларининг географийлик коэффициентини 6,1 га тенг; ўртача ҳар бир қишлоқ туманига тахминан 2 минг кв. кмдан зиёдроқ ер майдони тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, Қашқадарёнинг фақат Дехқонобод тумани ҳудуди Андижон ёки Сирдарё вилояти майдонига деярли тенг.

**Географик ўрни ва табиий ресурслари.** Қашқадарё вилояти мамлакатнинг жанубида жойлашган, у шимоли-ғарбда Бухоро, шимолда Самарқанд ва қисқароқ масофада Навоий вилоятлари, жануб ва жануби-шарқда Сурхондарё вилояти билан чегарадош. Геосиёсий мавқеи ҳам ўзига хос – вилоятнинг ҳудуди ғарб ва жануби-ғарбда Туркменистон, шарқда Тожикистон Республикаси билан туташган.

Ер усти тузилиши анча мураккаб – унинг тахминан ярмидан кўпроқ қисми текислик ва унча баланд бўлмаган тепаликлардан иборат (250-500 метр денгиз сатҳидан баланд). Катта майдонга эга бўлган Қарши чўли ҳам айна шу ерда жойлашган. Вилоят шимоли-шарқ, шарқ ва жануби-шарқда тоғликлар билан ўралган. Бу ерда Зарафшон ва Ҳисор тизмалари, Чакчар тоғлари кўтарилиб туради, уларнинг энг баланд нукталари 3750-4400 метргача етади. Шахрисабз туманининг чекка шарқий қисмида 4100-4400 метрлик баландликка эга бўлган тоғ чўққилари бор, масалан, Ғова довонининг баландлиги 4415 м. Умуман олганда, Шахрисабз, Қамаш, Дехқонобод, Китоб ва қисман Чирокчи туманининг шимолий қисми тоғликлардан иборат. Нисбатан баланд (денгиз сатҳидан 1400 м баланд) жойлар Яккабоғ туманининг шарқий ҳудудларида ҳам бор. Вилоятнинг қолган марказий ва ғарбий қисмлари эса пасттектисликлардан ташкил топган. Шундай қилиб, минтақанинг ер усти, орографик тузилиши шимоли-шарқ, шарқ ва жануби-шарқдан ғарб, шимоли-ғарб йўналишида пасайиб бориши билан тавсифланади. Қолаверса, Қашқадарё, яъни шу номли гидрографик тизимнинг, унинг ҳавзасини шаклланиши, оқим йўналиши ҳам вилоят рельефини ўзида акс эттиради.

Вилоят рельефининг бундай турли-туманлиги ўзига хос табиий бойликларга эгаллигини асослаб беради ва ички ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқлим шароитларининг шаклланишига сабаб бўлади. Жумладан, Қашқадарёнинг қуйи қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун қулай бўлган катта ер майдонларига эга. Шу билан бирга, бу ер республикамизда нефть ва табиий газ захираларининг қўнлиги бўйича биринчи ўринда туради. Кўрилаётган ҳудудда Қўқдумалок, Муборақ, Помук каби йирик нефть-газ, Шўртан, Зеварди, Ғузор, Жанубий Помук, Қамаш, Алан, Қўлтоққа ўхшаш табиий газ, Қўшқудуқ нефть конлари мавжуд. Вилоятнинг Дехқонобод тумани эса турли хил туз конлари, қурилиш материаллари хом ашёсига бой. Айниқса катта захирага эга бўлган калий тузларининг борлиги мамлакатимизда калий ўғитларини ишлаб чиқариш sanoatини ташкил қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда Тубигатан туз кони асосида республикамизда қишлоқ



хўжалиги учун зарур бўлган калий ўғитлари ишлаб чиқарувчи даслабки завод барпо этилган.

Вилоятнинг юкори - Шаҳрисабз минтақасида мармар, ғишт-черепица хом ашёси ва бошқа конлар аниқланган. Қулдарада полиметал рудалари, Зармасда олтин, Ғузур, Яққабўғ, Чирокчида ҳар хил қурилиш материаллари топилган. Бу ерда Китоб геологик қўриқхонаси ташкил қилинган. Шундай қилиб, Қашқадарёда, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон ва газ кимёси, қурилиш материаллари саноатини кенг қўламда ривожлантиришга қулай имкониятлар бор. Минтақа бундай улкан минерал ресурс салоҳияти бўйича республикамизда алоҳида ажралиб туради. Бу хусусда Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилояти сингари мамлакат миллий иқтисодиёти, энг аввало, тоғ-кон ва ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Иқлими континентал, ёғин-сочин миқдори, айниқса, чўл минтақасида жуда оз. Бинобарин, бу ерда деҳқончиликни ривожлантириш учун ирригация инфратузилмаси талаб этилади. Айни вақтда, тоғолди ва тоғ минтақасида йиллик ёғин-сочин миқдори 800-900 мм гача етади. Бу эса дарёларнинг тўйинишига қулай шароит яратади ва минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишига табиий асос бўлиб хизмат қилади.

Вилоят худуди Қашқадарё ҳавзасида жойлашган, унинг номи ҳам, тарихи, географияси ҳам айни шу сув манбаи билан боғлиқ. Қашқадарёга Оқсув, Танхоздарё, Оёқчидарё, Қизилдарё ва бошқалар келиб қўшилади. Натижада, вилоятнинг юкори (Шаҳрисабз) минтақасида гидрографик тизим анча ривожланган. Бирок, Қашқадарё куйи минтақага борган сари унинг суви камайиб боради ва бир вақтлар Зарафшон дарёсигача бориб етган бу дарё сувлари ҳозирда Қарши-Косон атрофида тамоман тугаб қолади.

Қашқадарёда сугорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида 70-йилларда Қарши дашти ўзлаштирилиш кенг миқёсда олиб борилган. Ҳозирги кунда вилоят худудида қатор суғориш иншоотлари – Ҳисорак, Қалқамин, Чимқўрғон, Қамашу сув омборлари барпо этилган. Ғузур тумани ерларининг асосан Пачкамар сув омбори ва Ғузурдарё суғоради. Йирик Қарши магистраль канали Амударёдан бошланади ва қисқа масофада қўшни Туркменистон худудидан ўтади, сўнгра у қатта Толимаржон сув омборига қуйилади, ундан сув қудратли насос станциялари ёрдамида 132 метр баландликка қўтариб берилади. Бундан ташқари, чўл минтақаси Миришқор (аввалги Ульянов), Нишон каналлари сувлари билан ҳам суғорилади. Вилоятнинг шимолий қисмига, асосан Чирокчи туманига, Зарафшон сувлари Эски Анҳор канали орқали етиб келади.

Республикамизнинг шунга ўхшаш бошқа худудларида бўлганидек, бу ерда ҳам қўплаб зовурлар (коллекторлар) ва тўпланиб қолган шўр, оқова

сувлардан ташкил топган туз кўллар бор. Улар кўпроқ Қарши даштида учрайди. Демак, бир томондан, канал ва сув омборлари ерларни суғоришда хизмат қилса, ободонлаштирса, иккинчи томондан, зовур ва сунъий кўлчалар ҳудуд агроэкологиясининг нокулайлигидан дарак беради. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан коллектор-дренаж тизимларини таъмирлаш, тозалаш ва янгиларини қуришга катта эътибор берилмоқда. Ушбу муаммо айниқса, Қарши дашти миқёсида жойлашган қишлоқ туманлари учун долзарбдир.

Қисқача таҳлилдан кўриниб турибдики, вилоят агроиклимий шароитлари ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Чунончи, унинг юқори қисмида интенсив деҳқончиликни ривожлантириш, боғдорчилик ва узумчиликни ташкил қилиш учун имкониятлар мавжуд бўлса, куйи – чўл минтақасида табиий шароит қадимдан ғалла ва чорвачилик учун қулай бўлган. Кейинчалик бу ерда ҳам суғорма деҳқончилик, пахтачилик ривожланиб борган. Ғаллачилик қисман тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик асосида ҳам ташкил этилган.

Қашқадарё вилоятида рекреация ва туризм ресурслари ҳам бор. Рекреация мақсадида ажойиб табиий ландшафт турларидан, сиҳаттоҳ ва дам олиш зоналаридан фойдаланиш мумкин. Бундай имкониятлар, энг аввало, вилоятнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида кўп (масалан, Мироқи). Туристик объектлар сифатида эса кўҳна Шаҳрисабз – соҳибқирон Амир Темурнинг ватани, у барпо этган тарихий ёдгорликлар (Оқсарой ва б.), эски Насаф қолдиқлари, ғорлар, шунингдек, экосаёҳат аҳамиятига молик масканлар мавжуд. Шаҳрисабз туманининг юқори қисмида Ҳисор давлат кўриқхонаси ташкил қилинган. Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Касби туманларида ҳам қадамжо ва зиёратгоҳлар кўп.

**Аҳоли ва меҳнат ресурслари.** Қашқадарё вилояти ўзининг аҳоли сони бўйича Ўзбекистонда Самарқанд ва Фарғона вилоятларидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. У айни вақтда, аҳоли сонининг ўсиши жиҳатидан Сурхондарё вилояти билан биргаликда мамлакат демографик вазиятида етакчилик қилади: агар Ўзбекистон аҳолиси 1989-2014-йилларда 128,1 фоизга ўсган бўлса, Сурхондарёда бу кўрсаткич 144,6 ва Қашқадарёда 142,5 фоизга тенг. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу икки вилоят умумреспублика ҳозирги демографик вазиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Аҳоли сони бўйича вилоятда Чироқчи тумани олдинда туради (349,9 минг, 2014-йил); Шаҳрисабз туманида, Шаҳрисабз шаҳрини қўшиб ҳисоблаганда, аҳоли сони 324 минг кишидан иборат. Шунингдек, Қамаш, Косон, Китоб ва Яккабоғ туманларининг ҳар бирида 200 минг кишидан кўпроқ аҳоли бор. Умуман, юқорида келтирилган қишлоқ туманлари бу жиҳатдан республикамизда ҳам ажралиб туради. Аҳоли сони фақат Муборак туманида 100 минг кишидан оз, холос (45-илова).

Вилоят табиий географик муҳитига мос ҳолда, аҳоли унинг ҳудудида

бир текис жойлашмаган. Ўртача зичлик – 1 км<sup>2</sup> га 101 киши, бу рақам республика ўртача кўрсаткичидан деярли 1,5 марта юқори. Аҳоли, хусусан Касби (267 киши), Қарши (231 киши), Яккабоғ (210 киши) ва Шахрисабз (195 киши) туманларида зич жойлашган, Муборак, Дехқонобод, Миришкор қишлоқ туманларида эса зичлик анча паст.

Кейинги йиллар мабойнида, яъни 1989-2014-йиллар оралиғида аҳоли сони анча тез кўпайиб борган: Муборак туманида ўртача йиллик кўпайиш 5,70, Косонда 4,75 %, Китоб ва Нишон туманларида 4,10 фоизни ташкил қилган. Нисбатан пастроқ демографик ўсиш Дехқонобод (2,40 %), Қарши (2,50 %) ва Касби (2,50 %) туманларида кузатилади. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, мазкур кўрсаткичлар бўйича Муборак тумани республикамизда энг олдинги ўринларни эгаллайди. Туман аҳолисининг бундай тез ўсиши нафақат табиий кўпайиш, балки аҳоли миграцияси билан ҳам боғлиқ (табиий ресурсларни ўзлаштириш натижасида аҳоли бу ерга кўплаб кўчиб келган). Юқори минтақа (Шахрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманлари) кўп жиҳатдан республикамизнинг аҳолиси зич, хўжалиги интенсив ривож топган воҳа ва водийларига ўхшаб кетади. Шу билан бирга, аҳоли зичлик кўрсаткичлари қуйи минтақанинг айрим туманларида (Касби, Қарши) ҳам анча юқори.

Аҳолининг табиий ҳаракат кўрсаткичлари бошқа ҳудудларга қараганда (Сурхондарёдан ташқари) сезиларли даражада фарқ қилади. Чунончи, бу ерда туғилиш коэффициенти ҳар 1000 киши аҳолига 25,1 кишини ташкил этади. Энг юқори даража 2000 йилда Чирокчи туманида бўлиб, у бу ерда яқин 34 кишига баробар (Ўзбекистонда олдинги ўринларда). Яккабоғ туманида ҳам туғилиш анча юқори – 26,7 %. Айни вақтда, умумий туғилиш коэффициенти Миришкор, Қарши шаҳри ва туманида пастроқ. 2013-йилда ҳам Чирокчи тумани туғилиш коэффициенти бўйича ажралиб туради (30,0 %). Қолган қишлоқ туманлари орасида катта фарқ кузатилмайди, вилоят маркази – Қарши шаҳрида туғилиш 21,5 промилле.

Қайд қилиш лозимки, Қашқадарёда ҳам туғилиш камайиб бормоқда, бироқ бу жараён мамлакатнинг бошқа вилоятларига нисбатан аста-секинлик билан содир бўлмоқда (53-жадвал). Сурхондарёда ҳам худди шунга ўхшаш демографик вазият, демак, уларнинг бир иқтисодий районга бирлаштирилиши геодемографик омил бўйича ҳам асосланган. Умуман олганда, жадвал таҳлили вилоят аҳолисининг туғилиш даражасида катта тафовутлар борлигини кўрсатмайди: энг юқори ва энг паст кўрсаткич қишлоқ туманлари миқёсида 8,8 % га баробар, 2000 йилда бу фарқ 9,2 промиллега тенг бўлган.

Аҳоли ўлими коэффициентида ҳам катта рақамлар қайд этилмайди. У 2013-йилда Китоб ва Нишон туманларида 3,5 %, Миришқорда 3,2 % бўлган. Аҳоли табиий ҳаракатининг яқуни, яъни табиий кўпайиш эса

**Қашқадарё вилояти қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ҳаракати**  
(промилледа)

т/р	Қишлоқ туманлари	2000 йил			2013-йил		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
1	Дехқонобод	27,9	4,9	23,0	25,1	4,3	20,8
2	Касби	28,8	4,2	24,6	24,2	4,0	20,2
3	Китоб	28,3	4,3	24,0	25,5	3,5	22,0
4	Косон	28,1	4,0	24,1	24,7	3,6	21,1
5	Миришкор	25,5	4,3	21,2	23,6	3,2	20,4
6	Муборак	30,7	4,8	25,9	23,1	3,9	19,2
7	Нишон	27,0	2,8	24,2	24,1	3,5	20,6
8	Чироқчи	33,8	4,5	29,3	30,0	3,6	26,4
9	Шахрисабз	24,6	4,4	20,2	26,5	3,9	22,6
10	Яккабоғ	27,2	4,1	23,1	26,7	3,9	22,8
11	Қамаши	27,3	4,4	22,9	25,4	3,7	21,7
12	Қарши	24,7	4,2	20,6	21,2	4,4	16,8
13	Ғузор	28,1	4,8	23,3	24,4	4,1	20,3

*Жадвал Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.*

кўпроқ туғилиш даражаси таъсирида шаклланган: энг юқориси Чироқчида, нисбатан пастроғи Қарши туманида қайд этилади. Шундай қилиб, туғилишнинг юқорилиги, ўлим кўрсаткичининг анча пастлиги вилоятда аҳоли сонининг тез ўсишига олиб келади.

Миграциянинг аҳоли сони ўсишига таъсири унча кучли бўлмаса-да, у аввалги йилларда салбий бўлган. Масалан, 1997-йилда шаҳар жойларда миграция қолдиғи минус 1440, 1998-йилда 1765 кишини ташкил этган. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич, юқоридагиларга мос ҳолда, минус 2910 ва 2205 киши. 2013-йил натижаларига кўра, ҳар минг киши ҳисобига Нишон туманига 9 киши келган ва 6 киши кетган, миграция қолдиғи 3 кишини ташкил этган. Қарши туманида келиш коэффициенти 10,5, кетиш 4,0 промилле, миграция натижаси 6,5 промилле ёки 0,65 %. Қашқадарё вилоятининг қолган аксарият қишлоқ туманларида аҳоли миграциясининг натижаси 2013-йилда ижобий бўлган: вилоятга келганлар 4,8, кетганлар 3,7 промилле, миграция қолдиғи минус 1,1 %. Манфий кўрсаткичлар Қарши шаҳри, Ғузор, Муборак ва Миришкор туманларида қайд этилган. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Қуйи минтақанинг айрим туманлари аҳолиси (масалан, Муборак, Касби, Нишон, Миришкор) асосан миграция натижасида шаклланган.

Вилоятнинг умумий урбанизация даражаси 43,3 % – бу республика кўрсаткичидан анча паст (51,2 %). Бу ерда ҳаммаси бўлиб 13 шаҳар ва 123 та шаҳарча бор. Улардан Қарши Ўзбекистоннинг 17 катта шаҳарлари қаторига киради (255 минг киши), Шахрисабзда 100 мингга яқин, Косонда

69 минг аҳоли яшайди; Қамаш ва Китоб шаҳарларида 37-40 минг аҳоли бор. Қолган шаҳар ва шаҳарчаларда аҳоли сони бундан озроқ.

2009-йилда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлик йили” Давлат дастурини қабул қилиниши муносабати билан вилоятнинг 119 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилган. Натижада, умумий урбанизация даражаси 2008 йилдаги 24,6 фоизга тенг бўлгани ҳолда, у бирданига 19,0 фоизга ортди. Янги шаҳарчалар (агрошаҳарчалар), айниқса Шаҳрисабз, Қарши, Китоб ва Яккабоғ туманларида кўп. Шаҳрисабзда бундай мақомга 18 та, Қаршида 15, Китобда 14, Яккабоғда 13 та қишлоқлар эга бўлган.

Қашқадарёнинг юқори зонасида жойлашган қишлоқ туманларида интенсив сугорма деҳқончилик яхши ривожланган ва шу асосда аҳоли зич, катта-катта қишлоқлар шаклланган. Нисбатан озроқ янги шаҳарчалар Миришкор (3 та) ва Деҳқонобод туманларида (2 та) пайдо бўлган. Янги шаҳарчаларнинг аҳоли сони бўйича энг катталари: Майманок – 19,5 минг киши, Фазли - 11,5 минг (Қасби тумани), Янги Миришкор – 16,3 минг, Помук – 13,0 минг (Миришкор), Карлик – 14,9 минг (Муборак туманида), Қарашина – 11,1 минг киши (Деҳқонобод тумани) ва ҳ.к.

Вилоятда 1046 та қишлоқ аҳоли пунктлари, 147 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари мавжуд. Деҳқонобод, Қамаш, Китоб, Чирокчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларининг ҳар бирида 100 дан ортиқ қишлоқлар бор (энг кўпи Китоб туманида - 144 та). Сон бўйича энг оз қишлоқлар Муборак (15 та), Миришкор (23 та) ва Нишон (30 та) туманларида. Бу маъмурий ҳудудларнинг барчаси янги ерларни ўзлаштириш муносабати билан ташкил этилган.

Қишлоқ аҳоли ва аҳоли пунктлари географиясининг асосий хусусиятлари табиий шароит ва унинг таъсирида хўжалик тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши ва ихтисослашуви билан тавсифланади. Масалан, Шаҳрисабз гуруҳ туманларида нисбатан катта қишлоқлар, тоғ ва тоғолди ҳудудларда эса кичикроқ қишлоқлар жойлашган. 54-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлилидан кўришиб турибдики, вилоят қишлоқ аҳоли географиясини асосан ўрта даражадаги қишлоқлар, яъни ҳар бирида 1000-3000 аҳоли бор манзилгоҳлар белгилаб беради. Бундай қишлоқлар сони 474 та ёки жами қишлоқларнинг 45,4 фозини ташкил қилиб, улар вилоят умумий қишлоқ аҳолисининг 53,3 фозини ўзида мужассамлаштиради. Катта қишлоқларнинг демографик салоҳияти эса 21,7 фоизга тенг. Демак, ўрта ва катта қишлоқларда минтақа аҳолисининг деярли 4/5 яшайди. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, 500 кишигача бўлган қишлоқлар сони ҳам кам эмас - 175 та, аммо уларда бор-йўғи 4 фоздан ортиқ аҳоли яшайди, холос. Маълумки, қишлоқ тараққиётига доир Давлат дастурида кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда, хусусан таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий инфратузилмаларни ҳудудий

ташқил этиш ва ривожлантиришда, энг аввало, аҳоли пунктларининг катта-кичиклиги муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, бундай қишлоқларда мазкур масалаларни ҳал қилиш анча қийин.

54-жадвал

**Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибий тузилиши**

Қишлоқлар, аҳоли сони бўйича	Қишлоқ аҳоли пунктлари		Аҳолиси	
	сони	фоизда	минг киши	фоизда
250 кишигача	46	4,4	7,7	0,5
251-500 киши	129	12,3	51,3	3,6
501-1000 киши	310	29,6	230,5	15,9
1001-2000 киши	369	35,3	515,0	35,6
2001-3000 киши	105	10,1	255,8	17,7
3000 киши ва ундан ортик	87	8,3	386,4	26,7
<b>Вилоят бўйича жами</b>	<b>1046</b>	<b>100</b>	<b>1590,0</b>	<b>100</b>

*Жадвал Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

Бошқа вилоятларда бўлганидек, Қашқадарё аҳолиси миллий таркибида ўзбеклар кескин ажралиб туради – 92,3 %. Иккинчи ўринда тожиклар – 4,3 %. Қолган миллият вакилларида туркман ва руслар кўпрок (2013-й.). 2014-йил 1-январнинг дастлабки маълумотларига кўра, Қашқадарёда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1654 минг киши. Шундан 1131 минг киши иқтисодий фаол ҳисобланади. Иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли 1072 минг киши. 2013-йил якунлари бўйича бир йилда 89,4 минг янги иш ўринлари яратилган (асосан қишлоқ жойларда). Бирок шунга қарамадан, вилоятда, хусусан, унинг аҳолиси зич туманларида меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ва меҳнат бозори фаолиятини яхшилаш муаммоси мавжуд. Иқтисодиётда банд аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади (35-40 %). Шу билан бирга, ижтимоий соҳаларда ҳам бу кўрсаткич анча юқори, саноат, транспорт ва алоқада эса у пастроқ. Умумий ҳолат вилоят урбанизация даражасининг иқтисодий жиҳатларини ўзида акс эттиради.

**Вилоят иқтисодиётининг умумий таърифи.** Қашқадарё вилоятининг иқтисодиёти ривожланиб бораётган аграр-индустриал йўналишга эга. Яқин келажакда унинг индустриал-аграр хусусиятини олишига тегишли имкониятлар мавжуд. Ҳозирги вақтда вилоят юксак иқтисодий салоҳиятига молик бўлган минтақалардан бири ҳисобланади. У республика миллий иқтисодиётида ўзига хос “локомотив” вазифасини бажараётир. Бу ерда саноатнинг нефть-газ, тоғ-кон кимёси тармоқлари тараққий этган, пахта, ғалла, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш яхши ривожланган. Хусусан, нефть ва газ, пахта ва ғалла етиштиришда у мамлакатимизда биринчи, кимёвий маҳсулотлар (полиэтилен ва б.) ҳамда чорвачилик бўйича ҳам олдинги ўринларнинг бирини эгаллайди.

2013-йил якунларига кўра, минтақа ялпи ҳудудий маҳсулотининг 37,4 фоизини саноат ишлаб чиқариш таъминлаган (2009-йилда – 46,1 %). Қишлоқ хўжалигининг улуши 19,8 %, қурилишниги – 6,5, транспорт ва алоқа ЯҲМ-нинг 7,5 %, савдо ва умумий овқатланиш 6,4 фоизини таъминлайди. Бошқа ҳудудларда бўлганидек, бу ерда ҳам иқтисодий ислохотларга катта эътибор берилмоқда. Аммо вилоятда саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ўзига хос хусусиятга эга. Сабаби, саноатнинг асосан ёқилғи-энергетикага ихтисослашганлиги, яъни стратегик аҳамият касб этиши туфайли нодавлат сектори бу соҳада нисбатан пастроқ<sup>1</sup>.

Капитал қўйилмаларнинг энг катта қисми Муборак (25,4 %) ва Ғузор (10,9 %) туманларига тўғри келади. Қарши шаҳрининг инвестицион салоҳияти ҳам юқори – 22,7 %. Энг сўнгги йилларда Деҳқонобод туманида республикамизда ягона калий заводини қуриш муносабати билан, бу ҳудудга йўналтирилган инвестиция маблағлари ҳам ортиб бормоқда (9,6 %). Шу билан бирга, Чироқчи, Касби, Қамаш, Китоб қишлоқ туманларида ушбу кўрсаткичлар анча паст (46-илова).

**Саноати.** 2013-йил якунларига кўра, саноатнинг ички тузилиши куйидагича: ёқилғи саноатининг улуши (маҳсулот қиймати бўйича) 70,5 фоиз, енгил саноат – 8,5, озиқ-овқат 6,0, ун-ёрма, омихта ем саноати – 2,8 фоиз. Таққослаш учун: 2000 йилда юқоридаги кўрсаткичлар, мос ҳолда, 56,4; 18,1; 9,2; ва 2,6 фоизни ташкил қилган. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, сўнгги 13 йил давомида минтақа саноати таркибида оғир саноат тармоқлари жадал ривожланиб борган. Бу ҳам бўлса, вилоят иқтисодиётини индустриаллаштиришнинг натижаси саналади.

Ялпи ҳудудий маҳсулотининг ички таркиби ҳам унинг иқтисодиётини тобора индустриал-аграр йўналишга ўтиб боришидан далолат беради. Жумладан, 2008 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 33,0 фоизи саноат ишлаб чиқаришига тўғри келган бўлса, 2010-йил у 40,7 фоизга баробар бўлган (2013-йил – 37,4 %). Баъзи бошқа минтақаларга қараганда бу ерда қишлоқ хўжалигининг улуши пастроқ – 19,5 %, ваҳоланки, бу кўрсаткич Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида бундан деярли икки марта зиёд. Айни вақтда, бу ерда машинасозлик суст ривожланган; кимё ва электр энергетика саноатига эса катта эътибор қаратилмоқда. Шўртангаз мажмуаси, Деҳқонобод калий заводи, биринчи навбати ишга туширилган Толимаржон ИЭС фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, вилоят энергетика базасида Муборак иссиқлик энергетика маркази ҳам муҳим ўрин тутади.

2013-йилда саноат маҳсулоти 2012-йилга нисбатан, таққослама нархларда 4,1 фоизга кўпайган (республикада – 8,8 %). Вилоятда жами 425

<sup>1</sup> 2013-йил якунларига кўра, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик жами ЯИМ нинг 51,4 %, саноат маҳсулотининг 10,1 %, қишлоқ хўжалигини 99,5 %, қурилиш ишларини 73,9 %, чакана савдони 36,0 % ва пуллик хизматларнинг 55,3 фоизини таъминлаган.

та саноат корхоналари мавжуд бўлиб, йириклари 38 та. Бир йилда тахминан 1,0-1,5 млн. т нефть, 50-52 млрд. м<sup>3</sup> табиий газ, 1,3-1,5 млн. т атрофида газ конденсати (суюлтирилган газ), 400 минг тоннага яқин олтингугурт, 130 минг т полиэтилен, 2 млн. м<sup>2</sup> ип-газлама, 146-150 минг тонна пахта толаси, 30-31 минг тонна ўсимлик ёғи, 20-25 млн. шартли банка консерва, 205 минг т ун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Нисбий кўрсаткичларда ҳисоблаганда, Қашқадарёга Ўзбекистонда қазиб олинadиган нефтнинг (газ конденсати билан бирга) 95 фоизи, табиий газнинг 92, олтингугуртнинг ва калий ўғитининг деярли 100 фоизи тўғри келади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, аввалги йилларда мутлак кўрсаткичларнинг баъзилари анча юкори бўлган. Масалан, 2000-йилда нефть қазиб олиш 3,6-4,0 млн. т, суюлтирилган газ 3,5 млн. т, ип-газлама 5,0 млн. кв метрдан зиёдроқ, консервалар 75 млн шартли банкани ташкил қилган; фақат пахта толаси ва ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш кейинги даврда кўпайган.

Бундан ҳулоса қилиш мумкинки, вилоятнинг ёқилғи саноатидаги “силжишлар” республика умумий ёқилғи-энергетика саноати ҳолатига жиддий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, ип-газлама ҳамда мева-консервалар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришини ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Пахта ҳосилининг, жумладан, пахта толасини ишлаб чиқаришни орғиб торишига қарамасдан уни қайта ишлаш ҳажми, ип-газлама маҳсулотларини тайёрлаш анча катта миқдорда қисқарган. Албатта, бу ерда ҳам вазият қониқарли эмас.

Саноатнинг худудий ташкил этилишида Қарши, Шаҳрисабз тугунлари катта аҳамиятга эга; Муборак (ИЭМ, газ-кимё мажмуаси), Косон (ёғ-экстракт, пахта тозалаш, ғишт заводи), Шўртан (нефть-газ-кимё), Талимаржон (ИЭС), Қўқдумалоқ (нефть), Чироқчи (консерва заводи), Дехқонобод (калий заводи) ва бошқа саноат масканларининг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Қарши, Қамаш ва Шаҳрисабзда тўқимачилик корхоналари (“Оксарой - тўқимачи” ҚК, ипакчилик), аксарият туман марказларида пахта тозалаш заводлари мавжуд.

Вилоятда газ конденсатини Муборак нефть-газ конлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, “Шўртан нефть-газ” шўъба корхонаси, Шўртангаз кимё мажмуаси ҳамда “Ҳисор нефть-газ” кўшма корхоналари ишлаб чиқаради. Уларнинг орасида газ конденсати бўйича Муборак нефть-газ конлари бошқармаси ва Шўртан нефть-газ, нефть ва табиий газ қазиб олишда Муборак нефть-газ конлари етакчилик қилади<sup>1</sup>. Суюлтирилган газнинг ярмига яқинини Шўртангаз кимё мажмуаси етказиб беради, иккинчи ўринда Шўртан нефть-газ шўъба корхонаси туради. Олтингугуртнинг деярли 100 фоизга яқинини Муборак газни қайта ишлаш заводи таъминлайди.

<sup>1</sup> Чироқчи туманида ҳам оз миқдорда бўлсада нефть қазиб олинади.



# КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ КАРТА

САНОАТ ВА КИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ  
ЯЛПИ МАЎСУЛОТЛАРИ ҚАЖМИ  
(2011 й.)

1 мм устун баъзидаги - 100 млрд. сўм

□ саноат  
□ кишлоқ хўжалиги



**КЕНТ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР**

- ингичка тоғлан
- пахтачилик
- пахтачилик
- боғлар
- узунзорлар
- сабаоз ва картошка
- полло экинлари
- маюмажвори
- бугдой
- арпа
- дон-руққаклилар
- ёнгёкзорлар
- бода
- Урманлар

**РАЙОНЛАР**

- Қорақўла қўйларини уришти
- Хисор қўйларини уришти
- Йилқичилик
- қўچа-чилик
- ларрандчилик
- ассларчилик
- инакчилик

**КИШЛОҚ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)**

- Ялпи мақсулот қажми бўйича саноат пунктлари
- Жуда ёриқ
- Яриқ
- Урга
- Найза

**КИШЛОҚ ХўЖАЛИГИНИҒ ИХТИСОСЛАШУВИ**

- Суғорма дехқончилик зонаси
- Шакар агрофи хўжалиги сабаозчилик, боғдорчилик, узунчилик ва суг-ғўшт чорвачилиги
- Пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, илақчилик, ассларчилик, суг-ғўшт чорвачилиги
- Сабаозчилик, боғдорчилик, узунчилик, мевачилик, ассларчилик, суг-ғўшт чорвачилиги
- Лаван дехқончилик зонаси
- Донли экинлар, баъзи эриқара тоқик экинлари ва гўшт-суг чорвачилиги
- Қўн-яйлов зонаси
- Қўн-яйлов чорвачилиги (асосан қорақўлчилик)
- Тоғ-яйлов зонаси
- Тоғ-яйлов чорвачилиги (сўлт-жон қўйчилиги ва гўшт-суг чорвачилиги), дарё vodiёларида боғлар ва узунзорлар
- Қўриқландирилган ерилар

**УНДИРУВИЧИ САНОАТ**

- Нефть
- Нефть ва табиий газ
- Табиий газ
- Қорамайт хом ашёси
- Мәрмәр
- Минерал суг булоқлари
- Қоракўм
- Қонларнинг қоллари

**Сааноат тармоқлари**

- Электрэнергетика
- Қўйини
- Машинасозлик ва металлургия қалта ишлаш
- Кий ва газ-чий
- Қурғаш материаллари
- Енгил
- Олақ-оқаёт
- Бошқа тармоқлар

ИСОҚНИК электрстанцияси  
Электр улағини линиялари  
Газ қурувлари  
Нефть қузғунлари

Жами саноат маҳсулотининг 9,3 фоизи вилоят маркази – Қарши шаҳрига тўғри келади. Муборак туманида саноатни мужассамлашув кўрсаткичи бундан ҳам юкори – 45,2 фоиз. Шунингдек, Ғузор туманида ҳам саноат ишлаб чиқариши юкори даражада – 23,3 %. Бу икки қишлоқ тумани вилоят маркази билан биргалликда жами саноат маҳсулоти ҳажмининг 78 фоизини беради (46-илова). Қолган ҳудудларда саноат суст ривожланган. Бу борада бироз Шаҳрисабз ва Косон туманлари ажралиб туради. Дехқонободда эса ушбу макрониктисодиёт тармоғи яқин йилларда ривожланиб боради.

Қашқадарё вилояти демографик вазияти, аҳолисининг тез кўпайиб бориши халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўламини оширишни тақозо этади. 2013-йилда, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, истеъмол молларини ишлаб чиқариш олдинги йилга нисбатан 108,8 фоизга кўпайган. Агар аҳоли сонининг бу даврдаги 2,1 фоизга ортганини ҳисобга олсак, истеъмол молларини ишлаб чиқариш устувор даражада кўпайиб боришининг гувоҳи бўламиз. Кўрилатган йилда мебель, хўжалик совуни, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, минерал сув ишлаб чиқариш ҳажми анча ошган. Хусусан, трикотаж маҳсулотлари тез кўпайган. Бироқ, ўсимлик ёғи 2008-йилдаги 35,1 минг тоннадан 2013-йилда 30,5 минг тоннагача камайган.

ХИМ ишлаб чиқариш бўйича Қарши шаҳри, Шаҳрисабз ва Косон туманлари олдинда. Айни шу ҳудудларда енгил ва озик-овқат саноат тармоқлари яхшироқ ривожланган. Уларнинг ҳиссасига вилоятда олинган ХИМ 77,8 % тўғри келади (жумладан, Қарши шаҳрига – 43,3 %). Бу соҳа, айни пайтда Дехқонобод, Нишон, Касби туманларида жуда паст.

**Қишлоқ хўжалиги.** Вилоятда аграр соҳа ҳам яхши ривожланган. 2009-йилда барча тоифадаги хўжаликларда яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олдинги йилга нисбатан 6,8 фоизга ортган (2010-йилда - 7,1 фоизга). Жами маҳсулот ҳажмида деҳқончилик 52,8 фоизни ташкил қилади. Умумий ҳажмда минтақа Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 8,5 фоизини беради.

Қашқадарё вилоятининг умумий ер майдони 2857 минг га, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, жами майдонга нисбатан, 76,8 %. Суғориладиган ерлар 461 минг га ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ерларнинг 21,0 фоизи демакдир. Бундай ерлар улуши Касби туманида энг юкори - 90,8 %; иккинчи ўринда Қарши тумани туради - 66,4 %. Муборак, Шаҳрисабз, Яққабоғ, Чироқчи ва, айниқса, Дехқонобод туманида у жуда паст (атиғи 1,0 фоизга яқин). Жами экин майдонининг 2/3 қисмига яқини фермер хўжаликларига. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркибида экин майдонлари 31,1 фоизни ташкил қилади. Бу хусусда Касби (87,0 %), Чироқчи (51,2 %), Қарши (67,0 %) туманлари олдинда, Муборак (13,1 %), Дехқонобод (15,9

%) ва Миришкор (20,0 %) охириги ўринларда туради. Дехқонобод тумани қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 82,6 фоизи яйлов ва пичанзор билан банд. Муборак, Миришкор, Ғузор туманларида ҳам бундай ерлар кўп (47-илова).

2013-йил якунлари бўйича вилоятда жами экилган майдонлар 479 минг га бўлган. Шундан донли экинлар 236 минг га бўлиб, ялпи ҳосил 913 минг тоннани ташкил этган. Шу йилда 218 минг гектарга буғдой экилган, ялпи ҳосил – 932 минг тонна, ҳосилдорлик – 45,9 ц/га (2009-йилда 982 минг т., ҳосилдорлик – 44,7 ц/га)ни ташкил этган. Ҳосилнинг 87,8 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилади. Буғдой барча туманларда, шунингдек, Чироқчи, Қамаш ва Яккабоғ туманларида лалмикор ерларга ҳам экилади.

**17-расм. Қашқадарё вилояти саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби (2013 й., фойзда)**



Қишлоқ хўжалигининг иккинчи етакчи экини – пахта 163 минг гектарни эгаллайди (2008-йилда 173 минг га, 2000 йилда 150 минг га). 2013-йилда 424 минг тонна пахта етиштирилган, ҳосилдорлик – 26,0 ц/га бўлган. Ғалла ва пахта етиштириш бўйича Қашқадарё республикамизда биринчи ўринда туради. Картошка 7,0 минг гектар ерга экилган, ялпи ҳосил 126 минг т; сабзавот майдони 15,0 минг га, ҳосил 398 минг т; полиз экинлари 6,5 минг га ва ялпи ҳосил 111 минг тоннага тенг бўлган<sup>1</sup>. Ем-ҳашак экинлари 42,8 минг гектарни эгаллайди, унинг ярмидан кўпроги беда билан банд. Мевазорлар майдони – 12,4 минг га, ялпи ҳосил – 89 минг т. Боғдорчилик тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган (Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Қамаш ва б.) туманларда ривожланган. Бу ерларда узум етиштириш ҳам йўлга қўйилган, унинг умумий майдони 7,1 минг га, ялпи ҳосил 69 минг т бўлган. Китоб тумани ўзининг анорлари (Варганза ва б.), Касби тумани бодомзорлари билан (Майманок) машҳур.

<sup>1</sup> Картошка, сабзавот, узум етиштириш қўшни Сурхондарё вилоятида Қашқадарёга нисбатан яхшироқ ривожланган.

Вилоятда 1268 минг бош қорамол, 3958 минг бош қўй ва эчкилар бор (бу борада ҳам Қашқадарё анча олдинда). Минтака агросаноат мажмуида 219 минг т тирик вазнда гўшт, 829 минг т сут, 280 млн. дона тухум, 6,4 минг т жун (республиканинг 1/5 қисми), 2,9 минг т пилла, ва катта миқдорда қорақўл териси олинади (2013 й.). Таққошлаш учун баъзи маълумотлар (2000 йилда): умумий экин майдони 461 минг га ёки республикага нисбатан 12,2 %, ғалла майдони 202 минг га (республикада биринчи ўринда), пахта майдони 150 минг га, ем-ҳашак майдони 55 мингга, йирик шохли қорамоллар сони 580 минг бош, қўй ва эчкилар 1,9 млн. бош. Қорақўл териси 110 минг дона, пилла 1,8-1,9 млн. т тайёрланган. Бундан 13 йил муқаддам жами экин майдонининг 45 % ғалла, 32 % пахта, 12 % ем-ҳашак, икки фоизи сабзавотчилик билан банд бўлган.

Қишлоқ хўжалиги географиясида Косон (9,1 %), Чирокчи (10,7 %) туманлари етакчи, Дехқонобод ва Муборак туманлари орқада. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, юқори кўрсаткичлар Нишон, Касби туманларида, энг пастлари эса Шахрисабз ва Дехқонобод туманларида қайд этилган.

Қашқадарёда жами 8025 та фермер хўжаликлари мавжуд, уларга 744 минг га ер бириктирилган, 105 минг киши ишлайди. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибида фермер хўжаликларининг ҳиссаси ўртача 38,0 % (республикамик миқёсида анча юқори). Бу кўрсаткич Дехқонободда жуда паст (3,1 %), Нишон, Миришкор туманларида эса у энг баланд (55-58 %). Худудий фарқлар асосан аграр соҳанинг ихтисослашувига боғлиқ. Одатда, дехқончилик, хусусан, пахтачиликда фермер хўжаликлари етакчилик қилишади.

55-жадвал

**Қашқадарё вилоятида аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар индикаторлари (2013 й.)**

т/р	Туманлар	ХИМ	Чакана савдо айланмаси	Пуллик хизматлар
1	Дехқонобод	0,115	0,645	1,093
2	Касби	0,113	0,724	0,860
3	Китоб	0,416	1,245	0,884
4	Косон	1,446	0,939	0,792
5	Миришкор	1,441	0,400	1,180
6	Муборак	0,280	0,485	1,977
7	Нишон	0,178	1,284	1,182
8	Чирокчи	0,346	0,562	0,578
9	Шахрисабз	1,968	0,760	0,732
10	Яккабоғ	0,499	0,792	0,839
11	Қамаши	0,271	0,946	0,836
12	Қарши	0,222	0,373	0,928
13	Ғузор	0,267	0,751	1,089
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Ер майдонлари ва уларда ишлайдиган ходимлар сони ҳам бир хил эмас. Масалан, Муборак туманида 1 та фермер хўжалигига 171,5 га ер ва 13,5 кишидан ишчи, ходимлар тўғри келади (вилоятда ўртача 92,8 га ва 13,1 киши). Китоб туманида бу кўрсаткичлар, мос равишда, 43,9 ва 12,8.

Миришкор туманида – 118,1 ва 13,2. Интенсив сугорма дехқончилик ривожланган ҳудудларда фермер хўжаликларининг ер майдони кам, ишловчилар сони эса кўпроқ бўлади. Жумладан, Касби туманида ҳар бир фермер хўжалигига 6,3 гектар ер бириктирилган бўлиб, уларда ўртача 13,9 киши ишлайди, ваҳоланки, Дехқонободда бу кўрсаткичлар 111,2 га ва 3,8 кишини ташкил қилади. Шу ўринда эътиборга олиш зарурки, мамлакатимизда олиб борилаётган фермер хўжаликларини оптималлаштириш сиёсатини амалга ошириш натижасида уларнинг сони кескин қисқарди, бириктирилган ер майдонлари эса кескин кўпайди.

Худудий ихтисослашув жиҳатидан қаралганда, Юқори зонада ёки Шаҳрисабз гуруҳ туманларида пахтачилик, боғдорчилик ва ғаллачилик, Қуйи зонада, яъни Қарши даштида пахтачилик ривожланган. Чорвачилик, хусусан, қўй ва эчкиларни боқиш чўл ва тоғолди ҳудудларда кўпроқ тарқалган. Вилоят маркази ҳамда Шаҳрисабз атрофида шаҳар атрофи кишлок хўжалиги, сабзавот ва картошка, кўкатлар етиштириш билан шуғулланишади.

**Ижтимоий соҳаларнинг устувор ривожланиши ўзига хос демографик вазиятга эга бўлган Қашқадарё вилояти учун ҳам долзарбдир.** Бу соҳада, энг аввало таълим, соғлиқни сақлаш, савдо ва турли хил хизматлар асосий аҳамият касб этади. 2013-йилда чакана савдо айланмаси олдинги йилга нисбатан 115,6 фоизга кўпайган, бу рақам эса аҳоли сони кўпайишига қараганда қарийб 7 марта юқоридир.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо айланмаси, Қарши шаҳрини ҳисобга олмаганда, Китоб туманида энг юқори, энг пасти эса Касби туманида кузатилади. Салоҳият нуқтаи назаридан эса Шаҳрисабз, Китоб ва Қарши кишлок туманлари ажралиб туради. Жами вилоят чакана савдо айланмасининг 41,6 фоизи биргина Қарши шаҳри зиммасига тушади (46-илова). Бу унинг йирик район ҳосил қилувчи ёки районга хизмат қилувчи вазифасини кўрсатиб турибди. 55-жадвалда ХИМ ва хизматлар бўйича индикаторлар келтирилган.

Вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши ўртача 85,0 %, табиий газ билан эса – 67,2 %. Ажабланарлиси шундаки, энг катта табиий газ ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган бундай минтақада мазкур кўрсаткич унча юқори эмас

Ичимлик суви билан таъминланиш даражаси Шаҳрисабз, Муборак ва Китоб туманларида у анча юқори (90-95 %). Дехқонобод туманида эса у анча заифроқ (51,8 %). Табиий газ билан таъминланиш қуйидагича: Муборак туманида 89,5 %, Нишонда 79,0 % бўлган тарзда, Ғузорда – 41,7

%, Дехқонободда – 44,2 %. Шунингдек, Яккабоғ ва Қамаши туманлари ҳам вазиятда унча яхши эмас.

Уй-жой таъминоти вилоят бўйича ўртача ҳар бир кишига 13,2 кв. м тўғри келгани ҳолда, бу кўрсаткич Китоб ва Муборак туманларида юқори (19-20 кв.м.), Косон туманида эса, у паст (8,0 м<sup>2</sup>). Ҳар 10 минг кишига нисбатан касалхона ўринлари, Қарши шаҳрини ҳисобга олмаганда, Қарши туманидаги 10,9 дан Китоб туманидаги 54,6 тагача фарқланади (01.01.2014 й.). Ғузур, Қамаши, Чирокчи туманларида ҳам бу кўрсаткич паст. Қарши туманидаги ҳолатни унинг географик ўрни билан изоҳлаш мумкин.

Тиббиёт соҳасида, ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган бемор ўринлар сони 38,3 та. Врачлар ҳар 10 минг кишига 18,3, ўрта медицина ходимлари 100,7 киши (бу рақамларни бошқа вилоятлар билан солиштириш мумкин). Қишлоқ врачлик пунктлари 264 та, ўртача тўртта қишлоқ аҳоли пунктига битта ҚВП тўғри келади.

Юқоридаги келтирилган статистик рақамлар баъзи ижтимоий соҳаларнинг қишлоқ туманлари миқёсидаги реал ҳолатини акс эттиради. Ўз навбатида, бу кўрсаткичлар вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларининг ҳудудий жиҳатларини яққол намоён қилади.

Қашқадарё вилоятида ўрта таълим мактаблари 1118 та, касб-ҳунар коллежлари 136 та, 7 та академик лицей ва иккита олий ўқув юрти бор. Қарши Давлат университетига турли йўналишлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади. Минтақада катта рекреация ва туристик ресурсларнинг мавжудлиги ушбу соҳалар ривожланишининг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. 2750 йиллик тарихга эга бўлган Шаҳрисабз, 2700 йилга тўлган Қарши шаҳрининг халқаро ва маҳаллий туризмни ривожлантиришда аҳамияти катта. Китоб кенглик станцияси, Ҳазрати Башир, Султон Мирҳайдар, Исоқ-ота, Лангар-ота каби зиёратгоҳ ва қадамжолар ҳам илмий ва диний туризмни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Вилоятнинг бу ва бошқа жойларида туристик индустрия ва туристик инфратузилмани замонавий шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари.** Вилоятда транспорт тизимининг турли хиллари мавжуд. Аммо юк ташишда автомобиль транспорти олдинги ўринда туради. 2013-йилда умумий 41,4 млн. тонна ташилган юкнинг барчаси автомобиль транспортига тўғри келади. Шу йилда жами 457,3 млн. йўловчи ташилган, унинг ҳам деярли барчаси автомобиль транспортида амалга оширилган.

Қашқадарё нефть ва газ конларидан мамлакатимизнинг турли районларига ҳамда қўшни давлатларга қувур транспорти тарқалган; Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, кўпгина йирик иссиқлик электр станцияларига айна шу ердан ёқилги етказиб берилади. Шунингдек, яқинда қурилган Тошғузур – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг

аҳамияти ҳам катта. Қарши шаҳрида йирик аэропорт бор, у вилоят аҳолисининг ташқи алоқаларига хизмат қилади.

Ташқи савдо айланмаси 2013-йилда 734,0 млн АҚШ долларини ташкил этиб, шундан экспорт 308,4 млн ва импорт 425,6 млн долларга тенг бўлган. Экспорт таркибида ёқилги (асосан табиий газ) ва пахта толаси устунлик қилади. Бундай экспорт таркиби республикамизнинг кўпгина бошқа вилоятларида кузатилмайди. Бу ердан кимёвий маҳсулотлар, жумладан, полиэтилен ҳам экспорт қилинади. Импорт таркибида машина ва ускуналар (90,0 %) етакчилик қилади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий қисми “Узоқ хориж” мамлакатларига тўғри келади. Вилоятда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 51 та бўлиб (шу жумладан Қарши шаҳрида 22 та), улар 2013-йилда 63,5 млн АҚШ доллари микдоридаги маҳсулотларни экспорт қилган.

Бироқ, 2010-йилда вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқаларида кескин ўзгаришлар юз берди: ташқи савдо айланмаси 2009-йилга нисбатан атиги 17,6 фоизни, экспорт – 16,3 % ва импорт 24,0 фоизни ташкил қилди. Ушбу “аномал” вазият, энг аввало, ёқилги саноати туфайли содир бўлди. Масалан, пахта толасининг экспорти 134,8 фоизга ўсган ҳолда, энергия узатувчилар 2009-йилда бор-йўғи 1,2 фоизга тенг бўлди. Айни вақтда, энергияни импорт қилиш 43,3 мартага ошди. Ўйлаймизки, бундай қутилмаган ҳолат республикамиз миллий иқтисодиётида муҳим ўрин тутган Қашқадарё вилояти учун муваққат, ўтқинчидир.

**Вилоят иқтисодиётининг ҳудудий таркиби ва асосий муаммолар.** Қашқадарё вилоятида, энг аввало, иккита шаклланган асосий ички иқтисодий район ажратилади. Қуйи минтақа ёки Қарши минтақаси пахта ва ғалла, чорвачиликка, нефть-газ, тоғ-кон ҳамда электр энергетикага иxtисослашган. Унинг таркибига Қарши шаҳри, Қарши, Нишон, Муборак, Косон, Ғузор, Касби ва Миришкор туманлари қиради.

Юқори ёки Шаҳрисабз минтақасида кўпроқ агросаноат мажмуаси ривожланган. У Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманларини бирлаштиради. Қашқадарё географи М.Янгибоев бу районлардан ташқари яна Шимолӣ (Чироқчи тумани) ва Жанубий (Дехқонобод ва Қамашӣ туманлари) районларни ҳам ажратган<sup>1</sup>. Албатта, бу янги районларда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси энди шаклланиб бормоқда. Балким, Дехқонобод, Ғузор, Қамашӣ ва Чироқчи туманларини оралиқ ёки Ўрта Қашқадарё иқтисодий район сифатида ажратиш ҳақиқатга яқин бўлар.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ички тафовутлар кишлоқ туманлари микёсида янада аниқроқ кўзга ташланади (46-илова). Жадвалдан кўриниб турибдики, асосий ишлаб чиқариш соҳалари, яъни

<sup>1</sup> Ҳавза тамойилидан келиб чиққан ҳолда эса 3 та, яъни Юқори, Ўрта ва Қуйи Қашқадарё иқтисодий районларини белгилаш мумкин.

саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича Муборак ва Ғузур туманлари ажралиб туради. Ижтимоий соҳалар Китоб, Муборак ҳамда Нишон туманларида нисбатан яхшироқ. Ҳозирча энг суғ сув ривожланган қишлоқ туманлари – Дехқонобод ва Чироқчи.

Яқин келажакда ишлаб чиқаришни тўғри ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш, меҳнат ресурслари, рекреация ҳамда туристик имкониятлардан фойдаланиш, тўқимачилик ва қурилиш саноати базасини мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш каби масалалар долзарб ҳисобланади. Қишлоқ саноати ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан тўла таъминлаш, геоекологик вазиятни соғломлатириш ҳам минтақавий муаммолар сирасига киради.

Толимаржон ИЭС ва Тошғузур–Бойсун–Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши минтақанинг ижтимоий–иқтисодий ривожланишини жадаллаштирувчи муҳим омил бўлди. Улар вилоят иқтисодий географиясига катта ўзгаришлар киритади. Шу билан бирга, келажакда янги ички темир ва автомобиль йўллари қуриш бундай катта ҳудудга эга бўлган минтақа учун зарурдир. Жумладан, Яққабғ ва Айритом бекатларини бирлаштирувчи темир йўл қурилса, вилоятнинг иккинчи шаҳри – Шаҳрисабз республика марказий районлари билан қисқароқ масофада боғланиш имкониятига эга бўлади ва транспорт ҳаражати камаяди, Қарши станциясининг “юки” бироз енгиллашади. Қолаверса, бу йўл вилоятнинг ички ҳудудларини ривожланишига янги туртки беради, натижада, Қашқадарёнинг асосий иқтисодий ўзаги (қовурғаси) Қарши–Ғузур–Қамаши–Яққабғ (Шаҳрисабз)–Чироқчи–Айритом ҳалқаси ёки тўртбурчаги вужудга келади. Айни вақтда, Ғузурнинг транспорт тугуни сифатидаги аҳамияти кучаяди, Дехқонобод туманининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши кучаяди ва у Қашқадарёни Сурхондарё вилояти билан боғлашга хизмат қилади, шу асосда ягона Жанубий иқтисодий район шаклланиб боради. Шаҳрисабз тугунининг ривожланиши, доvonнинг икки томонида жойлашган Ургут ва Китоб туманлари иқтисодий салоҳиятини юксалтириш эса Қарши – Бухоро – Самарқанд учбурчагини, республикамиз жануби–ғарбий кутбини янада мустаҳкамлайди.

Демак, истиқболда Ғузур, Яққабғ, Айритом, Қарашина, Чин, Китоб каби ўсиш нуқта ва марказлари вужудга келади, Қарши ва унинг агломерацияси такомиллашади, аҳоли ва хўжаликни ҳудудий ташкил этишнинг худди шундай шакли Шаҳрисабз негизида ҳам пайдо бўлади.

## **2.7. ҚУЙИ АМУДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ**

Мазкур район ҳудуди бўйича Ўзбекистонда энг катта бўлиб, у ўз таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини олади. Майдони 172,6 минг км. кв. – бу мамлакатимиз умумий майдонининг 38,5 фоизи демакдир. У республика аҳолисининг энг чекка шимол, шимоли-



ғарбида, марказий шаҳарлардан анча узокда, глобал тус олган экологик муаммо – Орол денгизининг куриб бориши таъсири кучли минтақада жойлашган. Аини ана шундай ўзига хос географик (иктисодий, геосиёсий ва экологик географик) ўрин унинг ижтимоий ва иктисодий ривожланиш хусусиятларини белгилаб беради. Район хосил қилувчи географик омил унинг Амударё куйи қисмида жойлашганлигидир.

Бу район икки, маълум маънода, бир-бирига ўхшамаган маъмурий бирликдан ташкил топган, яъни у мамлакатимиз таркибига кирувчи суверен республика ҳамда Хоразм вилоятидан иборат. Бири озми-кўпми табиий ресурсларга–қазилма бойликларга эга бўлса, иккинчисида фақат меҳнат ресурслари мўл. Шу боис, мазкур ҳудудда ўзаро иктисодий интеграциялашув имкониятлари ва зарурати мавжуд.

Куйи Амударё районининг сиёсий географик ўрни – унинг Туркменистон давлати ҳамда Қозоғистон Республикаси билан чегарадошлиги билан белгиланади. Бинобарин, бу ерда истиқболда халқаро миқёсда иктисодий ҳамкорликни амалга ошириш мумкин. Шундай қилиб, районнинг иктисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиш бўйича унинг кучли томони, энг аввало, бу ҳудудда табиий ҳамда меҳнат ресурсларининг борлигидир. Бироқ, бу ижобий томонга нисбатан район ривожланишини анча чеклаб қўйувчи заиф (кучсиз) хусусиятлар ҳам бор. Бу ҳам бўлса, унинг географик ўрни, яъни узоклиги ва муаммоли Орол бўйи минтақасида жойлашганлиги ҳисобланади. Шу билан бирга, районнинг, хусусан Қорақалпоғистон ички ҳудудларининг, экологик жиҳатдан ноқулайлиги ва транспорт инфратузилмаси билан яхши таъминланмаганлиги ҳам унинг заиф томонлари ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳудудий меҳнат тақсимотида Куйи Амударё райони аграр-индустриал минтақа сифатида ажралиб туради. Унинг ҳиссасига Ўзбекистоннинг 5,6 % ЯИМ, 3,3 % саноат ва 9,0 % қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тўғри келади. Ваҳонланки, бу ерда, 2014-йил маълумотларига биноан, 3419,2 минг ёки республикаимиз жами аҳолисининг 11,2 фоизи яшайди. (Таққосланг: майдони бўйича 38,5, демографик салоҳияти эса бундан 3 марта оз). Районда пахта ва шоли етиштириш, гўшт-жун чорвачилиги ва саноатнинг айрим тармоқлари (озиқ-овқат, енгил, кимё) нисбатан яхшироқ ривожланган. Майдони табиий ва экологик шароити, демографик вазияти турлича бўлган бундай катта иктисодий районнинг ҳақиқий географик хусусиятлари унинг ички таркиби таҳлил қилинганда янада очиқроқ намоён бўлади.

### **2.7.1.Қорақалпоғистон Республикаси**

Қорақалпоғистон Республикаси (ҚР) Ўзбекистон Республикаси таркибиде суверен давлат сифатида 1992-йил 9-январда эълон қилинган. Пойтахти – Нукус шаҳри. Унинг таркибига 14 та қишлоқ туманлари, 12 та

шаҳар ва 26 та шаҳарча, 139 та ҚФЙ ва 1128 та кишлоқ аҳоли пунктлари киради. Майдони – 166,6 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси – 1736,2 минг киши. Майдони, Ўзбекистон Республикасига нисбатан олганда, 37,1 фоизга тенг. Мамлакат ичидаги меҳнат тақсимотида минтақа асосан деҳқончилик, хусусан, пахта ва шоли етиштириш, жун-гўшт чорвачилиги ҳамда қисман озиқ-овқат ва енгил саноатнинг баъзи тармоқлари билан ажралиб туради. Шунингдек, нефть-газ, кимё саноати ҳам сўнгги йилларда ривожланиб бормоқда.

ҚР Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 5,8 фоизини ташкил этган ҳолда, унинг ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 2,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 1,6 фоизи, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 3,0, пуллик хизмат ҳажмининг – 3,8, чакана савдонинг – 3,6, экспортнинг – 0,7 фоизи ва импортнинг 0,8 фоизи тўғри келади (2013 й).

56-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасининг кишлоқ туманлари ҳақида айрим маълумотлар**

т/р	Қишлоқ туманлари номи	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдо-ни, минг кв.км.	Туманга бўйсунувчи шаҳар	Ша-ҳар-ча	ҚФЙ	ҚАП
1	Амударё	18.12.1957	Мангит ш.	1,02	1	4	15	119
2	Беруний	03.07.1927	Беруний ш.	3,95	1	1	13	67
3	Кегейли	03.09.1928	Кегейли ш-ча	2,21	1	2	9	151
4	Мўйноқ	19.09.1931	Мўйноқ ш.	37,88	1	-	6	21
5	Нукус	25.12.1968	Оқмангит ш-ча	0,95	-	1	6	39
6	Тахтақўпир	29.12.1965	Тахтақўпир ш-ча	21,12	-	1	8	41
7	Тўртқўл	13.07.1927	Тўртқўл ш.	7,48	1	5	15	86
8	Хўжайли	03.07.1927	Хўжайли ш.	0,85	1	2	9	95
9	Чимбой	03.07.1927	Чимбой ш.	2,20	1	1	11	133
10	Шуманой	09.01.1967	Шуманой ш.	0,64	1	-	7	108
11	Элликқалъа	23.03.1977	Бўстон ш.	5,42	1	1	13	85
12	Қонликўл	07.12.1970	Қонликўл ш-ча	0,74	-	1	7	38
13	Қораўзак	26.09.1975	Қораўзак ш-ча	5,89	-	1	8	105
14	Қўнғирот	22.02.1964	Қўнғирот ш.	76,00	1	5	11	42
	Жами			166,6	10	26	139	11280

Маба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Географик ўрни ва табиий бойликлари.** ҚР Ўзбекистоннинг чекка шимоли-гарбида, Қуйи Амударё минтақасида жойлашган. Унинг ЎЗР марказий районларидан анча олида ўрнашганлиги минтақанинг иқтисодий ривожланиш йўналишига ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга, ҚР нинг геосиёсий мавқеи, яъни Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон давлати билан қўшнилиги, Ўзбекистоннинг Европа мамлакатларига чиқиш жойида эканлиги унинг ривожланишига қулай имкониятлар яратиб беради. Бу борада у республикамизнинг асосий “дарвозаси” ҳисобланади.

Қорақалпоғистоннинг ер усти тузилиши мураккаб эмас: энг баланд нуқтаси Султонувайс тизмаси бўлиб, у денгиз сатҳидан 473 м баландликда

жойлашган. Сарикамиш ва Ассака чўкмалари эса анча паст. ҚРнинг ғарбий қисмида Устюрт платоси (ясси тоғолди), қолган худудда Турон пасттекислиги мавжуд.

Минтақа турли хил қазилма бойликларга эга. Бу ўринда, энг аввало, Султонувайс (Султонуизтоғ) тизмасини кўрсатиш жоиз. Майдони унча катта бўлмаган мазкур худудда рангли ва қора металллар, қурилиш ва бошқа саноат тармоқлари хом ашёси кўп. Улар жумласига мрамор, оҳақтош, гипс, мергель, фосфорит, олтин, темир рудаси, мис, кимматбаҳо тошлар, барит, талк, абразив материаллар ва бошқалар киради. Бирок, бу бойликларнинг захираси ва техник иқтисодий жиҳатлари саноат ишлаб чиқиришини ташкил қилиш учун ҳали мукамал ўрганилмаган. Баъзилари эса, масалан, Тебинбулоқ темир рудаси қони аниқланган захиралар қамлиги ва унинг сифат кўрсаткичларининг юқори эмаслиги сабабли (рудадаги темирнинг улуши 20 фоизга ҳам етмайди) ҳозирча саноат аҳамиятига эга эмас.

ҚР тоғ-қон қимёси захираларига ҳам бой: Чимбой яқинидаги Қўшқаноттов ва Қўнғирот атрофидаги Борса-қелмас ҳамда Қораумбет қабил қонларда сульфат-магний, тош ва ош тузларининг жуда катта захиралари мавжуд. Қорақалпоғистоннинг Устюрт қисмини табиий газ (Сурғил) ва, айниқса, нефть қонларига бой эканлиги башорат қилинмоқда. Ҳозирги вақтда Окшолоқ, Шохпахта, Қувониш қонларидан табиий газ қазиб олинади. Қелажақда эса, ушбу ёқилғи турунинг янги йирик қонлари топилиши шубҳасиз. Шу мақсадда олиб борилаётган геологик қидирув ишларига хорижий компаниялар ҳам жалб қилинмоқда.

Иклими – ўта континентал, йиллик ёғин-сочин миқдори 90-200 мм атрофида. Албатта, минтақада қурғоқчилик кескин сезилиб туради – мумкин бўлган парланиш амалдагисидан 9-10 марта зиёд. Бинобарин, Қорақалпоғистон Республикасининг ер майдони катта бўлса-да (у бу хусусда Ўзбекистонда биринчи ўринда туради), суғорма деҳқончиликни ривожлантириш имкониятлари анча чекланган.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасининг табиий шароити, минерал хом ашё ҳамда агроиклимий ресурслари асосан тоғ-қон қимёси, қурилиш ва ёқилғи саноати, чорвачилик учун қулайроқ. Айни вақтда, бу ерда сув захираларининг етишмаслиги электр станцияларни қуриш, дарё транспорти, интенсив суғорма деҳқончилик ва балиқчиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Қорақалпоғистоннинг шимолий худудлари бевосита Орол денгизи билан туташ. Маълумки, ушбу денгиз сўнгги 48-50 йил давомида мунтазам равишда қуриб бормоқда ва унинг қуриган қисмида катта майдонда Оролқум пайдо бўлган. Агар 1964-йилда Орол денгизининг майдони 66,0 минг кв.км.ни ташкил этган бўлса (Қозоғистон қисми билан бирга), 2001-йилда бу рақам деярли 3 марта қисқариб, 21,1 минг кв. км.га тушиб қолган.

Ҳозирги вақтда эса денгизнинг майдони атиги 8,0 минг кв. км.га ёки 1964-йилги кўрсаткичга нисбатан бор-йўғи 13,5 фоизни ташкил қилади. Шунга мос ҳолда, бу даврда денгизнинг сув ҳажми ҳам 1083 куб км дан 84 куб км гача камайган.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Аҳоли сони 1989-2014-йилларда 1211 минг кишидан 1736 мингга етган ёки шу даврда у 143,3 фоизга ўсган; жами аҳоли сонининг 49,7 фоизи шаҳар жойларда яшайди, қолган қисми 1128 та овул ва қишлоқларга тўғри келади. Аҳоли зичлиги – 1 км<sup>2</sup> га атиги 10,4 киши. Табiiйики, бу “ўртача” кўрсаткич Нукус шаҳри атрофида ҳамда интенсив деҳқончилик ривожланган ҳудудларда анча юқори (57-жадвалга қараңг).

57-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ туманларининг аҳолиси**

т/р	Қишлоқ туманлари	Аҳоли сони, минг киши			Зичлиги, 1 кв.км га, киши
		2000 й.	2014 й.	Ўсиш, %	
1	Амударё	141,8	179,1	126,3	175,6
2	Беруний	144,1	170,4	118,2	43,1
3	Кегейли	58,7	84,8	144,5	38,4
4	Мўйноқ	29,1	29,4	101,0	0,8
5	Нукус	43,2	44,4	102,8	46,4
6	Тахтақўпир	44,3	38,7	87,3	1,8
7	Тўرғўқўл	155,0	192,6	124,2	25,7
8	Хўжайли	145,8	183,5	125,8	215,9
9	Чимбой	91,1	108,2	118,8	49,2
10	Шуманой	41,7	53,1	127,3	83,0
11	Элликқалъа	113,8	140,4	123,4	25,9
12	Қонликўл	39,4	48,4	122,8	65,4
13	Қораўзак	43,8	49,6	113,2	8,4
14	Кўнғирот	110,2	120,1	109,1	1,6

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Кейинги йилларда аҳоли сонининг ўсиши бироз сустлашган, жойлашувида эса жанубга нисбатан “силжиш” кузатилмоқда. Бу асосан Орол бўйи минтақасидаги ноҳуш экологик вазият туфайли вужудга келмоқда. Мўйноқ туманида 1989-йилда 27,4 минг аҳоли яшаган бўлса, 2014-йилга келиб у атиги 2000 кишига кўпайган. Тахтақўпир туманида эса аҳоли сонининг камайиши давом этмоқда. Ваҳоланки, Хўжайли, Кегейли, Шуманай каби туманларда демографик ўсиш анча юқори бўлган. 57-жадвалдан маълум бўлишича, Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли жойлашуви (зичлиги) турли туманларда ҳар хил: энг юқори кўрсаткич Хўжайли туманида кузатилса (216 киши), унинг энг паст даражаси Мўйноқ туманига тўғри келади. Ушбу туман Қорақалпоғистоннинг 23,0 фоиз

майдонини эгаллагани ҳолда, ҳар бир кв. км майдонга бу ерда 0,8 киши тўғри келади, холос.

58-жадвалда аҳолининг табиий ҳаракати тўғрисида маълумотлар акс эттирилган. ҚР бўйича туғилиш 2013-йилда 22,6 ва ўлим 4,7 промиллега тенг бўлган. 2009-йилда бу кўрсаткичлар 24,7 ва 5,0 ни ташкил этган. Ушбу демографик жараёнларда ҳудудий фарқлар унча катта эмас: нисбатан энг юқори туғилиш коэффиценти Нукус туманида, энг пастси – Шуманайда (улар орасидаги фарқ 6,2 %). Ўлим коэффиценти кўриладиган йилда Шуманай туманидаги 3,9 промилледан Кегейли туманида 5,4 промиллегача фарқланади. Шунингдек, бундай жойларда оналар ва болалар касалланиши, уларнинг ўлим кўрсаткичлари юқорирок.

Таҳлиллар ўлим кўрсаткичининг бирмунча юқорилигини Кегейли, Тахтақўпир ва Чимбой, яъни Қорақалпоғистоннинг шарқий қисмида жойлашган туманларига тегишли эканлигидан далолат беради.

58-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси (ҳар минг аҳолига нисбатан, 2013 й.)**

т/р	Туманлар номи	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келганлар	кетганлар	миграция қолдиғи
1	Амударё	21,4	4,9	16,5	1,5	4,8	-3,3
2	Беруний	25,3	5,0	20,3	3,1	5,1	-2,0
3	Кегейли	24,4	5,4	19,0	8,9	16,4	-7,5
4	Мўйноқ	20,5	4,7	15,8	6,1	16,0	-9,9
5	Нукус	25,6	5,2	20,4	16,0	33,7	-17,7
6	Тахтақўпир	23,3	5,0	18,3	8,9	24,5	-15,6
7	Тўрткўл	23,4	4,3	19,1	3,3	3,8	-0,5
8	Хўжайли	21,8	5,0	16,8	8,2	17,8	-9,6
9	Чимбой	23,1	4,9	18,2	7,3	16,0	-8,7
10	Шуманой	19,4	3,9	15,5	7,6	15,3	-7,7
11	Элликқалъа	24,4	4,0	20,4	4,5	6,2	-1,7
12	Қонликўл	22,8	4,7	18,1	8,5	15,8	-7,3
13	Қораўзак	21,0	4,7	16,3	8,6	16,7	-8,1
14	Кўнгирот	22,9	4,7	18,2	6,4	11,5	-5,1
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>		<b>22,6</b>	<b>4,7</b>	<b>17,9</b>	<b>8,3</b>	<b>12,1</b>	<b>-3,8</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Қорақалпоғистон пойтахти – Нукусда туғилиш 20,8, ўлим 4,6 промилле. Умуман олганда, бу минтақадаги ўлим кўрсаткичлари, айниқса болалар (ғўдақлар) ўлими мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда анча катта.

Экологик вазиятнинг ноқулайлиги сабабли аҳолининг миграция ҳаракатлари бу ерда мунтазам салбий натижаларга эга. Жумладан, биргина

1998-йилда ҚРнинг шаҳар жойларида миграция қолдиги, яъни келганлар билан кетганлар нисбати минус 3 минг, кишлоқ жойларда эса минус 1750 кишига баробар бўлган. 1997-йилда бу рақамлар, юқоридагиларга мос ҳолда, минус 3168 ва 1729 кишини ташкил қилган. Минтақада кейинги йилларда ушбу жараённинг асосий кўрсаткичлари ҳам бироз ўзгариб бормоқда. Масалан, ҳар минг кишига ҳисоблаганда, 2010-йилда кетганлар 15,4, келганлар 8,3, миграция қолдиги минус 7,1 промилле ёки 2013-йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 8,3, 12,1 ва минус 3,8 промиллени ташкил қилган. Миграция айланмаси, хусусан, Тахтақўпир, Хўжайли, Шуманай ва Мўйноқ туманларида катта, унинг натижаси ҳам юқори салбий кўрсаткичларга эга. Чунончи, миграция сальдоси Нукус туманида минус 17,7, Тахтақўпирда – 15,6, Хўжайлида – 9,6, Мўйноқда – 9,9 промилле; нисбатан паст даража Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа туманларида қайд этилган. Мазкур туманлар экологик вазияти бирмунча қулай бўлган жанубий районларда жойлашган. Ижобий сальдо миграцияси фақат Нукус шаҳрига тегишли – плюс 5,0 %.

Маълумки, Қорақалпоғистон худудига Орол денгизининг таъсири катта, бинобарин, унинг экологик вазияти оғир бўлганлиги сабабли, бу ерда аҳоли миграцияси анча фаол. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида кетувчилар (асосан козоқ миллати вакиллари) кўпчиликини ташкил қилади. Колаверса, бу минтақа Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳри билан бир қаторда мамлакатимиздаги умумий миграцион вазиятни шакллантириб боради. Мўйноқ, Хўжайли, Қораўзак, Қўнғирот, Тахтақўпир каби кишлоқ туманларда сўнгги йиллардаги миграция қолдиги жами аҳоли сонининг тахминан 1,0-1,7 фоизини ташкил қилади. Бу эса мазкур худудлардаги аҳолининг табиий кўпайишига деярли тенг. Шу сабабдан ҳам, Қорақалпоғистоннинг қатор туманларида аҳоли сонининг ўсиши ўта паст. Эътиборлиси шундаки, Нукус ва Тахиатош шаҳарларида ҳам аҳолининг миграцион йўқотиши олдинги йилларда анча катта бўлган.

Жами аҳолидан 852 минг киши 12 та шаҳар ва 26 та шаҳарчаларда яшайди. Энг катта шаҳар ҚР пойтахти – Нукус бўлиб, унда 295 минг аҳоли истиқомат қилади (2014 й.). Хўжайли, Беруний, Тўртқўл ва Чимбой ўрта шаҳарлар қаторига киради; Тахиаташ, Манғит ва Қўнғирот шаҳарларининг ҳар бирига 30-50 минг кишидан иборат аҳоли тўғри келади. Қолган шаҳарларда аҳоли сони бундан кам. 2009-йилда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастури доирасида бу ерда 11 та кишлоқ аҳоли манзилгоҳига шаҳарча мақоми берилган ва шу муносабат билан умумий урбанизация кўрсаткичи 2008-йилдаги 48,5 фоиздан 50,4 фоизга ўзгарган.

Қорақалпоғистонда 1128 та кишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўртача 763 киши тўғри келади. Кишлоқлар демографик сиғимининг камлиги минтақанинг “чўллик” хусусиятини акс

эттиради. Бундай шароитда “Қишлоқ...” дастуридаги чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун анча қийинчиликлар мавжуд. Айниқса, бу муаммо 250 кишигача аҳоли сонига эга бўлган маъмурий ҳудудларда ниҳоятда долзарбдир (Қорақалпоғистон Республикасида мазкур тоифадаги қишлоқ аҳоли пунктлари 375 та). Майда қишлоқлар Кегейли, Шуманай, Чимбой ҳамда Қораўзак туманларида нисбатан кўп учрайди. Агар Қорақалпоғистон бўйича 250 кишигача аҳоли сонига эга бўлган аҳоли пунктлари жами қишлоқларнинг 33,2 фоизини ташкил қилса, бу туманларда мазкур кўрсаткич 50 фоиз атрофида (49-илова).

Нисбатан йирик қишлоқлар сув билан яхшироқ таъминланган. Улар суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда кўпроқ. Қорақалпоғистон Республикасида, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан фарқ қилиб, ерда катта ва йирик қишлоқлар сони кам. Жами қишлоқ аҳоли пунктларининг бор-йўғи 5,0 фоизи катта, яъни 2000-3000 аҳоли яшайдиган қишлоқларга тўғри келиб, уларда минтақа қишлоқ аҳолисининг 16,7 фоизи истиқомат қилади. Йирик қишлоқларда эса бу рақамлар, мос ҳолда, 2,2 ва 11,3 фоизга тенг (59-жадвал).

59-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ аҳоли пунктлари сони ва аҳолиси**

Аҳоли пунктлари гуруҳлари сони (аҳоли киши)	Қишлоқ аҳоли пунктлари		Аҳоли сони	
	сон	фоиз	сон	фоиз
250	375	33,2	54424	6,8
250-500	265	23,4	95484	11,9
500-1000	215	19,0	149843	18,6
1000-2000	195	17,2	279354	34,7
2000-3000	56	5,0	134580	16,7
3000 киши ва ундан ортиқ	25	2,2	91200	11,3
<b>Жами</b>	<b>1131</b>	<b>100</b>	<b>804885</b>	<b>100</b>

*Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари бўйича тузилган.*

Республика аҳолисининг миллий таркиби ҳар хил: ўзбеклар 39,0 %, қорақалпоқлар 36,5 %, қozoқлар – 17,2 %, туркманлар – 5,2 %, руслар 0,6 % дир. 2014-йил маълумотларига кўра, ҚРда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг сони 993 минг киши, иқтисодий фаол аҳоли 650 минг, иқтисодиётда банд бўлганлар эса 610 минг киши. Банд бўлган аҳолининг 28,8 фоизи қишлоқ хўжалигига, 9,0 фоизга яқини саноатга тўғри келади. 2013-йилда меҳнат бўлимига ишга жойлаштиришга ёрдам беришни сўраб 30,2 минг киши мурожаат қилган. Бу борада Нукус шаҳри ҳамда Тўртқўл, Бегуний туманлари ажралиб туради. Меҳнат бўлиmlарига мурожаат қилганларнинг 90,8 фоизи иш билан таъминланган. Жами янги ташкил

этилган иш жойларининг (50,0 минг) 2/3 қисми қишлоқ жойларда қайд этилган.

**Хўжалиги.** Мингака иқтисодиёти аграр-индустриал йўналиши билан тавсифланади. Жами sanoat маҳсулотининг 94-95 фоизи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 98-99 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Ялпи худудий маҳсулотнинг 9,6 фоизи sanoat ишлаб чиқаришида, 24,4 % қишлоқ хўжалигида, 8,3 фоизи қурилишда яратилган (60-жадвал).

ЯХМнинг 2/3 қисми кичик бизнес улушига тушади. Бу соҳада иқтисодиётда бандларнинг 70,0 фоизи хизмат қилади, уларнинг 2/3 қисмига яқини хусусий секторда ишлайдиганлардан иборат. Кичик бизнес субъектлари жами sanoat ишлаб чиқаришининг 23,0, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95,1 фоизини таъминлайди. Қурилишда ушбу секторнинг ҳиссаси 64,9 %, чакана савдода 45,2 % ва пуллик хизматларда 44,2 %. Сўнги йилларда республикада бозор инфратузилмасини шакллантириш, қулай инвестиция маконини яратиш, геологик ҳолатни соғломлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Энг аввало, ёқилги sanoatига, айниқса, нефть-газ захираларини қидиришга катта ҳажмда хорижий инвестициялар киритилган.

60-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасининг ялпи худудий маҳсулоти (жорий нархларда)**

Кўрсаткичлар	2008-йил.		2013-йил.	
	бир йиллик ўсиш суръати, %	жамига нисбатан фоизда	бир йиллик ўсиш суръати, %	жамига нисбатан фоизда
Ялпи худудий маҳсулот	108,3	100,0	111,5	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	107,0	8,4	111,5	9,6
Қурилиш	115,0	8,3	120,7	8,3
Қишлоқ хўжалиги	100,1	22,4	107,1	22,4
Транспорт ва алоқа	135,6	7,3	114,2	13,7
Савдо ва умумий оватланиш	120,2	6,3	112,0	8,7
Солиқлар	107,9	5,3	111,0	5,6

Манба: Қорақалпоғистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари.

**Саноати.** ҚР sanoati ялпи худудий маҳсулотнинг 9,6 фоизини беради. Саноат мажмуида қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат ва ёқилги sanoati кабилар нисбатан яхши ривожланган. Ёқилги sanoati ҚР ялпи sanoat маҳсулотининг 11,6 %ни, енгил sanoat – 31,6 %, озиқ-овқат – 20,2 %, ун-ёрма, ва омехта ем ишлаб чиқариш sanoati 8,8 фоизини таъминлайди. Булардан ташқари, кимё (10 %), қурилиш материаллари sanoati ҳам ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда бу ерда, яъни



Қўнғирот туманида республикамиз учун ниҳоятда зарур бўлган сода ишлаб чиқарувчи замонавий корхона қурилди. Ушбу завод маҳсулоти ҳозирги кунда хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Шу билан бирга, кимёгарлар шаҳарчаси – Элобод ҳам барпо этилди. Устюртда (Сургил газ кони аосида) республикамизда иккинчи газ-кимё мажмуаси бунёд этилмоқда, Қораўзак туманида лойиҳа қуввати 1 млн т. бўлган Қуйи Амударё минтақасида Ж. Корея сармояларини жалб қилган ҳолда, ягона йирик цемент заводи барпо қилинмоқда.

2012-йил якунларига кўра, Қорақалпоғистонда 3101 млн. кВт/с электр энергия, 49,0 минг тонна нефть ва газ конденсати, 2,2 млрд м<sup>3</sup> газ, 80 минг тонна атрофида кальцийлаштирилган сода, 38 минг м<sup>3</sup> йиғма темир бетон конструкциялари ва деталлари, 65 минг тонна пахта толаси, 12 минг тонна ўсимлик ёғи, 57 минг тонна ун, 34 минг тонна омихта ем ишлаб чиқарилган.

ҚР электр энергетикаси Тахياتош ИЭСига асосланган. Албатта, бу унча катта бўлмаган иссиқлик электр станцияси Қуйи Амударё минтака иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун етарли эмас. Шунингдек, қазиб олинаётган нефть ва газ конденсати, табиий газ миқдори ҳам келажакда кўпайиши керак (Устюрт газ шўъба корхонаси). Минтака иқтисодиётининг истиқболда ривожланиши Тахياتош ИЭС қувватларини ошириш ёки маҳаллий ёқилғи ресурслари (газ) асосида янги электр станцияни қуришни тақозо қилади.

Машинасозлик, металлургия ва ўрмон саноати яхши ривожланмаган. Машинасозлик кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва йўл қурилиши машиналарини таъмирлашга ихтисослашган. Айни вақтда, қурилиш саноати (оҳак, мрамар, гишт ишлаб чиқариш) бирмунча юксалмоқда. Ушбу тармоқларнинг ривожланиши қишлоқ жойларда уй-жой ва бошқа объектларнинг қурилиши билан ҳам боғлиқ.

Енгил саноат таркибида тўқимачилик ва пахта тозалаш корхоналарининг ўрни катта. Қорақалпоғистоннинг қатор шаҳар ва туман марказларида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тўқимачилик корхоналари қурилган. Улар маҳаллий хом ашё асосида турли хил халқ истеъмол молларини ишлаб чиқармоқда ва бу аҳоли бандлигини оширишга ҳам кўмак бермоқда. Пахта этиштирувчи Беруний, Тўртқўл, Амударё, Эллиққалъа, Хўжайли ва бошқа туман марказларида пахта тозалаш заводлари ишлаб турибди.

Озиқ-овқат саноатида, асосан, ўсимлик ёғи (Хўжайли, Нукус, Қўнғирот, Чимбой, Беруний), консерва (Нукус) ишлаб чиқариши товар аҳамиятига эга. Дон маҳсулотлари ва емнинг кўпчилик қисмини «Қораўзакдон» акционерлик жамияти беради, ун саноати корхоналари Беруний, Чимбой, Тўртқўлда жойлашган, Эллиққалъа туманида янги арок заводи ташкил этилган.

## Коракалогистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг ҳудудий тарқибини (%)

т/р	Қишлоқ туманлари ва шаҳарлар	Саноат маҳсуло-ти	Истеъмол товарлари	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Асосий капиталга қўйилган инвестициялар	Чакана савдо айлан маси	Пуллик хизмат лар	Экспорт	Импорт
	Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
	<i>Шу жумладан:</i>								
1	Амударё	7,8	3,4	13,8	4,7	7,5	5,1	14,8	1,7
2	Беруний	8,3	10,1	13,8	3,4	7,7	4,9	14,1	5,5
3	Кегейли	6,0	1,2	5,9	1,6	2,2	2,1	10,6	0,5
4	Мўйнок	13,3	1,2	0,6	6,2	0,4	1,0	-	-
5	Нукус	0,3	0,5	5,5	1,3	1,0	1,3	-	0,5
6	Тахтақўпир	0,2	0,5	3,7	0,6	2,9	1,3	-	0,2
7	Тўртқўл	6,5	5,0	12,4	4,0	7,5	4,9	11,2	0,02
8	Хўжайли	11,0	10,8	8,6	3,1	8,6	5,3	13,5	2,0
9	Чимбой	2,1	3,8	6,0	1,8	4,1	3,7	2,6	8,6
10	Шуманой	0,2	0,5	3,2	0,8	1,2	1,1	-	-
11	Элликкальа	5,9	1,4	13,6	2,8	4,9	4,2	11,4	0,8
12	Қонлиқўл	1,5	0,5	4,2	0,7	2,2	1,5	-	-
13	Қораўзақ	0,6	0,4	4,2	4,0	2,4	1,2	0,1	1,7
14	Кўнғирот	4,0	7,6	3,5	16,3	7,8	6,7	4,9	1,0
15	Нукус ш.	25,8	39,3	0,3	17,1	35,8	53,4	16,5	3,5
16	Тахтағош ш.	6,5	13,8	0,7	2,7	3,8	2,3	0,03	2,4

Жадвал *Ўзбекистон Республикаси статистика кўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ИҚТИСОДИЙ КАРТА

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ  
ЯЛПИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ  
(2011 й.)

1 мм устун баландлиги - 100 млрд. сум  
 санаят қишлоқ хужалиги



### ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИ

Сугориа деҳқончилик зонаси

- Шаҳар атрофи хўжалиги: сабазотчилик, боғдорчилик ва суг-гушт чорвачилиги
- Пахтачилик, дончилик, полизчилик, боғдорчилик, ипакчилик ва суг-гушт чорвачилиги
- Шолчилик, полизчилик, боғдорчилик, ипакчилик, қўйчилик ва суг-гушт чорвачилиги
- Чўл-ийлов зонаси
- Чўл-ийлов чорвачилиги (қорақўлчилик, қўйчилик, туғчилик)

### КЕНГ ТАРҚАЛГАН РАЙОНЛАР

- пахтачилик
- маккажўхори
- боклар
- шולי
- сабазот ва картошка
- бода
- полиз экинлари
- саксовул

### РАЙОНЛАР

- йилкичилик
- асаларичилик
- паррандачилик
- ипакчилик

### ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

Ялпи маҳсулот ҳажми  
бўйича санаот пунктлари

- Жуда йирик
- Йирик
- Урта
- Майда

### Санаот тармоқлари

- Электрэнергетика
- Ёқилғи
- Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
- Кимё ва нефт-кимё
- Қурилиш материаллари
- Енгил
- Озиқ-овқат
- Бошқа тармоқлар

### УНДИРУВЧИ САНОАТ

- Табiiй газ
- Керамзит хом ашёси
- Мармар
- Гранит
- Қурилиш тоши
- Ғишт-черепица хом ашёси
- Минерал сув булақлари
- Конларнинг номлари

- Иссиқлик электрстанцияси
- Электр узаткич линиялари
- Газ қуурлари
- Нефт қуурлари

Саноатнинг худудий таркиби ўзига хос: тахминан 25,8 фоиз саноат маҳсулоти Нукус шаҳрига, 6,5 фоизи Тахиатош шаҳрига тўғри келади (61-жадвал). Мўйнок, Хўжайли, Беруний, Эллиққалъа ва Амударё туманларида ҳам саноат ишлаб чиқариши бирмунча ривожланган. Бироқ Нукус, Қораўзак, Тахтақўпир, Шуманой туманларида бу соҳа ривожланиши жуда суст. Мўйнок тумани ҚР жами саноат маҳсулотининг 13,3 %, Хўжайли - 11,0 %, Беруний 8,3 фоизини беради. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш географияси ҳам шунга ўхшаш: бу борада Нукус ва Тахиатош шаҳарлари каторида Хўжайли, Беруний, Қўнғирот туманлари ажралиб туради.


**Қишлоқ хўжалиги.** Агроиқтисодиёт тизимида пахта, шоли, гўшт, жун маҳсулотларини ишлаб чиқариш нисбатан ривожланган. Минтақанинг қишлоқ хўжалигини бундай соҳаларга ихтисослашуви, асосан, унинг агроиқлимий шарт-шароитларига боғлиқ. 2013-йил якунларига кўра, ҚР Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини 3,0 фоизни берган. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида дехқончиликнинг улуши 51,4 %; дехқончилик ва чорвачилиқ маҳсулотларининг ўзаро нисбати турли йилларда об-ҳаво шароитига қараб ўзгариб туради.

Маълумки, ҚР катта ер майдониغا эга, аммо сув танқислиги сабабли бу табиий имкониятдан фойдаланиш даражаси паст. Жами ер майдонининг 32,3 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади, холос. Ўз навбатида, суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган умумий ерларнинг бор-йўғи 9,2 фоизини ташкил қилади (лекин миқдор жиҳатдан республикамизда олдинги ўринларда туради—480 минг га). Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 8,1 фоизини экин майдонлари ва 91,2 фоизини пичанзор ва яйловлар эгаллайди. Қишлоқ туманлари миқёсида суғориладиган ерлар Амударё, Қонлиқўл, Хўжайли, Эллиққалъа ва Нукус туманларида кўпроқ. Уларнинг энг оз миқдори ёки улуши Қораўзак, Мўйнок, Тахтақўпир, Тўртқўл туманларига мос келади (50-илова).

Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларнинг 60,0 фоизи дехқон хўжалиқларида, қолган 40,2 фоизи фермер хўжалиқларида яратилади.

2012-йилда қишлоқ хўжалиқ экинларининг умумий майдони 255 минг гектарни ташкил этиб, шундан 110 минг гектари донли экинлар 95 минг гектари пахта билан банд (18-расм). 2012-йил якунлари бўйича, барча тоифадаги хўжалиқларда 278 минг тонна дон, 36 минг тонна картошка, 166 минг тонна сабзавот, 86 минг тонна полиз маҳсулотлари, 31 минг тонна мевалар етиштирилган. Бироқ таъкидлаш жоизки, бу ерда агроиқтисодиёт тизимининг ҳосилдорлиги паст. Минтақа Хоразм вилояти билан биргаликда Ўзбекистонда асосий шоли етиштирадиган район ҳисобланади (Қорақалпоғистонда 100 минг тонна атрофида). Қорақалпоғистон нафақат

Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда ҳам пахта етиштирадиган энг шимолий худуд саналади.



Қорақалпоғистонда яйлов чорвачилиги ривожланган, ем-ҳашакдан асосан беда етиштирилади. Умуман, беда етиштириш бу ерда катта ва анъанавий аҳамиятга эга. Собик Иттифок даврида Чимбой ўзининг бедачилиги билан машҳур бўлган. 2013-йил 1-январь ҳолатига кўра, Қорақалпоғистонда 842 минг бош йирик шохли қорамол, 839 минг бош қўй ва эчкилар боқилган. 2012-йилда 69 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 225 минг т сут, 97 млн. дона тухум, 85 минг дона қорақўл тери олинган.

Юқорида таъкидланганидек, кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми дехқон хўжалиқларига тўғри келади. Фермер хўжалиқларига бириктирилган ерлар майдони 585,6 минг га ва бу соҳада 68,9 минг аҳоли хизмат килади. 2012-йилда фермер хўжалиқларида 209,0 минг т. дон, 9,8 минг т картошка, 65,0 минг т. сабзавот етиштирилган. Кишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича Эллиққалъа, Беруний, Тўрткўл ва Амударё туманлари олдинда. Эллиққалъа тумани 14,1 %, Тўрткўл - 13,5 %, Беруний - 14,2 %, Амударё - 13,1 % Қорақалпоғистон аграр соҳа маҳсулотини тайёрлаб беради. Айни вақтда, Мўйноқ туманида макроиктисодийнинг бу тармоғи суст ривожланган.

Ғалла етиштириш Эллиққалъа, Тўрткўл ва Амударё туманида яхши йўлга қўйилган. Бу уч туман ҳиссасига ҚРда олинган бошоқли дон ҳосилининг 40,1 фоизи тўғри келади. Пахтачиликка эса, асосан, сув билан яхши таъминланган жанубий районлар ихтисослашган. Сабзавот маҳсулотлари ҳосили бўйича Нукус (Нукус агломерацияси доирасида) ҳамда Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Эллиққалъа туманлари етакчи. Биргина Нукус туманига ҚРда олинган сабзавотнинг 28,4 фоизи тўғри келади. Картошка ҳам асосан Амударё туманида кўпроқ экилади.

Қорақалпоғистон Республикасида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришининг ҳудудий тарқиб  
(жамига нисбатан фоизда)

т/р	Кишлоқ туманлари ва шаҳарлари	Жами кишлоқ хўжалик маҳсулоти	Бошоқли дон	Сабзавот	Картош-ка	Гўшт	Сут	Тухум	Йирик шохли қорамоллар	Қўй ва эчкилар
1	Амударё	13,1	14,2	13,0	24,1	9,6	9,3	9,4	12,4	3,3
2	Беруний	14,2	9,0	8,9	13,7	16,7	12,6	38,3	12,7	7,6
3	Кегейли	5,3	4,6	2,5	3,4	7,5	4,0	4,1	8,6	5,0
4	Мўйноқ	0,4	0,02	0,3	0,1	0,9	0,4	0,3	2,1	1,6
5	Нугус	6,0	10,6	28,4	12,1	1,9	3,2	4,3	3,7	2,4
6	Тахтақўпир	3,7	4,1	1,5	0,8	5,6	2,5	0,3	3,1	13,8
7	Тўрқўл	13,5	13,5	13,2	13,2	11,1	19,8	3,2	10,5	13,4
8	Хўжайли	8,4	6,4	5,1	13,2	6,2	10,4	6,1	6,8	3,4
9	Чимбой	5,4	5,9	3,4	3,5	6,8	5,6	5,3	6,6	5,6
10	Шуманай	2,9	3,7	1,3	1,1	3,5	3,2	2,2	7,0	6,7
11	Элликқалъа	14,2	12,4	14,4	10,0	14,3	18,2	5,6	11,6	14,3
12	Қонликўл	4,4	7,0	2,6	2,1	4,3	4,5	0,6	3,1	2,4
13	Қораўзақ	4,0	5,9	1,5	1,6	5,6	2,6	1,6	3,5	9,1
14	Қўнгирот	3,3	3,5	3,2	0,9	3,9	3,0	1,4	6,2	9,7
	Нугус ш.	0,3	0,01	0,4	0,2	0,6	0,3	2,0	1,2	1,0
	Тахтақўш ш.	0,8	0,01	0,2	0,01	1,5	0,3	0,9	0,9	0,7
	<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Чорвачилик соҳасида, йирик шохли қорамоллар сонига кўра Беруний, Тўрткўл, Амударё, Эллиқалъа туманлари олдинда туради. Кўй ва эчкилар сони бўйича эса Қораўзак, Қўнғирот, Тахтақўпир, Тўрткўл, Эллиқалъа туманлари ажралиб туради (62-жадвал).

Қорақалпоғистонда **ижтимоий соҳалар** ҳам ривожланиб бормоқда. Ушбу муаммо Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш минтақавий дастури доирасида ҳал этилиб борилмоқда. Чакана савдо ҳажмининг 36,8 фоизи биргина Нукус шаҳри зиммасига тушади. Бу соҳа Қўнғирот, Тўрткўл, Хўжайли, Беруний туманларида ҳам яхшироқ ривожланган. Кишлоқ инфратузилмасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда; марказлаштирилган ҳолда тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси мунтазам ортиб бормоқда. Шу билан бирга, мазкур соҳаларнинг аҳволи Мўйноқ, Чимбой, Кегейли, Амударё ва Беруний туманларида (сув бўйича), Беруний, Кегейли ва Мўйноқ туманларида (табиий газ) кониқарли даражада эмас. Минтақада ичимлик суви билан таъминланганлик 67,5 %, газ билан 93,5 % даражасида.

“Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳалари ҳам ривожланиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти – Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Давлат университети, Нукус педагогика институти, Тошкент аграр, Ахборот технологиялари университетларининг филиаллари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ бўлими илмий тадқиқот институтлари, Тошкент тиббиёт академияси филиали фаолият кўрсатмоқда. Барча кишлоқ туманларида касб-хунар коллежлари мавжуд. Аммо минтақада рекреация ва туризмни ривожлантириш имкониятлари озроқ. Туризм соҳаси учун муҳим аҳамиятли объектлар – Нукус шаҳри ва унинг музейлари, Тупроққалъа, Султон Увайс-бобо қадамжо ва зиёратгоҳи мавжуд.

2012/2013-ўқув йилида Қорақалпоғистонда 737 та умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 249 минг нафар ўқувчи таълим олган. Академик лицейлар 10 та, касб-хунар коллежлари 91та. Жами 49 та соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият кўрсатган, ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган врачлар сони 22,3 та, ўрта медицина ходимлари 98,4 нафар. Минтақада 186 та кишлоқ врачлик пункти бор, тахминан ҳар 6 та кишлоққа 1 та ҚВП хизмат кўрсатади. Бироқ, бу ерда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, нозогеографик вазиятни яхшилаш жиддий муаммо ҳисобланади.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** 2012-йилда барча транспорт воситалари билан 35 млн. тонна агрофида халқ хўжалиги юклари ташилган. Ушбу кўрсаткич деярли тўлиқ даражада автомобиль транспорти улушига тўғри келади. Қорақалпоғистон худудидан Ўзбекистонни Россия билан боғловчи

Тахиатош – Бейнов темир йўли ўтади. Шу билан бирга, кейинги йилларда Нукус – Чимбой темир йўли ҳам қурилиб ишга туширилган. Айни вақтда, Учкудук – Мискин – Нукус темир йўлининг қуриб ишга туширилиши мамлакатимиз транспорт мустақилигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борада Нукус – Бейнов магистраль автомобиль йўлининг қурилиши, республикамизда қабул қилинган махсус Давлат дастурининг амалга оширилиши ҳам катта мазмун касб этади.

Ташки савдо айланмаси 2009-йилда 132 млн, 2012-йилда 214,4 млн АҚШ долларига тенг, шу жумладан, экспорт – 114,0 ва импорт – 200 млн. доллар бўлган. Экспортнинг 83,1 фоизи пахта толасига тўғри келади, импортда эса машина ва ускуналар (62,1 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (8,3 %) асосий ўринларни эгаллайди. Таъкидлаш лозимки, пахта толасининг экспортдаги улуши йилдан-йилга камайиб бормоқда. У 1998-йилда жами экспорт қийматининг 92,6 фоизини, 1999-йилда 86,5 фоизини ташкил қилган. Иқтисодий алоқалар Ҳамдўстлик мамлакатлари ва қисман “Узоқ ҳориж” давлатлари билан олиб борилади (Россия, Украина, Хитой, Бангладеш ва бошқалар).

ҚР ташки иқтисодий алоқаларида, энг аввало, Нукус шаҳри, шунингдек, Кегейли, Тўрткўл, Хўжайли, Бегуний, Эллиққалъа, Амударё туманлари фаол иштирок этади. Бироқ, Қонлиқўл, Мўйноқ, Тахтақўпир ва Шуманай туманларининг қатнашиши анча суст.

Маълумки, ташки иқтисодий алоқалар, аввало, қулай инвестиция муҳити ва шу асосда қўшма корхоналар қурилиши билан боғлиқ. Капиталга йўналтирилган жами инвестиция ҳажмининг 8,8 фоизи пойтахт – Нукус шаҳрига тўғри келади. Қишлоқ туманлари орасида эса Эллиққалъа, Қўнғирот, Мўйноқ туманлари ажралиб туради. Фаолият кўрсатаётган ҚК сони, 2012-йил якуни бўйича, 51 та. Уларнинг экспортдаги улуши 6,2 %, ишлаётган ходимлар сони – 1073 киши.

**Ички тафовутлари.** Қорақалпоғистон ҳудуди бешта иқтисодий районларга бўлинади: Фарбий, Шарқий, Марказий, Жанубий ва Шимолий районлар. Бундай ҳудудий таркиб доирасида Фарбий, Шимолий ва Шарқий районларнинг иқтисодий ва демографик салоҳияти анча паст, Марказий ва Жанубий минтақалар эса бирмунча ривожланган.

**Фарбий район** таркибига Қўнғирот ва Шуманай туманлари қиради. Район Қорақалпоғистон ҳудудининг 46,0 ва аҳолисининг 9,5 фоизини ташкил қилади. Фарбий район ҳиссасига Қорақалпоғистоннинг 3,0 фоиз саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 6,2 фоизи тўғри келади. Ушбу районнинг “норасмий” маркази Қўнғирот шаҳри (37,1 минг киши), бу ерда асосан яйлов чорвачилиги бирмунча ривож топган. Шу билан бирга, ёқилғи ва кимё саноати ҳам юксалиб бормоқда.

**Шимолий район** Мўйноқ туманидан ташкил топган бўлиб, унга ҚРнинг 22,7 фоиз майдони ва аҳолисининг атиги 1,7 фоизи тўғри келади.



Район Қорақалпоғистон саноат маҳсулотининг 17,3 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 0,4 фоизини беради. Ягона шаҳри – Мўйноқ (12,8 минг киши). Районнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бевосита Орол муаммоси билан боғлиқ.

**Марказий район** Нукус шаҳри, Нукус, Кегейли, Қонликўл ва Хўжайли туманларини бирлаштиради. Худуди – ҚРнинг 2,6 фоиз, аҳолисининг 35,9 фоиз, саноат маҳсулотининг 44,0 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 24,4 фоизига тенг. Бу Қорақалпоғистонда нисбатан ривожланган район ҳисобланади. Маркази – Нукус шаҳри. Минтақа асосини Нукус – Хўжайли саноат тугуни ва шу номдаги шаҳар агломерацияси ташкил қилади. Мазкур районда озиқ-овқат, тўқимачилик, электр-энергетика саноати, шолчилик, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган.

**Шарқий район** Қораўзак, Чимбой, ва Тахтақўпир туманларидан иборат. Унинг ҚРда тутган ўрни: майдони 17,5 фоиз, аҳолиси 11,4 фоиз, саноати 2,5, қишлоқ хўжалиги бўйича 13,1 фоиз. Асосий шаҳри Чимбойда 50,5 минг аҳоли яшайди. Районда яйлов чорвачилиги, шולי етиштириш катта аҳамиятга эга. Энг суст ривожланган қишлоқ туманлари ҳам айна шу районда; инвестиция муҳити яхши эмас.

**Жанубий район** таркибига Амударё, Беруний, Тўртқўл ва Эллиққалъа туманлари киради. Район ҚР худудининг 7,1 фоизини, аҳолисининг эса 38,5 фоизини ташкил қилади. Бу ерда агросаноат мажмуаси, шу жумладан, пахта ва шולי етиштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати шаклланган. Район Қорақалпоғистонда саноат маҳсулотининг тахминан 27,5 фоиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг 55,0 фоизини таъминлайди. Асосий шаҳарлари – Беруний (56 минг) ва Тўртқўл (58 минг киши).

Йирикроқ масштабда, яъни қишлоқ туманлари микёсида қаралганда, Қорақалпоғистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ички тафовутлари янада яққолроқ намоён бўлади. 63-жадвалга биноан, саноат ишлаб чиқариш индекси, Нукус ва Тахиатош шаҳарларини ҳисобга олмаганда, Мўйноқ, Хўжайли ва Кегейли туманларида юқорирок. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўртача даражадан паст индикаторлар Мўйноқ, Қўнғирот ва Чимбой туманларида кузатилади.

Капитал қўйилмаларда Мўйноқ ва Қўнғирот туманлари ажралиб туради, қурилишда – Тахиатош ва Нукус шаҳарлари, шунингдек, Қўнғирот тумани олдинда. Айна вақтда, ижтимоий соҳалар, яъни аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалар асосан шаҳарларда мужассамлашганлиги сабабли, бу борада индекс барча қишлоқ туманларида паст.

ҚР ички иқтисодий районларининг муаммолари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари ҳам ҳар хил. Масалан, Марказий район ўзининг мавқеини сақлаган ҳолда, Жанубнинг яқин келажақда ривожланиши янада жадаллашади. Бунга Учқудук – Султонувайс – Мискин – Нукус темир

Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари  
(аҳоли жон бошига)

№/р	Қишлоқ туманлари ва шаҳарлар	Саноат маҳсулот	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	Халқ истеъмол моллари	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик савдо
	ҚР	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
1	Амударё	0,784	1,368	0,337	0,466	0,690	0,755	0,512
2	Беруний	0,847	1,416	1,031	0,356	0,631	0,794	0,500
3	Кегейли	1,234	1,207	0,247	0,335	0,357	0,450	0,436
4	Мўйноқ	7,672	0,337	0,690	3,604	0,410	0,221	0,559
5	Нукус	0,122	2,141	0,197	0,502	0,326	0,380	0,467
6	Тахтакўпир	0,084	1,547	0,184	0,237	0,399	1,222	0,569
7	Тўрткўл	0,604	1,146	0,468	0,373	0,917	0,700	0,452
8	Хўжайли	1,304	1,051	1,277	0,378	0,593	1,012	0,635
9	Чимбой	0,329	0,952	0,609	0,285	0,175	0,648	0,588
10	Шуманай	0,070	1,054	0,156	0,280	0,170	0,444	0,413
11	Элликкалыа	0,737	1,681	0,175	0,345	0,646	0,618	0,525
12	Қонликўл	0,542	1,572	0,188	0,264	0,473	0,809	0,577
13	Қораўзақ	0,234	1,510	0,134	1,434	0,356	0,863	0,443
14	Қўнғирот	0,558	0,502	1,073	2,311	3,067	1,080	0,922
	Нукус ш.	1,532	0,021	0,197	1,015	1,675	2,126	3,175
	Тахтагош ш.	2,256	0,250	4,813	0,931	3,087	1,324	0,785

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

йўлининг очилиши ҳам сабаб бўлади. Шунингдек, Фарбий район ҳам Устюрт қазилма бойликларидан фойдаланиш асосида (нефть-газ, кимё саноати) тез ривожланиб боради.

Шарқий район истикболи узокроқ келажақда Тахтақўпирдан шаркка - Қозоғистоннинг туташ худудига темир йўл қурилиши, Чимбой туз конларининг ишга туширилиши билан бошланса ажаб эмас. Шимол эса, анча вақт “муаммоли” район бўлиб қолади ва унинг ривожланиши кўп жиҳатдан Орол тақдири билан боғлиқдир. Худудларнинг бундай тараққиёт хусусиятлари ҚР нинг минтақавий сиёсатида ўз аксини топади.

## 2.7.2.Хоразм вилояти

Вилоят 1938-йилда Ўзбекистон Республикаси таркибиде ташкил топган. Ҳозирги кунда у Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиарик, Янгибозор, Қўшқўпир ва Ҳазорасп қишлоқ туманларини ўз ичига олади. Шу тартибда вилоят майдони 6,05 минг км<sup>2</sup> ва бу жиҳатдан у республикада фақат Сирдарё ва Андижон вилоятларидан каттароқ, холос. Аҳолиси, 2014-йил 1.01. маълумотларига кўра, 1687,7 минг кишидан иборат. Маъмурий маркази – Урганч шаҳри.

Вилоят маъмурий-худудий бўлиниши географик жиҳатдан ўзига хос. Бу кўпчилик қишлоқ туманлари майдонининг деярли бир хиллигида кўринади. Фақат Ҳазорасп туманининг худуди (асосан, Амударёнинг ўнг қирғоғи ҳисобига) бирмунча катта бўлиб, у минтақа жами майдонининг 34,0 фоизини ташкил қилади. Энг катта ва энг кичик қишлоқ туманлари орасидаги фарқ ёки географик коэффициентини 6,1 ни ташкил қилади.

64-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси

т/р	Қишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Майдони, минг кв. км	Аҳолиси, минг киши (01.01.2014)	Зичлик, 1 км <sup>2</sup> /киши
1.	Боғот	07.12.1970	0,44	146,8	333,6
2.	Гурлан	29.09.1926	0,44	134,1	304,8
3.	Урганч	29.09.1926	0,45	175,1	389,1
4.	Ҳазорасп	19.09.1926	2,06	223,1	108,3
5.	Хонқа	26.12.1973	0,43	167,0	388,4
6.	Хива	29.09.1926	0,46	212,9	462,8
7.	Шовот	29.09.1926	0,46	151,1	328,5
8.	Янгиарик	29.09.1926	0,40	104,2	260,5
9.	Янгибозор	23.11.1981	0,34	78,5	230,9
10	Қўшқўпир	17.02.1936	0,54	153,4	284,1
	<b>Вилоят</b>	<b>1938</b>	<b>6,05</b>	<b>1687,7</b>	<b>279,0</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Кўриниб турибдики, бу фарқ мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига қараганда анча кичик. Бироқ, Хоразм худуди жиҳатидан унча катта бўлмасда, унинг иқтисодий салоҳияти анча юқори. Республика худудий меҳнат тақсимотида, у ўзининг интенсив кишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати билан ажралиб туради.

**Географик ўрни ва табиий бойликлари.** Вилоят Амударёнинг қуйи қисмида, Ўзбекистон Республикасининг шимоли-ғарбида жойлашган, Қорақалпоғистон Республикаси ва жанубда Бухоро вилояти билан, ғарбда ва жануби-ғарбда Туркменистон давлати билан чегарадош. Худудининг асосий қисми Амударёнинг сўл соҳилида жойлашган. Амударё бой тарих ва маданиятга эга бўлган Хоразм тақдирида катта роль ўйнаган. Нил дарёси қадимги Миср учун қанчалик аҳамиятли бўлган бўлса, Амударё (Окс) ҳам Хоразм ўлкаси учун шунчалик муҳим бўлган. Бинобарин, бу дарё Хоразм вилояти ва қўшни худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий тарихий географик омили ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, бу худуднинг қадимги маданияти, тили ва менталитетининг сақланиб қолиши кўп жиҳатдан унинг географик ўрнига ҳам боғлиқ бўлган. Хоразм минтақасининг чор атрофи чўллар билан ўралганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган.

Хоразм худудини Туркманобод – Тошқовуз – Бейнау темир йўли кесиб ўтади. Бу унинг Туркменистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси ва бошқа давлатлар билан алоқа қилишида анча қулайликлар туғдиради. Аммо, вилоятнинг экологик-географик ўрни, яъни унинг Орол денгизига яқинлиги, ушбу минтақада вужудга келган экологик вазият ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ноқулайлик туғдиради.

Вилоят ер усти тузилиши мураккаб эмас, унинг худуди Турон пасттекислигига киради. Ер сатҳининг нисбатан баландлиги дарёдан узоқлашган сари жанубга томон бироз кўтарилиб боради. Бундай геоморфологик ҳолат ва у билан боғлиқ ер ости сувларининг жойланиши аҳоли манзилгоҳлари ва хўжалик тармоқларининг худудий ташкил этиш хусусиятларини белгилаб беради.

Хоразм худудининг геологик тузилиши, айни вақтда, унинг қазилма ресурсларига бой эмаслигидан ҳам дарак беради. Дарҳақиқат, бу ерда кўзга кўринарли қазилма бойликлар топилмаган (эҳтимол, унинг жанубий ва ўнг қирғоқ қисмида келажакда ёқилғи ресурслари, жумладан, табиий газ конлари аниқланиши мумкин). Вилоятда минерал хом ашё ва ёқилғи ресурсларининг ўта танқислиги оғир саноат тармоқларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Бу ерда ғишт-черепица хом ашёси (Шовот, Питнак б.), кум (Хива, Қорақўл) бор, холос.

Иқлими – континентал, намгарчилик кам. Шу сабабли қадимдан бу худудда деҳқончилик асосан сув, суғориш иншоотлари билан боғлиқ

булган. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам иқлимнинг қуруқ келиши, Амударёда сувнинг камайиши суғорма деҳқончиликдан ташқари, электр энергиясини ишлаб чиқаришга, дарё транспорти фаолиятига ҳам салбий таъсир қилади. Қадимдан ташкил топган суғорма деҳқончилик (чиғирик) маданияти, сувдан самарали фойдаланиш, ирригация инфратузилмаси – канал ва ариқлар (ёп ва солмалар) минтақа ижтимоий-иқтисодий географиясининг асоси ҳисобланади.

Умуман олганда, Хоразм вилояти иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан агроиқлимий ва меҳнат ресурсларга, сув захиралари, Оролбўйи минтақаси экологик муаммоларини ҳал қилишга ҳамда кўшни худудлар билан иқтисодий интеграция қилишига боғлиқ.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Хоразм вилоятининг энг катта бойлиги унинг меҳнатсевар халқидир. Вилоят аҳолиси 1989-2014-йилларда ўртача 2,70 фоизданга кўпайиб борган. Сўнгги йилларда аҳоли сони йилига 30-33 минг кишидан ёки 1,80-2,00 фоиз атрофида ортиб бормоқда. Унинг жойлашувида кўшни Қорақалпоғистонга ўхшаш катта

65-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибий тузилиши

ҚАП	ҚАП		Аҳолиси	
	сон	фоизда	минг киши	фоизда
Жами	559	100,0	1105,1	100
шу жумладан, аҳоли сони бўйича, киши				
500 кишигача	52	9,3	16,5	1,5
500-1000 киши	86	15,4	71,3	6,4
1000-2000 киши	215	38,5	340,1	30,8
2000-3000 киши	131	23,4	351,2	31,8
3000-5000 киши	68	12,2	272,7	24,7
5000 киши ва ундан ортиқ	7	1,2	53,3	4,8

Жадвал Хоразм вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

худудий тафовутлар йўқ. Ўртача зичлик 1 км<sup>2</sup> га 279 кишини ташкил этган ҳолда, у 108,0 кишидан (Хазорасп тумани) 463 кишигача (Хива тумани) фарқ қилади. Шунингдек, Урганч, Хонқа, Богот туманларида ҳам аҳоли анча зич жойлашган. Демак, бу борада “географик” коэффициент 4,29 га тенг. Умуман олганда эса, Хоразм худудининг асосий қисми бир текис ўзлаштирилган, ижтимоий-иқтисодий ва қишлоқ туманларининг демографик сиғими анча юқори. Вилоятда урбанизация даражаси паст – 33,2 фоиз аҳоли мавжуд 3 шаҳар (Урганч, Хива ва Питнак) ҳамда 58 шаҳарчада яшайди. Урбанизация кўрсаткичи ҳамда шаҳарлар сони бўйича у энг охириги ўринда туради. Маъмурий маркази – Урганчда 137,4 минг, “иккинчи” шаҳар – Хивада 59,0 минг киши истикомат қилади.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида жами 51 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарча макоми берилди. Энг кўп

янги шаҳарчалар Гурлан ва Хива туманларида ташкил этилди. Гурлан туманида улар Ёрмиш, Қаргалар, Бўзқалъа, Дўсимбий, Тахтақўпир, Нукус ёп, Марказий Гулистон, Чаккалар, Хива туманида – Парчанхос, Сувитлиёп, Юқориқум, Тозабоғ, Уста Хўжамад, Қишлоқ-қишлоқ, Гулланбоғ, Шўрқалъадан иборат. Янгиариқ, Шовот, Қўшқўпир, Боғот туманларида ҳам бундай шаҳарчалар сони кўпроқ – ҳар бирида 5-6 тадан. Энг кам янги шаҳарчалар Янгибозор туманида (Янгиёп ва Мангитлар). Аҳоли сони бўйича нисбатан йириқлари Янгиариқ ва Боғот туманларининг маъмурий марказлари бўлиб, уларда, мос равишда, 11,8 ва 10,4 минг кишидан аҳоли яшайди.

Сўнгги йилларда вужудга келган қишлоқ урбанизацияси, умуман олганда, ижобий хусусиятга эга бўлиб, у, аини вақтда, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Бу борада асосий масала янги шаҳарчаларда шаҳарга хос ва мос иқтисодиёт ва инфратузилмани ривожлантиришдир. Янги шаҳарчаларнинг пайдо бўлиши билан вилоят қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибида ҳам ўзгаришлар юз берди: қишлоқлар сони камайди, уларнинг ўртача аҳоли кўрсаткичи пасайди, асосан майда ва ўрта катталиқдаги аҳоли пунктлари қишлоқ жойлар географияси ва демографиясини белгилаб берувчи омилга айланди. Ушбу фикрларни қисман 65-жадвал маълумотлари ҳам исботлайди.

Аҳоли сонининг ўсишида унинг табиий ҳаракатининг роли катта. Туғилиш ҳар минг киши ҳисобига 2013-йилда вилоят бўйича 22,5 (республикага нисбатан юқори кўрсаткич), ўлим 4,4 кишига, табиий кўпайиш эса 18,1 промиллега тенг бўлган. Туғилиш коэффиценти географиясида унча катта фарқ сезилмайди: Шовот туманида 24,5 ‰, Хивада 24,1 ‰, нисбатан паст Янгиариқ туманида – 21,3 ‰. Урганч шаҳрида у 19,6 промилле ташкил қилади. Шу билан бирга, вилоят марказида ўлимнинг умумий даражаси каттароқ – 6,8 промилле. Бирмунча паст кўрсаткичлар Ҳазорасп, Шовот ва Боғот туманларида кузатилади (66-жадвал).

Вилоятда аҳоли миграцияси республиканинг бошқа ҳудудларига қараганда анча суст. Масалан, 1997-йилда вилоят шаҳар жойларига атиги 360 киши келган ва бу ердан 1980 киши кетган (миграция қолдиғи минус 1621); 1998-йилда бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос ҳолда 1890; 3680 ва минус 1790 кишини ташкил қилган. Энг сўнгги маълумотлар ҳам вилоят қишлоқ туманларида аҳоли миграцияси мамлакатнинг бошқа ҳудудларига қараганда анча пастлигини кўрсатади. 2013-йил якунлари бўйича миграция қолдиғи вилоят бўйича ҳар 1000 кишига – минус 0,2. Бу борада энг юқори кўрсаткич Урганч шаҳрида – минус 7,8 промилле. Ижобий натижалар Қўшқўпир, Шовот ва Янгибозор туманларига хос; энг юқори ижобий миграция қолдиғи кўрилатган йилда Урганч туманида қайд этилган (3,0 ‰).

Хоразм вилояти демографиясининг яна бир хусусияти шундаки, унинг аҳолиси асосан бир миллатли ҳисобланади. Масалан, 2014-йил маълумотларига қараганда, вилоят аҳолисининг 97,5 фоизини ўзбеклар ташкил этган (қозоқлар – 0,7 %). Албатта, юқорида келтирилган аҳолининг ўсиши, жойланиши, табиий ва миграция ҳаракати, миллий таркиби вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эътиборга олинishi керак.

66-жадвал

Хоразм вилояти қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ҳаракати ва миграцияси  
(ҳар минг аҳолига нисбатан, 2013 й.)

т/р	Қишлоқ туманлари	Табиий ҳаракат			Аҳоли миграцияси		
		туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	келган лар	кетган лар	миграция қолдиғи
	Вилоят бўйича	22,5	4,4	18,1	4,4	4,6	-0,2
1	Боғот	22,9	4,0	18,9	3,1	2,4	0,7
2	Гурлан	21,6	4,3	17,3	2,7	3,8	-1,1
3	Урганч	21,3	4,3	17,0	8,4	5,4	3,0
4	Ҳазорасп	23,2	4,1	19,1	1,4	2,5	-1,1
5	Хива	24,1	4,4	19,7	2,9	3,0	-0,1
6	Хонқа	22,8	3,8	19,0	3,4	3,1	0,3
7	Шовот	24,5	4,1	20,4	3,9	2,5	1,4
8	Қўшқўпир	23,0	4,4	18,6	5,7	5,0	0,7
9	Янгиариқ	21,3	4,1	17,2	4,2	4,0	0,2
10	Янгибозор	21,8	4,3	17,5	4,6	3,3	1,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жами аҳолидан 933 минг киши меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, иқтисодиётда банд бўлганлар сони – 660 минг киши. Бошқа вилоятларда бўлгани каби, бу ерда ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланишга жиддий аҳамият берилмоқда. Биргина 2012-йил вилоятда 60,5 минг янги иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг 40,0 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорликка тўғри келган. Банд аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Иқтисодиётнинг қолган тармоқлари улуши анча паст.

**Иқтисодиёти.** Хоразм вилояти иқтисодиёти аграр-индустриал йўналишга эга. Вилоят Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 3,1 фоизини, саноат маҳсулотини 1,7 ва қишлоқ хўжалигини 6,0 фоизни беради (2013 й.). Бу ерда, энг аввало, агросаноат мажмуи яхши ташкил этилган. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 5,5 фоизи саноатга, 35,9 фоизи қишлоқ хўжалиги, 9,6 фоизи транспорт ва алоқа, 7,0 % қурилишга, 7,2 фоизи савдо ва умумий овқатланишга тўғри келади. Ҳудудий меҳнат тақсимотида вилоят енгил ва озиқ-овқат саноатига, қишлоқ хўжалигида эса пахта ва шоли етиштиришга ихтисослашган.

Бу ерда ҳам бозор муносабатларига ўтиш мақсадидаги ислохотлар кент кўламада амалга оширилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорликка катта аҳамият берилган. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 73,8 фоизи айни ушбу сектор ҳиссасига тушади. Бу соҳада жами банд бўлган аҳолининг 79,2 фоизи ишлайди. Кичик бизнес субъектлари саноат маҳсулотининг 35,8 фоизини таъминлайди; минтақа иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг деярли ярми ҳам шу секторга тўғри келади. Умуман олганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95,9 фоизини, қурилишнинг 77,6 фоизини, пуллик хизматнинг 49,8 ва чакана савдонинг 39,8 фоизини кичик бизнес беради.

**Саноати.** Хоразм вилояти саноатининг тармоқлар таркиби унчалик мураккаб эмас (масалан, Тошкент ва Фарғона вилоятларига таққослаганда). Биргина енгил саноат ялпи саноат маҳсулотининг 40,8% ни, озиқ-овқат саноати 24,0 фоизини (икки тармоқ ҳиссаси 64,8%), ун-ёрма ва омихта ем саноати 17,4% ни таъминлайди. Мустақиллик йилларида вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ўсди. Бу борада у Андижон ва Бухоро вилоятлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ажралиб туради. Бир йилда вилоятда 662 млн. кВт/с электр энергия, 75-80 минг тонна агрофида пахта толаси, 17-18 минг тонна ўсимлик ёғи, 70-80 минг тонна ун, 60-62 минг тонна омихта ем ишлаб чиқарилади.

19-расм. Хоразм вилояти саноатининг тармоқлар таркиби (2013 й.)



Аҳоли сонининг ортиб бориши халқ истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқаришни тақозо этади. 2012-йилда бундай товарларни ишлаб чиқариш олдинги йилга нисбатан 108,7 фоизга ўсган (жами саноат маҳсулоти – 111,8 фоизга). Халқ истеъмол молларининг 2/3 қисмини озиқ-овқат, 1/4 қисмини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилади.

Кейинги йилларда вилоятда трикотаж, нон ва нон маҳсулотлари, омихта ем, алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ўсиб бормоқда. Айни вақтда, саноат мажмуида оғир саноат, хусусан ёқилғи-энергетика, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, қора ва рангли металлургия сустривожланган. Бу ерда фаолият кўрсатаётган Туямўйин СЭСи ягона электр



энергия ишлаб чиқарувчи манба саналади. Демак, минтақа саноати тармоқлар таркибини модернизация қилиш ва бойитиш, корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, мавжуд хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим муаммолар сирасига киради.

Кўриниб турибдики, вилоятда қишлоқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи билан боғлиқ саноат тармоқлари кўпроқ ривожланган. Енгил саноат, жумладан, тўқимачилик Урганч, Гурлан ва Хонқада, гилам ишлаб чиқариш Хивада йўлга қўйилган. Хива гилам комбинати Ўзбекистонда бу турдаги саноат корхоналарининг йириги ҳисобланади. Аксарият қишлоқ туман марказларида пахта тозалаш корхоналари мавжуд. Озиқ-овқат саноати эса Урганч, Хазорасп, Хонқа ва бошқа шаҳарларда нисбатан ривожланган; Хонқада йирик дон маҳсулотлари комбинати бор. Шу билан бирга, хорижий давлатлар фирмалари иштирокида қатор саноат корхоналари қурилиб ишга туширилган. Масалан, Хитой технологияси ёрдамида Урганчда “Хоразм ипаги” тўқимачилик корхонаси, Буюк Британия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган Боғотдаги тиббий пахта (момик) ишлаб чиқарувчи фабрика, Хонқада ип-калава ва ип-газлама ишлаб чиқарувчи корхона, “Гурлантекстил”, “Шовоттекстил” АЖ кабилар шулар жумласидандир. Хива гилам комбинатига Германиядан асбоб-ускуналар келтирилган, Боғотда шиша ишлаб чиқарилмоқда. Хазораспда республикамизда ягона - “Хоразмшакар” корхонаси мавжуд. Юқоридагилардан ташқари вилоятда гишт заводлари ҳам кўп.

Таҳлиллар кўрсатишича, саноатининг ҳудудий таркиби ҳам унча ривожланмаган. Бу борада, энг аввало, вилоят маъмурий маркази – Урганч етакчилиги қилади. Мавжуд маълумотлар бўйича, Урганч шаҳри вилоят жами саноат маҳсулотининг 27,7 фоизини, истеъмол молларини 46,8 фоизини беради. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмига кўра Хонқа, Хазорасп, Боғот ва Шовот туманлари ҳам бирмунча ажралиб туради, энг паст кўрсаткич Янгибозор туманида қайд этилади.

Саноатни ҳудудий ташкил этиш бўйича Хоразм вилоятида фақат Урганч саноат тугунини белгилаш мумкин. Қолган шаҳар ва шаҳарчалар эса кўпроқ саноат пунктлари, айримларигина саноат маркази (Хива, Гурлан ва б.) ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқарилишини технологик жиҳатдан ташкил этишда, асосан, ўзаро боғлиқ агроиндустриал энергия ишлаб чиқариш цикл шаклланган, холос. Бинобарин, вилоятда саноатнинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби ҳам суст ривожланган.

2014-йилда Хазорасп туманида “Дамас” автомобиллини ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилади. Бу эса, вилоятда оғир саноат тармоқлари ривожланишини таъминлайди.

## Хоразм вилояти кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

т/р	Кишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда:			
					экин ерлари	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
1	Богот	44,3	18,4	18,4	88,6	9,2	2,2	-
2	Гурлан	43,8	26,3	26,3	95,8	4,0	0,2	-
3	Урганч	44,6	24,2	24,2	93,4	5,6	1,0	-
4	Хазорасп	204,9	137,8	28,8	19,1	1,0	0,8	79,1
5	Хива	45,8	15,4		89,0	7,8	3,2	-
6	Хонка	43,3	23,6	23,6	93,6	5,9	0,5	-
7	Шовот	45,5	25,6	24,5	88,0	6,2	1,5	4,3
8	Кўшкўпир	53,9	26,0	26,0	92,3	5,0	2,7	-
9	Янгиарик	40,3	14,3	14,3	92,3	7,5	0,2	-
10	Янгибозор	34,3	21,0	21,0	91,9	6,2	1,2	-
	Вилоят бўйича	600,8	332,8	222,7	61,7	4,1	1,1	33,1

Манба: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" – Т.: ЎЗР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011, - 198 бет маълумотлари.

# ХОРАЗМ ВІЛОЯТИ ИЌТІСОДИЙ КАРТА



## ИШЛОВ БЕРУВЧИ САНОАТ (2010 й.)

- Ялпи маҳсулот ҳақини  
буёича сааноат пултига  
Жула янрик  
Янрик  
Урта  
Манда

- Сааноат тармақлари**
- Электрэнергетика
  - Машинасозлик ва металллик қайта ишлаш
  - Кийим ва кейф-чойим
  - Урон, ёгончи қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз
  - Қурилиш материаллари
  - Егин
  - Овқат-овқат
  - Бошқа тармақлар

## УНДИРУВЧИ САНОАТ

- Силикат буёғлари учун кум
- Фикит-чароғида хом ашёси
- Минерал сув булоқлари
- Қонларнинг қоклари

- Гидроэнергетикалар  
Электр узатиш линиялари  
Гаэ кузурлари  
Нефт-кузурлари

## КЕНГ ТАРКАЛГАН РАЙОНЛАР

- боғлар
- кузурлар
- сабаот ва вертолика
- полва жонлар
- шол

## РАЙОНЛАР

- парвардилик
- асарчилик
- илтичилик

## ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИНГ ИЌТИСОШЛУВИ

- Сугорива референтивие зонаси
- Пактенилик, поливоничи, шовиничи, боғдорчилик, илтичилик ва суг-суг референтивие
  - Чўл-йўлов зонаси
  - Чўл-йўлов қоравончилиги (қўнчили, қоравончили)

## САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ЯЛПИ МАЊСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ (2011 й.)

- 1 км устуи баваидити - 100 млрд. сўм
- сааноат
- қишлоқ хужалиги

**Қишлоқ хўжалиги.** Хоразм вилояти 2013-йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 6,0 фоизини (1999-йилда 8,7 фоизини) берган. Агроиктисодиёт тизимида етиштирилган жами маҳсулотнинг 52,0 фоизини деҳқончилик ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 30,9 фоизини фермерлар, 67,8 фоизини деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқаради.

Вилоят бўйича қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 264,9 минг га ёки умумий майдоннинг 55,4 фоизини ташкил қилади (67-жадвал). Суғориладиган ерлар 231,3 минг га бўлиб, бу қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи демақдир.

Алоҳида қайд этиш жоизки, бу борада, яъни ерлардан қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиш нуқтаи назаридан, Хоразм вилояти республикамызда олдинда туради. Боғот, Гурлан, Қўшқўпир, Урганч, Хонқа, Хива ва Янгибозор туманларида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 100 фоизи суғориладиган далалардан иборат. Фақат Ҳазорасп туманида бундай нисбат ўзгача, холос. Ушбу туманнинг 137,8 минг га қишлоқ хўжалиги ерларидан 28,8 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади. Пичанзор ва яйловлар билан банд бўлган ер майдони бу ерда анча катта-79,1 %.

Жами экин майдони, барча тоифадаги хўжаликлар бўйича, 235,0 минг га, шу жумладан, фермер хўжаликларида 188,6 минг га, деҳқон хўжаликларида 39,7 минг га ни ташкил этади. Донли экинлар майдони – 70,1 минг га (шундан бугдой – 48,0, шולי – 19,0 минг га). Деҳқончиликнинг етакчи йўналиши–пахтачилик 106,5 минг га майдонни эгаллайди. Картошка 5,1 минг гектарга, сабзавот 14,3 минг гектарга, полиз экинлари 6,4 минг гектарга экилади. Ем-ҳашак майдони 20,4 минг га, мева ва узумзорлар 15,0 минг гектарга тенгдир (20-расм).



2009-йилда 236,2 минг т буғдой (ҳосилдорлиги 48,5 ц/га), 76,5 минг т шоли (42,8 ц/га), 258,0 минг т пахта (27,1 ц/га), 75,5 минг т картошка (177,5 ц/га), 357,3 минг т сабзавот (127,1 ц/га), 91,0 минг т полиз (181,4 ц/га) маҳсулотлари етиштирилган. Таққослаш учун: 2000-йилда дон 200 минг т, шоли - 40 минг т, пахта 200 минг т атрофида бўлган.

Агроиқтисодий тизимнинг 2012-йил якунлари қуйидагича: жами донли экинлар ҳосили 337 минг т бўлган,, шундан буғдой – 209 минг т, ҳосилдорлик 43,7 ц/га, шоли – 117 минг т, картошка – 96 минг т, сабзавот – 438 минг т, мева 136 минг т. етиштирилган. Вилоят бўйича (01.01.2014 й.) барча тоифадаги хўжаликларда 750,5 минг бош йирик шохли қорамоллар, 378,3 минг бош қўй ва эчкилар мавжуд. Бир йилда тирик вазнда 106 минг т гўшт, 711 минг т сут, 278 млн дона тухум, 1116 т жун, 7,1 минг дона қоракўл териси, 1,9 минг т пилла олинган. Таҳлиллар кўрсатишича, йирик шохли моллар, қўй ва эчкилар сўнгги йилда анча кўпайган. Чунончи, 2000 йилда вилоятда 447 минг бош йирик шохли моллар, 218 минг бош қўй ва эчкилар бўлган.

Минтақанинг барча қишлоқ туманларида бошоқли дон, асосан, буғдой етиштирилади. Боғот, Гурлан, Урганч, Хазорасп, Хонқа, Шовот ва Янгибозор туманларининг ҳар бирида вилоят ғалласининг 10 фоиздан кўпроғи олинади. Сабзавотчилик бўйича, энг аввало, Хива ва Боғот, картошка етиштиришда Гурлан, Урганч, Хива ва Шовот олдинги ўринларда туради. Боғдорчилик маҳсулотининг ҳажми Шовот ва Хивада, узум етиштириш Боғот туманида кўпроқ.

Чорвачилик маҳсулотларининг географияси ўзига хос. Гўшт Хазорасп, Урганч ва Шовотда, сут етиштириш Урганч, Хазорасп, Гурлан ва Хива, паррандачилик Хива, Урганч ва Хонқа туманларида нисбатан ривожланган. Урганч тумани шаҳар атрофи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Қорамоллар сони бўйича ҳам Урганч тумани етакчи. Шунингдек, чорвачиликнинг бу соҳаси (сут-гўшт чорвачилиги) Хазорасп ва Хонқа туманларида ҳам бирмунча яхши кўрсаткичларга эга. Қўй ва эчкилар сони бошқа туманларга қараганда Қўшқўпир, Боғот, Хазорасп ва Урганч туманларида, паррандачилик Урганч, Хонқа, Хива ва Боғот туманларида кўпроқ (68-жадвал).

Хоразм вилоятининг демографик вазиятига боғлиқ равишда ижтимоий соҳалар ҳам ривожланиб бормоқда. Жами тиббиёт муассасалари сони 33 та, бемор ўринларининг сони 6688 та, амбулатория-поликлиникалар 291 та, врачлар 4109 киши, қишлоқ врачлик пунктлари 170 та. Ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда, вилоятда 40,4 та бемор ўринлари, 26,9 нафар врачлар, 93,6 та ўрта тиббиёт ходимлари тўғри келади.

Худудий жиҳатдан олганда чакана савдо, Урганч шаҳрини ҳисобга олганда, Хазорасп туманида яхши ривожланган (бу туман қадимдан

ўзининг бозорлари билан машҳур бўлган). Пуллик хизмат ҳажмининг 40 фоизи Урганч шаҳрига тўғри келган ҳолда, Хива, Хазорасп ва Хонқа туманларида ҳам бу ҳудудий мужассамлашув даражаси каттарок.

Вилоятда 2012/2013-ўқув йилида 531 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, ўқувчилар сони 261,7 минг болани ташкил этган. Демак, битта мактабга ўртача 493 нафардан ўқувчи тўғри келади. Академик лицейлар – 6 та, касб-хунар коллежлари – 85 та (ўқувчилар сони 86,1 минг киши).

Шунингдек, вилоятда, аниқроғи, унинг маркази – Урганч шаҳрида 3 та олий ўқув юрти, шу жумладан, Урганч Давлат университети бор. Хива шаҳрида тикланган қадимги Маъмур акедемияси фаолият кўрсатмоқда.

Хоразмда туризм анъанавий тарзда ривожланмоқда. Минтақада 27 та меҳмонхоналар (ўринлар сони 1046 та) мавжуд. Келиб-кетган жами сайёҳлар сони – 63,6 минг киши (2000-йилда - 24,6 минг киши), шундан 45,3 минг киши – хорижий мамлакатлар фуқаролари.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурини амалга ошириш натижасида аҳолининг табиий газ билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида тўлиқ ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Бу хусусда Қўшқўпир, Хонқа ва Шовот туманларида вазият бирмунча яхши эмас. Тоза ичимлик сувининг етишмаслиги сабабли, бу билан боғлиқ касалликлар бор ва умумий нозогеографик вазиятда ҳам муаммолар мавжуд.

Марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминланганлик вилоят бўйича ўртача 62,1 % (бу, албатта, анча паст кўрсаткич). Гурлан, Янгибозор туманларида у – 50-55 %, энг ночор ҳолат Қўшқўпирда – 42,2 %. Аксинча, табиий газ билан Хоразм яхши таъминланган – 93,6 %.

Вилоятнинг бирор туманида бу кўрсаткич 90 фоиздан кам эмас.

**Инвестиция, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Бир йилда киритилган инвестиция ҳажмининг 5,6 % чет эл капиталига тўғри келади. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 1/3 қисмига яқини ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган.

Қурилиш ишларида ҳудудий тафовутлар кўзга ташланади. 2012-йилда уларнинг 25,3 фоизи Урганч шаҳрида амалга оширилган. Қишлоқ туманлари орасида эса Хива (17,7 %) ва Урганч (9,5 %) бу масалада олдинда. Гарчи бошқа туманларда қурилиш бирмунча сустроқ бўлса-да, “Қишлоқ тараққиёт ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу кўрсаткичлар анча кўтарилди.

2012-йилда 41,9 млн. т юк ташилган, вилоят доирасида ташилган юклар тўлиқ автомобиль транспорти зиммасига тушади, темир йўл транспорти эса асосан ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этади. Йўловчилар ташиш (350 млн. киши атрофида) ва йўловчи айланмасида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Йўловчиларни бошқа минтақалар ва мамлакат-

Хоразм вилояти кишлоқ хўжалигининг ҳудудий таркиби  
(2013-йил, жамға нисбатан фоиз ҳисобида)

т/р	Ҳудудлар	Жами кишлоқ хўжалиқ маҳсулоти	Бошқоқли дон	сабза сот	Картош-ка	мева	пахта	гўшт	сут	тухум	йирик шохли қорамоллар сони	қўй ва эчкилар сони	парран далар сони
	Урганч ш	2,6	-	0,3	0,3	-	-	8,2	3,7	1,0	1,0	0,6	0,8
1.	Боғот	9,6	12,6	14,0	7,9	10,4	7,9	8,5	8,1	7,5	8,2	13,5	10,1
2.	Гурдан	11,7	18,1	9,2	15,4	7,8	14,8	9,7	10,5	7,6	9,2	3,2	12,9
3.	Урганч	11,4	8,3	10,2	13,3	10,3	10,4	11,2	11,7	17,0	13,2	12,2	15,1
4.	Хазорасп	9,7	14,5	7,8	4,5	9,7	9,7	10,5	11,5	6,0	11,2	17,9	6,4
5.	Хива	10,7	7,4	14,6	10,7	11,8	7,9	9,9	10,1	21,7	9,5	8,6	11,3
6.	Хонка	10,6	10,0	11,8	13,5	9,6	12,8	8,4	8,6	17,1	10,9	6,5	12,4
7.	Шовот	10,0	8,0	7,6	12,7	13,6	10,2	10,8	10,2	5,8	9,9	7,6	9,2
8.	Қўшқўпир	8,7	8,4	9,3	4,8	8,2	10,9	8,6	10,7	5,3	9,8	18,9	9,3
9.	Янгиарик	7,4	5,7	8,0	10,2	8,6	5,3	7,5	8,1	6,1	7,8	9,0	5,7
10	Янгибозор	7,6	7,0	7,2	6,7	9,8	10,1	6,7	6,8	4,9	9,3	2,0	6,8
	Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Жадвал Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

ларга ташишда ҳаво транспортининг аҳамияти катта. Урганч шаҳрида қурилган халқаро тоифадаги аэропорт бундай алоқаларни амалга оширади.

Хоразм вилояти ташқи савдо айланмаси 2013-йилда 249,5 млн АҚШ долларини ташкил этган, шу жумладан экспорт 154,9 млн, импорт 94,6 млн долларга тенг. Бироқ, республика кўрсаткичларига нисбатан экспорт атиги 1,0, импорт 0,7 фоизга тенг, холос. Экспорт таркибида пахта толаси (82,1 %) устунлик қилса, импортда эса машина ва ускуналар (42,3 %), кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (32,0%) етакчилик қилади.

Ташқи савдо айланмасининг 61,2 фоизи, экспортнинг 62,8 ва импортнинг 58,1 фоизи «Узоқ хориж» ва Болтиқ бўйи давлатларига тўғри келади. Ташқи савдо алоқаларида Эрон, Хитой, Украина ҳамда Туркия давлатлари олдинда турали. Бундай алоқаларнинг шаклланишида барча туман ва шаҳарлар қатнашишади.

Экспортнинг ҳудудий таркиби қуйидагича: Урганч шаҳри – 24,3 %, Хива - 10,6 %, Ҳазорасп – 10,5 %, Урганч тумани – 9,0 %, Хонқа – 8,8 %, Шовот – 7,9 %. Импорт ҳажмининг 19,7 фоизини 2013-йилда Хонқа тумани олган, шу билан бирга, бу борада Янгиариқ (12,4 %), Гурлан (11,7 %), Боғот (10,5 %) ва Шовот (10,3 %) туманлари ҳам кўзга ташланади. Қолган ҳудудларда бу кўрсаткичлар анча паст, Хива ва Урганч туманларида эса улар 2013-йилда жуда оз даражада бўлган. Экспорт-импорт жараёни ва унинг таркиби инвестиция муҳитининг қулайлиги ҳамда қўшма корхоналар фаолияти билан ҳам боғлиқ. Қўшма корхоналар асосан Урганч, Хива, Гурлан, Хонқа шаҳарларида барпо этилган. Бу ерда 26 ҚК фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг экспортдаги улуши 6,5 % дир.

Хоразм вилояти ҳудудининг унча катта эмаслиги, унинг компакт (ихчам) эканлиги, аҳоли ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятнинг деярли бир текис тақсимланганлиги боис, бу ерда, бошқа вилоятларда бўлганидек, ички иқтисодий районларни ажратиш учун объектив зарурат йўқ. Аммо шунга қарамасдан, қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларида айрим ҳудудий тафовутлар кўзга ташланади (69-жадвалга қаранг). Саноат ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича, Урганч шаҳрини ҳисобга олмаганда, Хонқа, Боғот, Янгибозор туманлари юқори кўрсаткичларга эга бўлса, Хива, Қўшқўпир ва Урганч қишлоқ туманлари улуши нисбатан паст.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмида деярли барча туманлар (Ҳазорасп, Хива, Қўшқўпирдан ташқари) вилоят даражасидан юқори. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясида Урганч шаҳридан ташқари, жами қишлоқ туманларида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар борлигини кўриш мумкин.



**Хоразм вилояти қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш  
кўрсаткичлари (2013 й.)**

т/р	Худудлар	Саноат маҳсу-логи	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	Инвес-тиция	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
	Урганч ш.	3,079	6,328	0,325	1,617	2,942	5,301	4,413
<b>Туманлар:</b>								
1.	Боғот	1, 102	0,701	1,107	0,993	0,611	0,605	0,552
2.	Гурлан	0,839	0,314	1,439	0,712	0,705	0,624	0,719
3.	Урганч	0,640	0,630	1,093	0,886	0,925	0,701	0,699
4.	Ҳазорасп	0,909	0,255	0,743	0,551	0,562	0,708	0,619
5.	Хива	0,325	0,614	0,835	0,500	1,396	0,645	0,752
6.	Хонқа	1,188	0,646	1,027	0,678	0,737	0,565	0,769
7.	Шовот	0,822	1,066	1,122	0,853	0,746	0,475	0,737
8.	Қўшқўпир	0,593	0,171	0,975	0,567	0,549	0,382	0,578
9.	Янгиарик	0,835	0,153	1,253	0,797	0,788	0,565	0,646
10.	Янгибозор	1,099	0,219	1,710	0,947	1,156	0,596	0,700
	<b>Вилоят</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Хоразм вилоятининг истиқболда ривожланиши, энг аввало, мавжуд меҳнат ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, автомобилсозлик саноатини шакллантириш, ҳудудий агроиндустириал мажмуани такомиллаштириш билан боғлиқ. Бу хусусда унинг транзит ҳолатига эга бўлган иқтисодий географик ўрнидан ҳам фойдаланиш талаб этилади. Умуман олганда эса, Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, унинг Қорақалпоғистон Республикаси билан интеграция асосида, ягона иқтисодий макон доирасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки Қуйи Амударё иқтисодий районини ташкил этувчи бу икки маъмурий бирлик бир-бирини тўлдирувчи имкониятларга эга.

## Адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И. Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиғи ва халқимиз фаровонлиғини янада юксалтиришдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2010.
3. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
4. Асанов Г., Набиғонов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғроғияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1994.
5. Ата-Мирзаев О., Тухлиев Н., Ўзбекистан: природа, население, экономика. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2009.
6. Ахмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. – Т.: «Ўзбекистон», 2006.
7. Воронин В.В., Шарьгин М.Д. Экономическая, социальная и политическая география. Учебное пособие. – Самара, 2006.
8. Глобальная социально-экономическая география. Под.ред. Н.А.Слука. – Москва-Смоленск, 2011.
9. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М., 2000.
10. Доманский Р. Экономическая география: региональный аспект. Пер. с пол. – М.: «Новый хронограф», 2010.
11. Мироненко Н. С. Введение в географию мирового хозяйства. Международное разделение труда. – М.: «Аспект Пресс», 2006.
12. Максаковский В.П. Общая экономическая и социальная география. Курс лекций. Часть 1. – М.: «ВЛАДОС», 2009.
13. Набиев Э., Каюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. – Т.: «Университет», 2000.
14. Новый взгляд на экономическую географию. Доклад о мировом развитии. Обзор 2009. – Вашингтон, Всемирный банк, 2008.
15. Рўзиев А., Абиркулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси. – Т.: «Шарқ» НМАК, 2001.
16. Саушкин Ю.Г. Географическое мышление. – Смоленск: Ойкумена, 2011.
17. Солиев А.С., Ахмедов Э., Махамдалиев Р.Й. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: «Университет», 2003.
18. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси). – Т.: “Fan va texnologiya”, 2009.
19. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. – Т.: «MUMTOZ SO‘Z», 2010.
20. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Т.: «Камалак», 2013.

21. Социально-экономическая география: понятия и термины. Словарь-справочник. – Смоленск: «Ойкумена», 2013.
22. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (1989-2009 йй.). Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2010.
23. Экономическая, социальная и политическая география: мир, регионы, страны. Под ред. И.А.Родионовой. – М., 2008.
24. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.
25. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010-йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015-йилларга мўлжалланган прогностлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
26. Курбонов Ш. Б. Кичик ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий географияси. – Т.: “MUMTOZ SO’Z”, 2013.
27. Ҳасанов И.А., Фуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Т.: «Ўқитувчи», 2007.

## Иловалар

1-илова

Ўзбекистон шаҳар жойларининг таркибий тузилиши

Шаҳар ва шаҳарчалар гуруҳлари (аҳоли сони бўйича)	1989 й.						2013 й.					
	Сони			Аҳолиси			Сони			Аҳолиси		
	сони	фоизда	минг киши	фоизда	минг киши	фоизда	сони	фоизда	минг киши	фоизда	минг киши	фоизда
Жами	183	100,0	6347,6	100,0	1204	100,0	15396,3	100,0	15396,3	100,0	100,0	
<i>Шу жумладан, аҳоли сони</i>												
10 минг кишигача	93	50,6	528,6	8,4	967	80,3	4112,1	26,7				
10-20 минг	40	22,0	566,2	8,9	128	10,7	1762,2	11,4				
20-50 минг	30	16,5	869,8	13,7	71	5,9	2029,3	13,2				
50-100 минг	7	3,9	502,7	7,9	21	1,7	1366,7	8,9				
100-250 минг	11	6,5	1641,9	25,9	10	0,8	1627,2	10,6				
250-500 минг	1	0,5	483,9	7,6	6	0,5	2164,8	14,0				
500 минг ва ундан ортик	1	0,5	1754,5	27,6	1	0,1	2340,0	15,2				

Жадвал ҲЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Ўзбекистон иқтисодийётининг асосий ривожланиш кўрсаткичлари  
(олдинги йилга нисбатан фонда)

	1996	1997	1998	1999	2000	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Ялли ички маҳсулот	101,7	105,2	104,3	104,3	103,8	107,4	107,0	107,5	109,5	109,0	108,1	108,5	108,3	108,2	108,0
Саноат ишлаб чиқариши	102,6	104,1	103,6	105,7	105,9	109,4	107,2	110,8	112,1	112,7	109,0	108,3	106,3	107,7	108,8
Истеъмол моллари	108,1	115,4	107,8	108,4	106,2	113,5	116,6	110,7	118,6	117,7	113,9	112,0	114,0	114,5	114,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	94,4	105,8	104,1	105,6	103,1	108,9	105,4	106,7	106,1	104,5	105,7	106,8	106,6	107,0	106,8

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон иктисодиёти ривожланишининг баъзи кўрсаткичлари  
(олдинги йилга нисбатан фонда)

	1991	1995	1996	2000	2004	2005	2007	2008	2010	2013
Ялпи ички маҳсулот	99,5	99,1	101,7	103,8	107,4	107,0	109,0	109,0	108,5	108,0
Санаят	101,5	100,0	102,6	105,9	109,4	107,2	112,1	112,7	108,3	108,8
Маҳсулот										
Истермол товарлари	104,3	102,8	108,1	100,2	113,5	116,6	118,6	117,7	108,2	114,1
Қишлоқ хўжалиги	98,9	102,2	94,4	103,1	108,9	105,4	106,1	104,5	106,8	106,8
<i>Шу жумладан:</i>										
Дехқончилик	94,7	105,6	94,6	103,1	116,6	107,0	107,2	105,0	105,9	106,4
Чорвачилик	106,2	97,4	94,0	103,0	105,9	103,6	104,6	104,0	107,0	107,4
Инвестиция	105,0	104,0	107,0	101,0	107,3	105,7	125,8	134,1	109,2	109,8
Транспорт (юк ташин)	94,9	99,5	124,8	100,2	101,2	105,7	108,2	109,9	109,9	104,4
Йўловчи ташин	95,5	92,3	122,3	102,5	103,0	114,0	111,0	113,2	106,2	104,2

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

## Ўзбекистон Республикасининг жами ерлари ҳақидаги баъзи маълумотлар

Худудлар	Умумий ер майдони		Шундан: сугориладиган ерлар		Экин ерлари		Шундан: сугориладиган ерлар		Кўх ер турлари		Шундан: сугориладиган ерлар		Пичанзор ва яйловлар	
	жами	фонд-да	жами	фонд-да	жами	фонд-да	жами	фонд-да	жами	фонд-да	жами	фонд-да	жами	фонд-да
Қорақалпоғистон Республикаси	16174	36,4	515,3	11,9	423,6	10,4	423,6	12,8	5223,5	20,7	479,2	12,8	4780,9	23,0
<i>Вилоятлар:</i>														
Андижон	430,3	0,9	273,5	6,3	203,8	5,0	203,8	6,1	256,9	1,1	234,2	6,3	20,3	0,1
Бухоро	4193,7	9,4	275,1	6,4	200,6	4,9	200,6	6,0	2807,4	11,1	227,8	6,1	2579,6	12,4
Жиззах	2117,9	4,8	301,2	7,0	486,1	11,9	264,5	8,0	1266,3	5,0	276,3	7,5	758,0	3,6
Навоий	10937,5	24,6	123,4	2,9	111,1	2,7	91,0	2,7	8892,0	35,2	108,0	2,9	8763,6	42,2
Наманган	718,1	1,6	282,5	6,5	198,2	4,9	198,2	6,0	390,3	1,5	237,7	6,3	152,6	0,7
Самарқанд	1677,3	3,8	379,3	8,8	435,9	10,7	253,9	7,7	1295,2	5,1	310,3	8,3	793,6	3,8
Сурдаё	427,6	0,9	286,9	6,6	251,4	6,2	251,4	7,6	290,4	1,2	268,4	7,2	22,0	0,1
Сурхондарё	2009,9	4,8	325,8	7,5	281,6	6,9	241,7	7,3	1175,5	4,6	272,8	7,3	851,2	4,1
Тошкент	1525,5	3,4	396,8	9,2	340,8	8,4	305,1	9,2	813,9	3,2	338,8	9,1	433,7	2,1
Фарғона	700,5	1,6	368,2	8,5	349,3	6,2	249,3	7,5	318,4	1,3	298,9	7,8	23,5	0,1
Хоразм	608,2	1,4	266,2	6,2	205,4	5,0	205,4	6,2	332,9	1,4	222,8	6,0	110,1	0,5
Қашқадарё	2856,8	6,4	515,7	11,9	682,7	16,8	424,1	12,8	2195,3	8,6	461,4	12,3	1455,8	7,0
Тошкент ш.	33	0,0	5,3	0,1	0,5	0,0	0,5	0,1	0,5	0,0	0,5	0,1	-	-
<b>Жами</b>	<b>44410,3</b>	<b>100,0</b>	<b>4313,1</b>	<b>100,0</b>	<b>4071,0</b>	<b>100,0</b>	<b>3313,1</b>	<b>100,0</b>	<b>25258,5</b>	<b>100,0</b>	<b>3739,1</b>	<b>100,0</b>	<b>20756,1</b>	<b>100,0</b>

Жадвал "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" - Т. УЗ ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011. - 35 бет маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

**Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришнинг худудий таркиби**  
(2013 й., жамияга nisбатан фонда)

Худудлар	Жамия к/х маҳсулоти	Донли экинлар	Сабзавот	Картошка	Полиз	Мева	Узум
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<i>Шу жумладан:</i>							
Қорақалпоғистон Республикаси	3,0	3,7	2,1	1,7	6,2	1,5	0,3
<i>Вилоятлар:</i>							
Анджон	9,9	8,6	13,9	9,9	5,6	21,4	4,3
Бухоро	9,9	8,3	5,6	6,9	6,7	8,8	10,4
Жиззах	5,0	7,0	3,6	2,2	13,3	3,3	2,3
Навоий	4,7	3,4	2,4	2,5	3,6	3,7	4,7
Наманган	7,9	6,7	6,8	9,1	4,1	7,7	7,3
Самарқанд	12,1	10,7	16,2	21,9	5,8	13,3	34,9
Сирдарё	1,9	6,9	2,8	1,7	17,3	1,2	0,8
Сурхондарё	8,9	8,4	8,1	7,7	9,7	5,3	8,5
Тошкент	12,8	9,4	20,3	15,5	8,6	7,9	11,4
Фарғона	8,3	10,2	7,4	10,1	3,7	15,0	6,9
Хоразм	6,0	4,5	5,6	4,7	7,7	6,6	2,5
Қашқадарё	8,5	12,2	5,2	6,1	7,8	4,3	5,7

*Жаоал ҲзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*



**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжалиқларининг баъзи кўрсаткичлари**  
(2013 й. 1 январь ҳолатида)

	Сони	Ер майдони, минг га	Ишчи ҳодимлар сони, инг киши	1 фермер хўжалиқларида:		Янги қиллоқ хўжалиқидagi улushi, %
				ер майдони, га	ишчи ҳодимлар сони	
Ўзбекистон Республикаси	73484	5854,3	1255,5	79,7	17,1	34,4
<i>Шу жумладан:</i>						
Қорақалпоғистон Республикаси	3423	564,5	58,9	164,9	17,2	38,6
<i>Вилоятлар:</i>						
Андижон	7175	256,2	127,2	35,7	17,7	45,8
Бухоро	4006	702,0	70,8	197,7	17,7	28,9
Жиззах	5340	475,0	61,3	88,9	11,5	36,2
Навий	1754	230,7	20,5	131,5	11,7	25,9
Наманган	5793	264,6	83,0	45,7	14,3	20,8
Самарқанд	8388	527,1	115,1	62,8	13,7	37,0
Сирдарё	4301	245,7	79,8	57,1	18,6	41,3
Сурхондарё	5155	731,1	105,0	141,8	20,4	31,7
Тошкент	6177	461,8	119,3	74,8	19,3	35,2
Фарғона	8488	339,0	211,0	39,9	24,8	34,4
Хоразм	4865	239,1	96,2	49,1	19,8	30,9
Қашқадарё	8025	744,4	104,9	92,8	13,1	38,0

*Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муваффиқ ҳисоблаб чиққан.*

Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаблари ва соғлиқни сақлаш тизимининг айрим кўрсаткичлари (2012 й.)

Худудлар	Умумтаълим мактаблари				Соғлиқни сақлаш (хар 10 минг аҳолига нисбатан)			
	сони	Ўқувчилар сони, минг киши	хар бир мактабга туғри келадиган Ўқувчилар сони	амбулатория- поликлиника муассасалари куватини	бемор Ўринлари	врачлар	Ўрта тиббий хотим лар	аҳоли касали ниши
Ўзбекистон Республикаси	9780	4579,4	468	143,4	47,3	28	108	4555,8
<i>Шу жумладан:</i>								
Қорақалпоғистон Республикаси	737	249,0	338	136,3	50,6	23	99	4237,9
<i>Вилоятлар:</i>								
Андижон	742	386,0	520	149,0	48,5	25	94	4434,0
Бухоро	534	251,2	470	171,0	43,6	30	122	3957,9
Жиззах	546	198,8	364	138,6	41,3	17	92	3738,5
Навоий	359	126,8	353	167,5	47,4	29	131	6408,3
Наманган	689	364,4	529	118,1	53,6	21	97	5338,9
Самарқанд	1233	520,1	422	108,8	42,4	25	83	3993,5
Сирдарё	301	112,9	375	207,0	50,8	22	136	2964,0
Сурхондарё	858	367,7	428	93,0	33,6	17	97	4044,2
Тошкент	883	371,0	420	181,8	36,9	21	117	3486,3
Фарғона	921	481,4	523	133,2	43,2	21	121	4940,5
Хоразм	531	261,7	493	130,5	40,7	28	99	4755,4
Қашқадарё	1118	476,9	427	103,3	41,0	20	103	4389,0
Тошкент ш.	325	315,5	971	224,2	78,3	80	141	6578,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

## Ўзбекистон минтакаларида транспортнинг баъзи бир кўрсаткичлари (2012 й.)

Худудлар	Темир йўл транспорти			Автомобиль транспорти				Автобусларда йўловчи ташиш, млн/киши
	Темир йўл узунлиги, км	Темир йўл зичлиги, ҳар 10 минг кв/км	Юк жўнатиш, минг/т	Йўловчи ташиш, минг киши	Автомобиль йўл узунлиги, минг/км	Зичлиги, ҳар 10 минг кв/км	Юк ташиш, млн/т	
Ўзбекистон Республикаси	4258,4	94,8	59177,9	14877,3	42,0	92,7	350,7	603,3
<i>Шу жумладан:</i>								
Қорақалпоғистон Республикаси	844,3	50,7	3337,1	919,5	4,2	25,0	15,4	0,9
<i>вилоятлар:</i>								
Андижон	155,8	371,0	171,0	101,9	2,5	584,0	28,0	3,0
Бухоро	270,0	67,0	6952,4	781,1	4,0	94,4	20,9	9,8
Жиззах	303,1	142,9	2252,1	59,3	2,5	117,1	14,3	1,5
Навоий	469,3	42,3	11586,2	561,2	3,8	35,5	10,8	5,5
Наманган	144,6	195,4	651,9	164,5	3,2	424,5	18,2	14,7
Самарқанд	283,8	168,9	1845,4	829,6	4,0	242,8	27,5	40,4
Сирдарё	169,3	395,6	217,8	3537,9	1,4	330,0	6,2	1,4
Сурхондарё	409,4	203,7	1755,9	894,6	2,8	135,1	25,1	16,4
Тошкент	348,8	223,6	18037,5	5873,0	4,0	245,6	77,6	110,9
Фарғона	228,6	341,2	6766,5	460,0	4,0	589,4	37,3	27,1
Хоразм	138,7	227,4	351,7	251,0	2,2	359,0	23,6	3,2
Қашқадарё	492,7	172,5	5252,4	443,7	3,4	120,8	17,3	1,3

Тошкент вилояти кишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси<sup>1</sup>

Туманлар	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши		1989-2013 йй. ўсиш, %	Аҳоли зичлиги, киши/кв.км
				1989 йыл	2014-йил		
Бехобод	23.09.1963	Зафар ш-ча	0,76	101,0	143,8	142,4	189,2
Бўка	18.05.1943	Бўка ш.	0,59	82,1	115,8	141,0	196,3
Бўстонлик	25.12.1968	Ғазалкент ш.	4,93	124,9	160,7	128,7	32,6
Зангиота	01.12.1933	Эшонгузар ш-ча	0,39	239,1	352,6	147,5	904,1
Охангарон	31.12.1971	Охангарон ш.	3,18	64,3	124,0	192,8	39,0
Оқкўрғон	09.02.1935	Оқкўрғон ш.	0,40	71,0	96,7	136,2	241,7
Паркент	06.12.1979	Паркент ш.	1,08	82,4	140,0	169,9	129,6
Пискент	07.12.1970	Пискент ш.	0,79	72,7	94,4	129,8	119,5
Чиноз	12.04.1973	Чиноз ш.	0,34	96,2	122,7	127,5	361,0
Юқоричирчиқ	29.09.1926	Янгибозор ш-ча	0,44	88,8	123,2	138,7	280,0
Янгийўл	29.09.1926	Гулбахор ш-ча	0,42	131,6	249,9	189,9	595,0
Ўртачирчиқ	29.09.1926	Тўйтепа ш.	0,49	133,1	179,7	135,0	366,7
Қирай	31.12.1964	Қирай ш-ча	0,56	137,3	187,0	136,2	333,9
Куйчирчиқ	26.12.1973	Дўстобод ш.	0,56	88,4	100,5	113,7	179,5
Вилоят	15.01.1938	Тошкент ш.	15,6	2143,5	2726,1	127,2	174,8

Илоҳ: 1) Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар жаъвалга киритилмасан.

2) 2010-йил сентябр ойида Зангиота ва Тошкент туманлари бирлаштирилган.

3) 2014-йил маълумотларида Янгийўл ва Оқкўрғон шаҳарлари му ноҳли кишлоқ туманлари таркибига киритилган. Жаъвал Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>1</sup> Бу ва ундан кейинги вилоятлар кишлоқ туманлар аҳолиси сони келтирилган жаъвалар 2014-йилнинг дастлабки маълумотлари асосида тузилган.

**Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг ҳудудий тузилиши**  
(2013 й. жами вилоятга нисбатан фонзда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пулат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Олмалиқ ш.	24,2	2,1	0,4	15,3	9,2	6,4	7,9	7,3	38,3
Ангрен ш.	3,4	4,4	1,2	8,4	11,9	6,6	5,6	6,9	0,7
Бекobod ш.	13,0	2,7	0,5	7,5	4,8	4,8	6,2	5,0	13,8
Чирчиқ ш.	9,0	7,9	0,6	5,1	1,7	3,4	5,1	8,4	7,1
Бекobod т.	0,7	0,6	8,2	1,2	1,3	3,8	2,5	3,2	0,0
Бўстонлик т.	1,8	3,9	8,1	3,4	4,3	7,0	4,4	5,8	1,4
Бўка т.	0,5	0,4	4,9	1,3	1,2	2,1	2,6	2,2	0,0
Зангиота т.	12,9	32,0	12,6	15,1	11,7	12,2	18,6	16,4	5,1
Охангарон т.	7,0	4,1	3,8	2,9	5,0	5,6	3,8	3,2	5,9
Оккўргон т.	0,5	0,4	6,0	1,2	1,3	2,1	4,6	2,0	0,0
Паркент т.	0,9	4,3	5,8	1,7	1,8	3,7	4,2	3,7	0,6
Пискент т.	0,4	0,6	5,6	0,9	1,7	3,2	1,7	2,1	0,0
Чиноз т.	1,2	2,7	6,8	1,6	1,0	4,2	2,1	4,2	2,7
Юқоричирчиқ т.	1,3	2,4	5,4	1,7	4,2	5,4	1,9	3,8	0,5
Янгийўл т.	4,0	8,4	7,6	5,4	4,8	8,4	16,1	9,2	3,3
Уртачирчиқ т.	1,5	2,2	6,8	1,6	2,2	3,3	3,4	4,7	1,2
Қиррай т.	6,0	20,2	8,1	7,2	15,3	16,9	3,9	9,6	1,3
Қуйчириқ т.	0,6	0,7	6,4	1,2	1,1	1,0	2,3	2,3	0,1

*Жаъвал Ҳзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

## Тошкент вилояти қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фонзда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Бекобол	75,6	49,6	40,3	80,7	2,5	2,5	16,1
Бўстонлик	493,4	210,1	11,0	6,4	3,0	-	90,5
Бўка	59,0	43,0	35,9	83,2	2,8	0,4	13,6
Зангиота	38,3	18,0	17,4	74,7	22,3	-	2,9
Оҳангарон	318,4	185,3	22,9	17,3	1,5	0,04	81,2
Оқкўргон	44,8	31,0	27,1	85,0	3,0	0,1	11,9
Паркент	108,0	64,1	12,0	20,7	16,7	0,08	62,6
Пискент	74,0	46,2	22,5	49,1	1,6	-	49,3
Чиноз	34,0	21,7	19,5	86,2	4,7	0,01	9,0
Юқоричирчиқ	44,0	29,8	23,3	80,5	2,8	0,07	16,6
Янгийўл	43,1	24,1	23,1	83,3	11,8	0,2	4,7
Уртачирчиқ	51,9	33,6	30,9	91,8	3,2	-	5,0
Қибрай	56,0	18,5	15,1	77,4	17,2	-	5,4
Кўйичирчиқ	55,9	37,7	37,5	94,4	4,6	0,3	0,7
<b>Вилоят, жами</b>	<b>1525,6</b>	<b>813,9</b>	<b>339,0</b>	<b>41,9</b>	<b>4,6</b>	<b>0,2</b>	<b>53,3</b>

Жадвал "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" - Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011.  
- 168 бет маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

## Тошкент вилояти фермер хўжаликлари ҳақида маълумотлар (2013 й.)

Қишлоқ туманлари	Фермер хўжаликлари сони	Бириктирилган ер майдони, минг га	Ишлайдиган ходимлар, минг киши	1 фермер хўжалигига тўғри келаётган:			Ялли кишлоқ хўжалик маҳсулотидати улуши, %
				ер майдони, га	ишчи ходимлар	сони	
<b>Вилоят, жами</b>	<b>6177</b>	<b>461,8</b>	<b>119,3</b>	<b>74,8</b>	<b>19,3</b>	<b>35,2</b>	
Бекobod	462	48,4	11,8	104,8	25,5	32,9	
Бўстонлик	349	47,9	1,7	137,2	4,9	34,4	
Бука	522	44,3	21,2	84,9	41,4	33,3	
Зангиота	497	14,3	9,2	28,8	18,5	35,3	
Охангарон	427	45,7	2,0	107,0	4,4	25,8	
Оққўрғон	366	28,8	9,7	78,7	26,5	38,4	
Паркент	788	41,3	5,7	52,4	7,2	39,0	
Пискент	320	29,1	8,2	90,9	25,6	41,2	
Чиноз	220	21,3	7,1	96,8	32,3	42,5	
Юқоричирчиқ	330	27,6	6,6	83,6	20,0	38,6	
Янгийўл	750	25,7	10,9	34,3	14,5	43,8	
Уртачирчиқ	314	34,4	6,6	109,6	21,0	32,2	
Қибрай	383	13,2	1,7	34,5	4,4	27,9	
Қуйичирчиқ	437	39,5	17,0	90,4	38,9	48,2	

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Тошкент шаҳри аҳолисининг табиий ҳаракати**  
(ҳар 1000 кишига нисбатан)

Худудлар	2000-йил.			2008-йил.			2013-йил.		
	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
Бектемир	15,1	8,4	6,7	23,9	9,3	14,6	25,8	8,7	17,1
Мирзо Улугбек	12,3	9,8	2,5	16,5	9,0	7,5	14,2	7,9	6,3
Миробод	14,7	10,3	4,4	20,1	9,6	10,5	15,4	8,0	7,4
Олмазор	17,1	6,8	10,3	24,7	6,4	18,3	18,9	5,4	13,5
Сергели	15,0	9,8	5,2	21,5	10,5	11,0	19,9	9,1	10,8
Учтепа	16,3	8,2	8,1	19,1	7,1	12,0	19,8	6,8	13,0
Ҳамза	12,2	9,7	2,5	16,2	9,0	7,2	14,5	8,3	6,2
Чилонзор	12,8	9,3	3,5	16,4	8,6	7,8	16,1	6,9	9,2
Шайхонтоҳур	18,4	6,1	12,3	22,1	5,3	16,8	18,5	4,9	13,6
Юнусобод	13,6	8,3	5,3	18,4	8,4	10,0	17,4	6,8	10,6
Яккасарой	11,8	7,9	3,9	12,9	6,0	6,9	11,9	5,4	6,5

*Илоҳ: шаҳар бўйича 2013-йилда туғилиш 17,1, ўлим 6,8 табиий кўпайиш 10,3 промилле бўлган.  
Жадеал Ҷаббаров Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*



## Тошкент шаҳри аҳолисининг миграцияси (ҳар минг кишига нисбатан)

Туманлар	2009 й.			2010 й.			2013 й.		
	келган лар	кетган лар	миграция коллиғи	келган лар	кетган лар	миграция коллиғи	келган лар	кетган лар	миграция коллиғи
Бектемир	8,0	9,4	-1,4	4,1	6,7	-2,6	11,2	38,0	-26,8
Мирзо Улугбек	16,3	14,6	1,7	16,5	13,1	3,4	8,9	14,3	-5,4
Миробод	8,6	8,3	0,3	9,9	8,0	1,9	8,6	16,8	-8,2
Олмасор	2,2	2,1	0,1	8,7	1,7	7,0	4,2	11,4	-7,2
Сергели	5,3	6,8	-1,5	4,9	6,5	-1,6	9,4	9,7	-0,3
Учтепа	5,6	4,2	1,4	2,8	3,6	-0,8	7,1	14,4	-7,3
Ҳамза	5,1	7,0	-1,9	4,2	5,6	-1,4	8,3	12,7	-4,4
Чилонзор	13,9	14,3	-0,4	9,5	10,5	-1,0	12,6	11,7	0,9
Шайхонтоҳур	0,5	1,2	-0,7	0,7	1,4	-0,7	3,6	4,1	-0,5
Юнусобод	11,4	11,5	-0,1	7,7	11,3	-3,6	6,8	19,1	-12,3
Яккасарой	18,0	18,9	-0,9	9,1	18,0	-8,9	5,4	16,4	-11,0
<b>Шаҳар бўйича</b>	<b>8,0</b>	<b>8,1</b>	<b>-0,1</b>	<b>7,2</b>	<b>7,2</b>	<b>0,0</b>	<b>7,3</b>	<b>13,0</b>	<b>-5,7</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Жиззах вилояти асосий ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ҳудудий таркиби**  
(2013 й. жамға нисбатан фойзда)

Ҳудудлар	Саноат ишлаб чиқариш	ХИМ ишлаб чиқариш ҳажми	Қишлоқ ҳўжалик ялли маҳсулоти	Пулрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорг
Аرنасой	3,7	1,3	5,7	1,9	1,7	2,2	9,0	0,1
Бахмал	3,0	6,3	12,9	5,9	10,1	5,1	1,9	5,8
Дўстлик	19,3	15,5	10,2	2,9	5,6	2,9	10,3	1,0
Жиззах	4,9	7,4	10,7	10,6	8,5	9,8	1,8	2,7
Зарбдор	4,8	1,7	6,4	4,0	3,3	2,4	10,9	17,6
Зафаробод	4,2	1,4	6,0	1,5	0,6	1,8	10,4	1,7
Зомин	6,8	4,5	11,2	7,5	12,3	6,4	1,4	1,4
Мирзачўл	1,0	2,1	6,4	2,8	2,5	2,7	0,3	1,0
Пахтакор	9,4	2,7	8,0	4,9	4,3	3,6	19,4	1,6
Фориш	2,8	3,2	5,6	4,9	5,7	2,9	1,3	1,7
Ғаллаорол	3,7	6,3	12,5	7,8	12,2	7,1	1,0	3,1
Янгиобод	0,5	1,0	2,4	3,1	1,7	0,8	0,2	6,5
Жиззах ш.	36,0	46,6	2,0	42,2	31,5	52,3	32,1	55,8
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

*Жаъаи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси лавъулотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

**Жиззах вилояти кишлок хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва чорвачиликнинг ҳудудий тарқиб**  
(2013 й., жамига нисбатан фоизда)

Ҳудудлар	Бошоқли дон	Сабзавот	Картошка	Мева	Узум	Гўшт	Сут	Йирик шоҳли қорамол	Қўй ва эчкилар	Тухум	Парран да
Жиззах ш.	0,07	3,3	2,8	3,1	2,9	3,3	1,6	1,4	1,8	10,5	10,6
Арнасой	8,6	4,2	3,3	2,9	2,8	4,3	5,4	5,0	1,0	2,3	2,2
Бахмал	3,9	15,1	36,4	42,6	14,2	16,4	19,0	20,4	15,3	7,9	9,5
Дўстлик	14,3	7,6	3,5	2,9	2,3	8,0	6,8	7,8	1,8	3,6	3,3
Жиззах	10,7	11,2	4,1	7,9	11,8	12,0	9,4	8,0	6,2	10,6	10,8
Зарбдор	9,6	5,8	1,3	1,8	0,1	4,8	5,4	4,8	2,3	4,3	4,3
Зафаробод	8,6	4,6	2,7	3,1	5,3	4,7	5,2	3,6	5,2	3,8	3,5
Зомин	11,7	4,6	3,9	6,0	1,7	13,3	12,5	13,0	10,3	8,6	8,4
Мирзақўл	11,6	5,2	1,7	5,5	1,8	2,9	3,5	3,8	2,5	3,6	3,2
Пахтақор	13,6	7,3	4,2	2,2	1,1	5,8	6,4	5,4	1,7	4,3	4,4
Фориш	0,5	1,8	0,2	7,0	18,1	10,0	5,7	5,3	32,2	4,6	5,6
Ғаллаорол	6,3	25,9	31,1	9,4	25,7	11,9	13,4	15,5	12,7	33,5	31,9
Янгибод	0,6	3,4	5,1	5,6	12,1	2,5	5,7	5,9	6,9	2,3	2,5
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Жадвал Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

**Сирдарё вилояти иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг асосий кўрсаткичлари**  
(2013-йил, жамига нисбатан фоизда)

Шахар ва туманлар номи	Саноат маҳсулот	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Вилоят бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100
<i>Шаҳарлар:</i>									
Гулистон ш.	13,6	16,4	2,0	15,0	27,4	37,0	58,6	10,0	37,0
Шириш ш.	0,6	1,2	0,5	7,3	3,8	1,9	1,6	0,0	3,8
Янгиер ш.	3,2	4,4	0,3	10,1	8,3	8,4	5,3	1,4	1,2
<i>Туманлар:</i>									
Боёвут	8,1	4,4	15,0	4,9	9,0	8,2	4,8	8,9	1,0
Гулистон	7,8	3,8	9,8	5,0	7,9	4,2	2,9	6,3	0,5
Мирзаобод	2,2	2,8	8,5	3,1	9,6	6,4	3,5	16,0	18,1
Оқолтин	8,1	2,9	13,5	3,1	2,6	4,5	2,3	9,7	0,0
Сайхунобод	12,7	7,2	12,3	5,1	6,7	2,6	3,2	6,6	0,9
Сардоба	6,0	2,8	12,8	16,0	4,3	6,7	2,7	7,2	0,1
Сирдарё	33,2	45,6	13,8	23,5	14,6	16,0	10,6	33,6	35,6
Ховос	4,5	8,5	11,4	6,9	5,9	4,1	4,5	0,3	1,8

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

## Андижон вилоятى кишлок туманлари хақида баъзи маълумотлар

Кишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв. км	Аҳолиси, миנג киши		1989 - 2014- йилларда ўсиш,%	Аҳоли зичлиги, 1 кв. км киши
				1989 й	2014 й		
Андижон	24.12.1962	Куйганёр ш.	0,37	125,3	230,3	183,8	622,4
Асака	24.12.1962	Асака ш.	0,26	118,8	289,3	243,5	1112,7
Балиқчи	24.12.1962	Балиқчи ш.	0,34	104,6	178,2	170,4	524,1
Булоқбоши	09.04.1992	Булоқбоши ш.	0,18	-	128,2	-	712,2
Бўз	26.12.1964	Бўз ш.	0,20	28,5	64,0	224,6	320,0
Жалақудук	12.04.1973	Охунбобоев ш.	0,37	86,1	167,8	194,9	526,8
Избоскан	24.12.1962	Пойтуғ ш.	0,28	111,5	211,4	189,6	755,0
Мархамат	07.12.1970	Мархамат ш.	0,32	76,7	154,8	201,8	483,8
Олтинкўл	03.04.1978	Олтинкўл ш.	0,21	98,6	156,9	159,1	747,1
Пахтаобод	07.12.1970	Пахтаобод ш.	0,26	101,1	170,7	168,8	656,5
Улуғнор	26.12.1973	Оқолтин ш.	0,42	32,7	53,4	163,3	127,1
Хўжаобод	24.12.1962	Хўжаобод ш.	0,23	118,2	98,7	83,5	429,1
Шахрихон	24.12.1962	Шахрихон ш.	0,29	99,8	265,1	265,6	914,1
Кўргонтепа	24.12.1962	Кўргонтепа ш.	0,47	82,6	193,2	233,9	411,1
<b>Вилоят жами</b>	<b>15.01.1938</b>	<b>Андижон ш.</b>	<b>4,30</b>	<b>1721,0</b>	<b>2805,2</b>	<b>163,0</b>	<b>652,4</b>

Жаъвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

## Андижон вилояти қишлоқ туманлари аҳоли пунктларининг тарқибий тузилиши (2012 й.)

т/р	Туманлар	500 киши		500-1000 киши		1000-2000 киши		2000-3000 киши		3000-5000 киши		5000 кишидан ортик		Жами	
		аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони	аҳоли-си	сони
1.	Андижон	3 16,7	927 2,0	1 5,5	985 2,1	6 33,3	8449 18,0	1 5,5	2244 4,8	3 16,7	12492 26,7	4 22,3	21702 46,4	18 100,0	46799 100,0
2.	Асака	-	-	2 3,8	1485 0,8	4 7,7	6619 3,8	12 23,1	32272 18,4	31 59,6	117769 67,2	3 5,8	17190 9,8	52 100,0	175335 100,0
3.	Балиқчи	-	-	4 9,3	3313 3,3	19 44,2	29276 30,2	11 25,6	25980 26,7	7 16,3	28457 29,3	2 4,6	10223 10,5	43 100,0	97249 100,0
4.	Бўз	9 24,3	2950 8,1	10 27,0	7272 20,0	15 40,5	19357 53,1	3 8,2	6848 18,8	-	-	-	-	37 100,0	36427 100,0
5.	Булоқбоши	-	-	5 27,8	3984 6,5	3 16,7	4162 6,8	1 5,5	2696 4,4	7 38,9	26156 42,8	2 11,1	24108 39,5	18 100,0	61106 100,0
6.	Жалақулук	1 2,1	464 0,5	13 27,1	10873 12,4	16 33,3	24767 28,2	13 27,1	30095 34,3	4 8,3	15012 17,2	1 2,1	6461 7,4	48 100,0	87672 100,0
7.	Избоскан	4 8,2	1396 1,1	3 6,1	2485 1,9	10 20,4	14413 11,3	18 36,7	45372 35,6	11 22,8	43473 34,1	3 6,1	20381 16,0	49 100,0	127523 100,0

8.	Мархамат	$\frac{2}{14,3}$	$\frac{564}{2,2}$	$\frac{4}{28,6}$	$\frac{2770}{11,0}$	$\frac{2}{14,3}$	$\frac{2941}{11,6}$	$\frac{4}{28,6}$	$\frac{9990}{39,6}$	$\frac{1}{7,1}$	$\frac{3361}{13,3}$	$\frac{1}{7,1}$	$\frac{5627}{22,3}$	$\frac{14}{100,0}$	$\frac{25253}{100,0}$
9.	Олтинқўл	-	-	$\frac{2}{7,7}$	$\frac{1544}{2,1}$	$\frac{8}{30,8}$	$\frac{11864}{16,1}$	$\frac{5}{19,2}$	$\frac{13721}{18,6}$	$\frac{10}{38,5}$	$\frac{41370}{56,1}$	$\frac{1}{3,8}$	$\frac{5206}{7,1}$	$\frac{26}{100,0}$	$\frac{73705}{100,0}$
10.	Пахтаобод	$\frac{1}{3,3}$	$\frac{347}{0,4}$	$\frac{6}{19,3}$	$\frac{4718}{5,5}$	$\frac{6}{19,3}$	$\frac{10291}{11,9}$	$\frac{5}{19,3}$	$\frac{11703}{13,6}$	$\frac{10}{324}$	$\frac{40342}{46,8}$	$\frac{3}{6,4}$	$\frac{18821}{21,8}$	$\frac{31}{100,0}$	$\frac{86222}{100,0}$
11.	Улугнор	$\frac{1}{4,0}$	$\frac{410}{0,9}$	$\frac{7}{28,0}$	$\frac{4396}{10,1}$	$\frac{6}{24,0}$	$\frac{9217}{21,2}$	$\frac{11}{44,0}$	$\frac{29441}{67,8}$	-	-	-	-	$\frac{25}{100,0}$	$\frac{43464}{100,0}$
12.	Хўжаобод	-	-	-	-	-	-	$\frac{7}{41,2}$	$\frac{18951}{36,4}$	$\frac{10}{58,8}$	$\frac{33104}{63,6}$	-	-	$\frac{17}{100,0}$	$\frac{52055}{100,0}$
13.	Шаҳрихон	$\frac{2}{4,1}$	$\frac{433}{0,3}$	$\frac{2}{4,1}$	$\frac{1624}{1,0}$	$\frac{7}{14,3}$	$\frac{10675}{6,8}$	$\frac{19}{38,7}$	$\frac{47430}{30,0}$	$\frac{12}{24,5}$	$\frac{40909}{25,9}$	$\frac{7}{14,3}$	$\frac{56761}{36,0}$	$\frac{49}{100,0}$	$\frac{157832}{100,0}$
14.	Қўргонтепа	-	-	$\frac{1}{3,0}$	$\frac{898}{1,0}$	$\frac{16}{48,5}$	$\frac{25161}{27,2}$	$\frac{5}{15,2}$	$\frac{11803}{12,8}$	$\frac{6}{18,1}$	$\frac{21283}{23,0}$	$\frac{5}{15,2}$	$\frac{33323}{36,0}$	$\frac{33}{100,0}$	$\frac{92468}{100,0}$
15.	Жами вилоят бўйича	$\frac{23}{5,0}$	$\frac{7491}{0,6}$	$\frac{60}{13,3}$	$\frac{46347}{4,0}$	$\frac{118}{25,4}$	$\frac{176992}{15,2}$	$\frac{115}{25,0}$	$\frac{287646}{24,8}$	$\frac{112}{24,3}$	$\frac{423131}{36,4}$	$\frac{32}{7,0}$	$\frac{219403}{19,0}$	$\frac{460}{100,0}$	$\frac{1161010}{100,0}$

Изоҳ: қар суратида мулкдор рақамлар, маҳражанда - жаммига нисбатан фоизда.  
Жадвал Анджион вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида тўсиб-лаб чиқилган.

## Андижон вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	қўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Андижон	36,9	21,8	17,6	60,1	19,3	3,2	17,9
Асака	28,3	16,1	13,7	67,5	16,8	1,4	14,3
Балиқчи	33,9	20,9	20,9	93,8	6,2	-	-
Булокбоши	18,9	9,9	8,8	74,7	13,1	0,8	11,4
Бўз	20,0	13,1	13,1	94,6	5,4	-	-
Жалакудук	36,9	24,6	21,4	72,8	13,0	1,6	12,6
Избоскан	28,2	18,4	18,4	91,3	8,5	-	-
Мархамат	30,5	19,2	16,0	69,3	12,5	2,1	16,1
Олтинқўл	22,2	12,9	12,8	88,4	10,1	0,6	0,9
Пахтабод	26,0	17,2	17,2	91,3	8,7	-	-
Улуғнор	35,7	22,6	21,7	94,0	4,9	0,4	0,5
Хўжабод	22,9	12,0	9,7	54,2	25,8	2,5	17,5
Шаҳрихон	33,4	19,9	18,0	81,9	8,6	-	9,5
Қўргонтепа	47,5	27,6	24,5	78,3	10,5	1,8	9,4
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>430,3</b>	<b>256,9</b>	<b>234,2</b>	<b>79,3</b>	<b>11,2</b>	<b>1,2</b>	<b>8,3</b>

Жадвал "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" - Т.; ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011, - 56 бет маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.



Анджон вилояти фермер хўжаликлари ҳақида баъзи маълумотлар  
(2013 й.)

Қишлоқ туманлари	Фермер- лар сони	Уларга бирикти- рилган ер майdonи, минг га	Уларда ишлайдиган ходимлар сони, минг киши	Хар бир фермерга тўғри келаётган		Ялли қишлоқ хўжалик маҳсулотига фермер хўжаликлари улуши, %
				ер майdonи, га	ишчилар, киши	
Анджон	579	18,8	9,2	32,5	15,9	39,8
Асака	418	12,7	8,7	30,4	20,8	26,6
Балиқчи	634	23,0	13,5	36,3	21,3	62,2
Булоқбоши	256	9,2	4,9	35,9	19,1	44,8
Бўз	346	13,6	6,8	39,3	19,6	60,2
Жалалқудук	726	22,5	6,7	31,0	9,2	36,6
Избоскан	468	19,3	12,3	41,2	26,3	51,9
Мархамат	507	16,1	6,1	31,7	12,0	43,7
Олтинқўл	359	14,0	6,6	39,0	18,4	40,7
Пахтаобод	748	18,3	15,1	24,5	20,2	46,1
Улуғнор	556	34,2	4,9	61,5	8,8	71,4
Хўжаобод	370	9,8	5,5	26,5	14,9	33,0
Шахрихон	358	18,7	10,1	52,2	28,2	44,9
Кўрғонтепа	828	26,0	16,8	31,4	20,3	54,9
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>7175</b>	<b>256,2</b>	<b>127,2</b>	<b>35,7</b>	<b>17,7</b>	<b>45,8</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Андижон вилояти иқтисодиётининг ҳудудий тарқиб  
(2013-йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Андижон ш.	16,7	5,9	2,3	21,3	34,3	40,9	31,4	3,7	14,8
Хонобод ш.	4,4	0,1	0,7	1,7	2,8	0,6	1,2	4,9	3,3
<b>Туманлар:</b>									
Андижон	1,6	0,9	9,3	5,7	9,1	6,1	6,8	0,6	0,4
Асака	66,3	87,9	10,4	25,8	5,7	7,0	8,5	76,7	78,8
Балиқчи	0,8	0,5	7,4	3,0	4,5	2,8	5,6	0,0	0,1
Булоқбоши	0,2	0,2	4,7	2,5	2,4	3,1	3,3	0,0	0,0
Бўз	0,3	0,1	4,7	1,8	2,8	0,7	1,5	0,0	0,0
Жалақудук	1,0	0,2	9,2	3,5	4,1	2,9	5,5	1,0	0,1
Избоскан	0,9	0,3	6,6	10,5	5,9	3,6	5,2	1,0	0,0
Марҳамат	0,7	0,3	6,6	2,3	3,1	3,1	4,4	0,1	0,0
Олтинқўл	0,8	0,4	5,9	6,0	4,7	4,3	4,5	0,4	1,0
Пахтабод	0,2	0,2	8,0	3,4	2,9	4,9	5,4	0,4	0,1
Улуғнор	0,4	0,0	3,4	1,9	4,1	0,6	1,3	0,4	0,3
Хўжабод	1,0	1,0	4,9	2,2	3,6	3,7	3,7	0,0	0,1
Шаҳрихон	2,6	1,5	8,3	4,9	5,9	9,2	6,5	1,4	0,2
Қўрғонтепа	0,9	0,6	7,9	3,5	4,4	6,6	5,2	0,1	0,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

## Наманган вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси

Қишлоқ туманлари	Ташкил топган вақти	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв. км	Аҳолиси, минг киши		1989- 2014- йиллар да ўсиш, %	Аҳоли зичли ги, 1 кв. км киши
				1989	2014		
Косонсой	26.12.1993	Косонсой ш.	0,52	67,5	184,7	273,6	355,2
Мингбулоқ	22.12.1964	Жумашўй ш-ча	0,74	56,0	111,9	199,8	151,2
Наманган	29.09.1926	Тошбулоқ ш-ча	0,25	110,6	212,0	191,7	848,0
Норин	12.01.1973	Ҳаққулобод ш-ча	0,21	68,2	147,1	215,7	700,5
Поп	29.09.1926	Поп ш-ча	2,91	86,7	196,7	226,9	67,6
Тўрақўрғон	07.12.1970	Тўрақўрғон ш.	0,28	91,7	198,6	216,6	709,3
Уйчи	09.01.1967	Уйчи ш-ча	0,31	107,0	207,1	193,5	668,1
Учқўрғон	09.05.1935	Учқўрғон ш.	0,30	72,5	154,0	212,4	513,3
Чортоқ	27.12.1980	Чортоқ ш.	0,38	70,6	178,9	253,4	470,8
Чуст	29.09.1926	Чуст ш.	0,93	94,0	237,6	252,8	255,5
Янгиқўрғон	29.09.1926	Янгиқўрғон ш-ча	0,53	110,4	199,7	180,9	376,8
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>18.12.1967</b>	<b>Наманган ш.</b>	<b>7,44</b>	<b>1477,1</b>	<b>2504,0</b>	<b>169,5</b>	<b>336,6</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Наманган вилояти кишлоқ туманларида аҳоли табиий ҳаракати**  
(хар 1000 кишига нисбатан)

Туманлар	1995-й.			2000-й.			2005-й.			2013-й.		
	туғи- лиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғи- лиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғи- лиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғи- лиш	ўлим	табиий кўпайиш
Косонсой	36,8	5,6	31,2	23,8	5,0	18,8	21,9	4,5	17,4	24,3	3,9	20,4
Мингбулоқ	35,4	6,1	29,3	22,8	5,0	17,8	21,2	5,1	16,1	21,7	4,0	17,7
Наманган	37,5	6,3	31,2	21,5	5,1	16,4	20,6	4,4	16,2	23,0	4,4	18,6
Норин	30,1	6,4	23,7	19,0	5,1	13,9	19,7	5,4	14,3	22,8	5,0	17,8
Поп	32,4	6,1	26,3	21,6	4,8	16,8	21,9	5,1	16,8	22,3	4,6	17,7
Турақўрғон	36,6	6,2	30,4	27,0	4,7	16,3	19,8	5,0	14,8	22,7	4,4	18,3
Уйчи	31,8	5,7	26,1	21,1	5,1	16,0	20,4	5,0	15,4	23,8	4,8	19,0
Учқўрғон	37,4	6,1	31,3	21,1	4,4	16,7	18,7	5,1	13,6	22,4	5,3	17,1
Чортоқ	36,4	6,2	30,2	19,7	4,7	15,0	20,3	4,9	15,4	22,9	4,4	18,5
Чуст	33,1	5,4	27,7	22,6	4,5	18,1	19,3	4,1	15,2	20,9	4,5	16,4
Янгиқўрғон	28,2	5,6	22,6	20,0	4,8	15,2	19,8	4,3	15,5	21,1	4,6	16,5

Жадавал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

## Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби

Қишлоқ туманлари	Майдо-ни, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан, суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фонзда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Косонсой	50,8	31,3	20,6	56,3	9,6	-	34,1
Минтбулок	56,3	36,6	34,7	93,9	2,9	0,5	2,7
Наманган	29,9	17,5	15,2	75,3	10,9	0,4	13,4
Норин	20,7	13,0	13,0	92,4	7,6	-	-
Поп	280,0	147,4	33,4	19,8	2,2	0,7	77,3
Тўрақўрган	30,9	17,2	15,0	73,4	11,7	1,9	13,0
Уйчи	31,3	17,8	17,8	85,8	13,8	0,4	-
Учқўрган	30,0	20,7	20,7	94,2	5,8	-	-
Чортоқ	36,9	22,7	15,7	49,3	18,7	1,2	30,8
Ўзгир	91,9	34,2	28,1	63,2	18,4	0,8	17,6
Янгиқўрган	49,9	32,4	23,0	38,0	32,5	0,4	29,1
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>718,1</b>	<b>390,3</b>	<b>237,8</b>	<b>50,8</b>	<b>9,5</b>	<b>0,6</b>	<b>39,0</b>

Маъна: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" - Т.; ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011, - 118 бет. маълумотлари.

**Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ҳудудий таркиби**  
(2013-йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоғи	ХИМ	Қишлоқ хўжалиқ маҳсулоғи	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<b>Шу жумладан:</b>								
Наманган ш.	41,6	0,6	7,3	23,5	20,7	38,1	61,0	61,8
<b>Туманлар:</b>								
Косонсой	2,5	11,1	5,3	6,6	7,7	4,8	2,3	3,4
Мингбулок	2,7	2,6	5,5	3,4	3,4	3,4	0,0	1,9
Наманган	9,0	3,5	9,3	9,7	8,7	5,6	16,8	4,6
Норин	4,2	4,4	6,0	4,2	4,7	5,5	1,1	2,9
Поп	5,9	3,6	6,6	10,8	8,3	6,0	1,6	3,7
Тўрақўрғон	4,7	3,0	8,4	7,5	8,6	7,0	2,8	3,4
Уйчи	7,5	10,1	7,3	8,7	10,7	3,4	7,8	3,1
Учқўрғон	9,6	2,0	7,9	4,6	5,4	5,6	0,5	2,9
Чортоқ	1,3	4,9	8,4	7,4	8,6	3,7	1,3	3,7
Чуст	4,3	5,2	10,0	7,2	7,0	11,0	3,7	5,3
Янгиқўрғон	2,5	49,0	18,0	6,4	6,3	5,8	1,1	3,3

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*

## Фарғона вилояти кишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси

Кишлоқ туманлари	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони минг кв. км	Аҳолиси, минг киши		Ўсш, %	Зичлиги 1 кв. км киши
				1989 йил	2014 йил		
Бешарик	29.09.1926	Бешарик ш.	0,77	140,9	204,6	145,2	265,7
Богдод	31.12.1964	Богдод ш-ча	0,33	108,0	190,1	176,0	576,1
Бувайда	26.12.1973	Янгйўрғон ш-ча	0,28	111,2	202,6	182,2	723,6
Дангара	07.12.1970	Дангара ш-ча	0,43	87,3	155,2	177,8	360,9
Езёвон	27.12.1980	Езёвон ш-ча	0,41	45,9	98,3	214,2	239,7
Олтиарик	29.09.1926	Олтиарик ш-ча	0,63	97,3	191,7	197,0	304,3
Риштон	09.01.1967	Риштон ш.	0,31	119,4	180,6	151,2	582,6
Сўх	27.02.1990	Равон ш-ча	0,31	-	68,8	-	221,9
Тошлоқ	12.04.1973	Тошлоқ ш-ча	0,24	88,4	179,7	203,3	748,7
Учкўприк	29.09.1926	Учкўприк ш-ча	0,28	113,9	203,0	178,2	725,0
Фарғона	22.02.1964	Водил ш-ча	0,62	154,2	193,5	125,5	312,1
Фуркаг	09.04.1992	Навбахор ш-ча	0,31	-	105,4	-	340,0
Ўзбекистон	17.04.1963	Яйпан ш.	0,69	142,6	212,9	149,3	308,5
Қува	10.02.1939	Қува ш.	0,44	105,0	231,7	220,7	526,6
Қўштепа	16.04.1952	Лангар ш-ча	0,37	111,5	169,8	152,3	458,9
<b>Вилоят</b>	<b>15.01.1938</b>	<b>Фарғона ш.</b>	<b>6,76</b>	<b>1425,6</b>	<b>3386,1</b>	<b>237,5</b>	<b>500,9</b>

Жаъвал Ҷузбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида жисаблаб чиқилди.

**Фарғона вилояти янги шаҳарчаларининг ҳудудий тақсими**

т/р	Қишлоқ туманлари	Сони		Аҳолиси (2009 й.)		1. 01. 2008-йилда	
		та	фонда	минг киши	фонда	жами қишлоқ аҳолиси, миң киши	шундан аҳолисининг янги шаҳарчалардаги улуши, %
1	Бешарик	10	5,1	42,3	4,5	151,1	27,8
2	Бог'од	20	10,2	77,4	8,3	154,3	50,2
3	Бувайда	10	5,1	97,6	10,4	171,8	56,8
4	Дангара	8	4,1	22,7	2,4	129,0	17,5
5	Ёзёвон	8	4,1	41,9	4,5	69,9	59,9
6	Олтиариқ	13	6,6	106,2	11,3	144,7	73,4
7	Риштон	13	6,6	74,9	8,0	127,7	58,6
8	Сўх	7	3,6	38,8	4,1	58,2	66,7
9	Тошлоқ	9	4,6	24,1	2,6	137,0	17,6
10	Учкўприқ	11	5,6	33,7	3,6	176,3	19,1
11	Фарғона	20	10,2	119,8	12,8	174,9	68,5
12	Фуркат	8	4,1	22,7	2,4	94,5	24,0
13	Ўзбекистон	21	10,7	63,2	6,7	162,7	38,8
14	Қува	15	7,7	53,4	5,7	157,3	33,9
15	Қўштепа	14	7,2	63,2	6,7	147,3	42,9
	Фарғона ш.	3	1,5	40,2	4,3	40,2	100,0
	Қувасой ш.	6	3,0	15,8	1,7	47,1	33,5
	<b>Жами</b>	<b>196</b>	<b>100</b>	<b>938,0</b>	<b>100</b>	<b>2145,0</b>	<b>43,7</b>

*Жадвал мухаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.*



Фарғона вилояти кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар

Кишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан, суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга nisбатан, фонда		
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар ва пичанзор яйловлар
Бешарик	78,5	27,9	25,5	75,6	13,6	- 10,8
Богдод	42,1	23,2	21,1	76,5	14,6	- 8,9
Бувайда	32,5	18,7	17,4	86,3	5,4	- 8,3
Дангара	45,8	21,0	19,3	87,2	4,6	- 8,1
Ёзёвон	35,9	17,7	17,7	94,4	5,1	- 0,5
Олтиарик	40,1	19,4	19,4	90,1	8,6	- 1,3
Қўштепа	39,9	22,3	22,3	93,3	5,8	- 0,9
Риштон	42,2	23,6	21,1	73,5	13,4	- 13,1
Сўх	22,1	4,6	3,1	38,9	28,4	- 32,6
Тошлоқ	28,0	14,9	14,9	88,8	9,8	- 1,4
Учкуприк	37,2	19,1	17,2	80,9	9,0	- 10,1
Фарғона	61,5	25,4	25,4	74,0	24,5	- 1,5
Фуркат	30,4	16,5	15,2	90,3	1,7	- 8,0
Ўзбекистон	77,0	26,7	21,7	52,7	24,4	- 22,9
Қува	43,8	21,5	21,5	77,2	22,4	- 0,3
<b>Жами</b>	<b>700,5</b>	<b>318,4</b>	<b>298,8</b>	<b>78,3</b>	<b>14,3</b>	<b>- 7,4</b>

Манба: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" - Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011. - 184 бет маълумотлари.

**Фарғона вилояти иқтисодий ва ижтимоий соҳаларининг ҳудудий таркиби**  
(2013-йил, жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулооти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулооти	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмаг	Экспорт	Импорт
Марғилон ш.	2,7	7,6	1,7	5,8	7,4	6,8	1,3	1,8
Фарғона ш.	42,0	33,6	4,1	23,0	28,0	28,4	41,9	62,3
Қувасой ш.	11,9	8,2	4,8	2,9	1,8	2,3	1,0	2,9
Қўқон ш.	11,4	17,8	1,2	8,2	13,6	13,6	14,4	11,7
<i>Туманлар:</i>								
Бешарик	2,0	2,7	6,9	3,6	3,3	3,3	1,6	0,5
Богдол	2,1	4,4	6,4	4,9	3,2	3,0	0,4	0,5
Бувайда	0,7	1,5	5,9	4,3	3,4	2,9	0,3	0,3
Данғара	1,0	2,7	5,8	5,2	2,4	3,8	11,3	14,4
Ёзёвон	0,4	1,3	4,1	4,6	3,5	1,5	0,2	0,2
Олтиарик	0,8	2,5	8,4	6,2	3,5	4,2	0,2	0,3
Риштон	1,7	1,8	5,9	3,7	3,2	4,0	1,2	1,3
Сўх	0,2	0,9	2,5	2,8	1,2	1,5	-	-
Тошлок	8,6	2,2	5,7	3,5	3,4	3,2	24,6	2,3
Учкўприк	0,7	1,7	5,6	3,0	3,7	3,9	0,4	0,8
Фарғона	0,8	2,0	7,1	4,4	7,6	5,2	0,3	0,5
Фурқат	0,5	1,4	3,9	2,1	1,0	1,8	0,0	0,0
Ўзбекистон	2,2	2,3	6,3	3,3	3,5	3,5	0,1	0,2
Қува	2,3	4,3	7,0	5,1	4,2	4,5	0,7	0,0
Қўштепа	0,4	1,1	6,7	3,4	2,1	2,4	0,1	0,1

*Жадвал Ҳазрат Республикаси Республикаси маълумотлари асосида ўзлаштирилган.*

Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари  
(аҳоли жон бошига, 2013-йил)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулот	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Марғилон ш.	0,232	0,666	0,268	0,662	0,689	1,416	1,010
Фарғона ш.	7,310	7,175	0,600	3,621	2,701	2,891	4,893
Қувасой ш.	4,978	2,323	1,813	1,050	1,936	0,846	0,853
Кўқон ш.	1,076	1,766	0,191	2,203	1,411	2,348	1,345
<b>Туманлар:</b>							
Бешарик	0,309	0,374	1,130	0,689	0,482	0,574	0,507
Боғдод	0,400	0,580	1,135	0,466	0,721	0,747	0,452
Бувайда	0,051	0,163	1,029	0,348	0,590	0,698	0,416
Данғара	0,307	0,561	1,263	0,624	1,101	0,426	0,812
Ёзёвон	0,090	0,294	1,572	3,216	1,467	0,835	0,472
Олтиариқ	0,073	0,174	1,385	0,615	1,267	0,795	0,721
Охунбобоев	0,041	0,115	1,310	1,215	0,539	0,511	0,386
Риқитон	0,349	0,225	1,131	0,589	0,733	0,609	0,660
Сўх	0,077	0,259	1,107	0,603	1,149	0,807	0,685
Топлоқ	1,586	0,296	1,012	0,808	0,662	0,571	0,462
Ўчкўприк	0,088	0,260	0,989	0,407	0,845	0,437	0,639
Фарғона	0,101	0,209	1,210	0,403	0,937	0,507	0,812
Фурқат	0,101	0,300	1,242	0,336	0,756	0,738	0,487
Ўзбекистон	0,263	0,134	0,984	0,442	0,635	0,741	0,492
Қува	0,365	0,503	1,080	0,293	0,568	0,899	0,604
<b>Вилоят</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бухоро вилояти киншлок туманлари хақида баъзи маълумотлар  
(1.01.2011 й.)

Киншлок туманлари	Ташкил тошган йили	Туман маркази	Майдони, минг км <sup>2</sup>	Аҳолиси, минг киши		1989-2014 йй, ўсиш, %	Зичлик 1 км <sup>2</sup> киши
				1989й	2014й.		
Бухоро	29.09.1926	Гагаосиё ш.	1,32	69,0	147,0	213,0	111,4
Вобкент	29.09.1926	Вобкент ш.	0,29	62,9	125,6	199,7	433,1
Жондор	17.01.1935	Жондор ш-ча	5,17	84,6	155,1	183,3	30,0
Когон	29.09.1926	Коган ш.	0,50	42,3	67,7	160,0	135,4
Олот	26.12.1989	Олот ш.	3,23	46,4	89,6	193,1	27,7
Пешку	03.04.1989	Янгибозор ш-ча	8,72	62,5	109,5	175,2	12,6
Ромитан	29.09.1926	Ромитан ш.	2,45	68,5	127,0	185,4	51,8
Шофиркон	29.09.1926	Шофиркон ш.	3,72	83,5	160,6	192,3	43,2
Қорақўл	29.09.1926	Қорақўл ш.	8,69	73,0	147,5	202,0	17,0
Қоровулбозор	12.01.1993	Қоровулбозор ш.	2,20	-	16,3	-	7,4
Ғиждувон	29.09.1926	Ғиждувон ш.	3,95	141,3	279,6	197,9	70,8
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>15.01.1938</b>	<b>Бухоро ш.</b>	<b>40,3</b>	<b>1136,0</b>	<b>1756,5</b>	<b>154,6</b>	<b>43,6</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Бухоро вилояти янги шахарчаларнинг ҳудудий тақсимоти**  
(1.01.2009 й. ҳолатида)

Қишлоқ туманлари	Авалли қишлоқлар – янги шахарчаларнинг номи (аҳолиси, киши)	Сони	Аҳолиси, минг киши
Бухоро	Работак (2583), Подшоий (2072), Арабхона (2767), Дехча (2037), Хуминиболо (2044), Ўрға Новметан (2452)	6	14,0
Вобkent	Харғўш (2150), Ширин (2694)	2	4,8
Жондор	Далмун (2250), Чорзона (2275), Тобатар(2385), Бўрибоғи (2183), Ҳазорман (2155), Улот (2086), Самончук (3217), Кулиён (2600)	8	19,1
Олот	Ғанчи Чандир (3064), Бўрибек Чандир (2422), Кесақли (2412), Човдур (2710), Киртай (2179), Сола Қоровул (3312), Талкон сайёҳ (2627), Ўзбекистон (2080)	8	20,8
Пешку	Шавгон (2194), Янгибозор (6460), Пешку (2256)	3	10,9
Ромитан	Қоқшувон (4085), Хоса (2790), Юқори Ғазберон (2202)	3	9,1
Шофиркон	Чандир (2423), Талисафед (3486), Искоғаре (3996), Мирзокул (2179), Жўйрабод (3129), Ғуломте (2042), Кўйи Чуқурак (2296), Ундаре (2336)	8	21,9
Қорақўл	Бандбоши (2989), Янгиқалъа (2453), Қувача (2455), Солур (2884), Сайёд (2596), Қорахожи (2441), Дарғабоғи (2442), Чандирбод (2770), Жигачи (2356), Мирзақалъа (2458), Шўррабод (2286), Яқса Аълам (2145),	12	30,3
Ғиждувон	Абади (2210), Юқори Ростўй (3112), Кўли Жабор (2556), Жовғари (2675), Ғаждумак (2648), Мазрагон (2396), Ўзакон (2681), Бештува (2786), Чағлари (2475), Хатча (2346)	10	25,9
Жами вилоят бўйича:		60	156,8

*Илоҳ: аҳоли сони янги шахарчалар пайдо бўлган вақти бўйича келтирилган.  
Манба: Бухоро вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари.*

## Бухоро вилояти кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан сугориладиган ерлар, минг га	Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фонда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	буз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Бухоро	130,0	75,5	23,0	25,6	4,0	0,9	69,5
Вобкент	39,4	25,2	20,2	73,6	6,4	0,3	19,7
Жондор	518,0	383,1	28,1	6,3	0,8	0,4	92,7
Когон	51,0	23,9	16,9	64,3	5,1	1,3	29,3
Олот	322,6	178,1	17,2	9,0	0,6	0,07	90,3
Пешку	1033,6	837,3	18,8	2,0	0,2	0,03	97,8
Ромитан	418,2	277,7	23,0	7,3	0,7	0,3	91,7
Шофиркон	371,9	187,6	23,2	10,6	1,4	0,4	87,6
Қорақўл	695,4	368,3	19,6	4,8	0,4	0,06	91,7
Коровулбозор	211,0	138,1	15,4	10,3	0,2	0,7	88,8
Ғижувон	394,7	320,5	20,5	5,3	0,7	0,4	93,6
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>4193,7</b>	<b>2807,4</b>	<b>227,8</b>	<b>7,1</b>	<b>0,8</b>	<b>0,2</b>	<b>91,9</b>

Манба: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" – Т.: ЎЗР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011. - 70 бет маъмумотлари.

**Бухоро вилояти кишлок хўжалигининг ҳудудий таркиби**  
(2013 й., жамига нисбатан фоизда)

Худудлар	бошоқли дон	сабзаот	каргош ка	гўшт	сут	мева	узум	йirik шoқли қорамоллар	кўй ва эчкилар	тухум	парран да
Бухоро ш.	0,3	3,7	0,9	6,2	3,6	1,2	1,2	2,0	1,2	1,2	0,8
Когон ш.	0,0	0,3	1,0	3,0	0,9	0,0	0,0	2,1	1,3	1,0	0,8
Бухоро	9,2	12,9	14,3	9,4	11,7	11,4	22,8	9,9	6,7	6,8	10,1
Вобкент	10,9	7,4	8,8	7,2	10,0	17,0	8,3	8,5	4,1	5,6	7,2
Жондор	9,2	12,3	12,9	9,3	10,5	14,1	11,4	10,0	13,9	4,6	8,3
Когон	5,9	3,6	9,0	9,7	4,8	2,4	2,6	6,5	4,0	40,6	29,6
Олот	9,2	7,6	13,0	6,3	7,0	4,8	5,0	8,1	9,1	5,1	4,7
Пешку	7,9	11,0	11,9	7,3	8,8	12,0	8,0	8,5	10,7	4,3	3,3
Ромитан	9,5	8,1	5,0	8,8	9,4	7,5	5,1	8,6	8,2	4,3	4,8
Шофиркон	9,7	8,0	5,8	8,9	11,2	7,6	13,6	8,9	9,1	4,9	4,9
Қорақўл	10,5	11,8	6,0	10,5	11,0	8,8	11,5	14,2	14,1	14,4	11,2
Қоровулбозор	5,5	2,4	1,0	2,2	1,1	0,8	0,6	1,1	6,2	0,3	0,7
Ғиждувон	12,2	10,9	10,4	11,2	11,4	12,4	9,6	11,6	11,4	6,9	13,6
<b>Вилоят буйича</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Жаваб Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Бухоро вилояти ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ҳудудий таркиби  
(2013 й., жамига нисбатан фоизда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоғи	Қишлоқ хўжалик маҳсулоғи	Халқ истеъмол моллари	Пудраг ишлари	Чакана савдо айланмаси	Пуллик хизматлар	Экспорт	Импорт
Жами:	100	100	100	100	100	100	100	100
Бухоро ш.	14,5	1,7	18,8	17,7	36,0	36,4	15,7	12,5
Когон ш.	8,5	0,5	8,7	7,0	4,3	4,0	5,6	0,8
Бухоро	3,3	11,9	2,0	7,9	4,0	6,5	6,3	1,3
Вобкент	1,7	9,3	2,7	4,1	6,1	4,9	0,2	0,3
Жондор	3,4	10,7	4,0	4,9	4,0	5,5	5,9	0,7
Когон	5,8	6,6	1,6	10,3	1,8	3,5	2,2	9,3
Олот	2,4	7,4	1,0	3,5	2,0	4,1	4,9	2,4
Пешку	2,1	9,2	0,6	3,5	2,0	4,2	6,2	0,3
Ромитан	8,7	8,8	2,2	9,0	5,1	5,2	7,1	0,7
Шофиркон	2,2	9,4	1,2	5,8	4,8	6,0	5,2	0,4
Корақул	3,2	10,5	4,2	4,8	10,8	5,8	5,2	1,7
Коровулбозор	36,4	2,5	48,3	12,5	1,1	1,3	24,3	69,2
Ғиждувон	5,5	11,5	4,7	9,0	18,0	12,6	11,2	0,4

Жаъаи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.



Навий вилоят қишлоқ туманлари аҳолисининг табиий ва механик характери  
(хар 1000 кишига нисбатан)

Қишлоқ туманлари	Аҳоли табиий характери						Аҳоли миграцияси		
	2008 й.			2013 й.			кечган лар	кечган лар	миграция қолдиғи
	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш			
Кармана	18,3	5,3	13,0	23,5	5,0	18,0	11,1	5,5	-5,6
Конимех	20,1	5,3	14,8	24,4	5,5	18,9	14,3	33,0	-18,7
Навбахор	23,4	4,7	18,7	20,9	4,2	16,7	10,8	6,7	4,1
Нурога	25,9	5,1	20,8	21,7	4,8	16,9	4,7	7,1	-2,4
Томди	16,5	4,2	12,3	17,3	4,2	13,1	10,7	52,4	-41,7
Учкудук	21,7	4,9	16,8	25,4	4,3	21,1	40,5	55,7	-15,2
Хатирчи	22,5	4,5	18,0	21,7	4,4	17,3	10,7	9,6	1,1
Қизилтепа	21,1	4,3	16,8	20,6	4,3	16,3	7,6	6,8	-0,8
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>21,4</b>	<b>4,8</b>	<b>16,6</b>	<b>21,5</b>	<b>4,6</b>	<b>16,9</b>	<b>13,6</b>	<b>16,7</b>	<b>-3,1</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

**Навий вилоят шаҳар ва кишлоқ туманлари ижтимоий ҳолатининг баъзи бир кўрсаткичлари**  
(2012 й.)

Шаҳар ва туманлар номи	1 кишига		Ҳар 10 минг		Ҳар 10 минг		1 сменада ўқувчи лар, % да	Ичмлик суви билан таъминланганлик даражаси, % да		Табиий газ билан таъминланганлик даражаси, % да	Ҳар 100 минг кишига nisbatan kasallangan lар sonи
	тўғри келадиган уй-жой, кв. м	кишига nisbatan kasallangan ўринлари	кишига келадиган амбулатория-поликлиника муассасалари	Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория-поликлиника муассасалари	Ичмлик суви билан таъминланганлик даражаси, % да	Табиий газ билан таъминланганлик даражаси, % да					
Навий ш.	18,7	97	232	232	66,7	98,8	98,2	91567			
Зарафшон ш.	15,2	42	237	237	67,1	95,2	99,0	81165			
<b>Туманлар:</b>											
Кармана	22,8	55	142	142	83,8	87,3	96,6	63141			
Конимех	19,0	53	192	192	76,6	81,5	72,4	54306			
Навбахор	25,1	32	115	115	82,3	41,9	72,1	55259			
Нурота	19,5	49	218	218	76,3	65,1	80,0	56499			
Томли	12,1	50	240	240	98,9	46,4	-	70489			
Учкудук	18,0	59	191	191	70,7	76,8	-	90379			
Ҳатирчи	19,9	29	109	109	69,7	81,5	66,3	61152			
Қизилтепа	24,4	40	159	159	88,3	79,0	93,8	67474			
<b>Вилоят буйича</b>	<b>20,5</b>	<b>44</b>	<b>166</b>	<b>166</b>	<b>76,5</b>	<b>79,3</b>	<b>80,4</b>	<b>61168</b>			

Маъна: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари  
(жамига нисбатан фонд ҳисобида, 2012 й.)

Худудлар	Саноат маҳсулоти	Халқ истеъмол моллари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Капитал қўйилмалар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Самарқанд ш.	44,1	59,2	0,5	34,6	30,6	26,5	35,9
Қаттақўрғон ш.	2,4	3,3	0,4	0,5	2,2	5,7	3,7
Булунгур	1,3	2,0	9,9	2,3	3,1	4,2	4,1
Жомбой	12,4	5,4	5,8	2,7	4,5	2,8	3,6
Иштихон	1,8	1,1	8,2	2,5	4,1	4,1	4,2
Қаттақўрғон	2,6	1,9	7,6	2,7	5,8	3,8	4,5
Нарпай	3,8	3,0	3,9	3,1	4,5	4,5	4,6
Нуробод	0,3	0,5	2,4	2,7	3,0	3,9	2,7
Оқдарё	1,8	1,2	5,3	2,8	4,7	2,5	3,9
Пайариқ	2,4	1,0	9,0	4,3	6,8	4,8	4,8
Пастдарғом	3,7	1,9	9,2	3,8	5,9	7,9	6,2
Пахтачи	1,5	0,7	4,4	2,0	2,8	4,3	3,6
Самарқанд	6,8	6,0	8,6	3,8	6,9	5,9	5,9
Тойлок	3,1	3,3	9,0	2,9	5,2	2,0	3,2
Ургут	9,0	9,0	12,2	9,6	6,6	13,6	6,1
Қўшработ	0,5	0,6	3,6	19,7	3,3	3,2	2,0
<b>Жами вилоят</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тўзилган.

Самарқанд вилояти фермер ва деҳкон хўжаликлари бўйича айрим маълумотлар  
(01.01.2014 й. ҳолатига)

Қишлоқ туманлари	Фермер хўжаликлари			Деҳкон хўжаликлари				
	сон	бириктирилган ер майдони, минг га	1 та фермерга тўғри келадиган ер, га	ялли қ/х маҳсулотидати улуши, фоизда	сон, минг та	бириктирилган ер майдони, минг га	1 та деҳкон хўжалиги га тўғри келадиган ер, га	ялли қ/х маҳсулотидати улуши, фоизда
Будунгур	1129	37,8	33,5	58,1	25,9	5,5	0,2	40,8
Жомбой	595	31,9	53,6	39,5	25,1	6,2	0,2	59,2
Иштихон	597	41,3	69,2	33,0	35,2	7,8	0,2	65,6
Каттакўрғон	506	61,4	121,3	26,7	45,3	8,1	0,18	70,7
Нарпай	378	30,0	79,4	46,8	32,9	5,4	0,16	51,6
Нуробод	416	79,6	191,3	22,3	17,1	6,6	0,4	76,3
Оқдарё	503	24,1	42,8	44,5	21,7	4,5	0,2	54,3
Пайарик	667	59,4	89,0	42,3	34,9	6,5	0,19	56,6
Пастдарғом	893	56,7	63,5	36,2	50,9	8,1	0,16	62,3
Пахтачи	357	24,8	69,5	31,7	28,3	5,1	0,18	66,3
Самарқанд	483	17,6	36,4	45,9	41,8	3,6	0,08	52,1
Тойлоқ	708	12,9	18,2	46,9	30,7	3,6	0,12	52,0
Уرғут	829	31,6	38,1	20,4	56,3	7,8	0,14	78,1
Қўшработ	267	18,1	67,8	10,4	14,5	4,8	0,33	88,1
<b>Жами</b>	<b>8388</b>	<b>527,1</b>	<b>62,8</b>	<b>37,0</b>	<b>512,3</b>	<b>86,1</b>	<b>0,17</b>	<b>60,6</b>

Жадвал Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Сурхондарё вилояти қишлоқ туманлари майдони ва аҳолиси  
(01.01.2014 й.)

Қишлоқ туманлари	Ташкил толган йили	Майдони, минг кв, км	Маъмурий маркази	Аҳоли сони, минг киши	Аҳоли зичлиги, 1 кв. км киши
Ангор	28.11.1978	0,39	Ангор ш-ча	136,3	348,7
Бойсун	29.11.1965	3,72	Бойсун ш.	106,1	28,5
Денов	29.09.1926	0,74	Денов ш.	346,1	467,7
Жарқўрғон	29.11.1965	1,14	Жарқўрғон ш.	192,4	168,8
Музработ	25.12.1968	0,74	Халқабод ш-ча	124,2	167,8
Олтинсой	23.11.1981	0,57	Карлук ш-ча	153,7	270,0
Сариосиё	29.09.1926	3,93	Сариосиё ш-ча	179,9	45,8
Термиз	29.09.1926	0,86	Учқизил ш-ча	95,3	110,8
Узун	29.03.1991	1,63	Узун ш-ча	155,1	95,1
Шеробод	29.09.1926	2,73	Шеробод ш.	170,3	62,4
Шўрчи	09.02.1935	0,85	Шўрчи ш.	180,1	211,9
Қизирик	06.03.1975	0,55	Сарик ш-ча	148,2	269,4
Қумқўрғон	23.03.1977	2,20	Қумқўрғон ш.	203,3	92,4
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>06.03.1941</b>	<b>20,10</b>	<b>Термиз ш.</b>	<b>2307,5</b>	<b>114,8</b>

Жадвал У-29 давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Сурхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари  
(2013 й. жамига нисбатан фоизда)

Шахар ва туманлар номи	Саноат ишлаб чиқариш	ХИМ	Қишлоқ хўжалик ялли маҳсулоти	Капитал қўйил-малар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экс-порт	Им-порт
Термиз ш.	9,9	13,8	0,1	8,0	18,7	21,0	21,3	19,8	4,5
<i>Туманлар:</i>									
Ангор	4,3	2,0	5,9	3,2	4,0	4,5	4,3	4,8	5,0
Бойсун	1,8	4,5	4,7	16,4	7,8	6,9	4,8	4,0	0,0
Денов	13,0	29,8	15,1	6,4	9,9	9,6	21,8	16,3	5,7
Жаркўрган	21,3	2,9	8,7	8,0	7,1	7,9	5,7	6,5	10,8
Музработ	4,3	2,1	6,2	3,5	3,5	3,0	3,7	4,4	6,4
Олтинсой	0,8	1,9	8,2	5,5	4,6	3,5	4,0	5,0	0,3
Сариосиё	5,5	5,0	6,2	17,4	13,1	15,8	4,6	6,2	3,6
Термиз	2,4	4,3	4,2	5,6	4,6	5,2	2,4	4,3	35,5
Узун	3,3	2,5	7,8	3,7	5,7	4,4	3,8	5,1	3,2
Шеробод	7,1	6,6	8,3	4,2	5,7	4,5	6,8	5,7	8,1
Шўрчи	11,8	20,0	5,8	3,6	3,8	4,2	8,4	6,5	6,0
Қизилрик	4,7	1,7	8,4	3,9	3,3	5,1	4,2	5,0	5,5
Қумкўрган	5,3	2,9	10,4	7,4	5,0	4,4	4,2	6,4	5,4
<b>Вилоят</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Жаълаи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

## Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фонзда			
				экин ерлари	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйдовлар
Ангор	38,7	17,5	16,5	89,2	5,1	-	5,7
Бойсун	357,8	284,7	4,5	7,8	0,6	0,1	91,5
Денов	113,1	83,0	27,7	32,9	4,4	-	62,6
Жаркўрғон	116,1	59,6	22,5	33,6	4,2	-	62,2
Музработ	73,9	36,2	34,2	92,1	2,3	-	5,6
Олтинсой	56,8	42,8	16,6	30,3	14,9	-	54,8
Сариосиё	382,2	147,0	12,5	9,2	2,3	-	88,5
Термиз	86,0	26,8	14,3	50,0	4,4	-	45,6
Узун	184,5	75,1	12,2	19,7	2,5	-	77,8
Шеробод	272,8	169,6	35,7	23,8	1,3	-	74,9
Шўрчи	72,2	48,0	16,4	31,2	3,0	-	65,8
Қизирик	58,8	39,7	37,3	87,8	6,1	-	6,1
Қумкўрғон	193,5	145,6	22,1	12,5	2,7	-	84,8
<b>Вилоят</b>	<b>2009,9</b>	<b>1175,5</b>	<b>272,7</b>	<b>23,9</b>	<b>2,8</b>	<b>0,02</b>	<b>73,3</b>

Манба: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" - Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011. - 146 бет. маълумотлари.

**Сўрхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**  
(2013 й., вилоят ўртача даражасига нисбатан)

Қишлоқ туманлари	Саноят маҳсулот-лари	Халқ истеъмол моллари	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Чакана савдо	Пуллиқ хизмат-лар
<b>Термиз ш.</b>	1,676	2,522	0,013	3,582	4,421
Ангор	0,855	0,447	1,163	0,846	0,715
Бойсун	0,396	0,947	1,034	1,044	0,713
Денов	0,907	2,147	1,009	1,450	1,234
Жаркўрғон	2,553	0,376	1,038	0,685	0,729
Музработ	0,775	0,453	1,158	0,687	0,652
Олтинсой	0,128	0,306	1,171	0,608	0,573
Сариосиё	0,712	0,718	0,782	0,588	0,627
Термиз	0,501	1,124	1,024	0,577	1,519
Узун	0,483	0,400	1,164	0,576	0,597
Шеробод	0,966	0,970	1,122	0,922	0,618
Шўрчи	0,151	2,788	0,750	1,082	0,665
Қизирик	0,722	0,288	1,307	0,641	0,672
Қумкўрғон	0,602	0,353	1,180	0,475	0,649
<b>Вилоят</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.*



## Қашқадарё вилояти қишлоқ туманлари майдони ва аҳолиси (1.01.2014 й.)

Қишлоқ туманлари	Ташқил топган йили	Туман маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши	Аҳоли зичлиги, 1 кв.км/киши
Дехнобод	31.08.1971	Қарашина ш-ча	4,00	126,6	31,7
Қасби	25.12.1968	Муғлон ш-ча	0,65	173,3	266,6
Қитоб	25.12.1968	Қитоб ш.	1,75	233,9	133,7
Қосон	29.09.1926	Қосон ш.	1,88	250,1	133,0
Қиришқор	25.04.2003	Янги Қиришқор ш-ча	3,21	106,7	33,2
Қуборақ	13.09.1978	Қуборақ ш.	3,07	77,8	25,3
Қишон	06.03.1975	Янги Қишон ш.	2,11	130,4	61,8
Қироқчи	22.02.1964	Қироқчи ш.	2,84	349,9	123,2
Қаҳрисабз	29.09.1926	Қаҳрисабз ш.	1,66	324,3	195,4
Қақабоғ	20.09.1926	Қақабоғ ш.	1,10	231,3	210,3
Қамаш	31.12.1964	Қамаш ш.	2,66	237,2	89,2
Қарши	04.10.1931	Бешкент ш.	0,91	215,4	236,7
Қузор	29.09.1926	Қузор ш.	2,65	181,6	68,5
<b>Вилоят</b>	<b>20.01.1943</b>	<b>Қарши ш.</b>	<b>28,6</b>	<b>2895,5</b>	<b>101,2</b>

Жадвал У-3Р Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Қашқаларé вилóяти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий жиҳатлари  
(2013-йил, жамига нисбатан фонзда)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Пудраг ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Қарши ш.	9,3	43,3	0,9	22,7	30,3	33,2	18,6	23,3	59,2
<b>Туманлар:</b>									
Дехқонобод	1,5	0,5	3,4	9,6	3,2	2,9	4,9	7,6	1,4
Қасби	1,2	0,7	7,6	1,1	4,1	3,3	5,2	8,2	0,0
Қитоб	0,6	3,4	8,6	1,9	6,2	7,5	7,1	0,6	0,8
Қосон	2,8	12,5	9,5	2,2	5,8	8,1	6,8	10,3	0,4
Миришкор	1,0	1,0	7,2	6,6	2,8	3,2	4,4	5,0	0,0
Муборак	45,2	2,0	4,3	25,4	6,3	1,8	5,3	2,3	16,8
Ниншон	1,1	0,8	6,7	7,9	3,4	3,5	5,3	6,0	2,6
Чироқчи	0,8	4,2	10,7	2,0	4,3	6,8	7,0	2,9	0,4
Шаҳрисабз	3,0	22,0	8,4	2,0	7,7	8,6	8,2	4,8	0,8
Яккабоғ	0,9	4,0	8,4	2,7	5,8	6,3	6,7	3,9	0,2
Қамаши	1,3	2,2	8,4	2,1	4,7	7,7	6,8	6,7	0,3
Қарши	1,7	1,7	9,2	2,9	8,2	2,5	6,9	7,1	1,7
Ғузор	23,3	1,7	6,7	10,9	7,2	4,2	6,8	11,5	15,4
<b>Вилóяг</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Изоҳ: Саноатнинг ҳудудий таркибида "булинимиладиган" хўрасатчилар (6,1%) киритилмаган.

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

## Қашқадарё вилояти кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда:			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Дехқонobod	395,7	279,8	2,2	15,9	0,2	1,3	82,6
Қасби	73,5	51,1	46,3	87,0	3,7	-	9,3
Қитоб	174,2	102,7	16,0	21,3	7,0	1,4	70,3
Қосон	188,1	143,9	66,4	51,0	1,7	1,8	45,5
Қиришқор	312,5	277,3	58,5	20,0	0,5	0,7	78,8
Қуборак	307,0	261,8	33,0	13,1	0,3	-	86,6
Қишон	211,1	156,3	53,9	33,2	1,3	-	65,5
Қироқчи	283,7	240,7	25,4	51,2	1,2	3,4	44,3
Қиҳрисабз	166,7	102,7	22,1	24,4	4,4	0,4	70,8
Қикбағ	134,9	100,2	29,6	39,0	5,0	2,2	53,8
Қамаши	245,7	179,0	30,3	35,1	1,1	0,4	63,3
Қарши	91,7	65,9	43,8	67,0	4,2	1,3	27,5
Қузор	265,2	231,9	32,8	26,6	0,4	0,3	72,7
<b>Қилоят</b>	<b>2856,8</b>	<b>2195,3</b>	<b>461,4</b>	<b>31,1</b>	<b>1,6</b>	<b>1,0</b>	<b>66,3</b>

Қамаши: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" – Т.: ЎЗР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011, - 94 бет маърумотлари.

Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий индикаторлари  
(аҳоли жон бошига, 2013-йил)

Шаҳар ва туманлар номи	Саноат маҳсулот	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулот	Капитал қўйилма-лар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат
Қарши шаҳри	1,860	2,979	0,083	1,205	3,043	4,548	3,010
Дехқонобод	0,132	0,125	0,835	1,706	0,581	0,634	0,743
Касби	0,179	0,092	2,059	0,262	0,561	0,302	0,377
Китоб	0,058	0,577	1,273	0,221	0,644	0,896	1,520
Косон	0,245	1,472	1,229	0,336	0,916	0,856	0,859
Миришкор	0,262	0,344	0,958	4,719	0,704	0,536	0,674
Муборак	18,140	0,568	1,244	10,582	2,472	0,817	2,794
Нишон	0,254	0,166	2,726	1,305	0,797	0,767	0,767
Чирокчи	0,051	0,298	0,905	0,138	0,306	0,357	0,388
Шахрисабз	0,190	1,965	0,618	0,317	0,698	0,731	0,589
Яккабўғ	0,100	0,509	1,024	0,324	0,636	0,764	0,605
Қамали	0,136	0,343	1,073	0,169	0,403	0,714	0,883
Қарши	0,152	0,278	1,072	0,402	1,053	0,418	0,905
Ғузор	3,709	0,161	1,021	1,998	2,094	0,645	0,634
<b>Вилоят</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>	<b>1,000</b>

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

## Қорақалпоғистон қишлоқ аҳоли пунктларининг таркибий тузилиши

Қишлоқ туманлари	250 кишигача		250-500 киши		500-1000 киши		1000-2000 киши		2000-3000 киши		3000 киши ва ундан ортиқ		Жами	
	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли	қ.а.п	аҳоли
Амударё	13	2168	29	10256	32	23133	34	47893	8	19629	3	9938	119	113017
Беруний	4	536	7	2720	16	12393	22	31661	13	30125	5	18596	67	96031
Кегейли	85	12732	39	13821	24	15178	3	4243	1	2482	-	-	152	48456
Мўйноқ	6	855	4	1348	3	2252	7	9094	1	2030	-	-	21	15579
Нукус	10	1872	9	3328	12	9062	6	7982	2	5367	2	9914	41	37525
Тахтақўлир	18	2706	5	1679	11	7802	6	9338	1	2131	-	-	41	23656
Тўртқўл	12	1619	9	3756	22	16533	29	43727	9	21649	5	17504	86	104788
Хўжайли	24	4162	34	12507	28	17450	19	26191	4	8854	-	-	109	69164
Чимбой	72	9759	45	15903	6	3693	7	9603	-	-	3	10873	133	49831
Шуманой	48	5673	25	8630	16	10129	3	3383	-	-	-	-	92	27815
Элликкалъя	7	910	7	2757	17	12696	37	53122	15	37745	2	6746	85	113976
Қонликўл	8	1288	11	3896	11	8039	5	7779	-	-	3	10862	38	31864
Қораўзақ	63	9309	29	9789	9	5552	3	4541	1	2340	-	-	105	31531
Кўнғирот	5	835	12	5094	8	5931	14	20797	1	2228	2	6767	42	41652
<b>Жами</b>	<b>375</b>	<b>54424</b>	<b>265</b>	<b>95484</b>	<b>215</b>	<b>149843</b>	<b>195</b>	<b>279354</b>	<b>56</b>	<b>134580</b>	<b>25</b>	<b>91200</b>	<b>1128</b>	<b>861301</b>

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

## Қорақалпоғистон Республикаси кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар

Қишлоқ туманлари	Умумий ер майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда:			
				экин ерлари	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Амударё	102,1	43,9	34,0	74,0	3,5	-	22,5
Беруний	393,1	324,2	29,8	8,9	0,3	-	90,8
Кегейли	260,3	120,2	51,4	30,5	0,2	0,4	68,9
Мўйнок	3748,5	196,6	25,9	4,3	0,02	0,4	95,2
Нукус	94,4	49,7	29,9	45,6	6,8	4,9	42,7
Тахтақўпир	2112,2	1463,8	33,4	2,2	0,01	0,04	97,7
Тўрткўл	747,4	605,9	27,2	4,3	0,1	0,1	95,5
Хўжайли	235,3	143,2	32,5	22,5	0,2	-	77,3
Чимбой	219,8	131,4	49,7	33,4	0,09	2,0	64,5
Шуманой	81,4	49,0	26,6	54,3	-	-	45,7
Элликкалья	541,9	387,5	30,6	7,4	0,2	0,2	92,2
Қонлиқўл	74,4	46,4	33,7	70,8	0,07	0,3	28,6
Қораўзақ	589,1	415,6	33,9	7,8	0,01	0,3	91,9
Кўнгирот	6949,6	1238,3	39,7	3,1	0,01	0,07	96,8
<b>Жами</b>	<b>16174,0</b>	<b>5223,5</b>	<b>479,2</b>	<b>8,1</b>	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>	<b>91,5</b>

Манба: "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди" - Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2011. - 44 бет маълумотлари.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
<b>БИРИНЧИ ҚИСМ</b>	
1.1. Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни, майдони, чегаралари.....	4
1.2. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий ресурслари	11
1.3. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши, жойланиши ва меҳнат ресурслари.....	20
1.4. Республика хўжалигининг умумий тавсифи.....	32
1.5. Республика саноати ва унинг тармоқлар таркиби.....	37
1.6. Ўзбекистон кишлок хўжалиги: тармоқлар таркиби ва географияси.....	60
1.7. Ижтимоий соҳалар географияси, рекреация ва туризм..	80
1.8. Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.....	88
<b>ИККИНЧИ ҚИСМ</b>	
2.1. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг худудий таркиби ва иқтисодий районлари.....	96
2.2. <b>ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ</b> .....	101
2.2.1. Тошкент вилояти.....	102
2.2.2. Тошкент шаҳри.....	122
2.3. <b>МИРЗАЧЎЛ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ</b> .....	138
2.3.1. Жиззах вилояти.....	139
2.3.2. Сирдарё вилояти.....	152
2.4. <b>ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ</b> .....	170
2.4.1. Андижон вилояти.....	171
2.4.2. Наманган вилояти.....	189
2.4.3. Фарғона вилояти.....	207
2.5. <b>ЗАРАФШОН ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ</b> .....	224
2.5.1. Бухоро вилояти.....	226
2.5.12. Навоий вилояти.....	244
2.5.3. Самарқанд вилояти.....	263
2.6. <b>ЖАНУБИЙ ИҚТИСОДИЙ РАЙОН</b> .....	282
2.6.1. Сурхондарё вилояти.....	283
2.6.2. Қашқадарё вилояти.....	299
2.7. <b>ҚУЙИ АМУДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ</b> .....	316
2.7.1. Қорақалпоғистон Республикаси.....	317
2.7.2. Хоразм вилояти.....	335
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>352</b>

ISBN 978-9943-305-90-8



9 789943 305908